



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИ

(ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАР ДАН
ҲОЗИРГИ КУНГА ЧА)

6-жилд

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2019



УЎК: 930.24
КБК: 863.3 (5Ў)
Ў 32

Масъул муҳаррир
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **А.Х.Камилов**

Тақризчилар:

Э.Ртвеладзе, академик (ЎзР ФА Санъатшунослик институти),
Д.Юсупова, академик (ЎзР ФА Шарқшунослик институти),
А.Ахмедов, тарих фанлари доктори, профессор (ЎзР ФА Шарқ-
шунослик институти),
Х.Тураев, тарих фанлари доктори, профессор (Бухоро давлат универ-
ситети);
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази,
Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби.

Миллий давлатчилигимиз қадимий ва бой тарихга, Ўзбекистон диплома-
тияси эса чуқур тарихий илдизларга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Қадимдан мамлакатимиз ҳудудида дипломатия
анъаналари шакланган, аجدодларимиз яқин ва узоқ хориж билан дўстлик ва
ҳамкорликда яшашга интиланлар».

Мазкур жилдада ўзбек дипломатиясининг қадимги замонлардан бошлаб
бугунги кунгача – мустақил Ўзбекистон дипломатияси шаклланиши ва тараққий
этишигача бўлган давр тизимли равишда очиб беришга ҳаракат қилинди.

Нашрдан асосий мақсад Ўзбекистон ҳудудидаги дипломатик анъаналар ва
мактабларни улар амал қилган тарихий давр ва давлат тузилмаларидан қатъи
назар тарихий ворисликда кўрсатишдан иборат. Ўзбекистоннинг улкан ўтмиш
тажрибаси шуни кўрсатадики, дипломатия доимо халқлар ўртасида тинчлик ва
муроса, хавфсизлик ва барқарорлик, савдо ва иқтисодий тараққиёт, ўзаро бир-
бирини тушуниш ва дўстлик воситаси бўлган.

Ушбу ишнинг яратилишида мамлакатимизнинг турли илмий муассасалари
ва олий ўқув юрталари: Ўзбекистон Фанлар академияси тизими, Мирзо Улуғбек
номидаги Миллий университет, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университе-
ти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда бошқа
ўқув ва илмий муассасаларнинг тарихчи олимлари ва мутахассислари иштирок
этидилар.

Китоб тарихий манбалар, махсус маҳаллий ва хорижий адабиётлар, бой
ҳужжатли маълумотларга асосланган. Ушбу нашр дипломатия ва унга алоқадор
соҳалар мутахассислари, талабалар ҳамда Ўзбекистон дипломатияси тарихига
қизиқувчилар учун мўлжалланган.



Ўтмишга берилган баҳо албатта ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қараишлардан холи бўлиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

СЎЗБОШИ

«Ўзбекистон дипломатияси тарихи» асари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ўзбек дипломатиясининг «тарихий илдизлари, мустақиллик даврида ўзига хос шаклланиш жараёнлари» ҳақида алоҳида илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги борасидаги ташаббусининг маҳсулидир*. Ушбу тадқиқот мамлакат илмий ва сиёсий ҳаётида ўзига хос ҳодисадир. Синчковлик билан танланган ва чуқур ўрганиб чиқилган тарихий материаллар Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши, замон билан ҳамнафас ва миллий тарих ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги кўп асрлик давлатчилик анъаналари билан яқиндан боғлиқликда ривожланишининг асосий босқичларини аниқ-равшан очиб беради.

Дипломатия кўп асрлардан бери инсон фаолиятининг энг муҳим ва масъулиятли касб турларидан бири бўлиб келган ва унинг қамрови бутун дунё мамлакатлари ҳамда халқларини ўз ичига олади. Тарихан дипломатия давлатчиликнинг, сиёсий ва ижтимоий институтларнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. У узлуксиз ҳаракатда, тараққиёт ва такомиллашув жараёнида. Китобда ана шу жараён батафсил ва кенг баён этилган. Тарихчи, шарқшунос, этнолог, маданиятшунос олимлар, дипломатик иш тажрибасига эга бўлган халқаро соҳа мутахассисларидан иборат нуфузли муаллифлар жамоасининг жиддий меҳнати маҳсули бўлмиш ушбу рисола халқаро муносабатларнинг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунгача бўлган мураккаб, баъзан ўта но-зик қирралари ва бурилиш жараёнлари, тараққиётнинг машаққатли босқичлари, унда рўй берган буюк ҳодисаларнинг илдизлари ҳамда минтақадаги ва жаҳондаги тарихий ҳодисаларнинг чамбарчас боғланиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Замонлар ўзгарди, бир давр бошқаси билан алмашди, бироқ мамлакатлар ва халқлар ўзлиги, маданиятини асраб-авайлаб, садоқат ва сабот билан сақлаб келдилар. Буларнинг бар-

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи. 12 январь 2018 йил. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-manfaatlarini-khal-aro-mi-yesda-atiy-imoya-ilish-d-12-01-2018>.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

часи минтақа халқлари алоқаларига бетакрорлик, ноёблик бахш этдики, бу, шубҳасиз, Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги ўзгача, алоҳида турдаги дипломатик муносабатлар тимсолидир. Ўзбекистон дипломатияси, унинг ҳудудида истиқомат қилувчи халқлар ўз тарихий ривожиди қўлга киритган жиддий ютуқлар минтақада тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни сақлаш борасида сўнмас яратувчилик кучи ва салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Китобда кенг халқаро ва минтақавий миқёсда ҳамда назарий материал асосида миллий давлатчиликнинг қўлга киритилиши, мустақилликнинг оёққа туриши мамлакатнинг умумэътирофдаги суверен ташқи сиёсати ва дипломатик фаолияти билан уйғун ва чамбарчас боғлиқликда кечганлиги тўғрисидаги фикр асосланади. Китоб материаллари замонавий ўзбек дипломатиясига юксак маънавий қадриятлар, инсонпарварлик ва адолат тушунчалари, ўз мамлакати миллий манфаатларига хизмат қилиш ҳамда минтақавий ва глобал вазиятларни объектив баҳолашга асосланган қатъий сиёсий прагматизм хослигини кўрсатади. Ушбу тамойилларни ўрганиш, англаб етиш ва асраб-авайлаш авлодлардаги ворислик туйғусининг узлуксизлиги, ёшларда миллий анъаналарга, Ватанга муҳаббатни тарбиялашнинг муҳим ифодаси бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сиёсати ва дипломатияси йўналишларини мамлакатни комплекс равишда модернизация қилиш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш борасидаги узоқ муддатли режалар белгилаб беради. Уларни амалга ошириш учун қулай ташқи шарт-шароит яратиш ўзбек дипломатиясининг устувор вазифасидир. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташқи сиёсий ташаббусларига халқаро ҳамжамиятнинг жавоби шундан далолат берадики, ўзаро ишонч ҳамда очиқлик, яқин ва узоқ қўшнилар билан мулоқот ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик, минтақада мутлақо **янги**, соғлом вазият, дўстона **муҳит**нинг вужудга келиши кўплаб хорижий шерикларни Ўзбекистон билан муносабатларни чуқурлаштириш истиқболларига қайтадан нигоҳ ташлашга ундади. Тошкент тенглик ва бир-бирларининг манфаатларини инобатга олиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик заминиди шундай истакда бўлган барча билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга тайёрдир.

Зеҳли китобхон ушбу жилд билан яқиндан танишар экан, унда халқаро ва минтақавий тараққиётнинг мураккаб босқичида, шиддат билан ривожланаётган зиддиятли дунёда дипломатия санъати ва маҳорати, келиша билиш қобилияти ва кўникмасининг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги тўғрисидаги концептуал фикр туғилади. Бугунги глобаллашган замонда дипломатия фақатгина «соф сиёсат» билан чекланиб қолмайди. Бугун Президент Ш.Мирзиёев саъй-ҳаракати



Сўзбоши

билан ўзбек дипломатиясининг асрлар давомида шаклланиб, иқтисодиёт, савдо, коммуникация ривожига, янги технология ва ғоялар алмашинувиغا хизмат қилган асосий тамойиллари қайта тикланмоқда. Бу инсон ҳаётининг барча жабҳалари билан жиддий шуғулланиш, глобал ва минтақавий тамойилларни хушёрлик ила таҳлил қила билиш, қўйиладиган қадамларни олдиндан кўра билиш, янги ғоялар яратишни талаб қилади. Муаллифлар жамоаси томонидан яратилган мазкур монография мазмуни бугун мустақил Ўзбекистон дипломатияси ушбу вазифаларга ҳамоҳанг қадам ташлаётганини тасдиқлайди.

«Ўзбекистон дипломатияси тарихи» жилди жуда катта ҳажмдаги тарқоқ материаллар жамланиб, яхлит ҳолга келтирилганлигининг ўзига хос намунасидир. Китобни ёзишда Марказий Осиёнинг умумжаҳон маданий-тарихий, иқтисодий-сиёсий жараёнлардаги алоҳида роли ва ўрнини исботловчи ноёб ҳамда бетақрор факсимилелар, тарихий фолиант ва манбаларга таянилган. Ушбу нашр Ватанимиз тарихига қизиқувчи Ўзбекистоннинг ўтмиши, бутуни ва келажигига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

А. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазири



КИРИШ

Ўзбек халқи миллий давлатчилиги қадимий ва бой тарихга эга. Шунга мос равишда ўзбек дипломатиясининг ҳам чуқур тарихий илдизлари бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: «Қадимдан мамлакатимиз ҳудудида дипломатия анъаналари шаклланган, аждодларимиз яқин ва узоқ хориж билан дўстлик ва ҳамкориликда яшашга интилганлар». Ушбу жилдда ўзбек дипломатиясининг қадимги даврларидан бошлаб то бугунги кунгача – мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва тараққий этишигача бўлган тарихий илдизларини очиб беришга ҳаракат қилинди. «Ўзбекистон дипломатияси тарихи» ғоявий жиҳатдан ўз олдига ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгу шуурида чуқур ватанпарварлик, ўз халқи ва мамлакатига садоқат ҳиссини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадини қўяди.

Мазкур китобда дипломатия жаҳондаги халқларининг бетакрор маданий қадриятлари, ўзлиги, ноёб анъана ва урф-одатлари, савдо, иқтисодий алоқаларининг рамзи бўлган феномен сифатида таърифланади. Тарихий жиҳатдан дипломатиянинг бош вазифаси ҳамиша баҳсли масалаларни тинч йўл билан, музокара ва келишув асосида ҳал қилишдан иборат бўлган. Дипломатия қадимдан энг самарали ва қулай ташқи сиёсат воситаси сифатида мавжуд бўлган, ҳозирги кунда халқлар ва давлатларнинг биргаликда тараққиёти омили бўлиб хизмат қилмоқда. Дунё тарихий тараққиёти жараёнида замонлар, даврлар ўзгарди, бироқ дипломатик муносабатлар борасидаги қоидалар, анъаналар ва институтлар, энг асосийси, халқлар ўртасида ўзаро алоқалари бўлган эҳтиёж ўзгармасдан қолаверди.

Шу нуқтаи назардан қўлингиздаги ушбу нашрнинг асосий мақсади Ўзбекистон ҳудудидаги дипломатик мактабларнинг улар яшаган тарихий давр ва давлат тузилмаларидан қатъи назар тарихий ворислигини кўрсатишдан иборат. Ўзбекистоннинг катта тарихий тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, дипломатия барча замонларда ўзбек халқининг бошқа халқлар билан тинчлик ва муросяда, хавфсизлик ва барқарорликда, савдо ва иқтисодий тараққиёт, ўзаро бир-бирини тушуниш ва дўстлик муҳитида яшаш воситаси сифатида хизмат қилган.



Кириш

Китобда қадимги минтақа давлатлари билан дипломатик муносабатларнинг илк шакллари куртак ёзиши ва қарор топиши тарихи босқичма-босқич, хронологик тартибда баён қилинган. Бу маълумотларни аниқлашда Қадимги Эрон, Ассурия, Юнон, Рим ва Хитой ёзма манбаларидан кенг фойдаланилди.

Марказий Осиё тарихида халқаро ҳужжатнинг илк намунаси сақларнинг Мидия билан урушига яқун ясаган тинчлик шартномаси ҳисобланади. Уни тахминан мил. авв. VII аср охири ва VI асрларга мансуб дейиш мумкин. Мазкур ҳужжатда малика Шамурамаат (Семирамида) билан сак маликаси Зарина ўртасидаги элчилик ҳамда ташқи алоқаларга дахлдор масалалар кўриб чиқилган. Ахоманийлар даврида дипломатия Марказий Осиёнинг турли давлатлари ва қабила уюшмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаштиришнинг махсус шакли сифатида энди анча барқарор хусусият касб этган. Массagetлар маликаси Тўмариснинг ахоманийлар шоҳи Кир II билан ёзишмалари, шунингдек, Ўрта Осиё халқларининг Доро I, Ксеркс (юнон-эрон уруши даврида) ва кейинги ҳукмдорлар давридаги алоқалари таҳлил қилинади. Эллинизм давридаги (мил. авв. VI аср охири ва мил. авв. II аср иккинчи ярми) ташқи алоқалар икки даврга бўлиб ўрганилади: 1) Александр Македонскийнинг Марказий Осиё халқлари билан муносабатлари; 2) ҳозирги Ўзбекистоннинг эллин давлатлари таркибига кирувчи Салавкийлар ва юнон-бактрияликлар билан муносабатлари кўриб чиқилади.

Китобда Марказий Осиёнинг Хан сулоласи ҳукмронлиги давридаги Хитой (мил. авв. 206–222) билан ўзаро муносабатлари, Чжан Цян ва бошқа хитойлик элчиларнинг Ғарбий Ўлкага (Марказий Осиёга) ташрифлари ёритилган. Хитойнинг Даван – ҳозирги Фарғонага тўғри келувчи қадимий тарихий-маданий ҳудуд билан алоқаларининг ўзига хослиги очиб берилади. Хан даврида Хитойнинг яна бир Марказий Осиё давлати Кангюй билан муносабатлари, шунингдек, Хитойнинг Бактрия ва Сўғд билан савдо-дипломатик алоқалари ёритилган. Қадимги Корея (Когорё давлати) ва Сўғд ўртасидаги тарихий-маданий муносабатлар далиллар асосида батафсил келтирилади. Ўрта Осиё ва Кореянинг қадимий ҳудудлари ўртасидаги алоқалардан бевосита ва билвосита далолат берувчи ўринларга эътибор қаратилади. Кушон империясининг Рим, Хан империяси, Парфия ҳамда Ҳиндистон билан муносабатлари алоҳида кўриб чиқилади.

Тамаддуннинг энг буюк ютуқларидан бири бўлмиш Буюк ипак йўли феномени очиб берилади. Ушбу трансминтақавий йўл инсоният тарихида илк бор Ғарб ва Шарқни, Ўрта Ер денгизи ва Узоқ Шарқ мамлакатларини, антик ва хитой цивилизациясини ўзаро боғлади. Буюк ипак йўлининг сўғдлар томонидан истилоси деб аталувчи кам ўрганилган ҳодиса билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилади. Сўғдларнинг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Хитой Ғарбий ўлкасида (Дунхуан, Хўтан, Ний, Крорайн) амалдор ва бошқарувчи сифатидаги ўрни кўрсатилган. Сўғд савдогарлари орқали Япония билан муносабатларга эътибор қаратилади, бунга далил сифатида япон императори хазинасидаги артефактлар келтирилади.

IX–XIII асрлар Марказий Осиё иқтисодий ва технология тараққиёти жиҳатидан етакчи мавқени эгаллаган, фан ва маданият гуллаб-яшнаган алоҳида давр сифатида ажралиб туради. Нашрда Ўзбекистон ҳудудидаги Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давридаги давлатларнинг халқаро муносабатлари ва дипломатик алоқалари тизимли таҳлил қилинади. Ушбу давлат тузилмалари Евроосиёнинг йирик империялари эди. Дипломатик хизматнинг янги шакллари етила бошлайди, уларга кўра турли давлатлар ҳукмдорлари ўртасидаги алоқалар асосида мажбурий, иккитомонлама, мунтазам ва имкон қадар тенг ҳуқуқли дипломатик вакиллик алмашинуви ётади. Ўрта асрларда минтақанинг ривожланган давлатлари ўша даврнинг етакчи геосиёсий акторлари: Ғарбда Хазор хоқонлиги, Византия империяси ва Волга Булғорияси, Шарқда Хитой ва Тибет, Жанубда Аббосийлар салтанати, Ҳиндистон ва Эрон билан қизғиндипломатик алоқаларни йўлга қўйган эдилар. Муаммо мазкур давлатлар фан ва маданият олами шаклланиши ҳамда тараққий этишининг энг ёрқин даври призмаси орқали ўрганилган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё минтақасининг халқаро мақомини мустаҳкамлаган, унинг маданий ҳамда сиёсий маркази эса ҳозирги Ўзбекистоннинг тарихий Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросоннинг шимоли-шарқий қисмини ўз ичига олган ҳудуди бўлган. Ушбу жараёнларнинг чуқур тарихий моҳияти ва уларнинг самарадорлиги минтақани ўша даврдаги жаҳон цивилизацияси муҳим марказларидан бири сифатида тақдим этди. Ўрта аср Марказий Осиё давлатлари (Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар)нинг халқаро алоқалари Марказий Осиё халқларининг минг йиллик анъаналари асосида қурилган. Ушбу давлатларнинг дипломатик протоколи ва этикетида ноёб маҳаллий ва халқаро тажриба симбиози кузатилган. Бу ўрта асрлардаги халқаро сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий муносабатлар тизимида минтақанинг алоҳида ўрин тутишини таъминлади.

Ўрта Осиёда маданиятлараро ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар пайдо бўлди ва бу кўплаб тадқиқотчилар томонидан «**Марказий Осиё Ренессанси**» деб таъриф берилган «олтин аср»га қадам қўйишга туртки бўлди. Бундай таъриф минтақанинг чуқур тарихий ва цивилизацион мероси, бой маданий ва интеллектуал тажрибасини ҳисобга олган ҳолда берилди. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд Кошғарий каби машҳур



Кириш

ноёб энциклопедик олимларнинг фаолияти халқаро алоқаларни жадаллашувига ёрдам берди. Уларнинг қарашлари, таълимоти Яқин Шарқ ва Европада, Ҳиндистон ва Хитойда кенг тарқалди. Ушбу ғоялар ва технологияларни етказиб берувчи Марказий Осиё савдогар ҳамда тадбиркорлари, саёхатчи ҳамда зиёратчилар эди.

Амир Темур ва темурийлар даври дипломатияси ва халқаро муносабатлари нафақат Ўзбекистон тарихида, балки бутун дунё тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Хронологик нуқтаи назардан ушбу давр Мовароуннаҳрда 1370 йилдан 1500 йилгача, Хуросонда 1506 йилгача, Афғонистонда 1530 йилгача, Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилгача давом этган. Мазкур жилда Амир Темур ва темурийлар дипломатияси тарихи ва ўзига хослиги, сиёсий ва ҳуқуқий асослари ўша давр тарихий шарт-шароитини инобатга олган ҳолда оригинал манбалар асосида ўрганилди.

Амир Темур дипломатияси Евроосиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг самарали воситаси вазифасини бажарган. Амир Темурнинг бош мақсади Хитойдан Босфоргача бўлган ерларда иқтисодий макони Буюк ипак йўли тизимига мос келадиган ягона марказлашган давлат қуриш эди. Бунинг асосий шarti – ҳудудда яшовчи халқларнинг сиёсий-иқтисодий фаолиятдаги эркинлигини таъминлаш, ягона савдо қонунчилиги, пул тизими, ўлчов ва вазн бирлигини ўрнатиш эди. Амир Темур сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли давлатни, энг аввало, савдо ва хунармандчиликни ривожлантириш орқали яратиш мумкин эканлигини яхши тушунар эди. Шу сабабли савдо, савдогарлар мулки ва ҳаёти муҳофазаси унинг фаолиятида марказий ўрин тутарди. Ғарблик элчилар ва сайёҳлар Трапезундан Самарқандгача бўлган барча мулклар Темур ҳукмронлиги остида ва осуда ҳаёт кечирганларини қайд этадилар.

Нашрда Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясининг асосий йўналишлари: Амир Темур ва Хоразм, Амир Темур ва Олтин Ўрда, Амир Темур ва Хитой, Амир Темур ва Ҳиндистон, Амир Темур ва Миср мамлуқлари, Амир Темур ва Боязид, Амир Темур ва Ғарб муносабатлари ҳақида сўз боради. Соҳибқироннинг амалий дипломатиясига, Марказий Осиёда Темур ва темурийлар даври дипломатик муносабатлари ва дипломатик протоколга жиддий эътибор қаратилган. Амир Темур дипломатияси ҳам сиёсий, ҳам инсон ресурслари имкониятларини кенг қўлланиши, тезкорлиги, тартибланиши ва тизимлилиги билан ажралиб турар эди. Давлатлараро алоқалар бир ҳукмдорнинг бошқасига элчи жўнатиши йўли билан амалга оширилар эди. Элчининг бош вазифаси ўз давлати билан вакил бўлиб борган мамлакат ҳукмдори ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш эди. Китобда Амир Темурнинг дипломатик корпуси ва унинг машҳур элчи-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

лари ҳақида маълумот берилган. Кўпчилик тадқиқотчилар глобаллашувнинг бошланиши ва «ягона макон» ғоясининг вужудга келишини айнан шу давр билан боғлайдилар.

Жилдда Амир Темур дипломатик одоби ва дипломатик ёзишмалари, дипломатик техникаси: ультиматум, мураса, ташқи сиёсий мақсадларга эришиш йўлида музокаралар ва тарғиботнинг ўзига хосликлари очиб берилади. Шунингдек, Амир Темур саройида дипломатик маросимлар: совға-саломлар, шоҳ мактубининг тақдим этилиши, элчиларни таништириш кабиларнинг ўзига хослиги ҳам баён этилган. Амир Темур саройида дипломатик протокол ва удумларга назокат ва аниқлик ила амал қилиниши давлатнинг халқаро имижига ортишига кўмаклашган.

Амир Темур ва темурийлар даврида зиёли элитанинг салтанат халқаро алоқалари ҳамда дипломатик муносабатлари тараққиётига фаол таъсири ўша кезлардаги Ўрта Осиёда маданий, адабий ва илмий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши билан белгиланади. Самарқанд ва Ҳирот сарой, мадраса ҳамда кутубхоналарида жамланган ўткир заковату истеъдод эгалари Яқин Шарқ, Усмонийлар ерлари, Европа, Хитой ва Ҳиндистон мутафаккирларини ўзига оханрабодек тортар эди. Бундай ижодий муҳит дипломатик алоқалар, ғоя алмашинувига қулай замин яратар эди. Айнан ана шу муҳитда буюк давлат арбоби, улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий истеъдоди тўлиқ намоён бўлди.

Амир Темур авлодларидан бири Ҳиндистонда Буюк мўғул империяси асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёрқин давлат арбоби, дипломат эди. Темурийлар дипломатияси Бобур ҳамда унинг авлодлари Жалолиддин Муҳаммад Акбар, Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир, Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳжаҳон ва бошқаларнинг давлат бошлиғи сифатидаги фаолиятида давом эттирилди. Китобда Бобурнинг этник ватани – Ўрта Осиё билан кенг алоқаларини сақлаб қолишга интилишлари хусусида ҳам сўз боради. Бундан ташқари, Бобур Сафавийлар ҳукмронлигидаги Эрон, Бенгалия, Шарқий Туркистон, Буюк Москва князлиги билан фаол дипломатик алоқаларни йўлга қўйган эди. Акбар ва Жаҳонгир ҳукмронлиги даврида Европа давлатлари, Туркия, Эрон, Шарқий Туркистон билан яқин муносабатлар тараққий этди. Бобур ва бобурийлар даврида Ҳиндистон ҳамда Ўрта Осиё муносабатлари, айниқса, қизгин, сермахсул кечди.

Ғарб ва Россия тарихшунослари орасида кенг тарқалган сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари) ярим ёпиқ ва чекка мамлакатлар эди, деган қарашларга зид равишда жилдда ушбу давлатларнинг Россия ва Усмонлилар империяси, Эрон ва Хитой билан анча фаол савдо-дипломатик алоқалари бўлганлиги тўғрисидаги фикр илгари сурилади. Хонликларнинг



Кириш

халқаро алоқалари амалиётида Амир Темур ва темурийлар, шунингдек, анча оддинги даврларга оид дипломатик анъаналар ва мактабларнинг таъсири бор эканлиги қайд этилади. Россия, Хитой ва бошқа манбалар Ўрта Осиё хонликлари ташқи сиёсати ва дипломатияси методларининг ўзига хос нозикликларига ишора қилади.

Табиийки, буюк географик кашфиётлар халқаро савдо йўлларининг ёппасига кўчишига олиб келди. Бироқ Ўрта Осиёнинг атрофидаги мамлакатлар билан анъанавий алоқаларига путур етмади. Бухоро, Хива ва Балхдан савдо қарвонлари Ҳиндистон, Эрон, Сибирь, Усмонлилар империяси, Хитойга қатнар эди. Ўз навбатида, бу мамлакатлардан Ўрта Осиёга қарвонлар келар эди. Ўрта Осиёнинг шарқдаги қўшнилари билан савдо алоқаларининг қизгинлигига ўша давр Европа, Россия, Хитой манбалари гувоҳлик беради.

Ўрта Осиёнинг Россия билан ўзаро алоқалари XVI аср иккинчи ярмидан қизгин тус ола бошлади. Россия ва ўзбек хонликларининг савдо-дипломатик алоқалари Пётр I даврида катта аҳамият касб этади. XVII–XIX асрларда бир неча маротаба дипломатик вакилликлар билан алмашинув амалга оширилади. Хонлиқлар томонидан бу вазифани дипломатик топшириқларни савдо ишлари ила қўшиб олиб боровчи савдогарлар адо этган. Ўрта Осиё хонликларининг дипломатик муносабатлари ривожланишига диний арбобларнинг дипломатик алоқалари алоҳида таъсир кўрсатган. Рус-Ўрта Осиё муносабатларининг асосий муаммоси савдо алоқаларини кенгайтириш, Россия савдогарлари учун олди-сотди шароитларини яхшилаш, Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсий таъсирини ёйиш ва мустаҳкамлашдан иборат эди. Бухоронинг минтақа ҳаётидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий марказ сифатидаги мавқеининг ортиши кузатилади. Бухоро Ўрта ва Яқин Шарқдаги қўшни чегарадош мамлакатлар учун дин ҳамда диний таълимнинг муҳим ўчоқларидан бирига айланади.

Китобда XIX асрнинг 50–60-йилларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Россия империяси билан дипломатик муносабатлар ўрнатиши кўриб чиқилади, Рус-Хива, Рус-Бухоро ва Рус-Қўқон муносабатларининг ўзига хосликлари тадқиқ этилади. Россиянинг Ўрта Осиёга тажовузкорона ҳаракати чор ҳукуматининг босқинчиликка интилишлари натижаси эди. Ўрта Осиёнинг босиб олиниши Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги тузилишига, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан протекторат ўрнатилишига олиб келди. Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива ҳар қандай ташқи сиёсий муносабатларни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Улар амалда Россия империясининг Яқин ва Ўрта Осиёда Буюк Британияга қарши геоиқтисодий ва геосиёсий манфаатларини илгари суриш учун истехкомга айланди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил қилиниши амалга оширилган октябрь тўнтариши натижаси бўлиб, большевикларнинг «жаҳон инқилоби экспорти» бўйича стратегиясида муҳим аҳамиятга эга эди. Бу тажовузкор сиёсат Афғонистон ва Эрон, Британия мустамлакаси Ҳиндистон ва Кошғарга нисбатан яққол кўзга ташланди. Тадқиқотда Ўзбекистон ССРнинг СССР умумий маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тузилмасидаги сиёсий мақоми таҳлил қилинади. Ўзбекистон ССРнинг Иттифоқ Марказидан тақдим қилинган конституциявий ҳуқуқлари ва кафолатларининг номигагина эканлиги очиб берилди. Республика Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти ва вазифалари чекланган, юзаки эканлиги таъкидланади. Москва Ўзбекистондан «Совет Шарқи кўргазмаси», «КПСС ленинча миллий сиёсати» намунаси сифатида фойдаланар эди.

1991 йил Ўзбекистон тарихида туб бурилиш палласи бўлди – у Мустақиллик даврига қадам қўйди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ташқи сиёсат ва дипломатиянинг асосий институтлари: Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, унинг тузилмавий бўлимлари ҳамда соҳавий муассасалари, хорижий инфратузилма (элчихона, ваколатхона, бош консулик, вакилликлар) шаклланиб, ривожланди. Ватанимизнинг элчилар ва дипломатлар корпуси шаклланди. Бўлғуси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўналишларнинг кенг соҳа мутахассисларини тайёрловчи олий ўқув юрти ташкил қилинди.

Нашрда ўтган асрнинг 90-йиллари ва 2000 йил бошларидаги мураккаб ва ўта зиддиятли шароит, минтақавий ва глобал хусусиятдаги хавф ҳамда таҳдидларнинг юзага келиши таҳлил қилинади. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И. Каримов раҳбарлигидаги дипломатия минтақада ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қатор жиддий ташаббусларни илгари суриб, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликни сақлаш соҳасида сезиларли ютуқларга эришди. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий дипломатик амалиётида Афғонистон муаммосига жиддий эътибор қаратди. Бу йилларда Тошкент мазкур мамлакатда умуммиллий келишувга эришиш ҳамда кўп йиллик инқирозни енгиб ўтишига қаратилган жиддий саъй-ҳаракатлар, ташаббуслар амалга оширилди. Умуман, 1990 ва 2000-йилларда ўзбек дипломатияси Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилишда катта муваффақиятларга эришди, давлат ташқи сиёсатининг бош тамойиллари ва стратегик устувор йўналишларини белгилади.

Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланаши мустақил Ўзбекистон давлатчилиқ тарихида, мамла-



Кириш

кат ташқи сиёсати ва дипломатияси тараққиётидаги янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон, чуқур қайта идрок қилиш асосида, очиқлик ва конструктивлик дипломатиясини намойиш қилмоқда. Унинг бош мақсади давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни кучайтириш, мамлакатнинг бир маромда ривожланиши ва халқаро нуфузининг ортиши учун мақбул ташқи сиёсий шарт-шароит яратишдан иборат. Қисқа муддат ичида Президент Ш. Мирзиёев ташаббуси ва сиёсий-дипломатик фаоллиги, сиёсий иродаси боис Марказий Осиёда давлатлараро муносабатлар принципиал жиҳатдан янгилади, дўстлик ва ҳамкорлик муҳити вужудга келди. Айти пайтда, Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари ҳамда минтақанинг йирик «ўйинчи»лари (давлатлари) билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги иштироки муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Давлатимизнинг ташқи дунё билан ўзаро иқтисодий, инвестиция ва технологик алоқаларининг янги босқичини таъминлашда дипломатия муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликнинг янги архитектурасининг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу жиҳатдан афғон инқирозига нисбатан жаҳон ва минтақа мамлакатларининг ҳамжиҳат ёндашувига эришиш йўлида Ўзбекистон жиддий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ш. Мирзиёевнинг халқаро барқарорлик ва ҳамкорлик соҳасида катта истиқболлар очувчи янги ташаббуслари халқаро ҳамжамиятнинг олқишига сазовор бўлди.

Ушбу ишнинг яратилишида мамлакатимизнинг турли илмий муассасалари ва олий ўқув юртлиари: Ўзбекистон Фанлар академияси тизими, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогик университети ва бошқа ўқув ҳамда илмий муассасалар тарихчи олимлари, мутахассислари қатнашдилар. Жилд раҳбари т.ф.н. А. Абдувахитов (кириш, II боб, V боб, 5.2 бўлим, хулоса), т.ф.д. О. Кобзева (I боб), т.ф.д. Ш. Улжаева (III боб, 3.1, 3.2, 3.3, 3.4 бўлимлар), т.ф.н. Р. Фармонов (III боб, 3.5 бўлим), т.ф.д. Н. Аллаева (IV боб), т.ф.н. Ш. Муҳамедов (V боб, 5.1 бўлим), А. Аббасова (VI боб, 6.1, 6.5 бўлимлар), с.ф.н. У. Ҳасанов (VI боб, 6.1 бўлим), т.ф.д. Ш. Абдуллаев (кириш, II боб, V боб, 5.2 бўлим, VI боб, 6.2, 6.4 бўлимлар, хулоса). Китобни ёзишда т.ф.д. проф. З. Мунавваров, т.ф.н. Х. Мамадалиев, т.ф.д. проф. С. Шодмонова, т.ф.д. проф. Э. Нуриддинов, с.ф.н. М.Бахадиров, А. Раҳимов, Н. Раҳматуллаева ва А. Мирзалиев томонидан тақдим қилинган материаллардан фойдаланилди. Монографиянинг алоҳида бўлимлари яратилишида жиддий ва услубий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари ва мутахассислари томо-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

нидан (Ф.Турсунов, А. Хўжаев, М. Азимов, М. Мадраҳимов) тақим этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонасига (О. Акбаров) ва Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси Т.Кузиевга алоҳида миннатдорлик билдирамыз.

Нашр иловасида фойдаланилган манбалар ва адабиётларнинг батафсил рўйхати, шунингдек, ўзбек дипломатиясининг чуқур илдизларидан далолат берувчи ноёб материаллар келтирилган. Намуна сифатида турли даврларга мансуб дипломатик ёзишмалар, ишонч ёрлиқлари, тарихий факсимилелар, фрескалар, миниатюралар, қўлёзмалар берилган. Мустақил Ўзбекистон дипломатиясини акс эттирувчи ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дипозитарийисиди сақланадиган муҳим ҳужжатларининг мазмуни ва парчалари кенг тақдим этилган. Ўзбекистон дипломатияси тарихи бўйича хорижий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган ҳолда, асосий урғу ватанимызда мавжуд материалларга қаратилган.

Мазкур иш ўзбек дипломатиясининг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган тарихини комплекс ва тизимли тадқиқ этиш йўлидаги илк уринишдир. Табиийки, китоблар муаммо бўйича фаннинг ҳозирда мавжуд ҳолатини акс эттириб, мавзуни тўла ҳамда узил-кесил қамраб олишга даъво қилмайди. Келгусида Ўзбекистон дипломатияси тарихининг мунтазам ва шиддатли трансформация жараёнларини бошидан кечираётган мураккаб феномен сифатидаги кўп қиррали саҳифаларини очиб берувчи чуқур илмий тадқиқотлар яратиш зарур. Ушбу муаллифлар жамоаси томонидан яратилган жилдлар тўплами масалани ўрганиш йўлида янги истиқболлар ва имкониятларга йўл очиб беради ҳамда унга конструктив асос яратади.



I БОБ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҚАДИМДА, АНТИК ДАВРДА ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ

1.1. Ўрта Осиё халқларининг Мидия ва Эрон Ахоманийлари билан илк муносабатлари. Эллинизм даври ва Юнон-Бақтрия подшолиги даври дипломатияси

Ўзбекистон дипломатияси тарихи – жаҳон тарихий жараёни, тарихий ўтмишда халқлар ва маданиятларнинг ўзаро алоқаларининг бирлигини тасдиқловчи бутунжаҳон дипломатиясининг ажралмас қисмидир. Айни пайтда, ватанимиз дипломатияси тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Унда Ўрта Осиё минтақасидаги кўплаб халқларнинг улкан халқаро-ҳуқуқий ва дипломатик тажрибаси мужассамланган. Ушбу тажриба фақат ўтмишга тегишли бўлиб қолмасдан, турли ришталар орқали у бутунги кунгача ҳам етиб келиб, халқаро жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Дипломатия ташқи сиёсат воситаси сифатида қадим замонларда ҳам мавжуд бўлганига шубҳа йўқ. Қадимда қабилалар музокара ва келишувларга ҳудудларни бўлиш, товар айрибошлашни йўлга қўйиш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш зарурати туғилганида мурожаат қилганлар. Тарихий манбалардан Қадимги Миср, Осурия ва Форс монархлигида, Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда дипломатик институтлар бўлгани бизга маълум. Шунингдек, Қадимги Грек полислари ва Рим империясининг дипломатик фаолиятини батафсил тасвирловчи маълумотлар ҳам мавжуд.

Марказий Осиё тарихидаги биринчи халқаро ҳужжат малика Зарина бошчилигида сакларнинг Мидия билан урушга яқун ясаган тинчлик шартномасидир. Унинг санаси мил.авв. VII аср охирлари – VI аср бошларига тўғри келади. Мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг илк давлат тузилмалари Ахоманийлар империяси таркибига кирган [4]. Бақтрия, Сўғдиёна, Марғиёна, Хоразм ушбу империянинг асосчиси Кир томонидан босиб олинган (мил.авв. 559–530). Ахоманийлар даврида музокаралар турли давлатлар ва Марказий Осиёнинг қабила уюшмалари ўртасидаги ўзаро фикр алмашинувининг махсус шакли сифатида анча барқарор хусусият касб этади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ахоманийларнинг Марказий Осиё шимоли-ғарбига силжиб боришлари шаксиз улар билан қудратли сак-массагет қабилалар уюшмаси ўртасида тўқнашувни келтириб чиқарди. Шу сабабли, Ахоманийлар давлати чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун Кир бу пайтда Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳудудни эгаллаб турган сак-массагетларга қарши ҳарбий юриш қўллашга қарор қилди. Геродот асари орқали етиб келган манбага кўра, аввал Кир ва массагетлар маликаси Тўмарис ўртасида оғзаки шаклда хабар алмашинуви бўлиб ўтади. Кир элчилар орқали Тўмарисдан ўзига турмушга чиқишини сўраб дипломатик манёвр қўллайди. Бироқ Тўмарис «Кир унга эмас, массагетлар ҳукмронлигига уйланмоқчи» эканлигини тушуниб, бу ҳийланинг тагига етади ва таклифни рад қилади (Геродот). Кир массагетларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлайди. Тўмарис махсус элчи орқали Кирга «Ахоманийлар ҳукмдори урушни тўхтатсин» – деган мазмунда оғзаки хабар йўллайди. Лекин у Тўмариснинг маслаҳатига кўнмайди ва мағлубиятга учраб, массагетлар билан урушда ўлдирилади.

Марказий Осиё халқлари (Сўғд, Бақтрия, «Қатта Хоразм», Марғиёна, Усрушона) Ахоманийлар империяси таркибига кириш даврида ушбу улкан давлатнинг барча қисмлари билан қизгин алоқаларни йўлга қўйган эди, бу ҳақида Персеполь, Пасаргадах, Нақши Рустамдаги сарой деворларидаги тасвирлар, шунингдек, машҳур Беҳистун ёзувлари гувоҳлик беради. Уларнинг барчаси Марказий Осиё халқлари ва уларнинг Ахоманийлар сиёсий ҳаётидаги, шу жумладан грек-эрон уруши, хусусан, Марафон ва Саламин жанглиридаги иштироки тўғрисида тасаввур пайдо қилади.

Ахоманийлар империяси таркибида бўлган даврида Ўрта Осиё ҳарбий-маъмурий округларга бўлинган бўлиб, уларнинг тепасида форс ер эгалари ва жуда кўп ҳолларда маҳаллий қабила бошлиқлари турар эди. Қадимги грек тарихчилари форс ҳукмдорлари маҳаллий қонунлар, урф-одат ҳамда эътиқодларни ўзгартиришга уринмаганликларига эътиборни қаратадилар. Ахоманийлар салтанати учун турли хил аҳоли истиқомат қилиши хос эди. Келиб чиқиши Марказий Осиёдан бўлган кўпчилик Миср, Бобил, Эронда яшарди. Улар форс қўшинида хизмат қилувчи ҳарбийлар, савдогарлар, давлат устахоналарида ишлайдиган хунармандлар эди. Сўнгги Ахоманийлар даврида Хоразм, Сўғд ва сак қабилалари форсларнинг иттифоқчисига айландилар. Милоддан аввалги IV аср ўрталарида Хоразм форслар ҳукмронлигидан халос бўлди ва мустақил давлатга айланди, бу эса ўз ортидан давлатлараро ва илк дипломатик муносабатларнинг янги шакллари кириб келишига сабаб бўлди (элчихоналар алмашинуви, совғалар алмашиш).



Милоддан аввалги 330–327-йилларда Александр Македонский томонидан Марказий Осиёнинг истило қилиниши минтақада деярли 200 йил давом этган эллинизм даврини бошлаб берди. Мазкур давр ташқи алоқаларини икки 1) Александр Македонскийнинг Марказий Осиё халқлари билан алоқалари; 2) минтақа жанубий ҳудудларининг эллин давлатлари – Селевкид ва Юнон-Бақтрия таркибига кириши даврига бўлиш мумкин. Биринчи давр, Аррианнинг маълумотларига кўра, милоддан аввалги 329 йили Александр Македонский Марокандаги кириб келганда унинг ҳузурига скифлар, абийлар, шунингдек, европа скифларидан элчилар келган. Александр дўстлик тўғрисида шартнома тузиш таклифи билан уларга жавобан ўз элчиларини жўнатган, аммо унинг асл мақсади скиф ери табиатини ўрганиш, аҳоли сони ва ҳарбий қуроллар таркибини аниқлаш эди.

Кейинги йили Александр Устрашанга юруш уюштиради ва у ерда Танаис – Сирдарё бўйида Александрия Эсхата шаҳрини қурдиради (ҳозирги Хўжад атрофида). Милоддан аввалги 328 йилда Марокандаги европа скифларидан янги элчилар келади, у билан бирга олдин уларга Александр томонидан юборилган элчилар ҳам қайтиб келади. Скиф элчилари унга ўз ҳукмдорларининг тинчлик шартномасини тузиш тўғрисидаги таклифини етказадилар ва совғалар тақдим этадилар. Барчага маълумки, қадимги грек тарихчиси Аррианнинг маълумотларига кўра, Хоразм ҳукмдори Фарасманнинг кўп сонли элчилари тинчлик ва дўстлик, Грек-македония салтанатининг Марказий Осиё ҳудудидаги ушбу биринчи суверен давлат билан ўзаро алоқалар ўрнатиш таклифи билан келган.

Шу тариқа, биринчи давр Марказий Осиё давлатлари ва қабила уюшмаларининг Александр Македонский билан турли хилдаги тинчлик шартномалари ва ҳарбий иттифоқлар тузишида ўз ифодасини топган дипломатик фаоллигининг кучайиши билан ажралиб туради. Шу даврдаёқ, балки бироз илгарироқ, бу ерда ташқи алоқалар ва мулоқотларга ихтисослашган кишилар гуруҳи шаклланганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Иккинчи даврга (мил.авв. IV аср охири – II аср иккинчи ярми бошланиши) Марказий Осиёнинг катта қисми эллин давлатлари – Селевкидлар (мил.авв. IV аср охири – III аср ўрталари) ва Юнон-Бақтрия (мил.авв. III аср ўрталари – II аср иккинчи ярми бошланиши) ва эллин маданиятининг кенг тарқалиши хосдир. Айти пайтда, мил.авв. III аср ўрталарида Марказий Осиё жануби-ғарбида Марказий осиелик кўчманчилар учун Парфия



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

давлати яратилган, Марказий Осиё Икки дарё оралиғида эса мил.авв. II асрда Кангюй, Даван – қатор мустақил давлатлар вужудга келган. Ўша кезларда ахоманийлар ҳукмронлигидан озод бўлгандан кейин IV аср охирида юзага келган Хоразмийлар подшолиги кучли ва мустақил бўлиб келар эди. Евтидем ва ўғли Деметрий ҳукмронлиги (мил.авв. 199–167 йиллар) даврида Юнон-Бақтрия подшолиги қудрати чўққисига кўтарилди. Давлат таркибига Бақтрия, Сўғдиёна, Ҳиндикуш, Ария (Ҳирот), Марғиёна, Арахозия (Қандаҳор) кирар эди. Юнон-Бақтрия шоҳлари Амударё ва Ҳерируд дарё ирмоқларини назорат қилар эдилар. Ҳинднинг юқори қисмида Евтидемия (кейинроқ Сакала, ҳозирги Лохур) шаҳри қурилган эди[21].

Шу тариқа бу даврда эллин давлати – Юнон-Бақтрия шоҳлиги мавжуд бўлгани ҳолда, маҳаллий давлат бирлашмалари шаклланишининг фаол жараёни ҳам кечар эди. Ушбу барча давлатлар дипломатик муносабатлар ва иттифоқларнинг муайян шаклларига амал қилар эдилар. Масалан, Селевкид ва Юнон-Бақтрия шоҳлари барча элчиларни ўзлари қабул қилар ва шахсан музокара олиб борар эдилар. Масалан, мил.авв. 237 йилдан кейин шоҳ Диодот II билан парфия ҳукмони Тиридатнинг Марказий Осиёни қайтадан босиб олишга уринган умумий душманлари Селевк IIга қарши кураши учун тузган Парфия – Юнон-Бақтрия шартномалари ва иттифоқлари маълум. Юнон-Бақтрия шоҳлари томонидан тузилган бошқа шартномалар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Мисол учун селевкид шоҳи Антиох III (мил.авв. 223–187 йил) 208 йили Юнон-Бақтрия шоҳи Евтидемга (мил.авв. 230–220 йил) қарши юриш қилиб, Ҳерируд (Тажан)даги жангда рақибнинг қўшинини тор-мор қилади. Мил.авв. 206 йил улар ўртасида музокаралар бошланади, натижада тинчлик шартномаси тузилади, унга кўра Евтидем шоҳлигини сақлаб қолган ҳолда ўзининг жангчи филларини бериши ва Антихон III нинг ҳукмронлигини маълум даражада тан олиши керак эди (бундан у кўп ўтмай халос бўлган).

Мил.авв. 141–129 йиллар оралиғида Юнон-Бақтрия подшоҳлиги сакс ва юэчжи қабилалари босими остида инқирозга юз тутди ва шу билан бир вақтда Марказий Осиёда эллинлар ҳукмронлигини емирилиши рўй беради. Шунга қарамай, кейинги вақтларда аниқланишича, уларнинг унча катта бўлмаган ҳукмронликлари Шимолий Бақтрия ва Жанубий Сўғдада ушбу ҳодисалар рўй берганидан кўп йиллар ўтиб ҳам яшашда давом этган.



Умуман, Александр Македонский юришларидан сўнг Ўрта Осиё халқларининг эллинистик дунё таркибига киритилиши минтақада маданий синкретизм ва тамаддуннинг юксалишига олиб келди. Ўша даврдаги эллинистик урбанизациянинг ёрқин намунаси академик Э.В.Ртвеладзе томонидан кашф қилинган ва 1972 йилдан бери ўрганиб келинаётган Окс Александрияси ҳисобланади. Амударё бўйидаги бу шаҳар-қалъа Птолемей (мил. II аср) асарларидаёқ тилга олинган. Бу шаҳар мил.ав. IV асрдан мил. II асргача фаол ривожланиб келган ва ўша даврнинг иқтисодий ва маданий ғоялари мужассамлашган ўзига хос марказ бўлган. Бу ердан топилган Салавкийлар, Юнон-Бақтрия, қадимги ҳинд маданияти буюмлари, тангалар, қадимги юнон, бақтрия, қадимги ҳинд ёзувлари намуналари Ўзбекистон халқларининг юксак моддий ва маънавий маданиятидан ҳамда ўша давр халқаро иқтисодий ва маданий тизимида фаол иштирок этганидан далолат беради.

Шимолий, кейинроқ Жанубий Бақтрия бу ерга хунлар босими остида кўчиб келган юэчжи томонидан эгаллаб олинади. Натижада, юэчжи уруғларидан бири – кушонлар томонидан Буюк Кушон империясига асос солинди ва айнан юэчжилар хитойликлар ўзлари учун Ғарбий ўлкани – ўша кезларда шу ном билан атаган Марказий Осиёни кашф этилишига бош сабабчи бўлдилар.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, Ўрта Осиёда Александр Македонскийнинг истилочилик юришларидан бошлаб, Юнон-Бақтрия подшоҳлигининг қулашигача бўлган эллинизм даври ташқи сиёсий фаолликнинг ортиши, кўп сонли элчихона ва ваколатхоналари, дипломатик алоқаларнинг намоён бўлиш шакллариининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Марказий Осиё халқларида музокара олиб бориш ва давлатлараро шартномалар тузишнинг янги метод ва воситалари пайдо бўлади. Дипломатия (Хоразм давлати билан бўлганидек) давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва ташқи сиёсат вазифаларини амалга оширишга (масалан, Парфия подшоҳлиги) хизмат қила бошлайди. Музокара олиб бориш санъатининг ўзи такомиллашади, элчилар сифатида энг саводли, маълумотли кишилар чиқа бошлайди. Дипломатиянинг музокара олиб бориш, ўзига оғдиришга эришиш, ахборот олиш сингари вазифалари аниқ кўзга ташланади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

1.2. Марказий Осиё халқларининг Қадимги Хитой билан ўзаро алоқалари*

Мил.авв. II аср охиридан бошлаб, Марказий Осиё мамлакатларининг Хан сулоласи ҳукмронлиги давридаги Хитой билан муносабатлари ривожлана бошлади. Тарихий манбалардан Чжан Цзяннинг ва бошқа элчиларнинг Ғарбий ўлка (Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон)га уюштирган миссиялари кўпчиликка маълум. Бу эса хитойликлар Ғарбда кўп сонли халқлар истиқомат қилувчи улкан ўлка мавжудлигидан бутунлай беҳабар бўлганликларини англатмайди. Сақланиб қолган тарихий маълумотларга кўра, Чжан Цзяннинг саёҳатидан аввал Кангюй вилоятидан Хитойга элчилар юборилган. Бироқ айнан Хан сулоласи даврида мазкур ўлкада яшовчи халқлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш учун қизгин уринишлар бўлди, карвон йўллари мустамакка ва Ғарбга олға юришда давом этиш мақсадида ўрганилди.

Хитойнинг Ғарб билан дипломатик алоқаларининг бош сабабчиси мил.авв. II асрда Марказий Осиёнинг икки энг қудратли қабилалари – хуннлар ва юэчжилар ёки юнон манбаларида айтилганидек, тохарлар ўртасидаги уруш бўлди. Бу урушда юэчжилар мағлубиятга юз тутди ва уларнинг катта қисми бошида истиқомат қилган ҳозирги Гансу вилояти ҳудудидан Еттисувга кўчишга мажбур бўлди. Бироқ бу ерда ҳам хуннлар юэчжиларни тинч қўймайдилар ва уларнинг қабила бошлиғини ўлдирадilar. Юэчжилар Марказий Осиё жануби Бақтрияга қараб йўл олдилар ва у ерларда бошқа қабилалар билан бир қаторда Юнон-Бақтрия подшоҳлигини яқсон қилинишида иштирок этдилар, кўп йиллар ўтиб, уларнинг авлодлари буюк Кушон империясини яратдилар.

Юэчжилар, хуннлардан хавфсираб улар билан курашиш учун иттифоқчи излар эдилар. Ўз навбатида, қисман жангари хуннлар ҳужумларидан азият чеккан Хан давридаги Хитой шунга ўхшаш иттифоқчилик муносабатларини излар эди. Ушбу оғир ва масъулиятли вазифани Хан-Чжун ҳудудидан чиққан Чжан Цзянь исми дарвоза қўриқчилари бошлиғи ўз зиммасига олди.

Чжан Цзянь ташриф буюрган илк минтақа Даван – Фарғонага тўғри келувчи қадимий, тарихий-маданий вилоят эди. Даван ҳукмдори Чжан Цзянь билан суҳбат чоғида Хан уйи билан дипломатик алоқалар ўрнатиш борасида ўз истакларини билдирди. Агар уни юэчжилар ёнига бошлаб борсалар, Хитойга қайтганидан сўнг, император Да-

* Ушбу банд фақат академик Э.В. Ртвеладзенинг оригинал муаллифлик ишлари асосида тузилган. Манбалар нашрга муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган (О.К.).



ван ҳукмдорини сон-саноксиз совғалар билан тақдирлашини айтади. Шундан сўнг Чжан Цзянь ўзининг императорга мактубида даванликлар деҳқончилик билан шуғулланиши, гуруч ва буғдой экиши, узумзорлари ва шароблари кўплиги ҳақида ёзган. Даванда 20 та катта ва кичик шаҳарлар бор. Лекин, бу вилоятда энг диққатга сазовор нарса, бу арғумоқ (аргамак) – чидамли ва кучли отлар зотидир (хитой манбаларига кўра «самовий отлар»).

Чжан Цзянь Давандан биринчи вакилликда махсус ўзи учун ажратилган кузатувчилар ҳамроҳлигида аввал Кангюй – Марказий Осиё Икки дарё оралигининг ҳудудий ерларининг шимолий ва марказий қисмини ва Сирдарёнинг ўнг томонидаги ерларни эгаллаган кўп қабилали ҳудудга йўл олган. Кангюйдан мил.авв. 128 йилда ёки 126 йилда ўз йўлдошлари билан юэчжилар ҳузурига етиб келган. Бу пайтга келиб, юэчжи хуннлардан янги мағлубиятларга учраган, хуннлар юэчжи ҳукмдорини қатл этган, тахтга эса унинг катта ўғлини ўтқизган эдилар. У хуннлар билан янги урушлардан хавфсираб, ўзининг аввалги қароргоҳини алмаштиришга қарор қилди ва қабиласи билан жанубга йўл олди, Гуйшуй – Амударё шимолидаги, тахминан ҳозирги Сурхондарё вилояти чегарасидаги ҳудудни ўзига бўйсундирди, сўнгра ҳозирги Тожикистон жанубини ҳам эгаллади, кейин эса хитой манбаларида Дахя дея номланган, маҳаллий халқ Бақтрия, греклар эса Бактрина деб атовчи вилоятни қўлга киритди. Энг кейинги манбаларда бу жой яна бошқа ном – бу ерларни мил.авв. II асрда забт этган тохарлар қабиласи номи билан Тохаристон деб аталади.

Бақтрияда Чжан Цзянь бир йилдан ортиқ бўлади ва Хитойга жануб орқали қайтишга уринади, бироқ яна хунн қабилалари томонидан асир олинади. Чжан Цзянь хунн ўрдасидаги ўзаро нифоқлардан фойдаланиб, бир йил ўтгач асирликдан қочади ва Хитойгача боришга муваффақ бўлади. Унинг Ғарбий ўлкадаги биринчи вакиллик 13 йил давом этади, у билан Хитойга йўл олган 100 та ҳамроҳидан фақат икки киши – Чжан Цзяннинг ўзи ва унинг йўлбошловчиси қайтиб келади.

Хитойга қайтганидан сўнг Чжан Цзянь императорга ўзи ташриф буюрган Марказий Осиё мулклари Даван (Фарғона), Кангюй (Сўғд, Хоразм), Дахя (Бақтрия), Катта Юэчжилар (Шимолий Бақтрия), Анси (Бухоро) тўғрисида батафсил маълумотнома ёзади. Чжан Цзяннинг Марказий Осиё ҳудудидаги иккинчи элчилиги бир неча йиллардан кейин, Хан императори усунлар мулкига (Синьцян шимоли, Еттисув, Тяньшань ва Тарбағатай тоғ ёнбағирларидаги кўчманчи қabila) қизиқа бошлаган вақтга тўғри келди. Элчи император билан суҳбати давоми-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

да унинг учун усунларда вазият қандайлигини тавсифловчи батафсил маълумотнома тузади. У, жумладан, Усун ҳукмдори Гуньмо хунларнинг васийлигидан (вассаллигидан) халос бўлишга муваффақ бўлди, агар тўғри сиёсат олиб борилса, Хитойга Усунни, кейин эса Дахя ва бошқа Марказий Осиё мулкларини қўшиб олиш мумкинлигини таъкидлади. Натижада, Чжан Цзянь бошчилигида янги хитой элчилиги шакллантирилди, унга 300 та жангчи, турли Марказий Осиё мулкларига элчи қилиб тайинланган катта сонли ёрдамчи ходимлар тақдим қилинди.

Усунларнинг бош ҳукмдори Гуньмо билан музокаралар Хитой истаган натижани бермади, негаки усун мулки уч қисмга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳокимлари мустақил сиёсат юритар эдилар. Шунга қарамасдан, усунлар орасида яшаган Чжан Цзянь хитой элчиларини Даван, Сўғд, Хоразм, Бақтрияга жўнатилишини ташкиллаштиришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг у Хитойга усун элчихонаси ҳамроҳлигида қайтди, унинг бошлиғига Гуньмо хитой саройи ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот йиғишни топширди. Хитойга қайтарилганидан сўнг бир йил ўтиб, мил.авв. 104 ёки 103 йилда муҳим давлат лавозимини эгаллаб турган Чжан Цзянь вафот этди. Тез фурсатда Хитойга Чжан Цзянь томонидан турли вазифалар билан юқорида айтиб ўтилган мулкларга юборилган элчилар қайтдилар ва улар билан бирга элчилик ҳам Хитойга йўл олади. Бу ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёдан биринчи элчилик эди. Айнан шу вақтдан Марказий Осиё давлатлари ва Хитойнинг кейинчалик кўп асрлар давом этган турли хилдаги қизғин муносабатлари даври бошланади, бу эса Чжан Цзянь вакилчилигининг яна бир муҳим натижаларидан бири эди. Унинг ўн тўрт йиллик ҳаёти Марказий Осиё халқлари орасида ўтди, бу юртда мустақкам обрў-эътибор қозонди.

Хитой-Фарғона ўзаро муносабатлари. Ушбу минтақада Хитой биринчи бўлиб алоқа ўрнатган мамлакат Даван – Фарғона бўлиб, аввалига икки томонлама муносабатлар анча кескин бўлган. Ҳар икки томон ўртасидаги тўқнашувга Фарғонанинг машҳур «самовий отлари» сабаб бўлиб, улар ҳақида император У-ди (мил.авв. 141–87) Чжан Цзяннинг ҳикояларидан билиб олган эди. У-ди Даван ҳукмдорига 100 лан олтин ва олтин от билан бирга махсус элчи йўллаб, у орқали ушбу ҳадялар эвазига Даван арғумоқларидан юборишни илтимос қилган.

Бироқ Даван ҳукмдори отларни бергиси келмай, хитой элчисининг илтимосини рад қилади. У орадаги масофа катта бўлгани учун Хитой Даванга ўз қўшинларини юбора олмайди деб ўйлаган. Бу элчининг газабини қўзғатган ва Даван ҳукмдорининг рад жавобига қўрслик би-



лан муносабат биддирган. Элчи қатл этилган (у кезларда дипломатик дахлсизлик тушунчаси бўлмаган кўринади), унинг буюмлари эса Даван ҳукмдори фойдасига мусодара қилинган.

Бунга жавобан Хитой императори Фарғонага саркарда Ли Гуанли бошчилигида деярли юз минг кишилик қўшин юборган. Хитой-Даван уруши бошланиб, тўрт йил давом этган ва Даван мағлубияти билан ниҳоясига етган. Унинг Лу Гуанли буйруғи билан қатл қилинган аввалги ҳукмдори ўрнига Моцай исмли оқсоқоллардан бири ўтиргизилган ва хитойликлар 3000 отни олиб ўз юртларига қайтган. Бир йил ўтиб Даван оқсоқоллари томонидан Моцай хитойпараст кайфиятда бўлгани учун ўлдирилган, тахтга эса унинг кичик ўғли Чжан Финни ўтқизганлар. Чжан Фин Хитой билан тинчлик шартномаси тузган (бу ушбу мамлакат билан ва Марказий Осиё мамлакатларидан бири билан биринчи шартнома эди), ўз ўғлини гаров тариқасида жўнатиб, зиммасига Хитойга ҳар йили иккитадан «самовий отлар»дан бўлган икки жуфт от жўнатиш мажбуриятини олган. Бунга жавобан император саройи Даван билан тинчлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун бу юртга совғалар билан элчи жўнатган. Давандан ортга қайтаётиб, Хитой элчиси ўзи билан бирга узум ва му-су (беда) ўсимлиги уруғини олиб кетган, кейинчалик улар Хитой императори томонидан саройининг катта ҳудудига эктирилган. Шу тариқа Хитой биринчи мартаба узум ва беда каби муҳим қишлоқ хўжалик ўсимликлари билан танишган. Даван-Хитой уруши тугаганидан сўнг Хитойнинг Ғарбий ўлкадаги дипломатик фаолияти шиддат билан қулоч ёзади. «Хан катта уйи тарихи»га кўра император У-ди даврида Марказий Осиёнинг турли давлатларига 10 тадан кам бўлмаган элчилар юборилган.

Хитой-Парфия муносабатлари. Мил.авв. II аср охирларида император У-ди ташаббуси билан хитой манбаларида Анси деб аталувчи Парфия подшоҳлиги билан илк бор дипломатик муносабатлар ўрнатади. Хитой элчиси 20000 отликлар ҳарбий бошлиқлари томонидан тантанали кутиб олинади ва Парфия давлати пойтахтига кузатиб қўйилади. Ушбу элчихоналар ишининг буюк натижаси Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи ривожланган трансинтақавий йўл – Буюк ипак йўлининг вужудга келиши бўлди.

Хитой-Кангюй муносабатлари. Хан даврида Хитойнинг яна бир Марказий Осиё давлати Кангюй билан алоқалари бошқача кечди. Катта ҳарбий қудратга эга бўлган (унинг таркибига ўша кезларда Хоразм, Сўғд, Чоч ва бошқа Ўрта Осиё мулклари кирар эди) Кангюй Хитойдан мустақил сиёсат олиб борар, дипломатик муносабатларда Хитой-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

нинг устунлигини тан олмас эди. Масалан, «Хан катта уйининг тарихи» маълумотларига кўра, хитойлик элчилар кангюй ҳукмдори қабулида усунликлардан пастроқ жойни эгаллар, таомлар ҳам усун ҳукмдорлари ва оқсоқолларидан кейин тортилар эди. Бироқ Ғарбий ўлкада эришган шуҳратини юксак қадрловчи Хитой нима қилиб бўлса ҳам ўзининг бу ердаги мавқеини сақлаб қолишга интилар, шу ҳолатига кўнар эди. Масалан, усунлар каби Хитойни ўзининг сюзерени сифатида тан олмасда, Кангюй ҳукмдори ўз ўғилларини император саройига хизматга жўнатган. Хитойликлар бу Кангюйнинг Хитой билан савдоси ривожланиши учун айёрона усули деб ҳисоблаган.

Юэчжиларнинг Хитой билан муносабати. Чжан Цзянь Бақтрияга борганида, юэчжилар хуннларга қарши Хитой билан ҳарбий иттифоқ тузишдан воз кечганликларига қарамасдан, ўртадаги дипломатик муносабатлар ривожланишда давом этган. Ушбу муносабатларнинг муҳим ютуқларидан бири, Хитойга буддизмнинг кириб бориши бўлди, бунга эса юэчжиларнинг Хитойдаги элчилиги ва Хитойнинг Бақтриядаги элчилиги катта кўмак бўлди.

Мазкур даврнинг ўзига хослиги Хан ҳукмдорлиги остидаги Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва мулклари билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатиши, уларнинг доимийлиги, турли шаклдаги шартномалар тузилганлигидадир. Хан даврида Хитойнинг дипломатик фаоллиги, шунингдек, эҳтимол, Даван билан олиб борилган уруш ушбу ҳудудлардан баъзиларининг Хан ҳукмдорлигига вассал қарамликларини тан олишларига олиб келди. Хитой ёзма манбаларига кўра, Ғарбий ўлкада бошида 30 та мулк бўлган, мил.авв. I аср бошига келиб эса уларнинг сони 55 тагача ортган. Улардан баъзиларининг қарамлиги шунчаки номига эди, Кангюйга ўхшаш бошқа мулклар эса Хитойнинг устунлигини умуман тан олмас, унинг элчиларига эса паст назар билан қараб муносабатда бўлар эди. Бу жиҳатдан «Хан катта уйи тарихи»да келтирилган бир маълумот диққатга сазовор, унга кўра хитой элчилари «нақд пулсиз ўзларига овқат ҳам, миниш учун йилқи ҳам олишлари мумкин эмас эди ва бунинг сабаби Хитойнинг олисда эканлиги эди». Агар ушбу ҳудудларнинг қарамлиги сезиларли бўлганида эди, давлат хизматидаги шахслар, мазкур ҳолатда Хан империяси хизматчилари бундай вазиятга тушмаган бўлар эдилар. Хан даврида Хитой ва Марказий Осиё ўртасида муносабатлар ўрнатилишининг муҳим натижаси савдо ва маданий алоқаларнинг ривожланиши бўлди, бунга ёзма манбалар ҳам, археологик маълумотлар ҳам гувоҳлик беради.



1.3. Марказий Осиё халқларининг Корея ва Япония билан алоқалари

Марказий Осиё, Корея ва Япония халқлари илдишлари Буюк ипак йўли гуллаб-яшнаган даврларга бориб туташувчи узоқ тарихий алоқаларга эга. Қадимги Корейс давлати Силланинг (мил.авв. 57 йил – мил. авв. 668 йил) пойтахти Кенжуда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг қадимийлигини тасдиқловчи буюмлар топилган. Музей коллекцияларида Шарқий Ўрта Ер денгизи ёки Рим империясида ясалган сўнгги антик давр шиша идишлари мавжуд бўлиб, улар Корейс ярим оролига фақат Марказий Осиё давлат тузилмалари орқалигина келиши мумкин эди. Милoddан аввалги V–VI асрга мансуб эллин жангчисининг Жанубий Корея ҳудудига фақат карвон йўллари орқали анча кечроқ – Буюк ипак йўлидан фойдаланила бошлаган даврларда (мил.авв. II асрдан милoddгача) келтирилиши мумкин бўлган ҳайкалчаши алоҳида диққатга сазовор.

XX асрнинг 60-йилларида Самарқанднинг Афросиёб шаҳри харобаларида сўғд ихшидининг Вархуман саройини қазिश ишлари пайтида турли давлатлардан саройга келган элчилар сурати чизилган VII аср иккинчи ярмига мансуб девор тасвирлари топилган. Девор тасвирдаги икки персонажнинг либоси – бош кийими ва ҳолати, қўлларининг тирсақдан букилиб, кўкрак остидаги чакмон ичига суқиб туришлари фақат ўша кезлар Когурё ҳукмронлиги вакилларигагина хосдир. Афросиёбдаги тасвир VII асрда Ўзбекистоннинг Корея билан ўзаро алоқаларидан гувоҳлик берувчи қимматли манбадир. Қатор таниқли корейс олимлари (Ким Вон Ёнг, Чонг Су Ил, У Док Чан, Ли Ин Чанг ва бошқ.) ўзларининг Марказий Осиё ва Корея мамлакатлари халқаро муносабатлари тарихига бағишланган илмий нашрларида корейс элчилари гуруҳининг Когурё давлатига мансублиги тўғрисида хулоса чиқарадилар. 2004 йилнинг ёзида Инҳа (Ингон шаҳри) университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари Афросиёбга ташриф буюриб, сўғд ёзувлари асосида элчилик Вархуман (650–670) ҳукмдорлиги даврида бўлганлиги, элчилар Когурёдан келганлигини исботлади [33].

Корейс ёзма манбаларидаги маълумотларга кўра, милодий 723 йилда Ғарбий ўлкага Чоч, Сўғд, Хутталон ва бошқа ерлардаги буддавий зиёратгоҳларда бўлиш мақсадида саёҳат қилган таниқли буддавий зиёратчи Хуэй Чао (Хе Чхо – келиб чиқиши бўйича корейлик) улардаги ёдгорликларнинг тасвирини ёзиб қолдирган. Илгари ушбу маълумотлар мутахассислар орасида кўпчиликка маълум эмас эди, улар, асосан,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ўрта Осиёга юз йил аввал ташриф буюрган хитойлик саёҳатчи Сюан Цзянь қолдирган қайдларга таянар эдилар.

Япония билан Марказий Осиё ўртасида қадимги ва илк ўрта асрлардаги муносабатларнинг бош йўналиши қадимги японларнинг хорижий савдо фаолияти билан боғлиқ бўлган. VII–VIII асрлар оралиғида Хитой ва Корея, улар орқали эса Марказий Осиё билан алоқа қилган японлар анча кўп бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

VIII асрда Япониянинг пойтахти Нара шаҳри бўлган, шу сабабли хорижликлар бу ерга кўп ташриф буюрганлар. Бироқ ўзи ҳақида маълумот қолдирган чет элликлар жуда оз. Япон тадқиқотчиси Нара университети профессори Тоно Хараюкининг (1988) қайд этишича, фақат икки саёҳатчи – 736 йилда Эрондан Японияга ташриф буюрган Рицуэй ва 754 йилда Нарада бўлган (Сўғддан келган) Аннехо исмли саёҳатчининг ёзувлари сақланиб қолган. Маълумки, сўғдлар халқаро савдода муваффақият қозониб яққаҳоқимликка эришган ва Буюк ипак йўлида қизгин фаолият олиб борган. Сўғдлик Аннехо келиб чиқишига кўра Бухоро воҳасидан эди. Унинг Японияга ташрифи юқори мартабали буддавий руҳоний Ганжинга (Ган династияси даври – 618–907) ҳамроҳлик қилганлиги билан боғлиқ эди. Ганжиннинг Японияга ташрифидан мақсад, Хитойнинг давлат тақиқига қарамасдан, буддавийлик таълимотини тарқатиш эди. У денгиз орқали сузиб ўтишга беш марта бесамар уринади. Фақат 12 йилдан кейингина, олтинчи уринишида 754 йили Нара шаҳрига ташриф буюришга муваффақ бўлади [38]. Японияда Ганжин Тогайдзи ибодатхонасида император Шемга буддавийлик таълимотидан сабоқ беради, Аннехо ушбу ибодатхона қурилишида кўмаклашган. У устози Ганжин 763 йилда вафот этгунига қадар унинг ёнида бўлган.

Нара префектурасидаги яна бир япон ибодатхонаси Хорюдзи ЮНЕСКО жаҳон мероси рўйхатига дунёдаги энг қадимий дарахтдан қурилган бино сифатида киритилган. Бу ерда топилган сўғд ёзуви икки ёғоч сандал хода эътиборни тортади. Уларнинг бўйи бир хилда 60 см дан баландроқ. Биринчисининг юзасида сиёҳ билан ёзилган бир нечта ҳарфлар кўзга ташланади. Иккинчисида 761 йил санасини кўрсатувчи ёзув бор. Сандал дарахти қадимдан хушбўйлантитувчи сифатида Японияда етиштирилган[35].

Ҳар икки ҳодадаги тамға кўринишидаги сўғд ёзувлари қисман сақланиб қолган ва фақат бир-бирига солиштирилгандагина уларни қайта тиклаш мумкин. Ушбу «тамғалар» Эдо сулоласи (1603–1867) пайтларидан бошлаб танилган, бироқ уларнинг маъноси узоқ вақтлар даво-



мида жумбоқ бўлиб қолган. Уларнинг ўрганилиши ва «сўғд»ларники сифатида эътироф этилиши профессор Ешида Ютаки бошчилигидаги уч эрон ва Ўрта Осиё тилларининг таниқли мутахассисларининг хизмати дир. Сўғдларнинг Буюк ипак йўлидаги юқори даражадаги фаоллиги ҳисобга олинса, Японияга сўғд савдогарлари, эҳтимол, буддавийликнинг сўғд тарғиботчилари (юқорида улардан бири ҳақида гапириб ўтилди) келганлиги ҳақида тахмин қилиш мумкин [37].

Япон ибодатхоналари Хорюдзи ва Тодайдзи, император хазинаси Шесоинни, кўпинча, «Қадимги Тан даври маданияти қобиғи» ёки «Буюк ипак йўли»нинг сўнгги бекати» деб атайдилар. Бунинг боиси шундаки, у ерда бир вақтлар Ипак йўли бўйлаб кечган Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос бетакрор буюмлар сақланади. Кейинги йилларда Хитой, Корея, Япония, Марказий Осиё ва уларнинг ўзаро савдо ва дипломатик алоқалари борасида янгидан-янги кашфиётлар қилинмоқда. Бу жиҳатдан Шесоиндаги минг йилдан ортиқроқ тарихга эга деб ҳисобланувчи хазина муҳим аҳамиятга эга.

Нара шаҳридаги Тодайдзи ибодатхонасида нодир қадимий артефакт саналувчи сўғд кўзалари, бочкача, шунингдек, театрлаштирилган пантомималарда фойдаланиладиган сўғд подшоҳи ва хизматкорларининг ниқоблари сақланади. Нодир буюмларнинг йиғилишига 756 йилда Шему императорининг вафот этиши сабаб бўлган, шу ҳодиса муносабати билан унинг хотини аёл император Комё марҳумнинг руҳи ором топиши учун Будданинг улкан ҳайкалига ҳадя сифатида, асосан, эрининг севимли нарсалари бўлган 600 та буюмни топширган.

VIII асрга мансуб баландлиги 41,3 см локланган сўғд кўзаси гуллар ва қушлар билан безатилган. Қушнинг боши кўринишидаги қопқоқ кўзачага нозик кумуш занжир билан бириктирилган. Ҳатто ҳозир ҳам бундай кўзалар Ўзбекистонда кенг тарқалган ва қўл ювишда ишлатилади. VIII асрга мансуб узунлиги 92,0 см шохсимон кўринишдаги сўғд локланган бочкаси. Анъанавий япон драмасига сўғд персонажларининг киритилиши ҳар икки халқнинг доимий алоқаларидан ва сўғдларнинг Япония ҳаётидан яхши хабардор эканлигидан далолат беради.

Тенрисанко музейида (Нара префектураси, Тенри шаҳри) қўлида сувдон ушлаган сўғд кишисининг сопол ҳайкалчаси бор (баландлиги 26,7 см) [39]. Шеосин ибодатхонасида бошқа сўғд буюмлари – доира шаклидаги нақшли парча ва буғу тасвири идишлар ҳам сақланади. Парча матонинг астарида «Занданача» деган сўғдча ёзув сақланган



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бўлиб, унинг Ўзбекистонда, ўзбек қишлоқларидан бири «Зандана»да тайёрланганига ишора қилади[40]. Зардан тўқилган, доира шаклидаги нақшли парча мато япон оқсуяклари орасида машҳур бўлиб, савдо элчиликларининг ҳадяси вазифасини ўтаган.

Хорюздзи (Нара) ибодатхонасидаги VII асрга мансуб яхши сақланиб қолган узунлиги – 250 см, эни – 134 см парчадаги яна бир тасвир ўзига хос қурилиш дизайнига эга бўлиб, шер овлаётган чавандозларни акс эттиради. Мато «вертикал бўйича тўқиш» анъанавий сўғд тўқимачилик техникаси бўйича ишланган. Шу сабабли, афтидан, шу қадар жиддий ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган ҳолда, илк ўрта асрларда Сўғднинг Буюк ипак йўлидаги етакчи экспорт маҳсулотларидан бири Самарқанд парчаси бўлганлиги бежиз эмас.

Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг Корея ва Япония билан биринчи маданий ва савдо муносабатлари илк ўрта асрлар даврига тегишли бўлиб, бевосита сўғдларнинг савдо ва миссионерлик фаолияти билан боғлиқдир. Олис ўтмиш ва санъатнинг моддий артефактлари, буюмлари ушбу даврда дипломатик муносабатлар нафақат халқларнинг бир-бири билан танишиши, маданиятлар синтези ҳамда бадиий ва диний образларнинг синкретизми (тафаккур ва қарашларнинг «таққосланмас» образларининг уйғунлиги)га хизмат қилди, балки, биринчи навбатда, иқтисодий манфаатларни илгари суриш савдонинг ривожланишига кўмаклашди. Марказий Осиёнинг Қадимий Корея ва Япония билан сўнгги антик давр ва илк ўрта асрларда алоқаларини «иқтисодий дипломатия» сифатида тавсифлаш мумкин.

1.4. Кушон империясининг халқаро алоқалари

Марказий Осиёда мил.авв. I аср охирларидан милодий IV асрга қадар дунёнинг қудратли давлати – Кушон империясининг мавжудлиги минтақада халқаро алоқаларнинг қизгин ривожланишига, шунингдек, Кушоннинг Буюк ипак йўлидаги мавқеининг ошишига олиб келди. Шарқда Хитой, жанубда Ҳиндистон, ғарбда Эрон орқали Сурия ва Рим билан, шимолда Хоразм (Кангюй) ва Шарқий Европада аланлар мамлакати билан савдо ва элчилик муносабатлари шиддат билан қулоч ёзди.

Марказий Осиёда Кушонлар нуфузининг ортиб бориши натижасида деярли бутун Амударё ва Сирдарё оралиғи ягона империя тизимига бирлашди. Кушонлар даврида суғориш тармоғи кенгайди: Хоразмда ҳам, Сўғдиёнада ҳам, Фарғонада ҳам энг йирик каналларнинг



излари айнан кушон даврига оиддир. Янги шаҳарлар қурилди. Савдо ўсди, пул муносабатлари тараққий этди. Агар Юнон-Бақтрия ҳукмронлиги даврига, айниқса, кумуш тетрадрахма хос бўлса, энди унинг ўрнини пул муносабатларининг чакана муомала соҳасига сезиларли даражада кириб борганига ишора қилувчи майдароқ бронза пул бирликлари эгаллади. Буларнинг барчаси иқтисодиётнинг ривожланишига кўмаклашиши лозим эди[44].

Кушон даври Марказий Осиёда халқаро савдо гуллаб-яшнаган давр эди. Муҳим трансосиё савдо йўллари кушон ерлари орқали ўтар эди. Буюк ипак йўли бўйлаб Хитой шоҳи матоси Марказий Осиё чўл ва саҳролари оша Шарқий Туркистон воҳасидан ўтиб Ғарбга олиб борилар эди. Энди Хитойнинг Ғарб билан савдоси янада мустаҳкамланди. Олд Осиё савдогарлари ва хитойликлар Ўрта Ер денгизи ва Хан империяси билан савдо алоқаларини кучайтиришга интилар эдилар. Суриядан Фрот орқали савдо йўли Месопотамияга олиб борар, у ердан Мидиядаги Эқбатанига, кейин эса Парфиянинг қадимий пойтахти Гекатомпилга, Каспий денгизи жануби-шарқига, Гекатомпилдан Марғиёнадаги Антиохияга, Антиохиядан Бақтрияга, Бақтриядан Комед тоғлари (Ҳисор тизмаси) орқали Сўғдга борилар эди. Бундан ташқари, кушон мулклари орқали Хитойдан бошқа савдо йўли ҳам бор эди, у Кошғар орқали Фарғонага ва Хоразмга, у ердан эса аланлар юртига ва Жанубий Уралбўйига ўтар эди. Ниҳоят, Хитойдан Кошғар орқали усунлар кўчманчилик қилувчи Иссиққўл худудига яна бир савдо йўли бор эди. Кушон давлати таркибига қисман кирувчи Ҳиндистонга Бақтрия ва Кобул худуди орқали борилар эди. Ғарбда Кушон подшоҳлиги сон-саноксиз савдо йўллари билан Парфия, у орқали эса Рим империяси билан боғланар эди. Ниҳоят, Хоразм ва аланлар мамлакати орқали Кушон подшоҳлиги Шарқий Европа билан алоқа қилар эди, Камабўйидан топилган кушон тангалари шундан далолат беради.

Кушон империясининг кенг қамровли дипломатик алоқалари кўп жиҳатдан Буюк ипак йўли бўйлаб ривожланган карвон савдосига асосланар эди. Унинг асосий бош йўли Рим империясидан Яқин ва Ўрта Шарқ, Парфия, Кушон мулклари орқали Хитойга олиб борар эди. Мил.авв. I асрда географ Исидор Харакский харита («Йўл харитаси») тузиб, унга ушбу йўлнинг шаҳарлари ва бош манзилларини киритди. Кушон Бақтриясидан бош йўлнинг бир тармоғи Тармитдан (Термиздан) Хўтан ва Ёркентга Тарим дарасига олиб борар, бошқаси Самарқанд Сўғди, Чоч, Фарғона, Еттисувга элитар эди. Милодий биринчи асрларда Яксарт (Сирдарё) бўйлаб Хитойдан Даван, Кангюй ва кейинчалик Волга-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

га йўл шаклланган эди. Ушбу савдо йўлларида хитой (у-шу тангалари, шойи матолар, нефрит буюмлар, локланган қутичалар ва ҳ.к.) ва Ўрта Осиё (тери, жун, суяқдан ясалган буюмлар) моллари Римга етиб борган.

Рим империясига ташриф буюрган бақтрия элчилари тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Рим империясидан турли ҳунармандчилик ашёлари, шиша бадий санъат буюмлари (идишлар), ҳайкал, мунчоқ, маржонлар ва, албатта, Рим императорларининг тангалари келтирилган. Ҳиндистон билан қизғин товар алмашинуви ривожланган, у ердан қимматбаҳо тошлар, инжу, фил суяги, санъат буюмлари келтирилган.

Рим империяси билан геосиёсий рақобатда бўлган Парфия ҳукмдорлари Рим ва Хитой ўртасида тўғридан-тўғри савдога йўл қўймасликка интилганлар, қушон садогарлари, ўз навбатида, парфияликлар билан рақобатлашар ва Парфия билан Хитой ўртасидаги савдода монопол воситачи бўлишга уринар эдилар. Хитой билан савдода, айниқса, сўғдлар фаол қатнашар эдилар. Шарқий Туркистон Қушон таъсирига бўйсундирилгандан сўнг, сўғдлар унинг ҳудудида, шунингдек, Хитойда кўп сонли савдо мустамлакалари яратдилар, Ипак йўлининг Буюк сўғд мустамлакаси бошланади. Афтидан, милодий V асрда ипакчилик маданияти Марвдан бошланган, сўнг Каспий денгизи жануби-шарқий соҳилидаги Шарқий Эронга кириб борган. Милодий VI асрда, юқорида айтиб ўтилганидек, Шарқда энг катта ипакчилик марказларидан бири – сўғд ипакчилиги вужудга келган.

Маълумки, мил.авв. 166 йили Хитойга император Марк Аврелийнинг (161–180) элчиси Римдан Хитой империяси пойтахтигача Қушон империяси ҳудудидан ўтадиган йўлни босиб келади.

Римликлар доимо Парфия баъзида ғалаба билан, баъзида мағлубият билан кечувчи уруш олиб борганлар. Парфия подшоҳлиги Буюк ипак йўлининг асосий йўналиши орқали рим молларининг Шарққа кириб боришига ўзига хос тўсиқ эди. Катта Хан тарихида очиқ қилиб шундай дейилади: «Дацин (Рим) давлати анчадан бери Хитой билан алоқа қилиш учун қулай пайт излар эди, бироқ анийлар (парфияликлар) дацинликларнинг ўз ҳудуди орқали Хитойга ўтказмас эдилар». Ушбу муаммони ўрганган тадқиқотчилар рим товарларининг асосий оқими шимолий йўл орқали Шимолий Қора денгизолди антик шаҳарларидан Қуйи Волгабўйи орқали Ўрта Осиёга ва кейин Шарққа, шунингдек, жанубий денгиз йўли билан Римга тобе Мисрдан Ҳиндистоннинг ғарбий соҳилида жойлашган портларга, хусусан, Баригази портига бо-



рар эди, деб ҳисоблайдилар. Айнан Ҳиндистонда катта миқдордаги рим тангалари топилганлиги бежиз эмас. Бу ердан рим моллари Кушонлар ҳукмронлиги остидаги Бақтрия шимолига, шарққа – Узоқ Шарқ мамлакатларига борар эди.

Кушонларнинг Рим каби Парфия билан ўзаро алоқалари мураккаб эди. Бу Кушон ва Рим ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашар эди. Ёзма манбалардаги маълумотларга кўра 99 йилда Римга кушон элчилиги келган. Бу ҳақида Троян императори колоннасида ёзув сақланиб қолган. Шунингдек, император Адриан (117–138) бақтриялик подшоҳлар элчилигини қабул қилганлиги, Антонин Пий эса (мил. 138–161) «ҳинд, бақтрия, гиркан» [47] элчиларини қабул қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Марказий Осиё ҳудудида Римдан келиб қолган кўп сонли буюмлар, шу жумладан, Веспасиан (мил. 69–79), Домициан (мил. 81–96), Троян (мил. 96–177), Антонин Пий (мил.138–161), Марк Аврелий (мил.161–180), Аврелиан Август (270–275), Адриан, Луций Вер, Нерон, Гиберий, Константин I тангалари топилган.

Кушон подшоҳи Кадфиз II даврида пул ислоҳоти ўтказилган, унда монетар сиёсатнинг асосини илгари Юнон-Бақтрия подшоҳлигида ва бошқа Ўрта Осиё мулкликларида бўлгани сингари кумуш эмас, олтин ташкил қилган. Янги тилла номинали асосига бутун рим ауреуси (Қадимги Рим тилла тангаси) қўйилган.

Рим–Ўрта Осиё алоқаларида Ўрта Осиёга Рим ҳукмронлиги остидаги Мисрдан келган буюмлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Ушбу ашёлар орасида мовий миср фаянсидан ясалган кўплаб буюмлар бўлиб, уларни ишлаб чиқарувчи марказлар Миср шаҳарлари Александрия ва Навкратис бўлган. Миср буюмлари деярли Ўрта Осиёнинг ҳамма жойларида, айниқса, Хоразм, Сўғд ва Шимолий Бақтрияда Кушон давридаги қишлоқ ва зиёратгоҳларда топилган. Жаҳон бўйлаб папирус савдосининг асосий маркази Мисрдаги Александрия шаҳри эди. Эҳтимол, кейинчалик бақтрия кўлёзма матнлари учун материал сифатида хизмат қилган папирус айнан шу ердан Бақтрияга келтирилган. Кампиртепадаги папирус топилмалари Ўрта Осиё ва унга чегарадош мамлакатларда илк бор учрашидир.

Ўрта Осиё ҳудудида бу вақтда оромий тили халқаро мавқега эга эди, оромий ёзуви эса турли Ўрта Осиё ёзув тизимлари, шу жумладан сўғд ва хоразмий (мил. II аср охири – III аср бошлари) битиклари асосида ётар эди. Илк кушонларнинг тангаларида ишлатилган юнон тили ва ёзуви ҳам муомалада эди. Ниҳоят, ортиб бораётган ҳинд таъсири би-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

лан боғлиқ равишда ҳинд ёзуви тизими пайдо бўлади (тангаларда кушон ёзуви билан бир қаторда деванавари ёзуви қузатилади).

Синкретизм дин соҳасида, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Бу ҳақида, асосан, тангалар бўйича хулоса чиқариш мумкин. Ўрта Осиё ҳудудида ниҳоятда хилма-хил: маҳаллий (Митра, Анахита, Сиёвуш), зардуштийлик (Ахурамазда), юнон (Зевс, Гелиос, Селена), ҳинд (Шива) илоҳаларига сиғинилган. Император Канишка (мил. 100–144) давридан бошлаб, айниқса, буддавийлик таъсири кучайган. Кушон тангаларида буддавийлик рамзлари (юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи Юнон-Бақтрия подшоҳлари тангаларида), хусусан, грек ёзувлари билан бирга, Будда тасвири пайдо бўлади. Айнан шу синкретик, маҳаллий эътиқодлар билан аралаш буддизм кейинроқ Тибетда, Монголияда, Хитойда ва Японияда тарқалган. Ҳиндистон билан савдо алоқалари ва кушонларнинг буддизмга ҳомийлиги унинг Ўрта Осиёда тарқалишига кўмаклашган.

Канишканинг ворислари даврида империянинг ҳудуди кичраяди ва кушонлар қўлида фақат Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми қолади. Кейинги подшоҳ Васудева даври учун, исмидан ҳам кўриниб турганидек, кушонларга ҳинд таъсирининг ортиши хосдир. Кушон ҳукмдорлари тобора кўпроқ ҳинд подшоҳларидан бўлиб борар, Ҳиндистондаги кушон маданияти тобора Ўрта Осиё унсурларини йўқотиб боради. Кейинги III асрда, шубҳасиз, Кушон империяси Рим, Парфия ва Хан империяси билан бир қаторда, Ғарб ва Узоқ Шарқ цивилизациялари ўртасида муҳим ўрин эгаллаб антик даврнинг буюк империялари тўртлигини ташкил қилар эди, ушбу давлатнинг дипломатияси ривожланиши ва кўплаб элчиликларнинг Рим ва Хан сингари империяларга жўнатилиши ҳам шундан далолат беради.

Кушон империяси ҳукмдорлари ўзларининг фаол ташқи сиёсий фаолиятида дипломатиянинг турли кўринишларидан фойдаландилар. Бу ҳам ёнқўшнилари билан қайтадан босиб олинган ҳудудлар билан (масалан, Кангюй, Ҳиндистон) ҳам яқиндан сиёсий алоқалардир. Дипломатик алоқаларнинг бошқа шакли савдо алоқалари (масалан, Рим империяси билан) ва савдо урушлари сиёсати (масалан, Парфия ва Хитой билан) эди. Кушон элчиларининг методикаси ва воситаларига, шубҳасиз, ташриф ва музокаралар, иккитомонлама ва кўптотомонлама музокаралар тайёрлаш ва тузиш (Канишка томонидан тарғиб қилинадиган умумбуддавий ибодатхонага тайёргарлик давомида, айниқса, кўзга яққол ташланади), дипломатик ёзишмалар, мактуб ва ноталар топшириш кабиларни киритиш мумкин.



1.5. Сўғдларнинг халқаро савдо ва алоқалар ривожига қўшган хиссаси. Ипак йўлининг Буюк сўғд мустамлакаси

Ўзбекистон ҳудуди кўп асрлар давомида Шарқни Ғарб билан Буюк ипак йўли орқали боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралиғидаги ҳудуд ушбу йўлдаги турли тамаддун ва маданиятлар кесишадиган муҳим чорраҳа сифатида танилган эди ва ўзининг инсоният тараққиётига қўшган бебаҳо улуши билан донг таратди. Ипак йўлида савдонинг ривожланиши аста-секин дипломатик муносабатларнинг бошқа мураккаб шакллари-нинг вужудга келишига замин ҳозирлади.

Мил.авв. III минг йиллик – II асрларда Ипак йўлини ташкил қиладиган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий йўлларнинг шаклланиши ва ривожланиши, Лазурит (Ложувард), Нефрит, Ғарбий Меридиан, Сахро ва бошқа йўлларнинг пайдо бўлиши ва ишга тушиши жараёни кечди [51]. Тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг (мил.авв. III–II минг йилликлар) бир нечта қадимий савдо йўллари ажратиб кўрсатадилар. Улардан бири бронза асрида Бадахшон, Бактрия, Уструшонни Хоразм, Сўғд, Марказий Қозоғистон, Урал билан боғлаган. Иккинчи йўл Бактрия ҳамда Марғиёнани Харапа ва Моҳенжо-дародаги ҳинд шаҳар цивилизацияси марказлари билан боғлаган [53]. «Ложувард йўли» билан бир қаторда, Хўтан ва Ёркент вилоятларини Шимолий Хитой билан боғлайдиган «Нефрит йўли» деб аталувчи йўл ҳам бор эди, бу ерда нефритдан, жумладан, давлат регалиялари (ҳукмрон ҳокимият нишонлари) ясалар эди.

Мил.авв. III асрда Шарқий Туркистондаги энг муҳим савдо йўллари устидан назорат хунну (хуннлар) қўлига ўтди, улар хитойликларга ғарбга йўл очиш имконини бермас эдилар. Хуннлар хан даврида икки минг йиллик чегарасига қадар қадимда Шарқий Туркистонни Шимолий Мўғулистон билан боғловчи йўлдаги ипак савдосидаги воситачиликни ўз қўлларида ушлаб турган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Одатда Ғарбга Ипак йўли орқали биринчи бўлиб ўтган киши Чжан Цзянь ҳисобланади, лекин баъзи олимлар у Ғарбий ерларга олиб борувчи Буюк ипак йўлини кашф қилган, деган қарашни маъқулламайдилар. Исбот тариқасида тадқиқотчилар қадимги ёзма ёдгорлик «Само ўғли Му тўғрисидаги ҳикоя»даги маълумотни келтирадилар. Чжоу подшоҳлиги ҳукмдори Му-ван (мил.авв. 1001–945) мил.авв. 989–988 йилларда ўз аъёнлари билан Марказий Осиёга ташриф буюради. У Тарим



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ҳавзасидан жанубий соҳил ёқалаб Помирни ошиб ўтади, Фарғона водийсида ва Зарафшон водийсида бўлади[54]. Агар Буюк ипак йўли тарихи Му саёҳатидан бошланади деб ҳисобланса, у III минг йиллик ўтмишга эга бўлиб чиқади.

XX асрдаги археологик кашфиётлар ва ёзма манбаларнинг батафсил ўрганиб чиқилиши тадқиқотчиларга аввал маълум бўлмаган қадимда ва илк ўрта асрларда муҳим ўрин тутган алоқалар тизимини аниқлаш имконини берди. Бу Жанубий Сибирь, Марказий Осиё ва Хитойнинг шимоли-ғарбий ҳудудларини жануби-ғарбий Хитой, Вьетнам ва Бирма билан боғловчи ғарбий меридиан йўлидир. Йўл Шимолий Туркистон орқали ўтиб, кейин жануб ва жануби-шарқ – Бирма ёки Вьетнамга олиб борган. Бу йўлнинг Жунғориядан Жанубий Сибиргача бўлган шимолий бўлаги илк ўрта асрларда Хитойнинг ташқи алоқаларида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Мил.авв. I минг йиллик ўрталарида Қора ва Азов денгизини Марказий Осиё билан боғловчи «Чўл йўли» фаолият кўрсата бошлади. У мил. I асрларда Боспор подшоҳлиги ва Рим империяси ҳукмдорлиги остида бўлган Шимолий Қора денгиз бўйларида бошланар эди. Тир, Оливия, Херсонес, Пантикапея, Фанагория кўп мамлакатлар, скиф ва сармат қабилалари билан қизгин алоқаларни йўлга қўйган эдилар. Чўл йўли жанубий рус чўллари, Қуйи Волгабўйи, Оролбўйини кесиб ўтар, кейин эса Олтой ва Шарқий Туркистонга чиқар ва у ерда, афтидан, Буюк ипак йўлининг асосий трассаси билан туташар эди. Ушбу йўлнинг тармоқларидан бири Шимолий Оролбўйидан Хоразм орқали Сўғдиёнага ва ундан кейин жанубга олиб борар эди. Гарчи бу йўл маълум бир даврда анча муваффақиятли фаолият кўрсатган бўлса-да, уни босиб ўтиш қийин эди, негаки ўнлаб километр шаҳар ва қишлоқлари бўлмаган сувсиз чўллардан юриш керак эди. Бундан ташқари, савдо карвонлари, кўпинча, бирор-бир ҳокимиятни тан олмайдиган турли қабилаларнинг босқинига дуч келар эди. Евроосиё чўллари кўчманчилари асрлар давомида деҳқончилик ишлаб чиқариш молларига муҳтож бўлиб, савдо айрибошлаш операцияларининг фаол иштирокчилари эдилар. Евроосиёнинг марказий ҳудудларини эгаллаб, улар Хитойдан Марказий Европагача бўлган урбанизация марказлари билан алоқага чиққанлар.

Хитойнинг пойтахт шаҳарлари Чанан ва Лояндан ғарб томон асосий карвон йўли Ланьчжоу, Чжанье, Цзюцюань ва Дунхуан орқали борар, бу ерда икки йўналишга ажралар: бири Кумул (Хами), Турфон, Қарашар, Кучар (Кучэ), Оқсув (Аксу), Кошғар, Иркештам, Фарғона,



Самарқанд, Бухоро, Машҳад, Техрон, Бағдод, Истамбул орқали ўтиб Римга олиб борарди; иккинчиси Такла-Макон чўлини жанубдан Хўтан, Ёркентни Кошғаргача айланиб, ўтиб шимолий йўналиш билан бирлашар эди. Ёркентда йўл иккига айрилар: бир тармоғи Балх ва Ҳирот орқали Машҳадга қадар, иккинчиси Балх Кобул, Пешовар орқали Ҳиндистон шаҳарларигача борар эди.

Хамидан ғарбга яна бир йўл бўлиб, уни хитой манбаларида, кўпинча, «Шимолий карвон йўли» деб атаганлар. У Бешбалиқ, Урумчи, Ғулжа, Қозоғистон ва Қирғизистондан кесиб ўтган, сўнг Ўзбекистон ҳудудида Ипак йўлининг асосий тармоғи билан туташган. Бу йўл халқлар миграциясида ва Хан (мил.авв. 206 – мил. 220) ҳамда бошқа хитой империялари даврида хитой қўшинларининг ҳарбий юришларида катта аҳамиятга эга бўлган. Ундан хитой элчилари усунлар томонга, Кангюй, Даванга (Фарғонага) ва ҳ.к. қараб йўл олганлар.

Римдан Ўрта Ер денгизи орқали трансминтақа катта йўли Ўрта Ер денгизи орқали Сурия шаҳри Гиерополияга, у ердан эса Месопотамия, Шимолий Эрон, Ўрта Осиё орқали Шимолий Туркистон воҳаларига, ундан кейин Хитойга олиб борар эди. Йўлнинг Ўрта Осиё қисми Ареяда бошланар эди. Ареядан йўл шимолга оғар ва Марғиёна Антиохиясига борар, бу ердан Бақтриянинг жануби-ғарбига олиб борар, сўнг икки йўналишда – шимол ва шарққа қараб кетар эди. Шимолий йўл Термез ҳудудида (Қадимги Тармит) Оксни (Амударёни) кесиб ўтар ва нарироққа бориб, у ҳам икки йўналишга ажраларди: Термиз ва Шўроб, Чушка Гузар ва Қоракамар кечикларидан Шеробод дарёси водийси бўйлаб Ғарбий Ҳисорда Дарбант (Дербент) қишлоғидан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган Темир дарвозага олиб боради. Ўтиш йўлини четлаб ўтиб йўл Шеробод дарёси ёқалаб шимолга борар, кейин Дарбант қишлоғи ҳудудида ғарбга қараб бурилар эди. Кейин йўл Темир дарвоза – тоғ йўлагига ўтар эди. Темир дарвозадан йўл ўрта асрларда Кендек қишлоғи бўлган Акрататга олиб борар, сўнг шимолга қайрилиб Урядарё водийси, Қораҳавол қишлоғини кесиб ўтар ва Камадарвоза дарасидан Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз ва Китоб) ҳудудига, сўнг Мароканда қишлоғига чиқар эди. Марокандадан Мирзачўл орқали Чоч (ҳозирги Тошкент воҳаси), Фарғона ва Терек довони орқали Шарқий Туркистон ҳудудига олиб борган.

Буюк ипак йўли шимол ва жануб томондан улкан Такла-Макон чўлини айланиб ўтар эди. Йўлнинг жанубий қисми Ёркент, Хўтан, Нии, Мирон ва Дунхуан ҳудудида йўлнинг бунгача Қизил, Куча, Турфон воҳаларини кесиб ўтган шимолий қисми билан бирлашар эди. Кейин



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

йўл Буюк Хитой девори ёқалаб шарққа қараб борар ва Самовий империя пойтахти Чананга яқинлашар эди. Буюк ипак йўли бу ерда тугамаган, Корея ва Японияга қадар давом этган деб тахмин қилинади.

Бу йўлнинг бошқа бир Ўрта Осиё тармоғи ўзга йўналишга эга эди: Қадимги Марвнинг Марғиёна Антихоясидан у Қорақум саҳроси орқали борар, Оксни кесиб ўтиб Бухорога чиқар, у ердан Мароканда, Чоч, Фарғона ва кейин Шарқий Туркистон воҳаларига олиб борар эди. Буюк ипак йўлининг ушбу асосий катта йўлларида ташқари ушбу уч трассани бирлаштирувчи бошқа йўллари ҳам бор эди. Масалан, Ҳиндистон ғарбий денгиз соҳили портларидан қатор йўллар шимолга олиб борар, Ҳайбар доғи орқали улар Бақтрияга олиб чиқар, бу ерда Буюк ипак йўлининг асосий трассаси орқали бирлашар эди[56]. Мил.авв. II – мил. IV асрларда Буюк ипак йўлини тўрт қадимий империя – Рим, Парфия, Кушон ва Хан билан боғлайдиган глобал трассалар пайдо бўлади.

Буюк ипак йўли тарихини ўрганиш шундай хулосага олиб келади: фақат зиммасига йўллар қуриш ва ундан ўтувчи савдо қарвонларининг, дипломатик элчиликларнинг нисбий хавфсизлигини таъминлаш вазифасини олган йирик давлатлар тузилганидан сўнггина уларнинг мунтазам қурилиши ва фойдаланилиши устида гап бориши мумкин.

Хан ҳукумати Ғарбга олиб борувчи муҳим стратегик Хэси йўлаги бўйлаб тўрт муҳим префектура (маъмурий-худудий бирликнинг бошқарув аппарати) очди, Гансуда Юймен ва Янгунда гвардия постлари очди. Кейинроқ Ғарбий минтақада бош маҳаллий бошқарувчи лавозими жорий этилиб, у ўша ердаги хонадонларга жойлаштирилган ҳарбийларга қўмондонлик қилар ҳамда элчихоналар ва қарвон йўлларининг хавфсизлигини кафолатлар эди.

Милодий V–VIII асрларда Буюк ипак йўлининг вазифасини белгиловчи хусусиятлар қуйидагилардан иборат: биринчидан, ипакчилик технологиясини Евроосиё минтақасида тарқатиш (Шарқий Туркистонда, Ўрта Осиёда, Византия империясида), Хитойнинг ипак ишлаб чиқиш борасидаги яққаҳоқимлигига барҳам бериши; иккинчидан, Ўрта Осиёга эфталитлар, турклар, эронликларнинг бостириб кириши ва сиёсий ҳамда иқтисодий сабаблар келтириб чиқарган Буюк ипак йўлининг сўғд мустамлақаси; учинчидан, рақобатнинг кескинлашуви – Византия империяси, Эрон сосонийлари, Турк хоқонлиги ўртасида «ипак йўллари» назоратини қўлга олиш учун кураш.

Сўғд савдогари Маниахнинг (мил. VI асрнинг иккинчи ярми) турк ҳукмдори Истами хоқон топшириғига биноан аввал сосоний



шоҳ Хисрав I Анушервонга, кейин Византия императорига элчилиги (Византияга ипак етказиб беришни тартибга солиш учун) Византия билан мунтазам дипломатик ва савдо алоқалари пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу даврда Шимолий Кавказ Ипак йўли (Ўрта Осиёдан Самарқанд, Хоразм орқали Қуйи Волгабўйи, Шимолий Кавказ, Сухумига, Қора денгиз орқали Византияга) катта аҳамият касб этди [59].

Илк ўрта асрлар даврида хитой манбаларида Хитойдан Ғарб ўлкасига олиб борадиган учта – Шимолий, Ўрта ва Жанубий йўл номлари келтирилади. Масалан, Шимолий йўл VI аср охири – VII аср бошларида Хами (Шарқий Туркистон), Барқўл, турк хоқонининг Иссиққўл бўйидаги қароргоҳи, Жанубий Қозоғистон чўллари, Волгабўйи, кейин эса, эҳтимол Шимолий Кавказ орқали Византияга, Ўрта Ер денгизига борар эди.

Ўрта йўлнинг бошланиш нуқтаси Шарқий Туркистондаги воҳа – Турфон эди. Ундан Қарашар, Кучу, Помир орқали йўл Уструшона ва Самарқандга чиқар, сўнг Бухоро, Марв ва Сосонийлар ҳукмронлигидаги Эрон орқали Ўрта Ер денгизига олиб борар эди. Тадқиқотчилар Ўрта йўлни, ҳеч бўлмаса Самарқандгача бўлган қисмини «фақат Ўрта Осиё – Хитой, шунингдек, Ўрта Осиё – Эрон алоқалари йўли» сифатида таърифлайдилар.

Дунхуандан Жанубий йўл Лобнор кўли ёқалаб борар, Такла-Маконни кесиб ўтиб, Вахан йўлагига чиқар ва Тохаристон орқали Ҳиндикуш бўйлаб Эрон оша Ўрта Ер денгизига элитарди. Шимолий ва Жанубий катта йўллarga Ўрта Ер денгизи ва Ўрта Ер денгизи – шарқий Туркистон–Хитой савдо трассаси сифатида қараш мумкин. Улар анча узун бўлиб, фақат қуруқлик эмас, балки денгиз алоқаларини ҳам ўз ичига олган эди.

Ипак йўлида савдо ва дипломатия ривожига номлари «Авесто»нинг Видеадатида ва Беҳистун ёзувларида қайд этилган Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқларидан бири бўлмиш сўғдлар катта ўрин тутди. Сўғдлар, ҳеч бир муболағасиз, таъсири муайян даражада Каспий денгизидан Тинч океанигача бўлган улкан Евроосиё қитъаси кенгликларида сезиларли бўлган буюк тамаддунни яратдилар[60].

Уларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби Шарқий Туркистон ва Хитойга келиши кўплаб ёзма ва эпитаф манбаларда қайд этилган, жумладан, инглиз археологи М.А.Стейн томонидан Буюк Хитой девори Шарқий Туркистонда Дунхуан шаҳридан ғарбда жойлашган Қоровулхона минорасини қазиб пайтида топилиб, мил. II асрга ман-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

суб деб белгиланган «эски сўғд мактублари», шунингдек, анча кейинги сўғд хужжатларида (VII – X асрлар) шундай маълумотлар бор.

Бироқ кўпчилик олимлар «сўғдларнинг Шарққа кўчиши Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришидан кейин бошланган» ва «сўғдлар Хитой билан муносабатга мил.авв. IV – III асрлардаёқ киришганлар» деб ҳисоблайдилар. Хитой манбаларида сўғдлар ҳақида биринчи мартаба мил. II асрда эсланади. Сўғдларнинг Шарқий Туркистон ва Хитойда ўз савдо пунктларини ташкиллаштиришининг бошқа сабаблари ҳам бўлган бўлса керак. Улардан бири Чжан Цзянь томонидан Ғарбий ўлканинг кашф этилиши ва Буюк ипак йўлининг вужудга келиши ва бунинг натижаси ўлароқ, Парфия билан Рим ўртасида дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, шунингдек, Хитой билан ушбу мамлакатлар ўртасида турли моллар, айниқса, ипак савдосидир[61]. Ушбу савдода асосий воситачилик вазифасини сўғдлар бажарганлар, уларнинг мамлакати орқали Буюк ипак йўлининг муҳим трассалари ўтган.

Катта даромад олишдан бевосита манфаатдор ва «савдода пишган» сўғд савдогарлари вақт ўтиши билан, шубҳасиз, бошида ўзларининг савдо вакилларини юборишлари, кейин эса Шарқий Туркистон шаҳар ва воҳаларида Буюк ипак йўлининг энг аҳамиятга молик бўлақларини назорат қилиш учун савдо факторияларини яратишлари лозим эди. Шу боис сўғдларнинг Шарққа кўчиши, афтидан, мил.авв. I асрда Буюк ипак йўли трассаларида мунтазам хабарлашув очилганида бошланган[62].

Натижада, бутун шарқий қисм бўйлаб сўғд мустамлакалари вужудга келган ва IX – X асрларга қадар яшаб келган. Чанан, Ланьчжоу, Дунхуан каби хитой шаҳарларида сўғдларнинг катта мустамлакалари бўлиб, уларда сўғдлар алоҳида жамоа бўлиб яшаганлар. Сўғд жамоаларидан ташқари, Хитойда сўғдларнинг ўзлари асос солган ва бошқарадиган қишлоқлар бўлган. 627 – 644 йилларда Лобнор қўли атрофида бир неча сўғд қишлоқлари пайдо бўлади. Улардан бири Кан – Самарқанд подшоҳлигидан бўлган сардор Кан Янтян томонидан Қадимги Хитой шаҳри ўрнида қурилган, у билан бирга кўп ху-так (хитойиклар сўғдларни шундай атардилар) халқи келган. Кўп ўтмай шу ерда уч мустақкам сўғд аҳолиси яшаш жойлари вужудга келган, улардан бири Путночэн – «узумзорлар шаҳри» эди. Сўғд савдогарлари бу ерда амалга оширадиган савдо операциялари йирик самарқанд савдогарлари томонидан субсидияланар, улар қарз тақдим қилар ва савдо битимларини бошқарар эдилар. III асрдан VIII асргача бўлган даврда турли сабаблар – Ипак йўлидаги савдо фаолияти, диний таълимотлар тарғиботи,



минтақадаги нотинчлик ва урушлар боис сўғд аҳолисининг бир қисми Хитойга кўчиб ўтди. Тан династияси (618–907) пайтида ушбу ҳаракат улкан миқёс касб этди, уни Ипак йўлининг буюк сўғд мустамлакаси деб аташ мумкин. Сўғд диаспоралари Хитойнинг баъзи шаҳарларида, масалан, Дунхуанда 1000 дан ортиқ кишини ташкил қилар эди[65].

Кўчиб келган сўғдлар ва уларнинг авлодлари Тан династиясининг сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этар ва хитой маданияти ривожига катта таъсир кўрсатар эди. Хитой археологлари томонидан XX асрнинг 80-йилларида Шанси, Гансу ва Нинся вилоятларида олиб борилган изланишлар сўғд маданияти изларини аниқлади. Улар ичида муҳими Нинся хуэ худудининг ўрта ва жанубий қисмидаги сўғд уруғи қабристонни бўлиб, бу ерларда Шимолий Вэй династияси (385–534) давридаёқ ёшасига сўғдлар яшаган. Тан династияси вақтида ҳукумат буйруғи билан сўғдларни кўчириш учун олтига махсус орган тузилган.

Мил.авв. 114 йилда асос солинган Гуюан шаҳри қадимда Даюан деб номланган. Буюк ипак йўлининг бош кенг йўлида жойлашган ушбу шаҳар Ғарб ва Шарқ ўртасида маданий алмашинувда катта ўрин тутган. Гуюаннинг бой қабрларида сўғдларга тегишли бўлган мақбаралар, йўлаклар, тош ўтирғичлар, девор суратлари ва батафсил эпитафиялар топилган. Уларга кўра, сўғд вакиллари Гуюанга мил.авв. III–V асрларда Шаҳрисабздан келганлар. Эпитафиялар, шунингдек, сўғдларнинг фаолият тури ва уларнинг Хитойда мавқеининг ортиб бориши ҳақида сўзлайди. Оилаларнинг асосчиси савдогарлар ва сотувчилар бўлгани ҳолда, кейинги авлод вакиллари орасида «кўплаб ҳарбий юришлар амалга оширган саркарда», «отхонани бошқарувчи амалдор» ва марказий ҳокимиятдаги таржимон, «Гуочжоу округи бошлиғи» (Хэнам провинцияси) кабиларни қузатамиз. Яна шуни ҳам қайд этиш зарурки, Хитой тили ва маданиятини яхши биладиган баъзи сўғдлар Чин юртининг Марказий Осиёдаги дипломатик вакиллари бўлганлар. Настурийлик ва монийликнинг (манихейлик) Шарқий Туркистон ва Хитойда тарқалишида сўғдлар сезиларли ҳисса қўшганлар. Ушбу мамлакатларда зурдуштийликнинг ёйилиши ҳақида маълумотлар камроқ. Кўпчилик сўғдлар маҳаллий Ўрта Осиё талқинидаги зардуштийликка сиғинганлар. Баъзи тадқиқотчилар уни маздийлик деб атайдилар.

Зардуштийликка эътиқод қилувчилар Ипак йўлининг шарқий қисми бўйлаб мил.авв. I асрларда асос солинган сўғд мустамлакаларида истиқомат қилувчилар, шунингдек, Шарқий Туркистон шаҳарларидаги бактрияликлар эди. Сўғд ёзма манбаларига кўра, биринчи зардуштий-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ликнинг оташпарастилик ибодатхонаси 627 йилда Чананда қурилган. Оташпарастилик ибодатхоналари – «Сян-ци (Само дини)» бошқа Хитой шаҳарларида – Лоян, Кайфан ва, шубҳасиз, Хитойга қарам бўлган Шарқий Туркистонда ҳам мавжуд эди. Бу ердаги сўғд оташпарастилик ибодатхоналари Хитойнинг ўзидагидан кўра анча аввал пайдо бўлган, сўғд оташпарастилари ушбу динни форслардан олдинроқ олиб кирган эдилар. Хитойдаги энг қадимги зардуштийлик ёдгорликларидан бири Чжандэфу яқинида Шимолий Хэнанда топилган сўғд олов меҳроби тасвири туширилган мақбара ёки ёдгорлик қабр тошидир.

Ўрта Осиё аҳолиси, айниқса, сўғдлар ва бақтрияликлар Хитой учун янги бўлган мусиқа асбоблари ва кўплаб мусиқа маданиятининг унсурларини, хусусан, лютня, арфа, кўндаланг най, сирикснинг (Пан флейтаси) сингиб кетишига улкан ҳисса қўшдилар. Бу ерлик мусиқачи ва раққослар Тан династияси (VII – VIII) даврида, айниқса, машҳур эдилар. Уларнинг орасида Бухоро, Самарқанд, Чоч, Кабудана, Маймурга, Хутталондан чиққанлари бор эди. Хитойда Цао номини олган кабуданлик машшоқлар бошқа мамлакатлардан келганлардан кўпроқ эдилар. Самарқанд мусиқаси расмий сарой репертуарига кирар эди[67].

Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмидан Хитойга баъзи деҳқон хўжалиги экинлари (беда, писта, ёнғоқ) ва уй ҳайвонлари турлари (отлар) кириб келган. Сўғдлик Кан-Ентян мил.VII асрнинг биринчи чорагида тўрт «узум шаҳарлари» барпо қилган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларидан, жумладан, Бадахшон, Чоч, Тохаристондан Хитойга хомашё ва буюмлар кўринишида ярим қимматбаҳо тошлар (ложувард, сердолик, ақиқ, феруза) келтирилар эди. Ўрта Осиё Хитойга доривор ўсимликлар етказувчилардан бири эди. Таншу берган маълумотларга кўра, 713–755 йилларда Тохаристондан Хитойга зотдор отлар, қизил ва феруза рангли тошлар билан бир қаторда 200 хил турдаги доривор ўсимликлар етказилар эди.

VIII – XIII асрларда, яъни Ипак йўли араб истилоси давридан мўғул босқинига қадар ривожланди. Ягона марказлашган бошқарув тизими, солиқ ва божхона тарифларига эга бўлган улкан Араб давлатининг вужудга келиши савдо йўлларининг янада ривожланишига кўмаклашди. Шарқ билан Ғарбни боғловчи барча асосий денгиз ва қуруқликдаги савдо йўллари уларнинг хавфсизлигини таъминловчи ягона давлат қўлида эди. Моллар халифаликнинг энг олис ҳудудларидан тўсиқларсиз марказга ташилиши мумкин эди ва ҳ.к. Бундан ташқари, бу даврда ҳудудлараро ва ҳудудий йўлларнинг ўрни ортиб боради. Буюк ипак йўли бўйлаб савдо ва маданий алоқаларнинг кучайиши,



ушбу алоқалар доирасида Волгабўйи, Қадимий Рус, Африканинг кенг жалб қилиниши ҳам худди шу даврга тўғри келади. Кўплаб араб манбалари ушбу паллада Буюк ипак йўли трассалари бўйлаб алоқаларнинг кенг қулоч ёзганидан гувоҳлик беради.

Бироқ савдогарлар ҳаёти ва мулкани ҳимоя қилишга қаратилган барча чораларга қарамасдан, Ипак йўли бўйлаб карвон савдоси доимо юқори хавф остида эди. Шарқий Ўрта Ер денгизидан Хитойга ва орқага йўл, одатда, бир неча йилни ташкил этган. Кўпчилик йўлда касалликлар, ноқулай иқлим, қароқчилар босқини ёки ҳукмдорлар зулмидан ҳалок бўлар эди. Савдогар бегона юртда вафот этганда, агар марҳумнинг қариндошлари ёки шериклари меросга ўз ҳуқуқларини зудлик билан даъво қилмасалар, унинг мулкига, одатда, маҳаллий ҳукмдор эгалик қилиб олар эди. Шу боис савдогарлар тижорат билан этник-уюшма гуруҳлар бўлиб шуғулланишга ва катта, кўпинча, элчилар карвонлари билан йўлга тушишга ҳаракат қилар эдилар. Ер эгалари божхона тўловларидан фойда олиб, савдогарларнинг ҳаёти ва мулкани қатъий қонунлар қабул қилиб муҳофаза қилишга ҳаракат қила бошладилар. Кўплаб молларга муҳтож бўлган кўчманчилар бошида уларга куч ишлатиб эришар эдилар, кейин эса кўрсатган ёрдами ва хавфсизликни таъминлагани учун ҳақ олиб, карвонларни чўл ва сахро орқали кузатувчи вазифасини бажара бошладилар.

Шу тариқа, Евроосиё қитъасининг катта қисми қадимда ва ўрта асрларда амалда Буюк ипак йўлини ҳосил қилувчи зич ер тармоқлари билан қопланган эди, дея қайд этиш мумкин. Буюк ипак йўли ўрта аср Шарқида савдо шаҳарларининг ривожланишига туртки берди. Шаҳарларнинг савдога ихтисослашуви, савдо хилма-хиллиги, экспорт товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қишлоқларнинг пайдо бўлиши рўй берди. Агар Ғарбий Европада шаҳарлар, асосан, маҳаллий бозорларга хизмат кўрсатган бўлсалар, Осиёда шаҳарлар карвон йўлларида транзит пунктлар вазифасини адо этиб халқаро савдога хизмат қилганлар. Ушбу шаҳарларнинг (Табриз, Ормуз, Бухоро, Самарқанд, Ўтрор, Кошғар, Турфон, Хўтан, Дунхуан ва бошқ.), албатта, бир вақтнинг ўзида меҳмонхона ва омборхона вазифасини бажарувчи карвонсаройлари бўлар эди. Ўзга ерлик савдогарларга энг харидоргир моллари учун махсус бозорлар ташкил қилинар эди. Савдо карвонларига кўп соҳа мутахассислари – таржимонлар, пул айрибошловчилар, туябоқарлар, карвон кўриқчилари, солиқ йиғувчилар ва ҳ.к. Осиё минтақаси савдо шаҳарларининг узоқ масофаларда карвон савдоси хизматига «боғланиб қолганлиги» шунга олиб келдики, Ипак йўлининг емирилиши



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

оқибатида ушбу шаҳарлар инқирозга юз тутди. Уларнинг баъзилари бутунлай йўқолиб кетди (масалан, Шарқий Туркистоннинг кўп шаҳарлари) [72].

Трансминтақавий магистралнинг пайдо бўлиши қадимий тамаддунларнинг сермахсул инфратузилма алоқали макротизимга бирлашишини яқунлади. Глобал маънода халқаро савдо давлат ва унинг маъмурий институтларининг ишига айланди. Иқтисодий интеграция маданий ва тил тўсиқларини енгишга ҳаракат қилар эди. Чунончи, Синцзянда икки тилдаги тангалар чиқаришга уриниш бўлган, сўғд эмиссияси эса ташқи шакли жиҳатидан доира шаклидаги ўртасида тўртбурчак тешик бўлган анъанавий хитой тангаларига айнан ўхшашдир [58].

Буюк ипак йўлидаги яқиндан маданиятлараро алоқалар Эрон, Хитой, Сўғд ва Турк маданий анъаналари синеретизми намоён бўлган бетакрор санъат асарлари яратилишига кўмаклашди. Ушбу унсурлар шу қадар чамбарчас боғланиб кетдики, тадқиқотчилар айтиб беришди, ҳодисани тенг маънода ғарб ёки, аксинча, шарқ таъсирига мансуб деб топадилар [73].

Хулоса тариқасида Буюк ипак йўлида савдо ривожланиши дипломатик алоқаларнинг йўлга қўйилишига ва давлатлараро келишувлар тузилишига кўмаклашганини таъкидлаш зарур. Буюк ипак йўлида савдо алоқаларининг ривожланиши ва такомиллашуви дипломатик алоқаларнинг янги шакллари юзага келишига, дипломатик хизмат вакилларининг ихтисослашувига, жумладан, элчилар, котиблар, элчихоналар, таржимонлар, элчихона кузатувчилари ва ҳ.к. вазифаларига ажратилишига замин ҳозирлади. Савдо воситалари, хусусан, сўғдлар, кўпинча, элчилар вазифасини бажарардилар ва савдо ҳамда сиёсий шартномалар тузишга кўмаклашардилар. Ипак йўлининг буюк сўғд мустамлакаси феномени шундан иборатки, сўғд тили савдо ва дипломатиянинг универсал тили бўлиб қолди, сўғдлар эса Евроосиё маконида дипломатик фаолиятни фаол савдо сиёсати воситаси даражасига кўтардилар.

1.6. Марказий Осиёнинг эфталитлар ва Турк хоқонлиги давридаги халқаро муносабатлари

VI асрда Шарқий Туркистондаги Еттисувда турк-массагетлар иттифоқи вужудга келди, улар IV – V аср ёзма манбаларида «хон» ва «хион» номи билан эслатилади. Тарихга улар эфталитларнинг ўзлари атаганидек «хионитлар» номи билан кирдилар. Хионитлар қон-қардошлик



жиҳатидан қадимги турк қабилалари хуннларга (Хитой манбаларига кўра хунну) яқинлар. Шу сабабли ғарб олимлари уларни таналарининг оқлиги, бошқа кўчманчи-чорвадорларга нисбатан ўтроқлиги ва маданийлигини таъкидлаб, «оқ хуннлар» деб атаганлар. Кўплаб манбаларда хионитларни халқларнинг Буюк кўчиши билан боғлайдилар (IV–V асрларда). IV аср ўрталарида шимоли-шарқдан хионитларнинг Ўрта Осиёга босқини бошланади. Хионитларнинг сардори кўп сонли қахрамонликлари ва ғалабалари билан машҳур бўлган Грумбат эди. 353 йилда хионитлар Сўғдни қўлга киритдилар. Сўнг ҳозирги Эрон худудида жойлашган Сосонийлар давлатига ҳужум қилдилар. Бу шиддат билан ўз чегараларини Ўрта Осиё томон кенгайтираётган қудратли подшоҳлик эди. Биринчи тўқнашувдаёқ сосонийлар шоҳи Шопур II мағлубиятга учради. Тинчлик тўғрисида шартнома тузилиб, ҳамжиҳатлик муносабатлари ўрнатилди. 369 йилда хионитлар Грумбат ва унинг ўғли бошчилигида Шопур II нинг Сосонийлар давлатининг ғарбий чегаралардаги урушида – Сурия шаҳри Амидани босиб олишда қатнашадилар. Шу тариқа IV асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиёда хионитларнинг ҳокимияти барқарорлашади ва 120 йилдан ортиқ турган анча кучли давлат вужудга келади[90].

V аср ўрталарига келиб, ўз сардори Вахшунвар бошчилигида эфталитлар Чағаниён, Тохаристон ва Бадахшонни ўзларига бўйсундирдилар. Сўғд биринчи зарбадаёқ қўлга киритилди. 456 йили дипломатик алоқалар ўрнатиш мақсадида эфталитлар элчиси илк маротаба Хитойга ташриф буюрди. Сосонийлар, эфталитлар экспансияси (хукмронликни қўлга олишлари)дан хавотирга тушиб, уларга қарши курашга отландилар. Шоҳ Пероз (459–484) ҳукмдорлиги даврида кескин уруш бошланди. Сосонийлар шоҳи уч маротаба эфталитларга қарши чиқди. Биринчи тўқнашувда у мағлубиятга учради, асир тушди ва Византия императори Зенон (474–491) томонидан берилган пул эвазига озод қилинди. Пероз эфталитлар билан дўстона мақбул муносабатларни йўлга қўймоқчи бўлди ва ўзининг сингилларидан бирини шоҳ Вахшунварга хотинликка таклиф қилди. Бундан ташқари, эфталитлар илтимосига кўра, у 300 та тажрибали жангчини ўзининг кечаги душманларини ўқитиш учун жўнатди. Бироқ Пероз эфталит шоҳини алдаб, малика сингисини канизакка алмаштириб қўйди. Бундан хабар топган шоҳ Вахшунвар ғазабга мишиб, эрон жангчиларининг бир қисмини қатл этишни, қолганларини эса майиб қилишни буюрди. Ўз қўл остидагилар устидан чиқарилган шафқатсиз жазо Перозни 484 йилда эфталитларга қарши учинчи марта юришга ундади. Бу гал уруш шоҳнинг бўри уясига йиқилиб ҳалок бўлиши



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

билан якун топди. Хуросон пойтахти Марв ишғол қилинди, Сосонийлар давлатига эса оғир солиқ солинди. Айни пайтда, эфталитлар Кобул ва Панжоб водийларини эгаллаб олдилар. Сўнг улар Урумчи, Қорашар, Кучу ва Хўтанни босиб олдилар.

Пероз ворислари Кавад (488–531), Хусрав I Анушервон (531–579) ҳукмронлиги даврида эфталитлар билан алоқалар шунчалар дўстона хусусият касб этиб яхшиландики, эфталитлар Византияга қарши курашда Эронга иттифоқчи бўлдилар. Шунга қарамасдан, эфталитлар узоқ йиллар давомида қачонлардир кудратли бўлган Сосонийлар давлатини ҳар йили кумуш билан ўлпон тўлашга мажбур қилиб, кўрқувда ушлаб турдилар.

V–VI асрлар охирига келиб, Кавад (488–531) подшоҳлиги даврида сосонийлар эфталитлар билан дўстона муносабатда бўлишга ҳаракат қилдилар. Кавад эфталит шоҳининг қизига уйланди ва 502 йилда эфталитлар билан бирга Византияга қарши юриш қилди. 506 йилда дипломатик шартнома имзоланганидан сўнг, эфталитлар ўзларининг византия олтини улушларига эга бўлдилар.

Хусрав I Анушервон 554 йилда турклар томонидан эфталитларнинг сиқувга олинишидан фойдаланиб, улардан Тохаристонни тортиб олди. 563–567 йилларда сосонийлар турклар билан иттифоқ тузиб эфталитлар подшоҳлигини вассал қарамликка солдилар. VI аср охирларида эфталитлар Эронга қарши бош кўтардилар ва сосонийларга қарамликдан озод бўлдилар, бироқ Ғарбий Турк хоқонлигининг экспансияси боис ўзларининг тўла мустақилликларини қайтариб ололмадилар.

Эфталитлар давлати Турон ва Шарқий Эрон ерлари, Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонни бирлаштирарди. Эфталитлар Хитой, Византия, Жанубий Ҳиндистон, Цейлон ва ҳ.к. билан элчилик алоқаларини ўрнатган эдилар. Гарчи сиёсий жиҳатдан у Кушон подшоҳлигидан кучсизроқ бўлса-да, худуди уникидан анча катта эди. Қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда улар «адолатга таянишда румликлар (византияликлар) ва форслардан сира кам эмас» эдилар.

Ипак йўлининг хўжайинлари ва Гиркан (Каспий) денгизида савдо портларининг эгалари бўлган эфталитлар халқаро савдода фаол иштирок этардилар. Хитой, Эрон, Ҳиндистон ва Византия билан савдо шартномалари тузилган эди. Илгари бўлгани каби, Хитой ва Византия ўртасида воситачи кўпроқ сўғдлар бўлар эди. Ушбу карвон йўлидан воситачиликка Сосонийлар ҳукмронлигидаги Эрон даъво қилар эди.



Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, асосий савдо маҳсулотлари ипак, шойи матолар, қимматбаҳо тошлар, бўёқлар эди. Ўрта Осиёдан Хитой, Византияга олтин, кумуш, ёқут билан бир қаторда, Бадахшондан рангли шиша ва шишадан ясалган буюмлар, турли мевалар, ип газламалар, қоракўл ва зотдор тулпорлар олиб кетилар эди.

Жаҳон савдоси кенгайиб боргани сари эфталитлар, афтидан, катта миқдордаги пулга муҳтож бўлганлар. Бу даврда ташқи ва ички савдода сосоний тангалари – Варахран V ва Пероз томонидан зарб қилинган драхмалар кенг тарқалган эди. Бу даврда эфталитлар давлати хазинасида қайтариб олиш учун тўлов ва йиллик ўлпон шаклидаги Эроннинг кумуш драхмалари анчагина кўп миқдорда йиғилиб қолган бўлиши керак. Эфталитлар Варахран V кумуш тангаларига тақлидан ўзларининг тангаларини чиқарганлар. Бундан ташқари, ички савдода Бухоро, Пойкенд, Нахшаб, Самарқанд ва Хоразм ҳукмронлари зарб қилган майда мис чақалар ҳам муомалада эди. Бу, шубҳасиз, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида маҳаллий ҳукмдорларнинг ўрни ортиб бораётганидан далолат беради[76].

Бу даврда иқтисодий алоқалар билан бир қаторда, Эфталитлар давлатининг қўшнилари – Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан маданий алоқалар ҳам кенгайди. V асрда Ўрта Осиёнинг рангли шишадан буюм ясовчи усталари Хитой шишасозларига ушбу ҳунардан сабоқ берганлар. Хитой императорлари ўз саройларини безашда Ўрта Осиёдан келтирилган рангли шишадан фойдаланганлар. Шу тариқа бу даврда Ўрта Осиё аҳолисининг маданий анъаналари қўшни давлатлар – Хитой, Сосонийлар ҳукмронлигидаги Эрон, Ҳиндистон анъаналари билан чатишиб, халқаро алоқалар ривожига хизмат қилар эди.

VI аср ўрталарида Олтойда (Жанубий Сибирь ва Шимолий Мўғулистон) Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрин тутган кўчманчилар давлати – Турк хоқонлиги (551–744) вужудга келди. «Турк» сўзи илк маротаба 542 йилда эслатиб ўтилади. Ёзма манбаларда у турлича номланади: хитойча – «туцзуе», эрон тилида – «турк», халқининг ўзи, сақланиб қолган манбаларга кўра, «тюрк» деган. «Турк» («кучли», «бақувват») атамаси бошида этник эмас, ижтимоий маънога эга бўлган. Фақат ашина уруғи асилзодалари ва ҳарбий аристократия ҳамда унга бўйсунувчи янги давлат тузилмасининг мағзини ташкил қилган яқин қондош қабилалар шундай номланган. Кейинчалик анча катта қабилалар иттифоқи, шунингдек, унга бўйсунган халқлар «турк» деб атала бошлаган. Эски ашина номи эса уруғбошининг сулолавий исми эди[86].

Турк хоқонлигининг вужудга келиши 552 йилда турклар Ашина уруғидан Бумин Тумин бошчилигида жуан-жуанларни (жужанлар)



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тор-мор қилган даврга тўғри келади. Шу вақтдан бошлаб турк ҳукмдорлари хоқон унвонини олганлар. Биринчи ҳукмдор Или хоқон тахт унвонига эга бўлган Бумин эди. Унинг ўғли ва меросхўри Коло (Кара хоқон) томонидан жуан-жуанлар яна бир марта мағлуб қилинади (553), Кара хоқоннинг укаси Муан хоқон уларни 555 йилда тўла тор-мор қилади. Жужанларнинг катта қисми ғарбга қочади ва авар номи билан танилади. Муан хоқон ҳукмронлиги йилларида (553–572) хоқонлик Марказий Осиёда сиёсий етакчига айланади: Манжуриянинг жануби-ғарбида қитанлар, Энасойда қирғизлар ва бошқа қабилалар бўйсундирилади[83].

552–553 йилларда Истами хоқон «ўнта туркман жангчилари»нинг бошлиғи сифатида Буминга унинг юришларидан бирида ҳамроҳлик қилди, натижада ўзига Еттисув турклари ва эфталитларни бўйсундирди. Ғарбга иккинчи кампания 555 йилда давом этади. Манбалардаги тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, турклар қўшинларининг ғарбга қараб олға бориши чегарасини Сирдарёнинг ўрта оқими (Тошкент воҳасининг шимоли) ва Орол бўйига қадар деб кўрсатиш мумкин. Ёзма ёдгорликларда Истами хоқон турк қўшинларининг юришларининг охириги чегараси Темир қопп (Темир дарвоза – Бойсун тоғларида жойлашган Сўғддан Тохаристонга тоғ йўлининг ўрта асрадаги номи) дейилади.

Буюк Турк хоқонлиги асосчиси Бумин қўшни мулклар билан элчилик алоқалари ўрнатишнинг тамал тошини қўйди. 542 йил унинг қароргоҳига жужанларнинг душмани бўлмиш Ғарбий Вэй (Шимолий Хитой) ҳукмдори Тайцзудан элчи келди. Бир йилдан сўнг турк элчиси ушбу император қароргоҳига жавоб ташрифини буюрди. Баъзи тарихчилар Буюк турк хоқонлигининг вужудга келишининг илк даврини 545–547 йиллардаги ушбу воқеалар билан боғлайдилар. Жужанлар хони Анахуанга қарши исён қилиш учун ҳали вақт етилмаганлигини сезган Бумин ўз вақтида қимматбаҳо металл буюмлар билан ўлпон тўлашда ва бу орқали унга ўзининг аввалги холис муносабатини намойиш қилишда давом этди.

550 йилда Бумин жужанларга қарши юришга тайёрлана бошлади. Зиддият чиқаришга баҳона топиш учун у Анахуандан қизини хотинликка беришини сўради. Анахуан бу таклифдан ғазабга келиб ўзини ҳақоратланган дея ҳис қилди ва кўрслик билан шундай жавоб берди: «Сен, менинг темирчим, қандай қилиб менга шуни таклиф қилишга журъат этдинг?» Бумин Анахуаннинг элчисини қатл этди. Айни пайтда Ғарбий Вэй императори билан битим тузади ва унинг қизи Чилега уйланади.



Бумин жужанларга қарши юриш қилади ва уларни тор-мор келтиради. Бундай шармандаликка чидай олмаган Анахуан ўз жонига қасд қилади. Бумин ушбу муваффақиятли юришидан кейин «илиг қоон» унвонини олади.

552 йилда Буюк Турк хоқонлигига асос солинади. Шундан сўнг кўп ўтмасдан Бумин хоқон вафот этади. Буминнинг меросхўри Карк Исик хоқон хоқонлик устидан бир йилгина ҳукмронлик қилади. Ундан кейин тахтга Буминнинг бошқа ўғли Мухан хоқон ўтиради (553–572), унинг бошқаруви даврида жужанлар устидан тўла ғалаба қозонилади. Уларнинг бир қисми Уралга қочишга мажбур бўлади. Хоқонликка қисқа фурсат ичида шимолда қирғизлар ва чиқлар, шимолда татабу, қитан, отуз-татарлар кўшиб олинади. Мухан хоқон ҳукмдорлиги даврида Буюк Турк хоқонлиги таркибига улкан – шарқдан ғарбга (Ляодуа қўлтиғидан Уралгача), жанубдан шимолгача (Хитойдан Байкал ва Саян-Олтой тоғларигача) бўлган ҳудудлар кирар эди.

Буюк Турк хоқонлигининг ғарбга юришларига Буминнинг укаси Истами (Силзибул, Синжи-бу) бошчилик қилди. У жужанларни таъқиб қилиб, 558 йили Итил (Волга) дарёси соҳилларигача қувиб борди. Бироқ жануб томонда Эфталитлар давлати томонидан ҳануз хавф бор эди. Шу сабабли Истами ўз юришининг йўналишини Ўрта Осиё томонга ўзгартиришга мажбур бўлди.

VI асрнинг 50-йилларидаёқ турклар эфталитлар билан Ўрта Осиёнинг шимолий қисмида тўқнашган эдилар. Эфталитлар, афтидан, бу қадар қудратли рақибга дуч келишларини ўйламаган эдилар. Ушбу ҳодисалар ҳақида византия тарихчиси Менаандр ҳикоя қиладики, эфталитлар сардори, ҳатто ҳужум қилишга уринади, лекин маслаҳатчиси Катулф ўз мулки чегарасида эфталитлар бегона ердагидан кучлироқ эканлигини таъкидлаб, уни аҳдидан қайтаради. Уруш узок (афтидан, танаффуслар билан) давом этади. Туркларнинг йўлбошчиси Силзибул жужанларга, эфталитлар билан урушни тугатгач, бошқа душманларини ер билан яқсон қилишини айтиб пўписа қилади.

Сосонийлар ҳукмдори Хусрав I ва турклар бир-бирлари билан дипломатик алоқалар ўрнатадилар. Иттифоқ тузиш кўзда тутилиб, ундан мақсад эфталитларни тор-мор этиш эди. Элчилар Сўғд ҳудуди орқали, гарчи бу ерлар эфталит отрядлари билан ишғол қилинган бўлса-да, Жайхун (Амударё) соҳилига ўтишлари лозим эди. Эфталитлар шоҳи Гатифар хоқон ва Эрон шоҳи ўртасида иттифоқ ва дўстликка йўл қўймаслик мақсадида элчиларни ўлдиришни буюради. Улардан фақат биттаси жонини сақлаб қолишга муваффақ бўлади ва хоқонга



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

хабар келтиради. «Унинг (хоқоннинг) қалби оғриқ билан, ақли эса қасос билан тўлади». У жуда катта қўшин тўплайди ва эфталитлар томон йўл олади, бошида Чоч, Папак (Чирчик) худудларини қўлга киритади ва Гулзарриюн (Сирдарё) дарёсига яқинлашади. Эфталитлар мағлубиятга учрайдилар, уларнинг қўшинлари жанубга томон қочади, у ерда Чаганиён хукмдори Фаганиш эфталитларнинг янги подшоҳи қилиб тайинланади. Сосонийлар ва турклар ўртасида музокара-лар бошланади.

Турклар томонидан эфталитларнинг тор-мор этилиши тахминан 563 ва 567 йиллар оралигида рўй беради. Ушбу, афтидан, катта қисми Ўрта Осиёга тўғри келган ҳарбий ҳаракатлар натижасида, энг аввало, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси жабр кўради. Фирдавсий бу ҳақида шундай ёзади: «Чочда, Терекда (яъни, Папак – Чирчикда), Самарқанд ва Сўғдада кўп (жойлар) вайрон қилинди ва қиргин келтирилди. Чаганиён, Бамиан Хутталон ва Балх аҳолиси – уларнинг ҳаммаси учун қора кунлар бошланди» [80]. Иттифоқчилар орасида (Турклар ва Сосонийлар) тушунмовчилик келиб чиқиб, охирида ажралиш билан тугади: ҳар икки томон мазкур вазиятдан имкон қадар ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлган кўринади.

Эрон-Турк муносабатларидаги кескинлик эфталитларга қўл келди. Ўрта Осиёнинг энг жанубий вилоятлари, жумладан, ҳозирги Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистон Сосонийлар Эрони таъсири доирасида қолдилар, шимолий вилоятлари туркларнинг юқори ҳокимияти остига ўтдилар. Қатъий белгиланган чегаралар, албатта, йўқ эди ва чегарадош худудлар бир вақтнинг ўзида икки томонга ўлпон тўлаши лозим эди. Зарафшон водийсида қолган эфталитлар туркларга ўлпон келтирар эди. Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида бирмунча вақт ярим мустақил эфталит хукмдорликлари яшашда давом этди. Лекин Маъсуди маълумот беришича, Хусрав I «Балх дарёси» ортидаги ерларга бостириб кирди ва Хутталонгача етиб борди. Эфталитлар шоҳи ўлдирилди, унинг мулки Хусрав I га ўтди. Шу тариқа Эфталит давлатига барҳам берилди.

Бевосита Эфталит давлати тор-мор этилганидан сўнг ишғол этилган худудлар ғолибларнинг хукмронлигига ўтди: келишувга биноан туркларга Амударёдан шимолга қараб кетган худуд тегди, жанубий вилоятларни Эрон тасарруфига олди. Бироқ турклар бир неча марта чегарани бузиб Тохаристонга хужум қилдилар. 588 йилда турклар Фирдавсий ва араб тарихчиларининг маълумотларига кўра, Амударёни кечиб ўтиб



бутун Тохаристонни эгаллаб олдилар ва ғарбга – Ҳиротгача бордилар. VII аср бошларида Эрон ўнг қирғоқ Тохаристон турклари ва эфталитларини тор-мор қилишга уриниб кўрди. Гарчи Эрон саркардаси Смбат Багратуни ғалаба қозонган бўлса ҳам, ушбу ҳудудлар энди эронликларга бўйсунмас эди; тез орада улар ҳайдаб чиқарилди ва турклар Тохаристонда муқим ўрнашиб олдилар.

Турклар билан эронликлар ўртасидаги келишмовчилик қадим замонлардан Хитойдан Византияга Ўрта Осиё орқали ўтувчи савдо йўлларида назорат ўрнатишга ҳам тегишли эди. Турк хоқонлигининг Эрон билан ўзаро дўстона алоқалари даврида сўғдлар ташаббуси билан Эронга унинг ҳудуди орқали Византияга транзит йўли билан ипак олиб бориш ҳақида келишув мақсадида элчилик жўнатишга қарор қилинган эди. Элчиликка сўғд савдогари Маниах бошчилик қилган. Бироқ у тўла муваффақиятсизликка учраган – сотиб олиб келтирилган ипак элчилар кўз олдида Хусрав I буйруғи билан ёқиб ташланган. Фақат турклардан иборат таркибдаги иккинчи элчиликнинг муваффақиятсизлигидан сўнг, иттифоқчиларнинг муносабатлари ғоят кескинлашди ва бунинг оқибати Эрон ва Турк хоқонлиги ўртасида ҳарбий тўқнашувларнинг қизғин тус олишига олиб келди.

Шундан сўнг 568 йилда Истами Византияга Маниах бошчилигида ўз элчиларини юборади. Улар Каспий денгизининг шимолий томонидан Кавказ орқали Константинополга етиб келадилар. Византия императори Юстин II туркларни илиқ, ўзаро ишонч вазиятида қабул қилади, уларнинг савдо алоқалари борасидаги таклифларини қўллаб-қувватлайди ва Эронга қарши кайфиятини тушунишини билдиради. У турк элчилари билан бирга ўзининг Земарх бошчилигидаги элчиларини юборади. Истами 568 йилда Оқтоғ (Шарқий Тяньшань) тантанали равишда Земархни қабул қилади, Византия билан келишув имзолайди. Сўнг ўзининг элчиларини Тагматархон бошчилигида Константинополга жўнатади. Шундан бироз муддат ўтиб, Истами хоқон ўз қўшини билан Эронга қарши юриш қилади. Талас водийсида Истами шоҳ Хусрав I элчиларини қабул қилади. Истами византиялик элчи Земарх олдида уларга танбех беради ва расмий равишда Эронни аввал эфталитларга тўлаган, кейин эса Турк хоқонлигига тўлаш мажбуриятини олган ўлпонни тўлашдан бош тортганликда айблайди.

Турк армияси йўл-йўлакай бир неча Эрон шаҳарлари ва денгиз портларини қўлга киритиб, ўзининг зафарли юришларини давом эттирди. 571 йилда Истами хоқон Эрон шоҳи билан тинчлик шартномаси



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тузди, унга кўра икки давлат ўртасидаги белгилловчи чизик – чегара Амударё бўлди. Бундан ташқари, шоҳ Хусрав ҳар йили туркларга 40 минг тилла олтин миқдорида ўлпон тўлаш мажбуриятини олган.

Эрон-турк урушининг бундай яқун топиши Константинополни бевозта қилмасдан қолмас эди. Қисқа вақт ичида Византиядан турклар қароргоҳига олтита элчи келди. Валентин бошчилигидаги Византия элчилари турклар 568 йилда византияликлар билан тузилган аввалги келишув талабларига кўра Эрон билан урушни давом эттиришларини талаб қилдилар. Бироқ турк ҳукмдорлари Византия элчиларини совуқ қабул қилдилар. Византия талабларига жавобан турк армияси 576 йилда Босфорни эгаллаб олди. У Қримга Ғарбий Кавказдаги Византия мулкларигача етиб борди. Византия аварларининг (Европа этноними жужан) кўмаги икки давлатнинг ўзаро муносабатларини янада кескинлаштирди[74].

Шундай қилиб, VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк хоқонлиги Марказий Осиёнинг сиёсий гегемонига айланди. 576 йилда турклар Киммерия Боспори (Керч)ни забт этдилар. Шарқда Корейс бўғозидан ғарбда Каспий денгизигача, жанубда Гоби саҳросидан шимолда Байкал кўлигача бўлган кенгликларда улкан кўчманчи империя тузилди. Хоқонлик ўша даврнинг йирик давлатлари – Византия, Сосонийлар таркибидаги Эрон, Хитойнинг сиёсий ва иқтисодий муносабатлари тизимига қўшилиб, Буюк ипак йўлини бошқариш учун курашга киришди.

572 йилда Турк хоқони Мухан вафот этди. Унинг меросхўри – укаси Таспар (Тобо) хоқон (572–581) марказлашган ҳокимиятни кўлида маҳкам ушлаб турар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Хитой шимолидаги Ци ва Чжоу давлатлари ҳар йили Буюк Турк хоқонлигига 100 минг ўрам ҳажмида ипак ўлпон тўлар эди. Таспар хоқон вафот этганидан сўнг, хоқонлик таркибидаги уруғлар ўртасида ички низолар ва хоқон тахтини эгаллаш учун кураш бошланди. 581–583 йиллар хоқонлик учун чорванинг ёппасига қирилиб кетиши, қурғоқчилик ва ҳосилсизлик йили бўлди. «Нон ўрнига тош чайнади» деб шу давр ҳақида айтилади. Мухан хоқон ислохотларига мувофиқ хоқонлик тахтига унинг ўғли эмас, укаси ўтириши керак эди. Бироқ бу қоида бузилади ва Таспарнинг ўғли Амрак хоқон қилиб тайинланади. Ушбу ҳодисалардан сўнг хоқонлик тахти учун кураш шиддатли тус олиб янада кескинлашадиган ҳамда узоқ вақт давом этади. Буюк Турк хоқонлигининг шарқий ва ғарбий қисми ягона давлатдан ажралиб қолган эди. Тахтга меросхўрлар



ўртасидаги жанжалларга барҳам бериш учун Истами хоқоннинг ўғли Тарду Бёке ўтиради.

581–588 йилларда Хитой томонидан Турк хоқонлигига босим кучаяди. Суй династияси (581–618) туркларга ўлпон тўлашдан бош тартади ва уларнинг босқинига муносиб қаршилик кўрсатишда давом этади. 588 йилда Эрон Ҳирот ёнидаги жангда Ғарбий Турклар устидан ғалаба қозонади. 590 йилда Византия Босфорни қайтариб олади. Бундай ички ва ташқи сабаблар боис 603 йили Бёке хоқон ўлимидан кейин Буюк Турк хоқонлиги расмий равишда икки давлатга – Ғарбий ва Шарқий хоқонликларга ажралади.

Ажралишдан кейин кўп ўтмасдан 630–682 йилларда тез заифлашиб қолган Шарқий Турк хоқонлиги Хитой империясидан мағлубиятга учрайди ва амалда ўз ҳаётига яқун ясайди. Бу пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги (Етгисув, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё) гуллаб-яшнади. Тардушхон (Датоу) ҳукмронлиги пайтида турклар ўзларининг Марказий Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаб олиб, шарқда теле ва сенято қабилаларига, кейинроқ, 615–619 йилларда тўла бўйсундирилган ғарб туркларига қарши қизгин ҳарбий ҳаракатлар олиб бордилар. Ғарбий чегараларда ҳам фаол ташқи сиёсат олиб борилар эди – 627 йилда турк қўшинлари Кавказортида Византия ва Эрон ўртасидаги урушда Византия томонидан иштирок этдилар. 630–651 йиллар хоқонлик ичидаги ўзаро низолар, қон тўкишлар даври бўлди. 651 йилда Ашина хэлу бошчилигида ғарбий туркларнинг асосий кучлари Хитой қўшинлари томонидан тор-мор келтирилди. Хитой Ғарбий Турк хоқонлиги ерларини келиб чиқиши турклардан бўлган Хитой амалдорлари бошчилигидаги туманларга бўлди. Бироқ ушбу ерларнинг Хитойга қарамлиги номигагина эди, бунинг устига, VII асрнинг 70-йилларида кучайган Тибет амалда Хитойни Марказий Осиёдан ажратиб қўйди. Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнига Тургаш хоқонлиги вужудга келди (702–756) [84].

Марказий Осиё давлатларининг Турк хоқонлиги таркибига кирган даври маданий жиҳатдан анча юқорилиги билан ажралиб турадики, бунга кўп жиҳатдан VI аср ўрталарида қарор топган турклар назорати остидаги халқаро савдо йўлларидаги барқарорлик сабаб бўлди. Алоҳида ҳукмдорларнинг халқаро савдодаги ҳуқуқлари ҳам Турк хоқони томонидан белгиланар эди. Масалан, Эронга элчилик учун сўғд савдогари Маниах Истами хоқондан рухсат олиши керак эди. 568 йилда Замархнинг Византия элчилиги Константинополга қайтаётганида, баъ-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

зи Ўрта Осиё ҳукмдорлари Византияга ўз элчиларини жўнатишга рухсат сўрадилар. Истами хоқон Хоразм ҳукмдоридан бошқа барчага рад жавобини берди.

Туркларнинг дипломатик муносабатлари тарихи бўйича энг рангбаранг манбалар Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Улар сирасига, энг аввало, хоқон қизи Датоунинг (575/6 – 603) Сўғд ҳукмдори Дайшеди билан никоҳи тўғрисидаги Хитой хроникаси Суй шу киради. Унда «у ерда қонунлар ва ёзув туркча» [79] эканлиги қайд этилади. Анча кейинги даврларда Самарқанд ва Панжикентнинг баъзи ҳукмдорлари турклардан эканлигини кузатамиз. Сўғдда, ҳар ҳолда, Панжикентда тахтга ворислик мавжуд эмас эди: 709 йилда турк Билганинг ўрнини сўғд Деваштич эгаллайди. Сўғд асилзодалари турк иерархиясига кирар, воҳа ёнида қўним топган турк гуруҳлари сардорлари эса маҳаллий сиёсий тизимга қўшилар эди[89].

Ўрта Осиё, жумладан, Сўғд иқтисодиётида ҳам ташқи, ҳам ички савдо муҳим ўрин тутар эди. Турфон воҳасидаги X асргача яшаб келган сўғд мустамлакалари сўғд савдогарларининг муҳим ўрин тутишидан далолат беради, бу ҳақида сўғд мустамлакачилари ўзларининг Самарқанд ва Бухородаги қариндошларига ёзган хатларидан (VI аср) билиб оламиз; мактубларда улар савдо битимлари, мис, қумуш ва олтин эвазига мол сотиб олиш, ўзларининг моллари нархлари ҳақида хабар берадилар, шунингдек, даврнинг нотинчлиги сабабли юзага келган қийинчиликлардан шикоят қиладилар[87].

Ички савдо тўғрисидаги маълумотлар, асосан, хитой манбаларида ва анча кейинги мусулмон манбаларида жамланган. Уларнинг барчаси сўғдлар савдо санъатида илгарилаб кетган, деган фикрда яқдилдирлар; уларнинг савдо қилиш маҳорати шунчалар юқори эдики, Сюан Цзянь исмли саёҳатчининг сўзлари билан айтганда (629), мамлакатнинг ярим аҳолиси миришкорлик билан, ярми эса савдо билан шуғулланган. Сўғднинг бош шаҳри Самарқанд айни вақтда йирик савдо маркази бўлиб, карвон йўлида муҳим боғловчи тугун вазифасини ўтар эди. Унда энг катта миқдорда хорижий моллар, шунингдек, маҳаллий хунармандчиликка мансуб асосий маҳсулотлар жамланган. Шунингдек, Пойкенд, Иштихон ва Арбинжон ҳам йирик савдо шаҳарлари, Тававис билан Зиндана эса савдо-хунармандчилик қишлоқлари эди. Бухоро ўзининг заргарлик буюмлари билан шухрат қозонган эди.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Эфталитлар ва Турк хоқонлиги давлатлари даврида диплома-



тик фаолликнинг шакл ва кўринишлари ўзининг эволюцион ривожини бошдан кечирди. Марказий Осиё давлатлари бу вақтда Сосонийлар Эрони ва Хитой билан урушларда намоён бўлувчи қизгин (баъзан экспансионистик) ташқи сиёсат олиб бордилар. Ҳарбий ҳаракатлар билан бир қаторда, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодиёти ҳамда уларнинг Ипак йўли бўйлаб савдо алоқалари шиддат билан ривожланди. Шу билан боғлиқ равишда уруш эълон қилиш, иттифоқчилик ва савдо шартномаларини имзолаш каби масалаларда дипломатия ва дипломатларнинг ўрни ортиб борди. Дипломатик хизматга жалб қилинган ходимларнинг сони ортди, улар зиммасидаги вазифаларнинг доираси кенгайди. Дипломатик хизмат вакиллари ўз вазифаларини бажарадиган махсус муассасалар (бинолар) пайдо бўлди (хусусан, Турон хоқонлиги ва Хитойга чегарадош ҳудудларда).

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Авеста//Перевод с авестийского И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе, 1990.
2. История государственности Узбекистана / Под ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимовой. Т.1. – Т., Узбекистан, 2009.
3. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е. Очерки по истории цивилизации Узбекистана. Государственность и право. – Т., 2000.
4. Ширинов Т. Древнебактрийское царство «Большой Хорезм» (VII-VI вв. до н.э.) // Очерки по истории государственности Узбекистана. – Т., 2001.
5. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – III в. н.э.). Хрестоматия / Под ред. Л.В. Баженова. – Т., 1940. – 170 с.
6. Дьяконов И.М. Очерки по истории древнего Ирана. – М., 1961. – С. 53–56.
7. Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. // ВДИ. 1965. №2.
8. История древнего Востока: от ранних государственных образований до древних империй. – М., 2004. – С. 761,787,783.
9. Золин П. Дипломатия царицы скифов. Тумарис// www.proza.ru|2009|08|10
10. Рунг Э. Персидская дипломатия золота/<https://kpfu.ru/~moiv/persidskaya-dipl...>
11. Мончадская Е.А. О правителях Бактрии и Согдианы VI-IV вв. до н.э. // ТГЭ. Т.V. – Л., 1961.
12. Щеглов Д.А. Кочевые народы Средней Азии по сведениям историков Александра Великого//ЗВОРАО. Новая серия. Т.II. – СПб., 2006.
13. Арриан. Анабасис Александра//Пер. с древнегреч. М.Е. Сергиенко. – М. – Л., 1962.
14. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – III в. н.э.). Хрестоматия/ Под ред. Л.В. Баженова. – Т., 1940. – 170 с.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

15. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского// Пер. В.С.Соколова. – М., 1963.
16. История государственности Узбекистана / Под ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимовой. Т.1. – Т., Узбекистан, 2009.
17. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Т., 2002.
18. Биккерман Э. Государство Селевкидов. – М., 1986.
19. Зеймель Е.В. Парфия и Греко-Бактрийское царство // История древнего мира. Т. II. – М., 1982.
20. Литвинский Б.А. Греко-Бактрия, Парфия (III – II вв. до н.э.)// ИТН. Т. 1. – М., 1963.
21. Массон В.М. Деметрий Бактрийский и завоевание Индии//ВДИ. 1961. № 2.
22. Ртвеладзе Э.В. Китайский импорт в Центральную Азию по археологическим данным. Традиции и новаторство в искусстве Центральной Азии (история и современность). – Т., 1995. – С. 37–38.
23. Ртвеладзе Э.В. Проповедники буддизма из стран Трансоксианы в Китае.// ОНУ. – Т., 1998. – С. 12–33.
24. Ртвеладзе Э.В. Дипломатия стран Центральной Азии в древности (I тыс. до н.э. – X в. н.э.). НМЖМП. – Москва, 1999. № 1. – С. 118–137.
25. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Т., УзМЭ, 1999.
26. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Т., УзМЭД, 2008.
27. История государственности Узбекистана. Т. 1. /Научн. ред. Э.В. Ртвеладзе. – Т., Узбекистан, 2009.
28. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. – М. – Л., 1950.
29. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – III в. н.э.). Хрестоматия под ред. Л.В. Баженова. – Т., 1940. – 170 с.
30. Xe Su Lee. The Role of Uzbekistan as the cultural Route connecting to Korean peninsula (focused on the Historic Relations between Korea and Central Asian Turks)// Вклад Узбекистана в развитие исламской цивилизации. – Т. – Сам., 2007. – С. 365–369.
31. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. – М. – Л., Изд-во АН СССР, 1950.
32. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Т., 1975. – С. 74–75.
33. Исхаков М. Великий Шелковый путь – путь корейско-центральноазиатских культурных диалогов//Korean Studies and University Cooperation between Central Asia and Korea. – Т., 2008. – С.19–31.
34. История государственности Узбекистана (вторая половина II тыс. до н.э. – III в. н.э.). Т. I. – Т., «Узбекистан», 2009. – С. 131.
35. Кобзева О.П. Сотрудничество ученых Узбекистана и Южной Кореи в изучении истории Великого Шелкового пути// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Т., 2006. №.3. – С.93–98.
36. Кобзева О.П. Согдийские шедевры японских храмов// Moziydan sado. – Т., 2007. № 4.
37. Когучи Ясуо. Согдийская культура и согдийцы в Японии// The Role of Samarkand in the History of World civilization. – Т., «Фан», 2007. – С.119–124.

38. Ртвеладзе Э.В. Согдийцы на Дальнем Востоке // *Общественные науки в Узбекистане*. – Т., 1998. № 8.
39. Коллекция японского искусства. – Токио, 1978. Т.5.
40. Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. – Т., 2005.
41. Литвинский Б.А. Кушанский город в Средней Азии и Индии // *НАА*. – Москва, 1979. № 3.
42. Массон В.М. Кушанская эпоха в древней истории Узбекистана // *ОНУ*. – Т., 1981. № 6.
43. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Дальверзин-тепе. Кушанский город на юге Узбекистана. – Т., 1978.
44. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Дипломатия стран Центральной Азии в древности // *Московский журнал международного права*, 1999. № 1. – С. 118–197.
45. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь / *Энциклопедический справочник*. – Т.: Узбекистон Миллий Энциклопедияси, 1999.
46. Ртвеладзе Э.В. К истории становления Кушанского государства в Бактрии и Гандхаре // *Древняя Индия и Центральная Азия*. – Т., 2000.
47. Ртвеладзе Э.В. К истории Кампыртепа (Александрии Оксианской) // *Центральная Азия от Ахеменидов до Темуридов*. – СПб., 2005.
48. Ртвеладзе Э.В. Новые данные по истории Кушан // *Общественные науки в Узбекистане*, 1997. № 5.
49. История государственности Узбекистана / Отв. ред. Д.А. Алимova, Э.В. Ртвеладзе. – Т., 2009.
50. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. Проблемы истории и культуры. – М., 1977.
51. Широных Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III–II тыс. до н.э.) // *Тезисы международного семинара ЮНЕСКО. «Формирование и развитие...»*. – Т., Фан, 1990. – С. 42–43.
52. Горбунова Н.Г. Роль традиционных путей передвижения скотоводческих племен и сезонных перекочевок в сложении торговых путей древности // *Формирование и развитие...* – Т., Фан, 1990. – С. 36.
53. Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке // *КСИА*. – М., 1968. № 114. – С. 54–72; Сагдуллаев А.С. К эволюции древнейших путей на юге Средней Азии // *На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути* / Под ред. Г.А. Пугаченковой. – Т., Фан, 1990. – С. 6.
54. Ходжаев А. Великий Шелковый путь. – Т., 2018; Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2007. – С. 94.
55. Лубо-Лесниченко Е.И. Пазарык и Западный Меридиональный путь // *Страны и народы Востока*. – М., 1987. Вып. 25. – С. 84–87.
56. Ртвеладзе Э.В. Великий Индийский путь. Из истории важнейших торговых дорог Евразии. – СПб.: Нестор-История, 2012. – С. 296.
57. Zhang Jiping. Story of the Silk Road / Translated by Jia Zongui. – Beijing: China Intercontinental Press, 2005. – P. 21.
58. Ильясов Дж. К вопросу о «тюрко-согдийском симбиозе» // *Роль искусства в процессе истории формирования государственности Узбекистана: Сб.ст.* – Т., San`at, 2007. – С. 44–53.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

59. Пигулевская Н.В. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV–VI вв. – М. – Л., 1951.
60. Хансен В. Великий Шелковый путь. Портовые маршруты через Среднюю Азию. Китай-Согдиана-Персия-Левант. – М., 2014. – 477 с.
61. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. – Т., 1999. – С. 144.
62. Чэнь Хайтао, Лю Хуйцинъ. Народ из перекрестка цивилизаций – исследование о согдийцах – эмигрантах в Китае династии Тан. – Пекин, 2006 (на кит.яз.).
63. Кобзева О.П. Страницы истории ВШП: шелк, специи и чай. – Т., 2013.
64. Ло Фэн. Великий Шелковый путь и древние захоронения в Гуюане Северных династий и династий Суй и Тан // Вестник Гуюаньского педагогического института. – Гуюань, 1999. № 5. (на кит.яз.).
65. Ахметшин Н.Х. Тайны Шелкового пути. Записки историка и путешественника. – М., Вече, 2002. – С. 223–226.
66. Чжао Сяоцзя. О памятниках согдийцев – эмигрантов по фамилии Ши 6-7 веков в Китайском Гуюане // Актуальные проблемы Центральной Азии и Кавказа. – М., Социум, 2015. – С. 133–139.
67. Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути... – С. 13–14.
68. Zhijuan Liu. The Story of Silk. – Beijing: Foreign Languages Press, 2006. – P. 4–7.
69. Дреж Ж.-П. Марко Поло и Шелковый путь/ Пер. с фр. И.С. Бородычевой. – М., Астрель. – АСТ, 2006. – С. 127.
70. Подарок созерцающим. Странствия Ибн Батуты. – СПб.: Эрмитаж, 2015.
71. Кобзева О.П., Джалилов О.З. Узбекистан и Китай на возрождающемся Шелковом пути. – Т., 2015.
72. Массон В.М. Великий Шелковый путь как инструмент экономической и интеллектуальной интеграции // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тез. докл. межд. сем. ЮНЕСКО. – Т., Фан, 1990. – С. 13–15.
73. Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. – Т., Mir-Inform, 2005. – С. 89–96.
74. Очерки по истории узбекской государственности // Под ред. Алимовой Д.А. – Т., 2001.
75. Ртвеладзе Э.В. Историческое прошлое Узбекистана. – Т., 2009.
76. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства культуры Центральной Азии. – Т., 2008.
77. Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений. – Т., 1957.
78. Абу Бакр Мухаммад Наршахи. История Бухары. – СПб., 2004.
79. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М. – Л., 1950–1953.
80. Фирдоуси. Шахнаме. Т.1. – М., 1947.
81. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса. – Т., 2007.
82. Баратова Л. Тюркский каганат и его взаимоотношения с владениями Среднеазиатского Двуречья // Очерки по истории государственности Узбекистана. – Т., 2001.
83. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М., 1961.



84. Зуев А.Ю. Западно-тюркский каганат // История Казахской ССР. Т.1. – Алма-Ата. 1977.
85. Кляшторный С.Н. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии.
86. Кляшторный С.Г. Проблема ранней истории племени турк (ашина) // Новое в археологии. – М., 1965. МИА. № 130.
87. Лунина С.Б. Города Южного Согда в VII-XII вв. – Т., 1984.
88. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск, 1989.
89. Согдийские документы с горы Муг / Пер. Лившица В.А. – М., 1962.
90. Мухаммеджанов А.Р. История Узбекистана. – Т.:Узбекистан, 2001.

Глоссарий

Авесто – авесто тилида ёзилган зардуштийлик муқаддас китобларининг тўплами. Авестонинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО ҳомийлигида 2001 йилда Хоразмда нишонланган.

Анахита – зардуштийликда ҳосилдорлик ва деҳқончилик худоси.

Анси – хитой манбаларида Парфия.

Аракс (Окс) – Амударёнинг қадимги номи.

Арахозия – ҳозирги Афғонистоннинг жануби-шарқи ва Шимолий Покистон ҳудудининг эллин давридаги номи.

Арриан – мил. I-II асрлар юнон тарихчиси, «Александр анабасиси» асарининг муаллифи.

Ахоманийлар – қадимги форс шоҳлари сулоласи (мил.авв. 705–330).

Ахура – асл маъноси: «ҳукмдор», «жаноб», Ахурамазда.

Ашина – турк уруғи ҳукмдори.

Бамиан – Афғонистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. Ҳиндикуш орқали ўтувчи тарихий савдо йўлаги. Мил.авв. I-II асрларда бу ерда буддавийлик ибодатхоналари (VIII асрга қадар мавжуд бўлган), қояларда Буддаларнинг улкан ҳайкаллари ўйилган (2001 йилда толибончилар томонидан йўқ қилинган).

Вахуман – Сўғд ишхиди, Самарқанд ҳукмдори (650–690).

Ҳерируд (Тажан) – Афғонистон, Эрон ва Туркманистондаги дарё.

Геродот Галикарнасский – қадимги юнон тарихчиси, «тарих отаси» (мил. авв. 484–425).

Юнон-Эрон урушлари – мил.авв. 499–449 йилларда қисқа танаффуслар билан олиб борилган. Ўрта Осиё халқлари ушбу урушларнинг иккита муҳим жанглирида Марафон (мил.авв. 490) ва Саламин денгиз урушида (мил. авв. 480) қатнашган.

Гуйшуй – Амударёнинг хитойча номи.

Даван – қадимий тарихий-маданий вилоят (Фарғона).

Даҳя – Бақтриянинг хитойча номи.

Дацин – Римнинг хитойча номи.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Дунхуан – Буюк ипак йўлининг асосий тармоғида жойлашган «1000 Будда» шаҳри, у ерда кўп сонли сўғд диаспораси яшаган.

Жужан – Ғарбий Манжурия, Мўғулистон ва Туркистон чўлларида яшовчи кўчманчи қабилалар иттифоқи.

Ғарб ўлкаси – Хитой Ғарбидаги ерлар (мамлакатлар): Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг хитой тарихий хроникаларида қабул қилинган номи.

Исидор Харакский – юнон ёзувчиси, географ, «Парфия бекатлари» йўл кўрсаткичи ишининг муаллифи.

Ихшид – сўғд князлик унвони.

Ихшидлар – Самарқанд ва Фарғонанинг Турк хоқонлиги давридаги ҳукмдорлари.

Хоқон – турк ҳукмдорларининг юқори унвони.

Кампиртепа – Амударёдаги антик порт ва божхона шаҳри (мил.авв. IV – мил. I аср бошлари).

Кан – Самарқанднинг хитойча номи.

Кангюй – Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг шимолий ва марказий қисмларини ва Сирдарёнинг ўнг томонидаги кенг ҳудудни эгаллаган кўп қабилали мулк.

Ли – хитой узунлик ўлчови бирлиги, 300 (360) қадам, тахминан 500 метрни билдиради.

Маздийлик – Ўрта Осиё талкинидаги зардуштийлик

Марғиёна – Туркменистоннинг шарқида, Мурғоб дарёси дельтаси ҳавзасида жойлашган қадимий вилоят.

Масъудий – мил. X аср араб тарихчиси, географ, қомусий олим, саёҳатчи; «Араб Херадоти тахаллусини» олган.

Митра – келишув, тотувлик, қуёш нури билан боғлиқ ҳинд-эрон илоҳаси. Зардуштийликнинг муҳим худоларидан бири.

Му Ван – Чжоу подшоҳлигининг буюк ҳукмдорларидан бири, Марказий Осиёга саёҳат қилганлиги тахмин қилинади.

Нара – Япониядаги шаҳар. 710–784 йилларда пойтахт бўлган. Ўзининг ибодатхоналари ва музей коллекциялари билан машҳур.

Нахшаб – ўрта асрлардаги Қарши шаҳри.

Парфия – қадимда Каспий денгизи жануби-шарқидаги ҳудуд. Ахоманийлар, Александр Македонский, Славкийлар давлатлари таркибига кирган. Оёққа туриб олгач, Бобилдан Инд водийсига қадар чўзилган империяга айланган (мил.авв. 250 – мил. 227).

Сосонийлар – Эронда 224 – 651 йиллар ҳукмронлик қилган сулола.

Силла – уч буюк корейс давлатларидан бири (Силла, Пэкче, Когурё).

Сиёвуш – Эрон мифологиясида Буюк Эрон шоҳи Кайхусравнинг ўғли, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қахрамони.

Сюан Цзянь – хитойлик буддавий монах, олим, файласуф. Тан сулоласи даври саёҳатчиси. 604 – 664 йилларда яшаб ўтган. «Ғарб ўлкасига саёҳат» асарини ёзган.

Ся, хуаяся – хитойликлар қадимда ўзларини шундай атаганлар.



Тан – хитой династияси (618 – 907), ҳукмронлиги Буюк ипак йўлида савдо-сотиқ гуллаб-яшнаган пайтга тўғри келади.

Танаид (Танаис) – антик муаллифлар асарларида Сирдарёнинг номи.

Тохарлар – кўчманчи чорвадор қабилалар, кушонларнинг авлодлари.

Турк – халқнинг номи, атаманинг ўзи «кучли», «бақувват» деб таржима қилинади.

Уструшона – Ўрта Осиёдаги қадимда ҳозирги Тожикистон, Жанубий Ўзбекистон ва Ғарбий Қирғизистон ҳудудларини эгаллаган вилоят.

Усуни – келиб чиқишига кўра ҳинд-эрон ёки турк кўчманчи қабила; қадимда (мил.авв. II асрда) ҳозирги Силцзяннинг шимолида истиқомат қилган, кейин эса хунн даврида Еттисув ҳудудига кўчган.

У-шу – ўртасида тўртбурчак тешик бўлган хитой бронза тангалари.

Хионитлар – кўчманчи турк-массагетлар ёки хунн-турк қабилалари иттифоқи.

Хуросон – Шимоли-шарқий Эрон ҳудуди.

Хунну – мил.авв. 220 йилдан мил. II асрга қадар Хитой шимолидаги чўллаларда яшаган қадимий кўчманчи халқ.

Хутталон – Ўрта Осиё ҳудудидаги тарихий ҳудуд, Тохаристон вилоятларидан бири.

Ши – Тошкентнинг хитойча номи.



II БОБ

IX–XIII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁДА ДИПЛОМАТИЯ, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, ТЕХНОЛОГИК ВА МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ

Ўрта Осиёдаги IX–XIII асрларда жаҳон аҳамиятига молик феномен, авваламбор, қадимдан ушбу минтақанинг тараққий этгани натижаси эди. Ўрта Осиё ўша даврда технологик, иқтисодий, интеллектуал ва маънавий ўсишга таъсир кўрсатган улкан маданий қувват ва маданий детерминантларга эга эди.

Иқтисод, илм ва технология ривожини ҳамда унинг келгусидаги равнақига Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий каби қомусий олимлар улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг қарашлари ва таълимотлари Яқин Шарқ ва Европада, Ҳиндистон ва Хитойда кенг тарқалган бўлиб, улар халқаро алоқалар ва дипломатик муносабатларнинг фаоллашувига туртки бўлган. Ушбу ғоя ва технологияларнинг ташувчилари Ўрта осиелик савдогарлар, тадбиркорлар, сайёҳ ҳамда зиёратчилар бўлган.

Нафақат аниқ фанлар, балки адабиёт, санъат, меъморлик, шеъринг, фалсафа соҳалари ҳам ривожланган. Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги барча интеллектуал ютуқларини санаб ўтиш қийин. Агар, масалан, математика соҳасига қарайдиган бўлсак, айнан Ўрта Осиё олимлари биринчи бўлиб иррационал сонларни татбиқ қилганлар, кубик тенгламаларнинг турли шакллариини ихтиро қилганлар, тригонометрияга асос солганлар, ўнлик сонлар тизими ва ҳинд сонлари (Ғарбда «арабча сонлар»деб ном олган)ни мослаштирганлар ва ёйганлар. Астрономияда ернинг диаметрини шу даражада аниқлик билан ўлчаганларки, у яқин асрларга қадар энг мукамал деб ҳисобланган; энг янги тарихга қадар бир қанча улкан расадхоналар (обсерватория) барпо этганлар ва улардан ҳайратда қоладиган аниқлик билан яратилган астрономик хариталарни ишлаб чиқишда фойдаланганлар. Кимё соҳасида Ўрта Осиё вакиллари тесқари реакцияни ишлаб чиқишда ҳам пешқадамлардан бўлганлар. Улар биринчилардан бўлиб кристаллашдан тозалаш усули сифатида фойдаланганлар, ўзига хос гравитацияни ўлчаб, ундан Д.Менделеевнинг даврий жадвалидан-да аввал табиий элемент-



ларни тизимлаштирганлар. Улар тиббиёт соҳасида антик билимларга кўпгина янгиликлар киритиб, фармокологияни сезиларли даражада Ғарб ва Ҳиндистонга ёйганлар. Ва ниҳоят, технология соҳасида тегирмон ва улар сувнинг босимини кўтариш мақсадида гидравлик механизмни ихтиро этдилар, бу эса аста-секин ғарб томон – Яқин Шарқ ва Европада, шунингдек, шарққа – Хитойда тарқала бошлади.

IX–XIII асрларда минтақада кучли урбанистик муҳит мавжуд эди, бу исломгача бўлган даврда қудратли давлат тузилмаларининг мавжуд бўлганлиги билан боғлиқ бўлиб, уларда шаҳарлар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда катта роль ўйнаган. Ўз вақтида юнон географи ва тарихчиси Страбон Ўрта Осиёни «1000 шаҳарлар мамлакати» деб атаган эди. Урбанизациялашган Византия ва Яқин Шарқдан келган элчи ва сайёҳлар ҳам шаҳарларнинг кўплигидан ҳайратланар эдилар. Шаҳарлар яхши ривожланган савдо ва ижтимоий ҳаёт марказлари бўлиб, уларда аҳоли зич жойлашган эди.

Асрлар давомида Ўрта Осиёнинг фаровонлиги манбаи савдо ва тижорат бўлиб, у, шунингдек, жўғрофий шарт-шароитлар ва шахсий ташаббус «уйғунлиги»га кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Минтақа харитаси унинг жўғрофий жойлашуви бетакрорлигини эслатиб туради: Евроосиё худудидаги барча буюк тамаддунларга Ўрта Осиёдан ёки Ўрта Осиё орқали «етишиш мумкин». Транспортировка ва савдо нуқтаи назардан минтақа, шак-шубҳасиз, марказий ҳисобланади ва тарихнинг илк даврларидан ҳам шундай бўлган.

Мазкур кенг маконни Ўрта Осиё маданиятига асосланган «савдо мажмуаси» сифатида кўриб чиқиш минтақа аҳолиси фаолиятининг асосий уч турини англашга ёрдам беради. Биринчиси – минтақавий тижорат марказларининг пайдо бўлиши; иккинчиси – узоқ масофаларда кенг алоқалар ва инфраструктурага эга бўлган моҳир савдогарлар малакали синфининг пайдо бўлиши; учинчиси – юқори даражада тараққий этган маҳаллий саноат ва мануфактурага асосланган экспортга йўналтирилган иқтисодиётнинг ривожланиши. Бу, сўзсиз, Ўрта Осиё халқлари қарашларининг кенглиги ва инновацияга мойиллигига таъсир кўрсатарди.

Евроосиёнинг марказида бўлган ва Ҳиндистон, Хитой ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқнинг қадимий тамаддунлари билан қуршаб олинган минтақа аҳолиси ҳамиша янги тушунчалар ва янги ғоялар таъсири остида бўлиб келган. Асрлар давомида улар кучли онг ва юқори малакалари билан «фойдали бўлган нарсани топа олиш» қобилиятига эга эдилар. Тадбиркорлар, савдогарлар ва тижоратчилар, онгли равишдами ёки йўқми, мол



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

олиб келиш билан бир қаторда, жамиятдаги янги масалаларга нисбатан ўз прагматик қарашларини илгари суриб, янги билим «тарқатувчи»ларга айланган эдилар.

Ўрта аср хитойлик сайёҳларнинг қайдларида Ўрта Осиё аҳолисининг ўқимишлилик даражаси ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Замондошларнинг кузатиши бу ерларда араб истилосига қадар ҳам ўқимишлилик даражасининг юқори бўлганини тасдиқлайди. Ерларни суғориш, одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш, чунончи, жамоат ҳаммомлари учун ҳар куни юз тонналаб сув етказиб бериш лозим бўлган жамиятда билим ва техник профессионализмга ҳурмат табиий эди. Фақатгина шу ишларни амалга ошириш учун 9 турдаги машиналар, жумладан, шамол тегирмонларидан фойдаланилар эди.

Евроосиёнинг марказида, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқнинг қадимги цивилизациялари билан ўраб олинган ҳудуд аҳолиси доимий равишда янги ғоялар ва технологиялар таъсири остида бўлган. Асрлар мобайнида улар «фойдали бўлган нарсани топиш»да ҳақиқий устага айланишди, кучли кўникмага ва ўз-ўзини англашнинг кучли туйғусига эга бўлишди. Ишбилармонлар, савдогарлар ва тижоратчилар онгли равишда ёки ўзлари англамаган ҳолда, товарлар билан бирга янги билимлар «етказувчилари» эдилар, улар ҳар бир масала бўйича прагматик нуқтаи назарни шакллантириб, давлатчилик, халқаро алоқалар ва ўша давр дипломатиясини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнашди.

2.1. Сомонийлар давлати ташқи сиёсати ва дипломатияси

IX – XII асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлат бошқаруви тизимида халқаро алоқалар, дипломатик муносабатлар, элчилик фаолияти анъаналари муҳим ўрин тутган. Бир томондан олганда, минтақада Қадимги Хоразм, Юнон-Бақтрия, Парфия, Кушон империяси, Турк хоқонлиги ва бошқа давлатлар мавжуд бўлган ва улар дунё миқёсидаги геосиёсий муносабатларда фаол иштирок этганлар. Юқоридаги ҳолат Марказий Осиёда дипломатик муносабатлар эволюцияси жуда қадимги даврларга бориб тақалишини кўрсатади.

VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрда Мовароуннаҳр ва Хуросон араблар томонидан истило қилинган ва тайинланадиган ноиблар томонидан бошқарилган. IX асрга келиб, Тохарийлар, Саффорийлар ва Сомонийлар каби маҳаллий сулоалар ҳокимият бошқарувини ўз қўлларига олганлар. Юқоридаги икки дастлабки сулоаларнинг бош қароргоҳлари, асосан, Эрон ҳудудида жойлашган. Сомонийлар сулола-



си вакиллари эса дастлаб Самарқанд, кейинчалик Бухоро шаҳарларини ўз давлатининг пойтахтига айлантирганлар. Сомонийлар хонадони вакилларининг (819–999) ташқи сиёсатида маҳаллий мерос асосига қурилган халқаро муносабатларни олиб бориш анъаналари узоқ вақт давомида устун бўлиб қолаверган. Бу ҳолат Сомонийлардан кейин тарих саҳнасига чиққан Қорахонийлар (840–1212), Ғазнавийлар (961–1186), Салжуқийлар (1036–1157) ва Хоразмшоҳлар (1097–1231) давлатларида ҳам сақланиб қолган.

Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар сулоласи вакилларининг тадқиқ этилаётган даврда олиб борган дипломатик муносабатлари тўғрисида гап борар экан, аввало шуни таъкидлаш лозимки, бу давлатлар ўз даврида Ўрта Осиёнинг йирик, марказлашган ва ривожланган давлатларидан ҳисобланган. Шу ҳолат сабабли ушбу давлатларнинг ҳукмдорлари фаол ташқи сиёсий фаолият олиб борганлар. Бир томондан, бу давлатларда ўз давлати ҳудудини кенгайтириб боришга уриниш кузатишган бўлса, иккинчи томондан, ташқи иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор билан қаралган.

Сомонийларнинг юксалиши Саффорийлар сулоласи билан кескин сиёсий-дипломатик ва ҳарбий ихтилофлар шароитида ҳамда IX аср охири – X аср бошларида қудратли сиёсий ва маънавий куч ҳисобланган Бағдод халифалиги билан муносабатларда моҳирона қадам ташлаш вазиятида рўй берди. Сомонийлар ва Саффорийлар ўртасидаги муносабатда кескинлик баҳсли масалаларда музокара ва мураса йўли билан келишувга эришиш мақсадида бир неча марта амалга оширилган дипломатик миссиялар алмашинувида ҳам ўз аксини топган. Бироқ ушбу саъй-ҳаракатлар натижасиз бўлди ва охир-оқибат ҳарбий тўқнашув билан яқунланди. Икки давлат ўртасидаги зиддиятда Бағдод халифаси ўз нуфузи билан Сомонийларга кўмак кўрсатди. Қураш 901 йилда Сомонийларнинг ғалабаси билан ниҳоясига етди ва Саффорийларнинг барча собиқ ерлари уларнинг қўлига ўтди. Исмоил Сомоний Хуросон, Гурган, Табаристон, Рай ва Қазвинни эгаллаб олди ва ушбу вилоятларни Сомонийлар давлати ҳудудига қўшди.

Шу тариқа Сомонийлар Хуросон ва Мовароуннаҳрда йирик қудратли кучга айланди ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида юксак мавқега эга бўлди. Ўз мустақиллигини сақлаш мақсадида Сомонийлар Бағдод халифалари билан эҳтиёткорона ташқи сиёсат олиб бордилар. Ташқи томондан гўёки Аббосий халифаларга «тобе» бўлган Сомонийлар аслида ўзларининг амалдаги мустақиллигини сақлаб қолган эдилар.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Улар халифаларга маънавий итоатда эканликларини намоёйиш қилар, бироқ ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида ўз давлатининг мустақамлиги ва барқарорлигини сақлаш учун ҳамиша мустақил чора-тадбирлар қўллашга тайёр эдилар.

Муҳаммад ат-Табарий ўзининг «Тарих» асарида Сомонийлар давлатининг юксалиши тўғрисида сўзлаганда, Бухоронинг бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалари тўғрисида ёзмаган. Лекин у Сомонийларнинг сиёсий ҳаёти тўғрисидаги баъзи маълумотларни келтиради. Бу тарихий асарда тасвирланган баъзи ҳодисаларга муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлганлиги сабабли энг ишончли манбалардан бири ҳисобланади. Унда Сомонийларнинг Аббосийлар, Саффорийлар сулоалари ҳукмдорлари ва Табаристон Алавийлари билан алоқалари тўғрисида маълумотлар бор.

Айни пайтда, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг жойлашуви, шунингдек, Сомоний амирларининг ташқи алоқалардаги тажрибаси Бухоронинг кейинги ҳукмдорларига ташқи дунё билан ўзаро муносабатларни ўрнатишда катта кўмак вазифасини ўтади. Сомонийлар Хоразм билан тинч қўшничилик муносабатларини йўлга қўйдилар ва шу орқали Волга Булғорияси билан яхши муносабатлар ўрнатдилар, бу мамлакатга ҳарбий қалъалар, шунингдек, порох ишлаб чиқарувчи устахоналар қурилиши учун ҳарбий муҳандислар юбордилар.

Исмоил Сомоний даврида Бухоро пойтахт шаҳарга айланган ва анча ободлашган. X аср араб географи Ибн Хавқалнинг маълумот беришича, «бутун Хуросон учун бошқарув идораси Бухорода – Мовароуннаҳр ерларидаги текис бир жойда жойлашган, кейин у билан уланиб кетувчи ерлар келади, уларнинг [бири] номи Бумижкас, у дарё сатҳи билан бир текисликда, унинг биноти ёғочдан [улама ёғочдан], бу ёғоч биноти қасрлар, бўстонлар, маҳаллалар, тош ётқизилган йўллар, 20 фарсахгача уланиб кетган қишлоқлар ўраб туради. Уларнинг ҳаммасини бу қасрлар, бинолар, қишлоқлар ва қасабани [пойтахтни] жамловчи девор ўраб туради. Уларнинг қаторида тушиб кетган, бузилган ва вайрона жой кўринмайди. Бу девор ташқарисида қасабага тегишли қасрлар, масканлар ва жойлар уланиб кетади, уларда пойтахт [қасаба] аҳлидан бўлган одамлар ёз ва қишда яшайдилар» [1, 483]. Бу девор ортидан у каби бир фарсах атрофидаги бошқа девор келади, унинг ичида мустақам девор билан ўралиб турувчи шаҳристон бор, шаҳристон ташқарисида унга уланиб кетган арк [қўҳандиз] бор. У кичкина шаҳристон миқдорича бўлиб, бу аркда Сомон оиласидан Хуросонда



хукмронлик қилаётган подшолар масканлари жойлашган. Шаҳардаги арк [қўҳандиз] эшиклари ортида кенг ва узун рабад, ҳамда жомеъ масжиди бор, унинг зиндони арк [қўҳандиз] ичида, бозорлари рабаднинг ичидадир. Хуросон ва Мовароуннаҳрда Бухоро каби тармоқланиб кетган [ёки куч бобида ундан ўтадиган] бошқа бирор шаҳар йўқ, аҳоли сони бўйича ҳам унга тенг келадигани мавжуд эмас. Сўғд дарёси унинг рабадини ва бозорларини кесиб ўтади ҳамда у Сўғднинг охириги дарёси бўлиб, тегирмонлар, қишлоқлар ва экинзорлар бўйлаб ўтади. Унинг қолдиғи Пойқанд ёнида Фарабга яқинлашиб, Сом Хош номли жой яқинидаги сув тўпламига тушади [1, 484].

Сомонийлар сулоласи иқтисодий ҳаётдаги чуқур ўзгаришлар нуқтаи назаридан ўз даврининг илғор сулоаларидан бири эди. Сомонийлар давлатининг тараққий этиши ҳамда Исмоил Сомоний, Наср ибн Аҳмад каби таниқли давлат арбобларининг савй-ҳаракатлари боис Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Фарғона сингари йирик шаҳарлар улкан Евроосиё ҳудудида аҳамияти катта бўлган иқтисодий ва савдо марказларига айланди. Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари Хитойни Яқин Шарқ ва Европа билан боғлайдиган савдо йўлидаги бекатлар бўлган.

Карвон йўлларида хавфсиз ва тинч вазият туфайли мамлакат ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам савдо алоқалари ривожланди. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро савдо ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди. Сомонийлар савдо алоқалари орқасидан катта бойлик орттириш ҳамда халқаро майдонда иқтисодий ва маданий устунликка эришиш мумкинлигини яхши англади эдилар.

Сомонийлар давлати ҳудудининг қулай географик жойлашуви ва ўзининг савдо масалаларидаги бой тажрибаси сабабли ташқи мамлакатлар: Хоразм, Киев Руси, Волга Булғорияси, Византия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқалар билан муносабатлар ўрнатишга уринган. Ушбу ҳудудларда топилган Сомонийлар даврига мансуб қўплаб тангалар Бухоронинг ташқи дунё билан кенг алоқаларига гувоҳлик беради. Қўплаб тарихий манбаларда Сомонийлар давлатида хунармандчилик саноати жуда ривожланганлиги тўғрисида эслатиб ўтилган. Бухорода этиқдўзлик, тикувчилик, темирчилик, заргарлик расталари бўлган бозорлар бор эди. Тарихчи ибн Ҳавқал ва Истахрийларнинг маълумотларига кўра Бухорода енгил, нафис матолардан, жумладан, парчадан кийимлар тикилган, ажойиб ипак маҳсулотлар, чиройли гиламлар тайёрланган, нафис идишлар, от жабдуқлари ишлаб чиқарилган ва уларнинг барчаси халқаро савдога қўйилган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бағдод халифалиги билан муносабатлар алоҳида аҳамият касб этган. Ўз ҳокимиятига қонуний тус бериш учун Сомоний ҳукмдорларга Аббосий халифаларнинг маънавий-ахлоқий мавқеи зарур эди. Жумладан, 907 йилда Исмоил ибн Аҳмад (892–907) вафот этган, ўлимидан кейин ҳокимият унинг ўғли Абу Наср Аҳмадга (907–914) ўтган. Халифа томонидан амир этиб тайинланганлиги тўғрисида унга ёрлиқ жўнатилган. Ёрлиқнинг четига халифанинг шахсан ўзи туғни боғлаб қўйган эди [2, 83]. Ушбу ҳукмдор даврида ҳам давлатнинг ташқи алоқаларида Бағдод халифаси билан конструктив муносабатлар йўлга қўйилган. Жумладан, аббосий халифа ал-Муқтадирнинг Волга Булғориясига жўнатган элчилиги Бухоро ва Хоразм ҳудудларидан ўтган. Элчиларни қабул қилиш чоғида сомоний амири халифага нисбатан ўзининг самимий тилакларини ўша даврда кенг тарқалган дипломатик этикет асосида элчиларга билдирган. Ушбу элчиликка доир манбаларнинг маълумот беришича, Хоразмшоҳ ва Волга Булғорияси ҳукмдори Наср ибн Аҳмадни «амир», «халифа» ал-Муқтадирни эса «султон» деб атаганлар [3, 251; 4, 410].

Сомонийлар даврида Буюк ипак йўлида транзит савдо кенг ривожланди. Евроосиё бўйлаб Шарқ ва Ғарб ўртасидаги эски савдо йўллари жонланди. Савдо алоқалари ва маҳсулот айирбошлаш Хитой – Ўрта Осиё йўналишида мужассамлашган бўлиб, Сомонийлар давлати орқали бу маҳсулотлар узоқ мамлакатларгача, шу жумладан Яқин ва Ўрта Шарқнинг йирик марказлари, Ўрта Ер денгизи, Византия, Киев Руси, Ғарбий Европа шаҳарларигача етиб борган.

Тарихий манбаларга кўра, Сомонийлар Хитой билан дипломатик муносабатларда фаол иштирок этган. Масалан, Сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад (914–943) маслаҳатчиси Хитой элчиларига уларнинг минтақа бўйлаб саёҳатида ҳамроҳлик қилган. Элчилар Шарқий Туркистон ҳудудидан ўтиши керак эди. Абу Дулаф Шарқий Туркистондан Ҳиндистон ва Сейистон орқали Бухорога қайтиб, хотиралари асосида ўз рисоласини ёзишга киришган. Унинг маълумотига кўра, сомоний амири Наср ибн Аҳмад қароргоҳига, Бухорога ас-Син ҳукмдори, яъни Сандабилнинг (Кансу) уйғур ҳукмдоридан элчилар ташриф буюрган ва улар икки сулола ўртасида никоҳ қариндошлик ришталари ўрнатишни илтимос қилганлар. Ҳукмрон сулолалар ўртасида никоҳ муносабатларини ўрнатиш икки давлат ўртасидаги алоқаларни олиб боришда муҳим аҳамият касб этган. Бироқ, сомонийлар хонадонни вакили ўз қизини ғайридин шаҳзода никоҳига беришни истамаган, лекин ўз ўғилларидан бири, яъни Нуҳ ибн Наср (943–954) Чин



ҳукмдорининг қизини ўз никоҳига олиши мумкинлигини билдирган. Ушбу малика сомонийлар хонадонига келин бўлган ва у Абдулмалик ибн Нуҳнинг (954–961) онаси ҳисобланади [3, 119].

Шу билан бирга, Хитой минтақада ўз таъсирини кучайтиришга интилган ва шу мақсадда қатъий ҳаракат қилган. Жумладан, 938–939 йилларда ас-Син ҳукмдорининг элчилари Наср ибн Аҳмадга Чин ҳукмдори мактубини топширадилар ва бу мактубда у сомоний амирдан охириги 27 йил учун ўлпон тўлашни ва расман Хитой ҳокимиятини тан олишни талаб қилади. Элчилик гуруҳида ас-Синнинг тўртта йирик олими ҳам қатнашганлар ва уларни 40 та суворий қўриқлаб борганлар. Наср ибн Аҳмад элчиларни қабул қилади ва уларга қуйидаги мазмундаги мактубни топширади: *«Эй ёш йигит, мен сени ва сенга ўхшаганларни қўрққанимдан, қўшинимнинг кам ёки заифлигидан инкор этганим йўқ. Мен ўзимни тутиб турганлигим сабаби, буюк ҳукмдор (яъни халифа) менга ҳаракат қилишга буйруқ бергани йўқ. Менинг динимда буйруқсиз бирор-бир ҳаракат қилишга рухсат берилмайди...»* [3, 247–249].

Ғазнавийлар саройида фаолият кўрсатган «элчилик нозири» деган лавозим Сомонийлар давлатида мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрамаса-да, нуфузли элчиларнинг мамлакатдаги фаолиятини таъминлаш масъулияти давлатнинг жуда обрўли кишиларига топширилган. Жумладан, ибн Фазлоннинг Волга Булғориясига Ўрта Осиё орқали амалга оширилган машҳур элчилиги ҳисоботида ёзилишича «Халифа элчилик таркибига Ибн Фазлон билан бирга, ўз хизматида бўлган Сусан ар-Рассий, Такин ат-Туркий, Борис Сақлабийларни ҳам киритган. Халифа томонидан жўнатилган элчилик бир неча кун юрганидан сўнг аввал Омуд чўлидан, кейин Пойканддан ўтиб, Бухорога етиб келади. Бу ерда уларни Сомонийлар ҳукмдорининг котиби ал-Жайҳоний кутиб олади ва сафар учун керакли нарсаларни тайёрлашда ёрдам бериш учун бир одамни масъул этиб тайинлайди. Айнан ал-Жайҳоний ушбу элчилик миссиясининг Наср ибн Аҳмад томонидан қабул қилинишини уюштириб беради. Бухоро амири ўша даврда кенг тарқалган анъанага кўра, халифа элчиларидан «Менинг ҳукмдорим жанобим мўминлар амири сиз уларни тарк этаётганингизда қандай ҳолатда эдилар», деб сўрайди. Элчилик вакилларидан ижобий жавоб эшитгач, «Ҳукмдоримнинг умрлари узоқ бўлсин», дея дуо қилади» [5, 56].

Халқаро муносабатларни олиб боришда элчилик хизматини тўғри йўлга қўйиш катта аҳамият касб этган. Бунда элчининг ақл-заковати, уddaбуронлиги, билимдонлиги, умуман олганда, унинг маънавий дунё-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

сининг бойлиги ҳам муҳим ҳисобланган, чунки элчи кўп ҳолларда халқаро муносабатларнинг қандай кечиши ва истиқболи элчининг фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб қолган. Бошқа бир ҳукмдорнинг шаҳри ва ҳарбий қароргоҳи ташриф буюрган вақтда элчи унинг ҳарбий салоҳияти, мададкор кучлари, давлатининг иқтисодий ҳолати ва шу қабила тўғрисида ахборот тўплай оладиган даражада билимли бўлиши талаб қилинган.

Ўша кезларда технологияларнинг халқаро алмашуви жадал суръатлар билан борган. Масалан, Сомонийлар давлатида ипак ва пахта матолари, асосан, Зарафшон воҳасида ишлаб чиқарилган. Қурол ишлаб чиқариш Фарғонада ривожланган эди. Қоғоз Самарқандда хитой технологияси асосида ишлаб чиқарилган ва кейинчалик Самарқанддан ушбу ишлаб чиқариш бутун дунёга, шу жумладан, Бағдодга ҳам тарқалган. XIII асрда мусулмонлар Мовароуннахрдан қоғоз ишлаб чиқариш технологиясини бутун араб тилида сўзлашувчи мамлакатларга ёйган. Тез фурсатда мазкур ишлаб чиқариш Сицилия ва Андалусияга қадар тарқалган. Қоғоз ишлаб чиқариш Сомонийлар давлати ҳудудидан шиддат билан кечган савдо, ишлаб чиқариш ва технология борасидаги алоқалар туфайли Европага кириб борган. Қоғоз ишлаб чиқариш, ўз навбатида, китоб нашр этиш ва кутубхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келган, бу эса фан ва адабиётнинг ривожига кўмаклашган.

Хитой саноатининг Мовароуннахр ва Хуросонга таъсири сезиларли эди. Сомонийлар даврида хунармандчилик саноати, асосан, Буюк ипак йўли орқали Сомонийлар давлатига маҳсулоти кириб келган Хитой хунармандчилиги таъсири остида ривожланган. Хитойдан кириб келган ипак ишлаб чиқариш бутун сомонийлар ҳудуди бўйлаб тарқалган, бу эса тўқимачилик саноатининг ривожланишига хизмат қилган. Санъат томонидан ҳам, маҳорат томонидан ҳам хитой ustalари таъсирида яратилган сопол буюмлар бутун дунё эътиборини тортган.

Ўз мамлакати ривожига ва равнақи йўлида Сомонийлар барча мамлакатлар билан дўстона муносабатда бўлишга интилган ва шу боис Ғарб ва Шарқ ўртасидаги кўприк ҳисобланган. Ушбу сиёсат уларнинг бошқа тамаддунлар билан танишишлари, бу мамлакатлардан энг яхши томонларини ўзлаштиришлари ҳамда савдо ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида турли халқлар тажрибасидан фойдаланишларига кўмаклашган.



2.2. Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар даврида халқаро муносабатлар

X аср охири – XI аср бошларига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир қатор кучли марказлашган давлатлар юзага келган ва уларда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва сиёсий ҳаёт ҳар жабҳада ривожланиб борган. Минтақада рўй берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий воқеалар натижасида кучайган миграцион жараёнлар тарихда катта из қолдирган. Давлат бошқарувида, хусусан, ташқи алоқаларнинг ривожланишида маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи анъаналар катта аҳамиятга эга бўлган. Қолаверса, Қорахонийлар сулоласининг (940–1212) ҳокимият тепасига чиқиши билан туркий одатларнинг ҳам ўрни кучайиб борган. Сомонийлардан кейин тарих саҳнасига чиққан Қорахонийлар, Ғазнавийлар (961–1186), Салжуқийлар (1036–1157) ва Хоразмшоҳлар (1097–1231) давлатлари ҳам кенг миқёсда кўп давлатлар билан дипломатик муносабатларни олиб борганлар.

Қорахонийлар давлати минтақа халқлари ўтмишида катта ўрин тутади. Жумладан, ўрта аср тарихчиси ибн Халдуунинг маълумот беришича, X асрнинг ўзидаёқ, «Қашқар мамлакатлари» ва Боласоғундан Хитой чегараларигача ҳукмрон бўлган Қарлуқ хони 993 йили Сомонийлардан Самарқанд ва Бухорони олиб қўйган, бироқ йўлда қайтаётганда касал бўлиб вафот этади. «Қорахонийлар» атамаси ушбу сулолага XIX асрда европалик тадқиқотчилар томонидан берилган. Араб тилидаги ёзма манбаларда бу сулола номи «ал-хоқонийя» тарзида ифодаланса, форс тилидаги манбаларда у «оли Афросиёб» (Афросиёб оиласи) шаклида келади [19, 83].

X аср охирига келиб Мовароуннаҳрда Қорахонийлар давлатининг сиёсий таъсири анча кучаяди. Қорахонийлар сиёсий тизимининг қарор топишига бир томондан Сомонийлар, иккинчи томондан, Қорахонийлар жамиятида устун бўлган туркий анъаналар катта таъсир кўрсатган. Туркийларда аввал мавжуд бўлган мансаблар ва маъмурий атамаларнинг айримлари Сомонийлар даврида қўлланилган арабча ва форсча вариантлар билан алмашган. Хоқоннинг асосий хожиби «удуғ хожиб» деб аталган, у кучли инсоний фазилатларга эга бўлиши керак бўлган. Қорахонийлар вилоятлари «эл» ёки «вилоят» деб аталган бўлиб, маҳаллий бек ёки тархонлар томонидан бошқарилган. Шаҳарлар эса раислар томонидан бошқарилган.

Қорахонийлар давлати, дастлаб, Шарқий Туркистон ва Етгисувда ташкил топган бўлиб, 999 йили Буғрохон Ҳорун Бухорони босиб олади ва 999–1005 йилларда унинг меросхўри Наср I бутун Мовароуннаҳр



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

хукмдорига айланади. Қорахонийларнинг сиёсий тарихи ва бу сулоланинг этник келиб чиқиши ҳақида бугунги кунгача бир қатор фикрлар айтилган. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумот беришича, Қорахонийларнинг марказий шаҳарлари Барсаған яқинидаги Қуйос шаҳрида, Тароз яқинидаги бир шаҳарчада жикил қабилалари яшаганлар. Улар арғуларга қўшни бўлганлар [20, 375]. Ўғузлар чигилларга ўхшаш барча қабилаларни «чигил» деб атаганлар. Араб муаллифлари қарлуқ иттифоқидаги қабилаларни баъзан хазлаж ва бошқа қабилалар номи билан аташган. Уларнинг бундай номланишларига сабаб, маҳаллий қабилалар қарлуқ иттифоқидаги барча қабилаларни ягона бир этник бирлик сифатида тушунганликларидан бўлса керак. Афтидан, қарлуқ иттифоқидаги барча қабилаларни, қўшни элатлар бу иттифоқдаги ўзларига энг яқин қабиланоми билан атаган бўлишлари мумкин. Масадан, ўғузларга кўпроқ чигиллар яқин бўлганликлари сабабли барча қарлуқ иттифоқидагиларни ва қарлуқларга ўхшаганларни улар чигил деб атаганлар.

Ал-Утбийнинг маълумотига кўра, охириги Сомоний хукмдори Мустансир Қорахонийларга қарши курашда мағлубиятга учраб, Бухоро яқинидаги ғузлар манзилига қочиб борган ва улардан ёрдам сўраган. Ғузлар ўтмишда Сомонийлар хонадонидан кўп яхшиликлар кўрганликларини эслаб, унга ёрдам беришга қарор қилганлар. Ғузлар билан бирга у Қорахонийлар қўшини устидан ғалабага эришган, аммо ғузлар асирларни Мустансирга бермаганлар ва Мустансир ғузларнинг Илекхонга асирларни қайтариб, унинг марҳаматига эришмоқчиликларини тушуниб етган. Бу масалада улар бир-бирлари билан тортишаданликларини билиб қолгач, уларни тарк этишга қарор қилган. Ўз мавқеини биров мустаҳкамлаб олиб, Илекхон қўшинлари билан бир неча кичик жанглар қилган.

Султон Масъуд Ғазнавий тахтга чиққанидан сўнг 1031 йилда Қорахоний саройига ўзининг тахт соҳибни эканлигини маълум қилиш ва улар билан яқин қариндошлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида ўз элчиларини жўнатган. Ғазнавийларнинг Қорахонийлар хонадонидagi буюк хоқонлик масаласидаги мавқеидан норози бўлган Юсуф Қодир Қашқарда бу элчиликни яхши қарши олмаган. Орадан бир йил ўтиб Юсуф Қодирхон ўлган ва у Қашқарда хоқонлар дахмасига дафн этилган [21, 49]. Ундан кейин тахт унинг ўғиллари Сулаймон Арслонхон ва Муҳаммад Буғрохонлар қўлига ўтди. Уларнинг хукмронлик даврида Ғазнавийлар билан орада ҳал қилинмай келинаётган бир қатор муаммолар ечимини топган ва икки томонлама муносабатларда биров илиқлик



юзга келган. Бироқ, шундан кейин содир бўлган айрим сиёсий воқеалар натижасида Қорахонийлар давлати Ғарбий ва Шарқий қорахонийлар каби икки давлатга ажралиб кетган.

Қорахонийлар давлати иккига ажралганидан кейин Ғарбда маркази Ўзган бўлган ерда Муҳаммад бин Наср ва Самарқандда Иброҳим бин Наср Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилди. Муҳаммаднинг ўлимидан кейин эса у давлатнинг ягона ҳукмдорига айланди. У Ўзганга кетмади, балки давлат марказини Самарқандга кўчирди. У қорахоний ҳукмдорлар ичида энг машҳурларидан ҳисобланади. Унинг давлатида тинчлик ва осудалик, нархлар барқарорлиги таъминланиб, халқ роҳат ва фароғатда ҳаёт кечирганлиги тўғрисида ўрта аср муаллифлари маълумотлар ёзиб қолдирганлар [21, 50–1].

Турк олими Р.Генчининг фикрича, қорахонийларнинг ҳукмдорлари расмий ҳаётида бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш ишлари асосий ўринда турган [21, 157]. Ҳукмдорнинг бошқалар билан алоқалари, асосан, ҳожиб лавозими эгаси воситасида амалга оширилган. Ҳожибнинг яна бир асосий вазифаси бўлиб, у хорижлик элчиларнинг келиб-кетиши, қабул этилиши, белгиланган эҳсон, нафақа ва бошқа нарслар билан таъминланиши, еб-ичиш масалаларини назорат қилиши керак бўлган. Элчиларнинг иши натижасига қараб, уларга ҳадялар берилиши ёки берилмаслигини ҳам ҳожиб белгилар эди. Шунингдек, элчиларни қабул қилиш маросимидаги ҳолатлар учун ҳам у жавобгар бўлган. Кўп ҳолатларда бу ишлар билан шуғулланган ҳожиб «улуғ ҳожиб» ёки «хос ҳожиб» («ҳукмдорнинг шахсий ҳожиби маъносида» – Ҳ.М.) деб аталган. Бошқа ҳожиблар эса унга бўйсунганлар [21, 203].

Салжуқийлар саройида эса бу лавозимдаги ҳожиб «ҳожиби даргоҳ» деб аталган [21, 203–204]. Ғазнавийларда эса алоҳида элчилик нозири лавозими мавжуд бўлиб, у «расулдор» деб ҳам аталган. Сомонийларда эса элчиларни ким қабул қилганлиги тўғрисида маълумот ҳозирча йўқ. Ҳожибларнинг элчиларни қабул қилишдан ташқари қуйидаги яна уч асосий вазифалари бўлган:

1. Саройга мурожаат билан келган энг юқори мартабали одамлардан тортиб, ҳеч нимаси йўқ камбағалларни қабул қилиш ва керак бўлганда уларнинг ҳукмдор билан учрашувини таъминлаш.

2. Улуғ кунларда (асосан ҳайит кунлари) узри бўлган ва ҳақсизликка учраб адолат истаб юрган шахсларни ўз ҳузурига чақириш, масаласини имкон қадар ҳал қилиш.

3. Давлат маросимларида қатнашиш учун келган амалдорлар ва бошқа шахсларни лавозим ва мавқеига кўра жойлаштириш [21, 206].



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Бу даврда элчилик лавозимига тайинланадиган шахсларнинг алоҳида юксак ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши талаб қилинган. Жумладан, Юсуф хос Ҳожиб элчининг заковатли, олим ва қалби уйғоқ бўлса, у ҳар ерда яхши қарши олинishi, шароб ичишдан тийилиши ва баднафс бўлмаслиги кераклигини айтиб ўтган. Зеро, ширакайф элчилар жиддий қабул қилинмаслиги ва давлат манфаатларини ҳам яхши ифода этолмаслиги мумкинлигини айтиб ўтган. Шунингдек, элчининг ташқи кўриниши намунали, сўзга устомон, босиқ ва маданиятли бўлиши талаб қилинган. Элчининг қилган амали ва сўзлари мос бўлиши фақат унинг фойдасига ишлаган.

Қорахонийлар давлати дипломатиясига назар ташласак, кўп жиҳатдан у Сомонийлар давлати дипломатиясига ўхшаб кетган, яъни уларнинг ташқи сиёсатида ҳам халифа билан муносабатлар муҳим ўрин тутган, шу билан бирга ўша даврда кучли бўлган ғазнавийлар, кейинчалик салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар билан қорахонийлар маълум даражада алоқаларни йўлга қўйганлар. Кўп ҳолатларда битимлар имзоланган, никоҳ-қариндошлик муносабатлари билан улар мустақамланган. Бироқ, бу давлатлар қўшни бўлганликлари сабабли, кўпинча, манфаатлар тўқнашуви ҳам юзага келиб, алоқаларнинг кескинлашиб кетиши ҳарбий ҳаракатларгача олиб борган.

Ғазнавийлар давлати тарих саҳнасида 961 йили юзага келган ва бу сулола вакиллари 225 йил ҳукмронлик қилган. Бу давлатта Сомонийларнинг собиқ туркий ғуломи Алптегин асос солган. У Сомонийлар давлати олий ҳукмдори тансоқчилар кўшинида юксак мавқега эришгандан сўнг Хуросон вилояти ҳокими этиб тайинланди. Орадан сезиларли вақт ўтгач, унинг Сомонийлар билан муносабатлари ёмонлашган ва уларнинг қаҳрига учраган. Натижада, кичикроқ кўшин билан шарқий вилоятларга, Ғазнага бош олиб кетган ва у ерда мўъжазгина шаҳар-давлат барпо этган.

Унинг вориси ҳисобланган ва дастлаб унинг ғуломи бўлган ҳамда кейинчалик кўёвига айланган. Сабуктегин 967–997 йиллар орасида ўттиз йил давомида ҳукмронлик қилган. У мустақилликка эришиб, ўз ерларини кенгайтирган. Ғарбда сомонийлар авлодининг сўнгги вакилидан Хуросонни тортиб олган, шарқда эса ҳозирги Покистон ва Афғонистон ҳудудида жойлашган Пешоварни эгаллаган. Бу ерда унга ҳужум қилган Панжоб рожаси Жайпал мағлубиятга учраб, катта миқдорда товон тўлашга рози бўлган. Лекин Жайпал Лоҳурга қайтиб келгач, сўзининг устидан чиқмаган. Шу сабабли ҳам Сабуктегин унинг тасарруфидаги ерларга бостириб кирган. Бошқа рожаларга ёрдам сўраб мурожаат қилган Жайпал улардан



мадад олиб, бирлашган кучлари билан Сабуктегин устига юриш қилган. Бироқ ҳиндларнинг яна омади чопмаган. Натижада, Ҳинд дарёсининг ғарб томонидаги ерлар Ғазнавийлар ихтиёрига ўтган.

Ғазнанинг 999–1030 йиллардаги «буюк» султони Маҳмуд Сабуктегиннинг ўғли эди. У Ғазнавийлар шухратини бутун Осиёга ёйди. Маҳмуд отаси билан биргаликда кўрган тадбирларидан ўз уруғи билан сомонийлар орасида талашувлар бўлиб турганини, Шарқда Панжобнинг шаҳий подшоҳлари билан рақобат мавжудлигини яхши билар эди. Шу пайтда Жайпал вафот этиб, унинг ўғли Анадпал Панжобни бошқариб турган эди. Отаси сингари у ҳам шартлашилган товонни тўлашдан бош тортди, бу Маҳмуд билан шаҳий подшоҳлари ўртасида уруш чиқишига яхши баҳона бўлди. Ўзаро тортишувлар ислом қўшинининг Ҳиндистон шаҳий подшоҳлари устига машҳур ўн еттинчи юриши билан якунланди. Сунний мазҳабига эътиқод қилган ва ўз замонасининг қатъиятли ҳукмдорларидан ҳисобланган Маҳмуд Ғазна султони сифатида эътироф этилди. Халифа унга «Йамин уд-Давла» (Давлатнинг ўнг қўли) унвонини берган.

Элчиларнинг зукко ва ҳозиржавоблигига алоҳида эътибор билан қаралган. Жумладан, қорахоний ҳукмдорлар Қодирхон (1026–1031) ва Арслонхон (1016–1025) Маҳмуд Ғазнавий (998–1030) давлатига хужум қилиш ва унинг мулкларини қўлга киритиб, ўзаро бўлиб олиш мақсадида Балхга қараб юрадилар. Бу ҳақида хабар топган Маҳмуд Ғазнавий уларга ўз қўшини билан қарши чиққан. Натижада, икки томон ўртасида қаттиқ жанг бўлади ва қорахонийлар мағлубиятга учрайди. Жангдан сўнг Маҳмуд Ғазнавий хузурига Хоразм элчиси келган ва султонни ғалаба билан табриклаган. Маҳмуднинг «Сизлар буни қаердан билдинглар?» деган саволига Хоразм элчиси «Биз буни дарёдан оқиб келган кўп сонли балаңд қалпоқлар орқали билдик», деб зукколик билан жавоб берган [22, 185]. Бундай жавоб билан элчи хабарни қандай билинганлиги тўғрисидаги тафсилотларни султонга айтиб беришдан қутулиб қолган.

Шунингдек, Ғазнавийлар томонидан Қорахонийларга жўнатилган элчилик қандай совғалар олиб борганлигини эса қуйидаги мисол орқали билиб оламиз: «Уларнинг ичида чақмоқ тошлар ва маржон иплари билан безатилган иккита тилла қадаҳ, зардўзи матолар, кўплаб бошқа турдаги румий, бағдодий, исфаҳоний, нишопурий матолар, турли-туман газламалар, ҳинд дасторлари, мушк, алой (сабур), анбар, «йақдона» деб аталган иккита маржоншода ва бошқа совғалар бор бўлиб, хон, унинг ўғли Буғротегин, хотун ва келинларга, тоға ва амакиларга, хожибу аъёнларга тақдим этиш учун мўлжалланган. Рўйхатда кўрсатилган барча нарсалар ғазнадан олиб чиқилган ва текшириб кўриш учун берилган ҳамда элчи-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ларга қайта топширилган [22, 302]. Ушбу элчиликлар натижасида Султон Маҳмуд (998–1030) Илекхоннинг қизига уйланган [23, 178].

Элчилар билан бирга совғаларни олиб бориш учун баъзан алоҳида махсус ғазначи, унга бўйсунувчи ҳаммоллар ва бошқалар тайинланганлар ҳамда ушбу кишиларнинг вазифаси хазинадан олинган совғаларни элчилар билан бирга олиб боришдан иборат бўлган [22, 302]. Элчи соғсаломат етиб келганидан кейин, у ҳукмдорнинг олдига кузатиб борилган. Ҳукмдор баъзи ҳолатларда ҳурматини намоён қилиш маъносида ўз қўлини ўпишга рухсат берган. Шундан сўнг элчи унга расмий ёзишма ва совғаларни топширган. Совғалар хат жўнатувчининг мавқеига мос тарзда бўлиши керак бўлган, саҳийларча жуда қимматбаҳо совғаларни тақдим этиш ҳар доим ҳам хушланмаган [24, 287]. Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида ҳукмдорларга мажбурий совғалар жўнатмасликни маслаҳат берган, чунки унинг фикрича, бундай совғаларни жўнатиш заифлик белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган [24, 287].

Қуйидаги тарихий манбада ғазнавий султон Масъуд томонидан элчига кўрсатилган илтифот тўғрисида маълумот келтирилган: «Элчилик хизмати нозири элчининг ёнига етиб келганида, элчини устига қорамато ёпилган гижинг отга ўтқиздилар, байроқларни эса бир отликча бердилар. Элчининг изидан халифа совғалари жойланган сандиқлар юкланган бир неча қатор хачирлар ва ўн отни етаклаб бордилар. Отларнинг иккитаси олтин эгар-жабдуқли ва тилла тақали бўлган. Қолган саккизтаси эса қимматбаҳо отёпиғлари ва чойшаблар билан ўралганди. Элчининг юрадиган йўли яхшилаб бўялган эди. Элчининг йўлига дирҳам ва динарлар сочилган бўлиб, элчи отлик қўшин сафи яқинигача юриб борди. Ноғоралар ва бурғулар садоси ҳамда халқ қичқириви жаранглади. Элчи ва аёнларни қўшиннинг икки сафи орасидан олиб бордилар, сарҳанглар эса элчи токи тахтга қараб боргунча икки томондан тангалар сочиб турдилар. Амир тахтда савлат билан ўтирган ҳолда қабул маросимини очган эди. Амирнинг яқинлари ва мулозимларининг айримлари тик турган ҳолда, бошқалари эса ўтирган ҳолда унинг атрофида эдилар. Элчини отдан оҳиста тушириб, амирнинг рўпарасига олиб келдилар. Элчи расм-русумга кўра олдинга чиқиб, амирнинг қўлини ўпди. Амир уни тахт қаршисига ўтқазди. Ўтирганидан кейин элчи «амир ал-мўминин» номидан ҳукмдорни қутлади ва ушбу табрикка ўз тилаklarини қўшиб изҳор этди. Амир Масъуд унга шоҳона жавоб берди. Кейин элчи ўрнидан турди ва тахтга халифанинг инъом ёрлиғи ҳамда мактубини қўйди. Амир уларни ўпиб, яна жойига қайтарди. Сўнгра Абу Саҳл



Завзанийга уларни қўлига олиб, ўқиб беришини буюрди. У амирни табриклашгача бўлган қисмини ўқиб бўлганидан кейин амир ўрнидан турди, тахт ўралган гилам (тахтпўш)ни ўпиб қўйиб, яна жойига ўтирди. Абу Саҳл ёрлиқни ва мактубни ўқиб берганидан кейин, унинг қисқа таржимасини форс тилида айтиб берди. Кейин сандиқлар очилиб, у ердан совғалар олинди. Совғалар, асосан, тикилган ва тикилмаган матолардан иборат эди. Элчи ўрнидан турди, еттита дуваж олинди, ундан биттаси қора, қолганлари эса турли хил ноёб ва шоҳона бағдодий, дабиқий матолар эди» [22, 115].

IX – XII асрларда минтақада мавжуд бўлган давлатларда элчиларни қабул қилиш, улар билан совға-саломлар алмашиш ва бошқа шу каби масалаларга катта эътибор билан қаралган. Жумладан, элчиларни қабул қилиш жараёнида мамлакатларнинг сиёсий мавқеи, «дўстлиги» ёки «душманлиги» ва бошқа бир қатор ҳолатлар ҳисобга олинган. Юқорида кўрсатилган жиҳатлар элчиларга кўрсатилиши керак бўлган эътиборнинг дабдабадорлик даражасини белгилаб берган.

Тадқиқ этилаётган даврда халқаро дипломатик муносабатлар етарли даражада такомиллашмаган, беқарор ва нозик бўлган бўлса-да, халқаро алоқалар тизими бир институт сифатида ривожланишда давом этган. Айнан халқаро муносабатлар тизимининг ривожланиб бориши «элчилик хизмати»ни ташкил этиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлашга эътибор беришга ундаган. Масалан, Ғазнавийлар давлатида бу даврда амал қилган элчилик ишлари нозири мамлакатга келган элчиликни ҳукмдор томонидан қабул қилиш маросими, уларнинг яшаши ва бошқа фаолиятлари учун масъула ҳисобланган. Давлатлар ўртасидаги совға-салом алмашуви элчилик хизматининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Давлатларнинг мавқеи ва элчилар олдига қўйилган аниқ миссияга боғлиқ тарзда совға-саломларнинг даражаси турлича бўлган. Элчилар олиб борган совғаларни ифодалаш учун манбаларда армуғон, амвол ёки мол, ҳадоя ёки ҳадя, эҳсон, икром, инъом, ниъом ёки неъмат, нузул, пешкаш, туҳфа ёки туҳаф, бахшиш ва сила каби арабий, форсий ва қисман туркий сўзлардан фойдаланилган [25, 318].

Шунингдек, айрим совғалар баъзи вазиятларда рамзий аҳамият ҳам касб этган. Жумладан, подшоҳ соябони совға сифатида кўпроқ тенг мавқега эга ҳукмдорлар ўртасида жўнатилган. Ушбу совға қабул қилинса, совғани қабул қилган тараф совға жўнатган томондан ўзини устун қўйган ва унинг мулкига даъвогар сифатида тушунилган. Шу сабабли ушбу совға, кўпинча, қабул қилинмасдан ортга қайтариб юборилган [23, 329].



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

XI аср бошларида Салжуқийлар сулоласининг юксалиши рўй беради ва Салжуқийлар давлати кенг халқаро майдонга чиқади. Алп Арслон (1063–1072) ва Маликшоҳ (1072–1092) даври салжуқийлар давлатининг энг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. Маликшоҳ давлати – Салжуқийлар империяси Сирдарёдан Нил дарёси соҳилларигача, Каспий денгизидан то Ўрта Ер денгизигача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган эди [26, 5-6].

Ҳарбий юришлар натижасида салжуқийлар давлати Византия империяси чегарасигача чиқади ва бу давлат билан сиёсий-дипломатик алоқаларни йўлга қўяди. 1074 йилда Салжуқийлар империясининг пойтахти Райдан Исфаҳонга кўчирилади. Салжуқийлар давлатининг буюк вазири Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» асарида хабар беришича, Исфаҳонга Византиядан кўп совға-саломлар билан катта элчилик етиб келган. Низомулмулк элчини Мовароуннаҳрга олиб кетган ва элчи катта ҳудудларни истило этилишига гувоҳ бўлган. Фақатгина Кошғарга етганда, Низомулмулк элчига ўз юртига қайтишга изн берган ва ўз ишини у қуйидагича изоҳлаган: «Мен солномаларда Рум подшоси бизга ўлпон жўнатди ва уни Кошғар дарвозаларигача олиб келинишини таъминлади, деб қайд этилишини истайман. Низомулмулк, элчи ўз ҳукмдорига султоннинг мулклари жуда ҳам бепоёнлигини айтишини ва бу билан ҳукмдорнинг юрагида қўрқув уйғотишни истаган [23, 222-223].

Умуман олганда, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги давридаги фаол халқаро муҳит ва давлатларнинг ўзаро геосиёсий рақобатчилик муносабатлари шароитида дипломатик муносабатлар ва элчилик алоқаларини сақлашга жиддий эътибор қаратилган. Элчилик хизматини йўлга қўйишда барча таркибий масалаларга катта эътибор билан қараш талаб қилинган. Элчиларни рисоладагидек қабул қилиш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш, совға-саломлар алмашиш ва бошқа шу каби жараёнлар дипломатик алоқалар ва ташқи сиёсат йўналишини белгилаб беришда катта аҳамият касб этган. Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийларнинг ташқи алоқалари Сомонийлар давридаги дипломатик анъаналар таъсири остида амалга оширилди. Шу билан бирга, бу сулодаларнинг протокол, этикет ва маросимларни ўтказиш тартибига туркий ва исломий анъаналар ҳам анча таъсир кўрсатган.

2.3. Хоразмшоҳлар давлатининг ташқи алоқалари

X асрда Хоразм ҳануз Сомонийлар давлати таркибида бўлиб, ярим мустақил эди. Қорахонийлар истилоси Сомонийлар сулоласининг қулаши ва Сомонийлар давлати улкан ҳудудининг парчаланишига олиб



келганида, чекка худудда жойлашгани туфайли Хоразм на Қорахонийлар давлати таркибига, на Ғазнавийлар давлати таркибига кирмади. Ўзига ўзи ҳавола бўлиб қолган Хоразм келгусида янада тараққий этиши учун жуда қулай шароитда қолди, чунки у, бир томондан, Волгабўйидан Марказий Осиё орқали Мўғулистон ва Хитойгача, иккинчи томондан, Эронгача бўлган савдо йўллари чорраҳасида жойлашган эди. Бундан ташқари, Хоразм чегарада жойлашган бозорларига қорамол, гўшт, жун етказиб берадиган кўчманчи сахрои ўғузлар билан савдо-сотикни йўлга қўйган эди. X–XI асрларда Хоразм ўлканинг энг йирик савдо марказларидан бирига айланди. Хоразм савдогарлари ҳозирги Туркменистон ва Қозоғистон худудида яшовчи чорвадорлар, шунингдек, Итил (Волга) дарёси қирғоқларидаги Хазар ва Булғор хонликлари ҳамда Шарқий Европа славянлари билан қизгин савдо қилардилар. Савдо алоқаларининг кенгайишида ҳукмдори «Гурганж мири» деб ном олган Гурганж (Урганч) шаҳри алоҳида аҳамият касб этди.

996 йилга қадар Хоразм икки қисмга – Жанубий ва Шимолий Хоразмга бўлинган эди. Жанубий Хоразмнинг пойтахти қадимги Кат шаҳри бўлиб, у ерда хоразмшоҳ унвонига эга ҳоким тахтда ўтирар эди. Шимолий Хоразм пойтахти эса амир қароргоҳи бўлмиш Урганч шаҳри эди. 996 йилда Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад у даражада катта бўлмаган, лекин бой ва маданий юксак мамлакатни ягона давлатга бирлаштирди, хоразмшоҳ унвонини қабул қилиб, Урганчни мамлакат пойтахти қилди. Маъмун ибн Муҳаммад (995–999) Хоразмнинг мустақиллиги ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш йўлини танлади.

Хоразм қадимий маданият маркази сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди: маданий анъаналарнинг бардавомлигига далил сифатида Хоразм юртидан чиққан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний каби буюк олимларни келтириш мумкин. Хоразмнинг илм маркази сифатидаги аҳамияти X аср охири ва XI аср бошларида, у ерда Беруний ва Ибн Синолар ижод этган даврларда ёрқин намоён бўлди.

Ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий Хоразмнинг имкониятларини жуда яхши тушунгани боис, унинг бойлиги, маданият даражасини ҳисобга олиб, вассал давлатга айлантиришга интилди. Бунинг учун турли сиёсий ва дипломатик усуллардан фойдаланилди: сулолалараро никоҳлар, элчилар алмашинуви, ҳукмдорларнинг ўзаро ёзишмалари ва ҳ.к. 1014 йилда султон Маҳмуд Ғазнавийнинг вазири хоразмшоҳ элчиси билан суҳбатда ўта сипогарчилик билан, гўёки ўзининг фикридек, хоразмшоҳ ўз ерларида султон номидан хутба ўқитсин деган истакни билдирди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Маъмун ибн Маъмун (999–1017) жуда оғир вазиятда эди. У рад этиш имконсизлигини билса-да, лекин Маҳмуднинг кўрсатмаларини бажариш Хоразм мустақиллигини йўқотиш билан баробар эди. Хоразм ва Ғазнавийлар давлати ўртасида ҳарбий низо муқаррар эди. Хоразмликлар Ҳазорасп остонасида тор-мор қилиниб, ғазнавийлар томонидан Олтинтош янги хоразмшоҳ деб эълон қилинди. Хоразмнинг истило қилиниши Маҳмуд Ғазнавийнинг улкан дипломатик ва ҳарбий ютуғи бўлди. 1017 йилга қадар Қорахонийлар ўзларини Ғазнавийлар давлатининг кучли рақиби деб ҳисоблай олган бўлсалар, эндиликда геосиёсий жиҳатдан устунлик ва ҳарбий қудрат Маҳмуд Ғазнавий томонида эди.

Маҳмуд Ғазнавийнинг вафотидан сўнг, у яратган империя инқирозга юз тута бошлади. XI асрда ва XII асрнинг биринчи ярмида Хоразм Салжуқийлар давлатининг таркибида эди ва фақат салжуқийлар билан курашда юксалиши мумкин эди. Хоразмнинг юксалиши Қорахонийлар давлати инқироз ҳолатида бўлганлиги учун ҳам юз берди, акс ҳолда, Хоразм бир эмас, икки кучли рақиб билан тўқнашишига тўғри келган бўлар эди: Салжуқий ва Қорахонийлардек икки қудратли сулола Хоразмнинг юксалишига ва Марказий Осиёда янги йирик давлат уюшмасининг ташкил топишига ҳеч қачон йўл қўймасди.

1130-йилларнинг охирларида хоразмшоҳ Отсиз (1127–1156) Хоразмнинг тўлиқ мустақил бўлиши учун кураш бошлайди. Унинг Хоразм олдигаги хизмати шундан иборатки, Салжуқийлар султони Санжардек қудратли ҳукмдорга қарши тура олди. Хоразмшоҳ Отсиз ўз сюзерени ва, шу билан бирга, рақибининг барча ожизликларидан фойдалана биларди. Санжарнинг қўшнилариининг бирига юриши муваффақиятсиз бўлсами ёки давлатда қандайдир ички низолар бошлансами, Отсиз бундан Хоразмнинг мустақиллиги ва қудратини мустаҳкамлаш учун фойдаланар эди. Айнан шу даврда халифалик ва Хоразм ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди: халифа Салжуқийларга қарши курашда хоразмшоҳга ўз иттифоқдоши сифатида қарай бошлади.

Санжарнинг бошқа вассаллари сингари Хоразм ва кўчманчи туркийлар билан чегарадош ерларнинг ҳукмрони бўлган хоразмшоҳ Отсиз ҳам мунтазам равишда уларга ҳужумлар уюштиришга мажбур эди, лекин бунга ўз сюзеренининг розилиги ва унинг буйруғи билангина бажаришга ҳақли эди. Бундай ҳолатларда мустақил ҳаракат қилишга рухсат берилмас эди. Бироқ хоразмшоҳ бу буйруқни бузиб, ўз таъсир ва ҳудудини кенгайтириш мақсадида Султон Санжардан рухсат олмай, қипчоқ ва ўғузлар билан уруш бошлайди. У Сирдарёнинг қуйи оқими бўйлаб салжуқий туркларга тегишли ерларни, жумладан,



Жанд шаҳрини босиб олади ва ўз ерларига Манғишлоқни қўшиб олган ҳолда шимолга томон йўл олади.

Хоразмнинг Салжуқийлар империясига қарши туриши 1157 йилда Султон Санжарнинг вафоти билан яқунланади. Отсиз ҳаётининг сўнгида нафақат Хоразм мустақиллиги муаммосини ҳал этганлигини, балки Шарқда янги кучли давлатнинг асосини яратганини айтишга ҳақли эди. Хоразмшоҳ Отсиз томонидан яратилган давлат тузилмаси унинг ворислари ҳукмронлиги даврида янада мустаҳкамланиб, кенгайиб борди. Агар Отсиз сиёсатининг асоси ва унинг бирламчи мақсади Хоразмда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш бўлган бўлса, унинг ворисларининг мақсади давлат ерларини кенгайтириш ва халқаро майдонда унинг нуфузини мустаҳкамлаш эди.

1193 йилдан ҳокимият тепасига хоразмшоҳ Отсиз ўғли Эларслон ва набираси Такашнинг келиши билан Хоразмшоҳлар давлати тобора юксалиб, кучая борди. Тез орада у Ўрта Осиё ва Эронда мавжуд бўлган давлат бирлашмалари орасида энг қудратлисига айланади ва ўз таркибига Мовароуннаҳр, Хуросон, Мозандарон, Кирмон, форсий Ироқ, Озарбайжон, Сейистон, Ғазни ва бошқа мамлакат ва вилоятларни киритади. XII аср охири ва XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлати Шарқдаги анча катта ва қудратли давлат уюшмаси бўлиб қолаверади.

Хоразмшоҳ Такаш қўшни ҳудудлардаги сиёсий вазиятнинг ривожланишини диққат билан кузатиб борарди. Душман бўлмиш қорахитойларга қарши курашда ғалаба қозониб ва улар билан алоқаларни буткул узиб ташлагач, Такаш улар томонидан яна бошқа жиддий очиқ юришларга дуч келмади. Лекин қорахитой ҳукмдорлари кўчманчи қипчоқ қабилаларини шарқдан хоразмшоҳлар ерига, биринчи навбатда, Жанд ва унинг атрофига бостириб киришларига гижгижлардилар. Хоразмшоҳ Такаш Жандни «Музаффар давлатимизнинг асоси ва боши» деб баҳолаб, унга алоҳида эътибор қаратар эди. Бироқ Жанднинг аҳамияти яна шунда эдики, у шарқдан Хоразмга ўтадиган энг асосий савдо йўлида жойлашган эди. Шу боис Такаш томонидан барча узоқ ва яқиндан келган, турк ва чет эллик савдогарларга бирдек одилона муносабатда бўлиш, савдо келишувларига тўққинлик қилмаслик, йўлларда хавфсизликни таъминлаш, моллар ва савдогарлар ҳаётини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш амр қилинган эди.

Хоразмшоҳ Такаш қўшни давлатлар ҳукмдорлари билан яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилар эди. У Дашти Қипчоқ султонлари, Хазар хоқонлиги, Волга Булғорияси, Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдорлари билан фаол равишда ёзишмалар олиб борган. Хоразмшоҳ Такаш девонининг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

расмий хужжатлари (девон ал-иншо) Такашнинг ўша даврдаги дипломатик фаолиятини кузатиш имконини беради.

Такашнинг илк ҳукмронлик кунлариданоқ Яқин ва Ўрта Шарқда хоразмшоҳлардан ҳам улкан давлат яратиш имконига эга бўлган рақиб бор эди. У Ҳиротнинг шарқда жойлашган тоғли Ғур вилояти ҳукмдори, ғурийлар султони Ғиёсиддин Ғурий эди. Салжуқийларнинг кучсизланиб қолганидан фойдаланиб, у 1175 йилда Ҳиротни босиб олади ва у ердан Хуросоннинг бошқа ҳудудларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Хоразмшоҳ Такаш Шарқда биринчиликка эга бўлиш учун бўладиган жангда ғурийларнинг устунлигини аниқ кўрарди, лекин шунга қарамай, улкан мустақил Хоразм давлатини яратиш йўлида бобоси Отсизнинг сиёсатини моҳирона давом эттирар эди. Ўз давлатининг қудратини мустаҳкамлаш мақсадида хоразмшоҳ Такаш қипчоқлар билан иттиқоф тузиб, қипчоқ хонининг қизига уйланади. Бунинг натижасида кўп қипчоқлар хоразмшоҳга хизмат қилиш истагини билдирадилар. Такаш Ғиёсиддин билан муносабатларини яхши қилишга ҳаракат қиларди, икки рақиб ҳам ёзишмаларда бир-бирига «биродар» деб мурожаат қилар эдилар. Хоразмшоҳнинг Ғиёсиддинга илк мактубига 1181 йил январь санаси кўйилган. Ундан бир ой аввал Ғиёсиддин Хоразмга элчиси амир Хумомиддинни юборган бўлиб, у ўзига юклатилган миссияни муваффақиятли адо этади ва тарафлар тинчлик муносабатларини ўрнатишга келишиб оладилар. Ўз навбатида, хоразмшоҳ Ғиёсиддин саройига Хумомиддин билан бирга ўз элчиси Фаҳриддинни юборади.

Хоразмшоҳнинг Ироқ салжуқийлари, аниқроғи, форсий Ироқдаги деярли бутун ҳокимият қўлларида бўлган Озарбайжон отабеклари билан ўзаро муносабати турлича тус оларди. Муҳаммад Жаҳон Паҳлавий (1175–1186) Озарбайжон отабегини бўлганидан сўнг, у билан Такаш ўртасида дўстона муносабат ўрнатилди. Хоразмшоҳ отабекка мактуб юборади, унда «дўстлиги ва самимийлигига ишонтиради. Отабекнинг ҳаёти давомида у билан хоразмшоҳ ўртасида дўстона ва тотув муносабатлар сақланиб қолди». Баҳоуддин Муҳаммад ал-Бағдодий томонидан тузилган расмий хужжатлар тўпламида хоразмшоҳнинг «Ироқнинг буюк отабегини Шамс уд-давла ва-д-дин Паҳлавон» га йўллаган тўрт мактуби сақланган. Тўрт мактуб ҳам дўстона руҳда ёзилган бўлиб, отабекни «олийнасаб биродарим» деб аташи билан Такашнинг аҳил иттифоқчилик муносабатларидан манфаатдорлиги сезилиб туради.

Шундай қилиб, Такаш ҳукмронлиги даврида Хоразм Марказий Осиёда энг қудратли давлатлардан бири бўлган. Унинг ерлари шимолда Орол денгизи ва Сирдарёнинг қуйи қисмидан жанубда Форс кўрфазигача, шарқда Помирдан ғарбда Эронга қадар жойлашган эди, ўз ҳукмронлиги



даврида Такаш Хоразм худудини икки баравар кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Хоразмшоҳ Такаш вафотидан сўнг тахтга унинг кенжа ўғли Алоуддин Муҳаммад ўтирди, у Хоразм ерларини янада кенгайтди. Унинг ҳукмронлик даври тарихда ғурийлар билан қонли жанглар, уларнинг тор-мор этилиши ва Хуросон ҳамда Шимолий Ҳиндистонда Хоразм ҳокимиятининг узил-кесил ўрнатилиши билан муҳрланди. Шарқда 1210 йилда Сирдарё ортидаги Иламиш даштида у қорахитойлар устидан тўлиқ ғалаба қозонди. Муҳаммад Мовароуннаҳрда Ғарбий Қорахонийлар хонлигини йўқ қилиб, Самарқандни иккинчи пойтахт қилди.

Шундай қилиб, 1217 йилга келиб, хоразмшоҳ нафақат Мовароуннаҳр, Хуросон, форсий Ироқни, балки Мозандарон, Арран, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Кирмон, Мекрон, Манғишлоқ, Кеш, Сейистон, Ғур, Ғазна ва Бомийн, Ҳиндистон шимолидаги вилоятлар ва князликларни ўзига бўйсундирди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, хоразмшоҳ «ушбу мамлакатларни куч ишлатмасдан, жангсиз, зўравонликсиз ва бузғунчиликсиз – фақатгина кўрқув ҳиссини уйғотиб эгаллаган. У Мовароуннаҳр тўралари ва туркий ҳукмдорлар худудларини босиб олиб, баъзиларини йўқ қилди, яшириниб юрган қочоқларни эса Хитойнинг узоқ хилват ерларидан ўзларига бошпана қидиришларига мажбур этди. Қўшиб олган ерлари тахминан 400 шаҳарни ташкил этарди. Бошқалар бундай ютуққа эришишга қодир эмасдилар, унинг қонуний эришган ютуқлари эса, шубҳасиз, унинг шухратини оширди» [29].

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ўзини аллақачон бутун олам ҳукмдори деб кўрар эди, зеро Озарбайжон, Ширвон, Арранни ўзига бўйсундириб, 50 минг кўшинни Грузияга қарши юришга тайёрлаб, у Грузияни истило этганидан кейин Анатолия ва Сурияга, ундан кейин Мисрга кўшин тортишни кўзда тутган эди. Хоразмшоҳ ушбу режасини амалга оширишга қўл урмади, лекин хоразмшоҳнинг кўшин тортиш аҳтимоли борлиги тўғрисидаги мишмишлар Сурия ва Кичик Осиё ҳукмдорларини анчагина хавотирга солиб қўйди.

Ғарбда Ироқдан шарқда Ҳиндистонга қадар ва шимолда Орол денгизи ва Манғишлоқдан жанубда Ҳинд океани соҳилларига қадар чўзилган улкан империянинг ҳукмрони бўлгандан сўнг, хоразмшоҳ халифа ан-Наср уни бутун мусулмон дунёси дунёвий ҳукмдори деб тан олишига ҳамда халифалик пойтахти Бағдодда унинг номига хутба ўқилишига мажбур қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Алоуддин султонлигининг илк ўн йиллиги давомида хоразмшоҳ билан халифа ўртасидаги ўзаро муно-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

сабатларда ҳеч қандай низо-ихтилофлар бўлмаган. Икки ҳукмдор ҳам «Юқори девон», яъни халифа ҳокимияти билан маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатларда оддий тус олган усул – ўзаро мактублар алмашиш билан чекланар эди. Бу даврда (1204–1208) хоразмшоҳ ва Бағдод халифаси деярли ҳар йили ўқимишли, юқори мартабали амалдорлар орасидан тайинланган элчилар билан алмашишар эди.

Ҳеч бир манбада Алоуддиннинг элчилари Бағдодга қандай миссия билан юборилгани ҳақида маълумот берилмаган, фақатгина араб тарихчиси ан-Насавий хоразмшоҳнинг элчи юборишининг таг сабабини айтиб, шундай ёзади: «Султоннинг обрўси ошиб, унинг ишлари улкан миқёс касб этгач... у Бағдодда Салжуқийлар сулоласида бўлгани каби ҳукмронлик ва ҳокимиятни кескин талаб қила бошлади. У шу миссия билан бир неча маротаба элчиларни юборди, лекин сўровига розилик ололмади. Шунга қарамай, у ўз истагига эришиш ниятидан воз кечмади, бир кун келиб ўз орзуси ва узоқ кутган мақсадига етишишига ишонар эди». Натижада, 1217 йилда Муҳаммад мусулмон дунёсининг нафақат дунёвий, балки диний ҳукмдори бўлиш мақсадида Бағдодга ҳарбий юриш қилади. Бироқ тоғ довонидан ўтаётганида қўшин қор тагида қолиб, жиддий талафот кўради ва Муҳаммад ўз режасидан воз кечишига тўғри келади. Шарқдан келаётган даҳшатли хавф ҳақидаги мишмишлар эса тобора кучайиб бораётган эди.

Хоразм XIII аср бошларида ўз қудратининг чўққисига эришган эди. Бироқ Муҳаммад империясининг заиф жойи маъмурий ва ҳарбий аппаратда етакчи лавозимни эгаллаган қангли зодагонларининг қудрати эди. Келгинди қипчоқ оқсуяклари ва маҳаллий хоразм аристократияси ўртасида жиддий ихтилоф мавжуд эди. Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг онаси Туркон хотин қангли қипчоқ уруғидан бўлиб, саройда катта обрў-эътиборга эга эди ва давлатнинг деярли барча асосий лавозимларига ўз қариндошларини тайинлар эди. Уларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланиб, Туркон хотин ўз ўғлига қарши муҳолифатни бошқарган. Айниқса, улар ўртасидаги муносабатлар мўғул ҳужуми олдидан кескинлашади.

1218 йилда Чингизхон Муҳаммадга шарқдаги рақобатчиларга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш ва ўзаро манфаатли савдо учун иттифоқ тузиш таклифи билан элчи юборади. Хоразмшоҳ бундай битим тузишни рад этиб, Ўтрор ҳокими Қодирхон (Иналхон) таклифи билан элчи-савдогарларни қатл қилиб, хонга уларнинг бошини юборади. Чингизхон Қодирхонни беришни талаб қилади, лекин хоразмшоҳ бу талабни рад этиб, кейинги келган мўғул элчиларининг яна бирини қатл қилдиради.



Шу пайт Муҳаммад стратегик хатога йўл қўяди: қўшин бошлиқларининг фитнасидан хавотирланиб, мўғуллар қўшинидан деярли уч баравар кўп бўлган лашкарларини бир қанча қисм ва гарнизонларга бўлиб ташлайди, аслида эса бу билан Хоразмшоҳ ўзини мағлубиятга маҳкум қилади. Чингизхон қўшин тортиб келиб, Хоразм чегарасида туради. Мўғуллар ва хоразмшоҳнинг олдинги қисм қўшинлари тўқнашадилар. Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин Мангуберди қўмондонлигидаги Хоразм қўшинларининг ўнг қаноти ўз флангида муваффақият қозониб, қўшиннинг марказий ва чап қанотига ёрдам беради. Кун ботишига қадар икки томон ҳам ҳеч қандай ҳал қилувчи натижага эришмайдилар. Тунда мўғуллар гулхан ёқиб, жанг майдонини тарк этадилар. 1219 йилнинг баҳорида, Хитой истилосини тутатмай, Чингизхон Хоразмга 50 минглик қўшин юборади.

1219 йилда Чингизхон қўшинлари Хоразмга юриш бошлаганида, Муҳаммад бутун қўшинини давлатнинг қалъа ва шаҳарларида тарқоқ ҳолда қолдириб, асосий жангга жазм қила олмайди. Мўғуллар хужумидан бирин-кетин Ўтрор, Хўжанд, Тошкент (Чоч), Бухоро, Самарқанд, Балх, Марв, Нишопур, Ҳирот, Урганч ва Хоразмнинг бошқа йирик шаҳарлари таслим бўла бошлайдилар. Мўғуллар миллионлаб шаҳарликларни қириб ташлайдилар, бир Марвнинг ўзида 500 000 аҳолини йўқ қилиб, қолганини қулликка сотадилар. Хоразмшоҳ қолган қўшинлари билан ўзининг форс ерларига чекиниб, у ердан кичик отряди билан Каспий-олди вилоятларига қочади ва Каспий денгизидаги Абескун оролида вафот этади. Муҳаммаднинг ўғли ва меросхўри Жалолиддин Мангуберди Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Кичик Осиёда туриб, яна тахминан ўн йилларча мўғулларга қарши кураш олиб борган бўлса-да, Хоразмшоҳлар давлати барҳам топади. Хоразмшоҳ-Ануштегинлар сулоласининг сўнгги вакили Мисрнинг бўлажак султони Қуддус бўлиб, у мўғуллар хужумини тўхтатиб, ғарбий мусулмон дунёсини мўғул ҳарбий-сиёсий экспансиясидан қутқаради.

* * *

IX–XIII асрлар ўзига хос кўтарилиш билан характерланиб, Марказий Осиё технологик ва иқтисодий тараққиётда пешқадам ҳисобланган. Минтақанинг ўша даврдаги давлат тузилмалари – Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар Евроосиёнинг йирик империялари бўлган. Улар ўша даврнинг етакчи геосиёсий акторлари – ғарбда Хазар хоқонлиги ва Киев Руси, Византия империяси ва Волга Булғорияси, шарқда Хитой ва Тибет, жанубда Аббосийлар империяси, Ҳиндистон ва Эрон билан фаол алоқалар олиб борган. Сомо-

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

нийлар, кейинчалик Хоразмшоҳлар сулоалари минтақа иқтисодий ва маданий ҳаётидаги чуқур ўзгаришлар нуқтаи назаридан ўз даврининг илғор сулоаларидан бўлган. Хавфсизлик ва, умуман олганда, карвон йўлларидаги тинч шароитлар туфайли мамлакат ичкарасида ҳам ва унинг ташқарисида ҳам савдо алоқалари ривожланган. Бухоро ва Урганч муҳим савдо ва иқтисодий аҳамият касб этган. Хукмрон сулоалар савдо алоқалари ёрдамида улкан бойлик ортириш ва ҳалқаро майдонда саноат, иқтисодий ҳамда маданий устунликка эга бўлиш мумкинлигини яхши англаганлар. Ўша давр технологиялари (ипак ва пахта матолари ишлаб чиқариш, қурол ишлаб чиқариш, қоғоз ишлаб чиқариш технологиясини тарқатиш) билан алмашинув жадал суръатда борган. Европага қоғоз ишлаб чиқариш технологияси Марказий Осиёдан савдо-саноат ва технологик алоқаларнинг жадал ривожланиши туфайли кириб келган. Қоғоз ишлаб чиқариш эса, ўз навбатида, китоб нашр этишининг ривожланишига кўмаклашди, бу интеллектуал ҳаётнинг ўсишини таъминлади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. BGA. 2 pars. Ibn Haukal Abu-l-Kasim an-Nasibi. Opus geographicum. Ed. M.J. de Goeje. – Leiden: E.J. Brill, 1967. – 528 p.
2. *Ибн ал-Асир*. Аль-Камиль фи-т-тарих / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С.Камолиддина. – Т., Узбекистон, 2006.
3. *Камолиддин Ш. Саманиды*. Из истории государственности Узбекистана в IX-X вв. Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2012. – [4], 460 S.
4. *Наршахи*. Мухаммад ан-Наршахи. Та’рихи Бухара (История Бухары). Перевод, комментарии и примечания Ш. С. Камолиддина, Археолого-топографический комментарий Е. Г. Некрасовой. – Т., 2011.
5. Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Пер. и ком. под редакции И.Ю. Крачковского. – М., – Л., 1939.
6. BGA. 3 pars. Descriptio imperii Moslemici al-Mokaddasi. – Leiden: E.J. Brill, 1967. – 498 p.
7. Bibliotheca Persica. Edited by Ehsan Yar-Shater. The History of al-Tabari (Ta’rikh ar-rusul wa’l-muluk). Volume XXXVIII. The Return of the Caliphate to Baghdad. Translated and annotated by F. Rosenthal. 1985, State University of New York Press, 38.
8. Bassiouni Ch.M. Protection of diplomats under Islamic law // The American Journal of International Law, Vol. 74, No. 3 (Jul., 1980), pp. 609–633.
9. Sobti M. P. A Palimpsest of Cultural Synthesis and Urban Change: Bukhara after the Islamic Invasions // Built Environment (1978), Vol. 28, No. 3, Islam and Built Form: Studies in Regional Diversity (2002), pp. 217–230.



10. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1. – М.: Из-во Восточной литературы, 1963.
11. *Ибн Хурдабех*. Книга путей и стран / Пер. с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Н.Велихановой. – Баку: «Элм», 1988. – С. 68.
12. История Бухары с древнейших времен до наших дней / под редакцией И.М. Муминова. – Т., «Фан», 1978. – 383 с.
13. *Камолиддин Ш.* Сомонхудот аждодларининг диний этиқоди // *Мозийдан садо*. – Т., 2006. – № 3. 14–16-б.
14. *Ал-Масъуди*. Золотые копи и россыпи самоцветов [История Аббасидской династии: 749–947 гг.] / Составление, перевод с арабского, примечания, комментарии и указатели Д. В. Микульского. – М.: «Наталис», 2002.
15. *Мухаммад Наршахи*. Тарихи Бухара / Перевел с персидского Н. Лыкошин. – Т., 1897.
16. *Низам ал-Мульк*. Сиасэт-намэ. Книга о правлении / Пер. проф. Б.Н. Заходера. – М.; Л.: Издательство Академии наук СССР, 1949. – 380 с.
17. *Толстов С.П.* Бируни и проблемы древней и раннесредневековой истории Хорезма // Первая Всесоюзная конференция Востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – Т., Изд-во АН Уз ССР, 1957. – С. 38–42.
18. *Толстов С.П.* Новогодний праздник «Каландас» у хорезмийских христиан начала XI века // Советская этнография. – М., 1946. – № 2. – С. 87–104.
19. *Svat Soucek*. A history of Inner Asia. Cambridge University Press, 2000. –369 p.
20. *Кошгарий Махмуд*. Девону дуғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Матлубов. – Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1960. Т.1.
21. *Genç R. Karahanlı Devlet teşkilatı (XI. Yüzyıl)*. İstanbul, 1981.
22. *Абу-л-Фазл Байхаки*. История Масъуда (1030–1041) / Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К. Арендса. Издание 2е, дополненное. – М., Наука, 1969.
23. *Ибн ал-Асир*. Ал-каmil фи-т-тарих. Полный свод истории / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камолиддина. – Т., «Узбекистан», 2006.
24. *Durand-Guedy D.* Diplomatic practice in Saljuq Iran. A preliminary study based on nine letters about Saladin's campaign in Mesopotamia. *Oriente Moderno*, LXXXIX, 2008, 2, p. 271–296.
25. *Onder S.Y.* Tevarih-i Al-i Sekcukta hediyelesme ve hediye sozleri // *Motif Academi halkbilimi dergisi (Motif Academy Folklore Journal)* 2009, № 1-2, pp. 309-321.
26. *Агаджанов С.Г.* Сельджукиды и туркмены в XI – XII вв. – Ашхабад, 1973.
27. *Basan A.* The Great Seldjuqs: A history. Routledge, Taylor and Francis Group. – London-New York, 2010.
28. *Durand-Guedy D.* The Turkmen-Saljuq relationship in twelfth century Iran: new elements based on a contrastive analysis of three Insa (Insha) documents // *Eurasian studies*, IX/1-2 (2011): pp.11–66.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

29. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов 1097–1231. – М., «Наука», 1986.

ГЛОССАРИЙ

Арран – Шарқий Кавказортидаги тарихий-жўғрофий вилоят.

Дабиқий – Дабиқ шаҳрида тўқилган матолар ва ясалган нарсалар.

Дирҳам – кумуш тангалар. Улардаги кумушнинг миқдорига ҳамда зарб этилган худуди ва даврига кўра бир неча турлари мавжуд бўлган.

Дуваж – Мато. Ундан бой инсонлар ўзларига тўн ёки жиҳозларига устпўш тиктирилган.

Мўъминлар амири (амир ул-мўминин) – Бағдод халифаларининг лақаби.

Расулдор – элчилик масалалари билан шуғулланувчи давлат амалдори.

Рожа – ҳинд ҳукмдори унвони.

Рум – дастлаб Византиянинг, кейинчалик Анатолиянинг мусулмон манбаларидаги номи.

Саффорийлар – 861–900 йиллар оралигида ҳозирги Афғонистон билан Ироқ ўртасида Сеистон марказида давлат барпо қилган сулола. Саффорийларнинг пойтахти Заранж ва Нишопур шаҳарлари бўлган.

Султон – мусулмон давлатларидаги давлат ҳукмдорларининг номи ёки унвони.

Улуғ ҳожиб ёки хос ҳожиб – сарой амалдори.

Халифа ёрлиғи – халифалар томонидан тақдим этиладиган ва мусулмон ҳукмдорларининг ҳокимиятини легитимлаштирувчи ҳужжат.

Чигил – туркий қабила.

Қарлуқ – туркий қабила иттифоқи.

Қорахитойлар – мўғул тиллар гуруҳига кирадиган тилда сўзлашган киданларнинг бир тармоғи. 1125 йилда Марказий Осиёга келганлар.

Ғуз – туркий қабила.

Ҳинд дасторлари – ҳинд саллалари.

Ҳожиби даргоҳ – олий ҳукмдор қароргоҳи бошқарувчиси.



III БОБ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ДИПЛОМАТИЯСИ

3.1. Амир Темур ва темурийлар даври дипломатиясининг ҳуқуқий ва сиёсий асослари

Амир Темур салтанати дипломатияси тарихи ўзбек дипломатияси тарихининг чўққиларидан бирини ташкил этади. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихида ҳам катта ўрин тутди.

Бу давр ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва дипломатик тарихини шартли равишда Мовароуннаҳрда 1370–1500, Хуросонда 1506–1530, Ҳиндистондаги 1526–1858 йилларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Амир Темурнинг дипломатияси туфайли Евроосиё минтақасидаги тартиб-интизом, қонун устуворлиги ўрнатилди. У бирлик ва тараққиётни таъминловчи, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи муҳим куч бўлиб хизмат қилган.

Амир Темур дипломатияси Евроосиё минтақасини бирлаштирувчи муҳим куч ролини бажариши билан бирга, ана шу халқларнинг тинчлик-фаровонлиги, савдо-иқтисодий муносабатларнинг гуркираб ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди. Илгари гавжум бўлган, лекин кейинги бир ярим аср давомидаги биқиклик туфайли ҳаёт нурлари сўна бошлаган шаҳарлар дипломатик ҳаракатлар туфайли қайта ривожлана бошлади, уларда ҳаёт қайнади, давлатлар ва миллатлар ўртасидаги муҳим кўприк ўрнатилди.

Амир Темур давлатида дипломатик қонун-қоидалар ўз даври таомилига мувофиқ олиб борилган. У давлат ишлари, хусусан, дипломатик ишларни ҳам дину шариат асосида, ўз даврида мавжуд бўлган тўра ва тузукка солиб, салтанатнинг мартабаю мақомини сақлаб турган.

У ўз рақибларига бағрикенг бўлиб, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмаган. Дўсту душманга очик юз, раҳм-шафқат билан муомала қилган, ҳар қандай дипломатик муносабатларда адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интиланган. Амир Темур ўз сиёсий фаолиятини бошлаган даврда мамлакат қуллик исканжасида эди. Худудлар кичик-кичик ҳокимликларга бўлиниб кетган, мамлакат низолар ва ўзаро урушлар ичида қолганди, аҳвол танг, халқ хўрланган, маҳаллий ҳокимлар ва мўғуллар халқни ортиқча солиқлар билан



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

эзар ва хонавайрон қилардилар. Бу каби воқеалар Шарқнинг аксарият ерларида авж олиб, илгари амалда бўлган қонун-қоидалар ишламай қолган, олам низоми бузилганди. Бунга сабаб қилиб бир ярим аср муқаддам Еврооосиёнинг катта қисмларига мўғулларнинг бостириб киргани, у ерлардаги асрий анъаналар ва тараққиёт ришталарини узиб ташлаганларини кўрсатиш мумкин.

Амир Темур ана шу танг аҳволда тарқоқлик ва бошбошдоқликларга барҳам бериб, урушқоқ ва очкўз амирларни бирлаштириш билан бирга, Шарқдаги, умуман, Еврооосиё ҳудудларидаги тинчлик-хотир-жамлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Амир Темур мана шу абгор ва танг шароитда халққа бош бўлиб йўлидаги катта-катта тўсиқларини енгиб ўтиш учун халқаро майдонда фаол ва аниқ режаларга асосланган ташқи сиёсат олиб бориши лозим эди. Унинг ҳокимиятни отадан мерос олмгани, ана шу тарқоқлик ва урушлар гирдобидаги ўлка ва минтақаларни мураккаб шароитларда бирлаштирувчи тарихий ролни бажаргани назарда тутилса, бу жараён мураккаб кечганини англаш мумкин. Амир Темур давлат қудратини биқиқ ва якка ҳолатда кучайтира олмасди. Чунки давлат тараққиёти ташқи муносабатлар, хусусан, дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқаларга чамбарчас боғлиқ эди.

Бир томондан, ҳали чингизий мўғулларнинг хавфи кучли эканлиги ва уларни даф этиш чорасини кўриш; иккинчи тарафдан, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш; учинчидан, Чиғатой улусини тўлиғича ўз қўлига киритиш; тўртинчидан, Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқлари устидан назорат ўрнатиш; бешинчидан, узоқ ва яқин давлатлар билан савдо-сотик ва дипломатик алоқалар ўрнатиш каби масалаларни давлат ва халқ манфаатлари жиҳатидан тўғри ҳал этиш мақсадлари Амир Темурдан алоҳида ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни тақозо этди. Шу билан бирга, ҳаммани тенг кўриш, барча давлатлар билан манфаатли тенг ҳамкорлик қилиш ғоялари Амир Темур давлатчилиги, хусусан, дипломатиясининг устувор жиҳатлари эди.

Аввало, у мамлакат ичкарасидаги тарқоқ ҳокимлар билан дипломатик йўл тутиши лозим эди. Унга қарши тиш-тирноғи билан курашган, уни ҳар қандай йўллар билан йўқ қилишга интилган урушқоқ бек-ҳокимлар муҳолифатини юмшатиши, Мовароуннаҳрда ягона, бирлашган давлат тузиш мақсадида дипломатик йўл, чора ва усуллар қўллаши лозим эди. «Темур тузуклари»да бу борада қўллаган дипломатик тадбирлари алоҳида таъкидлаб ўтилган: «Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтиргандан сўнг,



III боб

дўсту душман билан муомалада бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган Бадахшон амирлари, турку тожик қилмишларидан кўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшилик қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб улар шарманда бўлдилар».

Демак, дипломатик усуллар мамлакатни бирлаштириш жараёнига самарали таъсир кўрсатган.

Амир Темур маҳаллий ҳокимлар билан тил топишиш учун уларни давлат бошқарувидан четлатмаган ҳолда мартаба ва мақомларини сақлаб туришга интиланган. Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқнинг шарқона шакллари ва тамойиллари мавжуд бўлиб, мураккаб вазиятларда ҳам ҳукмдордан уларга амал қилиш ва муносабатлардаги уйғунликни топиш талаб этиларди. Амир Темур давлати турли миллат ва конфессияларни ўзида мужассам этган мультикультурал салтанатга айланиб боришида унинг дипломатияси муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Урушлар хавфи кучли бўлган, халқаро тизимлар ва ташкилотлар тўла-тўқис шакланмаган, зўрлар замони бўлган ўрта асрлар даври ҳамма давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига истаган пайтда раҳна солиши мумкин эди. Бу жиҳат, кўпинча, ҳарбий кучга боғлиқ бўлиб қоларди. Давр мураккабликларини назарда тутсак, ақлли, доно, дипломатик етук ва шижоатли ҳукмдорлар даврида давлатлар кучайган, аксинча, бефарқ, шижоатсиз ҳукмдорлар даврида давлат заифлашиб, ҳатто, таназулга учраган. Шу сабабли ўрта асрларда бошқа давлатлар билан муносабатларни мувофиқлаштириш ва давлат хавфсизлиги, бутунлиги ва барқарорлигини таъминлаш, дипломатик усуллардан самарали фойдаланиш даврнинг энг катта долзарб масалаларидан ҳисобланарди. Бу масалани ўша давр ракурси ва контекстида мушоҳада этиш муҳимдир. Ана шу шароитда Амир Темур бошқа давлатлар билан иқтисодий-сиёсий ва дипломатик муносабатларни ўрнатишга интиланган. У бу билан савдо-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, давлат хавфсизлиги ва барқарорлиги, минтақаларда тараққиёт эшикларини очиш мақсадларини амалга ошира борган. Ушбу муносабатларнинг ривожланиши маданий-маънавий юксалишларга сабаб бўлган катта омиллардандир.

Салтанатда ислом цивилизациясининг ҳуқуқий асослари, тўра ва тузуқлар, уларда мужассамлашган олий ҳуқуқий қадриятлар Амир Темур дипломатик мактабининг кучайиши ва ривожланишига ижобий



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

таъсир кўрсатган. Ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, жинсидан қатъи назар, ҳар бир шахс ва у ҳамкорлик ўрнатган ерлардан юртга келган савдогарлар, дипломат ва сайёҳлар салтанат ҳимоясида бўлган.

Салтанатда кучли ислохотларни амалга ошириб, мустаҳкам ички сиёсат олиб боргани, давлат ва миллий манфаатлари юзасидан дипломатик муносабатларни адолат билан олиб бора олгани Амир Темур дипломатик муносабатларининг чўққиси деб айта олишимиз мумкин.

Ана шу дипломатик салоҳияти ила Амир Темур Ҳиндистон ҳамда Хитой чегараларидан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солган. Бундан ташқари Амир Темур давлатига Кичик Осиё Сурия, Миср ва шимоли-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари, шимоли-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача, жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилган. Унинг таъсир доираси Тинч океанидан Атлантикага қадар, ҳудудларни қамраб олганди. Амир Темур келиб чиқиши, ирқи, диний қарашларидан қатъи назар, ҳар бир инсонни тенг деб билди ва, ҳатто, ғайридин ҳамкорларига ҳам меҳр-шавқат ва адолат кўзи билан қаради.

Амир Темур воқеаларни ўз измига сола олиш фазилатига эга бўлган харизматик шахсдир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мўғул зулмига зарба бериши унга янгича муаммоларни туғдирди. Хоразм, Олтин Ўрда, Мўғулистон, Эрон, Миср, Сурия ва Ироқ каби ўз даврининг кучли давлатлари ҳукмдорлари Амир Темур давлатига рақиб сифатида қараб, уни ҳар қандай йўл билан сиёсат сахнасида четлатишга ҳаракат қила бошлагандилар.

Бундай шароитда Амир Темур учун ўз мақсадларини амалга оширишга эришиш мушкул масала бўлиб, бу давлатларнинг ҳар қайсиси билан алоҳида сиёсат йўналишларини белгилаш талаб этилар эди.

Ана шундай давлатлардан бири Ғарбий Хоразм эди. Бу давлат Амир Темур давлатининг ёнқўшниси бўлиб, келажакда у билан сиёсий ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли мавжуд эди.

Амир Темур 1370 йилда ўтказилган қурултойдан кейин Чиғатой улуси ҳудудларини тиклашни мақсад қилиб қўяди ва бу йўлда ўз эътиборини Хоразмга қаратади. Унинг энг муҳим мақсадларидан бири, ўз давлатининг шимолий чегаралари хавфсизлигини таъмин этмоқчи ва бу масалани Хоразм Сўфийлари билан ҳал қилмоқчи эди [1]. Амир



Темур биринчи марта Хоразмга юриш қилганда, у ернинг ҳукмдори Хусайн Сўфий эди. Дастлабки юришдаёқ Хусайн Сўфий сулҳ тилаб омон сўрагани, аммо Амир Темурга ҳасади бўлган амир Кайхусрав Хутталоний Хусайн Сўфий ҳузурига бир кишини юбориб, ундан ярашмасликни, ташқарига чиқса ўзи ҳам унга келиб қўшилиши хабарини етказади. Унга ишониб жанг олиб боришга қарор қилган Хусайн Сўфий жангда енгилади. Амир Темур Кайхусрав Хутталонийнинг бу ишидан воқиф бўлади ва уни Амир Хусайн қўлига топширади. Кайхусрав Хутталоний улар томонидан ўлдирилади. Амир Темур Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка Хутталон ҳокимлигини беради.

Натижада Хусайн Сўфий урушда енгилади ва пушаймон бўлиб вафот этади. Унинг ўрнига ўтирган укаси Юсуф Сўфий ўз элчилари орқали айттириб Амир Темур билан сулҳ тузади. Амир Темур элчиларга Сўфийларнинг қизи гўзал Севинчбекани ўғли Жаҳонгир Мирзо учун сўратади. У кейинчалик Амир Темур саройида Хонзода Бегим номи билан машҳур бўлади. Элчилар бу таклифни айтганларида Юсуф Сўфий унга рози бўлади ва сеп-сарполари тайёр бўлса тўй бошлашни айтади. Амир Темур иккинчи марта Хоразмга юриш қилиш арафасида ҳам Кайхусрав Хутталонийнинг ўғли Муҳаммад, Хизр Ясовурийнинг ўғли Исҳоқ ва Амир Темур ишонган амири Маҳмудшоҳ Бухорий учаласи тил бириктириб Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфий олдига бориб, Амир Темурнинг сўзига кирмасликка ташвиқ этганлар. Юсуф Сўфий уларнинг гапига кириб мухолифатчилик қилган ва Амир Темурнинг ерларига юриш қилиб Кат ва унинг атрофларини вайрон қилганди. Амир Темур Хоразмга иккинчи марта юришни бошлайди ва унинг остонасига етиб боради. Юсуф Сўфий ўз ишидан пушаймон бўлиб, омонлик тилади ва Севинчбекани юборишини айтади. Бу гапдан кейин Амир Темур Самарқандга қайтиб, тўйга тайёргарликни бошлайди. Амир Темур 1374 йилнинг март ойида Севинчбека (она томондан Ўзбекхоннинг авлоди – Ш.Ў.)ни олиб келишга Ёдгор Барлос, Довудбек ва Ўлжойтубекни подшоҳона совғалар билан Хоразмга юборади. Хоразмда ва Самарқандда шоҳона тўйлар берилади ва икки хонадон қуда-андачилик иплари билан абадий боғланади.

Шундай бўлса ҳам Хоразм Сўфийлари ва Амир Темур ўртасида низолар давом этиб, Соҳибқирон бу ерга беш марта юриш қилишгача етиб борган.

Кейинги низолар давомида Сўфийлар Амир Темурга душманлик муносабатида бўлиб, у билан музокаралар олиб боришни истамас, қулай фурсат келганида Темур давлатига тез-тез босқинлар уюштириб турар



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

эди [2]. Воқеалар жараёнида Амир Темурга душманлар сони кундан-кунга ўсиб, унинг географик ҳудудлари кенгайиб борганини кўриш мумкин.

Юсуф Сўфийнинг 1372–1373 йиллардаги талончилик юриши туфайли Амир Темур Ғарбий Хоразмга иккинчи марта юриш қилади. Сўфийларнинг кўп илтижо ва совға-саломларидан сўнг Амир Темур уларни кечиради [3].

Хоразм Сўфийлари бир неча бор мухолифатчилик қилган бўлсалар ҳам, Амир Темур дипломатик йўл билан бу алоқаларни яхшилашга интилади. Бироқ Сўфийлар Соҳибқироннинг Ўрусхонга қарши юришга кетганидан ва Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, унинг ерларига боскин ясади. Низомиддин Шомийнинг келтиришича, «Соҳибқирон Жаловатийни элчиликка Юсуф Сўфий қошига юборди ва «Қариндош бўлгондин мухолифат қилмоқ яна не жиҳаттин турур?» деб сўради. Аммо бунга жавобан Юсуф Сўфий элчини тутиб беркитди. Соҳибқирон унинг бу беандиша ҳаракатидан жаҳли чиқиб яхшиликча хат ёзади. Хатда «Подшолардин раво эрмаским, элчини банд қилғай, анинг учунким, аларда гуноҳ бўлмас. Агар сенинг сўзунг бўлса сенинг била турур, элчи била не ишинг? Борғон элчини йибаргил ва мундоқ қилмағилким, пушаймон бўлғунг турур»[4], – дея огоҳлантирган.

Аммо бу сафар ҳам Юсуф Сўфий элчини бандга солди. Бу, албатта, унинг томонидан содир этилган кўпол хато эди. Шу тариқа Сўфийлар ва Амир Темур давлати ўртасида низолар чуқурлашиб боради. Низомиддин Шомий бу ҳақда қуйидаги сатрларни ёзиб қолдирган: «Соҳибқирон дутф ва хайрихоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: «Элчига ўлим ва бандилик йўқдур. Элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор», – деб ёзди[5].

Мактубдаги огоҳлантиришларга қарамасдан Сўфийлар ишни пайсалга солаётган эди. Шу тариқа Амир Темурнинг Хоразмга юриш қилишига асосли сабаблар кучайиб боради.

Халқаро майдонда Амир Темурга қарши кучларнинг бирлашувида Хоразм ташкилотчилик ролини ўйнаётган бўлиб, бу ҳолат Амир Темур давлатига катта хавф туғдирар эди.

Юсуф Сўфий Соҳибқиронга қарши Оқ Ўрда билан ҳам махфий алоқалар олиб борар, Амир Темур эса бу ишлардан бохабар эди[6]. Шунингдек, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон билан Мўғулистон ҳокими Қамариддинларнинг ҳамфикрликлари ҳам Амир Темурнинг эътиборида бўлади.



Юсуф Сўфий билан низолар кескинлашаётганда «Термиз тарафдан Соҳибқирон ҳузурига янги пишган қовун келтирдилар. У «Юсуф Сўфий гарчи ўринсиз мен билан муҳолифат қилган бўлса ҳамки, аммо орамизда қариндошлик бор бўлгани учун биринчи қовунни усиз ейишга лойиқ эмасдур», деб қовунни бир олтин табоққа қўйиб, Юсуф Сўфийга юборди. Юсуф Сўфий бунинг эвазига таъзим ва ҳурмат мақомида туриб узр сўраши ва неча ҳисса қилиб туҳфа ва совғалар юбориши лозим эди. У эса ўша «қовунларни сувга ташлашни буюрди ва олтин табоқни дарвозабонларга баҳшида қилди» [7].

Шу туфайли Амир Темур 1375 йилда Хоразмга учинчи марта юриш бошлайди ва ички мураккаб жараёнлар туфайли бу юриш вақтли тўхтатилади. Амир Темурнинг Тўхтамишга ёрдам бериш мақсадида Оқ Ўрдага юриши вақтида Сўфийлар яна Бухорога юриш бошлайдилар. Бундан хабар топган Амир Темур 1379 йилда Хоразмга навбатдаги юришни бошлайди. Юсуф Сўфий орага кўп нуфузли одамларни солиб, яна минг бор кечирим сўраб, унинг ҳузурига элчи юборади. Амир Темур бу сафар ҳам Юсуф Сўфийни афв этди. Шу билан бутун Хоразм устидан Темур ҳукмронлиги тан олинди. Битимга мувофиқ, Юсуф Сўфий Ғарбий Хоразм устидаги ҳуқуқларидан маҳрум бўлди.

Юсуф Сўфий 1380 йилда ўлдирилгандан кейин Амир Темур бу сулолани Хоразм тахтида қолдирган. Сулаймон Сўфий Амир Темурга қарши кайфиятда бўлган ва Тўхтамишхон ҳокимиятини тан олиб, унинг номи билан тангалар зарб этган.

Сўфийлар Амир Темурнинг кундан-кунга кучайиб бораётганини англасалар-да, 1386–1388 йилларда Эронга қарши олиб борган уч йиллик уруши пайтида унинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, яна Амир Темур давлати ерларига босқинчилик юришларини уюштиради.

Бу даврда халқаро майдонда вазият мураккаб тус олади. 1387 йили Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб Тўхтамиш ҳам Темур давлати ҳудудига бостириб киради. Бир томондан Мўғулистон амири Анқа Тўра Фарғонага ҳужум қилади, Хутталонда эса Султон Маҳмуд Темурга қарши исён кўтаради. Аслида буларнинг ҳаммаси ўзаро махфий келишилган ҳолатда Мовароуннаҳрга давомли босқинларни уюштираётган эди.

У 1387 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва Мўғулистон хони Қамариддинларнинг бирлашган қўшинлари билан Мовароуннаҳрга уюштирилган юришида иштирок этган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Узоқ йиллар давомида рақибига катта имкониятлар яратган Амир Темур 1388 йилда ғазабланиб Хоразмга бешинчи марта юриш қилади ва уни мағлуб этади[8].

Амир Темурнинг Чигатой улуси ерларига эгалик қилишга талабгор бўлиб, унинг Ғарбий Хоразм билан юзма-юз келиши аниқ масала эди.

Қуда-андачилик йўли билан низоли масалаларни ҳал этиш йўлидан бориш Амир Темур дипломатиясининг махсус қисмидир. У Хоразм, Шероз, Мўғулистон ва бошқа давлат раҳбарлари билан қуда-андачилик алоқаларини ўрнатиб, улар билан илиқ дипломатик алоқаларни ўрната олган. Айниқса, у мўғул хони Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга уйланиб, «Кўрагон» («хон куёви») унвонига эга бўлган ва ҳокимиятнинг легитимлиги, давр сиёсий талаб ва анъаналари орқали обрў-мақомини сақлашга интилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Мўғулистон ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик муносабатлари ҳам алоҳида бир йўналишни ташкил этади. О. Бўриевнинг таъкидлашича, Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, шароит тақозосига кўра биринчи гадаги вазифаси Мовароуннахрнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш эди. Чунки шарқда Чигатой улусининг иккинчи ярми Мўғулистон, шимолда Олтин Ўрда ҳамда уларга хайрихоҳ бўлган Хоразм ҳукмдорлари Мовароуннахрда мустақил давлат пайдо бўлганига бефарқ қараб тура олмасдилар. Олдинги тарихий воқеалар, яъни Туғлуқ Темурхон ва Илёсхўжахоннинг юришлари бунинг тасдиқи эрур. Амир Темур, айниқса Мўғулистон томондан янги чопқинлар, юришлар бўлиши мумкинлигидан доимо хавфсирарди[9].

Соҳибқирон Амир Темур дастлаб чингизийлардан бўлмаган, тарқоқ сиёсий вазиятдан фойдаланиб Мўғулистон тахтига ўтирган ва Мовароуннахрга таҳдид солган Қамариддинга қарши курашди ва чингизийзода Хизрхўжа Ўғлон тахтга ўтказилди. 1389 йилги юришдан кейин Мўғулистон батамом тобе этилди. Бу сўнгги юришдан кейин Мўғулистонда тинчлик ўрнатилади ва карвон йўлларининг ҳам хавфсизлиги таъминланади. Соҳибқирон Амир Хизрхўжанинг қизи Тўкал хонимни ўзига сўратади (1397) ва шу орқали қариндошчилик ришталарини боғлайди[10]. Ўша даврнинг гўзал боғларидан бири Боғи Дилкушони Самарқанднинг Конигил деган жойида Тўкал хонимга атаб қурдиради[11] ва бу муҳим ишлар Мўғулистон муаммосини анча осон ҳал бўлишига олиб келади.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда билан олиб борган ташқи алоқалари унинг ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишни ташкил этади.



Амир Темур бу давлат билан фаол ташқи алоқа олиб борганининг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, Шимолий Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннаҳрга чегарадош эди. Темур тузаётган янги мамлакатига Олтин Ўрда хавф солишини сезарди[12].

Шунинг учун ҳам у Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудида юз бераётган сиёсий воқеаларни сергаклик билан кузатди.

М. Абдураимовнинг ёзишича, Ўрусхон Сирдарёдан Волга бўйларига келиши билан Олтин Ўрдада Ботухоннинг акаси Ўрда Ичен авлодидан саналган янги хонлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Тўйхўжа ўғлон Ўрусхон томонидан қатл этилгач, унинг ўғли Тўхтамиш ҳам ўз ҳаётидан хавфсираб, қудрати оламга таралаётган Амир Темур давлатидан паноҳ топди[13]. Бу вазият эса Амир Темурга жуда ўнг келди, чунки у Олтин Ўрда хони ўзига тарафқаш, тобе бўлишини анчадан буён орзу қиларди[14].

Амир Темур ана шу истақларни амалга оширишни Тўхтамишхон сиймосида кўрди. Соҳибқирон унга мадад сўраб келаётган Тўхтамишни ҳар хил қимматбаҳо совғалар билан қарши олди. Низомиддин Шомий бу ҳақда шундай ёзади: «Тўхтамиш ўғлон келганда, амирлар уни Амир Темур қабулига олиб киришди. Ҳазрати олийлари уни етарлича ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Уни Самарқандга бошлаб бориб, шоҳона зиёфат берди. Тўхтамиш ва унинг йўлдошларига муносиб совға-саломлар улашди, тилла ва (қимматбаҳо) безаклар, мол ва газмол, от ва хачир, чодир, ноғора ва байроқ ҳамда жанговар қўшин берди. Ўтзор ва Саврон вилоятига ҳоким этиб тайинлади»[15].

Бу орада Темурнинг Бухородаги қароргоҳига Ўрусхоннинг элчилари келиб, Тўхтамишни топширишни талаб қилади. Темур бу таклифни қатъий рад этади ва тез орада ўзи жангга киришини айтади.

Соҳибқирон Ўрусхонга қарши курашмоқ учун Сиғноқ яқинига келиб жойлашди ва об-ҳавонинг ёмонлиги, яъни қаҳратон қиш, ёгингарчилик туфайли ортга қайтиб, бир неча ой Кешда қолади. Ўрусхонга қарши юришда Тўхтамишни йўлбошчи қилиб олади, лекин вазият ўзгариб, аввал Ўрусхон, кейинроқ эса унинг ўғли Тўқтакиё вафот этади[16]. Оқ Ўрда билан тахт учун курашлар натижасида Тўхтамишхон қўшинлари учинчи марта енгилди. Амир Темур Тўхтамишнинг ҳарбий лаёқатига шубҳаланиб қолган бўлса-да, унда тахтга ўз одамини қўйиш, мағлубият учун ўч олиш истаги кучли эди[17]. Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида хонлик тахтига ўтирган бўлса ҳам, ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Темурга номигагина бўйсунарди, қулай пайт келиши



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

билан мустақил бўлиб, унинг ҳокимиятидан юз ўтириб кетиш ниятида юрарди[18].

М.Абдураимов Тўхтамиш бошқараётган Олтин Ўрда давлати рус князликлари ёки Амир Темур давлатига ўхшаб мустақкам заминда, ўз халқининг табиий ўсишига боғлиқ равишда эмас, қурама ва хўжаликлараро тарқоқ заминда бунёд этилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу ҳол Тўхтамишга анча мураккабликлар туғдириши мумкин эди.

Амир Темурнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган Тўхтамиш рус князликлари устидан номигагина эмас, тўла-тўқис ҳукмронлик ўрнатиш учун Жўчи улуси кучларини оширишга аҳамият берди. У рус князликларининг Москва атрофида бирлаштиришга тўсқинлик қилди. Олтин Ўрда ва рус тарихидан аёнки, мўғул хонлари, хусусан, Тўхтамиш ҳам рус ерларида ва туб феодал ажралишига бўлган ҳаракатларини қўллаб-қувватларди. Жўчи улусининг нуфузи, таъсири тушиб боришига йўл қўймаслик учун у бутун кучгайратини аямай сарфлади. Ўз ҳукмронлигини мустақкамлаш учун у Озарбайжон ва Эронга ҳам кўз тикди[19].

Олтин Ўрда ва Амир Темур ўртасидаги низо Соҳибқироннинг Олтин Ўрдадан бўладиган хавфни бартараф қилишга ва мўғуллар даврида шимолий тармоғи кучайтирилган Буюк ипак йўлини эгаллашга бўлган савий-ҳаракати туфайли чиққан.

Ҳар икки томон ҳам ана шу масала юзасидан муҳолифатчилик қиларди.

Бу даврда Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқларидан биттаси бу икки давлат ҳудудидан бевосита ўтган. Бу йўлларнинг бири Рус, жанубидан Қора ва Қизилқум, Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб, иккинчиси, Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали ўтган. Беркахон давридан бери Олтин Ўрда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлса-да, иккинчисини ҳам қўлга олишга, жилла қурса кесиб ташлашни, биринчи навбатда бой Табриз шаҳрини эгаллашни орзу қилардилар[20].

Тўхтамишхоннинг Табризни босиб олишига эронликлар, аввал жалоирлар ва Амир Темур қарши чиқди. Темур собиқ Жалоирлар ҳукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида кўз тиккан. Шундай қилиб, 1385–1386 йилларда Олтин Ўрданинг Озарбайжон ва Табризга бостириб кириши Олтин Ўрда хони ва Самарқанд амири ўртасида ихтилоф туғилишига сабаб бўлган. Улар ўртасида жанг чиқишига иккинчи сабаб Дашти Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиш билан боғланади[21].



Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасида алоқа бузилишга яна бир сабаб, Хоразм масаласи борасида келиб чиққан. Чунки Хоразм XIV асрнинг 60-йилларигача Олтин Ўрданинг таркибий қисми ҳисобланиб келган, Тўхтамишнинг Озарбайжонга юриши Амир Темурнинг Хоразмнинг ўз тасарруфига киритгани учун бир қасос эди. Амир Ҳусайн ва Сароймулхоним мўғул уруғиданлигини ҳисобга олган ҳолда ва Ибн Арабшоҳ фикрига таяниб, М. Абдураимов яна бир иккинчи даражали сабабни амир Ҳусайннинг ўлдирилишидан келиб чиққан деб тахмин қилади[22].

Демак, Амир Темурнинг Олтин Ўрдага нисбатан тутган ташқи сиёсат йўналиши қуйидаги мақсадларни ўзида мужассамлаштирган:

биринчидан, шимолдаги Олтин Ўрдан бўладиган хавфни бартараф этиш;

иккинчидан, давлат тараққиётида муҳим ўрин тутган Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи устидан ҳукмронликни қўлга киритиш;

учинчидан, Олтин Ўрданинг кучли давлатга айланишига йўл қўймаслик ва уни иккинчи даражали мамлакатга айлантириш;

тўртинчидан, унинг Эрон ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик;

бешинчидан, Дашти Қипчоқнинг шимолий қисмига ўз таъсирини ўтказиш;

олтинчидан, Хоразмни ўз тасарруфида сақлаб қолишга интилиш.

Тўхтамишхон Амир Темурнинг ташқи юришлари билан банд бўлганидан фойдаланиб Каспийнинг ғарбий соҳили бўйлаб ўтган қадимги йўл – Дарбанд орқали Амир Темур давлатига юриш қилади[23].

Бу воқеалардан кейин Амир Темурнинг сабр косаси тўлади. У хавфли душманга айланган Тўхтамишга қарши 1388, 1391 ва 1394–1395 йилларда уч марта юриш қилади ва уни енгиб, ўз мақсадига эришади. Амир Темур Олтин Ўрдани енгиб уни ҳолдан тойдиради, Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғини бутунлай издан чиқаради, Эрон ва Озарбайжоннинг дахлсизлиги ва бошқа мақсадларини амалга оширади.

Амир Темур Тўхтамишхонни енгиш билан дунё сиёсий харитасида муҳим ва катта ўзгаришлар ясаб, рус князликларининг кейинги тараққиёти ва бирлашув жараёнларининг бошланиши учун замин яратади. А.Ю. Якубовский ғалабанинг аҳамиятини кўрсатиб, шундай ёзган эди: «1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва, айниқса, Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши нафақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги Жануби-шарқий



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Темур Тўхтамишни енгиши билан Рус ерига объектив равишда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган»[24].

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ўндан тўққиз қисмини фаол дипломатик ҳаракатлар ташкил этиб, у орқали Евроосиё минтақасида фаол ривожланиш ва тинчлик-хотиржамлик сақланган.

Бу эса жаҳон миқёсида Амир Темурнинг фақат урушлар олиб боргани ҳақидаги тасаввурларни келтириб чиқариши мумкин. Унинг юришларига аслида рақиблари сабабчи бўлиб қолгани ҳам тарихшуносликда очиб берилмаган.

Амир Темур сўнги уруш ҳолатига етиб келинганда ҳам ҳужумдан аввал рақибларини огоҳлантирган, уларнинг ўйлаб кўришларига қайта-қайта вақт берган, иложи борича муаммони музокара – тинчлик йўли билан ҳал этишга интиланган. Душманлари ҳаддидан ошиб, вазиятлар қўлдан чиқиб кетганда энг охирги чора сифатида уруш қилишга мажбур бўлган[25].

Амир Темурнинг Миср ва Усмонлилар давлати билан олиб борилган дипломатик муносабатлари У.Уватов ва С.Ғуломовлар томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотлар орқали ўша даврдаги халқаро алоқалар мазмунини чуқурроқ англаб етиш мумкин[26].

С.Ғуломов Йилдириим Боязид ва Амир Темур ўртасидаги низоларнинг кескинлашишига ва Анқара жангининг келиб чиқишига Қора Юсуф Туркман билан бирга Аҳмад ибн Увайс Жалойир ҳам сабабчи бўлганлигини кўрсатиб ўтади[27].

Манбалар Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойирнинг тубан, золим, халқ нафратини кўзгатадиган салбий шахс бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Хусусан, ибн Арабшоҳ Султон Аҳмад ҳақида «Бағдод аҳли ундан нафратланиб, унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар»[28], – деган маълумотларни келтириб ўтган. Амир Темур карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш учун улар билан кескин курашга бел боғлаганди.

Соҳибқирон Амир Темур ўзбошимча ва халқнинг бошига ташвишлар туғдираётган, карвон ва ҳаж йўлларини хавfli ўчоқларга айлантирган шахслардан бири Султон Аҳмадга қарши кураша бошлайди, аммо бу ишга Йилдириим Боязид халақит бериб, уни ўз паноҳига олади.

Абулҳусайн Навоийнинг «Аснод ва макотиби тарихий» асарида келтиришича, Эрон ҳукмдори Шоҳ Мансур устидан ғалабага эришган



Амир Темур Ироқ томон уруш бошлаган пайтида Султон Аҳмад ўз мамлакатини ташлаб Сурия томонга йўл олади ва у ердан Йилдирим Боязидга мактуб йўллаб, Темурнинг Бағдодни эгаллагани, ўзи (Султон Аҳмад)нинг Қора Юсуф билан биргаликда ортидан қувиб келаётгани, Темур лашкарларидан бир гуруҳи билан жанг қилиб, ғолиб келганликлари, шу билан бирга, воқеа хабари Темурга етиб борганидан сўнг катта жанг бўлиши муқаррарлиги ва бу борада унинг (Боязиднинг) ёрдамига муҳтож эканликларини билдиради[29].

У бундай мактубни Миср султони аз-Зоҳир Сайфуддин Барқуққа (1382–1399) ҳам йўллаган[30]. Миср ҳукмдори Барқуқ ва Усмонлилар султони Йилдирим Боязид (1389–1402), Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1376–1395), Сивос ҳокими Қози Бурҳонуддинлар ораларида Темурга қарши иттифоқ тузилиб[31], унинг кўлами янада кенгаяди. Бу иттифоққа қора қўюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф Туркман (1389–1420), Музаффарий ҳукмдор Шоҳ Мансур (1389–1395), Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир ҳам қўшилади[32]. Шу тариқа Амир Темурга қарши Шарқда энг кучли жуда катта ҳарбий блок пайдо бўлган.

Ана шундай йирик иттифоқ юзга келаётганлигини Амир Темур билган, вазиятларга кўра воқеаларни измига солишга ҳаракат қилган, вақтни чўзиш йўли билан ўзига қулай вазият пайдо бўлишини кутган.

Амир Темур Султон Аҳмад Жалойирнинг ҳақоратли мактубларига ҳам дипломатик қоидаларга асосан ҳурмат ва огоҳлантириш билан жавоб қилади[33]. У турли давлатлар билан мураккаб ва низоли дипломатик муносабатлар кечаётган жараёнда ҳам элчиларни ўлдирмаган, шарқона дипломатия этикетларига қатъий амал қилган.

1395 йилда Тўхтамишнинг енгилиши, 1398 йилда Қози Бурҳониддиннинг Оқ Қўюнлилар билан жангда ҳалок бўлиши, 1399 йилда Барқуқнинг вафот этиши муносабати билан Йилдирим Боязид Мамлуқларнинг баъзи қисмларини ўз тасарруфига олиши туфайли бу иттифоқ барҳам топди ва Қора Юсуф Туркман ва Султон Аҳмад Жалойир Амир Темурга қарши курашишдан ожиз бўлиб, иккиси ҳам Усмонлилар ҳимоясига қочади[34].

Бу мураккаб жараёнларда ҳам Амир Темур сабр-тоқат билан қулай пайт келишини кутиб вақтни чўзган. Бу ҳолатларда душманларига огоҳлантирувчи ва таҳдидли мактублар йўллаш билан чекланган. Унинг кураш усулида рақибнинг ва ўзининг ҳимояланганлик даражасига эътибор берилар, душман ҳимоядан чиққач ва заифлашгач, қулай вазият топиб зудлик билан уни баргараф этар эди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Халқаро зиддиятли муносабатларда вақтдан ютишга, ҳар қандай шароитда ҳам сабр-қаноатли бўлишга, қулай вазият қидиришга ва низоларни иложи борича қон тўқмасдан ҳал қилишга интилишлари унинг ғалабаларига сабаб бўлган дипломатик усуллардандир.

1382 йилда Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас Мамлуклари давлати ўз тарикибига кирган Сурия, уларга тобе бўлган ва муқаддас саждагоҳлар макони Ҳижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб, Шарқдаги қўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ўтарди[35]. Миср ҳам XIV асрнинг охирида дунёнинг энг кучли давлатлари бўлиш Усмонлилар империяси, Амир Темур салтанати, Олтин Ўрда ва Мин Хитойи билан бир қаторда турарди[36].

Шарқдан Амир Темур давлатининг хавфи ортаётганлиги сабабли Синжар, Қайсария ва Тикрит ҳокимлари 1383 йилда Миср султониға мактуб йўллаб, унга тобелигини билдирадидлар[37].

Халқаро майдонда вазият кун сайин мураккаблашиб борар эди. Бир томондан Усмонлилар, иккинчи томондан, Миср ҳукмдори Барқуқ, учинчидан, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон ҳамда бошқа кучларнинг бирлашишига интилишлари ва бир қанча хавфлар Соҳибқирон Амир Темурдан ўта нозик тадбирлар қўллашни талаб этган.

Миср ҳукмдори Барқуқ Амир Темурни гўёки писанд қилмагандай унинг душманларига ўз давлатидан паноҳ бериб, Амир Темурнинг элчиси Аталмиш Қавчинни асирда тутар эди. У Амир Темур қарши курашаётган Ироқнинг собиқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойирга ҳам паноҳ беради, у Амир Темур томонидан ўз саройига келган элчиларини қатл этади. Унинг ушбу қўрс муомаласининг боиси айна шу пайтда Султон Барқуқ Усмонли турклар султони Боязид сиймосида салобатли бир иттифоқдош топган эди[38].

Амир Темур Аталмиш Қавчинни талаб этиб Барқуққа таҳдидли мактуб юборади[39].

Амир Темур Беҳишти, Аинтоб қалъалари, Ҳалаб, Баалбек шаҳрини забт этиб, Дамашқни ишғол этади ва Миср волийсини Дамашққа келишга чорлайди[40]. Улар элчилардан бирининг қўлига захар сурилган ханжар бериб, қулай фурсат топилганда Амир Темурни ўлдириш режасини тузадидлар.

Бироқ бу машъум режа барбод бўлади. Бу воқеадан кейин Амир Темур Миср устига юриш қилиши мумкин эди, бироқ у бу сафар ҳам рақибига ён босади ва уни ўйлаб кўришга ундаб, психологик таъсир кўрсатувчи таҳдидли мактуб йўллайди: «Билгинким, биз худонинг



III боб

лашкарларимиз, у бизни ғазабга келган пайтида яратган ва қаҳрга учраганларни жазолашни топширган... Биз билан бирга бўлмаганларнинг бошларига кулфат ва яна кулфат ёғилгай! Агар сиз қарши исён кўрсатсангиз ўзингиздан ўпкаланг... Муҳораба ўти ёқилмасдан олдин бизга жавоб ёзишга шошилинг... Биз сизга элчилар юбориб, адолат бўйича иш тутдиқ, уларни ҳам биринчи элчилар каби қатл эттирсангиз, ўзингиздан хафа бўлинг!»[41].

Бу хатга жавобан Барқуқ ҳақоратомуз жавоб йўллайди ва мактуб сўнгида «Услубини безаб, ўз маҳоратини намоён этмоқчи бўлган котибинга айтиб қўй, сенинг мактубинг созланмаган рубобнинг тинғиллашига ёхуд пашшанинг визиллашига ўхшаб қолибди»[42], деб жавоб беради.

Шундан сўнг Амир Темур яна унга элчи орқали, хужжатни таъкидловчи хабар юборади: «Мен бегона лашкарни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Аталмиш Қавчинни тезлик билан юборинглар токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман»[43].

Бироқ Амир Темур элчиларининг иззат-нафси бу сафар ҳам топталди. Улар элчини жазолаб, Амир Темурни «худосиз» деб ҳақоратлаб, Аталмиш Қавчинни қайтиб бермайди.

1399 йилда Миср султони Барқуқ вафот этиши муносабати билан «мудофаа иттифоқи» якун топди. Йилдирим Боязид Мисрдаги беқарор вазиятдан фойдаланиб Миср мулкига қарашли ерларни босиб олади (Малатия, Сивас ва б.) ва бу хатти-ҳаракатлардан Мисрнинг ўн бир ёшли янги ҳукмдори Фараж норози бўлади. Амир Темур 1399 йилнинг июль ойида Ҳиндистонни тарк этди ва Озарбайжон ҳудудига келиб, Табризни қароргоҳ тутди. Табризда турганида, Султон Боязидга мактуб йўллаб, одоб билан унга ўзининг Қора Юсуф Туркман ва Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс билан бўладиган урушда холис (бетараф) мавқеда бўлишлигига ишорат қилди[44].

1400 йил Малатияни ишғол этгач, Амир Темур мактубини Фаражга йўллаб, хатида унинг отаси йўл қўйган «хатолар»ни – унинг элчиларини ўлдиргани, Аталмиш Қавчинни зиндонга солгани кабиларни кўрсатди. У Фараждан дарҳол Аталмиш Қавчинни озод қилишини талаб қилди ва ўз талаби бажарилмаса, «Сурия ва Миср халқидан ўч олишлигини» мактубида таъкидлади[45].

Султон Фараж эса отаси қилгани каби Ҳалабдаги ноибига элчиларни тутиб олиб, зиндонга ташлашни буюрди. Бундай қалтис вазиятда



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Фараж калтабин сиёсат юритди. Амир Темур эса улардан ўч олишга интилди ва энди Боязид томон эмас, Миср томон юришни ирод этди[46].

Амир Темур ал-Биҳишти, Айнтобни эгаллаб, Дамашқ ноибни Судунга мактуб йўллаб, уни вазиятдан огоҳ этиб, Боязиднинг адабини бериш учун Сивасни эгаллагани, Мисрга томон юриш бошлаганининг сабаби эса Қоҳирада зиндонда ётган ўз қариндоши Аталмиш Қавчинни озод этиш ва бу мамлакат билан тўғри муносабат ўрнатиш ва ҳоказолар деб изоҳлади[47].

Бироқ Миср Мамлуқлари Амир Темурнинг куч-қудрати ва нималарга қодир эканлигини кўра-била туриб чора-тадбирлар қўлламади, кўрс-қайсарлиги туфайли тинч аҳолининг бошига кулфатлар келишида сабабчи бўлиб қолди. Урушлар ҳамма замонларда ҳам қирғинларсиз ва қурбонларсиз бўлмаган, аммо катта имкониятларга эга бўла туриб, Мамлуқлар Амир Темурга ён босиш ва дипломатик мунозара орқали муаммони тинчлик билан ҳал қилиш йўлидан бормадилар.

Амир Темурнинг Ҳалаб шаҳрини забт этиши ҳақида манбаларда анча кенг ва атрофлича маълумотлар келтирилган. Амир Темур кўшинлари Ҳалабга томон юзланиши арафасида, Темиртош Миср ҳукмдорига ўз ахволи ҳақида хабар юборди. Миср волийси Дамашқ, Тароблис, Ҳўмс, Ҳамо, Баалбақ, Сафд, Калъат ар-Рум ва атрофдаги ўзга амирлар унинг ёрдами учун Ҳалабга жам бўлишини буюради. Амир Темурга қарши катта кўшин Ҳалабда тўпланди. Шундан кейин Ҳалабда Амир Темурга қандай қарши курашиш бўйича катта маъмурлар ўртасида маслаҳат ва машварат ўтказилган. Бири шаҳарни қўрғон билан мустаҳкамлашни маслаҳат берса, бошқаси девор атрофини ҳалқа қилиб ўраб олишни маъқул кўрарди. Бу машваратда жуда кўп тўғри ва нотўғри фикрлар бўлган. Оқил кишилардан бир гуруҳи «Бу шахс (Амир Темур) Аллоҳ томонидан қўлланган бир зотдир. У ҳозиргача ҳар жойгаки юзланмасин, уни забт этган, ҳар ким унга муҳолифатчилик қилган бўлса – зиён тортган. Рубъи маскун унга гардан эгдилар. Шундай кишига қарши чиқиш бирон жойга етказмайди, бунинг оқибати пушаймонлик бўлади. Ўзларингни ғафлатда қолдирманглар. Улардан ҳозиргача қалъалар ва шаҳарлар борасида, хусусан, Хуросон, Сейистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда содир бўлган ҳолатларни кўзингиз олдида келтиринглар, ўзларингизнинг заволингиз ва ҳалокатингизга саъий қилманглар. Тўғри фикр шулки, итоат ва сулҳ йўлидан юрайлик, лойиқ туҳфалар ва тортиқлар юборайлик, токи у бизнинг устимизга марҳамат этагини ёпиб, биздан юз ўтиргай ва мамлакат саломат



III боб

қолгай». Маъмурлардан Судун ва бошқалар аскарларнинг кўплигига, шаҳар девори ва қалъанинг мустаҳкамлигига ишониб, «Бизнинг бу мамлакатнинг иши бошқа мамлакатларга ўхшамайди, уларнинг ҳисорлари кўпроқ лой ва тупроқдан, бизнинг шаҳар ва ҳисорларимиз тошдан, балки пўлатдандир. Агар бизнинг шаҳарларимиздан қай бирини бўлмасин жанг ва муҳосара билан олишни хоҳласалар, ойлар, балки йиллар керак бўлади... Бизнинг камонларимиз Дамашқ камони, қиличларимиз мисрий – Миср қиличлари, қалқонларимиз ҳалабий – Ҳалаб қалқонларидир. Агар аскарнинг кўплигини мулоҳаза қиладиган бўлсаларингиз, бу мамлакатда 60 000 қишлоқ ва қасаба қамалга олинган. Агар бир жойдан бир нафар киши келган бўлса ҳам уларга устун келади. Бу афзалликлар устига улар саҳрода, биз эса ҳисорда, уларнинг уйлари девори тери ва арқондан (чодирлар назарда тутилмоқда – Ш.Ў.), бизнинг ҳисорларимиз тошдан ва сандондан», деб ўзларига мағрур бўладилар ва тўғри қарор қабул қилишдан бош тортадилар.

Улар орасида Ажамдан келган бир жамоа бўлиб, сўзларини бегараз эшитишларидан умидвор ҳолатда кўйидагиларни такрорладилар: «Биз уларнинг аҳолидан кўпроқ хабардормиз, ишнинг қаерга бориб етишини аниқ биламиз; хусуматчиликка ошиқманглар ва бу ишни кичик санаманглар». Жамоатдан баъзилар уларни Амир Темурнинг жосуслари ва мамлакатни мўғулларга ем қилмоқчи», деб тухмат қилдилар. Низомиддин Шомий уларнинг калтабинлигига афсуслар айтиб, «Ақл уларнинг тадбирига кулди, замона уларнинг ҳолига йиғлади», дея урушишга келишилган қарорни қоралаб, афсус билан ёзганди. Ҳалаб ҳокими Темуртош уларни Амир Темурга қарши курашишга кўндирди ва ҳамма бир овоздан ортга бир қадам ҳам чекинмасдан жанг қилиш ҳақида келишиб олдилар.

Ибн Арабшоҳнинг келтиришича, Амир Темур Антобда бўлган вақтида ўз чопарини Мамлукларнинг Ҳалабдаги ноибни Темуртошга ва бош лашкарбошиси Судунга юборган. Унга кўра, Темур амрларига итоат билдириб жангу жадални тўхтатиш ва Маҳмудхон ҳамда улуғ Амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиш ва аввал унинг ҳузурида бўлиб, Атламиш (Амир Темурнинг сингисининг қизини берган амир, Амир Темурнинг қариндоши – Ш.Ў.)ни қайтариб юбориш талабларини кўйганди.

Хатда «Фақат у (Амир Темур – Ш.Ў.) одамлар устидан сиёсат юргизишга лойиқ кишидир, ёлғиз унинг ўтқазган кишисигина халифа ва имомдир, ҳамма Темурга тобе ва итоатда бўлмоғи лозим, ер юзининг Темурдан бошқа подшоҳлари эса унинг хизматкорлари ва тобеларидир.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Раёсат (иши)да ундан бошқада қаяқдан ҳам маҳорат бўлсин? Сиёсат тартибларини черкаслар (Миср Мамлукларининг аждодлари черкаслардан эди, бу ерда шунга ишорат бўлмоқда – Ш.Ў.) қаяқдан (ҳам) билсин?» қабилда панд-насихат ва ультиматумдан иборат бўлган хат-мактуб юборган.

Низомиддин Шомий Амир Темур қўшинларининг Ҳалаб шаҳрини забт этишини ўз кўзи билан кўрган муаррихдир. Низомиддин Шомий Ҳижоз сафари (ҳаж сафари)ни ният қилиб ушбу қалъадаги бир босқинчи ва талончи жамоа қўлига асир тушиб қолади. У ерда эканлигида Амир Темур қўшинлари шаҳарга етиб келади. «Бу банда (яъни, Низомиддин Шомий) қалъа дарвозаси тўғрисидаги бир томда туриб, парвардигорнинг қудратини ва бу одамлар (Амир Темур қўшини) нинг шижоатини томоша қилардим, ногоҳ кўрдимки, қалъа эшиги очилиб, беш нафар мардона қуролланган киши қалъадан чиқиб келиб, қалъа тагини ковлаётганлар (нақибчилар – Ш.Ў.) чоҳ қазувчиларга хужум қилди. Чоҳ қазувчилар воқиф бўлгач, нақб-ковак ичидан чиқиб пастдан юқорига қарадилар-да, у беш отликни ўқ захми билан ерга қададилар. Қалъа аҳлидан фарёд кўтаридди. У беш киши белларига арқон боғлаб, бир учини қалъа устида турган кишилар қўлига тутқизган эканлар, арқонларни тортдилар ва ўлик ё тирик эканлигини билмадим, уларни юқорига тортиб олдилар. Ўзга кишиларнинг қалъадан ташқарига чиқиш у ёқда турсин, буржлар тешигидан бошини чиқаришга ҳам захраси қолмади[48]», – деб Амир Темур қўшинининг жанговар ҳолатини баён этган. У жангдан кейин ўша ерда Амир Темур билан учрашган ва Соҳибқирон унга Амир Темурнинг тарихини тушунарли, осон ва мароқли тарзда ёзишни буюрган.

Низомиддин Шомий Ҳалаб шаҳрининг ўша даврда Шарқнинг энг мустаҳкам қалъалардан бири бўлганини айтиб ўтган. Бу қалъа хандақининг эни 30 метр, чуқурлиги 22 метрга етган бағоят кенг, агар хоҳласалар бу ерда кемалар сузиб юриши мумкин эди. Бу қалъанинг девори баланд бўлиб, тахминан юз метрга тенг келар эди.

Амир Темур ҳар бир ерга киришдан аввал сулҳ сўраб бир неча марта элчиларини юборган, у қон тўкилишининг тарафдори бўлмаган, тинчликка даъват этган, рақиблари унинг элчиларини ўлдирганларида ва қўпол хатти-ҳаракатлар қилгандагина энг сўнгги чора сифатида уларга қарши қатъий уруш ва жанглар олиб борган.

Ҳалаб ишғол қилинган, Амир Темур ўзининг илгариги талабларини такрорлаб, яна Султон Фаражга мактуб йўллади. Ўз қариндоши Аталмиш Қавчинни озод қилиш, агар у шундай қилса, ўз ҳузурида асирда турган унинг ноибларини ва бошқа асирларини озод қилишлигини



III боб

билдирди[49]. Лекин Султон Фараж бу талабларни ҳам рад этди ва Соҳибқирон Амир Темур яна унга хат йўллаб; «Сустлик кўрсатишни шу даражага етказдингизким, ирода жилови бизни бу жонибга келтирди. Шунга қарамай, агар ишнинг оқибатини ўйлаб кўрсангиз ва уни юбориш билан ўтган кечмишнинг тадоригини қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қилган ва аҳли аёлингизни ўзингиздан миннатдор этган бўласиз ҳамда биз билан дўстлик эшигини очиб, ор-номусингиз, молу манол ва мулкингиз бизнинг жаррор лашкаримиз зараридан сақлаб қолгай»[50], – деб ундан бўйсунтишни ва унинг номи билан пул зарб этишни таклиф этади[51].

Амир Темурнинг шахидан чўчиган Фараж элчиларни шоҳона кутиб олади ва ўзининг жавоб хатида Аталмиш Қавчинни беш кун мобайнида зиндондан озод этишни ваъда қилиб, бундан кейин Амир Темур билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор этади[52], аммо келишувга қарамай ҳар икки томон ҳам жангга тайёргарликни кучайтиради.

Бироқ вазият янада жиддийлашади ва кутилган жанг юз бермайди. Чунки Фараж унинг амирларининг бир қисми кечаси махфий равишда Қоҳира томон жўнаб кетади. Қоҳирада Ложин бошчилигида султонга қарши фитна тайёрланаётганини эшитган Фараж ҳам Дамашқни ўз ҳолига ташлаб, яширинча Қоҳира томон йўлга чиқади. Дамашқда мамлукларнинг бирлашган қўшинларининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Амир Темур шаҳарни эгаллайди.

Амир Темур яна Фаражга хат йўллаб аввалги талабларини изҳор этди ва агар шарт бажарилса Дамашқда асир олинган ва унинг ҳузурида бўлган Мамлук султонининг амирлари ва ноибларини озод қилишни ваъда берди[53].

Мисрда юз берган мураккаб ички вазият ва мактублар мазмуни, элчиларнинг сўзлари отасининг вафоти туфайли Миср тахтига ўтирган қайсар Фаражга таъсир этмай қолмади.

Амир Темурнинг қатор зафарларидан кейингина Миср волийси унинг элчисини иззат-икром билан кутиб олади. Воқеалар ривожига жараёнида Фараж амир Аталмиш Қавчинни Амир Темурга қайтаришни яна пайсалга солади, аммо унинг Шом, Ҳалабдаги зафарлари Фаражни чўчитган эди. У Боязиднинг енгилиши туфайли ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ўртага Аталмиш Қавчинни васила қилади, узрхоҳлик ва беҳисоб совға-саломлар билан уни Амир Темур ҳузурига жўнатади.

Амир Темурнинг Миср ва Сурия билан 1399–1401 йиллардаги муносабатлари унинг дипломатиясининг тўла ғалабаси билан якунланди,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

натихада, бу Мамлуклар ўлкасида Соҳибқирон номи билан хутба ўқитилди ва пул зарб қилинди. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий ўз «Зафарнома»сида бундай гувоҳлик беради: «Ва ул вилоятда (Миср ва Шомда) Соҳибқирон отиға тангалар уруб келтурдилар. Юз мисқоллик ва эллик мисқоллик ва ўн мисқоллик тангалар урдилар... Ва тангаларниким, Шом вилоятида Ҳазратнинг отиға уруб эрдилар, ҳарамларига ва ўғлон-ушоқларға – Эрону Туронға йибарди» [54].

Амир Темур дипломатиясининг мазмун-мақсади ҳам халқ тинчлиги, яшаш ҳуқуқи, эркинлигини таъминлашга ва кафолатлашга қаратилганди. Унинг инсонийликка асосланган дипломатияси орқали Миср мамлуклари жазодан омон қолдилар, кейинчалик ҳам қайсарлик билан муносабат юритсалар-да, улар Амир Темур ҳукмронлигини тан олдилар.

Баъзи тадқиқотчилар Амир Темурнинг бошқа давлатларга бесабаб юриш қилганлигини таъкидлаши мумкин, лекин рақиб ҳукмдорларнинг Амир Темур билан боғлиқ масалаларга аралашishi, унинг душманларига паноҳ бериб, писанд қилмасликлари, атайлаб унинг шаънини топташга, буткул синдиришга интилишлари, баъзи ҳудудлар ўртасидаги тортишувлар юришлар сарҳадларининг кенгайишига сабаб бўлган. У Миср султониға «Ҳар бир ишда одамларнинг этагидан тутадиган нарса гайрат ва ор-номусдир»[55], – деб бежиз айтмаган.

Амир Темур ўз элчиларини ўлдирилган, ҳақоратланган, ҳибсга олинган тақдирда ҳам Хоразм сўфийлари, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, Миср мамлуклари, Усмонлилар султони билан олиб борилган муносабатларда дипломатия қоидаларига қатъий амал қилган. «Элчига ўлим йўқ» деган қойдаға энг кескин ва мураккаб вазиятларда амал қилиш ҳар қандай давлат раҳбарининг қўлидан келавермайди. Амир Темурнинг ана шу дипломатик протокол талабига жавоб бериши, қонун устуворлигини ўрната олиши кейинчалик унинг давлатининг обрўси ошишиға хизмат қилган. Бу анъаналар бошқа ҳукмдорлар учун ҳам андоза вазифасини бажарган.

Анқара жангидан олдин Усмонлилар султони Йилдирим Боязид билан фаол дипломатик алоқалар ўрнатилиб, ўзаро мактублар алмашинган ва бу муносабатлар кундан-кун таранглашиб борган.

Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Темур Табризда ҳукмронликни қўлга киритган Қора Қўюнли ҳукмдори Қора Юсуф Туркман (791/1389–823/1420)дан бир неча бор итоат этишни талаб этган. Унинг отаси Қора Муҳаммадни эса Темур илгаридан ҳаж ва савдо қарвонларига босқинчиликда айблаб келган ва ўзининг ашаддий душмани деб



билган. Қора Юсуф Туркман Темурнинг итоат борасидаги талабини рад этган. Бунинг устига, тўқнашувлардан бирида Авник қалъасига Темур томонидан ҳукмдор этиб тайинланган Аталмиш Қавчин исмли шахсни 1388 йилда асир олиб Қоҳирага – Мамлуклар султони ҳузурига юборган ва у ҳибсга олинган эди[56].

Ҳар икки ҳукмдор ўртасида зиддиятли кескинлашиш жараёнлари Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида анча батафсил ёритилган.

Унда келтирилишича, Соҳибқирон Амир Темур Боязидга қайта-қайта элчилар жўнатиб, ундан рақибларини мамлакатдан чиқариб юбориш ёки қатл этишини талаб этади. Навбатдаги элчилик орқали Амир Темур Боязидга «Қора Юсуф Туркмонким, мусулмонлар ичида кириб турур, ё улдуким ани ўлдуруб мусулмонларнинг хотирини андин жам этсун ё улким уни банд қилиб бизга йибарсун. Бу ишдин бирини қилса, орамизда дўстлуқ бўлғуси турур»[57], – дейди.

Бироқ, воқеалар анча чигаллашиб улгурган, бир сўз билан айтганда, икки султоннинг боши бир қозонда қайнай олмай қолганди. Манбаларда келтирилишича, Йилдирим Боязид Амир Темур томонидан Арзинжон ва унга қарашли вилоятларнинг ҳокими этиб тайинланган Тахуртан[58] ва унинг кишиларини ҳам асирда сақлар эди. Амир Темур элчилар орқали Боязидга яна бир имкон берди ва Тахуртаннинг кишилари билан бирга Боязиднинг ўғилларидан бирини гаров сифатида юборишни сўради. Шу тақдирда у омон-эсон ўз мамлакатада ҳукмронлик қилишини уқтирди[59]. Бу талаблар Йилдирим Боязид томонидан қондирилмади.

Аслида ҳар икки томон ҳам халқаро майдонда ўз манфаатлари учун курашаётган, юқорида келтирилган сабаблар эса ҳар икки томон ўзаро муносабатларининг ифодаси эди.

Табиийки, Осиё минтақасида таъсир кучини сақлаб турган Усмонлилар халқаро майдондаги янги рақобатдош кучнинг пайдо бўлишини истамас ва уни ҳар қандай йўл билан янчиб ташлашга интилар эди. Куч ва иқтисодий қудрат тимсоли бўлган Буюк ипак йўлини назорат қилиш мақсадлари ҳам Амир Темур ва Боязид ўртасида келиб чиққан низоларнинг сабабларидан бири бўлган.

Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасида элчилар воситасида ўзаро ёзишмалар бўлиб турган. Амир Темур Йилдирим Боязидга кўп марта сулҳга келилишини ва муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш учун таклифлар берган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ибн Арабшоҳнинг маълумотларига кўра, Боязид Йилдиримнинг Амир Темурга йўллаган қуйидаги хати ушбу урушнинг бошланишидаги асосий сабаб бўлган: «Тангри йўлида жиҳодчилармизки, қайсики улар маломатчининг маломатидан (сира)-сира кўркмайдилар. Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томонга) келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсанг-у, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин»... Қачонки Темур унинг бу изтиробли жавобидан воқиф бўлгач, «Ибн Усмон Мажнун ва аҳмоқ», деди. Темур унинг жавобидан хотинлар зикр қилинган жойини ўқиб хотима қилди. Чунки хотинларга тил теккизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар ҳамда бу нарсадан сақланишлар деб, доимо уқтирадилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, унда уни «пардалик бола» ёки «зийнат соҳиби» ёки «мастура» ёки шунга ўхшаш (иборат)лар билан атайдилар»[60].

Кундан-кунга кучайиб бораётган зиддият ва тортишувлар «аёллар шаъни» баҳонасида жанг бошланишига сабаб бўлди.

Анқара жанги бўлиб ўтганидан кейин Амир Темур ўзининг енгилган, турк оламининг энг зафарли подшосини ҳузурига келтириб, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйди. Маълумотларга кўра, у Йилдирим Боязидни бағрига босиб, икки турк ва мусулмон ҳукмдорининг қилган бу ишларидан пушаймон бўлганини билдирган ва уни биродарларча бағрига босиб кўзларига ёш олган ва ўртада бўлиб ўтган воқеаларни унутишга қарор қилди. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг «Эликини ечиб ҳурмат билан кийурсинлар» деган фармонига мувофиқ турк султонининг қўллари ечилиб, ҳурмат-иззат билан қарши олинади. Амир Темур унга қуйидаги гапларни айтди: «Ҳар нечаким, сенга насиҳат қилдук, эшитмадинг. Ва бу воқиға ўзингдан сенга келди. Ва менга ёмон сўзлар айтиб юбордингким, зарурат бўлуб сенга келдим. Йўқ эрса, сен мулозимат билан бизнинг била маош қилур эрдинг. Сенга мундоқ кун учрамас эрди. Ва мен мунчаким таҳаммул қилдимки, шояд сен инсоф йўлига киргайсан ва мусулмонларга ташвиш бўлмағай. Ва агар сен менинг сўзумга киб, яхши маош қилур эрдинг, мен сенга черик берур эрдимким, бариб ғазо қилур эрдинг. Ва черикдин бошқа нечаким сенга мол ва аслаҳа, от ва йароғ керак бўлса эрди, мен йибарур эр-



дим. Азмойиш учун сендин Камоҳ қалъасини тиладим ва дедимки, бир яхши кишингни йибаргил, то шарт ва аҳд қилғайбиз. Ҳеч қайси бида амал қилмадинг ва сендин муҳолифатдин ўзга иш зоҳир бўлмади. Бу жиҳатдин бу кунга учрадинг. Ва барча равшан турурким, агар қиссаким, сенга воқия бўлди, агар менга воқия бўлса эрди, сен менга ва черикимга нелар қилур эрдинг. Аммо бу жиҳатким, ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло менга нусрат берди. Сенга ва сенга тааллуқ кишиларга яхшиликдан ўзга иш қилмағумдир».

Бу гапларни Йилдирим Боязид тан олиб, хижолатлик билан Амир Темурга қуйидагиларни айтган: «Бале мен хато қилдимки, Соҳибқироннинг сўзини эшитмадим, бу жиҳатдин ҳаромни топдим. Агар Соҳибқирон афв қилиб гуноҳимни кечса, мен фарзандларим билан то тирик бўлсам хизматидин ўзга иш қилмағаймен». Бу гаплардан кейин Амир Темур Йилдирим Боязидга подшоҳона тўнлар кийдиради ва яхши сўзлар билан кўнглини кўтаради. Йилдирим Боязид Амир Темурга ўғиллари Мусо ва Мустафодан хавотир олаётганини, жанг майдонида улар ғойиб бўлганини айтиб Амир Темурдан ёрдам сўраган. Амир Темур товачиларга Йилдирим Боязиднинг ўғилларини топиш ҳақида буйруқ беради. Бир неча кундан кейин қидира-қидира Амир Темур ҳузурига Йилдирим Боязиднинг ўғли Мусони олиб келишади. Амир Темур уни эъвозлаб хос тўн кийгизади ва отаси қошига юборади.

Бу вақтда Йилдирим Боязиднинг ўғли Сулаймон тарафидан Амир Темур ҳузурига элчилар келди ва унинг ўз отасининг иззат-обрўсини жойига қўйгани учун миннатдорчилик билдирди ва ўзининг Амир Темурга бўйсунганини изҳор қилди. Бунга жавобан Амир Темур тақдир саҳифаларида битилган ишлар зоҳир бўлди, «Мен ўтмишни унутаман», деб айтди ва «Агар у фарзанд келса, отасидан ҳам азизроқ бўлади [61]», – деди.

Анқара жангидан кейин Амир Темурнинг амирларидан Шайх Нуриддин Бурсадан келтирилган кўплаб ўлжалар қаторида Боязид Йилдиримнинг аҳли аёллари ва қизларини ҳам келтирди. Амир Темур уларни Йилдирим Боязид ҳузурига юборди. Боязиднинг ҳарами орасида насроний аёл – серб маликаси гўзал Оливера ҳам бор эди[62].

Амир Темур Туркиянинг Тўнузулғ (ҳозирги Денизли) ва Олтинтош номли манзилларига кўчиб ўтган пайтида Йилдирим Боязид билан учрашди ва унга Рум мамлакатини инъом этди[63].



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Тез орада Истанбул, Мордин, Измир, Фуча ва бошқа қалъа ва шаҳарлар Амир Темур давлати тасарруфига кирди. Амир Темур Фучадалиги вақтида унга Боязид Йилдиримнинг ўғли Исо Чалабий номидан Қутбиддин исми элчи келади. У Исобекнинг отасига кўрсатган мурувватлари учун миннатдорчилик билдиради ва унинг Амир Темурга бўйсунуши ҳақидаги хабарни етказди.

Амир Темур Булақ мавзеида бўлиб турган пайтида унга бўйсунуш ҳақида Амир Темур томонидан аввал огоҳлантирилганига кўра, Йилдирим Боязиднинг ўғли Мусо Чалабий номидан ҳурматли ва катта обрўга эга бўлган Шайх Рамазон исми элчи келиб, у орқали ўзининг Амир Темурга бўйсунушини етказди.

Амир Темур элчини сийлади ва «Ҳар неким воқеъ бўлиб эрди, бўлди. Биз барчадин кечтук. Эмди керакким, ҳеч андиша қилмай бот келгайсан, то ародин шармандалиғ кетгай. Ва инояту шафқатимиздин баҳраманд бўлгайсен», – деган мазмунда хат йўллади.

Бу воқеаларни кузатиб, Амир Темур ўртада содир бўлган бундай фалокатлар, дилхираликларни «шармандалиқ» деб атаганини, ҳар иккисининг урушни тўхтатиш учун имкони бор бўлгани ҳолда бу уруш содир бўлганлигини англаб етиш мумкин.

Йилдирим Боязид ўртада бўлиб ўтган бу нохуш иш учун қаттиқ афсус ва азият чеккан. Низомиддин Шомийнинг айтишича, Амир Темур Рум мамлакати ишларидан фориғ бўлгач, Йилдирим Боязидни иззат ва ҳурмат билан ўз мақомига қайтармоқчи эди. Лекин Амир Темурнинг Йилдирим Боязидни тахтга қайта ўтказиш нияти амалга ошмайди ва эски касали бўлиб, енгилганига ҳам иззат-нафси инқироzi қўшилиб бу касали зўрайиб кетади ва вафот этади. У вафот этгандан сўнг Рум унинг ўғилларига қолдирилади.

Тадқиқотчи Н. Каримова Темурийлар ва Хитой алоқаларини хитой манбалари асосида ёритишга интилан. Муаллифнинг келтиришича, 1395 (айрим манбаларда 1387) йилда Мин ҳукмдори томонидан Темур саройига Фу Ан бошчилигидаги биринчи элчилар юборилган. Мин императори Чэн Цзу (1403–1425) Туркистондан элчиларнинг келишини фаоллаштирувчи сиёсат юритди ва «Ғарбий мамлакатлар ҳақида қисса» («Сиюй-чжуан») номи (1403) олий фармон чиқариши натижасида Хитой ва Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари ўз ривожининг юқори чўққисига етган[64].

Айниқса Шохрух Мирзо даврида халқаро дипломатик алоқалар ривожланган. Шохрух даврида Темурийлар давлатининг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари келган



пайтдан бошланади. Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих» асарида ва у орқали Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ус-саъдайн» китобида Хитойдан келган ва Темурийлар давлатидан юборилган элчилар ҳақида хабар берилади[65]. Шунингдек, Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси мавжуд бўлиб, унда элчилик жараёнлари муфассал баён этилган[66]. Ташқи муносабатларда Темурий ҳукмдорлар Амир Темур каби ўзаро тинчлик-тотувлик, яхши кўшничилик, савдо-сотикни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашга, демакки, тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқини кучайтиришга, халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилишга интиланлар.

Амир Темурнинг Европа ҳукмдорлари билан олиб борган муносабатлари ҳам халқаро муносабатларда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ушбу алоқалар Йилдирим Боязид билан Амир Темур ўртасида зиддиятли муносабатлар кескинлашаётган даврда ўрнатилган.

Бу пайтда Европа давлатлари Йилдирим Боязид хавфидан хавотирда бўлиб, бу хавфни бартараф этишнинг чорасини тополмаётган эдилар. Боязиднинг қутқуси эса шимол ва шимоли-ғарбга кундан-кунга кучайиб борган. Худди шу мураккаб сиёсий жараёнлар даврида Боязидга рақобатчи янги кучнинг пайдо бўлиши европаликлар учун катта имкон эди. Шунинг учун ҳам улар Амир Темурни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, унинг кучи билан Боязид хавфи бартараф этилишини истар эдилар.

Маълумотларга кўра, Амир Темур билан европалик ҳукмдорлар ўртасида ўнлаб элчиликлар бўлган. Бу ўринда гап иккита – Кастилия эчилиги ва Амир Темур томонидан жўнатилган роҳиб-архиепископ Иоанн (Жан) эчилиги ҳақида бормоқда.

Генуя ва Венеция сенатининг ҳисоб-китобларида ана шу элчиликларнинг келди-кетдиси ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Мазкур маълумотларда элчиларнинг келиши ва бунга қанча маблағ сарф қилингани қайд этилган, чунки бу ўринда гап фақат бухгалтерия ҳисоботи ҳақидагина бормоқда. Сир тутилган сиёсий мактублар бу ҳисоботларда акс этмаган[67].

1394 ва 1399 йилда Византия императорининг Константинополдаги муовини Амир Темур ҳузурига Франсуа исмли доминикан монахини икки марта элчи қилиб жўнатди. Унга Сандро (уни баъзи манбаларда Сарацинус деб ҳам атайдилар) ҳамроҳ бўлган. Сандро Генуя подестати билан яқин алоқада бўлган, чунки унинг қўлида Генуянинг ҳомийси бўлган Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби мавжуд эди. Франсуа ўзининг биринчи сафари чоғида, Амир Темур



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Боязидга уруш очгудай бўлса, Шарқий Ўрта Ер денгизи ёқасида жойлашган Европа давлатлари ёрдам берадилар, деган фикрни Амир Темурга етказди[68].

Франсуа ва Сандро Амир Темур ҳузурига иккинчи марта ташриф буюрганда агар у Йилдирим Боязидга уруш очадиган бўлса, одатда, Боязидга мўлжалланган хирож Амир Темурга берилиши ҳақидаги мажбуриятларни баён этган. Бинобарин, Франсуа воситасида европаликлар билан Амир Темур ўртасида дўстона мулоқотлар бошланган. 1400 йил мобайнида Венеция сенати Амир Темур ҳузурига ўзининг икки вакили – Андреа Жистиниани ва Матео Барбадиголарни жўнатди[69].

1401 йилда Амир Темурнинг элчиси Перага келган ва Пера генуяликларнинг Усмонлилар билан иттифоқдан ва ҳар қандай холислиқдан воз кечишини илтимос қилишган. Ушбу илтимос мамнунлик билан қабул қилинди ва элчиларга иккита от туҳфа этилди.

Перадаги ҳисоб дафтарида 1402 йилнинг 18 майидан 21 июнигача бўлган даврда Амир Темурнинг элчиси келиб-кетганлиги таъкидланган[70].

Тарихий маълумотлардан Анқара жангининг келиб чиқишида европалик элчилар Амир Темурни урушга ташвиқ этганликлари ҳақидаги баъзи маълумотларни келтириб ўтиш мумкин.

Воқеалар жараёнини кузатиб, Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган икки турк ва мусулмон подшоҳи ташқи таъсирлар туфайли урушгача етиб борганини англаш мумкин.

Л.Керен «Амир Темур ва Европа қироллари ўртасидаги муносабатлар кўп жиҳатлари билан кишини ҳайратга солади. Аслини олганда уларни кўп нарса ажратиб турарди: эътиқодлари, тиллари, бир-бирига душман халқлари, ораларидаги масофа ва, айниқса, манфаатларнинг турли-туманлиги»[71], – деб ёзади. Дини бир, урф-одатлари ўхшаш икки саркарданинг муҳолифатчилигини дунё халқлари ҳаяжон билан кузатди. Улар ўз ғаними Боязидни Амир Темур қўли билан янчиб ташланишини ва шу билан хавф бартараф бўлишини орзиқиб кутдилар. Л. Керен Амир Темур ташқи муносабатларига оид янги маълумотларни топиб илмий доирага киритди. Улардан бири шуки, «томонлар мактублар ва илтифотлар билан алмашдилар, Амир Темур Испанияга элчи йўллаб, Боязид ҳарамидан озод қилинган уч насроний гўзални қўшиб юборди (бу улуг амирнинг Кастилия қиролига туҳфаси эди)»[72].



Амир Темур «Насроний Испания (хукмдори Ҳенри III) билан бошқа Европа давлатларига қараганда анча муҳим дипломатик муносабатлар ўрнатди»[73]. Бунинг сабаби шуки, Усмонлилар насронийларга Никополь ёнида катта зарба бериб, бутун Европага катта хавф туғдираётган бир пайтда, насроний хукмдорлар учун икки йўл қолган эди: биринчидан, дипломатик алоқалар ўрнатиш, иккинчиси, бевосита тўқнашув. Кастилия қироли эса дипломатик муносабатларни танлади, Боязидга, Амир Темурга, Бобил, Фес ва Тунис хукмдорларига элчилар жўнатди[74].

Анқара жанги даврида бу ерга келиб қолган элчилар батамом бошқа вазифа билан ташриф буюрган бўлсалар ҳам, вазиятдан унумли фойдаланиб қолиб, Соҳибқиронни атайлаб қутлаш учун келганликларини билдиришади.

«Амир Темур уларни илтифот билан тинглади ва шундан кейинги кунлар давомида уларни бир неча маротаба қабул қилди. Испания тарихига оид манбаларда элчиларнинг Соҳибқирон хузурида бўлган даври ҳақида маълумотлар бор. Бу ёзувларда Амир Темур Кастилия элчиларига бағоят катта илтифот кўрсатган, уларнинг ҳар бир истагини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган мард хукмдор сифатида тавсифланади». Мазкур учрашувдан кейин, «Улуғ амир ҳам унга ўз элчисини йўллашга қарор қилади ва ал-Муҳаммад Кешийни совғасаломлар ва уч насроний гўзал билан Кастилияга юборади» [75], – деб ёзади Л.Керен.

Фурсатдан фойдаланиб, Гомес ва Ҳернан шахсан Амир Темур уларга шамшир совға қилишини илтимос қилишади. Уларнинг бу ниятлари бажо келтирилади. Гомес туркларнинг бирортаси билан яккама-якка жанг қилишга рухсат сўрайди ва бунга ижозат олади, жангда у ғолиб чиқади ва Амир Темурнинг таҳсинига сазовор бўлади.

Амир Темур «ўғли» Ҳернанга ушбу учрашувдан хотира сифатида ўз исм-шарифини қўшиб олишини таклиф қилади; шундай ҳам бўлади, зеро, юқорида тилга олинган солномада таъкидланишича, кейинчалик Ҳернаннинг Аревало яқинидаги Рапарнегос черкови ҳовлисидаги қабрига қуйидаги сўзлар битилган: «Бу ерда қирол Ҳенри III саройининг аёни ва унинг Амир Темур хузуридаги элчиси марҳаматли рицар Ҳернан Санчес до Паласуэлос Тамерлан дафн этилган».

Л.Керен Севилья шаҳрининг қадимий архивларида ҳам Амир Темур элчилиги хусусида ёзувлар сақланиб қолганлигини таъкидлаб ўтган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Бу элчиликка жавобан Соҳибқирон Амир Темур саройига (1404–1406 йилларда) Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо келган ва у таассуротларини «Кундаликлар»и асосида ёзиб қолдирган.

У даврда ҳам ҳукмдорларга халқаро ва дипломатия ҳуқуқини таъминловчи ишонч ёрлиқлари топширилган. Масалан, Амир Темур томонидан йўлланган доминикан ордени (мазҳаби) руҳонийси Султониянинг Жан исмли епископи Шарл VI га ишонч ёрлиқларини топширди, зарҳал ҳарфлар билан битилган ёрлиқнинг бирида Улуғ амирнинг «рости-русти» шиори битилган кичик шахсий муҳри босилган эди.

Соҳибқирон Амир Темур европалик қиролларга Шарқ ва Ғарб ўртасида манфаатли савдо-сотик алоқаларини ўрнатишни ва буни қонун ва битим-шартномалар йўли билан мустаҳкамлашни таклиф қилган.

Амир Темурнинг ташқи сиёсат йўналишида мудофаа, тинчлик, барқарорлик, яхши қўшничилик ва савдо-иқтисод алоқаларини ривожлантириш мақсадлари устувор бўлган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур ташқи сиёсатда Шохрух Мирзо ўз давлатининг, қолаверса, бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Бу сиёсат асосида минтақа бирлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш, давлатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, адолатни таъминлаш ва бошқа мақсадлар ётган.

Агар Амир Темурга бошқа давлатларнинг раҳбарлари атайлаб ғанимлиқ қилмаганларида ва уни уруш гирдобига тортмаганларида, унинг юришларининг қўлами бу даражада кенгаймаган бўлиши мумкин эди.

Унинг томонидан берилган имкониятлар рақиблари томонидан суиистеъмол қилинди. У ҳеч қачон тинч аҳоли устига бесабаб юришлар уюштирмаган. Амир Темур ўз даврида минтақадаги халқларнинг осуда яшашини, иқтисодий айирбошлашини таъминлаш ва уларнинг хавфсизлигини кафолатлашга интилган.

Амир Темур рақибларини ичдан қулатса-да, бутунлай йўқ қилиш йўлидан бормаган, унинг яна қайта тикланишига имкон берган.

У ташқи сиёсатида қони, ирқи, дини, мафқураси турли бўлган Шарқ ва Ғарб давлатлари билан тинчлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этган ягона макон ғоясининг тамал тошларини қўйган. Амир Темур ташқи сиёсат йўналишида адолат, ҳуқуқий мезонларга амал қилган ва бу фаолияти

билан ўз даврининг расмий анъаналаридан ўзиб, бу соҳани бемисл даражада ривожлантиришга эришган.

Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг дипломатик ва ташқи сиёсат тарихи, Темурийлар давлат бошқарувининг энг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлатчиликда муҳим роль ўйнаган. Юксак маънавият соҳиби, золимларни қирувчи, мазлумлар ҳимоячиси бўлган Амир Темур дипломатик амалиёти сабабли бутун инсоният учун мисли кўрилмаган хизматлар қилган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан чингизийлар даврида бузилган олам низомлари қайта тикланган ва мустақамланган. Шарқ ва Ғарб аҳолиси биринчи марта ягона маконда бирлашган, ўзаро савдо-иқтисодий ва дипломатик алоқалар йўлга қўйилган. Унинг минтақаларда ўрнатган тинчлик-осойишталик тарихини алоҳида ўрганиш бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Темурийлар орасида Шоҳрух Мирзо ҳам қўшни давлатлар билан муваффақиятли дипломатик ёзишмалар олиб бориб, уларда ушбу мақсадларни баён этган.

Шоҳрух ҳукмронлиги даврида Темурийлар салтанатининг халқаро миқёсдаги нуфузи ортди; давлатлар ўртасидаги элчилик муносабатларига Шоҳрух жуда катта эътибор берган. Унинг ҳузурига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Шом, Рум, Европа, Дашти Қипчоқ ҳукмдорларидан элчилар келгани ва Шоҳрух ҳам ўз элчиларини жўнатгани ҳақида темурийлар даври тарихий манбаларида маълумотлар қайд этилган ва иккита элчилик ҳақида мукамал кундалик ҳам ёзилган. 1419–1422 йиллар Хитойга бориб келган сафар хотиротлари, унда бевосита қатнашган Гиёсиддин Наққошнинг кундалиги ҳамда 1442–1444 йиллар Жанубий Ҳиндистонга бориб қайтган элчиларнинг сафар тафсилотлари, уни бошқарган Абдураззоқ Самарқандийнинг сафарномасида акс этган. Шоҳрухнинг элчилар воситасида йўллаган мактубларида савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро савдо-сотикни ривожлантириш алоҳида таъкидланган. Буюк ипак йўли орқали савдо ва элчилик карвонлари мунтазам қатнаб турган. Шоҳрух ўзининг халқаро сиёсатида давлатлараро тинч-тотув ва дўстона муносабатлар таъминланишини устувор йўналиш деб билган. 1443–1452 йилларда Шоҳрух Мирзо Каъба устига Миср қисваси билан бирга, Мовароуннаҳрда тайёрланган махсус каъбапўш ёпилиб туришига эришган.

Темурийлар ҳам наинки салтанат, балки ер юзининг ҳар еридаги инсонларнинг бахти-камоли учун хизмат қилганлар ва уларнинг фаолиятида умуминсоний қадриятлар, қонун устуворлиги, адолат тамойили устувор ҳисобланади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

3.2. Амир Темур дипломатияси Евроосиёда халқаро савдо ва иқтисодий ривожланишнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминловчи омил сифатида

Амир Темур дипломатияси Евроосиё ҳудудларида халқаро иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантиришдаги тинчлик ва барқарорликни таъминловчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этган. Амир Темур дипломатик хатти-ҳаракатлари билан Евроосиё минтақасида тартиб-интизом ўрнатган, ҳаж ва карвон йўлларини очган, барқарор вазиятни шакллантирган ва ана шу минтақа имкониятларини бир-бирига уйғун ҳолатда халқларини бирлаштирган.

«Темур тузуқлари»да «ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадим, улар турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлақату диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистонгами, қаерга боришмасин, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтирсинлар. Ўша мамлакатларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмуши ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар», дея ташқи сиёсатга, шу орқали хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга эътибор берилганини англаш мумкин.

Натижада, Амир Темур кўлидаги бор маълумотларига таяниб, ўзи дипломатик муносабат ўрнатадиган ҳудудларнинг пасту баландини, подшоҳининг феъл-атворини синчиклаб ўрганиб чиққан ва уларга монанд дипломатик муносабатлар саҳнасини ишлаб чиққан. Амир Темурнинг дипломатик назарияси амалиёт асосида шакллантирилганлиги сабабли ҳам бу даврни «милий дипломатия тарихидаги туб бурилишлар даври» деб ҳисоблаш мумкин.

Давлат чегараларини мустаҳкамлаш, ташқи кучлардан ҳимояланиш, қарийб 12 000 чақирим узунликдаги карвон йўлларининг асосий қисмларини турли қароқчилардан ҳимоялаш, аввало, иқтисодий мақсадларни амалга ошириш Амир Темур дипломатиясининг асосий ғояларидандир.

Амир Темур ўрта асрларнинг янги кишиси сифатида бажарган сиёсий миссияси орқали ўз даври имконият ва чегараларидан ўзиб кетиб бугунги глобал саҳналарни ҳис эта олди, халқаро муносабатларда ва дипломатияда янги анъана ва тизимларнинг шаклланишига сабабчи



бўлган. Амир Темур, ҳатто давлат бошқарувида турк, мўғул, арабий-форсий анъаналардан фойдаланиб, янги давлатчилик асосларини яратган ва ана шу унсурлардан фойдаланиб дипломатия мактабини бойитган. Унинг давлат бошқаруви ва дипломатиясидан кейинги юз йилликларда барча Шарқ давлатлари раҳбарлари андоза сифатида фойдаланган. У тарихда катализатор ролини бажарган, тарихий жараёнларнинг ривожига таъсир кўрсатган. Евроосиё минтақасида Амир Темур даврида товар-пул муносабатлари ривожланиб, ижтимоий меҳнат тақсимотида қишлоқ ва шаҳарнинг яқинлашиши содир бўлган. Илк бора давлат бюджети тизими шакллантирилган. Шунингдек, капитал жамғармалари ва айланмалари ҳам Амир Темур даврида пайдо бўла бошлаган, деб тахмин қилиш мумкин.

Унинг салтанатида наинки ўтроқ, кўчманчи, балки, турли этник бирликларни қўллаб-қувватловчи мультикультурал тизим яратилган. Амир Темур салтанатининг горизонти ва диапазони кенгайиб, Осиё ва Евроосиё ҳудудларининг катта қисмини ўз ичига олган салтанат бунёд этилган. Амир Темур салтанати Европа давлатлари билан ҳам интеграциялашиб борган. Европанинг кичик бир қисмининг – Константинополь ва бошқаларнинг Анқара жанги бошланишида ва ундан кейин Амир Темурга солиқ тўлаши, салтанатда Европа маданияти ҳам мавжуд бўлганидан, икки қитъа ҳукмдорлари ва аҳолиси бир-бири билан танишиш сари қадам қўйилганидан далолатдир. Соҳибқирон дунёни яхлит бирлик ва унда худонинг бандалари тенг яшаш ҳуқуқига эга деб тушунган.

Амир Темур ўз даврининг вакили сифатида давр таомилига кўра иш тутган бўлса ҳам, халқаро ва дипломатия ҳуқуқига муҳим ўзгаришлар кирита олган.

Ташқи муносабатларда халқаро-иқтисодий масалалар муҳим ҳисобланган. Чунки салтанатнинг қудратини халқаро савдо-сотик ва тадбиркорликни ривожлантириш билан кучайтириш мумкинлигини Амир Темур яхши билар эди. Шунга кўра, ўша давр удумларига мувофиқ тадбиркорларнинг қонуний ҳимояси, солиқ тизимлари такомиллаштирилган.

Ҳудудий кўламига кўра, Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар доираси ўзи ҳукмронлик қилган даврга қадар ўтган подшоҳлардан тарихий географиясининг кенглиги, уларнинг кенг қамровлиги, ҳуқуқий асослари, қонун устуворлиги, адолати, амалиётининг кучлилиги билан тубдан фарқ қилган. Ўша даврдаги ислом ва христиан дунёсида ўзаро қарама-қаршиликлар ва душманлик



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

кайфиятлари мавжуд бўлса ҳам, у «дунёни савдогарлар обод қилади» деган тушунчага амал қилган, христиан ҳамкорларини манфаатли алоқаларга даъват этган ва бу мақсадига эриша олган. У ушбу муносабатларни ва савдо-сотик ишларини ҳамма замонларда ҳам ибрат бўла олгудек даражада йўлга қўя олган. Амир Темур ўз давлатининг равнақи йўлида миллатлараро муносабатларда бағрикенгликни ҳам аввалги ўринга қўйган, албатта бу ишларни амалга оширмасдан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаб бўлмасди. Бунга сабаб, айнан халқаро муносабатлар орқали давлат равнақи билан бирга, мамлакатда содир бўлиши мумкин бўлган мол-товар танқислиги ва қашшоқликни камайтириш мумкин эди. Шу билан бирга, Амир Темур ўз туғи остида бирлашган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бой-бадавлат бўлишини истаган, уларни кенг миқёсли тадбиркорликка ундаган. Давлатда тадбиркорларга нисбатан имтиёзлар яратилган, агарда кимнингдир иш бошлашга маблағи бўлмаса давлат хазинасидан олтин ажратилиб, савдо-иқтисодий, хунармандчилик ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигига йўналтирган. Натижада, қишлоқ бойлари ҳам шаҳарларга бориб дўконлар қура бошлаган, халқаро савдо жараёнларига тортилиб, қарвонларини Буюк ипак йўлига жўната бошлаган. Амир Темур фикрига кўра, иқтисодий жиҳатдан бой одамлар давлат хазинасини тўлдиролди, хазинанинг тўлиши аскарий таъминотларга сабаб бўлади, бу эса давлат хавфсизлиги ва мудофааси учун муҳим масаладир. Амир Темур фуқаронинг тўқлигини давлат хавфсизлиги билан тенг кўрган, бу ҳамма замонлар учун ҳам муҳим амалиётлардандир. Унинг дипломатик алоқалари давлат ва жамият равнақи учун сафарбар этилганди. Бу омилар Амир Темур дипломатия ҳуқуқида ўша даврнинг энг илғор ва диний бағрикенглик сиёсати қўлланилганидан далолат беради.

Салтанатига қаршли бўлган ерларда номусулмон аҳоли зим-мийлар солиғини тўлар экан, улар ҳам мусулмонлар билан тенг давлат ҳимоясига олинган.

Ким бўлишидан қатъи назар, фуқароларни ташқи тажовузлардан, ички зулмдан ҳимоя қилиш, уларни асраб-авайлаш, ҳаёти ва мол-мулкларини ҳимоя қилиш мақсадида салтанатнинг ҳамма бурчакларида қонун устуворлиги ва уларнинг ижро назорати ўрнатилган.

Амир Темур давлатида бошқа дин ва давлат вакилларининг меҳнат ва даромад эркинлиги таъминланган. Шунингдек, улар мусулмон давлатларида савдо-сотик қилиш, турли касб-хунарлар ва тижорат



билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган. Хориждан келувчи сайёҳлардан солиқ олинмаган, уларнинг ҳаёти, моли, юриш-туришлари борасидамустаҳкам қоидалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бу қоидалар, аввало, Буюк ипак йўлини ривожлантириш мақсадлари билан боғлиқ эди.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан ҳамкор қиролларга ёзилган хатларида хориждан келган ва чет элларга кетаётган тадбиркор-савдогарларнинг соғлиғи, ҳаёти, мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш алоҳида таъкидланган, улардан бож солиғи олмаслик масаласини кўтарган. Амир Темур томонидан ҳамкорларига тинчлик-хотиржамлик, соғлиғи, мол-мулкига кафолат берилиши, солиқларнинг йўқлиги ўша давр учун катта воқелик эди ва у бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Айнан Амир Темур даврида шакллантирилган дипломатик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро майдонда салтанатнинг ўзига хос доктринага эга бўлишига сабаб бўлган.

У минтақалар учун катта имкониятлар эшигини очди, ўрта аср кишиларини дунёга кенг қараш, бағрикенг бўлиш, душманлик қилишга асос йўқлигини исботлаб, тарихда биринчи марта «ягона макон» тушунчаларини назарий жиҳатдан ва амалда исбот этган.

У ўзи яшаётган ва бошлаб берган даврнинг энг янги подшоҳи сифатида аввалги ривожланишга тўсқинлик қилган ҳамма бидъат ва қарашлар занжирини синдириб ташлаган, биринчи марта Ғарб ва Шарқ бир-бирини яқиндан таний бошлаган. У ўз даври имкониятларидан ўзиб кетган, юз йиллар олдинга қадам ташлай олган, бугунги кундаги глобал дунёни ҳис эта олган келажак подшоҳи эди.

Амир Темур воқеаларни ўз измига сола олиш фазилатига эга бўлган харизматик шахсдир. У адолат, инсоф, ҳаққонийлик, рақибига раҳм қилиш ва, умуман, инсонпарварликка асосланган ташқи сиёсат ва дипломатия мактабини яратган. Масалан, Миср элчиси билан узоқ муддатли таранг вазиятлар бўлгани ва рақибларининг қўпол хатоларига қарамасдан Амир Темур босиқлик билан уларни кечириб юборган ва натижада 20 дан ортиқ хат алмашишлар асосида алаоқибат Миср мамлуқлари давлати Амир Темур ҳокимиятини тан олган.

Манбалардаги маълумотлардан Амир Темурнинг мураккаб шароитларда ҳам сабр-тоқат билан масаланинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилгани, такаббур, ўзига қаттиқ ишонган ва бино қўйган душманлари билан юзага келган низо-келишмовчиликларни тўғри ҳал этиш учун йўл излаганининг гувоҳи бўлиш мумкин.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

У Тўхтамишхоннинг ишни пайсалга солишидан, Йилдирим Боязиднинг шошқалоқлигидан ва бошқа рақибларининг характеридаги камчиликлардан ҳам устомонлик билан фойдаланган.

Амир Темур Йилдирим Боязидга жангга киришдан аввал Анадолу бекликларига хат ёзиб, жангдан олдин уларни ўз томонига оғдириб олган. Унинг дипломатик устомонлиги урушлардаги ғалабаларни таъминлар эди.

Унинг дипломатияси маслаҳат ва машваратга асосланган, сўнги қарорлар Амир Темур томонидан қабул қилинган. Бошқа ҳукмдорлардан унинг дипломатияси ана шу жиҳатлари билан фарқланиб турган.

Амир Темур мўғуллар қолдирган харобалар ўрнида ўз давлатини барпо этар экан, албатта аввалги замонларда ҳаёт қайнаган Буюк ипак йўлини тиклаш ва ривожлантиришни асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаган. Азалдан карвон йўлининг марказий нуқтаси бўлган Қадимий Самарқандни ўзи қурган давлатнинг пойтахти сифатида танлаганида ҳам, аввало, савдо-сотикни ривожлантириш, шаҳарнинг илгариги мавқени тиклаш, кучайтиришни назарда тутганди.

У Шарқ ва Ғарбни боғловчи бу азим шаҳарни Буюк ипак йўлининг маркази, энг муҳим пункти сифатида кўришни истаб улуғвор иншоотлар, дабдабали саройлар, бозорлар, расталар қуришни, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини кучайтиришни мақсад қилиб қўйганди. Буюк ипак йўлининг шоҳбекати бўлган бу шаҳар ҳар тарафдан улуғвор кўринишга эга бўлиши, кўп сонли савдогарларни қабул қилиб кузата олиши, уларнинг ўз вақтида дам олиши, моллари ва жонлари омонда бўлиши, савдо-сотик қилишлари учун қулай шароитлар яратилиши лозим эди.

Буюк ипак йўлини ривожлантириш масаласи Амир Темурга осон бўлмаган. Унинг олдида мўғуллар даврида ўлик шаҳарларга айланган, Буюк ипак йўлига ҳаёт бахшида қилган шаҳарларни батамом қайта тиклаш вазифаси кўндаланг турган ва у бу ишларни бирин-кетин, режа асосида амалга ошира бошлаган.

Амир Темургача бўлган даврда феодаллар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, Мовароуннаҳрга бўлиб турган босқинлар туфайли Олтин Ўрдадан Шарқ мамлакатларига олиб бориладиган карвон йўллари инқирозга учраганди. Бошбошдоқликлар ва турли сиёсий таназзуллар сабаб баъзи қароқчи ва зўравон гуруҳлар бу йўللарни эгаллаб олган, қанчалаб карвонлар таланган, мулкидан айрилган ёки эгалари қатл этилганди.



III боб

Амир Темур даврида карвон ва ҳаж йўлларидаги қароқчи-талончилар «авбошлар» деб аталган.

Амир Темур Эгей ва Ўрта Ер денгизи соҳилларидан Хитой чегараларигача, Дашти Қипчоқдан Арабистон денгизигача бўлган ва Ўрта Ер денгизига қадар чўзилган оралиқдаги улкан салтанат барпо этиб, у, аввало, Буюк ипак йўлининг карвон сўқмоқларини ана шу босқинчилар хужумидан муҳофаза қилди.

Ғарбий Эрон, Ироқ, Сурия ва Шарқий Анатолияда босқинчилар, айниқса, кўп эди. Амир Темургача ана шу мамлакатлардан ўтадиган йўллар хавfli бўлгани учун нафақат савдо карвонлари қатнови, балки мусулмонлар учун ҳам фарз ҳисобланган ҳаж амалларини бажариш ҳам амримаҳол бўлиб қолган эди. Амир Темурнинг кўпгина юришлари карвон йўлларидаги қароқчиликни бартараф этиш мақсадида ҳам амалга оширилган.

Амир Темурнинг саркардаларидан бири амир Сайфиддинбек ҳажга оғир қийинчиликлар билан бориб келганидан кейин, ўз ҳукмдорига Эрон мамлакатада бўлган подшоҳларнинг аҳволларини билдирган ва арз қилган. Ўша пайтда мўғуллар босқинидан сўнг олам низоми бузилиб, аксарият ерларда шаҳар ва қалъаларни бошбошдоқ ҳокимлар бошқарардилар. Йўлларда қароқчилик ва зўравонликлар кўп бўлиб, бу ерлардан ўтувчи савдогарлар ва ҳожилар қийинчиликка учрар эдилар. Бу тартибсизликлар, албатта, ташқи-иқтисодий ва дипломатик алоқаларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатар эди. Амир Темур бу аҳволни таҳлил қилиб ўша давр саҳнасини жуда яхши кўра олган ва йўлларнинг тинчлигини, уларнинг ишчанлигини таъминлашни, қуриш ва қайта таъмирлаш, ягона коммуникация тизимларининг хавфсизлигини кучайтиришга киришган. Бу фикрни Шарафиддин Али Яздий ҳам қуйидагича ифода этган: «Ул маҳалда Эрон вилоятида ҳар бир мамлакатда бир жамоат бош чиқариб, подшоҳлик қилур эрдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Турон мамлакатини мусаххар қилғондин сўнг муборак хотирига тушдиким, Эрон вилоятини забт қилгай...

Малик Иззиддин Лури Кучек (Кичик Лур – Ғарбий Эрон)нинг ҳокими эрди ва мундин бурун Маҳозға борғон карвонни уруб, молини олиб эрди. Бу сўзларниким, ҳазрат Соҳибқирон эшитти, човук хотирида кечтиким, ул бадбахтлардин ҳажжожларнинг (ҳожиларнинг – Ш.Ў.) интиқомини тортқай... Хуррамободким, ул ўғриларнинг ўлтирур ери эрди, бузуддилар... туркманлар зулм ва фасод эликларини узатиб, мусулмонларға ташвиш берурлар ва Ҳижоз карвонига (Макка ва



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Мадинани ўз ичига олган худуд) мутаарриз бўлурлар ва ҳеч кишини ул йўлдин ўтгали қўймаслар [77]», – деган хабар келади.

Кичик Лурни шу пайтгача ҳеч бир ҳукмдор даф эта олмаганини Амир Темур бир неча марта эшитади ва шундай хулосага келади: «Уларнинг қилмишлари, мусофирлар, айниқса, Байтуллоҳга бораётган ҳожиларга нисбатан қилган номаъқулчиликлари ҳақида эшитганимга ҳам анча вақт бўлди. Раият Тангри таолонинг бизга топширган омонатидир. У биздан тонгла қиёматда сўрайди-ку! Қандай раво бўладики, мамлакат ўртасида шундай бир бузуқ жамоа бўлса ва биз уларни йўқотиш ва илдизидан қўпориб ташлашга қодир бўла туриб, бу бобда бепарволик қилсак! Шундай экан, вақти келганда уларнинг бузуқлигини даф қилиш, вилоят ва мамлакатни у бадкирдорлардан тозалаш бизнинг ҳимматимиз зиммасига вожиб ва лозимдир[78]».

«Дунёга мустаҳкамлиги ва ваҳшати, ўткинчи-кеткинчиларга ваҳима солиши билан машҳур бўлган, шу пайтгача бирор номдор подшоҳ забт эта олмаган машҳур Тикрит қалъаси Амир Темур томонидан нима сабабдан забт этилганди?» деган савол албатта кўпчиликда туғилиши табиий.

Айнан карвон йўлларидаги қароқчилик ва бебошликлари учун қалъа аҳли Амир Темурнинг ғазабига дучор бўлган. Амир Темур етти иқлимда тартиб-интизом ўрнатиш, мазлумларни ҳимоя остига олиш, ҳаж ва карвон йўлларининг осойишталигини, аҳолисининг мол-мулки ва саломатлигини таъминлаш, бунёдкорлик, халқни бойитиш бўйича кўрсатган сазй-ҳаракатлари билан бошқаларга ўрнак ва ибрат бўлган. Бу қоида-низомларни бузадиган тўдаларга жазо қаттиқ, аммо адолатли бўлган. Амир Темурнинг юришларини ноҳолис баҳоловчилар тарихий факт ва далилларга назар солишлари керак.

Бағдод шаҳри забт этилганда шаҳар аҳли ва мусофирлар Амир Темурга: «Бу яқинда бир қалъа турурким, ани Тикрит дерлар, асру берк ер турур. Ва бир жамоат ўғрилар анда йиғилиб, мусулмонларнинг йўлларини боғлаб турурлар ва ҳеч киши андин саломат ўта олмас. Ва доим Миср ва Шомдан келгон ва боргон карвонларга музоҳим бўлурлар ва неча йиллар турурким, алар ул ерни мақом қилиб турурлар ва ҳеч подшоҳ бориб ул қалъани олмайду. Бу жиҳатдин кўп мусулмонлар ташвишда турурлар[79]», деб арз қилиб келадилар.

Амир Темур: «Бизнинг ҳимматимиз ва мақсудимиз бу юрмоқдин бу турурким, бундоқ нималарни мусулмонларнинг бошидан кетарсак[80]», деб айтади ва Тикрит қалъасини забт этишга киришади.



Бағдод ва Ироқи Араб Амир Темур давлати таркибига ўтгандан кейин бу вилоятларни Амир Темур Оқ Қўюнли ва Қора Қўюнли туркманларнинг улуғларига бошқариш учун бераркан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган:

«Бу чоққача вилоят эгасиз эрди; ҳар кимнинг қўнгли не тилар эрди, қилур эрдилар. Эмди итоат аёғларини хизмат йўлига қўймак керак ва мусулмонларга мазоҳим бўлмамак керак; ва қарвонларга зарар-заҳмат бермамак керак, то худой бандалари йўлларда фароғат била бориб келгайлар. Бу тариқа била амал қилсангиз, наким хотирингиз тиласа, ўшандоқ бўлгуси турур. Йўқ эрса ҳар не кўрсангиз ўзунгуздан кўрунгуз турур[81]».

Амир Темур забт этган қалъа ва шаҳарларнинг 10 дан биригина рақибларининг айби билан талон-торож қилинган, омонлик сўраб, сулахга рози бўлганларга тинчлик ва хотиржамлик кафолати берилган. Уларнинг бошбошдоқлик қилиши, урушлари, қароқчи ва йўлтўсарлик қилишлари қатъий тўхтатилган, агар шундай ҳолатлар содир бўлса ўлим жазоси муқаррар бўлган. Ўрта асрлардаги мусулмонлар ва унинг қўл остида бўлган бошқа дин ва миллат вакили то Амир Темур тирик экан, унинг соясида тинч ва хотиржам, ҳеч кимдан зулм кўрмасдан яшаши кафолатга олинган.

Амир Темурнинг майдонга кириб келиши ўша даврнинг эҳтиёж ва талаби эди. Амир Темур юришлари ва ўрнатган тартиб-интизом туфайли илгариги қарвон йўллари қайта тикланган, ҳожиларнинг зиёратлари беҳавотир амалга оширилган. Давлатлар ўртасидаги алоқалар кенгайган, савдо-иқтисодий алоқалар туфайли турли миллат ва элатлар, давлатларнинг ҳар тарафлама тараққий этишига замин яратилган. Бу урушлар ортида ўрнатилган тартибот, адолат ва қонун устуворлиги фуқаро ҳуқуқининг олий қадрият даражасига кўтарилишига олиб келган. Буюк ипак йўлининг ёпилиб қолган қарвон сўқмоқлари Амир Темурнинг иқтисодии ва шарофати туфайли қайта тикланиши билан Мовароуннаҳрга турли мамлакатлардан беҳисоб сармоя ва мол оқиб кела бошлади. Шунингдек, ишбилармон савдогарлар ҳам четга мол-товар ва сармоялар кирита бошлагандилар. Бунда, биринчи навбатда, Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Ахсикент, Андижон ва бошқа шаҳарларидан чиққан савдогарлар фаол қатнашдилар. Айтиш мумкинки, бу жараёнлар орқасида бутун Евроосиё ҳудудларида иқтисодий силжишлар кузатилди, Шарқдаги аксарият фуқароларга тинчлик-хотиржамлик инъом этилди,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қонун устуворлиги ўрнатилди. Бу эса дипломатик муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўша даврда Мовароуннаҳр савдогарларини Хитой, Ҳиндистон, Қрим, Кичик Осиё ва Шимолий Африканинг пойтахт шаҳарлари портларида кўриш мумкин эди.

Буюк ипак йўли Амир Темур ташқи сиёсатида муҳим кўприк ролини бажарган. Айнан дипломатик муносабатлар ҳам ана шу йўл орқали олиб борилган. Амир Темур ва темурийлар даврида Буюк ипак йўли ўзининг юқори тараққиёт босқичига кўтарилган. У Ғарб ва Шарқ халқларини ҳар томонлама мулоқотга киришишлари ва савдо-сотик ишларини йўлга қўйилиши учун мўлжалланган ягона коммуникация тизими эди. Уларнинг тўқлиги, фаровонлиги, мол-товарга бўлган эҳтиёжларини қондириш ана шу йўлларнинг тинчлиги, хавфсизлигига чамбарчас боғлиқ эди. Амир Темур ўз даврида мана шу йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан барча соҳалардаги ривожланишларга катта йўл очиб берган. Шунини алоҳида таъкидламоқ-чимизки, ўша даврдаги савдогарлар ҳам айнаи вақтда халқ дипломатлари бўлиб, ўз касблари миссияси доирасида бошқа мамлакатларнинг аҳолиси билан эркин ва қизгин мулоқотга киришган. Уларни манфаатлар бирлаштирган, инсон сифатида ҳам ўзларининг тадбиркор ҳамкорлари қалбига йўл топа олганлар. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор савдогарлар бошқа юртдаги ҳамкасабалари билан ҳамкорлик ва манфаатлар тилида сўзлашишдан ташқари қалблар ўртасидаги кўприклар ҳам ўрнатилган.

Амир Темурнинг ички ва ташқи сиёсатидаги уйғунлик ва тадбиркорларга берилган катта эътибор туфайли «тузжорлар» деб ном олган ижтимоий гуруҳ пайдо бўлган. Улар ташқи савдо билан мунтазам шуғулланардилар. Мовароуннаҳрлик савдогарларни, ҳатто Европа худудларида ҳам кўриш мумкин эди.

Самарқандга дунёнинг барча тарафларидан савдогарлар келиб-кетган, бу ерда кўплаб дўкону бозорлар, хунармандлик устахоналари сон-саноксиз бўлиб, маҳаллий маҳсулотлар ҳам четга сотилган.

Амир Темур том маънода Буюк ипак йўлининг ҳимоячиси, қурувчиси ва карвонбошиси сифатида жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин тутди. Буюк ипак йўлининг ўша даврдаги халқаро савдо-иқтисодий, дипломатик, маданий алоқалардаги ягона қон томири вазифасини бажарганини инобатга олсак, унинг осойишталиги, ободлиги, хавфсизлигини таъминлаш ва кафолатлаш Амир Темурдан катта саъй-ҳаракат ва тадбирлар қўллаш талаб қилганини англашимиз мумкин.



III боб

Манбалардаги бу маълумотларни муқояса этиб, Буюк ипак йўлининг тикланиши, ҳимояси учун Амир Темур қаттиқ ҳаракат қилганини, ана шу йўл унинг давлатига сиёсий, иқтисодий, дипломатик, илмий, маънавий, маданий жиҳатдан куч-қувват бағишлаб тургани, бу йўлларни тиклашда, аввало, савдогарлар, ўткинчи-кеткинчи сайёҳлар, илм-фан намояндалари, элчилик миссияларининг ҳимояси, уларнинг моли ва ҳаёти қафолатини таъминлаш мақсадлари устувор бўлганини англаш мумкин.

Евроосиё минтақасида пул айланиш тизими, ягона ўлчов бирликларининг жорий этилиши савдо-иқтисодий мулоқотларнинг осонлашишига хизмат қилган. Савдогарлар йўлларда пул ташиш ўрнига саррофлик чекларидан фойдаланганлар ва улар истаган шаҳарларига борганда уларни нақд пулга алмаштириб олиш имконига эга бўлганлар.

Шунингдек, Буюк ипак йўли мамлакат учун туғилиши мумкин бўлган хавфларни ҳам келтириб чиқариши мумкин эди. Чунки аксарият юришлар ҳам мана шу йўллар орқали ташкиллаштирилган. Бир сўз билан айтганда, Буюк ипак йўли ўша даврнинг ҳаёт-мамонт масаласи бўлган. Соҳибқирон Амир Темур масаланинг бу тарафларига ҳам катта эътибор қаратган.

Ана шу мақсадда Буюк ипак йўлидаги хавфсизлик назорати кучайтирилган. Мамлакатга кириб келган ҳар бир сайёҳ, савдогар, дарвеш ва бошқа кишиларнинг мақсадлари аниқланган, уларнинг хатти-ҳаракатлари назардан қочирилмаган.

Улар, айтилиши вақтда, илм ва маданият тарқатувчилар, информация ташувчилар ҳам эдилар. Чунки қўлёзма китоблар, қоғоз олиб келишар, бошқа халқлардан эшитган ҳикоя, афсона ва ривоятларни ҳам сўзлаб берардилар. Шу билан бирга, Самарқандга келган ажнабий савдогарларнинг ҳам бошқа ҳукмдорларга маълумот ташигани эҳтимоли ҳам кучлидир. Ўз навбатида, маҳаллий савдогарлар узоқ юртларда бўлиб, жуғрофий тасаввурларни кенгайтлар, сафардан қайтиб келиб, ўз ишлари ва саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилиб берардиларки, уларни муншийлар ёзиб олишарди[82]. Амир Темур томонидан Европа ва Осиё давлатлари подшоҳлари, қиролларига ёзилган хатларида айнан мамлакатлараро хавфсизлик, иқтисодий тенг ҳамкорлик мақсадлари ошкор этилган.

Анқара жангидаги ғалабасидан кейин Амир Темур Ғарбда катта обрў-эътибор қозонган. Ҳатто унга атаб Францияда олтиндан ҳайкал ясалган, ўрта асрлар Уйғониш даврининг энг буюк рассомлари



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

унинг суратини чизишган, турли образларини яратишган. Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ сахна асарлари яратилган.

Султония шахрининг архиепископи Иоанн (Жан) Амир Темурнинг Европадаги ишончли элчиси сифатида дипломатик муносабатларда катта роль ўйнаган. Унинг элчилиги билан боғлиқ тафсилотлар ҳам Амир Темурнинг дипломатия тарихидаги ёрқин саҳифаларни ташкил этади.

1403 йил май ойининг бошида Парижда бўлган Иоанн (Жан) зарҳал ҳарфлар билан битилиб, Амир Темурнинг муҳри босилган мактубини Франция қироли Шарл VI га топширади. Мактубни топширган Султония архиепископи қирол саройида Шарл VI ва Франциянинг Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон ва Британия герцоглари ҳамда бошқа аъёнлар ҳузурида нутқ сўзлаб, ташрифининг икки сабабини айтади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасини маълум қилиш; иккинчиси — Амир Темур билан Шарл VI ўртасида доимий дипломатик алоқалар ўрнатиш. Жан Рим папаси Бонифатсий IX томонидан 1398 йил 23 августда Султония шахрининг архиепископи этиб тайинланган. Амир Темур томонидан юборилган хатга ёзилган жавоб мактубида Франция қироли қуйидагиларни алоҳида таъкидлаганди: «Олампадох, музаффар ҳукмдор Темурбекка салом ва тинчлик тилаймиз. ...Сиз зоти олийларига кўп христианларга кўрсатган марҳамат ва дўстлигингиз учун миннатдорчилик билдирамиз. Кези келганда, биз ҳам ўз навбатимизда Сизнинг одамларингизга бундан ортиқ марҳамат кўрсатишга тайёрмиз»[83].

Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган мактубида қуйидагилар таъкидланганди: «Худонинг инояти ила Англия ва Франция мамлакатлари қироли ҳамда Ирландия ҳукмдори ҳисобланган Ҳенрихдан тангрининг суюкли баъдаси, қадрдон дўстимиз, шавкатли ва улуғ ҳукмдор Темурбейга кўпдан-кўп саломлар бўлсин ва ҳаммамизнинг паноҳимиз Яратган унга тинчлик ато этсин[84]». Англия қироли ҳам ўз мактубида Амир Темур томонидан кўрсатилган илтифотга миннатдорчилик билдиради. Шарқнинг буюк ҳукмдори томонидан таклиф этилган манфаатли ҳамкорлик, савдо-сотикни ривожлантириш таклифи қирол томонидан қўллаб-қувватланади. Ўша даврда битилган қатор мактублар орқали биз Амир Темурнинг Европа давлатлари билан анча илиқ муносабатлар ўрнатганини англашимиз мумкин.

Амир Темур Фаранг қироли Шарл VI га йўллаган мактубида «Олам машғали, музаффар, буюк дўстимиз, оламга жуда зарур, катта урушлар ғолиби, олампадох Франция ва кўп бошқа юртлар қиролига



ўзимизнинг таъзим ва раҳматимизни йўллаймиз. Биз Сизнинг давлатингиз доимо гуллаб-яшнашини дўстона тилаб қоламиз[85]», – дея дил изҳорларини келтириб ўтган.

У Франция қироли Шарл VI ни: «Сизнинг номингиз узоқ юртларга кетганлиги ва бошқа қироллар орасида обрўйингиз баланд эканлигини, бутун Шарқ тақводорлари, оғамиз Иоанн (Жан) бизга сўзлаб берган эди», – дея улуғлайди. Мактубдаги бу сатрлар Соҳибқироннинг дипломатик усулидан далолат беради.

Амир Темур ушбу мактубда Европа қироллари ва ўзининг душмани Боязиднинг аҳдини бузгани туфайли унинг юртини забт этганлигини, бу хабарни роҳиб Иоанн (Жан) томонидан етказаётганини айтади. «Буюк шоҳлар ва дўстлар бир-бирларини катта воқеалардан хабардор қилиб туриши одат тусига кирганлиги боис биз роҳиб Иоанн (Жан)и Сизга бизнинг давлат ва биздаги вазият, биз томонларда Сизнинг душманингизга қарши қилинган ишлар, Сизларга бўлган дўстона муносабатимиз йўлидаги самараларимиз ҳақида ҳикоя қилиб берсин учун Сиз улуғ зотлари томон йўлладик»[86], – деб таъкидлаб, хат ва Иоанн (Жан) орқали ўз мақсадларини баён этади.

Амир Темур элчига катта ишонч билдириш учун уни ҳар икки давлатнинг элчиси деб ҳисоблайди ва «Мамлакатимиз ўртасида бордикелдини йўлга қўймоқ билан давлатларимизни зиёда қилишларини ва савдодан яхши фойда олишларини истаймиз. Дарҳақиқат, савдогарларингиз биз томонларда хавфсизлиги таъминланишини таъкидлаш жоиз» деб, савдогарларнинг тинч-осойишталигини кафолатлашни ўз зиммасига олади. Амир Темур даврида биринчи марта Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо алоқалари масаласи расмий ҳал этилиш таклифи давлатлараро кун тартибига қўйилган.

Иоанн (Жан) Франция қиролига Амир Темурнинг икки давлат савдогарларининг эркин савдо муносабатларини таъминлаш билан бирга, бу муносабатларни битимлар орқали мустаҳкамлаш таклифини айтиб ўтган.

Архиепископ Иоанн (Жан) ушбу муносабатларга шундай таъриф берган: «У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, хусусан, лотинларга, французларга бирор ёмонлик қилмайди; улар ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган. Айниқса, савдогарларга ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб барча насроний амалларни бажаришлари учун шароитлар яратган... ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади ва уларни, айниқса, фаранглар ва насороларни рағбатлантиради, салтанати худудида



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У кўп масканларда олинаниган жон ва туз солиқларини бекор қилди ва бу солиқлар фақат йирик шаҳарларда олинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиганларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қимматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қимматининг беш баробари миқдорида жарима тўлайди.

Иоанн (Жан) барча аҳоли масканларида унинг масъул кишилари бор ва у адолатга қатъий риоя этади ҳамда жинойт қилган ҳар қандай кимсага, кимлигидан қатъи назар, шафқат қилинмаслиги, кичик бир жинойти учун каттаю кичик амалдорларга шу заҳотиёқ жазо тайинланиши, жазо, асосан, жарима шаклида бўлиши, айбдорлар катта миқдорда жарима тўлашлари ҳақида ҳикоя қилар экан: «Унинг амалдорлари жуда бой ва тўқ яшайдилар, шу боисдан улардан катта пул ундирилади. Бу пуллар нақд юз хачирга юк бўлади ва улар ҳар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар ва ўлкалар ҳар йили даромадларининг ўндан бири ёки чорагини салтанат хазинасига топширадилар. Бу иш билан унинг газначилари ва нозирлари шуғулланади», – дея олиб борилган ишлар ҳақида маълумотлар бериб ўтган.

Амир Темур даврида савдо-хунармандчилик ривожланганини Ҳерман Вамбери ҳам тавсифлар экан, Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машхур пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Чунончи, Самарқандда барча дин ва миллат кишилари жам бўлгани, Самарқанднинг бутун Осиё савдосида мол омбори ўрнини олганини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий этиб, катта аҳамиятга молик эди ва ниҳоятда улўф миқдорга эришган эди. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўп атторлик ва бўёқ тижорати карвонлари келиб турарди. Хитой бу ерга ипак газламалар, чинни косалар, қадаҳлар, мушк, қимматбаҳо ақиқ тошлар юборарди. Мамлакатнинг шимол тарафидан ноёб пўстинлар келар эди. Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд бозорларида той-той бойланиб, Осиёнинг энг катта шаҳарларига ва Буюк йўл орқали Ғарбий Европага жўнатилар эди. Савдогарлар бир йўл билан Хоразм, Астробод, Нижний Новгород,



III боб

Москва йўли билан Генза кўлига борар эди. Иккинчи йўл Хирот — Қазвин — Табриз — Трабзун йўли билан генуяликларнинг, венецияликларнинг, пизаликларнинг савдо кемаларига тушиб Европага етарди. Ниҳоятда кўрқинчли, серуруш замонлар бўлишига қарамай, Темур ҳокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва сира хавфсиз эди».

Ўша даврдаги ҳеч бир жаҳонгир подшоҳнинг дипломатияси ва ташқи сиёсат географияси бу қадар катта ҳудудларни эгалламаган эди. Амир Темур дипломатик миссияси ўрта асрларда оламшумул воқеаларга айланган. Унинг таъсир доираси Тинч океанидан то Атлантика океанига қадар етиб борган. Амир Темур даврини таҳлил қилиб, унга «Халқаро ва ички бозор муносабатлари ривожланган давр» деб баҳо бериш мумкин. Унда мулкчиликнинг ўрта асрларга хос турли шакллари ва ҳар бир соҳадаги табақаланишлари юзага келган. Соҳибқирон халқаро ҳамкорлик масаласини кўтарар экан, минтақалараро тадбиркор-савдогарларининг ўзаро мулоқотга киришиши, бозорнинг талаб ва таклифларни ўрганиши, шунга монанд эркин савдо ва пул айланмаси юритилишининг тарафдори бўлган. У мана шу масалада Шарқ ва Ғарб дунёсида ташаббус кўрсатган буюк дипломат ва давлат арбобидир. Бутунги кунда унинг бу сиёсатини Ғарбда «қўл чўзиш сиёсати» деб баҳоламоқдалар. Амир Темурнинг Ғарбга эшик очиши ўша даврнинг оламшумул воқеаси эди.

Тарихдан маълумки, цивилизациялар катта салтанат ҳудудларида, иқтисодий ва минтақавий барқарорлик ҳукм сурган, узоқни кўра оладиган, халқ фаровонлиги йўлида жидду жаҳд кўрсатган, илм-фан ҳомийси бўлган давлат раҳбарлари даврида яратилган. Барча соҳаларга бирдек эътибор, ижтимоий адолат тамойили, тадбиркорликнинг ривожланишидан манфаатдорлик, умуман «обод турмуш» концепцияси Амир Темур сиёсатининг натижаси сифатида Темурий Ренессансга асос бўлиб хизмат қилган. 27 давлатни ўз ичига олган салтанатда ички ва ташқи савдо-сотик алмашинувлари мамлакат иқтисодини юксалтиришга муҳим ижобий таъсир кўрсатган. Ташқи савдо ички ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатган.

Амир Темур кўпгина шарқ ва ғарб давлатлари раҳбарларига битган мактубларида ҳам, аввало, халқаро савдо-сотик ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш лозимлиги ва давлат тараққиётига айнан хусусий тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Амир Темур Франция қироли Шарл VI га йўллаган мактубида «Сизнинг савдогарлари биз томонга келсинлар ва биз уларни иззат-икром билан кутиб олайлик ва бизларнинг савдогарларимиз Сизлар томонга бориб иззат-икромда бўлсинлар.

Токи ҳеч ким уларга зўрлик қилмасин ва ортиқча солиқ солмасин.

Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар[87]», – дея ҳамкорлик таклифларини киритганди. Европа қиролларига ёзган хатларида Амир Темур савдо-сотик муносабатларини ривожлантириш, ҳар икки қитъа халқларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш таклифини ўртага ташлаган. Ва, албатта, бу каби таклифлар Европа қироллари томонидан қизгин қўллаб-қувватланган. Хусусан, Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга ёзган жавоб мактубида қуйидаги сўзлар битилганди: «...сизга ўзаро алоқаларимиз доирасини тобора кенгайтириш, мамлакатимиз савдогарларининг бир-бирлари билан, қадим ота-боболаримиз даврида бўлганидек, борди-келдиларини тикламоқ ва бунга шарт-шароит яратмоқ ниятида эканимизни билдирмоқчимиз. ...илтифот билан сўрардикки, бундан буён бизнинг савдогарларимиз сизнинг ерларингизда хавф-хатарсиз, эмин-эркин юришлари учун шароит яратиб бергайсиз[88]».

Амир Темурнинг ички ва ташқи сиёсатидаги миллатлараро муносабатларнинг мувофиқлиги тараққиёт омилларидандир, зеро, унинг кўп миллатли ва турли диний конфессия салтанатидаги бу жиҳат ўша даврнинг энг аҳамиятли жиҳатларидан биридир.

Мироншоҳ Мирзонинг ҳам Европа қиролларига ёзган мактубларидан бирида қуйидагилар таъкидланган: «Савдогарларга келсак, истардикки, сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдогарлар сизларнинг юртларингизда хавф-хатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Ниҳоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор[89]».

Амир Темур ўзаро дипломатик алоқаларни ривожлантириш учун, аввало, Буюк ипак йўлининг тезкор, хавфсиз ва қулай тизимини тиклаши лозим эди. Амир Темур карвон йўлларининг ишдан чиққан йўналишларини тиклаш, у ерларда қурилишлар олиб бориш, хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш, у ерлардан ўтган ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва молини асраш, кафолатлаш, давлатнинг сиёсий, иқтисодий қудратини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, дипломатик ва маданий алоқаларни кучайтириш мақсадлари ушбу йўлга алоҳида эътибор беришни тақозо этган.



Амир Темур тадбиркорларнинг фаолиятларини кафолатлаш мақсадида Буюк ипак йўлининг иш фаолиятини маълум бир қонунқоидалар, унинг ҳимоясини кафолатловчи янгиликлар асосида шакллантирган.

Амир Темур унинг йўналишлари борасида ҳам катта ишларни амалга оширган. Бу даврда Буюк ипак йўлининг бекатлари-ёмлари таъмирланган ва баъзи ерларда янгилари бунёд этилган. Буюк ипак йўлида сервислар-хизмат кўрсатиш тизимларига алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темур ўрта асрларнинг ўзига хос меҳмонхоналари – карвонсаройлари ўша даврнинг барча талабларига жавоб берар, у ерларда меҳмонлар дам олиши учун зарур нарсалар муҳайё этилган, савдо ва улов учун жой, от, туя ва хачирлар учун озуқа, уларга қарайдиган хизматчилар шай турар эди.

Бу карвонларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан қўйилган ҳарбий кўриқчилар ҳимоя қилиб, савдогар, сайёҳ ва дипломатларни ушбу маъмурлар томонидан ташкил этилган қўшин тузилмалари бир манзилдан иккинчи манзилга етказиб қўйган. Ўз навбатида, бошқа манзилдан келувчи кишиларни ўзлари ҳамроҳлигида белгиланган манзилгача олиб келиб қўйишган[90]. Клавихо маълумотларига кўра, элчиларнинг от-уловлари ҳар куни янгисига алмаштириб турилган, бир кунлик масофанинг сўнгида баъзан 100 та, баъзан 200 та янги отлар йўловчилар учун тайёрлаб турилган[91]. Клавихо «Бундай отлар кимсасиз жойларда ҳам тайёрлаб қўйилган. Кимсасиз ерларда Амир Темур фармони билан махсус мусофирхоналар барпо этилган. Отларни боқиб парваришловчи махсус анчо (ёмчи) гуруҳи мавжуд бўлган»[92], дея эслатиб ўтган. Улардан бир-иккитаси, ҳатто карвонлар билан иккинчи манзилгача ҳамроҳ сифатида борган ва дам олиб, сафарга тайёрланган отлар ҳамда бошқа йўловчилар билан орқага қайтиб кетган[93].

Карвон йўлларининг одам яшайдиган ва яшамайдиган қисмларида ҳам махсус бекатлар бўлиб, уларда карвонсаройлар, алмаштириш учун отлар, отхона хизмати ва бошқа эҳтиёжларга жавоб берувчи тизимлар мукамал ишлаб чиқилган.

Йўловчиларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилган. Маъмурлар уларни шоҳона кутиб олган ва улуғ амир элчиларни Самарқандга тез етиб боришлари тайинланганини таъкидлаганлар. Клавихо йўлларга қўйилган махсус устунлар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. Устунлар карвон йўлларининг масофа ўлчови бўлиб, улар бир чақирим ерга ўрнатилган[94]. Буюк ипак йўлининг ҳар бир ери атрофлича



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ўрганилиб чиқилган, маълум масофаларга йўл ҳаракати ва кейинги манзилга қанча масофа қолганини аниқлаш учун махсус белгилар қўйилган. Улар ўша даврнинг йўл ҳаракати қоидалари сирасига кирувчи белгилар эди. Клавихо Амир Темур давлатида йўлларни тез босиб ўтиш усули жорий этилгани ҳақида хабар берган. Бир карвон уч кунда етиши мумкин бўлган масофани бир кунда босиб ўтиш усули жорий этилган. Бу асослар ўша даврда инфратузилмалар нечоғли тизимли ва мукамал бўлганидан дарак беради.

Амир Темур тезлаштирилган алоқа воситаси орқали ўз ерлари ва сарҳадларининг ҳамма бурчакларидан бир неча кун ичида хабар олиб турган. Бу омиллар ўша даврда ўзига хос информация, коммуникация ва почта тизими мавжуд бўлганлигига далолатдир[95]. Амир Темур давлатининг барча ҳудудларида қаттиқ интизомга бўйсундирилган аниқ ва тезкор йўл-алоқа хизмати жорий қилинган. Буюк ипак йўлида яратилган тизим бугунги почта хизматининг келиб чиқишига асос бўлиб хизмат қилган.

Соҳибқирон карвон йўларида кимда-ким зарар кўрса, бундай ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни шу ҳудудларнинг ҳоким ва бошқа маъмурларига юклаган. Зарарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қоидасининг жорий этилиши халқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлиб қолган. Буюк ипак йўлида шундай қонун устуворлиги ўрнатилганки, ҳаттоки бир болакай бошида бир лаган тилла билан якка ўзи кетаётган бўлса ҳам, унинг бирор мисқолига ҳеч ким тажовуз қила олмаган.

Буюк ипак йўлининг таъмирланиши, мўғуллар даврида шимолга кўчирилган катта йўналишларидан бирини эски ўзанига қайтариши давлатнинг илдам тараққиётига сабаб бўлган омиллардандир ва ўша хатти-ҳаракатлар ўлароқ, аввал мўғуллар даврида ривожланишдан тўхтаб қолган шаҳарлар яна турли давлатлардан келган савдогарлар билан гавжумлашган, бу шаҳарларнинг аҳолиси ҳам кундан-кунга кўпайиб борган. Қишлоқлардан етишиб чиққан бой феодал қатлам шаҳарларда дўконлар, карвонсаройлар қуриш, савдо-сотикни йўлга қўйишга киришиб кетганлар. Буюк ипак йўли миграция тўлқинини юзага келтирган ва дунёнинг энг кучли савдогар, ҳунарманд, сайёҳ, олим, табиб, қурувчилари ва бошқалар Самарқандга келтирилган ва улар ҳам Самарқанднинг карвон йўларидаги сарбонлик мақомини таъминлашда сезиларли роль ўйнаганлар.

Руи Гонсалес де Клавихо Буюк ипак йўлининг энг йирик шаҳарларидан Табриз шаҳри ҳақида анча муфассал маълумотлар бериб



ўтган. У «Шаҳарнинг энг ораста ва тор кўчаларида турли-туман нарсалар сотилади. Кўчаларда яхши қурилган дўконлар мавжуд. Кўча ва тор кўчалар оралиғида қасабаларга ўхшаган кўп эшикли бинолар бўлиб, бу бинолар ичида шинам дўконлар жойлашган. Бу кўчаларда сандал, тафта шоҳи ва ип газламалар, ипак ва марваридлар сотилади. Савдо растасида яна кўплаб ҳар хил нарсалар бор. Табриз шовқин-суронли, гавжум савдо шаҳри[96]», дея бу шаҳарнинг савдо маркази бўлгани ҳақидаги бошқа қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади.

Хусусан, Самарқанд шаҳри ҳақида ҳам у қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади. «Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан, шунингдек, бениҳоят бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади», – дея ёзган эди испан элчиси.

Клавихо 1404 йили июнь ойида Хонбалиқ шаҳридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо карвони Самарқандга келгани ҳақида эслаб ўтган.

Шу тариқа Самарқанд ва Буюк ипак йўлидаги бошқа шаҳарларга четдан ва мамлакат ичкарисидаги қишлоқ бойларидан катта миқдорда сармоялар кириб келган.

Амир Темури ва темурийлар даврида савдо-сотикнинг ривожланишида ҳунармандчилик муҳим ўрин тутган.

Амир Темури ўн икки тоифага ажратган ижтимоий қатламларнинг бири ҳунармандлардир. «Темури тузуклари»да: «буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафардаю турғунликда сипоҳимга керак яроқлар ҳамда бошқа жиҳозларни ҳозирладилар», дея уларга катта эътибор берганлигини таъкидлаб ўтган.

Амир Темури даврида Буюк ипак йўли бўйларида жойлашган шаҳарлар равнақ топган, гуллаб-яшнаган. Улар савдо-иқтисодий, маданий марказларга айланиб мамлакат ҳаётида катта роль ўйнаган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Шохрухия, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент каби шаҳарлар Амир Темури ва темурийларнинг муҳим шаҳарлари эди. Бу шаҳарларда жадаллик билан савдо-сотик ҳамда ҳунармандчилик ривожланиши билан ҳудудлари ва аҳоли сони кўпайиб борган. Бу шаҳарларда, Ғарб ва Шарқдан келган ишбилармон тadbиркорлар, савдогарлар билан бирга маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан бой тужжорлар, савдогарларни учратиш мумкин эди. Ҳунармандчилик равнақи туфайли шаҳар кенгайган, янги кўча ва



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

гузарлар пайдо бўлган, бозор расталари, тим ва тоқлар (усти гумбазли бозор) – чорсулар вужудга келган. Шаҳарларда заргарон (заргарлик), мискарон (мискарлик), сўзангарон (игнасозлик), совутсозон (совутсозлик), сангтарашон (тошгаровчи), шишагарон, чармгарон (кончилик), камонгарон, пичоқсозлик, эгарчилик каби хунармандчилик мавзелари мавжуд бўлган. Аксарият устахоналар бозорлар атрофида жойлашган эди.

Амир Темури фаолияти юришлар билан боғлиқ экан, албатта, қуролсоз хунарманд усталарга ҳам эҳтиёж катта бўлганлиги сир эмас. Испан қироли элчиси Кўксарой қасри ва ундаги подшоҳга тегишли қурол ишлаб чиқарувчи устахона ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: «Шаҳар четида бир қаср бўлиб... теварак-атрофи сув оқиб турган хандақ билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истехком бўлиб қолган эди. Қасрда подшоҳнинг хазинаси сақланар, шу сабаб қозию қуззот ва унинг мулозимларидан бошқа ҳеч ким [у ерга] киролмас эди. Бу ерга подшоҳнинг фармойишига биноан, бир мингта яқин хунарманд асирлар жойлаштирилганди. Улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар».

Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик (металл буюмлар яшаш), темирчилик ва бинокорлик ҳам раванқ топган соҳалардан эди. Шаҳар атрофидаги маҳалла ва гузарларда пиллакашлар, калавачилар, мато ва калаваларга бўёқ берувчи нилчи рангреллар, читга гул босувчи муҳракш ва читгарлар ҳам истиқомат қилишган.

Хунармандчиликнинг етакчи турларидан бири тўқимачилик эди. Бу даврда қимматбаҳо матолар тўқишга эътибор кучайди. Амир Темури ва темурийлар даври хунармандлари тўқиган матоларнинг қолдиқлари Самарқанддаги Гўри Амир, Шоҳизинда мақбараларидаги айрим машҳур шахсларнинг қабрларидан топишган. Аҳоли байрамларда қимматбаҳо бахмал матолардан кийим кияр эдилар. Самарқандда бахмалнинг қизил рангли алоҳида тури ишлаб чиқарилган. Қирмиз ҳашаротидан олинган рангга бўяб тайёрланган бу мато «бахмали қирмизи» номи билан машҳур эди. Қирмизи жуда қимматбаҳо бўёқ ҳисобланган. Иссиқ сув, сирка кислотаси, 150–175 та қанотсиз қирмиз ҳашаротидан бир грамм қирмизи бўёқ олинган. «Бобурнома»да таъкидланганидек, «Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибга элтарлар»[97]. Ушбу мато жаҳон бозорида харидоргир ҳисобланган ва халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаган.

Олий навли жун мато-сиқарлот ҳам қирмизи ранг билан бўялар эди. Ундан олий табақали кишилар устки кийим кийганлар.



III боб

Манбаларда таъкидланишича, Мирзо Улуғбек онаси Гавҳаршодбегим Самарқандга ташриф буюрганда қирмизи натифа тортиқ этган[98]. Кимхоб ҳам матолар ичида қадрланган. Кўрпа-тўшак, дастурхон тикиш учун қимматбаҳо катан матосидан фойдаланилган, бу мато, асосан, Мисрдан савдогарлар орқали келтирилган.

Тевтон ордени хужжатхонасидаги 1401 йилга оид манбадан аён бўлдики, ғоят гўзал, пишиқ ва қимматбаҳо «занданачи» Шарқий ва Ғарбий Европада ҳам машҳур бўлган. Улар ноёблиги сабабли қимматбаҳо ҳисобланиб, оддий аҳолининг олиб кийишга қурби етмасди. Асосан, улар бошқа мамлакатларга олиб бориб қиммат баҳоларга сотиларди.

Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғида тўқимачилик корхоналари мавжуд бўлиб, улар (тўқиб) чиқариладиган мато — бўзни «занданийчи», яъни «Зандана қишлоғидан чиқадиган» деб аталган. Улар ўта пишиқ ва сифатли бўлиб, той-той матолар ва тайёр маҳсулотлар савдо карвонларида Ғарб ва Шарқ давлатларига юборилган.

Амир Темур даврига келиб, бўз тўқишга ихтисослаштирилган тўқимачилик дастгоҳлари ҳам кўпгина ён-атроф қишлоқларда мавжуд бўлиб, Ироқ, Форс, Кермон, Ҳиндистон ва бошқалар каби ҳамма вилоятларга олиб борадилар. Барча улуғлар ва подшоҳлар ундан кийим киядилар ва ипакли кийимлик баҳосида сотиб оладилар. Ироқ ва бошқа юртлардан келган савдогарлар ҳам ушбу матолардан улгуржи олиб кетиб ўз юртларида катта нархларга сотганлари тарихдан маълум.

Самарқандда ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида юпқа мато – фўта ишлаб чиқилган ва харидоргир бўлган. У пахта, ипак ва жундан тайёрланган. Бу мато Ҳиндистон ва Мисрда ҳам машҳур бўлган. Тафта, олача ва бошқа матолар ҳам ишлаб чиқарилган.

Шаҳарларда ип, ипак, жун, зиғир ва каноп толасидан турли хилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар кўплаб тўқиб чиқарилган. Масалан, оқ, яшил, малла, зангори, бинафша ва сурранг ип калаваларидан карбос, яъни бўз, гулдор чит, оқ сурп каби турли хил газламалар тўқилган. Бу матолар нисбатан арзон бўлиб, ундан ички кийимлар, устки либосларнинг астарлари, кўрпа-тўшақлар тикилган. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси ҳамда даштлик чорвадорлар буткул карбосдан (пахта толасидан тўқилган мато) кийган. Мамлакат аҳолиси ўртасида гулдор чит ҳамда «Самарқанд ва Бухоро олачаси» каби газмоллар ҳам қадрланган. Ҳунармандчилик мазкур



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

худуд аҳолисининг қадимий касб-корлари ҳисобланиб, унинг ривожини учун қулай ижтимоий-иқтисодий шароит мавжуд бўлган.

Бу даврда хунармандчилик ва унинг деярли барча 500 дан ортиқ турлари ўзининг чўққисига эришганини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчимиз. Руи Гонсалес де Клавихонинг қайд этишича, «Катта тўй муносабати билан подшоҳ: «Самарқанд шаҳар савдо аҳли: саррофлар (пул майдаловчилар), читфурушлар, жавоҳир ва бошқа турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қассоблар, новвойлар, тикувчилар, кафшдозлар ва шаҳардаги бошқа хунармандлар подшоҳ ўрдаси жойлашган ялангликка чиқиб, чодир тикиб, савдо қилсинлар, ҳар бир касиб қароргоҳ бўйлаб кезиб, ўйин-кулги билан одамларнинг бахридилини очсинлар», деб буюрди».

Бу даврда Самарқанд йирик хунармандчилик марказига айланди. Дунёда энг яхши ҳисобланган атласлар, шойи матолар, ипак астарликлар пойтахт шаҳарда ишлаб чиқарилган. Маҳаллий хунармандлар тилларанг ва зангори бўёқлар тайёрлашда устаси фаранг бўлишган. Ўша даврда Самарқанд шаҳри қоғоз ишлаб чиқаришда донғи кетган бўлиб, Темур ва темурийлардан кейин ҳам бу соҳада ўз мавқеини сақлаб қолган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида «Оламда яхши қоғоз Самарқандда чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Кониғилдин келадур», деб таърифлаб, унинг қирмизи бахмаллари ҳам чет элга сотувга чиқарилаётганини таъкидлаган.

Шу билан бирга, Тошкентда сирли сопол, маъданан ясалган ноёб буюмлар, заргарлик безаклари, турли-туман матолар ва гиламлар ишлаб чиқарилган. Чуст пичоқлари, Марғилон атласлари, Риштон қулолчилик буюмлари, Шаҳрисабз кашталари, заргарлик маҳсулотлари, қулоллик ишлари, металлдан ясалган маҳсулотлар нафис ва бежирим нақшлари, ранги, безаклари билан ном таратиб, амалий-бадий санъат соҳасида ўз мактабига эга бўлган худуд сифатида ажралиб турган. Қарши мис буюмлари эса нафақат турларининг хилма-хиллиги, балки безаги билан ҳам ўзига хос бўлган. Қадимий хунармандчилик турларидан ҳисобланган зардўзлик санъати ҳам Қашқа воҳасининг бу икки шаҳрида юксак даражада ривожланган, улар умумий хусусиятлар билан бирга, кўпгина маҳаллий анъаналарни ўзида ифодалаган.

XV асрда безакли-бадий буюмлар хунармандчилиги юқори даражага етган. Бу ҳақда академик Иброҳим Мўминов шундай мулоҳаза юритади: «Унинг ривожланиши меъморчилик, рассомлик, наққошлик, маиший буюмлар ишлаш билан ўзаро боғланиш йўли орқали борди. Ҳар хил санъатларнинг бундай бир-бирига ўтиши ёғоч ва тошга ўйиб нақш



III боб

солишда ҳам, гилам тўқишда ҳам, қўлёзма китобларни безашда ҳам, металл ва сопол идишларнинг энг яхши намуналарида ҳам яққол намоён бўлади».

Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг хунармандларга бўлган эътибори ва муносабатини шундай баён этган: «Темур ҳар қандай хунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоят меҳр қўйган эди».

Амир Темурнинг хунармандларга бўлган ҳурмат-эҳтиромини Иоанн (Жан) ўзининг «Темурбей ёқтирадиган нарсалар хусусида» бўлган қисмида айтиб ўтган. Унга қўйидаги нарсалар ёқади: «буғдойранг, қирмизи ва алвон, оқ ва оч яшил, худди Ренс (Франциядаги шаҳар)да тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан безатилган идишлар, тоза Кипр камлоти (пишиқ жун газламаси), ғаройиб балиқ тишлари, Франциядаги каби курсилар, Франциядагидек қимматбаҳо гиламлар, хушбўй ва мазали зираворлар, дунёнинг турли бурчақларидан келтирилган зотли, бақувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар. Бироқ ундаги бу нарсаларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди».

Дарҳақиқат, ўз касбини пухта эгаллаган, қўлидан чиққан буюмлари киши диққатини жалб қила оладиган, ҳайрат уйғотадиган даражадаги моҳир хунармандларга Соҳибқироннинг ихлоси баланд бўлиб, улар билан суҳбатлашишни хуш кўрган. Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» асарида машҳур заргарлар ал-Ҳож Али Шерозий, ал-Ҳож Муҳаммад Шерозийни тилга олади. Сангтарош Олтунни «ўз хунарида бир мўъжиза бўлиб, қимматбаҳо тошларга нақш солар, яшмга, ақиққа Ёқут Ҳамавийнинг хатидан ҳам чиройлироқ хат билан ўйиб ёзарди», деб унинг истеъдодига юксак баҳо беради. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, шиша ва мисга нақш соладиганлар ҳисобсиз бўлиб, «уларнинг ҳар бири ўз асрининг алломаси ва ўз даврининг мўъжизакор кишилари эдилар». Мавлоно Аҳмад мискарликда донғи чиққан уста бўлган. Абдулхай ал-Бағдодий эса наққошликни санъат даражасига кўтариб, Амир Темурнинг ҳурматига сазовор бўлган.

Бу даврда хунармандчиликнинг асосини кундалик турмушда бевосита ишлатиладиган ва истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқарувчи корхона ёки дўкон каби устахоналар ташкил этарди. Мулкий ва ҳуқуқий жиҳатдан хунармандлар гарчи бир бутун ижтимоий табақага мансуб бўлсалар-да, ҳар ҳолда, уларнинг сафи шогирдлик таълимини ўтаган турли табақа фарзандлари ҳисобига тўлиб боради.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Хунармандлар табақаси жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаган. Хунармандларнинг тўқувчи, тикувчи, кандакор, новвой, темирчи каби ўнлаб турлари бўлиб, ишлаб чиқаришнинг асосий салмоғи улар ҳиссасига тўғри келар эди. Хунармандларнинг кичик бирлашмалари мавжуд бўлиб, бу бирлашмаларга оқсоқол усталар раҳбарлик қилган. Уларда ўзига хос устоз-шогирд муносабатлари яхши йўлга қўйилган эди.

Шубҳасиз, хунармандчиликнинг юксалиши кўп жиҳатдан ички ва ташқи савдонинг умумий ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Темур ва унинг ворислари мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг кенгайишига кўп аҳамият берганлар.

Албатта бу ўзгаришларнинг бошида давлат бошлиғи Амир Темур турган ва уларни ривожлантиришга йўналтирувчи ички ва ташқи сиёсат юритган.

Низомиддин Шомий фикрига кўра, «Унинг (Амир Темурнинг – Ш.Ў.) сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача, Боб ул-Авбобдан то Миср ва Рум худудигача бўлган ерлардан савдогарлар ипак матоли, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донасига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамга ҳам зиён етказмайди»[99].

У савдо-сотик ва тенг манфаатли алоқаларни Шарқ давлатлари ҳукмдорларига ҳам таклиф этиб ўз элчиларини йўллаган.

XV асрда Темурийлар давлати Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб боради. Чет эллардан турли-туман хунармандчилик маҳсулотлари ва хомашёлар келтирилади. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волгабўйи ва Сибирь билан мунтазам савдо-сотик қилинади. Хитойдан, асосан, ипак, шойи матолар, хусусан, атлас ва парчалар, чинни, лаъл, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан нафис оқ рангли ип матолар, нил бўёқлари, хушбўй зирavorлар (мускат ёнғоғи, қалампирмунчок, долчинанбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Русия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинар эди. Европа мамлакатларидан Самарқандга олиб келинган моллар орасида фаранг газмоллари, мовути, черкас пичоғи бўларди. Ишратхона мақбараси вақфида Миср фатони ва Хитой духобасидан тикилган чойшаблар, мисрий салла қайд этилган. Самарқанддан чет мамлакатларга, хусусан, Русия,



Татаристон ва Сибирга, асосан, арзон нархли ип матолар, духоба, шойи, қоғоз, қуруқ мева, гуруч, пахта ва калава иплар чиқарилган.

Кенг тармоқли Буюк ипак йўли Мовароуннаҳр шаҳарларини Ҳиндистон, Эрон, Волгабўйи, ҳозирги Афғонистон, Хитой, Туркия шаҳарлари билан боғлар эди. Амир Темур давлатнинг ривожидан савдонинг аҳамиятини жуда яхши тушунар эди. Шу нуқтаи назардан у сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилар эди.

Буюк ипак йўли Ўрта Осиё орқали ўтган ва бу савдо йўлининг аксарият қисми бепоён чўлу саҳроларга тўғри келарди. Ер ости сувларининг шўрлиги, қудуқларнинг кўмилиб кетиши ва қуриб қолиши туфайли йўловчиларни сув танқислиги муаммоси доимий қийнарди. Айниқса, жазирама ёз ойларида сувга эҳтиёж жуда катта бўларди. Бу ҳол кишиларни чўллардаги қор ва ёмғирнинг чучук сувларидан фойдаланишга мажбур этган. Сувдан самарали фойдаланишга интилиш сардобага ўхшаш иншоотларни барпо этишга ундаган. Сардобалардаги сувни ифлосланишдан сақлаш учун атрофи девор билан ўралган, сувнинг ерга сингишини камайтириш чоралари кўрилган, сув буғланишини камайтириш мақсадида бундай ҳовузларнинг усти ёпилган. Бунинг учун сардобанинг ҳовузи остига сувнинг сақланиши ва унинг сизот сувларидан тоза туриши учун ганч билан ишланган юмалоқ ғиштларни ишлатганлар.

Ғиштлар устидан саксовулдан тайёрланган кўмир қатлами тўшалиб, унинг устидан 3 қават туя жунидан тайёрланган кигиз, сўнг эса пардозланган 3 қават мол териси ёпилиб, унинг устидан ғишт терилган ва ганч билан сувалган. Бу ҳол бир неча бор такрорланган. Бунда саксовул сувни тузлардан тозалашда фильтр вазифасини бажарган бўлса, ганч, пишиқ ғишт ва мол териси сувнинг ерга ортиқча шимилиб кетишини ҳимоя қилган. Пишиқ ғиштларни теришда ҳам лойига қўй сути, туя жуни қўшилган. Сардоба деворларининг қалинлиги 1,5 метргача қилиб терилган. Хуллас, бу соҳадаги тажрибалар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб борган ва чўлларда чучук сув сақлашнинг энг қулай усули сифатида сардобалар вужудга келган. Бу сувлар ойлаб, ҳатто бир йилга қадар тоза ва шаффофлигини сақлаб тура олган[100].

Амир Темур замонида давлатларнинг туташ минтақаларида йирик божхоналар барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизига туташган ерида жойлашган. Дарбанд божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

жойлашган Шаҳрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу боғхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ўтказар эди[101].

Клавихо Амир Темур салтанати чегарасида иккита Темир дарвоза – кириш ва чиқиш эшиги бўлганлигини эслатиб ўтган: «Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқанд салтанатига кириладиган бошқа йўл бўлмаганлиги сабабли, мазкур тоғ йўли Самарқанд салтанати учун муҳофазавий нуқта ҳисобланади. Мабодо, Самарқанд аҳолиси Ҳиндистонга борадиган бўлса, улар учун ҳам шу йўлдан бошқа йўл йўқ эди. Темурбек тасарруфида бўлган Темир дарвоза унга катта фойда келтиради, чунки Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқандга ва, аксинча, ундан бошқа мамлакатларга йўл олган савдогарлар фақат шу Темир дарвозадан ўтадилар»[102]. У наинки катта фойда келтиради, балки мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим пункт вазифасини ўтайди.

Айрим йиллари бу даромадлар, ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди[103]. Буюк ипак йўли орқали Амир Темур нафақат мудофаа, тинчлик барқарорликни таъминлаган, яхши кўшничилик ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантирган, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган. Ҳали денгиз йўллари очилмаган даврда ягона алоқа воситаси бўлмиш Буюк ипак йўли халқаро майдонда катта аҳамият касб этган ва қайси давлат бу йўлда сарбонлик қилса, у катта иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган.

Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлига сарбонлик қилиш учун катта курашлар кетган ва унинг бизнинг давлатимиздан ўтган катта тармоғи, ҳатто шимолга кўчирилган (Турк хоқонлиги, мўғуллар даври). Амир Темур маъмурлари Буюк ипак йўли ва бошқа йўлларга қўйилган мингта чопкунчи, мингта туя ва мингта от минган хабаргирлар, йўлларга ва работларга тайинланган масъул кишилар орқали ҳам четдан кирган кишиларнинг мақсадларини аниқлаштирган. Самарқанд салтанатидан бошқа юртга бораётган киши, ҳатто шу атрофда яшаса-да, қаердан ва қаерга бораётганлиги қайд этилган ёрлиқ кўрсатмаса нариги соҳилга ўтказилмайди. Самарқанд салтанатига эса, ҳеч қандай ҳужжатсиз бемалол ўтиш мумкин, – деб маълумот беради Клавихо. Ҳатто Самарқанддан махсус ёрлиққа эга бўлган кишиларгина бошқа шаҳарларга бора олиши мумкин бўлган[104].

Ушбу маълумотлар Амир Темур салтанатида ўзига хос виза тизимига ўхшаш тизим ишлаб турганидан далолат беради. Бу ҳам, ўз навбатида,



мамлакат ичкарасида ва Буюк ипак йўлларидаги тинчликни таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Клавихонинг гувоҳлик беришича, салтанатга кирган кишилардан бундай ҳужжат талаб қилинмаган.

Буюк ипак йўли муҳим инновациялар, кашфиётлар ташувчи вазифасини бажарган. Бу йўл халқлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий, ташқи ва дипломатик, ижтимоий-маънавий ва маданий алоқаларда муҳим роль ўйнаган. Буюк ипак йўли – ҳаёт йўли, халқлар ўртасида ўрнатилган нажот кўприги эди. Унинг бутун Шарқ ва Ғарб дунёсида муҳим ўрни бор. Бу йўл 12 000 чақиримгача чўзилган ва Осиёни Европа билан боғлаган.

Буюк ипак йўлида савдо-сотик алоқалари ва уларнинг ҳуқуқий асослари кучайтирилиши билан бирга, ўз даврининг энг илғор инфра-тузилмалари яратилган. Бу айти пайтда ташқи хавфларни бартараф этишдаги муҳим восита, ҳарбий юришлар олиб бориладиган полигон, дипломатик корпусларнинг миссияларига катта имтиёзлар берувчи расмий йўл бўлиши билан бирга, ўз даврининг барча инновацион янгиликларини ташувчи, маданий алоқаларни кучайтирувчи интеграцион майдонга ҳам айланган. Бу йўл турли минтақа давлатлари ва халқларининг орзу-умиди эди.

Амир Темур бежизга бу йўлни мўғуллар куч билан шимолга кўчирган тармоқларини яна қайта бу ерга кўчирмагани. Буюк ипак йўли ўз даврининг стратегик устунни, унга сарбонлик қилиш сиёсий пешқадамлик белгиси, ҳар томонлама дунёга чиқиш йўли, тараққиёт калити эди.

Унинг Қора денгиз ва Каспий денгизи йўналишидаги халқаро карвон йўлини Турон заминига йўналтиришдек улкан стратегик режаси бўлиб, Олтин Ўрда ҳудудидан мўғуллар давридан XVI аср бошларигача Ғарбни Шарқ билан боғлаган савдо йўли ўтган эди. У манбаларда баъзан «Мўйна йўли» деб ҳам юритилади. Амир Темур даврида ушбу йўлнинг икки тармоғи фаолият кўрсатган. Бири, Рус жанубидан Қора ва Қулзум (Каспий) денгизлари бўйлаб, иккинчиси, Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё — Кавказорти, Эрон ва Самарқанд орқали ўтар эди. Кейинги йўлни эгаллаш ва иқтисодий жиҳатдан кучли Табризни қўлга киритиш Олтин Ўрда хонларининг ҳам орзуси эди. Бу йўлдан газмол, мовут, қурол-яроғ, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, чарм, мўйна, асал, асалари муми, туз, зираворлар, дон, ёғоч, балиқ, икра, зайтун ёғи каби товарлар олиб ўтилган. Ушбу карвон йўли Хоразм ерларидан ҳам ўтган бўлиб, Олтин Ўрда хонларига катта даромад келтирган. Яна бир карвон йўли Тана (Азов)



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

шаҳридан бошланиб, Сарой Боту, Дашти Қипчоқдан Олтойгача, сўнгра Қорақурум орқали Пекингача давом этган. Демак, бир сўз билан айтганда, мазкур бепоён ҳудудда ўша даврнинг улкан геополитик манфаатлари мужассам бўлган.

Хулоса сифатида шунни таъкидлаш лозимки, Амир Темур Буюк ипак йўлига алоҳида эътибор бериш, тиклаш, унинг хавфсизлигини, ишчан, тезкор ва самарадорлигини таъминлаш, адолат ва қонун устуворлигини ўрнатиш орқали Ғарб ва Шарқ давлатлари раҳбарлари билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйди ва ривожлантирди. Амир Темур давлати учун муҳим аҳамият касб этган бу йўл турли мамлакатлар ва элларни бирлаштирди, бутун Шарқ ва Ғарб дунёсидаги иқтисодий кўтарилишларни бошлаб берди, ўзаро мол айирбошлаш ва илмий-маданий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

3.3. Амир Темур салтанатида дипломатик протокол ва қабул маросимлари. Соҳибқирон дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари ва давлатнинг халқаро нуфузини оширишдаги роли

Бирор давлатнинг халқаро миқёсда олиб борилган дипломатик алоқаларининг қонун-қоидалар ва этикетларга нечоғли амал қилиши, ҳамкорларга ҳурмат-иззатда бўлиш, олий мартабали меҳмонлар учун олиймақом қабул маросимларини ташкиллаштириш, қабул маросимлари, ҳар бир хатти-ҳаракатлар учун қоидалар ва мезонлар ишлаб чиқиш, икки давлат ўртасида ҳукм сураётган танг вазиятларда ҳам рақибларини ҳурмат қилиши, муаммоли ва низоли масалаларни иложи бориचा тинчлик йўли билан ҳал этиш дипломатик протоколнинг асосий мазмунидир.

Юртимиз тарихидаги дипломатик протокол ва элчиларни қабул қилиш тантаналари тарихи бой ва қизиқ бўлиб, уларнинг асосий элементлари бугунги кун дипломатиясида ҳам сақланиб қолган ва ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шу жумладан, Амир Темур давридаги дипломатия амалиёти ўз давридаги бошқа ҳукмдорлар томонидан олиб борилган дипломатик муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Амир Темур дипломатия илмининг назарий ва амалий асосларини бойитган ва унинг томонидан ҳар бир давр ва давлат раҳбарлари учун катта аҳамиятга эга бўлган мактаб яратилган. Айниқса, Шарқда ўша даврнинг бошқа қитъа ва минтақаларидан ҳам илғор дипломатия санъати шаклланган. Амир



Темур даврида элчилик ишлари ўша даврнинг шарқона удумлари асосида олиб борилган ва унинг асосий фаолияти дипломатик алоқаларда намоён бўлар экан, албатта бошқа соҳалар қатори улар ҳам янги элементлар билан бойитиб борилган. Салтанатда Ғарб ва Шарқнинг кўплаб давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган, давлатни буюк салтанатга айлантириш жараёнида бир пайтнинг ўзида ўнлаб давлатлар билан халқаро алоқалар ривожланиб борган.

Қайси элчи салтанат сарҳадига кириб келар экан, йўлларда олий мартабали меҳмонни тантанали кутиб олиш, зиёфатлар бериш, кузатиб қўйишга алоҳида аҳамият берилган. Ҳар бир етган манзилларида элчиларга олиймақом хизмат қилган махсус амалдорлар улуг амир уларни интизорлик билан кутаётганлари, меҳмонларни тезлик билан жўнатиш тайинланганини эслатиб туришган. Амир Темур салтанатида элчиларни кузатиб боровчи махсус ёрлик-хужжатларга эга бўлган мулозимлар бўлиб, улар, ҳатто зарурият туғилганда, отлар чарчаган ҳолатларда буюк амирнинг ўғли ёки набирасини ҳам отдан тушириб элчиларнинг эҳтиёжи учун олган ҳолатлар ҳам учраб турган. Элчиларни камида 20 отлиқ қўриқчилар тантана билан бир манзилдан иккинчи манзилга кузатиб қўйганлар. Клавихо Миср элчиларини ҳам 20 та отлиқ қўриқчилар кузатиб бораётганлигини ўз кўзи билан кўрган.

Амир Темур салтанатида ўрта асрларнинг ўзига хос протокол тизими ишлаб чиқилган. Ўша даврда бошкент бўлмиш Самарқандга ёки Амир Темур юришлар қилаётган, қўшини қўнган ерларга доимо элчилар келиб-кетган.

Самарқандга келган испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо ўзларига кўрсатилган юксак эҳтиром, улар учун махсус кўнгилочар дастурлар яратилгани, вақтларини сермазмун ва самарали ўтказганлари, сайртомоша ва тантаналар, меҳмоннавозлик ташкил этилганлиги, ҳар бир майда жиҳатлар ҳам назардан қолмагани ҳақида ўша даврдаги олий даражадаги элчиларни қабул қилиш маросимларини ўз «Кундаликлари»да ёзиб қолдирган. Ўша пайтда Самарқанд ва унинг атрофида жуда гўзал иншоотлар, бир-биридан муҳташам боғ-роғлар, ижтимоий ва хусусий бинолар қад ростлаган эдики, сайёҳ ва элчи Самарқандни «ўрмон ичидаги шаҳар»га қиёслаганди. Тантаналар ана шу эртақнамо гўшаларда ўтказилган.

Соҳибқироннинг Самарқанд атрофларидаги хушманзара жойларда 12 та боғ қурдиргани тарихдан маълум. Ушбу истироҳат боғларида турли мамлакатлардан келтирилган серҳосил ва хуштаъм мевалар, манзарали дарахтлар, гуллар, буталар, охулар ва товуслар ва бошқа



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

мавжудотлар жамланган бўлиб, улар бир-бирига уланиб кетганди. Бу серхашам ва гўзал боғларда инсонлар маданий ҳордиқ чиқарган, оммага табиат билан уйғун яшаш, гўзалликдан баҳра олиш маскани бўлиб келган. Элчилар ҳам ана шу оммавий байрамлар ва тантаналар ўтказиладиган боғларда қабул қилинган. Баъзи боғлар айнан Амир Темурнинг дипломатик тантаналари учун мўлжаллаб қурилган эди. Клавихо бу боғларда одам кўп бўлишига қарамасдан нозик дид, озодалиқ, тартиб-интизом, ҳар бир кишининг ўз жойи ва ўрни аввалдан белгилаб қўйилгани ҳақида айтиб ўтган.

Амир Темур қўшинида ҳам шундай тартиб-интизом оммавий байрамлар ўтказиш анъаналари билан уйғунлашиб кетганди.

Амир Темур боғлари икки хил бўлган: чорбоғлар ва табиий боғлар. Чорбоғлар, асосан, тўртбурчак шаклда бўлиб, уларни тенг тўрт қисмга ажратиб турадиган ариқлар ўтказилган. Атрофидаги баланд деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда кўшк жойлашган.

Табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар ҳукмдор шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган. Уларнинг асосий қисми табиий ҳолда сақланган. Кичик бир қисмида дам олиш учун сарой, кўшк ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу табиий боғлар ўз давридаги қўриқхоналар бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бойлиги билан ажралиб турган[105]. Бу боғлар ўша даврнинг ботаника боғлари эди.

Клавихо «Шаҳар атрофида боғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, у ерга етиб келган киши гўёки ўртасида шаҳар жойлашган баланд дарахтлар ўсиб ётган бир ўрмонга яқинлашгандай бўлади, улар баъзи жойларда бир-икки лига (5–10 километр) масофагача ястанган» – дея ҳайрат билан ўз таассуротларини ёзиб қолдирган.

«Давлатобод боғи. Пахса девор билан ўралган, узунлиги бир лига (5572 метр). Унда турли мевали дарахтлар ўсарди. Олгита катта ҳовуз бор эди. Ўртада боғнинг бошидан охиригача шарқираб ариқ оқарди. Ҳовузлар орасида кенг хиёбонлар бўлиб, уларнинг икки томонида виқор билан қад кўтариб турган улкан дарахтлар соя солиб турарди. Мазкур хиёбонларда бутун боғ бўйлаб катта-кичик йўлкалар мавжуд ва уларда юриб боғда сайр қилса бўлади», деб қайд этади Клавихо.

Клавихонинг ёзишича, боғ ўртасида тупроқ тўкиб ҳосил қилинган ясси тепалик устида кўркам кўшк барпо этилган. Кўшк жойлашган тепалик айланасига сув тўлдирилган хандақ билан ўралган. Унга махсус ариқдан узлуксиз сув қуйилиб турган. Кўшк жойлашган тепаликка



III боб

ўтиш учун ҳандақ устида иккита кўприк барпо этилган. Кўприклардан дарвозаларга борилиб, сўнг зиналар орқали тепаликка чиқилган. Бу билан мазкур кўшк мустаҳкам ҳимояга олинган.

«Боғда охулар ва кўплаб товуслар сайр қиларди, уларни бу ерга сеньор (Темурбек) буйруғига кўра келтирганлар. Боғдан майдони (ана шу) боғ ҳудудига тенг келадиган узумзорга ўтилади, у ҳам пахса девор билан ўралган. Девор бўйлаб экилган дарахтлар баланд қад кўтарган, жуда кўркам», деб ёзади испан элчиси.

Руи Гонсалес де Клавихо Боғи Беҳишт «жуда катта боғ» экани, унинг «баланд ва ҳашаматли дарвозаси пишиқ гиштдан қурилган»и, «турли нақшлар, лазур ва зарҳал билан зийнатланган»ини ёзади: «Унда кўплаб мевали ва салқин соя берадиган дарахтлар ўсади, ёғоч тўсиқлар билан ажратилган, одамлар сайр қиладиган хиёбонлар ва йўлкалар бор. Боғда жуда кўп чодирлар қурилган ва ранг-баранг гиламлар ҳамда каштали ипак матолардан соябонлар ўрнатилган»[106].

Испан элчиси берган маълумотларга кўра, боғ ўртасида ҳашаматли, чиройли бино қад кўтарган, кўркам зийнатланган. Унинг саҳни ва деворларига кошин қопланган.

«Бинонинг ўзида учта айвон бор. Энг каттаси кираверишда жойлашган арксимон қилиб қурилган, унда олтин суви юритилган катта қумуш хонтахта бўлиб, унинг баландлиги одам бўйи, эни – уч тирсак (узунлигича) келади, унинг олдида – ўрин, (устига) кимхоб ва турли ипак матолардан тайёрланган зардўзи тўшамалар қават-қават қилиб солинган. Бу ерда сеньор (Темурбек) ўтирарди. Деворларга пушти рангдаги ипак пардалар илинган. Бу пардалар олтин қопланган зумрад марварид ва бошқа (қимматбаҳо) тошлар ўрнатилган қадама безаклар билан зийнатланган. (Устидан) эни бир қарич чамасидаги ипак матолар тепадан пастга осилган, худди пардалар мисоли безатилган. Мазкур матолар учда ранг-баранг ипак попуқлар осилиб турарди. Шабада эсанда улар ҳар томонга тебраниб турар ва жуда чиройли (манзара) ҳосил қиларди. Арксимон қилиб қурилган бу айвонга кираверишдаги найзасимон тиргақлар ҳам худди шундай зийнатланган эди...», деб ёзади Клавихо.

Унинг қайд этишича, бошқа айвонлар ўзгача зеб берилган пардалар билан безатилган. Бу уйнинг ўртасида, эшик олдида олтиндан ясалган тўрт оёқли иккита стол бўлган. Эътиборлиси, стол ва унинг оёқлари яхлит бир бутун қуйма ҳолда тайёрланган. Уларнинг устига етти олтин кўза қўйилган, иккитасининг ташқи томонига йирик марварид, зумрад ва феруза (тошлар) ўйиб ўрнатилган, ҳар бирининг жўмракчаси ёни ёқутдан ишланган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Яна бир муҳим жиҳати – бу боғлар тақрибий шакллантирилмай, пухта ўйланган, айнан Амир Темурнинг меъмору боғбонлар билан тузган тарх-режалари асосида яратилган.

Соҳибқирон боғларидаги ўсимликлар тури ва навларини танлашда бир-биридан кейин очиладиган мавсумий гуллар, манзарали ва мевали дарахтларни аралаш экишга катта аҳамият қаратилган. Яъни, бу сайилгоҳлар имкон қадар кўпроқ мавсум яшнаб, кўзларни қувнатиб турган. Шу боис, улар олис Европадан келган сайёҳларни лол қолдирган.

Амир Темур боғларида ёки бошқа меъморий иншоотларида ўша даврда илк марта ландшафт дизайни амалиётга кириб келган. Клавихо навбатма-навбат Амир Темур томонидан қурилган турли боғларда уюштирилган қабул маросимлари ҳақида мароқли ҳикоялар битиб қолдирган. Бу боғлардаги табобат ва набототнинг ўта зийраклик билан боғлангани, у ерлардаги бетакрор, замона подшоҳлари ҳам орзу қиладиган кўп қаватли саройлар, ҳар қаватдаги ва ҳовлидаги фаввораларнинг дид билан қурилгани, ҳовузлар, умуман, меъморий бадиий ечим ўта гўзал кўринишда амалга оширилган эди. Клавихо Самарқанддаги қабул маросимларининг тафсилотлари ҳақида батафсил ҳикоя қилган. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Самарқанд атрофидаги боғларга келиб ҳовузлар бўйидаги чодирларга жойлашган ва элчиларни қабул қилишлари учун вақт пойлаб турган.

Амир Темурнинг Европадаги элчиси Иоанн (Жан) ўз саҳифаларида қуйидагиларни келтириб ўтган: «Унинг бойликларининг сон-санови ва миқдорини ҳеч ким билмайди... Қимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадик, (мен бунга ишонаман) бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва қудратли бўлмасин, у қадар кўп бойлик тўплай олмаган. Яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топтириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган йили (1401 йил) у оғирлиги юз ўн етти се (се — тахминан бир мисқол) келадиган бир жавоҳир топганки, олти се бир унсияга тенгдир.

Сўнгра, Бағдод шаҳри олингач, у Евфрат (Фрот) дарёсига ғарқ бўлган бир кемани топди, кемага Форс подшоҳларининг барча бойликлари ортилган эди. Хазинадан соф ва нафис олтин дарахт чиқди, унда турфа рангли ва турфа хил қимматбаҳо тошлар, сон-саноксиз марваридлар бўлиб, бунчалик катта аҳамиятга ва қимматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Темурбей бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркандга жўнатди, у ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўлаки, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмайди».



III боб

Кониғилдаги олтин дарахт ҳақида Клавихо қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган. У чодир ичида кўрган катта бир олтин сандиқни қуйидагича тасвирлайди. Унинг ялпоқ қопқоғи яшил ва кўк миноэмалдан ишланган кичик куббалар, нақадар ноёб жавоҳир ва инжулар билан зийнатланган. Бу сандиқнинг қопқоғи эшикка ўхшаш, ичида бир неча қатор қадаҳлар терилган, дурлар ва жуда қимматли тошлар билан безатилган, олти дона олтин ёмби ҳам бор эди. Бу сандиқнинг ёнида баландлиги бир метрча келадиган олтин хонтахта бор, унинг атрофи жавоҳир билан безатилган, устида эса икки метр узунликда бир забаржад бўлиб, у бутун хонтахтани эгаллаган эди. Унинг рўпарасида эман шаклида ясалган бир олтин дарахт, унинг йўғонлиги инсон оёғи йўғонлигида, атрофга ёйилган шохлари яшил билан қопланган. Бу дарахт мевалари ўрнида жуда кўп қизил ёқут, забаржад, феруза, сапфир ва ажойиб йирик дурлар шохларга осилган, япроқлари турли рангдаги мино билан ишланган, бутоқларида олтин қушлар бор.

Амир Темурнинг чодирлардан иборат бўлган кўчма шаҳарини Ҳерман Вамбери шундай тавсифлаган: «Темур иқоматгоҳининг ҳақиқий зийнат ва ҳашаматини, шаҳарнинг шимоли-шарқ тарафида бир милча чўзилган Зарафшон ва ҳисобсиз ариқлар билан сугориладиган чўлда ўтказилган тун манзарасини тасвирлаш учун киши ўз кўзи билан кўриши зарур. Бундай чодиргоҳ (хиргоҳ) ўн-ўн беш мингдан иборат бўлиб, уларда сарой аҳли, вазиру вазаролардан ташқари аҳолининг турли табақалари ҳам жойлаша олурлар. Бу ерда шаҳарлик барча ҳунармандларнинг бутун намояндалари ҳозир бўлиб, энг молдор дўконлар очилар, ҳунармандлар ўзларининг устахоналарини қуришар, ҳаттоки, ҳаммомларга ўхшатмалар ясалар эди. Аввало подшоҳ саройи учун чодир қурилган. Чодиргоҳ очиқ соябон шаклида ясалган; сарой чодирлари, одатда, марказда ўрнатилган. Кейин бошқа чодирлар тикланган. Ҳар бир оила қаторини, ҳар бир вазир, ҳар бир туманғози ўзининг расмий унвонига тегишли чодирнинг ўрнини ҳамда қаерда туришини билган, ҳеч қандай ноаниқликка йўл қўйилмаган. Гўзал Кониғил чўли қисқа бир муддатда ўзининг чодирлари тепасидаги байроқчалари бепоён лолазорга ўхшаб, эл-улуси билан яшнаб турган ажойиб, катта гул боғчасига айланган эди. Чодирларнинг аксарияти доирасифат кигиздан иборат эди. У тарафда ҳозир ҳам шундай чодирлардан фойдаланадилар. Шу орада баъзи ўзига хос бўлган арабий, иброҳимий чодирлар, эроний аъло саропардалар (ҳижоби саройи) ҳам бор эди. Кастилиялик олийжаноб меҳмон шуларнинг биттасини кўриб ҳайрон қолган эди. Тўртбурчак шаклидаги бу чодирнинг эни юз кадам, баландлиги уч найза эди».



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Кўшк шаклидаги ўрта қисми кўк рангли ва одам танаси йўғонлигидаги ўн икки дона олтин устунда жойлашган. Чодир тепасида ярим карра шаклида ром бўлиб, устунларга тортилган ҳарир шоллар шамолда ҳилпираб, қабариб, ярим қавсни ташкил этарди. Бунга шуни илова қилиш керакки, кўшкнинг ҳар тарафида катта эшик бўлиб, унинг ҳар бири махсус кесакига беш юздан зиёд ҳарир иплар билан маҳкам боғланган. Кўшкнинг ташқари томонига қора, сариқ, оқ ранг берилган; у зардўзи чўғдек қизил гилам ва турли рангдаги ипак гуллар билан безатилган эди. Ён тарафларидаги ярим қабоқнинг ўртасида, тўрт бурчагида қора кушлар қанотларини очиб учмоқда. Тўрт бурчақдаги устунлар доира ва янги ой расмлари билан безатилган. Бешинчи — марказий устунга жуда катта ҳажмдаги шундай безаклар ишланган. Узоқдан саройга ўхшайдиган бу кўшк миноралар билан безатилиб, баланд деворлар билан иҳота қилинган.

Кониғилда хотин-қизлар учун ҳам алоҳида чодиргоҳлар тикланган бўлиб, улар «Минг бир кеча» эртақларини эслатарди.

Амир Темур салтанатида кекса аёл-эркаклар эъзозлангани ҳақида Иоанн (Жан) қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: Амир Темур «кекса эркак ва кекса аёлларга чуқур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга катта ҳадялар беради, унинг саройида ҳеч ким аёлларга, хусусан, энагаларга қарши бирор сўз айта олмайди».

Бу чодирлар сариқ рангда, олтин нақшлар ипак билан тикилган, ташқи томонига эса уқалар тутилган. Ҳаммасининг эшиги катта-катта, уларнинг барчасига от миниб кириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси деразали. Чодирнинг ҳавосини янгилаш учун бу деразалар ташқарига очилганда, ипак тизимча билан тортиб қўйиларди, унинг ҳарир пардалари қуёш нуруни тўсиб туради. Тўғри, энг аъло нарсалар, бу замондаги каби қутилардаги холлар ва эшиклардаги безаклар эди. Буларнинг аввалгилари ниҳоятда маҳорат билан ишланган кумуш ва олтин нақшлар билан зийнатланган, Темурнинг Бурсадан келтирилган бир дарвозасида ҳаворийлардан (апостоллардан) Пётр ва Полнинг расми бор эди. Кейингилари эса ноёб тошлар билан безатилган, оғир олтин ва кумуш симлардан иборат эди.

Испан элчиси дастлаб Самарқандга кириб келганда Гулбоғда қўним топадилар. Кўп ўтмай олий мартабали меҳмонларнинг қабул маросимларини ташкиллаштириш учун тайинланган махсус сарой мулозими уларга учрашиб, бироз кутиб туришларини, ҳозир Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон элчилари қабул қилинаётганини айтиб,

Испан ва Миср (Бобил) султони элчисини зериктирмаслик учун сайил уюштирилиб, базм-зиёфат беришни тайинлаганлигини маълум қилади[107].

Клавихо бу ерда ўша давр протокол удумига кўра элчиларни орадан бир неча кун ўтиб қабул қилиниши, элчилик қанча муҳим бўлса шунчалик кўпроқ вақт ўтиб қабул қилиниши ҳақида ўз «Қундаликлар»ида келтириб ўтган. Элчиларни қабул қилиш маросимларидан бири Боғи Дилкушода ўтказилган. Боғнинг тўртта дарвозаси марказида ҳашаматли сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Соҳибқирон олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб ишланган. Бу боғ ўрнида ҳозирги кунда Дилкушо қишлоғи жойлашган. Самарқанд атрофини ўраб, шаҳарга микроиқлим бериб турган Боғи Дилкушо ва бошқа боғлар турли меъморий-бадий ечими билан Шарқ дунёсининг энг гўзал масканларидан бири сифатида тан олинган. Клавихонинг дастлабки расмий учрашуви мана шу боғда ташкил этилган.

Сарой аҳли, лашкарлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, элчилар, савдогарлар, энг сара санъаткорлар, хунармандлар ва Самарқанд аҳолиси Кониғилда жам бўлишган. Ўртада шаҳаншоҳ учун бир қанча саропардалар, чодирлар қурилган, бошқалар ҳам мансаблари ва наслу насабларига қараб унинг атрофида ўрнашганлар.

Томошаларга мўлжалланган махсус майдонлар, айвонлар, кўшклар, базмларга аталган қирқ устунли олий ва ҳашаматли қурилма ва бошқа кўплаб махсус саропардалар ҳам бўлган.

Испания қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Кониғил ўланида чодирлардан қурилган кўчма шаҳарни ҳайратланиб тавсифлаган. Амир Темур элчиликка катта эътибор бергани унинг давридаги меъморий-бадий ечимлар, шарқона ҳашамат ва олиймақом ташкилотчиликда ҳам яққол кўзга ташланади. Айниқса Амир Темур даврида бунёд этилган жаннат боғлари, уларнинг атрофига жойлаштирилган мингларча бетакрор ва гўзал чодирлар, уларнинг тартиб-қоида ва юксак нафосат билан ташкил этилиши Амир Темур даври бунёдкорлик фаолиятининг ноёб намуналари эди. Испан элчиси бу чодирлардан бирининг сирти олмахон мўйнаси, ичкараси оқ мўйна билан безатилгани, яна бошқасининг сувсар мўйнаси билан қоплангани ва ичкаридагилар ойнадан ташқарини кўра олишлари, ташқаридагилар эса ичкаридагиларни кўролмаслиги, махсус мослама билан қурилган эшиклар хоналар ичига ёқимли елвизак бериб туриши, улардан ташқарига чикмай махсус матолардан қурилган йўлаклардан



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бошқа чодирларга ўтиши мумкинлигини алоҳида ҳайрат билан ҳикоя қилган[108].

Клавихо чодирларнинг ичига ҳам кириб, уларнинг тузилишларига тавсиф берган.

«Шулар жумласидан бир чодир бор эдики, – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, – унинг юқорию куйисига олтин билан зарҳал берилиб, ичию сирти нафис патлар билан безатилган эди. Чодирлардан яна бири батамом ҳарирдан тикилиб, турли-туман нақшлар, хилма-хил алвонли бўёқлар билан безалиб тўқилган, яна бошқа бирига бошидан-охиригача йирик марваридлар қадалганки, уларнинг ҳар бир донасининг қийматини барча асрорлар билимдони (Тангри)дан бошқа ҳеч ким билмайди; яна бири тилло бўлаклари устида турли-туман жавоҳирлар билан шундай безатилганки, у одамзод кўзини ўйнатиб, ақлини даҳшатга солади.

Уларнинг ораларида нақшли равоқлар, зарҳал берилган чодирлар даҳлизлари ва йўлаклари, кишини ҳайратга соладиган иншоотлар, ором олиш учун (канопадан ясалган) елпиғичлар, фойдали (нарсалар) ва заруратлар, очилиб қулфланадиган нарсалар бор эди»[109].

Юқоридаги маълумотлардан кўринадикки, элчиларни қабул қилиш тантаналари юксак дид ва санъат билан безатилган эртакнамо кўчма шаҳарда ўтказилган.

Қабул маросимидан аввал икки мулозим келиб, элчилардан подшоҳ учун олиб келган совғаларини уларга топширишларини сўради. Совғаларни элчилар махсус хизматчиларга топширганларидан кейин, уларни тартибга келтириб (чиройли кўринишда), сўнг подшоҳга тақдим этувчи кишиларга ҳавола этишларини айтдилар. Одатга мувофиқ, элчилар совғаларни топшириб бўлгач, қоидага бўйсуниб мулозимлар ортидан изма-из юрадилар. Клавихо қабул пайтида худди шундай қоида асосида Миср (Бобил) ва бошқа давлатларнинг элчилари ҳам совғани топшириб, уларга бириктирилган икки мулозим ортидан изма-из юриб кетаётганлигини кўрган.

Совғалар тартибга келтирилгандан кейин махсус кишилар элчиларнинг қўлларидан етаклаб бошлаб кетишган. Қабул маросими дабдабали ва олий мақомда ўтказилган. Элчилар олтин ва зангори кошинлар билан зеб берилган жуда катта ва баланд дарвозадан боққа киришган. Эшик олдида найзалар билан қуролланган посбонлар турган. Ичкарига кираверишда безатилган олтига фил ва уларнинг ҳар бирининг устида ўрнатилган махсус айвончаларда иккитадан байроқ бўлган. Клавихо махсус мулозим ортидан бораётганда ўз



III боб

совғаларини олиб кетаётган бояги мулозимларни кўргани, кейин элчилар шу кишилардан олдинга ўтказилгани, кутиб туришлари тайинлангани, бироз муддат ўтиб элчиларга юришга рухсат берганликларини айтиб ўтган. Икки мулозим элчиларнинг қўлларидан тутиб борган. Амир Темур томонидан Кастилия қиролига юборилган Муҳаммад Кеший ҳам элчилар билан бирга бораётганди. У испанча кийиниб олган бўлиб, ҳамюртлари жилмайган ҳолда унга қараб турардилар. Унинг испанча кийиниб олиши ўша даврда элчига нақадар ҳурмат-эҳтиром кўрсатилганини англатади. Клавихо боғлардаги ранг-баранг ипак чодирлар, ундаги олтин-қумуш жиҳозлару боғларнинг ўта дид ва фаросат билан жиҳозлангани ҳақида мароқ ила ҳикоя қилади.

Қабул маросимларида Амир Темурнинг қариндошлари – синглисининг ўғли, ўғил ва набиралари, сарой маликалари, сарой хизматчилари, вазирлар, амирлар ва ҳурматга сазовор бўлган бошқа кишилар ҳам иштирок этган. Шу ерда испан элчилари Амир Темурнинг жияни ва набираларига ҳам таъзим бажо келтирадилар. Амир Темурнинг уч нафар набираси испан қиролининг мактубини Амир Темурга тақдим этади. Клавихо қабул маросимини тавсифлар экан, «Назаримда, подшоҳ худди орқадаги ҳашаматли уй эшиги бўсағасида ўтиргандек туюлди менга. У шоҳсупа устида ўтирарди. Унинг олдида фаввора юқорига отилиб турар, фаввора ҳовузида қизил олмалар сузиб юрарди. Подшоҳ дўлаболишга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устида ўтирарди[110]», дея ўша ҳолатни тасвирлаган. Ўз одатига кўра, испан элчиси ўнг тиззаси билан тиз чўкиб қўлларини кўксига қўйиб таъзим бажо келтиришган, яқинлашиш жараёнида улар яна икки марта тиз чўкишган. Амир Темурнинг ишончли амирлари испан элчиларини Шоҳмалик Мирзо, Бурундук Мирзо, Шайх Нуриддин қўлларидан олиб подшоҳга қарата сафга тиз чўктириб қўйган. Амир Темур ўзига яқин келган элчиларга диққат билан тикилар экан, «Қирол ўғлимнинг аҳволи қандай? Унинг ишлари жойидами, соғ-саломатми?» – деб сўраган. Элчилар Амир Темурга қиролнинг мактуби, гап-сўзлари ва тилакларини етказганларидан сўнг, Амир Темур Тўхтамишхоннинг ўғли ва сарой аъёнларига қараб: «Мана, дунёнинг у бурчида яшовчи мавжуд, фаранги қироллар орасида энг пешқадами, менинг ўғлим Испания қироли юборган элчилар! Испан халқи ҳақиқатан буюк халқ. Мен ўғлим қиролни шарафлайман, қирол сизларни ҳеч бир совғасиз, фақат мактуб билан юборганида ҳам, мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлиғини билиб, совға олгандай хурсанд бўлар эдим», дея фахр-ифтихор



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

билан сўзлаган. Бу илиқ гаплардан Амир Темурнинг Испан қиролига бўлган муносабатини, Амир Темур салтанати ва Кастилия қиролиги ўртасида қизгин дипломатик алоқалар ўрнатилганини англаш мумкин. Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга келиши ўша давр учун фавқулодда ҳолат бўлиб, у сулҳ талабида эмас, айнан дўстлик ва ҳамкорлик мақсадларида Амир Темур элчилигига жавобан Самарқандга ташриф буюрганди.

Удумга асосан, давлатлар ўртасида ўрнатилган алоқаларнинг яхши-ёмонлигига қараб элчилар юқорига ёки куйига ўтқазилган. Ўша маросимда Клавихо Амир Темурдан Хитой императори томонидан бож талаб қилиб келган Хитой элчисини пастга туширишни, испан элчиларини тўрға ўтказишни ва бу қоида доимо шундай ҳолатда ушлаб турилишини талаб қилганлиги ҳақида айтиб ўтган.

Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Клавихо ва бошқаларнинг ёзишларича, «2 ой давом этган Конирил тантаналарида Миср, Афранж, Ҳинд, Дашти Қипчоқ, Жета, Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар ҳам ҳозир бўлганлар».

Қабул маросимлари тўй-базмларга уланиб, ўзига хос ғалаба ва шодлик байрамини ифода этар эди. Бу тантаналарда турли миллат ва элатларнинг мусиқа ва куйлари янграб турган, турли касб-ҳунар эгалари Конирилга тикилган чодир шаҳарда ўз санъатини ошкор этган.

Тантаналарда мақом куйлари чалинган, турли миллат ва ҳудудларга мансуб кўшиқлар айтилган. Бу куй-кўшиқларга раққос ва раққосалар хиром этган, масхарабоз ва муқаллидлар кулдирган, байрамларда катта майдон ва маъракаларга яраша томошалар кўрсатилган.

Амир Темур ва темурийлар давридаги тантана ва маросимларни кузатиб, муболағасиз, нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ элларининг мусиқа санъати жадал равнақ топган, камолот чўққисига эришган, чинакам Уйғониш даври бўлган дейиш мумкин.

Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида хонанда ва созандалар расмий – дипломатик, ҳарбий ва бошқа тантаналарнинг доимий қатнашчиларига айланган. Халқ томошалари, оммавий байрамлар уларсиз ўтмас эди. Бу эса, ўз навбатида, мусиқанинг бошқа санъатлар қаторидан муҳим ўрин эгаллашини таъминлади[111].

Манбаларда келтирилишича, ўзбек халқ мусиқаси қатори ҳарбий – расмий мусиқа турлари, мумтоз мақом санъати, минтақанинг бошқа туркий ҳамда арабзабон, форсийзабон халқларининг мусиқавий фольклори ривож топди. Энг муҳими, мусиқий анжомлар жасорат



III боб

ва мардлик тимсолларига айланди. Амир Темур даврида «Шашмақом», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Панжгоҳ», «Ройи Ироқ», «Бузруг» шаклланган.

Майдон томошалари орасида от билан бажариладиган пойга, улоқ чопиш (Кўпқари), отдан ағдариш, чавгон, қабоқ ўйин кабилар, ҳаққоний куч синови ҳисобланмиш кураш, қилич, найза, гурзи ва бошқа жанговар қурол ва аслаҳалар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек, кўчқор, хўроз уриштириш каби қадимий ўйин ва мусобақалар етакчилик қилган.

Томошабинлар ўта фаол бўлишган: ҳар гуруҳ, жамоа ёки уруғ майдонда куч ёки бўлмаса моҳирлигини, маҳоратлилигини, синаётган вакилини (ёки ўргатилган оти, хўроз ёхуд кўчқорини) қувватлаб, тарафини олиб, руҳлантириб турган. Бутун ўйин ёки томоша жараёнини у билан бирга кечирган, ютуғидан қувонган, мағлубиятидан ачинган. Иштирокчи ва томошабинлар жуда танти бўлишган, ғолибларни тан олиб, тетик руҳ, янги йиғинларга умид бағишлашган ва шу тариқа майдонни тарк этишган[112].

Ибн Арабшоҳ ушбу тантаналар халқ байрамига айланиб кетгани ҳақида муфассал маълумотларни келтириб ўтган. «Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарига боғлиқ нарасада жидду жаҳд кўрсатди, ҳар бир санъат аҳли ўз санъатига мансуб нарасада имконидан ҳам ошириб ҳунарини кўрсатдики, ҳатто бир бўйрачи (қамишдан) мукамал қурол-яроғли бир отлични ясаб чиқарди ва унинг суратини камолига етказиб, ҳатто тирноқларию киприкларини, ёй, қилич ва бошқа тааллуқли нарсаларнинг (ҳаммасини) дақиқ усулида камолига етказиб ясади... Пахта тигувчилар пахтадан тиклиги ярашган, баланд, пишиқ ишланган, гўзал суратли нафис ва чиройли мезана ясадилар... Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этиқдўзлар, ёй ясовчилар ва бошқа тоифалар ҳунармандлари, мусиқа, ҳазил-мутойиба ва латифалар соҳиблари ҳам ўз ҳунару санъатларини намоён қилдилар...

Халқ ушбу оммавий байрам ва тантаналарда «(гўё) бекиниб ётган кийиклар эди-ю, (энди) улар бемалол уяларида керилиб ётган шерларга айланди. Улар ўйин-қулги жаннатига тушдилар. (Улардаги) мавжуд ғализлик ва дағаллик латофат ва зарофат билан алмашди.

Агар шу ерда бўлсанг эди, фақат чалинаётган уд созини..., сузилиб узатилаётган қадаҳни, қуйлаётган ашулачини, соқийлик қилаётган жорияни, юриб шароб тутаётган соқияни, хушбўй гул юзлини, гул юзли маъшукани..., киши ғанимат биладиган маишат фурсатларини ёки ҳоли



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ҳақида нашида этиб, тараннум қилаётган лисонни кўрардинг», – дея таъриф берганди Ибн Арабшоҳ.

Конибилда бошқа тадбирларда бўлгани каби, театр томошалари ҳам қўйилган.

Қассоблар билан мўйнадўзлар тайёрлаган мезаналарда ниқобдорлар театрининг бутун бир томошалари намойиш қилинган. Али Яздий бу тўғрида ўзининг «Зафарнома» китобида шундай ҳикоя қилади:

*Сўнгра қассоблар касбига мос
Кўрсатдилар кўп камёб томошалар.
Одам қўйга айланган, қаранг,
Пўстакни ёпиниб санъаткорона.
Олтин шохли, сўзловчи эчкилар
Бир-бирининг изидан борар.
Тошидан эчкидай, лекин пўстин ичида
Киши қалбин, ақлин ўртовчи паризодлардир.
Парилар баъзида сеҳр-жоду ила
Ташқи қиёфасин ўзгартириб турар.
Мана яна гоҳ филларга, гоҳ қўйларга айланиб,
Янги сурагларга кирмиш паризодлар[113].*

Бу ўринда сўз қассоблар касабасининг ғилоф ва ниқоблардан фойдаланиб, уй ҳайвонларидан қўй ва эчкилар, қўлга ўргатилган филлар қиёфаларига киргани, шу қиёфаларда муайян томоша кўрсатгани ҳақида боради. Бунда одат тусида бўлган тарихий бир афсона акс эттирилган. Тахминимизча, бу Рустам тимсолига айланган Қуёш маъбуди Митра билан боғлиқ афсонадир. Фил, қўй, айниқса, олтин шохли эчкиларнинг тимсоллари шунга ишора. Шубҳасиз, бунда қассоблар касабаси номидан малакали ўйинчилар қатнашган. Али Яздийнинг ижрочиларни киши қалби ва ақлини ўғирловчи париларга ўхшатиши шундан гувоҳлик беради.

Мўйнадўзлар ҳам шунга яқин томоша кўрсатишган: худди шундай моҳир мўйнадўзлар, бирлари қоплонга, бирлари арслонга айланди, яшириниб ҳар хил ҳайвонларнинг териларига, нақ танага жон бўлиб. Ҳам шаклан, ҳам ранг-рўйидан ўзларин тулкига, сиртлонга, қоплонга, силовсинга айлангандир. Ташқидан йиртқич-у, аслида пари. Бунда ҳам малакали ижрочилар қатнашган, улар ёввойи ва йиртқич ҳайвонлар қиёфаларида томоша кўрсатишган. Томошада афсонавий воқеа акс эттирилган, албатта[114].



III боб

Хуллас, барча касабалар ўз кўшк, мезана ёки чортоқларини қуриб, уларни ўз меҳнатлари маҳсулоти билан беаганлар. Муқим ёки ҳаракатланувчи ҳар бир қурилмада порлоқ юзли хонадалар, созадалар, ўйинчилар тўлиб-тошган бўлиб, уларнинг ранг-баранг наволари, усуллари, тимсоллари, ўйинлари, хумор ва жоду кўзлари, писта-даҳанларидан сочилган шакар сўзлари — ҳаммаси ҳайратга солади. Шарафиддин Али Яздий бундай кўшк, мезана ва чортоқлар сонини 104 та деб кўрсатади. Бу минглаб санъаткорлар ва ҳунармандлар қатнашган деган сўз[115].

Ушбу тантаналар ўша даврда ҳам оммавий байрам ўтказиш санъати мавжуд бўлгани, ота-боболаримиз ҳар бир соҳани юқори савияга кўтаргани, аждодларимизнинг илм ва санъатни уйғунлаштиргани, инновацион ечимлар топганини кўрсатади.

Бу манзаралар ва халқнинг кайфиятини кўтарган, пухта ўйланган меъморий-бадий ечимлар испан элчисини беҳад ҳайратга солган эди.

«1404 йилнинг 23 октябрида, пайшанба куни подшоҳ ўрдада [яна бир] катта тўй бериб, элчиларни ҳам [унга] таклиф қилди. Тўйга кўп меҳмонлар келишди. Кўп ўйин-кулги, хурсандчилик бўлди. Подшоҳнинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари кийинишиб ҳозир бўлдилар, эркаклар билан бирга ўйин-кулги қилдилар...»

«Ҳамма жой-жойини эгаллагандан кейин чодирлар яқинига ўрнатилган тўсиқларнинг бири ичидан байрамда қатнашиш учун сеньор (Темур)нинг улуғ хотини Каньо (Бибихоним) чиқиб келди. У олтин гулли қип-қизил либосда бўлиб, либос енгсиз, ёқаси чуқур ўйилмаган, фақат боши чиқиб туришига лойиқ ва қўлларини тикиш учун мўлжалланган ўймаси бор, этак томонлари жуда кенг эди. Белига ҳам ҳеч қандай кесик-песик қилинмаган, эркин юрсин учун этакни 15 тача аёл кўтариб келарди. Юзига шунча кўп упу сурилгандики, у қоғозданга ўхшарди. Билсам, бу қадар кўп упу уни куёвдан сақлаш учун экан. Қишда ҳам, ёзда ҳам узоқ йўлга чиққан барча оқсуяк хонимлар юзларини кундан шундай ҳимоя қилишаркан. Каньонинг юзи енгил оқ тўр билан тўсилган, бошида қизил матодан қилинган қалпоқ бўлиб, у турнирда савашадиган рицарларнинг дубулғасига ўхшар эди. Тўр сал-сал елкаларига тушиб турарди. Аммо бу дубулға жуда узун, унинг кўпдан-кўп йирик, йилтир-йилтир қилган думалоқ марваридлари, ёқут, феруза ва бошқа турли-туман, жуда чиройли ишлов берилган тошлари бор эди. Елкасига тушиб турган тўр ҳам олтин гулли эди, устидан жуда чиройли, кўп қимматбаҳо тошлар билан безалган олтин тож бор эди. Унинг энг тепасида учта ёқутдан,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

икки бармоқча келадиган ёрқин ва фавқулудда гўзал, кучли йилтирай-диган қурилма бор эди. Қурилманинг учини бир тирсак баландлигида катта жиға безаб турар, унинг айрим парқулари пастга, бошқалари юзига ва кўзларигача эгилиб турарди. Бу парқулар олтин тизимча билан боғланган, тизимчанинг охириги учи тошчали ва марваридли қуш қанотларидан қилинган оқ қилқаламга ўхшарди. Хоним одимлаб келаётганда бу жиға ҳар тарафга хилпирарди. Қоп-қора сочлари елкаларига тушиб ёйилиб турарди. Бошидаги дубулғани бир неча оқсуяк хоним ушлаб олгудай хушёр бўлиб изидан келарди. Ҳаммаси бўлиб уч юздан ортиқ асилзода аёл Каньонинг ортидан келарди».

Клавихо Бибихоним ортидан Амир Темурнинг аёллари ва келинлари ҳам худди шу кўринишда жориялар қуршовида чиқиб келгани ва даврадан жой олгани ҳақида маълумотлар келтириб ўтган.

Қабул тантаналари тўйларга уланиб кетган бўлиб, темурий маликалар ҳам бу тантаналарда фаол иштирок этганлар ва, ҳатто, элчилар шарафига зиёфат берганлар. Клавихо биринчи малика Сароймулк-хоним ва Мироншоҳнинг хотини Хонзодабегим томонидан уюштирилган зиёфатларни алоҳида тавсифлаб ўтган.

У Хонзодабегимни ҳам ўз кўзи билан кўрган ва маликани шундай тасвирлаган: «...Элчиларни ичкарига бошлаб кирдилар, Хонзода [бегим] ўлтирган жойга яқинлашганимизда, у элчиларни ўз қаршисидаги соябон остидаги супага чиқиб ўлтиришга таклиф этди. Хонзода [бегим] ва унинг ҳузуридаги аёллар катта чодир эшиги олдидаги соябон остида ўлтирдилар... У бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаётган эди. Бегим кўринишидан қирқ ёшлар чамасидаги тўладан келган, оқ юзли аёл эди».

Бу маълумотлар Амир Темур салтанатида аёлларга кўрсатилган юксак эҳтиром, жамиятда аёлларнинг мавқеи баланд бўлганидан далолат беради. Расмий қабул маросимларида олий мартабали меҳмонларни таомлантириш, дастурхон тузашда ҳам маълум қоидаларга амал қилинган. Дастурхонларга дастлаб қайнатилган, тузланган, қовурилган кўй гўштлари мўл-кўл тузалган. Дастурхонда қовурилган от гўшти ҳам бўлган. Таомлар доира шаклидаги гардиши зарҳалланган чарм дастурхон устига қўйилган, ошпазлар дастурхон четидаги балдоқлардан ушлаб, Амир Темур ва элчилар ўтирган томонга кўтариб келганлар. Ўша тадбирда чарм дастурхонда гўшт шу қадар кўп эдики, дастурхон йиртилиб кетмаслиги учун подшоҳ олдига судраб олиб келишган. Гўшт келтирган хизматкорлар подшоҳдан йигирма қадамча нарида тўхтагандан сўнг, уларнинг ўрнида гўшт майдаловчилар ҳозир бўлган. Маз-



III боб

кур кишилар оддиларига пешбанд тутишган, қўлларига чарм қўлқоп кийиб олишган, тиз чўкиб ўтириб гўштни майдалаганлар. Гўштлар олтин, кумуш, сопол лаганларга ва бошқа қимматбаҳо чинни идишларга бўлаклаб солинган. От гўшти ҳам олтин ва кумуш идишларга сузилган. Қўйнинг сон гўшти, от буйраги, қўй каллалари ҳам алоҳида идишларга солиниб, безатилиб, меҳмонларга тақдим этилган. Бошқа кўпдан-кўп идишларга ҳам мўл-кўл гўштлар солинган. Шундан сўнг шўрва тўлдирилган тоғоралар келтирилган, улар гўштлар устига қайла сифатида қуйилган. Ўша даврда ҳам бу овқатлар учун юпқа қилиб пиширилган лочира нони тўрт букланиб гўштлар устига қўйиб чиқилган. Шундан кейин бу таомларни подшоҳ аъёнлари, мирзо ва асилзодалардан иборат икки-уч киши кўтариб, подшоҳ, элчилар ва мулозимларнинг олдига қўйган. Чунки улар кўплигидан оғирлашиб кетган бўлиб, бунча кўп гўштни бир киши кўтара олмас эди. Амир Темур танглик билан ўз олдига қўйган икки бўлак гўштни ўзи тановул қилмасдан испан элчилари олдига қўйишни буюрди. Клавихонинг айтишича, ҳали гўштлар тамом бўлиб улгурмасдан олиб чиқиб кетилиб, янгилари олиб келинади. Ўша давр удумига асосан, ҳар бир кишига тортилган таомлар уйларига бериб юборилган. Клавихо ўзларига берилган гўштларни жуда кўплигини айтиб, мабодо, уйларига олиб кетмоқчи бўлса, нақд ярим йилга етиши мумкинлигини айтиб ўтган. Пиширилган ва қовурилган таомлар олингандан кейин уларнинг ўрнига дастурхонга хасип ва бошқа таомлар тортилган. Дастурхонга мева-чевалар, қовун-тарвузлар қўйилган. Олтин ва кумуш қувачаларда бия сугидан ширинлик аралаштирилиб тайёрланган қимиз тортилган. Ўша даврда шарбатдорларнинг қўлида ҳам сочиққа ўхшаш оқ мато бўлиб, олтин, кумуш пиёлаларни улар қўл билан ушламасдан ўша оқ матолар орқали тақдим этишган.

Испан элчиси ва сайёҳи тўққиз-тўққиз идишларда аъёнлари ҳам ўз ҳукмдорига совға тайёрлашгани, «танга сочди» маросимлари ўтказилгани ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган. Совғалар Шоҳмалик Мирзо, Шайх Нуриддин томонидан тайёрланган бўлиб, тўққизта кумуш идишларга қанд, майиз, бодом, писта ва бошқа ширинликлар солинган, устига бир парча шойи мато ташланган. Биз ушбу тантаналарни кузатиб, ўша даврдаги миллий урф-одатларни ҳам тавсифлашимиз мумкин.

Зиёфатдан кейин турли мамлакатлардан келган элчилар олиб келган совға-саломлар намоиш этилган. Клавихо подшоҳи олийларига уч юзта от ҳадя қилингани ва бошқа кўплаб совғалар топширилганининг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

шоҳиди бўлган. Элчиларнинг кўнглини олиш ўша даврда бошқа давлат раҳбарининг кўнглига йўл топиш билан баробар бўлган экан, қабул маросимларида элчилар ўз даврининг энг қимматбаҳо, нодир ва камёб молларини, от-улов, хачир, туя, ажойиб қушлар, олтин, кумуш тангалар ва бошқаларни совға қилганлар. Испан қироли юборган совғалар орасида ҳукмдорга кўпроқ қизил мовут маъқул бўлган. У бу матоларни Сароймулкхоним ва бошқа маликаларга бўлиб берган. Тўхтамишхон элчилари сувсар, ошланмаган оқ тулки, суғур мўйналари ҳамда лочинлардан иборат бўлган совғаларни тақдим этишган. Тантанали маросимдан кейин элчиларга ҳукмдор томонидан тайинланган махсус мулозим ғамхўрлик қилган. Унга элчиларга зарур бўлган ҳамма нарсаларни мухайё этиш вазифаси тайинланган. Бу мулозим бош дарвозабон бўлиб, элчиларни подшоҳнинг тураржойидан унча узоқ бўлмаган махсус бинога жойлаштирган. Бу ерлар жуда сўлим, сувга сероб боғ эди.

Қабул маросимларида ҳар бир кишининг кийимларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аёллар Кичик Осиёнинг қимматли жавоҳирию Исфаҳон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис зеб-зийнатлари билан ўзларига оро берсалар, эркаклар ноёб тошлар билан безатилган қуроқлар ва камарлар тақиб юрганлар. Кониғилда қарийб 20 000 чодир ўрнатилган бўлиб, тўй маросимида сарой аҳли, вазир-вузаролардан ташқари, аҳолининг турли табақа вакиллари қатнашган. Клавиҳо чодиргоҳда мансабдор шахсларнинг лавозими бўйича чодирларнинг жойлаштирилиш тартиби, жиҳози, ҳатто уларнинг безакларигача катта эътибор берилган эди, – деб ёзган[116].

Қадимий анъаналарга кўра, ташриф буюрган элчиларга зарбоф тўнлар, камар, вассал ҳокимлар ва подшоҳларга олтин тож ва бошқа қимматбаҳо совға-саломлар ҳадя этилган.

Манбаларда Амир Темурнинг юришлар пайтида турли ерларда ташкил этилган элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳам уларга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатгани ҳақида маълумотларни учратиш мумкин. Хусусан, Амир Темур Диёрбакр тарафда Киркўк қалъасига етганида «қалъа эли итоат йўлидин илгари келиб, соврин тортиб, Соҳибқироннинг муборак дийдорига мушарраф бўлдилар. Соҳибқирон ул қалъани Амир Али Мосулийға суюрғол берди. Бу маҳалда Қизил Мир Али Уйрот ва Пир Али ва жаҳонгир олампаҳо даргоҳига келиб, давлат мулозиматқа мушарраф бўлдилар. Ва ҳар ердаким, доруға ва кутвол бор эрди, барча келиб баңдалиқ камарини белларига боғладилар. Ҳазрат Соҳибқирон ҳар бирини бир навъ иноят ва шафқат қилиб



сўрди. Барчага зарбофт тўнлар била олтин камарлар берди ва аларнинг ўғлонлари била хотунларига қумошлар ва олтун ва жавоҳир иноят қилди, то ўғлонларига қаралғайлар ва қизларига жаҳиз ясағайлар»[117].

Мисрлик тадқиқотчи олим Фатҳи ал-Гувейли ҳам ҳақли равишда «Амир Темур томонидан бошқа давлатлар арбоблари билан бўлган муносабатларда қўлланган дипломатик усуллар ва уларнинг айрим нозик жиҳатлари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишга аризуликдир», деб таъкидлаган[118].

Фатҳи ал-Гувейли «Амир Темурга теран ақл-фаросат ва зийраклик хос бўлиб, бу сифатлар дипломат шахснинг энг муҳим жиҳатини ва асосини ташкил этади. Амир Темур у ёки бу мамлакатга ўз элчиларини юбориб, бошқа давлатлар элчиларини қабул қилиб, қирол ва амирлар билан дипломатик ёзишмалар ўрнатиб, бу соҳанинг шакл мазмунларини янада бойитди»[119], – деб ёзади.

Б.С.Маннонов ҳам «Темур дипломатиясининг ўзига хос томонларидан бири, у ўзининг барча мурожаатларида, ҳатто қатъий талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам Шарқ дипломатияси этикетларига риоя қилади. Узоқ юртлар ҳукмдорларининг кўпол шаклда, айрим ҳолларда ниҳоятда жаҳл ва таҳқир билан ёзилган номаларига ҳам Соҳибқирон ҳаммавақт ўз фикрларини аниқ баён қилган ҳолда сокин ва одоб билан жавоб қиларди. Амир Темурнинг шахсан ўзи «элчига ўлим йўқ» деган қадим-қадимдан қолган дипломатик қоидага доимо амал қилган ва ўз қўл остидагилардан бу қоидани ҳеч қачон, асло бузмасликларини талаб қилган»[120], – деб ёзган.

Тарихий далиллардан Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясида байналмилаллик, толерантлик ғоялари мавжуд бўлганлигини англаш мумкин.

Қатъият, мақсадга интилиш, тиришқоқлик, имкониятдан мукаммал ва тўғри фойдалана билиш, юксак ахлоқий қадриятлар, музокара олиб бориш орқали масалани тинчлик йўли билан ҳал қилиш, тезкор ҳаракат қилиш, рақибга пайт пойлаб зарба бериш каби усуллар унинг дипломатиясидаги хос хусусиятлардандир.

Амир Темур дипломатиянинг таҳдид, огоҳлантириш билан бирга, ташвиқот[121] усулларидан кенг фойдаланишга интилган. Бу эса ўша даврнинг ўзига хос информацион курашларидан эди.

Б. С. Маннонов ҳам «Қўлимиздаги кўплаб далилларга амал қилиб Амир Темур дипломатияси чуқур ва изчил гуманизм руҳи билан суғорилган дейишимиз мумкин. У сотқинларни беаёв жазолаган, кўрқоқлик ва иккиюзламачилиқдан жирканган, бироқ душманларига



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ўз қилмишларини обдан ўйлаб кўриш ва хулосалар чиқаришга имкон берган, агар улар ўз хатоларини тушуниб етиб, уларга Соҳибқиронга бўлган садоқатини ҳаётда исботлаш учун яна бир марта имкон беришини сўраб ялиниб-ёлворганда, уларни кечирган»[122] деб, унинг дипломатиясидаги афзал қоидаларни алоҳида ва тўғри таъкидлаб ўтган.

А.Х. Саидов Темур дипломатиясидаги хос хусусиятларидан баъзиларини келтириб ўтган: «У шаҳарларни вайрон қилмасдан, иложи борича кам талафот бериб олишни афзал кўрган. Амир Темур ҳарбий ҳийла турларидан қуюқ ваъдадан тортиб, самимий насихатгача бўлган шакллардан моҳирона фойдаланган. Масалан, 1401 йилнинг июнида узоқ давом этган қамал палласида Амир Темур қамалдагиларга, агар бефойда қаршилик кўрсатишни ўжарлик билан давом эттираверсангиз, навкарларим қаҳр-ғазабини жиловлаб тура олишга қафолат бермайман», деб таҳдид солган.

1381 йилнинг апрелида эса Ҳиротга ҳужум қилиш олдидан у икки минг бўлимини озод қилган ва шаҳарда кимки уйдан ташқарига чиқмаса, унинг ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам омон қолади, деб гап тарқатган. Пухта ўйланган бу режа кутилган натижани беради. Бозор, маҳаллаларга сафарбарликка қанчалик ундамасинлар, аҳоли қўлига қуроли олишдан ва қалъа деворлари устига чиқиб, шаҳарни ҳимоя қилишдан бош тортади»[123].

Соҳибқирон Амир Темурнинг дипломатик усуллари стратегияси билан қоришиб кетганди. Унинг душман кўнглига қайси вазиятда таҳдид, ваҳима солгани ва юмшоқроқ муносабатда бўлгани, душманларини огоҳлантириш, кўрқитиш услубларини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Жумладан, Миср султониға ёзган хатида «Мен бегона лашкарларни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Аталмиш Қавчинни тезлик билан юборинглар, токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман»[124], дея огоҳлантирган ва бу усулни қайта-қайта такрорлаган.

Соҳибқирон Амир Темур душманларига насихатлари, огоҳлантиришлари, таклифлари ёрдам бермагач, охириги йўл таҳдид солиш, кўрқитиш ва психологик ҳужумлар уюштириш, ультиматум қўйиш каби дипломатик усулларни қўллаган. Бу ҳам унинг дипломатиясидаги ёрқин саҳифалардандир.

Соҳибқирон Амир Темур энг шошилинич ва мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотмас, босиқ ва вазмин ҳолатда масаланинг ечимини



III боб

топишга интиларди. Бу унинг дипломатиясига хос бўлган энг катта ютуқлардан бири эди.

Хилда Хукхэм Амир Темур Сурияни забт этишда гувоҳ бўлган Мигнанеллининг маълумотларига таяниб, Алеппо синагогида Амир Темур одамлари ўзларини яхудий деб танитганлари ва, ҳатто, Тавротдан парчаларни устомонлик билан қироат қилиб берганлари ҳақида айтиб ўтган[125]. Амир Темур томонидан тайёрланган махсус кишилар араб, форс, юнон ва бошқа тилларни яхши билганлар.

Амир Темурнинг қўлга киритган ғалабалари кучлар ва қўшинининг сифати ва таркибига эмас, аввало, тўғри қўлланган тадбирга боғлиқ эканлигини яна бир бор исбот этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, туғма дипломатик ноёб қобилият Амир Темурнинг йирик салтанат тузишига катта омил бўлиб хизмат қилган.

Р.Нелсон ютқириксиз мақсад Темур даҳосининг асосини ташкил этишини, у, ҳатто, доналари икки баробар кўпайтирилган махсус шахмат тахтасини ўйлаб чиқаргани, бундан мақсад, ўйин муддатини чўзиш бўлганлигини айтиб ўтган[126].

Бу шахмат доналари нафақат ўйинда, балки сиёсат майдонида ҳам ғолибона юришлар қилишга имкон яратган ва унинг дипломатик даҳосидаги муҳим хусусиятни ташкил этади.

Унинг дипломатиясидаги яна бир ўзига хос хусусият унинг ғоялари Соҳибқирон давлат мафкураси билан уйғунлашганидир.

Француз олими Жан-Поль Ру ҳам Амир Темурнинг элчиларни муқаддас, дахлсиз ва фахрий кишилар деб ҳисоблаганлиги, Миср ҳукмдори Амир Темурнинг ишонган кишиларини зиндонбанд этиб, халқаро қоидаларни кўпол равишда бузгани, аммо Миср ҳукмдори томонидан келган элчиларга шафқатли муносабатда бўлиб, ҳатто олтин совға инъом этиб уларни қўйиб юборганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган[127].

Унинг дипломатиясидаги ҳар бир йўналиш аслида катта-катта тадқиқотларга арзигулик мавзулардандир.

Хусусан, Эрон сафавийларидан тортиб шайбонийлар, аштархонийлар, Ўрта Осиё хонликларигача Амир Темур давлатчилиги анъаналарини намуна сифатида ўзларига қабул қилганлар: «Бу масаланинг ниҳоятда қизиқ томони шундаки, на XV аср турк ҳукмдорлари, на XVI аср шиа сафавийлар тарафдорлари ва на шайбонийлар ўзларини Амир Темур бошқаруви анъаналарининг издошлари ва тарафдорлари деб ўйламаган. Шунга қарамай, улар ғарбда Усмонли турк салтанатидан то Ҳиндистонгача



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бўлган бепоён чегарада Амир Темурни улуғ ҳукмдор сифатида тан олишган ва унинг ғояларини қабул қилишган»[128].

Амир Темур даврига қадар дипломатик алоқалар бунчалик кенг миқёсда олиб борилмаган, сарой ва тантаналарда бу қадар кўп подшоҳ ва элчилар иштирок этмаган. Ҳатто низоли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал қилишда ҳам тарихда бу қадар кўп саъй-ҳаракатлар қилинмаган, йиллар давомида сулҳ учун бу қадар кўп ва узоқ музокара-лар олиб борилмаган.

Бу даврдаги дипломатик протокол, унинг мақсад ва вазифалари, низоли масалаларда қўрилган тадбирлар, қўлланган чоралар, тайёрланган жавоб хатлари, босиқлик, узоқни кўра олиш, рақиб томонга чуқур ўйлаб кўриши учун имконият яратиш, огоҳлантиришлар, таҳдидлар, ҳар бир муносабатда ўз даврининг энг билимдон ва тажрибали доно кишилари билан маслаҳат ва машваратлар ўтказиш, улар орасидан элчиларни танлаб олиш, очиқ ва ёпиқ кенгашлар чақириш каби юзлаб усуллар ўша даврдаги дипломатик муносабатларни мувофиқлаштириш, ривожлантириш, уруш ўчоқларини олдини олиш, ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам элчини ҳурмат қилиш, тенг манфаатли ҳамкорликка даъват этиш, ҳаёти ва молини асраш ва кафолатлаш ва бошқалар бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Элчиларни танлаш, тайёрлаш, сулҳ ёки ҳамкорлик масалаларида бошқа давлатларга юборишда маълум қонун-қоидаларга амал қилинган.

Унинг саройида элчиларни тайёрлаш учун тузилган махсус бўлинма доимий равишда ишлаб турган. Элчиликка тили ширин, вазиятларни баҳолай оладиган, таранг вазиятларни яхши томонга ўзгартира оладиган ақли ўткир, ўз даврининг энг обрўли кишиларини тайинлаган.

Унинг элчиларни қабул қилиши, уларнинг совғаларини қандай келтириши, кимларнинг атрофида ўтириши, темурий маликаларнинг тантаналарда иштирок этиши, овқатланиш одоби, мусиқаси ва бошқа дипломатик қабуллари ҳар бир икир-чикиригача ишлаб чиқилган. Зиёфатлар тўйларга уланиб кетган ва ўша даврда туркий, мўғулча, эроний ва бошқа мусиқалар янграб турган.

У энг қийин халқаро вазиятларда ўзга давлатларга машҳур авлиё ва шайхларни элчи қилиб юборди. Бундан унинг муҳим элчиликлар уюштиришда ўз даврининг мафкуравий руҳиятини ҳисобга олганлиги кўринади. Шунингдек, элчиликка тайинланадиган кишилар аввал зийрак, билимли, халқаро муносабатлар илмини пухта эгаллаган, ҳар қандай оғир вазиятларда тўғри тадбирлар қўллай оладиган ва доно кишилар орасидан танлаб олиниб, махсус тайёргарликдан ўтказилган.



Улар ўзини тутиши, кийимлари ва айтадиган гапларигача пухта тайёрланган.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур даврида қонунларни ва тартиботларни яхши билган қозилардан элчи сифатида фойдаланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган.

Манбаларда Алқа товачи, Жаловати, Амир Довуд, Ёдгор Барлос ва Узун Улжайту (Хоразмга), Шамсиддин Алмолиғий (Тўхтамишга), Шайх Соважий, Подшоҳ Баврон (Мисрга), Муҳаммад Кеший (Европага) халқаро алоқаларни мувофиқлаштиришга катта хизмат қилувчи, иқтидорли, илмли ва тадбиркор элчилар ҳақида маълумотлар қолган. Айниқса, Муҳаммад ал-Кеший Амир Темур салтанатидаги эътиборли элчилардан бири бўлган. У буюк жаҳонгирнинг фармонига биноан Кастилия қироли Хенрих III ҳузурида Амир Темур империясининг мухтор вакили сифатида иш олиб борган. Ўша даврдаги Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муносабатлар эътиборга олинса, Муҳаммад ал-Кешийга нақадар катта вазифалар ишониб топширилганлигини кўришимиз мумкин. Шамсиддин Алмолиғийга Шарафиддин Али Яздий шундай таъриф берган: «Шамсиддин доно ва иш билғучи, оқил ва зийрак киши эрди. Ва тўра (қонун)ни яхши билур эрди, оғзи юмшоқ ва сўзи чучук киши эрди. Соҳибқирон биткон мактубни олиб, Дарбанд йўлидан ўтуб, Дашти Қипчоққа бориб, Тўхтамишхонга борди. Бас, анда етконда Тўхтамишни кўриб, ҳазрат Соҳибқирон мактубини бериб, ҳазрат деган сўзларни чучук тили билан анга деди».

Амир Темур зафарлар билан етти йиллик урушдан қайтиб келгани, элчиларни қабул қилиш ва набираларининг тўйлари муносабати билан уюштирилган бу тантаналарнинг афзал жиҳатларини бутунги кун талаби даражасида ўрганиш долзарб масаладир.

Амир Темурнинг Европадаги ишончли вакили ва элчиси Иоанн (Жан) де Галонифонтибус айтганидек, «Темурбей қўл остидаги Ҳиндистондан Туркиягача бўлган ҳудудни бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса тўққиз ойда босиб ўтади». У ана шу қўл остидаги юртлар билан доимий равишда дипломатик алоқалар ўрнатган ва уларнинг ҳар бири билан ўз даврининг ўзи томонидан такомиллаштирилган протокол қоидаларига асосланган иш тизимларини яратган.

* * *

Ўрта Осиёда Амир Темур ва темурийлар даврида маданий, адабий ва илмий ҳаётнинг тараққий этиши ўша давр интеллектуал элитасининг империянинг халқаро алоқалари ва дипломатик муносабатларини



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ривожлантиришдаги иштирокини, Темур ва темурийлар давлатининг юксак халқаро мавқеини белгилаб берди. Самарқанд ва Ҳирот саройлари, мадраса ва кутубхоналарида мужассамлашган бетакрор илм ва иқтидор соҳиблари Яқин Шарқ, Усмонлиларга қарашли ҳудудлар, Европа, Хитой ва Ҳиндистондан теран фикрловчи инсонларни ўзларига оҳанрабодек тортар эди. Бундай ижодий муҳит дипломатик алоқаларнинг ривожланишига, ғоялар алмашинувига ҳисса қўшар эди. Айнан мана шундай муҳитда таниқли давлат арбоби, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг иқтидори яққол намоён бўлди.

Амир Темур давридаги «Темурий Ренессанси» деб ном олган буюк тамаддун ва тараққиёт шундан далолат берадики, бу ерда иқтисод, сиёсий фанлар, диний масалалар, аниқ ва гуманитар фанлар ўз тараққиётининг чўққисига эришган. Маданият ва таълим-тарбия, фан, санъат ва меъморчилик соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Биринчи навбатда, хунармандчилик, ички ва ташқи савдо, Буюк ипак йўли, қишлоқ хўжалиги равнақи, маданият ва фан тараққиётига, хусусан, дипломатик муносабатларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Аввало Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати Евроосиё минтақасида турли илмий ва маданий мактабларнинг қўшилишига, янги кашфиёт ва услубларнинг юзага келишига замин яратди. Ўрта Осиёда шарқ илмий тафаккури умумлашиб, уйғунлашиб, бир-бирининг энг илғор тарафларини олиб янги тараққиёт чўққисига кўтарилди, ўзига хос Амир Темур ва темурийлар даври илмий ва фалсафий тафаккури пайдо бўлди, илм-фан интеграцияси кучайди. Бу Темурий Ренессансининг намоён бўлиш жараёни эди.

Бу жараёнлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Амир Темурнинг фаолиятида ворисийлик бор, у Туркистон майдонида тасодифий юзага келмаган. Амир Темур азалдан бу юртда яратилган катта маънавий мероснинг давомчиси бўлиб, ўз аждодлари қўйган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, илмий-маърифий ва маданий тамаддун пойдеворини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган. Евроосиёнинг ҳудудларини ўз ичига олган улкан ва қудратли Темурийлар давлати наинки Ўрта Осиё, балки бутун жаҳон халқлари тарихида муҳим сифат ўзгаришларини бошлаб берган.

27 давлатни ўз ичига олган Евроосиё ҳудудларида ташкил топган улкан салтанатда тинчлик-хотиржамликнинг ўрнатилиши, ташқи



III боб

хавфларнинг бартараф этилиши, мамлакатдаги кенг ободончилик ишларининг йўлга қўйилиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотик равнақи, илм-фан ва маънавиятга эътибор, уламоларга ҳомийликнинг кучайтирилиши ва рағбатлантирилиши натижасида дунёнинг турли бурчакларидан юзлаб-минглаб маълуму машҳур олимлар ва маданият намояндалари Самарқанд, Кеш, Ҳирот, Шероз, Бухоро ва бошқа йирик шаҳарларда тўпланган ва бу имкониятлар уларнинг ижодий фаолиятларини давом эттиришига муҳим таъсир кўрсатган. Бу олимларнинг ўзаро бирлашиб, фанлараро тизимда ишлашлари ва кашфиёт олиб боришлари натижасида оламшумул натижалар қўлга киритилди.

Амир Темури ворислари даврида Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шерозда дунёнинг энг йирик кутубхоналари бунёд этилди. Олимлар бу ерда илмий изланишлар билан қизгин шуғуллана бошлаганлар. Темурийлар давлатининг бошкенти бўлган Самарқанд Шарқнинг интеллектуал ва маданий ҳаёти марказига айланди. Бу жараёнлар Амир Темури ва Темурийлар давлатининг халқаро майдондаги нуфузи кўтарилишига замин ҳозирлади. Амир Темури доимо турли мамлакатлардан таклиф этилган олимлар билан ўтказилган мунозараларда, кўпинча, унинг зеҳни билад келган. Маълумотларга кўра, у бир нечта тилларни мукамал билган, ўз даврининг машҳур олимларини ҳам донолиги ва ўткир билими билан доводиратиб қўйган.

Инглиз олимаси Беатрис Манц тадқиқотининг «Амир Темури шахси»[129] деб аталган бўлимида уни кучли характер соҳиби, моҳир сиёсатчи ва лашкарбоши, илми инсон сифатида таърифлайди[130]. Б. Манц Амир Темури ўз даврида араб-форс дунёсининг энг пешқадам кишиларидан бири бўлганлигини айтиб, унинг турк ва форс тилида ҳам бирдек мулоқот қила олиши, олимлар билан мунозарага кира олишдек илми борлиги, ўзи юриш қилган ерларни аввалдан тўлиқ ўрганганлиги, ўз даврининг машҳур олими ибн Халдун билан бўлган мунозараси ҳақида тўхталиб, кўпинча, баҳс-мунозараларда унинг илми билад келганлигини айтиб ўтган. Ушбу маданий алоқаларда тил асосий мулоқот воситаси эканлигини инобатга олсақ, аксарият олимларнинг ва деярли барча темурийлар камида 2–3 та тилни мукамал билганлари ҳам ана шу мулоқотларни осонлаштирган, улар турли тилларда шеърлар, асарлар ёза олиш қобилиятига эга бўлганлар. Бу хусусиятлар уларнинг миллатлараро алоқаларда бағрикенг бўлганидан далолат беради.

Султония шаҳрининг архиепископи Иоанн (Жан) Амир Темурининг илм-фан, хусусан, астрология, тиббиёт ва бошқа соҳаларнинг кучли



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

олимлари унинг хузурида бўлишини таъкидлаб, «у илми ва яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъвозлайди. Темурбей улар билан савол-жавоб қилишни хуш кўради. У зикр этилган инсонларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлади ва хурмат-эҳтиром кўрсатади», дея илм аҳлига бўлган хурмат-эҳтироми ҳақида маълумот берган. Унинг ўзи ҳам диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган бўлиб, давлати ҳам турли мамлакатлардан ташриф буюрган ўз замонининг машҳур олиму уламолари билан бошқарилар эди. Амир Темурнинг ватан равнақи йўлидаги фидойи ҳаракатлари туфайли аввалги йўқотишларнинг ўрни тўлдирилди. Самарқанд ва ундаги қурилишлар том маънода ўша даврдаги маънавий юксалишларнинг тимсолларидир. Бу даврда олиб борилган бунёдкорлик ишлари, меъморчилик иншоотларида Шарқ дунёсининг юксак маънавияти, фалсафаси, яхшилик ва адолат ҳақидаги тушунчалари мужассам. Айнан, яхшилик, инсон омилига эътибор ҳам давлат ва жамият тараққиёти билан биргаликда дипломатик муносабатлар равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

3.4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар дипломатияси

Фарғона ҳукмдори Умаршайх Мирзо II нинг ўғли ва Амир Темурнинг учинчи ўғли темурий султон Мироншоҳнинг эвараси Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигиданоқ у Дашти Қипчоқ қабилалари билан узлуксиз урушлар олиб борди ва 1504 йилда Шайбонийхон томонидан сиқиб чиқарилгандан кейин пойтахти Кобулда жойлашган янги давлат тузади. 1512 йилга қадар Бухоро ва Самарқандни қайтариб олишга муваффақиятсиз ҳаракат қилади. 1514 йилдан Марказий Осиёга бўлган режаларидан воз кечади ва Ҳиндистонга юришни мақсад қилади. 1519 йилдан Бобур Кобулдан Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга юришни бошлайди. 1526 йилда Панипат яқинидаги жангда Деҳли султони Иброҳим Лўдининг қўшинини мағлуб этади ва Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллайди.

Муваффақиятга эришган Бобур Ҳиндистонда янги давлат – пойтахти Агра шаҳрида жойлашган империяга асос солади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1526 йилдан то вафоти 1530 йил охиригача Ҳиндистонда подшоҳлик қилди. Бобурнинг васиятига кўра, унинг катта ўғли Ҳумоюн тахтга ўтириб мамлакатни 1540 йилгача бошқарди. Бироқ жангу жадаллар натижасида 1540 йил Ҳиндистондаги афғонларнинг сур қабиласи сардори Шершоҳ тахтни эгаллаб, Ҳумоюнни мамлакатдан қувиб юборди. Ҳумоюн узоқ муддат, 15 йилга яқин Эронда Шоҳ Тахмасп саройида яшади. Ҳумоюн



III боб

Тахмасп ёрдамида Ҳиндистонда ҳокимиятни қайтариб олиш эвазига у ерда шиа мазҳабини ҳукмрон мавқега айлантиришга ваъда беради, шу сабабли Тахмасп унга Қандаҳор шаҳрини қароргоҳ сифатида беради. Ҳумоюн Деҳлини эгаллагач кўп ўтмай вафот этади ва 14 ёшли Акбар тахтга ўтиради. У эллик йил давомида, яъни 1556 йилдан то 1605 йилгача Ҳиндистонни бошқаради. Акбар ҳам ҳарбий, ҳам дипломатик усуллар ёрдамида барча мусулмон беклари ва ҳинд рожаларини ўзига бўйсундиришга эришади. Бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистонда Шарқ расму русумлари дипломатиянинг асосини ташкил этар эди. Шу билан бирга Бобурий шаҳзодалар учун Амир Темур тузуклари дастуриламал ролини ўйнади. Ҳатто Акбар бир сафар ўз қўшини билан бир шаҳарни қамал қилганида мулла шаҳар аҳолисининг жонини асраб қолиш мақсадида Куръонни қўлида ушлаб шаҳардан чиқиб келади. Акбаршоҳ «Муқаддас китоб» туфайли шаҳарликлар гарчи унинг душмани бўлса-да, уларнинг гуноҳидан ўтиб, жонларини сақлаб қолади[131].

Акбаршоҳ моҳир дипломат сифатида Ҳиндистонда марказлашган давлат барпо этиш мақсадида нафақат ислом дини қоидаларига амал қилади, балки ҳиндлар учун ҳам худди шундай йўл тутади. Ўзининг ҳарбий юришларида турли-туман дипломатик воситалардан унумли фойдаланади. Масалан, Ражпут шаҳрини эгаллашида шаҳарни вайрон қилишга йўл қўймайди, ибодатхоналарни буздирмайди, ҳиндлар орасида энг моҳир аскарлар ҳисобланган ражпутларни ўз томонига ўтишларига эришади. Улар билан иттифоқни мустаҳкамлаш мақсадида ражпут рожаларидан бирининг қизи гўзал Хиракунварига уйланади. Ражпутлардан ташкил топган кучли, тезкор отлик қўшин тузади. Энг юқори мансаб вакил – бош вазир ўрнига тўртта вазирлик таъсис этади: 1. Девон (молия ва солиқ), 2. Мирбахш (ҳарбий соҳа), 3. Мирсомон (ишлаб чиқариш ва омборхоналар), 4. Садрул-судрул (диний ишлар) билан шуғуллануви вазирликларни жорий этади. Диний, солиқ, иқтисод ва ҳарбий соҳаларда ҳам йирик ислоҳотлар ўтказилади. Акбаршоҳ тонгги ибодатдан сўнг сарой болохонасидан туриб халққа кўриниш беришни одат қилган. Ҳайратланарли томони шундаки, Акбар Шайх Муборак ва бошқа диний уламолар ёрдамида ўзида ислом, ҳиндулик, оташпарастлик ва жайнийлик динларининг йиғиндисидан «илоҳийлик дини»ни жорий этишга киришган. Шу йўл орқали Ҳиндистон аҳолисини бирдамликка, тотув яшашга, тенглик ва биродарликка чорлаган. Бутун умри давомида Бобурийлар давлатини кенгайтиришга ўз фаолиятини бағишлаган. Маърифатли, тадбиркор, доно, узоқни ўйлаб иш қиладиган одил подшоҳ сифатида пойтахт Агра, Фотихпур, Секри, Лоҳур, Деҳли ва бошқа



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

шаҳарларда саройлар, меъморий иншоотлар ва боғлар барпо этган. Илм-фан, санъат ва деҳқончиликни ривожлантирган. Асосий йўллари таъмирлаш ва хавфсизликни таъминлаш, карвонсаройлар қуриш ҳамда денгиз йўллари орқали Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишлари олиб бориш, ҳаж сафарига боришни қулайлаштиришга катта эътибор қаратган. Маълумотларга кўра, Амир Темур мақбарасини таъмирлаш учун Самарқандга Акбар бир филга юкланган олтин юборган[132].

Акбаршоҳ хукмронлиги даврида португаллар денгиз орқали Ҳиндистонга кириб кела бошлади ва бир қанча ҳудудларни эгаллаб олган эди, аммо бобурийлар уларни мамлакатдан сиқиб чиқара бошладилар. Акбаршоҳ португаллар ва инглизлар ўртасидаги рақобатдан фойдаланиш воситаларини излади. Дастлаб 1601 йил Англия қироли Яков I нинг мактуби ва элчилик ёрлиғи билан капитан Хоукинс Акбаршоҳ хузурига вакил бўлиб келади ва бобурийлар саройида 1611 йилга қадар истиқомат қилади. Шу муддат давомида капитан Хоукинс Акбаршоҳнинг ўлими ва Жаҳонгиршоҳнинг тахтга чиқиш воқеаларининг гувоҳи бўлади. У португалларга қарши бобурий хукмдорларнинг кайфиятини шакллантиришга уринган. Шу билан бирга, бобурийларни Англия билан алоқаларини мустаҳкамлашга чақирган. Кейинчалик Ҳиндистонда Англия савдосини ривожлантириш учун қирол Яков I нинг махсус вакили ва элчиси Томас Роу 1615 йилда келиб 1618 йилгача Деҳлида яшади.

Акбаршоҳнинг ворислари Жаҳонгиршоҳ (1605–1627) ва Шохжаҳон (1627–1657) хукмронлик қилган даврда бобурийларнинг Ҳиндистонда мавқелари юқори эди. Бу даврда Португалия, Англия ва Голландия савдогарлари бирин-кетин Ҳиндистонда ўз факторияларини очиб улгурган эдилар.

Заҳириддин Бобур Ҳиндистонда янги империяга асос солган пайтда Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда тўртта мустақил давлатлар мавжуд бўлиб, уларга Туркиядаги Усманийлар, Эрон Сафавийлари, Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар ва Марказий Осиёдаги Шайбонийлар давлати кирар эди. Бобурийлар давлати ташқи сиёсати ва дипломатиясида айнан ана шу уч давлат устувор аҳамиятга эга эди. Бобурийлар Туркистонга ўзларининг ота-боболари юрти сифатида қараб Шайбонийлар билан тез-тез элчилар алмашиб туришар, ҳатто бобурий хукмдорларнинг кўпчилиги бу ерларни ҳеч қачон кўрмаган бўлсалар-да, Туркистон билан мустаҳкам алоқаларини ўрнатиш хис-туйғуларини намойиш қилганлар. Бобурий Султонлар даврида Туркистон ҳудудларидан Ҳиндистонга турли соҳа вакилларининг, айниқса, маданият соҳасига алоқадор кишиларнинг кўчиб ўтиши туркий халқлар маданияти билан Ҳиндистонликларнинг



танишиши ва бу маданиятнинг ёйилишига сабаб бўлди. Бобурий султонлар ўз фаолияти давомида давлат бошқарувида, ижтимоий-иқтисодий сиёсатда темурийлар давридаги қонун-қоидалар, анъаналар ва расм-русумларга амал қилганлар. Амир Темур сиймоси, унинг «Тузуқлари» ва, умуман, унинг шахсига, унинг юришларига бағишланган китоблар Бобурий султонларнинг доимий ҳамроҳи бўлган. Жаҳонгир ва Шохжаҳон Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини қайта-қайта ўқиб чиққанлар[133].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон тахтига ўтиргач, 1528 йили Аграда катта тўй уюштирди. Бобур «Темур тузуқлари»ни яхши билган ва ундаги «Салтанат саройида ўтириш ва ўрин олиш тузуқи»га амал қилган[134]. «Бобурнома»да муаллиф ана шу катта тўйда қатнашган амалдорлар, хорижий элчилар, меҳмонларни ўз даража ва мартабаларига яраша жой эгаллаганликлари тўғрисида муфассал маълумот берган. «Қизилбош, ўзбек ва Ҳиндларнинг элчилари бу тўйда қатнашдилар» – деб ёзади Бобур [135]. Демак «қизилбош элчилари» деганда ўша пайтда Эрондан келган элчилар назарда тутилган бўлса, «ўзбек элчилари» ибораси Туркистондан келган Шайбонийлар сулоласига мансуб элчиларга нисбатан ишлатилган. «Ҳинд элчилари» атамаси эса Ҳиндистонда мавжуд бўлган, Бобур давлати таркибига кирмаган Ҳиндистон ярим оролидаги давлатларнинг элчилари тўғрисида сўз юритилган. «Қизилбош элчиларни ўнг қўлга – ўзимиздан 70–80 қари (тахминан 60–70 см. – Р.Ф.) узоқроққа шомиёна (подшоҳ чодири – Р.Ф.) ўрнатиб, ўтқаздик. Беклардан Юнус Алига қизилбошлар билан бирга ўтириш ҳақида фармон бўлди. Чап қўлда худди шу тартибда ўзбек элчилари ўтқазилиб, беклардан Абдуллога улар билан бирга ўтириш учун фармон берилди. Мен янги солинган саккиз қиррали, усти хас билан ёпилган толор (тўрт томони очик айвон – Р.Ф.) нинг шимол тарафида ўтирдим»[135]. Кўриниб турибдики, элчилик масаласида Бобуршоҳ Эрон Сафавийларини Шайбоний элчиларидан кўра ўзига анча яқин тутган, шу сабабли Сафавий элчилари Бобурнинг ўнг тарафидан жой олган. Элчилардан ташқари, Бобурнинг ўнг қўл ва чап ёнида 5–6 қари нарида кимлар ўтирганлигини муаллиф бирма-бир тилга олган. «Барча султонлар, хонлар, улуғлар ва амирлар ошдан бурун олтин, кумуш, мис пуллар ва кийимлик матолар тортиқ қилдилар. Олдимга бир гиламча солдиришни буюрдим. Олтин ва кумушни шу гиламча устига тўқдилар... Ошдан бурунроқ совға тақдим этиш чоғида маст туяларни ва филларни, – деб давом эттиради Бобур, – қаршимиздаги оролда урушга солдилар. Бир неча қўчқорни ҳам уриштиришди. Улардан



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

кейин курашчи полвонлар кураш тушдилар»[135]. Катта оштортилгач совғалар улашиш маросими бошланган. Мукофот олганлар орасида хорижий мамлакатларнинг элчилари ҳам бўлган. Улар орасидаги элчилардан Абулхайрхоннинг ўғли Кучумхоннинг навқари Али Мирзо ва Шоҳ Тахмаспнинг элчилари Ҳасан Чалабий ва унинг укаси бу тўйда қатнашганлар. Заҳириддин Бобур бу элчиларни «Иккита катта элчи» деб номлаган... «Икки катта элчи – Кучумхоннинг навқари ва Ҳасан Чалабийнинг укасига олтин тоши билан кумуш тоши инъом қилинди» [135]. Меҳмонларга, давлат ва мамлакатда содиқ хизмат кўрсатганларга олтин ва кумуш ёйлар тўхфа этилди. Шу билан бирга Мир Муҳаммад Жолобонга Ганг дарёси устига яхши кўприк солгани учун камар, ханжар совға қилинди[135]. «Мен билан Андижондан келиб, – деб ёзади Бобур, – жойсиз, ватансиз юрганларга, Сўх ва Хушёрдан келганларга ҳам чакмонлар ҳамда ипак сарполар, олтин, кумуш, кийимлик ва бошқа нарсалардан инъомлар бўлди»[135]. Бобурнинг ёзишича ошдан кейин Ҳиндистон ўйинчилари, масхарабозлар, дўлилар томоша кўрсатдилар.

Бобурий ҳукмдорлар хорижий мамлакатларга элчилар жўнатиш ва элчиларни кутиб олишда маълум қонун-қоидаларга риоя қилганлар. Улар элчи ёки сафир масаласига жиддий эътибор берганлар, чунки элчилар хорижий мамлакатларда Ҳиндистоннинг вакили, имижи ҳисобланганлар. Ҳиндистонда Заҳириддин Бобур даврдан бошлаб мансабдорлар тизими ишлаб чиқилган. Одатан Эронга юбориладиган элчилар сайидлардан бўлиб, келиб чиқишлари эронликлардан бўлган. Ҳиндистонда истиқомат қиладиган эронликлар маълум бир имтиёзга эга бўлган ва саройда хизмат қилган. Элчининг қўлида подшоҳлик мактуби бўлган. Мактублар форс тилида битилган. Форс тили Жанубий ва Марказий Осиё давлатларида маданият, дипломатия ва халқаро муносабатлар тили ҳисобланган. Бундан ташқари, Бобурийлар салтанатида форс тили давлат тили ҳисобланган.

Элчини танлашда унинг ақлий расолиги, бир неча тилларни билиши, сўзамоллиги ва ўз суҳбатдошининг ишончига кириши масалаларига катта эътибор берилган. Сухандонлик, айниқса ҳукмдорлар билан мулоқот қилганда уларнинг кўнгилларини топа биладиган, ўз ҳамсуҳбатининг кайфиятини кўтарадиган, жисмонан бақувват, қадди-қомати келишганлиги назарда тутилган. Элчи маърифатли, юксак маънавиятли, ҳар соҳада устаси фаранг бўлиши талаблар сирасига кирган.

Элчиларнинг вазифалари нималардан иборат бўлган? Энг асосий вазифаси бу – ҳар икки давлат ва мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришдан иборат бўлган. Элчи шаҳзодалар,



вазирлар ва нуфузли кишилар билан ҳамда хорижий давлатларнинг шу мамлакатдаги элчилари билан доимий алоқада бўлиши талаб қилинган. Вақти-вақти билан элчи ҳукмдор билан учрашиб, у билан битим ёки иттифоқ тузиш масаласида подшоҳга ўз ҳукмдори мактубини топшириб, мазкур подшоҳнинг мактубини олиб ўз мамлакатига етказган. Шу билан бирга, ўзи элчилик қилаётган мамлакатда содир бўлаётган ҳодисалар тўғрисида мунтазам равишда ўз ҳукмдорига маълумотлар жўнатиб турган. Агар мактуб ёки маълумотноманинг йўлда тортиб олиниши хавфи мавжуд бўлса, бундай мактуб ва ахборотлар махфий ходимлар томонидан жўнатилган. Махфий хизматчилар савдогар ёки саёҳатчи сифатида фаолият кўрсатганлар. Ноёб маълумотлар Бобурийлар давлати ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб боришда жуда қўл келган.

Элчиларнинг мартабалари, уларнинг таркиби қандай бўлган? Элчилар фавқулодда элчилар ва оддий элчилардан иборат бўлган. Фавқулодда элчини бир қанча амалдорлар, хизматкорлар кузатиб боришган. Фавқулодда элчининг нуфузи, обрўси, унинг юриш-туриши, кийиниши, унинг атрофидаги амалдорлар, хизматкорларнинг савияси билан белгиланган. Элчиликда кишиларнинг сони 500 ва ундан кўпроқ бўлиб, улар орасида таҳвилдор, яъни совға-саломлар учун мутасадди шахс ҳамда воқеанигор – элчилик таркибида бўлиб тарихий учрашувлар, воқеалар, бўлиб, ўтган ҳодисаларни қайд этиб ёзиб борган[136].

Туркистонликлар бобурий султонларнинг сайл қилиши, овга чиқишини яхши кўрганликлари учун совға-салом сифатида ҳар хил ҳайвонлар, шу жумладан ўргатилган кабутар ва бургутларни уларга қўшиб «мири шикор» яъни, овчилар бошлиғини юборишган. Элчилар таркибида рассомлар ва хунармандлар ҳам бўлган. Бобурий подшоҳлар давлат ҳукмдорларига қимматбаҳо ва ноёб совғалар юборишган, чунки бундай қимматбаҳо буюмлар совға қабул қилувчиларда катта таассурот қолдирган. Юборилган совғалар рўйхати подшоҳлик мактуби билан бирга бўлган. Масалан, Эрон шоҳлари бобурийларга арабий ёки ироқи бедов отлар, ноёб тошлардан ясалган безаклар, рўзғор буюмлари, қимматбаҳо кийимлар совға қилишган. Бобурий Жаҳонгирга юборилган совғалар орасида ноёб ханжар бўлиб, унинг дастаси балиқ тишидан тайёрланган. Яна бир бошқа суюқлик солинадиган идиш бўлса хўроз шаклида тайёрланган бўлиб, унда 30 литр шаробни сақлаш мумкин бўлган. Совғалар яна шуниси билан қимматли бўлганки, улар қайси бир давлат билан бўлган урушда



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қўлга киритилганини билдирган ва ғалаба нишонаси деб ҳисобланган. Одатда бир давлат подшосидан келган совғани бошқа давлат ҳукмдорларига жўнатиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлган. Эрон шоҳлари Русиядан келган мўйна матоларини ёки Усманийлар Султонидан келган қимматбаҳо совғаларни Ҳиндистонга, бобурийларга совға сифатида жўнатишган.

Элчини хорижий давлатга жўнатиш вақти аввалдан белгиланган. Тайинланган элчи жўнашидан олдин ўз ҳукмдорига кўриниш бериб, подшоҳлик мактубидан ташқари, оғзаки махфий маълумотларни ҳам етказиши зарур бўлган, улар тўғрисида мактубда ишора мавжуд бўлган.

Ҳукмдор томонидан юборилган мактубларда нималар тўғрисида сўз борган? Подшоҳлик хати ёки мактуби ташқи ишлар ёки ташқи алоқалар билан шуғулланувчи вазир томонидан битилган. Одатда бундай мактуб мирзабоши ёки бош мунши томонидан ҳам тайёрланган. Акбаршоҳ номидан тайёрланадиган мактубларнинг катта қисми замонасининг машҳур шоири Абул Фазлхон томонидан ёзилган. Айрим ҳолларда мактубни тузиш икки лойиҳадан иборат бўлиб, улардан мақбули танлаб олинган. Шоҳжаҳон мактублари унинг вазири Саъдуллахон томонидан ёзилган. Мактубда ҳукмдорнинг лавозимлари, хизматлари, унинг номига йўлланган ҳамду санолар кўтаринки руҳ ва чиройли сўзлар билан битилган.

Хорижий элчининг мамлакатга кириб келиши давлатлараро муносабатларда катта шов-шувга сабаб бўлган, имкон даражасида бобурий подшоҳлар бу тадбирга дунёнинг турли бурчакларидан элчиларни йиғишга жазм қилганлар. Бундай тантаналар янги подшоҳни тахтга ўтириши ва унинг легитимлигини таъминлашдан иборат бўлган. Элчини мамлакат ҳудудига қадам қўйиши билан уни кутиб олиш учун меҳмондор барча чора-тадбирларни кўрган. Меҳмондор уни чегарадан кутиб олган ва пойтахтгача бирга ҳамроҳ бўлган. Қоидага биноан меҳмондор Ҳиндистоннинг бошқа хорижий мамлакатдаги элчиси бўлган ёки у келгусида кутиб олинган элчининг мамлакатига элчиликка мўлжалланган шахс ҳам бўлиши мумкин бўлган. Одатда элчи учун махсус шинам жой ажратилган ёки у меҳмондорнинг уйида истиқомат қилган. Элчи мамлакатга кириши билан Бобурий султонлар бу ҳақда фармон чиқарганлар. Уни чегарада юқори мартабали кишилар кутиб олишган, унга фахрий кийим ҳадя қилишган, у давлат аҳамиятидаги меҳмон бўлиб, элчи билан боғлиқ барча харажатлар давлат хазинаси томонидан қопланган. Элчига амалдорлар орқали



Бобурий султон қачон ва қаерда уни қабул қилиниши аввалдан белгиланган.

Ҳукмдор билан учрашув маросимида элчининг кўриниш бериши, таслим ёки сажда қилиши билан бошланган. Бу ҳаракатлар элчининг ўзини ҳукмдор ихтиёрига топширганлигини билдирган. Элчининг сажда қилиши Акбаршоҳ томонидан киритилган бўлиб, Шоҳжаҳон даврида сажда пешонани ерга теккизиш билан алмаштирилган. Эронлик элчиларга худди ўз мамлакатларидагидек икки қўлни кўкракка қўйиб эгилиб саломлашишга ижозат берилган. Бобурий султонлар саройида элчи келтирган мактубни амалдорлардан бирига берган ва амалдор уни султонга топширган. Султон мактубни диққат билан ўқиб чиққач, уни вазирга узатган. Шундан сўнг султон элчига саволлар билан мурожаат қилган. Элчи қисқа ва лўнда жавоб бериши зарур бўлган. Элчи мактубдан ташқари, ҳукмдорга қўшимча маълумотлар ҳам етказган. Элчи султонга баъзи бир совғаларни топширган. Агар элчи султонга ёқиб қолса, совғаларни намоёиш қилиш учун алоҳида йиғилиш ташкил этган. Совғаларни намоёиш қилишда сарой кенгаши аъзолари қатнашганлар. Қонун-қоидага биноан совғалар ҳукмдорга фавқулодда элчилар томонидан рўйхат асосида топширилган.

Бобурий ҳукмдорлар хорижий элчиларни ов қилиш, байрамларни нишонлаш, тўй каби маросимларга тез-тез чақириб турганлар. Масалан, Шоҳжаҳон даврида султон элчиларни Мумтозмаҳал вафотининг бир йиллиги муносабати билан саройга чорлаган. Байрамларда элчилар қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирланганлар. Юқорида айтганимиздек, янги султоннинг тахтга ўтириши ёки султоннинг вафот этиши маросимларида элчилар фаол қатнашганлар.

Элчиларнинг олиб борган мактубларида масалаларни зудлик билан ечиб уларни ўз ватанларига эртароқ қайтариш илтимос қилинган. Қоидага биноан фавқулодда элчиларнинг ўша мамлакатда бўлиши энг ками уч ойдан олти ойгача чўзилган. Фавқулодда элчини ўз юртига Бобурий султонлар ўз элчилари ҳамроҳлигида жўнатганлар. Агар ҳукмдор ўз элчисини қўшиб юбора олмаса, у ҳолда келган элчи билан ўз мактуби ва мулоҳазаларини оғзаки жўнатган.

Фавқулодда элчини хорижга жўнатиш катта тайёргарликни талаб қилган. Шу сабабли зарурат юзасидан оддий элчи хорижга жўнатилган. Фавқулодда ва оддий элчи ўртасида деярли фарқ бўлмаган. Оддий элчига зудлик билан ҳал қилиши керак бўлган масалалар юклатилган. Бундай элчиларни «элчи-чопарлар» деб ҳам аташган. Оддий элчи ҳукмдорнинг мактуби ва оз миқдордаги совғалар билан белгиланган



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

мамлакатга равона бўлган. Оддий элчилар юборилаётган мамлакатни ўрганиши, керакли ахборотларни олиши ҳамда зудлик билан мамлакатга қайтиши кўзда тутилган.

Элчиликда ярим дипломатик характерга эга бўлган воситалардан ҳам унумли фойдаланилган. Масалан, Бобурий Шохжаҳон Усманийлар империясига юборилган савдогарларга ўзининг тавсиянома характерга эга бўлган мактубини жўнатган, натижада ҳар икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ҳатто Усманийлар империяси султони бунга жавобан фавқулодда элчи раҳбарлигида Ҳиндистонга кўп сонли дипломатларни жўнатган.

Ҳар икки мамлакат ўртасида вазият кескинлашган вақтда ҳам элчиларнинг борди-келди алоқалари узилмаган, фақат у ҳукмдор томонидан қабул қилинмаган ва унинг мактуби инобатга олинмаган. Мактуб қабул қилинганда ҳам, унга фақат оғзаки жавоб қайтарилган. Нима бўлганда ҳам элчининг хавфсизлиги таъминланган. Ўз вазифасини шараф билан бажарган элчи ўз ҳукмдори томонидан пул ёки қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган, юқори давлат лавозимларига тайинланган. Аксинча, ўз вазифасини бажара олмаган элчиларни жазолаганлар, бундай ходимлар ўз вазифаларидан четлаштирилган ёки саройдан ҳайдаб юборилган.

Шундай қилиб, бобурийларнинг Ҳиндистонда ҳукмдорлик қилган даврида ўзига хос дипломатик анъаналар ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қилишнинг шарқона мактаби вужудга келди. Ҳиндистонда бобурийлар дипломатияси Марказий ва Жанубий Осиё халқлари маданияти, санъати, урф-одатларини яқинлаштиришга, халқлар ўртасида иқтисод, савдо-сотик, илму фан, адабиёт ва маърифат соҳаларида ҳамкорлик қилишга хизмат қилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Т., «Ўзбекистон», 1996. 39–40-б.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. – Т., «Ўзбекистон», 1996. 109-б.
3. Фасих Ахмад ибн Джалаълиддин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс., комментарии и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т., «Фан», 1980. – С. 97; Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм ... – 39-б.



4. *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Т., «Шарқ», 1997. 85–86-б.
5. Ўша муаллиф ... – 113–114-б.
6. *Фасих Хавафи*. Муджмали Фасихи ... – С. 96, 97.
7. Ўша китоб. – 110-б.
8. *Фасих Хавафи*. Муджмали Фасихи ... – С. 112.
9. *Бўриев О.Б.* Амир Темур даврида Мовароуннахр ва Мўғулистон муносабатлари // Шарқшунослик. – Т., 1996. – 37–38-б.
10. *Абдураимов М.* Темур ва Тўхтамиш. – Т., «Адабиёт ва санъат», 2000. – 6-б.
11. *Бўриев О.* Амир Темур даврида ... – 44-б.
12. Ўша жойда ... – 37–38-б.
13. *Абдураимов М.* Темур ва Тўхтамиш ... – 6-б.
14. Ўша жойда.
15. *Низомиддин Шомий*. Зафарнома ... – 103-б.
16. *Фасих Хавафи*. Муджмали Фасихи ... – С.99; *Абдураимов А.* Темур ва Тухтамиш ... – 7-б.
17. *Абдураимов М.* Темур ва Тўхтамиш ... – 8-б.
18. *Абдураимов М.* . Темур ва Тўхтамиш ... – 8-б.
19. Ўша жойда. – 17-б.
20. Ўша жойда.
21. Ўша жойда.
22. *Абдураимов М.* Темур ва Тўхтамиш ... – 19-б.
23. *Шарафиддин Али Яздий*. Зафарнома ... – 109-б.
24. *Греков Б.Д., Якубовский А.Ю.* Золотая Орда и ее падение. – М. – Л.: 1950. – С. 373.
25. *The Cambridge history of Iran. The timurid and safarid period.* – The Cambridge University Press, 1986. № 6. – Pp. 55–56.
26. *Уватов У.* Амир Темур ва мамлукийлар // Шарқшунослик. – Т., 1996. – № 7. – 60–72-б.; *Ғуломов С.* Амир Темур ва Боязид муносабатлари // Шарқшунослик. – Т., 1996. – № 7. – 74–82-б.; Ўша жойда. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Т., 1997. – № 8. – 196–200-б ва бошқалар.
27. *Ғуломов С.* Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир ... – 197-б.
28. *Ибн Арабшоҳ*. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. – Т., Мехнат, 1992. I китоб. – 137-б.
29. *Ғуломов С.* Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир ... – 198-б.
30. *Уватов У.* Амир Темур ва мамлукийлар ... – 64-б.
31. *Ғуломов С.* Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс ... – 198-б.
32. Ўша жойда.
33. Ўша жойда. – 199-б.
34. *Ғуломов С.* Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс ... – 199-б.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

35. Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – 60-б.
36. Ўша жойда.
37. Ўша жойда.
38. Ўша асар... – 62–63-б.
39. Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – 289-б.
40. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – 216-б.
41. Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. – Т., «Маънавият», 1999. – 101-б.
42. Ўша жойда.
43. Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – 289-б.
44. Уватов У. Ўша асар ... – 67–68-б.
45. Ўша жойда.
46. Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – 70-б.
47. Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – 70-б.
48. Низомиддин Шомий. 292–294, 296–297-бетлар; Ибн Арабшоҳ... – 198–199-б.
49. Ибн Арабшоҳ... – 198–199-б.
50. Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – 300–301-б.
51. Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар ... – 71-б.
52. Ўша жойда.
53. Ўша жойда.
54. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. ... – 243-б.
55. Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – 300-б.
56. Ғуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – 75–76-б. ёки қаранг: Хасанов А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии С Египтом в конце XIV в начале XV вв. // Сборник науч. трудов. ТашГУ. Востоковедение. – Т., 1981. № 5. – С. 130.
57. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – 253-б.
58. Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С. 116.
59. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – 257-б.
60. Ибн Арабшоҳ... – 258–259-б.
61. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома... – 261-б.; Низомиддин Шомий... – 342; 348–349-бетлар.
62. Шарафиддин Али Яздий... – 264-б.
63. Шарафиддин Али Яздий... – 264–265-б.
64. Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Т., 1996. – №7. – 48–49-б.
65. Ўша муаллиф... – 119-б.
66. Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., «Фан», 1991. – 55-б.
67. Амир Темур жаҳон тарихида. Т., «Шарқ», 2006. – 137-б.
68. Ўша жойда.
69. Амир Темур жаҳон тарихида.... – 139-б.
70. Ўша жойда.



71. Керен Л. Амир Темур салтанати ... – 205-б.
72. Ўша жойда. – 206-б.
73. Ўша жойда.
74. Ўша жойда.
75. Ўша жойда. – 209-б.
76. <http://www.e-bozor.com/etarix/shaxslar/hukumdorlar/387-hukmdorlar.html>
77. Шарафиддин Али Яздий... – 106–107; 111-бетлар.
78. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. – Т., «Ўзбекистон», 1996. – 134-б.
79. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Т., «Шарқ», 1997. – 160-б.
80. Ўша ерда.
81. Шарафиддин Али Яздий... – 162-б.
82. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳб.) А.Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. – Т., «Шарқ», 2006. – 116–117-б.
83. Амир Темур ва Франция. Тошкент: «Адолат», 2016. – 515-б.
84. Амир Темур ва Франция... – 524-б.
85. Керен Л., Саидов А. Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га мактуби / Амир Темур ва Франция. – 76–77-б.
86. Ўша жойда.
87. Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га мактуби / Амир Темур ва Франция. – 518-б.
88. Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга мактуби / Амир Темур ва Франция. – 524-б.
89. Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби / Амир Темур ва Франция... – 78-б.
90. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар). – Т., «Ўзбекистон», 2010. – 107-б.
91. Клавихо ... – 127-б.
92. Ўша ерда.
93. Ўша жойда
94. Клавихо... – 128-б.
95. Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. – Т., «Адолат», 1995. – С.65.
96. Клавихо... – 108–110-б.
97. Амир Темур жаҳонг тарихида... – 95-б. ёки қаранг Бобурнома. – Т., «Юлдузча», 1989. – 46-б.
98. Амир Темур жаҳон тарихида... – 95-б.
99. Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – 20-б.
100. <http://betakrorbuxoro.uz/uz/2017/02/10/rovulbozor-sardobalari/>



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

101. *Зайнуллоев О.З.* Ўзбекистонда божхона тизими ва унинг ўзбек давлатчилигида тутган ўрни (1991–2001): Тарих.фан.номз. ... дисс. автореф. – Т., ЎЗМУ, 2002. – 14-б.
102. *Клавихо...* – 145-б.
103. *Амир Темур жаҳон тарихида.* – Т., «Шарқ», 2001. – 90-б.
104. *Клавихо...* – 142-б.
105. *Бўриев О.* Клавихони ҳайратлангирган боғлар // <http://uza.uz/oz/society/klavikhoni-ayratlantirgan-bo-lar-04-04-2017>
106. Ўша жойда.
107. *Клавихо.* Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар). – Т., «Ўзбекистон», 2010. – 154-б.
108. *Темур ва Франция ...* – 78-б.
109. *Ибн Арабшоҳ.* Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Ўватов – Т., «Меҳнат», 1992. I китоб. – 306–307-б.
110. *Клавихо...* – 156-б.
111. <http://hozir.org/8-mavzu-temuriylar-davri-madaniyati-culture-epoch-of-temurs-re.html>
112. <http://shosh.uz/amir-temur-va-temuriylar-davrida-sanat-va-madaniyat/>
113. http://www.kultura.uz/view_2_r_11237.html
114. Ўша жойда.
115. http://www.kultura.uz/view_2_r_11237.html
116. *Муҳаммаджонов А.Р.* Темур ва Темурийлар салтанати. – Т., «Фан», 1996. – 34-б.
117. *Шарафиддин Али Яздий.* Зафарнома... – 162-б.
118. *Фатхи ал-Гувейли.* Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Ҳалқаро конференция материаллари. – Т., «Ўзбекистон», 1996. – 108-б.
119. Ўша жойда.
120. *Маннонов Б. С.* Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. – Т., 1996. – № 7. – 10–37-бетлар.
121. *Жан-Поль Ру.* Тамерлан/Перс. фр. Е.А.Соколова. Послесл. В.Л.Егорова. – М., Молодая гвардия, 2004. – С. 244.
122. *Маннонов Б. С.* Амир Темур дипломатияси ... – 106-б.
123. *Амир Темур ва Франция.* – Т., «Адолат», 1996. – 48–49-б.
124. *Низомиддин Шомий.* Зафарнома ... – 289-б.
125. *Хукхэм Хильда.* Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г.Хидоятова. – Т., «Адолат», 1995. – 71-б.
126. *Нельсон Р.* Амир Темур улкан стратег ва улкан сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Ҳалқаро конференция материаллари. – Т., «Ўзбекистон», 1996. – 33-б.
127. *Жан-Поль Ру.* Тамерлан / Пер с. фр. Е.А.Соколова. Послесл. В.Л.Егорова. – М., «Молодая гвардия», 2004. – С. 245.
128. *Фрагнер Берт.* Амир Темурнинг маъмурий ислохотлари ва уларнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон давлат идораларига таъсири // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Ҳалқаро конференция материаллари. – Т., «Ўзбекистон», 1996. – 14-б.



129. Temur's personality / Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989. – P. 16–18.
130. Ўша жойда.
131. Хошимова М.М. ва бошқалар. Ўрта асрлар дипломатияси ва Халқаро муносабатлар тарихи. – Т., 2013. – 37-б.
132. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т., «Шарқ», 2014. – 28-б.
133. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Академик М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Т., 2003. – 107-б.
134. Темур тузуклари. – Т., 2015. – 132–133-б.
135. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 2012. – 259–260-б.
136. Г.А.Хидоятлов. История дипломатии. – Т., УМЭД, 2004. – С.148.

ГЛОССАРИЙ

Ажам – араблардан бошқа халқлар, хусусан, Эрон мамлакати назарда тутилган.

Алас-сабо – эрталаб, бир йўлакай.

Аркони давлат - давлат аъзолари, ҳукумат аъзолари.

Базл этиш – бағишлов, сахийлик ва эҳсон қилиш.

Байт ул-латиф – фоҳишахона.

Баковул – шахсий номга қўшилиб келган. Подшоҳга бериладиган таомни олдиндан татиб кўрувчи, тўй ва меҳмондорчилик ишларини бошқарувчи амалдор.

Балиёт – ранжу машаққат, балолар.

Барқуқ (? – 1399) – черкас Мамлукларидан бўлган Миср султони. Барқуқнинг отаси исломни қабул қилган эди. Қримда Барқуқни бир мусулмон сотиб олиб Мисрга юборган, у ерда 1364 йили амир Элбуғога сотган. Амир Барқуқнинг қобилиятли бола эканлигини пайқаб унга махсус тарбия берган, сўнгра амир унвонини берган. Султон ал-Малик ал-Ашраф даврида Барқуқ султон болаларининг тарбиячиси бўлган. У султон вафотидан сўнг тахтни зўрлик билан эгаллаб олган ва султон ал-Малик аз-Зоҳир номини олган. Бироқ, тез орада Барқуқ зиндонга ташланган. Унинг ўрнига тахтга Ҳожи Халифа ўтирган. Лекин янги султон билан Сурия ҳокимлари ўртасида ихтилоф пайдо бўлгач, халқ яна Барқуқдан тахтга ўтиришни сўраган. Мана шу пайтда Соҳибқирон Амир Темур Барқуқ ҳузурига элчиларини юбориб, ундан тобе бўлишни талаб қилган, бироқ Барқуқ элчиларни қатл этиб, Боязид I билан иттифоқчилик шартномасини тузган ва урушга тайёргарлик кўра бошлаган. Бироқ, Амир Темурнинг Ҳиндистонга сафари туфайли Барқуқ билан урушишга тўғри келмади. Барқуқ ўз ҳукмдорлигининг иккинчи ярмида Мисрда тинчлик, осойишталик ўрнатган, молия ишини яхшилаган, деҳқончилик ривожланган, илм-фан тараққий этган.

Батахсис – хусусан.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Баҳр – денгиз.

Беҳзод Камолиддин (1455—1536. Ҳирот) — буюк миниатюрачи мусаввир, шарқ Уйғониш даври етук санъаткори. Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси; музаҳҳиблар етакчиси, устози. «Иккинчи Моний» деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Тарихчилардан Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Дўст Муҳаммад ва Қози Аҳмаднинг маълумотларига кўра, Беҳзодни Султон Ҳусайннинг китобдори Мирак Наққош ўз тарбиясига олган. Беҳзод мусаввирликни Пир Сайид Аҳмад Табризийдан ўрганган, ўз ижодида мусаввир Халил Мирзо Шохрухий бадийий услубини давом эттириб, уни ривожлантирган ва камолга етказган, ёш мусаввир истеъдоди жуда тез шаклланган. Бунда Алишер Навоийнинг мураббийлик фаолияти ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъаткорлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Ҳйп каби хаттотлар ижод билан банд бўлганлар. Бу кутубхонада, айниқса, хаттот Султонали Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган Беҳзод ижодининг мавзу доираси, қаҳрамонлари шу ерда — Навоий ва бошқа санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.

Беҳзод мусаввир сифатида танилгач, Султон Ҳусайн саройига хизматга қақирилган. 1487 йил Султон Ҳусайн фармони билан Беҳзод салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган. Кейинчалик, бу жой ўз даврининг бадийий академиясига айланади. Уни мутахассислар «Нигорхонаи Беҳзод» ёки «Беҳзод академияси» деб атаганлар). Мусаввир Ҳиротда Навоий ва Султон Ҳусайн ҳаётлик даврида қизгин ижод билан банд бўлди, кўплаб мўътабар қўлёзмаларни яратишга раҳнамолик қилди, маълум қисмини нафис расмлар билан зийнатлашда шахсан иштирок этди, қатор замондошларининг — Навоий, Жомий, Султон Ҳусайн ва бошқаларнинг чехракушой (портрет)ларини яратди, бир гуруҳ ёшларга рассомлик сирларини ўргатди.

1507—1510 йилларда Беҳзод Ҳиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлди. Бу даврдан бизгача Беҳзод яратган Шайбонийхон портрети етиб келган. 1510 йил Ҳирот шаҳри сафавийлар қўлига ўтади. 1520 йилда Шох Исмоил ёш шахзода Таҳмаспга расм чизишни ўргатиши учун Беҳзодни ўз салтанати пойтахти Табриз шаҳрига таклиф этади, 1522 йил эса махсус фармон билан рассомни ўз кутубхонасидаги китобат аҳли (котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалкор, заркўб, ложувардшўй ва бошқалар) га мутасадди этиб тайинлайди. 1524 йил Шох Исмоил вафотидан кейин Шох Таҳмосиб даврида ҳам Беҳзод катта обрў ва эътиборга эга бўлган. Табризда Беҳзод Султон Муҳаммад, Оға Мирак ва Мир Мансур каби мусаввирлар билан ҳамкорликда ижод қилди. Қози Аҳмаднинг маълумотига кўра, Беҳзод ҳаётининг охирида она шаҳри Ҳиротга қайтган ва шу ерда вафот этган. Мусаввирнинг қабри Кўхи Мухтор (Мурод тоғи; Афғонистон ҳудуди)нинг хушманзара жойида.



Ўрта Шарқда XVII асргача рассомчиликда асосий тараққиёт йўналишини белгилаб берган. Бехзод ижоди унинг замондошлари томонидан юқори баҳоланган. Бехзод ўзидан аввалги рассомлар анъаналарини давом эттирди ва бойитди. Асарларининг тархи мураккаб, эркин ҳаракатларга бой, ёрқин, жозибадор ранглардан тузилган бўлиб, улар ўзаро уйғун. Табиат жонли, ҳаёт манзаралари аниқ ва ҳаққоний, ишонарли ва таъсирчан тасвирланган. Чизиқлар ниҳоятда нозик, ранглар нафис ишланган. Портретларида инсон маънавий қиёфаси, руҳи, хис-туйғулари, хулқ-атворини акс эттиришга аҳамият берган.

Саъдийнинг «Бўстон» асари қўлёзмаси (1478, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) расмлари; Атторнинг «Мангиқ ут-тайр» асари қўлёзмасига (1483, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида) 1487 йил чизилган расмлар; Навоийнинг «Ҳамса» қўлёзмасига (1485, Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Манчестердаги Жон Рейландс кутубхонасида) ишланган 13 та расм «Пайғамбар ўз саҳобалари билан», «Хожа Абдуллоҳ Ансорий дарвишлар билан суҳбатда», «Моний Баҳромга Дилоромнинг расмини кўрсатмоқда» ва бошқа миниатюраларда Бехзодга нисбат берилади. Саъдийнинг «Бўстон» асарининг Миср нусхаси (1488, Қоҳирадаги Миллий кутубхонада) расмлари (қўлёзмани хаттот Султонали Машҳадий кўчирган, нақшларни Ёрий Музаҳқиб яратган) — 12 та расмдан 6 тасида Бехзод имзоси бор: «Султон Ҳусайн саройида зиёфат» (кўш расм), «Доро ва отбоқарлар», «Масжиддаги баҳс», «Олимлар суҳбати», «Зулайхонинг Юсуфга илтижоси» номли расмлар Бехзод томонидан яратилган; Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари қўлёзмасининг (1467, АҚШ, Балтимордаги Жон Хопкинс университетида) хаттот Шерали кўчирган нусхасидаги 12 та миниатюранинг 8 таси (XV асрнинг 90-йиллари) Бехзод асаридир. Расмларда расмий қабул, жанг лавҳалари, қалъа қамали билан бир қаторда, Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди қурилишини тасвирловчи кўшалоқ расм ҳам мавжуд; Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг хаттот Султон Муҳаммад Ҳйп кўчирган нусхасига (1528, Ҳирот, Техрондаги Салтанат кутубхонасида) Бехзод расмлар чизган; Низомийнинг «Ҳамса» асари нусхасига (1442, Лондондаги Британия музейида) 1493—1535 йиллар давомида ишланган 19 та миниатюрадан 3 таси Бехзод ижоди маҳсули: «Лайли ва Мажнун қабилалари жанги», «Суворийлар жанги» ва «Баҳром Гўрнинг аждар билан олишуву». Буларда «Саварраҳу алабд Бехзод» деган ёзув бор. Низомийнинг «Ҳамса» асари нусхасидаги (1494, Лондондаги Британия музейида) 22 та расмдан 7 тасида Бехзод номи қайд этилган; Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достони қўлёзмасига (1495, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин номидаги халқ кутубхонасида) Бехзод «Лайли ва Мажнун мактабда», «Дўстлари ва отаси Мажнунга насиҳат қилмоқдалар» номли расмларни чизган; Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонининг Султон Муҳаммад Ҳиравий кўчирган қўлёзмаси (Санкт-Петербург) да Бехзодга нисбат берилган «Мадрасадаги баҳс», «Лайли ва Мажнун мактабда», «Лайли ва Мажнун саҳрода», «Мажнун Лайлининг ити билан» ва



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

«Мажнуннинг элчиси Лайли ҳузурда» номли миниатюралар бор; Саъдийнинг «Гулистон» асари қўлёзмасининг (1486, Гарварддаги Фогт санъат музейида, собиқ Ротшилд мажмуасидан) хаттот Султонали Машҳадий кўчирган нусхасига Беҳзод 2 та расм ишлаган; Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳамса» асари қўлёзмасидаги (1495, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) 13 та расмнинг 4 тасида Беҳзод асарларига хос хусусиятлар мавжуд; «Султон Ҳусайн боғда» қўшалок расм (1485—1490, Техрондаги Гулистон музейи, мураққада); «Чол ва йигит» расми (Нью-Йоркдаги Кеворкян мажмуасида); «Туялар олишуви» расми (Техрондаги Гулистон музейида); Султон Ҳусайн портрети (Швециядаги Ф. Мартин мажмуасида); Муҳаммад Шайбонийхон портрети (Тимкен Бурнет мажмуасида); Абдурахмон Жомий портрети (Эрондаги Ризо кутубхонасида); «Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий» қўшалок расм (Санкт-Петербургда). Булардан ташқари, Беҳзод асарлари Хаварнақ қасрининг қурилиши (Низомийнинг «Ҳамса» асарига Беҳзод ишлаган миниатюра), кутубхоналари, қўлёзма фондлари, музейлари ва шахсий мажмуаларда ҳам мавжуд. Устод санъаткор сифатида Беҳзод Ҳирот ва Табризда қатор шогирдларни тарбиялаб етказди. Шогирдлари унинг анъаналарини бутун Ўрта Шарққа ёйдилар. Беҳзод анъаналари кейинги давр рассомлари ижодига ижобий таъсир кўрсатди.

Бибихоним (асл исми Сароймулкхоним, 1341—1408) — Амир Темурнинг катта хотини, Чигатой улуси хони — Қозонхоннинг қизи. Дастлаб амир Қозонхоннинг набираси — Ҳусайн ибн Мусаллабга (1355), кейин (Ҳусайн қатл этилгач) Амир Темурга никоҳланган (1370). Шу боис, Амир Темур «Қурагон» унвонига мушарраф бўлади. Зотан хон авлодига мансуб Сароймулкхоним ҳарамдаги барча маликалардан улуғ ҳисобланиб, «Катта хоним» ёхуд «Бибихоним» деган унвонга ноил бўлади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бибихоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор, маслаҳатдон ва етук ақл-заковат соҳибаси, шунингдек, ҳусн-латофат бобида ҳам беназир эди. Бибихоним инсонпарвар, ватанпарвар, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор берар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида кўпинча ҳамроҳлик қилган. Бибихоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Бибихонимга ошқора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган.

Бибихоним ўз жамғармаси ҳисобидан Самарқандда улкан мадраса қурдирган.

Бибихоним фарзанд кўрмаган бўлса-да, Соҳибқирон ўз набиралари — Муҳаммад Султон, Халил Султон, Улуғбек ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Бибихоним тарбиясига топширган эди.



Самарқандда Амир Темур Бибихонимга атаб қурдирган Бибихоним жоме масжиди мавжуд. Бибихоним ҳақида халқ орасида кўплаб ривоятлар сақланиб қолган. (Турғун Файзиев).

Бобур – Бобур (тахаллуси; тўлиқ исми **Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо**) (1483.14.2, Андижон – 1530.26.12, Агра) — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир; тарихчи, географ; давлат арбоби, истеъдодли саркарда. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машхур тарихнависолимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис газал ва рубоийлари туркий шеърининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисоласи эса ислом қонуншунослиги, шеъринг ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоғажиянлар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият улуғ боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр кўйган Бобур барча Темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йили отадан етим қолди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан мурасага келиш учун унга ён беришга – Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қилди ва ўзи Самарқанд учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғинбаротдан бошқа бирор натижа бермади: унда катта ҳарбий куч билан аралашган Шайбонийхоннинг қўли баланд келди ва Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505–1515 йилларда у Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 1519–1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун бир неча бор жанглар олиб борди. 1526 йил апрель ойида Панипатда Ҳиндистон Султони Иброҳим Лўди билан ва 1527 йили март ойида Читор ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Деҳли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди.

Бобур бу ғалабадан кейин узоқ яшамади – 1530 йилнинг декабрь ойида Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ, унинг васиятига кўра, фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.

Бироқ қисқа бир вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсга ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий, руҳий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учунаҳамияти ҳақида Жавоҳарлал Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта сил-жишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди».

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда, ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар, асосан, уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми – XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни, иккинчи қисми – XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми – XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўздан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

«Бобурнома»ни варақларканмиз, кўз олдимиздан Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат ва нуқсонлар, уларнинг тафаккур олами кенглиги ва мураккаблиги билан бирга, ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. «Бобурнома»да келтирилган бу



тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солих, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фаришта, Абул-фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукамал ёритилган эмас. Муаллиф «Бобурнома»да Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Беҳзод, Улуғбек Мирзо ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг энг юқори фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

«Бобурнома» – Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга, жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзига қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари «Бобурнома» мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж. Лейден, В. Зрскин, Р. Коддекот, А. Бевереж, Т. Албот, германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, ҳиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, туркиялик Р.Р. Арт ва Н.И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулҳай Ҳабибий, покистонлик олимлар Рашид Ахтар, Надви ва Шоҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. «Бобурнома»ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари қаторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX–XX асрлар давомида Георг Кер, Н. Илминский, О. Сенковский, М. Сале, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, В. Зоҳидов, Я. Ғуломов, Р. Набиев, С. Азимжонова, А. Қажомов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди («Маънавият юлдузлари» (Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999) китобидан олинди).

Бозилгон – савдогарлар.

Бойсунқур Мирзо – Шоҳрух Мирзонинг ўғли Мирзо Бойсунқур 1397 йил 16 октябрда дунёга келган. У зеҳли, ақлли, доно бола бўлган, ўқиш ва ёзишни жуда барвақт ўрганган. Бойсунқур 17 ёшга тўлганда отаси унга Тус, Машҳад, Абивард, Шумулқон, Ҳабушон, Нисо, Мозандарон, Астробод, Журжон вилоятларининг ҳокимлигини топширади. 1416 йили у отасининг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

вазири мансабига кўтарилади. Ёш бўлса ҳам, у давлат ишларини моҳирлик билан олиб боради. Отаси сафарга кетганида, унинг ўрнига ноиблик ҳам қилади. Биродари Улуғбек сингари Бойсунқур ҳам илми ва фазилатлари билан танилади. Бойсунқур Мирзо Ҳиротда улкан кутубхона таъсис этади. Унда қирқ нафар етук ҳунарманд: хушнавис хаттот Мавлоно Жаъфар Табризий раислигида китобат билан машғул бўлиб, китобатга лозим бўлган варроқлик, саҳҳофлик, тасвир, тазҳиб, тажлид, вассолик, зарафшонлик ва бошқа нафосат, бадиий санъат ижоди билан банд бўлганлар. Мавлоно Жаъфар Табризий Бойсунқур Мирзо кутубхонасининг раиси, настаълик хатининг ижрочиси, Мир Алининг шогирди эди.

Мирзо Бойсунқур ташкил этган кутубхона ва нигорхонасида қуйидаги наққош ва хаттот, мусаввирлар ишлар эди: Мавлоно Шамс Бойсунқурий хаттотликда Бойсунқур Мирзонинг устози, олти нав ёзувини мукамал билган етук хаттот Халил Ҳаравий Бойсунқур Мирзо тарбиясини олганлардан, у чизган Амир Темур сурати бизгача етиб келган.

Қавомиддин Шерозий – Шоҳрух Мирзо замонининг машҳур муҳандиси, меъмори ва тарроҳи эди.

Ўша давр тарихнависларининг эътирофига кўра, шу 40 нафар ҳунарманд ўз ҳамдаст ҳам пешалари билан ҳар бири замон ажибаси, даврон нодираси бўлган. Бойсунқур Мирзо кутубхонасини йирик нафис санъат академияси деса ҳам бўлади. Чунки бу ерда фақат китоб кўчириш билан шуғулланибгина қолмай, нодир қўлёмаларнинг илмий-танқидий матнини тиклаб, тасвирли альбомлар ҳам тузганлар.

Бойсунқур бошлиқ ҳунар эгалари Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини турли қўлёзма нусхаларини тўплаб, биринчи бор тўлиқ ва мукамал нусхада кўчирганлар. Мазкур қўлёзма Жаъфар Табризий томонидан 1425–1430 йиллари кўчирилиб, мусаввирлар уни йигирмата сурат билан безаб тасвирлайдилар.

Бойсунқур Мирзо «Шоҳнома»нинг бу нусхасига муқаддима ёзади ва бу адабиёт тарихида «Бойсунқур муқаддимаси» номи билан машҳурдир.

Бойсунқур Мирзо олти хил ёзувни мукамал билган хаттот ҳам бўлган. Машҳаддаги онаси шарафига қурилган Гавҳаршодбегим масжидидаги ёзувларни унинг ўзи ёзган. Бойсунқур Мирзо кутубхонасида яратилган ўша давр тасвирий санъати дурдоналари бўлмиш тасвирли китоблар ҳанузгача топилмасдан келар эди. Ғарбий Европа ва Шарқ санъатшунос олимларининг тадқиқотлари натижасида мазкур қўлёзмалардан баъзиларининг сақланаётган жойлари аниқланди. Улар гарчи турли мамлакатларга тарқалиб кетган бўлса ҳам, кутубхонадаги баъзи китоблар бизгача етиб келган. Ҳозирги кунда Бойсунқур кутубхонасида яратилган китобларнинг аксари Истанбул ва Техрон музейларида сақланмоқда.

БОЯЗИД I Йилдирим (1359–1403) – Усмонлилар сулоласига мансуб Туркия султони (1389–1402), султон Мурод Йилдирим (Усмонлилар империяси) (1359–1389)нинг тўнғич ўғли, султон Ўрхон Йилдирим (1326–1359)нинг набираси. Отаси Косово жангида ҳалок бўлгач, 30 ёшида тахтга ўтирган.



Боязид ота-боболари сиёсатини давом эттириб, тез орада Дунайбўйи давлатларини ўзига бўйсундирди. Сўнг, Византия императори Иоанн (Жан) билан унинг ўғли Андроник ўртасидаги ихтилофдан фойдаланиб, Андроникка ҳарбий ёрдам кўрсатди-да, уни Византия тахтига ўтказди, Иоанни эса зиндонга ташлади. Аммо, икки йилдан сўнг (1394) Андроникни тахтдан тушириб, Иоанни яна тахтига ўтказди. Шундай қилиб, Боязид Византияни бутунлай ўзига қарам қилиб олди. Боязид 1395–1396 йилларда Болгария, Македония, Фессалияни фатҳ этди, Грецияга бостириб кириб Аргос шаҳрини бутунлай вайрон қилди, Болқон архипелагидаги оролларга чопқин қилиб, Морея ва Венгрияга таҳдид сола бошлади. Шунда Богемия ва Венгрия қироли Сигизмунд I (1368–1437) турли мамлакатлардан катта кўшин тўплаб Боязидга қарши юриш қилди, аммо 1396 йил 28 сентябрда Никополь шаҳри ёнида (Дунай бўйида)ги жангда тор-мор келтирилди (қаранг Салиб юришлари). Жангдан сўнг, Боязид асир олинган 3 минг кишини қатл эттирди. Боязид бу йирик ғалаба туфайли Босния, Венгрияни ҳам қўлга киритиб, Болқон ярим оролида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Боязид 1402 йилда бўлиб ўтган Анқара жангида Амир Темур томонидан бутунлай тор-мор этилди ва кўп ўтмай вафот этди.

Вақф – мачит, мадраса таъминоти учун ажратилган даромадли ер, бинолар, дўконлар, тегирмон ва ҳоказолар.

Волий – ҳоким, вилоят ҳокими.

Воқеанигор – элчилик таркибидаги шахс бўлиб, тарихий учрашувлар, воқеалар, бўлиб ўтган ҳодисаларни ёзиб борган.

Гавҳаршодбегим – (1379–1457) Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг рафиқаси, темурий малика. Малика Амир Темурнинг нуфузли амирларидан бўлган Ғиёсиддин Тархоннинг қизи бўлган. Ғиёсиддин Тархонга тархон ёрлиғи шахсан Амир Темур томонидан берилганига кўра, бу оила Темурийлар салтанатида катта нуфуз ва обрўга эга бўлган.

Гавҳаршодбегим ҳокимиятга табиати мос бўлиб, салтанатни Шохрух Мирзо билан тенгма-тенг бошқарган. У дунёга машҳур Мирзо Улуғбек ва Бойсунқур Мирзоларнинг волидасидир.

Бугунги кунда баъзи Ғарб олимлари Бойсунқур Мирзони Мирзо Улуғбекдан кўра иқтидорли ва кенг кўламли ишлар қилганини таъкидламоқдалар. Унинг Муҳаммад Жўки номли ўғли ва иккита қизи ҳам бўлган.

Унинг акалари Ҳиротнинг машҳур қозилари бўлиб, бу маликанинг ўзи Темурийлар тарихида катта из қолдирган.

Гавҳаршодбегим ва Шохрух Мирзо ҳамкорликда саройга дунёнинг энг машҳур олимлари, хунармаңдлари, рассомлари, меъморлари, файласув ва шоирларни тўплаганлар ҳамда уларга ҳомийлик қилганлар. Ҳирот ҳам Амир Темур давридаги каби форсий-туркий, арабий маданиятни бирлаштирган муҳим маданият ўчоғига айланган ва Бобурийлар даврида ҳам шу анъана давом этган. Шахсан Гавҳаршодбегим ҳомийлиги остида Ҳиротда масжид, мадраса ва азиз-авлиёлар зиёратгоҳларига атаб меъморий мажмуалар



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қурилган. Гавҳаршодбегим фармонига биноан Ҳиротда аёлларга атаб мадраса бунёд этилган.

2003 йилда Кобудда очилган аёллар университетига Гавҳаршодбегим номи берилган.

Гуфту шунуфт – савол-жавоблар.

Даҳона – чегарадан ўтиш дарвозаси.

Девон – 1. Тўплам (шеърӣ). 2. Давлат қирим-чиқимлари ёзилган дафтар. 3. Қирим-чиқимлар ёзиладиган дафтархона бошлиғи. 4. Давлат маҳкамаси. 5. Молия ва солиқ вазири.

Дипломатия – юнонча «икки букилган қозоғ» маъносини англатади.

Дипломатик протокол – ўрта асрларда ҳужжатларни расмийлаштириш тили тушунилган бўлса, бугун у кенг тушунчани ўзида ифода этади. У, умуман, дипломатия ва дипломатик хизматларни қамраб олувчи тушунчадир. Дипломатик протокол ҳужжатларни расмийлаштириш билан бирга дипломатик этикет ва тантаналарнинг олиб борилиш қоидаларини ҳам қамраб олувчи атамадир. Бу соҳа йилдан-йилга сиёсий сабаблар ва фан-техника ютуқлари, халқаро ҳаёт ўзанининг ўзгариб бориши билан ўз кўламини кенгайтириб бормоқда.

Додхоҳ – адолат талаб қилувчи амалдор, кишининг арзига қулоқ солувчи, адолат кўрсатувчи.

Доруға – туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими.

Доғи – тағин, яна, ҳамда.

Ём (ёки **ёмхона**) мўғуллар ва теурийлар даврида тахминан ҳар бир кунлик йўлда элчилар, чопарлар ва давлат арбобларининг тўхташ жойи. Бу ерда озиқ-овқат, тунаш учун жой, от-уловига ем-хашак берилган. Йўлни тез босиб ўтишлари учун бекатларда уларнинг отлари бошқа дам олиб, махсус тайёрланганига алмаштириб берилган. Бу ердаги махсус соқчилар гуруҳи элчиларни ва давлат арбобларини тантана билан иккинчи манзилга етказиб қўйганлар.

Ёрлиғ – фармон.

Жиҳодсиз – урушсиз, уруш қилмасдан.

Жубба – шайхлар қиядиган бўйи ва енги узун махсус тўн, жуббаи Наврўзи – Наврўз айёмида қийиладиган янги тўн.

Жуз – бошқа, ўзга.

Зиммийлар – ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатда яшаб турувчи бошқа динларга мансуб кишилар; улар мусулмонлар билан тенг ҳимоя этилган.

Ибн Арабшоҳ – Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим (1389–1450)нинг «Ажойиб ал-мақдур фи ахбори ат-Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») асари Амир Темур даврига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланади. 1401 йилда Амир Темур Дамашқни забт этган вақтда ибн Арабшоҳ 12 ёшда эди. У бу пайтда Амир Темурга холисона ва тўғри баҳо бериш лаёқатига эга эмас эди. У 1401 йилда асир сифатида Самарқандга келтирилган.



Ибн Арабшоҳ олим ва ёзувчи сифатида Самарқандда камол топган. У Самарқанддаги мадрасада форс ва турк тилларини ўрганади, фан ва маданият сирларини эгаллайди. Кейинчалик ўзи олган билимлари орқали таржимонлик билан ҳам шуғулланади.

Халил Султон даврида унга ўз ватанига қайтишга рухсат берилган, Халил Султон тахтдан кетгандан кейин Самарқандни тарк этиб, 1412 йилда у Қримга етиб боради, Қримдан Эдирнага ўтади ва ўн йил давомида Усмонли султони Мехмет I саройида хизмат қилади.

Ибн Арабшоҳ 1419 йилда Амир Темур даври тарихини ёзиб қолдирган. Бу асар Амир Темурга нисбатан салбий ва душманлик муносабатида, манба ва далилларга кам асосланиб, ўзининг ички субъектив таассурот ва муносабатлари асносида ёзилган, бу асарда Амир Темурнинг шаънини ерга уриш, уни тарих саҳифаларида йиртқич ва қонхўр, золим подшоҳ сифатида қолиши учун атайлаб ғаразли ниятда ёзилган бўлса ҳам ундаги баъзи маълумотлар салтанат тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Унинг кўлёзма асари 1636 йилда Лейденда араб тилида чоп этилган, 1658 йилда Ватъе таржимаси асосида Парижда француз тилида («*L'histoire du grand Tamerlan*») чоп этилади. 1812 ва 1818 йилларда Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ансори Яманий таҳрири остида Калькуттада «*History of Timur*» сарлавҳаси билан босилади.

Асрлар оша бу китоб дунёнинг жуда кўп қисмида чоп этилиб, қўлдан-қўлга ўтиб бормоқда. Баъзи тарихчилар ибн Арабшоҳнинг ана шу ноҳолис маълумотлари асосида Амир Темурга баҳо бериб келмоқдалар, аммо шунга қарамай, унинг тарихи ва фаолияти ҳақида ҳолисона ёзилган ишлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурни атайлаб қоралашни ният қилган бўлса ҳам, ўзи билмаган ҳолда Амир Темурни иродаси мустаҳкам, қаттиққўл ва адолатли давлат раҳбари эканлиги, давлатни қонунларга асосланган ҳолда бошқаргани ҳамда ўзи шоҳид бўлган воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган.

Жумладан, у ўз китобида: «Темур ўз ғойиблигида мамлакати ва раияси ишларида нелар юз берганини суриштириб, еру мулклари масалаларини диққат билан ўргана бошлади ва ҳокимларига йўл-йўриқлар кўрсатди; атроф ва чегаралар, теварак-четлар фойдаси тадбирини кўриб, каттаю кичикнинг ғамини еб, бою фақирнинг манфаати билан машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозосига кўра барча ашёларни ўз ўрнига қўйиб, жами мансабу мартабалар жилвини ўшанга сазовор кишилар қўлига тутқаза бошлади. У сайидларни эъзозлаб, каромат соҳиблари (бўлган) авлиёларни иззату икромли қилди, илму фан ва унинг аҳллари ҳурматини ошириб, уларга мурувватини сочиб, мартабаларини улуғлади...» каби фикр-мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтган эди.

Иброҳим Султон – Ёш ва шижоатли темурийзода салтанатининг Форс вилоятида йигирма йилдан ортиқ ҳукмдорлик қилган. Мазкур даврда Шерозда (Сарипуле Жакеном деган жойида, 1420 йил) «Мадрасаи дор ус-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

сафо» номли мадраса, «Дор ул-эйтомий» (етимхона) каби бинолар ва боғ барпо қилгани маълум. «Васоқи шоҳ Мансур» номи билан машҳур бўлган мазкур боғ кейинчалик ҳукмдорларнинг қабуллар маросими ўтказиладиган жойга айланган.

Шерозда Иброҳим Султон томонидан, шунингдек, темурийлар даврининг йирик кутубхоналаридан бири ташкил қилинган. Умуман, Иброҳим Султон ҳукмронлиги давридаги тинч ҳаёт Шерозни ҳар томонлама юксалиб, Темурийлар давлатининг фан ва маданият марказларидан бирига айланишининг бош омили бўлган эди. Хусусан, бу тўғрида Абрдураззоқ Самарқандий 1419 йил воқеалари баёни ҳақида ёзар экан: «Шу йил Форс мамлакати <Аллоҳ Иброҳимни ўзига дўст тутди> [деган оят] сирининг муфассири ва <Бу – биз Иброҳимга, унинг қавмига қарши ато қилган хужжатимиздир, биз хоҳлаган кишимизнигина юқори даражага кўтарамиз> [деган оятнинг] ҳаққонийлигига мисол бўлмиш олийжаноб шаҳзода, Муизуддунё ва-д-дин Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султоннинг қутли адолат – марҳамати кўмагида ғоят обод ва камоли хотиржамликда эди», – дейди.

Унинг бевосита иштироки ва кўрсатмаларига биноан Темурийлар тарихини ўта тантанаворлик ва бадиий бўёқларга бой тарзда ёритиш аънарасига асос солинган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари яратилди. Туркий адабиётнинг йирик вакилларида бири Ҳофиз Хоразмий ҳам Иброҳим Султон даврида унинг ҳомийлиги остида ижод қилган. Мазкур даврда шаклланган тарихнавислик ва адабий аъналарнинг таъсири ХХ асрга қадар бўлган даврда яратилган туркий ва форсий тилдаги адабий ва тарихий асарларда сезиларли даражада намоён бўлиб туради.

Шунингдек, Иброҳим Султоннинг номи хаттотлик санъати соҳасидаги қолдирган асарлари боис сулс хатининг устозлари қаторида қадрланади. Бу соҳани у Форс вилоятига келган пайтларида Пир Муҳаммад Шерозийдан ўрганган. Иброҳим Султон кўчирган бир нечта Қуръон нусхалари ҳозирда Эрон қўлёзма фондларида сақланади. Жумладан, Гулчин Маъоний Иброҳим Султон томонидан 1423 йили сулс хатида кўчирилган Қуръон нусхаси Остони Қудси Ризавий кутубхонасида мавжудлиги, лекин унинг 16 варағи етиб келганини қайд қилади. Яна шу муаллифнинг билдиришича, райҳоний хатида амирзода томонидан кўчирилган Қуръоннинг бошқа бир нусхаси ҳам мазкур фондда сақланган бўлиб, тартиб рақами ўзгариб кетган.

Иброҳим Султон томонидан кўчирилган Қуръоннинг учинчи қўлёзмаси 1937 йилгача Шероз шаҳридаги «Қуръон дарвозаси»да сақланиб келиниб, кейинчалик Порс музейи ихтиёрига ўтказилган. Ушбу нусха икки жилддан иборат бўлиб, «Қуръони хафтдаҳ ман» деб ҳам аталади. Гарчи Қуръон ҳозирда Порс музейида сақланаётган бўлса ҳам, аҳоли ўртасида яхши ният билан ойнанинг бошида шаҳардан чиқаётиб «Қуръон дарвозаси»дан ўтиш орқали руҳий покланиш аънаси сақланиб қолган. Булардан ташқари, темурийзода томонидан кўчирилган яна бир Қуръон қўлёзмаси Метрополитен музейида сақланиши ҳақида тасдиқланмаган маълумотлар мавжуд.



Иброҳим Султон шеър ҳам ёзган бўлиб, унинг шеърӣй тўплами бизга қадар етиб келган. Мазкур шеърӣй тўпламга Шарафиддин Али Яздӣй томонидан муқаддима ёзилгани маълум.

Унинг ҳомӣйлигида туркий ва форс адабиётининг ажойиб намуналари яратилди ва нодир нусхалари кўчирилди. Иброҳим Султон ҳукмдор ва иждокор сифатида мунтазам тарзда адабий анжуманлар ўтказиб турган. Бу тўғрида Шарафиддин Али Яздӣйнинг «Зафарнома», «Хулаъли мутарраз дар фани муаммо ва луғаз», «Мунтахаби хулаъл» асарлари ва Исмаът Бухорӣй қасидалари, Ҳофиз Хоразмӣй «Девон»и кабиларда қайдлар учрайди.

Иброҳим Султон 1435 йил 4 майда касал бўлиб, 42 ёшда вафот этади. Қисқа умри давомида Форс вилоятининг ҳукмдори сифатидаги фаолияти илм-фан, адабиёт ва санъат соҳалари вакиллари томонидан юксак қадрланган (**Жалолиддин Жўраев**).

Ингисоб – нисбат, тегишли, тааллуқли.

Иоанн (Жан) де Галонифонтибус – **Иоанн (Жан) III** — 1398 йилдан Султониянинг саккизинчи архиепископи, доминикан; дипломат, сайёҳ ва ёзувчи бўлиб, бир нечта шарқ тилларини мукамал билган.

1398 йилнинг 26 августида папа Бонифаций IX Римдаги роҳиблардан бири Иоанни султония архиепископи лавозимига тайинлаган. Бу даврда Султония Амир Темур давлати тасарруфига кирарди. Иоанн (Жан) Султонияга келиб, 1402 йилда Амир Темурнинг Анқара жангидаги ғалабасидан кейин Европа қиролларига Амир Темур томонидан элчи сифатида юборилган.

У Венеция ва Генуяга ташриф буюрган, 1403 йилда Парижда бўлган, кейин Лондонга ўтиб Европанинг машҳур қироллари билан шахсан учрашган ҳамда Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳ Мирзонинг тенг манфаатли савдо-сотик ва дипломатик муносабатларни ўрнатиш таклифларини изҳор этган.

У 1407 йилда Венецияга ташриф буюрган, 1408 йилнинг ёзида Пизага келган, учрашувдан кейин Пиза собори қатнашчилари билан бирга Венгрияга ташриф буюрган. У кейинги йилларда қирол Сигизмунд ва Амир Темурнинг икки ўғли Мироншоҳ ва Шоҳрух Мирзо ўртасида дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатларни кучайтиришда фаол ҳаракатлар олиб борган. У 1410 йилда Римга келган ва Пекин (Хонбалик) шаҳрининг бош архиепископи этиб тайинланган. У 1423 йилда Эрондан Қримга ўтган ва у ерда Қрим епархиясини бошқарган ҳамда умрининг сўнгги дамларини шу ерда ўтказган.

Иоанн (Жан) – «Дунёни англаш китоби» (*Libellus de notitia orbis*) асарининг муаллифидир. Бу китоб 1404 йилда ёзилган. Унинг жами учта қўлёзма асари етиб келган бўлиб, улар Кавказ, Кичик Осиё, Амир Темур давлати ва бошқа ҳудудларга оид қизиқарли ҳамда бошқа манбаларда кам учрайдиган маълумотларни беради.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

У Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган ва тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган. «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» асарининг муаллифидир.

Иртиқоб – 1) бирор ноўрин ишга киришиш; 2) бир ишга киришиш.

Итмол – қисқа, мухтасар сўз.

Ихрож – чиқариш, ҳайдаш, сургун қилиш.

Кониғил – Самарқанд яқинидаги мавзе.

Кулли – бутунлай.

Лангар (ёки лангархона) йўловчилар ва мусофирлар тунайдиган жой; хонақоҳ; бу ерда камбағал, егим-есирларга овқат берилган.

Мажолис ун-нафоис – Алишер Навоийнинг насрий асари, нафис, яхши кишиларнинг мажлислари.

Мазбут – 1) забт этилган; 2) хотирада сақланган; 3) қайд қилинган; 4) муҳофазаланган.

Макорим ул-ахлоқ – тарихчи Гиёсиддин Хондамирнинг асари. Хурматли, намунали ахлоқлар соҳиби.

Масриф – сарф, харажат, чиқим.

Мафосил касали – ревматизм.

Машойих – шайхлар, кексалар.

Миграция – халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, аралашуви.

Миод – белгиланган муддат-вақт.

Мирбахш – ҳарбий соҳа вазири.

Мирзо (кейинчалик Султон) Муҳаммад ибн Шоҳрух ибн Темур Улуғбек Кўрагон – Темурийлар давлатининг ҳукмдори, Шоҳрухнинг ўғли. Буюк астроном (юлдузшунос) ва математик.

Улуғбек 1411 йилдан 1449 йилгача ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Жанубий Қозоғистон, Эрон ва Афғонистон Туркистонда ҳукмдорлик қилган.

Мирзо Улуғбек XV асрнинг нобиғаси, Амир Темурнинг сеvimли набираси ва Шоҳрух Мирзонинг ўғли бўлиб, асл исми Муҳаммад Тарағайдир. Ёшлигидан уни «Улуғ бек» дея иззат қилишган ва ёш шаҳзода кейинчалик айни шу ном билан машҳур бўлган. Хат-савод, диний ва дунёвий илмларнинг асослари ёш Муҳаммад Тарағайга бегона эмас эди. У Буюк Юлдуз билимдони ва риёзидон бўлган, Қуръони каримни ёддан билган. Улуғбекнинг онаси Гавхаршодбегим бўлса ҳам, Темур саройида ҳукм сурган анъанага кўра шаҳзода Соҳибқироннинг катта хотини Сароймулкхоним тарбиясига топширилади. 3–4 ёшларидаёқ шайх Ориф Озарий унга мураббий қилиб тайинланади. У ёшлигини, кўпинча, Ўрта Шарқ ва Ҳиндистонда ўтказган бўлиб, Амир Темур ўлимидан кейин Самарқанд, яъни Кошғарли Маҳмудга кўра Самизкентда жойлашган. Кейинчалик отаси Шоҳрух Мирзо Ҳиротни ўз давлатининг бошкенти этиб тайинлагач, ўн олти ёшлик Улуғбек 1409 йилда Самарқанд бошчиси бўлиб, 1411 йилда эса Мовароуннаҳр хонликларининг эркин ҳукмдори бўлган.



Темур вафотидан сўнг темурийлар ўртасида ҳокимият учун жанг авж олди. Курашлар натижасида Хуросон ва Мовароуннаҳрда икки мустақил давлат юзага келди. 1409 йилда Улуғбек маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлди. Улуғбек бобоси каби ҳарбий юришлар қилмади. 1425 йилда Шермуҳаммадхонни енгиб, 1427 йилда Бароқхонга мағлуб бўлгач, 20 йил мобайнида ҳарбий юришлар амалга оширилмади.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд гуллаб-яшнади. Унинг фармойиши билан 1417 йилда Бухорода, 1420 йилда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар барпо этилди. Марв шаҳрида хайрия муассасалари қурилди. Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли қурилишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, Улуғбек карвонсарой, тим, чорсу, ҳаммом каби талай жамоат бинолари ҳам барпо эттирган. Самарқанддаги XV аср меъморчилигининг нодир намуналаридан бири Улуғбек расадхонасидир. Бу иншоот Улуғбек фармойиши билан 1428–1429 йилларда Кўҳак тепалигида бунёд этилган.

Улуғбек илм-фан оламида буюк астроном сифатида машҳур. Бу борада у амалга оширган энг буюк иш «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган астрономик жадвал саналади. Улуғбек тиббиёт ва мусиқага қизиққан, шеърлар ҳам ёзган. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида унинг шеърларидан намуналар келтирилган. Олимдан бизга 4 та асар мерос қолган: 1) «Зижи жадиди Кўрагоний» — астрономияга оид; 2) «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола» — математикага оид; 3) «Рисолайи Улуғбек» — юлдузларга бағишланган; 4) «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») — тарихга оид.

У 1437 йилда 994 юлдуз тўпламига «Зижи султоний» асарида тартиб берганки, у ҳозирги пайтда ҳам юлдузлар билими соҳасида дунёнинг энг буюк асарларидан бири саналади. Ушбу асар 1665 йилда Оксфордда Томас Ҳйде томонидан, 1843 йилда Франция Баиллй томонидан ва 1917 йилда Эдвард Балл Кнобел томонидан таҳрир қилиниб босилган. Улуғбек бир йилни 365 кун, 5 соат, 49 дақиқа ва 15 сония деб белгиллаган. Ушбу ҳисобда у фақатгина 25 сония хато қилган экан. Улуғбек ер юзини ўрталик каллигини 23,52 даража деб белгиллаган ва у юз йиллар бўйича энг тўғри ва аниқ ўлчам деб топилган.

Учбурчаклар билимида эса Улуғбек соя ва танжонт қийматларини саккиз ўнлик каср ва саккиз хона аъшорьягача аниқ белгиллаган.

Улуғбек даврида кўпгина асарлар араб ва форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. У ташкил этган кутубхонада 15000 дан ортиқ китоб бўлган.

Отаси Шоҳрух Мирзо вафотидан кейин Улуғбек Балхга юриш қилди, чунки Мирзо Алауддавла ибн Бойсунқур Мирзо Ҳиротдаги темурийлар ҳукмдорлигига даъвогарлик қилган эди. Мурғобда бўлиб ўтган тўқнашувда Улуғбек ғолиб бўлиб, Ҳирот томон ҳаракат қилди, аммо Алауддавлянинг акаси Мирзо Абулқосим Бобур билан бўлган тўқнашувда мағлубиятга учраб, Балхга қайтиб келгач, ўз ўғли Абдуллатифнинг фитнаси туфайли 1449 йилнинг 27 октябрида, яъни 55 ёшида Самарқанд яқинида ўлдирилди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Удугбекнинг яқинларидан бири Абдуллоҳ, уни Самарқанднинг Амир Темур мақбараси зиёратгоҳига келтирган. 1830 йилда олмон юлдузшунослари Йоханн Ҳайнрих фон Мадлер ойда бор бўлган кратерларнинг бирини Удугбек номига мусаммо қилди.

Мири шикор – овчилар бошлиғи.

Мири сомон – ишлаб чиқариш ва омборхоналар ишлари вазири.

Моли омон – бўйсундирилган ерлар халқидан уларга омонлик берилганлиги эвазига олинган солиқ, контрибуция.

Мударрис – дарс берувчи, мадраса муаллими.

Мужиби интибоҳ – огоҳланиш сабаби, огоҳ этувчи.

Мужиби тарвиж – ривожланиш сабаби.

Мулозим – подшоҳ ёки бирор амалдорнинг ёнида доим хизмат этувчи, бирга юрувчи.

Муншаот – кичик насрий асарлар, хатлар тўплами.

Мунши – ёзувчи, котиб.

Мустахлас – халос этиш, озод этиш.

Мутағаллиба илги – зўрлик билан қўлга олувчи.

Муҳаммад Кеший – Амир Темурнинг Кастилия қироли хузурига юборган элчиси.

Наввоб – ўринбосар, навбатчи.

Найи килк – нозик ва чуқур маъноли сўзларни ёзувчи қамиш қалам.

Низомиддин Абдул Воси Шомий – Амир Темур даврининг забардаст тарихчиси. Унинг Шомий ёки Шанби Ғозоний нисбаси асосида, у аслида Табриз чеккасидаги Шанби Ғозон деб аталган мавзедан бўлган, деб тахмин қилинади. Мавлоно Низомиддин 1398 йилнинг август ойида Амир Темур лашкарлари Бағдод шаҳрини забт этганликлари ҳақидаги воқеаларни қаламга олар экан, ўзи биринчи бўлиб шаҳардан чиққанлиги, ҳазрат Соҳибқирон билан учрашиб, суҳбатида бўлганлигини эслатиб ўтади. Шомийнинг маълумотга кўра, ҳижрий 804 йили (1401 йил 11 август – 1402 йил 1 август оралиғи) Амир Темур уни хузурига чорлаб, ўз юришлари битилган йирик бир асар яратишга ундаган. Соҳибқирон ўша даврга қадар мунший ва котиблари тарафидан тузилган битиклар уни қониқтирмаганлигини айтган. Ёзилажак асар бир томондан, авом халққа тушунарли, содда, равон тилда ва айни пайтда маърифатли кишилар эътиборига ҳам лойиқ тарзда ёзилишини уқтирган. Мавлоно Низомиддин бу масъулиятни ўз бўйнига олган.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари Амир Темур фаолиятининг барча қирраларини ёритувчи биринчи манбадир. Унда мўғуллардан бошлаб токи Амир Темургача ўтган хонлар, воқеалар қисқа ва лўнда қаламга олинган. «Зафарнома» 1404 йилнинг март ойида поёнига етказилган. Шомий Амир Темурнинг юришларини алоҳида ёритган, бунда оғзаки ва ёзма манбалар инобатга олинган. Шунингдек, Амир Темурнинг ўзи айтган воқеалар ҳам бу китобга киритилган.



Амир Темур тарихининг давоми ва унинг ҳаётининг сўнгги йили унинг ўғли Шохрухнинг амрига мувофиқ 1411–1412 йилларда буюк тарихчи Ҳофиз Аbru томонидан ёзилган ва у алоҳида «Мажмуа» тарзида киритилган.

Шомий «Зафарнома»сининг фақат икки қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчиси, Амир Темурга тақдим этилган қўлёзмадан 1425 йилда кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истанбулдаги «Нури Усмания» масжиди кутубхонасида, 3367-инвентарь рақами остида мавжуд. Иккинчиси, муаллиф Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар Баҳодир ибн Мироншоҳ (вафоти — 1409)га тақдим этган қўлёзмадан 1434 йили кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги Британия музейи кутубхонасида, 23980-инвентарь рақами билан сақланади.

Таниқли матншунос олим Феликс Тауэр мазкур қўлёзмалар ноқис бўлганлиги сабабли, уларни Ҳофиз Аbruнинг «Зубдат ут-таворих» асари билан солиштириб тадқиқ этиш асосида «Зафарнома»нинг икки жилддан иборат илмий-танқидий матнини нашр эттирган. Биринчи жилдига фақат «Зафарнома» илмий-танқидий матни киритилган. Иккинчи жилдида эса нашрнинг сўзбошиси, қўшимчалар, нусхалардаги фарқлар берилган.

Ушбу китобнинг форс тилидаги бутун матни Прагада чоп этилган. *Histoire des conquêtes de Tamerlan intitulé Zafarnama par Nizamuddin Šami avec des additions emprutées au Zubdatu-t-Tevarih-i Baisunquri de Hafiz-I Abru. Edition critique par Felix Tauer. Tome I, Texte persan du Zafarnama. Praha, 1937. (Monographie Archivu orientalnih, v. V.).*

Бу китоб 1996 йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтган асрнинг 70-йилларида ўзбек тилига ўгирган Юнусхон Ҳаким-жонов таржимаси асосида чоп этилган.

Номашруъ – изоҳланмаган, ман этилган.

Олтин Ўрда – Олтин ўрда, Жўжи улуси XIII асрнинг 40-йиллари бошида Жўжихоннинг ўғли Ботухон (1238–1255) томонидан асос солинган давлат. 1224 йил Жўжи улуси Хоразм, Шимолий Кавказдан иборат эди. 1236–1240 йилларда Ботухоннинг юришлари натижасида Волга булғорлари юрти, Дашти Қишчоқ, Қрим, Ғарбий Сибирь, Олтин Ўрдага қўшиб олинди. Рус князлари Олтин Ўрдага қарам бўлиб, хирож тўлаб турганлар. Рус манбаларида бу давлат «Олтин Ўрда», Шарқ манбаларида «Жўжи улуси» деб аталган. Олтин Ўрда маркази Ботухон даврида Қуйи Волгада, Сарой Боту эди. Беркахон (1255–1266) даврида Сарой Беркага кўчирилди. Олтин Ўрда аввал мўғул қоонига қарам бўлиб, Ботунинг иниси Берка даврида мустақилликка эришди. Сарой Боту, Сарой Берка, Урганч, Судак, Қофа (Феодосия), Азоқ савдо марказлари эди. Олтин Ўрдани хон бошқарган. Зарурат туғилганда қурултой чақирилган. Давлат ишлари билан бекларбеги шуғулланган. Девон ишларини вазир бошқарган. Солиқ йиғиш доруға ихтиёрида бўлган. Зарур пайтларда босқоқлар жўнатилган. Яна қуйидаги мансаб ва амаллар бўлган: алпаут (зодагон), туман, туманбеги, элчи, босқоқ, девон битикчиси, тамғач (бож йиғувчи), тирноқчи (тарозибон),



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

шусунчи (таъминотчи), юртчи (меъмор), йўл арачи (йўл нозири), тутқовул (қоровул), кўпирчи, кемачи, ёмчи, овчи.

Кўшинларга туманбеги, нўён (амир), юзбошилар кўмондонлик қилганлар. Олтин Ўрда Жўжининг 14 нафар ўғлининг 13 улусидан иборат эди. Улар ўз улусларини мустақил бошқаришга интиланганлар. Мустақиллик ҳаракати Мангу Темур (1266–1282) вафотидан кейин кучайди. Туда Мангу (1282–1287), Талабуға (1287–1291) хонликлари даврида туманбеги Нўғайнинг нуфузи кўтарилди. Орадан 5 йил ўтгач, яна исён кўтарилди. Унга Ўзбекхон (1312–1342) барҳам берди. У ва вориси Жонибек (1342–1357) даврлари Олтин Ўрда ҳарбий салоҳиятининг энг кучайган даври бўлди. Ҳокимият марказлашди. Улуслар вилоятларга айлантирилди, уларни амирлар бошқарган; қурултойлар чақирилмай қўйган. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда қуроли кучлари 300 мингга етган. Лекин, ички зиддиятлар 1357 йили Жонибекхоннинг ўлдирилиши билан яна юзага чиқди. Шундан 1380 йилгача 25 марта хон алмашди. XIV асрнинг 60-йилларида Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди. Польша ва Литва давлати Днепр дарёси ҳавзасини босиб олди. Ҳожитархон (Астрахан) хонлиги ташкил топди. Фақат Тўхтамиш даври (1380–1395) га келиб исёнлар тўхтади. 1382 йили у Москвани эгаллаб, ўт қўйди. Мовароуннаҳрга таҳдид сола бошлади. Амир Темурнинг 1389, 1391, 1395–1396 йиллари Тўхтамишга қарши юришлари Олтин Ўрдани ҳолдан тойдирди. Идику Олтин Ўрдани тиклашга ҳаракат қилди, нагижа бермади. XV асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, 40-йиллари Нўғай Ўрда, 1438 йил Қозон хонлиги, 1443 йил Қрим хонлиги, 60-йилларда Қозоқ хонлиги ташкил топди. 1480 йил Аҳмад Русни бўйсундиришга уринди. XVI аср бошларида Олтин Ўрда қулади.

Аталмиш Қавчин – Амир Темурнинг Миср мамлуқларига юборган элчиси.

Офок – уфқ, дунё.

Пайк бил – хабарчи, элчи.

Парвоначи – вазир муовини, фармон ижро этувчи.

Рожа – ўрта асрлардан то ҳозиргача бек, князь маъносида. Ҳиндистонда қадимги даврда подшо маъносида ишлатилган.

Руи Гонсалес де Клавихо – 1403–1406 йилларда Самарқандга испан қироли Энрике III нинг топшириғига асосан Амир Темур саройига элчилик миссияси билан келган элчи, сайёҳ ва дипломат. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо уч йил давомида кундалик юритган ва кейинчалик у «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» номи остида Испанияда чоп этилган. Унинг асл нусхаси бугунги кунда Испаниянинг миллий кутубхонасида сақланади. Клавихо ўз элчилиги давомида йўл-йўлакай кўрган-билганлари, хусусан, Амир Темур салтанатидаги ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий воқеалар, элчилик протоколи тафсилотлари, унга кўрсатилган юксак эҳтиром ва бошқалар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган.



«Кундалик» Амир Темур давлатининг куч-қудрати, ички ва ташқи сиёсати, расмий маросимлари, оилавий муносабатлари, илм-фан тараққиёти, урф-одатлар, меъморчилик ва бошқа миллий анъаналар ҳақида бизга кўплаб қимматли маълумотларни беради. Амир Темур салтанатининг кўплаб саҳифалари Клавихонинг маълумотлари орқали тўлдириб борилмоқда. 1405 йил 15 февралда Амир Темур вафот этгандан кейин элчилар Кастилияга қайтиб, 1406 йилнинг март ойида ўз ватанига етиб боради.

Испан қироли Энрике III 1407 йилда вафот этгандан кейин анча қариб қолган Клавихо давлат ишларидан узоқлашади ва Муқаддас Франциск монастирида ўзининг оилавий қабристонини тиклаш ва қуриш ишлари билан шуғулланади. У 1412 йил 2 апрелда вафот этган ва ана шу қабристонга дафн этилган.

Рутба – мартаба, даража.

Садрул-судрул – диний соҳа вазири.

Саҳҳоф – китобларни саҳифаловчи, ёзилган варақларни китоб ҳолига келтирувчи.

Сипоҳийлик – амалдорлик – ҳукумат хизматида бўлиш.

Соҳибқирон – 1) зўр подшоҳларга берилган лақаб, жаҳонгир; 2) илми нужумда икки сайёра бир-бирига тўқнашган пайтда туғилган бола (бундай бола бахтли, улуг мартабали бўлади деб саналган).

Судур – диний маросимларни текширувчи катта мансабдор.

Суд эрур – бу ерда фойда, наф маъносида.

Сулаймон Сўфи – Қўнғирот Сўфийларининг сўнги ҳукмдори. У Хоразмни 1380–1388 йилларда бошқарган. Юсуф Сўфи 1380 йилда ўлдирилгандан кейин Амир Темур бу сулолани Хоразм тахтида қолдирган. Сулаймон Сўфи Амир Темурга қарши кайфиятда бўлган ва Тўхтамишхон ҳокимиятини тан олиб унинг номи билан тангалар зарб этган.

У 1387 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва Мўғулистон хони Қамариддинларнинг бирлашган қўшинлари билан Мовароуннаҳрга уюштирилган юришда иштирок этган. Натанзийнинг маълумотларига кўра, бу юришда хоразмликлар қўшинига Хутталон амири Кайхусравнинг ўғли Ақча ўғлон бошчилик қилган.

Амир Темур бунга жавобан 1388 йилда сўнги юришини амалга оширади ва Хоразмни буткул ўз давлати тасарруфига қўшиб олади.

Сўзамол – сўзга чечан.

Тааб – машаққат, қийинчилик.

Тавочи – подшоҳнинг буйруқ ва топшириқларини етказувчи ва амалга оширувчи амалдор, адъютант.

Таъадди – зулм қилиш, тажовуз этиш, ҳаддан ошиш.

Таҳсир – камчилик.

Таҳвилдор – хазиначи.

Толор – тўрт томони очик айвон.

Туъма – озиқ, таом, луқма, бир ошам овқат.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Тўй – кўпинча меҳмондорчилик маъносида қўлланилган; бирор олий мартабали зот ёхуд муҳим воқеа муносабати билан уюштирилган базм, меҳмондорчилик.

Тўлғама – жанг қилиш тактикаси. Жанг давомида мунтазам тарзда захира кучларини урушга сафарбар қилиш.

Тўхтамишхон – **Тўхтамиш**, **Тўхтамишхон** (1342–1408) – Олтин Ўрда ҳукмдори (1380–1397). Жўжихон наслдан бўлмиш Тўйхожанинг ўғли. Отаси 1375 йил Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон томонидан қатл этилгандан сўнг Тўхтамишхон Амир Темур хузурига (1376) келади ва Соҳибқироннинг беғараз мадади туфайли аввал Оқ Ўрда (1377), кейин Мамай кўшинларининг Куликово жангида енгилганидан фойдаланиб Олтин Ўрда тахтини қўлга киритади (1380).

Тўхтамишхон ички низоларга барҳам бериб, 7 йил ичида Олтин Ўрда давлат бирлигини қайта тиклашга эришади. Сирдарёдан Днестргача, Сигноқ ва Ўтрордан Киевгача чўзилган улкан салтанатнинг хонига айланади. Унга қарши бош кўтарган рус князликлари ҳамда литваликларни мағлубиятга учратади. 1382 йили хийла билан Москвани олади, шаҳарни талон-торож қилиб, ёқиб юборади. Муваффақиятлардан маълум даражада эсанкираган Тўхтамишхон Амир Темур салтанати ҳудудларини қўлга киритишга ошиқади. Амир Темурнинг ғарб сафаридалигидан (1381) фойдаланиб, Озарбайжон ҳамда Мовароуннаҳрга бостириб киради, Самарқанд ва Бухорони қамал қилади. Лекин бу шаҳарларни олишни урдасидан чиқолмайди. 1388 йилнинг феврида Соҳибқирон кўшини билан Тўхтамишхонга қарши Шероздан йўлга чиқади. Тўхтамишхон Амир Темур билан юзмаюз тўқнашишдан воз кечиб, зудлик билан Дашти Қипчоққа қайтиб кетади. 1391–1395 йилларда Тўхтамишхон Соҳибқирон билан бўлган Қундузча ҳамда Терек дарёси бўйидаги жангларда мағлубиятга учраган. Олтин Ўрда пойтахти Саройни ишғол қилган Амир Темур қочоқ Тўхтамишхон ўрнига Темур Қутлуғни хон этиб кўтаради. 1397–1399 йилларда Тўхтамишхон Литва қироли Витовт ёрдамида Темур Қутлуғ ва Идику (Едигей)га қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда муваффақиятсизликка учрайди. Темур Қутлуғ вафотидан (1401) кейин Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтини қайта эгаллаш ҳаракатида бўлди. 1408 йил Тюмен шаҳри атрофларида қўлга туширилган Тўхтамишхон Идику томонидан ўлдирилган (Ҳамидулла Дадабоев).

Тўққиз-тўққиз – туркий халқлар орасида қўлланилган одат, яъни ҳады қилинаётган ҳар бир ҳадыдан тўққизтадан кўйиш (тўққиз от, тўққиз мато, тўққизта қумуш идишларга қанд, майиз, бодом, писта ва бошқа ширинликлар ҳады қилиш ва бошқалар). Бу анъана ўзбек халқининг урф-одатлари билан боғлиқ тушунчадир.

Улус – эл, халқ, қабила.

Фавт бўлиш – бекор бўлиш, барбод бўлиш, вафот этиш.

Фактория – савдо контораси ва мустамлака мамлакатларда савдогарлар истиқомат қилувчи жой.

Фараж ан-Носир – Миср мамлуклари ҳукмдори Фаражнинг ўғли. У Барқуқнинг юнон канизагидан туғилган. Отаси 1399 йилда вафот этгандан



сўнг ҳокимият тахтига келган ва Амир Темур билан зиддиятли муносабатда бўлган. Унинг даврида мамлакат ичкарисида ҳокимият учун курашлар кучайган. Отаси Барқуқ билан бўлган мураккаб дипломатик алоқалар туфайли Амир Темур Мамлуклар тасарруфида бўлган ерларга юриш қилган. Хусусан, Амир Темур 1400 йилда Сурия, Ҳалаб, Хомс ва Дамашқни эгаллаган ва Мамлукларнинг Амир Темур элчиларини ўлдириши ва зиңдонбанд этилиши, дипломатик ультиматумларга жавобан билдирган қўпол хатти-ҳаракатлари туфайли бу ерда қирғинлар уюштирган. Мамлуклар Амир Темурга қўпол муносабатда бўлишларига қарамасдан, Миср Амир Темур тасарруфига кирган. Фараж 1412 йилда юришларнинг бирида асир тушган ва ўлдирилган.

Фиқҳ илми – диннинг йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми, шу илм соҳиби фақиҳ деб номланади.

Хонақоҳ – шайхлар, дарвишлар зикру самоъ қиладиган катта жой, масжид.

Чекмак – 1) тортмоқ (тиғ тортмоқ, азоб тортмоқ); 2) тизмоқ (ипга мунчок тизмоқ); 3) ўлчамоқ; 4) кўтарилмақ, суртмоқ.

Черик – кўшин, аскар.

Чоғир – май, ичкилик, шароб.

Шайх Сова – Амир Темурнинг Мисрга юборган элчиси.

Шамсиддин Алмолиғий – Амир Темурнинг Тўхтамишхон ҳузурига юборган элчиси.

Шарафиддин Али Яздий (? 1454, Язд шаҳри яқинидаги Тафт қишлоғи) — теурийлар даври машҳур тарихнависи. 1414–1435 йиллар мобайнида Шохрухнинг ўғли, Форс ўлкаси ҳокими Иброҳим Мирзо хизматида бўлади ва унинг топшириғи асосида машҳур «Зафарнома» асарини ёзади. «Подшоҳликнинг барча томонларидан Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён қилинган ҳикояларнинг барча шеърий ва насрий нусхалари тўпланиб бўлингач, маълумотлар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этганлар. Дастлаб Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар унинг мазмуни воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни тиклаш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Темурнинг яна бошқа замондошларидан суриштирган ёки қўшимча маълумотлар тўпланган. Ана шу қўшимча гувоҳлар ҳикоятларини ҳам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва котиблар ёзиб борган. Шу тарзда асарнинг дастлабки хомаки нусхаси тузиб чиқилган. Сўнг ана шу хомаки нусха асосида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг қатъий буйруғига асосан китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ўлчовлари ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши лозим бўлган. Шарафиддин Али Яздийдан эса асарни жонли тил билан тушунарли қилиб ёзиш талаб этилган, шунингдек, ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тузилган дастлабки хомаки ёзувдан асло четга чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган». Шу тариқа кўпгина манбалар солиштирилган ва ҳақиқат аниқланган ҳолатда Амир Темур даврининг энг ишонarli ва бой асари «Зафарнома» дунёга келади.

Иброҳим Мирзо вафотидан сўнг Шарафиддин Али Яздий Султония, Рай ва Қум вилоятлари ҳокими бўлган Шохрухнинг набираси Султон Муҳаммад хизматига ўтади.

1445–1446 йилларда Муҳаммад Султоннинг марказий ҳукуматга қилган исёнига аралашиб қолган Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф томонидан жазодан сақлаб қолинади ва Ҳиротга юборилади. Камолиддин Абдулвосе ан-Низомийнинг «Макрмоти мавлавий Жомий» асарида келтирилишича, Шарафиддин Али Яздий Ҳиротга келиб, Жомийнинг суҳбатида бўлган. Шохрух вафотидан сўнг (1447) ўз ватани Тафтга қайтиб келади ва хонақоҳга жойлашиб, умрининг охиригача ўша ерда яшайди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида ёзишича, 6 ёшида «Шохрух Султон бузуғлиғида» (яъни, Шохрух вафотидан сўнг мамлакатда юз берган низолар чоғида) катта жамоат билан Хуросондан Ироққа кетаётганда, Тафтда Шарафиддин Али Яздий яшаган хонақоҳда бўлиб, уни кўрган. Навоий ушбу асарида Шарафиддин Али Яздийнинг билимдонлигига юқори баҳо бериб: «Мавдонинг соҳиб камоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур», деб ёзган. Шундан кейинги йилларда, яъни 1452 йилда тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ҳам Тафтда Шарафиддин Али Яздий билан учрашиб суҳбатлашган. Мўғулистон хони Юнусхон ёшлиғида Шохрух топшириғига кўра, узоқ йиллар Шерозда Шарафиддин Али Яздий тарбиясида бўлган ва султон Абу Сайд уни олиб келиб, Мўғулистонга хон этиб тайинлаган.

Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб илми нужум, шеърят ва тариқат назариясига оид бир қанча асарлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. «Ҳулаъл-и мутарраз дар муаммо ва луғаз» («Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли жома»).

2. «Мунтаҳиб-и Ҳулаъл» (Мазкур асарнинг қисқартирилган баёни).

3. «Мавотин ё манозир дар муаммо» («Муаммо фанида тураржой ва манзаралар»).

4. «Кунх уз-зод дар илм-и вақф-и аъдод» («Ададлар мувофиқлиги илмида ҳақиқат чўққиси»).

5. «Ал-Китоб фи илм-и устурлоб» («Устурлоб илми бўйича китоб»).

6. «Девон-и Шараф-и Яздий» («Шарафи Яздийнинг шеърлар тўплами»).

7. «Ҳақойиқ ат-таҳлил» («Таҳлил, яъни «Ла илаҳа илла-л-лоҳ»нинг ҳақиқатлари»).

8. «Шарҳ-и «Қасида-и бурда» («Қасида-и бурда»нинг шарҳи»).

9. «Шарҳ-и «Асамо-и Аллоҳ» («Аллоҳ исмлари»нинг шарҳи»).

10. «Тухфат ул-фақир ва ҳадят ул-ҳақир» («Фақирнинг туҳфасио ҳақирнинг ҳадяси»).

11. «Муншаот» («Хатлар тўплами»).



12. Махсус номга эга бўлмаган, ammo Амир Темурнинг тарихи шеърый баён этилган асар.

Шаръ – диний қоида.

Шақовул (ёки **шиқовул**) – турли давлатлардан келадиган элчилар ва ўз давлатидан бошқа давлатга кетадиган элчиларнинг ташкилий масалалари билан шуғулланган.

Шовдор тумани – Самарқанднинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, Шовдор номли катта ариқ номидан олинган. Бу ариқнинг форсча номи «Жўйи шаҳар» – шаҳар ариғи деб аталади.

Шомиёна – подшоҳ чодир.

Шохрух Мирзо, Мирзо Шохрух, Шохрух исмининг луғавий маъноси Шох (подшо)нинг юзи деган маънога эгадир, бошқа исмлари: Амирзода Шохрух, Мирзо Шохрух, Шохрух Мирзо, Хоқони Саъид, Абу Наср Шохрух Баҳодир Султон (1377 йил 20 август, Самарқанд – 1447 йил 19 март, Рай) Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, Мирзо Улугбекнинг отаси. 1397 йилдан Хуросон (ҳозирги Афғонистон) шоҳи бўлган, 1409 йилдан эса Темурийлар давлати шоҳи бўлган. Ҳаёти давомида Темурийлар давлати бўлинишини тўхтатишни истаган.

Ёшлик йиллари Самарқандда ўтган, шу ерда дунёвий ва диний таълим олган. Амир Темур 1390–1391 йиллар Дашти Қипчоққа ва 1392 йил ҳарбий мамлакатларга 5 йиллик юришлари чоғида Шохрухни мамлакатни бошқаришга тайинлаб қолдирган. Кўп ўтмай, Амир Темур Шохрухни ўз ёнига чақириб олади ва 17 ёшли Шохрух жанговар ҳаракатларда қатнаша бошлайди. Амир Темур уни лашкарнинг манғлай ва жуванғар қисмларига тайинлайди, кейинроқ эса, Самарқандга қайтариб, пойтахтни бошқариб туришни топширади.

Амир Темур 1396 йил Шохрухга Хуросон ўлкасини суюрғол қилади ва тегишли қўшин ҳамда элат билан бирга уни ўз мулкига жўнатади. Шохрух Амир Темурнинг 7 йиллик юришида, хусусан, Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатларда бевосита қатнашган, лашкарнинг илғор, манғлай қисмларини бошқарган; жангларда шахсий довюраклик ва маҳорат намойиш этган. Уни адолатпарвар, раият тинчлигини кўзловчи шахс сифатида билганлар; қамалда қолган шаҳарлар аҳолиси аксари ҳолларда сулҳ таклифи билан Шохрухга мурожаат қилганлар ва у ҳам ўз ёрдамни аямаган. Баъзи ҳолларда, Амир Темур Шохрухни лашкарнинг ўғруқ қисмини қўриқлашга мутасадди қилган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, Амир Темур ҳаётининг кейинги йилларида Шохрухнинг давлатдорлик сифатларига алоҳида эътибор берган. Чунончи, Хитойга юриши чоғида, салтанат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, ҳарбий ўлкаларни идора этиш каби катта масъулиятни Шохрух зиммасига юклайди ва уни Хуросонда қолдиради. Соҳибқирон 1391–1392 йиллар мўғуллар босқини даврида бутунлай хароб қилинган Банокат шаҳри ўрнига янги шаҳар барпо этиб, у ерга атроф ерлардан аҳолини кўчириб обод қилади ҳамда уни Шохрухга суюрғол қилади ва бу шаҳар Шохрухия номи билан шуҳрат топади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Амир Темур вафотидан сўнг, 1405 йил мартда Шоҳрух расмий равишда Темурийлар салтанати ҳукмдори сифатида Хуросон тахтига ўтирди ва ўз номидан хутба ўқитиб, пул (танга) зарб қилдириди. Шоҳрух ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида Темурийлар салтанатида кучли тарқоқлик юзага келиб, салтанатнинг турли қисмларида яккаҳоқимлик учун кураш бошланиб кетди. Мовароуннаҳрда Самарқанд тахтини Халил Султон эгаллади, Озарбайжон ва Ироқи Ажамни Қора Юсуф, Ироқи Араб ҳудудини Султон Аҳмад қўлга киритди. Эронзаминда темурий шаҳзодалар ўзаро низолашардилар, Мозандарон, Балх, Ғур ва бошқа вилоятларда ҳам исёнлар юзага келди. Шоҳрух салтанатда вужудга келган низолар, исёнлар, яккаҳоқимлик учун чиқишларни теран қобиляти, маҳорати, тафаккури, олиб борган сиёсати туфайли бирин-кетин бостиришга муваффақ бўлди. Шоҳрух ўз ҳукмдорлиги чоғида Темурийлар салтанатининг ҳудудий кенглиги, ҳарбий салоҳияти, кучли иқтисодий мавқеини сақлашга интилди. Бунинг учун Мовароуннаҳр, Эронзамин, Озарбайжонга юришлар қилиб ғалаба қозонди; 1429 йил Шоҳрух Озарбайжонда хавfli кучга айланган амир Искандар ибн Қора Юсуф устига деярли бутун салтанати ҳудудидан лашкар йиғиб юриш қилади. Салмос чўлида иккала томон ўртасида қаттиқ жанг бўлади; Шоҳрух ўғиллари Мирзо Бойсунқурни лашкарнинг жувонғорини, Иброҳим Султонни баронғорини бошқаришга белгилайди; Муҳаммад Жўтийни эса ўзига тегишли бўлган ғул қисмда қолдиради. Шиддатли жангдан сўнг Шоҳрух лашкари зафар кучади. Шоҳрух Сейистон ва Бадахшонга лашкар жўнатиб, у ерлардаги исёнларга чек қўяди. 1405 йилдан 7 йил давомида Хоразмни забт этиб турган Дашти Қипчоқ амирларига қарши Шоҳрух катта лашкар жўнатади ва ғолиб келиб, Хоразмни Темурийлар салтанати таркибига киритади ҳамда вилоятни бошқаришга саркарда амир Шоҳмаликни белгилайди. Шоҳрух кўпгина низоларни сулҳ йўли билан бартараф қилган ва бунда таниқли давлат арбоблари ва шайхлар хизматидан кенг фойдаланган. Умуман, Шоҳрух ҳукмронлиги даврида шарқда Мўғулистондан тортиб ғарбда Миср ва Рум ерларигача, жанубда Ҳиндистоннинг марказий қисмидан бошлаб шимолдан то Дашти Қипчоқ чегараларигача бўлган ҳудудлар Темурийлар салтанати таркибига кирган.

Элчи – бир мамлакатнинг миллий манфаатларини бошқа мамлакат ҳудудида ҳимоя қилувчи киши. Ўрта асрларда улар бошқа мамлакатда доимий туриш мақомига эга бўлмаган бўлса ҳам, турли элчиликлар орқали подшоҳнинг талаб ва таклифларини бошқа давлат ҳукмдорига етказувчи олий мартабали кишилар. Амир Темур давлатида элчилик лавозимига билими ва обрўси кучли, гапга чечан кишилар орасидан қўйилган. Уларга мўлжалланган тилмочлик мактаблари ҳам фаолият юритган. Шиқовуллар элчиликларни ташкил этиш, юбориш, ҳужжатларини тайёрлаш ишларига масъул бўлганлар.

Эҳтимом – аҳамият бериш, диққат қилиш.

Эҳтисоб – ҳисоб қилувчи, текширувчи.

Юртчи – қўшиннинг тўхташ жойини белгиловчи мансабдор.



Юсуф Сўфи – Қўнғирот Сўфиси 1375–1380 йилларда Хоразм ҳукмдори. Бу сулолага 1370–1380 йилларда ҳукмронлик қилган Ҳусайн Сўфи асос солган.

Ўрду – лашкаргоҳ; подшоҳ ва амирларнинг қароргоҳи, лашкар.

Ўрдугоҳ – ҳарбий қароргоҳ, штаб, лагерь.

Қамариддин — дуғлат қабиласидан, 1375–1390 йилларда Мўғулистон ҳукмдори. 1364 йилда Мўғулистонда кучли мавқега эга бўлган. У 1366 йилда Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёсхўжани ўлдирган ва Мўғулистон хони тахтини эгаллаган. 1370–1371 йилларда у Тошкент ва Андижон устига бир неча бор босқин қилиб, талаб қайтган. 1376 йилда эса Қамариддин, ҳатто, Фарғона водийсининг талайгина қисмини босиб олди. Амир Темур мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларига нисбатан бўлаётган муттасил таҳдидни бартараф қилиш учун Қамариддинга жиддий зарба беришга киришади. Қамариддин Амир Темурга қарши Тўхтамишхон билан махфий битим тузганди. Йигирма йил (1371–1390) мобайнида Соҳибқирон Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди. Қамариддин 1390 йилда Амир Темурнинг қақшатқич зарбаси туфайли дом-дараксиз кетган.

Қари – тахминан 70–80 см., узунлик ўлчови.

Қўналға – чопарлар ва элчилар йўлда «тунаши» учун тўланадиган маблағ.

Ғози Аҳмад Бурҳониддин (1344, Сивос — 1398) — турк шоири, олим, давлат арбоби. Шом (Сурия) ва Мисрда таҳсил олган, араб, форс тилларини мукамал ўрганган. Ватанига қайтгач, Сивосда қози, сўнг шу вилоят ҳокими. Давлат ишларида адолат ва мурувват йўлини тутишга ҳаракат қилган. Ғазал, рубоий, туюқ ва бошқа жанрларда ёзган. Ҳаёт ва муҳаббат лирикаси билан боғлиқ дунёвий мавзулар, инсон қалбининг нозик кечинмалари шеърларига хос етакчи хусусиятдир. Ғози Аҳмад Бурҳониддин турк шеърлятида туюқ жанрини ривожлантирган. Шеърларини тўплаб девон тузган (1394). Девонининг қўлёзма нусхаси Британия музейида сақланади. Истанбулда нашр этилган (1943). 12 туюғи шарқшунос Т. М. Мелиоранский томонидан рус тилига таржима қилинган (1895, Петербург). Бурҳониддин «Таржих ут-тавзиҳ» («Изоҳ устунлиги»), «Икхир ул-адати фи Асроил ибодати» («Одат моҳияти ибодат сирларида») асарларини араб тилида ёзган.

Ҳайсият – 1) сабаб, жиҳат, восита; 2) эътибор, лаёқат.

Ҳамул кун – ўша кун.

Ҳафт авранг – Абдураҳмон Жомийнинг еттита достони жамланган асар, «Етти тахт» маъносини англатади.

Ҳофиз **Абру**, **Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофий** (1361/62, Ҳирот – 1430, Занжон) — тарихчи ва географ. Амир Темур ва Шохрух саройларида тарихнавис бўлган. Тарихий ва тарихий-географик асарлар («Зайли Зафарномаи Шомий», «Зайли Жомий ут-таворих», «Тарихи Ҳофиз Абру», «Мажмуа ат-таворихи султония», «Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий») муаллифи. «Зайли Зафарномаи Шомий»



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

асари Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сига илова бўлиб, асардаги тарихий воқеалар баёнини 1405 йилгача давом эттирган. «Зайли Жомий ут-таворих» Рашидуддин Фазлуллоҳнинг «Жомий ут-таворих» асарининг давоми бўлиб, унда Эроннинг 1304–1370 йиллардаги тарихи акс эттирилган (1417). «Тарихи Ҳофизи Абру» номи билан машҳур тарихий-географик асарида дунёнинг доира шаклидаги харитаси ва бошқа хариталар берилган. Бу хаританинг муҳим томонларидан бири — градус тўри чизилганидир, уни географлар Ҳофизи Абрунинг шоҳ асари деб ҳисоблайдилар. Бу асарда ер юзидаги сувлар, тоғу тошлар, мамлакатлар ва улардаги шаҳар-қишлоқлар, шунингдек, Форс, Кермон, Хуросоннинг батафсил географияси ва тарихи, Мовароуннаҳр географияси баён этилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳарлар ҳамда Жайхун, Сайхун, Мурғоб ва бошқа дарёлар, мамлакатлар, вилоятларнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган ва масофалар ҳамда майдонларни изоҳловчи (фарсанг, ойлик йўл, кунлик йўл) анчагина сатрлар бор. 1423–1427 йилларда ёзилган «Мажмуа» («Тўплам») асари Шохрух салтанати тарихини 1417 йилги воқеалар билан тугатади. Унинг 4-жилди «Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий»да тарихий воқеалар 1417 йилга қадар етказилган. Ҳофизи Абрунинг асарларида ижтимоий-иқтисодий маълумотлар, бизгача етиб келмаган асарлардан парчалар ва муаллифнинг ўз даврига оид хабарлари кенг ўрин олган. Ҳофизи Абру асарларининг қўлёзмалари Санкт-Петербург, Оксфорд ва Тошкентда сақланади.



IV БОБ

XVI – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ДИПЛОМАТИЯСИ

XV аср охири – XVI асрнинг бошлари Марказий Осиё минтақасида янги давлатларнинг, жумладан, Хива, Бухоро ва Қозоқ хонликлари ҳамда Эронда Сафавийлар давлатининг ташкил топиши ҳамда кучлар нисбатининг тез-тез ўзгариб туриши билан характерланади.

Бу давр сиёсат майдонида пайдо бўлиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун жиддий ҳаракат олиб борган Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар ва Хоразмдаги Арабшоҳийлар, Эрон Сафавийлари, Дашти Қипчоқдаги Қозоқ жузлари ҳамда Ҳиндистондаги Бобурийлар ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиё минтақасидаги умумий ҳолатга, жумладан, янги давлатларнинг ташкил топиш жараёнига катта таъсир кўрсатган.

Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган Ўрта Осиё хонликлари тарихи ҳалигача етарли даражада ўрганилмаганлиги боис, тарихшуносликда узоқ вақт мобайнида Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан ташқи оламдан узилиб қолган «изоляциядаги қоқоқ давлатлар» сифатида қаралиб келди. Бунга маълум маънода, XV–XVI асрлардаги географик кашфиётлар, яъни Ғарб билан Шарқни боғлайдиган сув йўллариининг очилиши туфайли қуруқлик орқали ўтган Буюк ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотган деб ҳисобланганлиги сабаб бўлган.

Қолаверса, бу даврда ҳокимият учун олиб борилган ички ва ташқи курашлар нафақат бир мамлакат, балки бутун минтақада сиёсий инқирозни келтириб чиқарган ҳоллари тарихдан маълум.

Лекин, янги ташкил топган давлатлар ўз мустақиллигини сақлаб қолиш, кучли давлатларнинг тазйиқлари, ҳатто қуролли таҳдидларини қайтариш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, ўз ўрнида ҳукмрон доираларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳукмдор хазинасини тўлдириш йўлида кенг миқёсли ташқи сиёсат олиб борганлар. Ўз даврига хос турли усуллардан фойдаланган ҳукмдорлар қўшни мамлакат ва халқлар билан ташқи алоқаларини олиб борар экан, вазият тақозосига кўра, кези келганда ҳужумга ўтиб, кези келганда ортга чекиниб, ўрни келганда дипломатик келишувлар орқали муносабатларни барқарорлаштириб борганлар.

Турли йўналишлардаги бирламчи манбаларни ўрганиш орқали сўнги ўрта асрларда ҳам Ўрта Осиё минтақасида фаол савдо-дипломатик



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

алоқалар олиб борилган, Ғарб билан Шарқни боғловчи карвон йўллари кесишган ҳудуд сифатида ўз ўрнига эга бўлганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Алоҳида қайд этиш лозимки, айнан дипломатия тарихини ўрганиш жараёнида тадқиқотга тортиладиган манбалар чегараси кенгайиб, воқеа-ҳодисаларни турли ракурстан кузатиш имконияти пайдо бўлади. Хусусан, сўнги ўрта асрлар тарихига доир тарихий манбаларни бир неча гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хоразм тарихига доир манбалар:

Абулғозихоннинг «Шажарайи турк»¹, Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол»², Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Риёз уд-давла»³, «Зубдату-т-таворих»⁴, «Жомий ул-воқеоти султоний»⁵, «Гулшани давлат»⁶, «Шоҳиду-л-иқбол»⁷, Сайид Ҳомид Тўра Комёбнинг «Таворих ул-ҳавонин»⁸, Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий»⁹, Бобожон Сафаровнинг «Хива хонлари тарихига доир материаллар»¹⁰ асарлари.

Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихига доир манбалар:

Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома»¹¹, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий») ¹², Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» ёки «Тарихи-и Убайдуллохон»¹³, Мирзо Абдуазим Сомий Бўстонийнинг «Тарихи салотини Манғития»¹⁴, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний»¹⁵, Абдурахмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон»¹⁶, Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук»¹⁷, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод»¹⁸, Хўжа Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих»¹⁹, Худоёрхонзоданинг «Анжум ат-таворих»²⁰, Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг «Тарихи Туркистон»²¹ асарлари.

Эрон тарихига доир манбалар:

Номаълум муаллифнинг «Оламорои Сафавий»²², Хуршоҳ бинни Қубод ал-Ҳусайнийнинг «Тарихи элчийи Низомшоҳ»²³, Искандарбек муншийнинг «Тарихи оламорои Аббосий»²⁴, Маҳмуд ибн Ҳидоят Оллоҳ Афуштаи Натанзийнинг «Нақоват ал-осор фи зикр ал-ахёр»²⁵, Муҳаммад Маъсум бинни Хожаги Исфаҳонийнинг «Хулосат ас-сийар». Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий»²⁶, Муҳаммад Козимнинг «Номаи оламорои Нодирий»²⁷ асарлари.

Сафарномалар.

Турли мақсад ва топшириқлар билан ўлкага ташриф буюрган элчи, сайёҳ, савдогарлар ва ҳарбийларнинг «қундалик», «хотира ва эсдалик» ҳамда «ҳисобот» кўринишидаги сафар тафсилотлари умумий ном билан шартли равишда «Сафарнома»лар деб олинди²⁸.

«Сафарнома»ларда маҳаллий муаллифлар эътиборидан четда



қолган минтақа аҳолисига хос хусусиятларга оид маълумотлар, ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларнинг сабабларини очиб берувчи фактлар ўз ифодасини топганлиги уларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

«Сафарнома» муаллифлари бу ерга ташриф буюришар экан, ўз олдларига алоҳида масалани тадқиқ қилишни эмас, барча кўрган-билганларини қайд этиб бориш мақсадини кўйишган. Шу боис улар ўз «Сафарнома»ларида Хоразм ўлкасининг табиати, одамлари, уларнинг феъл-атворидан тортиб то урф-одатларигача, гавжум бозорларию кўчалари, шунингдек, ўзлари дуч келган қийинчиликларни ҳамда мамлакатдаги сиёсий вазият каби турли-туман масалаларни, баъзан бир-бирини тўлдириб, баъзан бир-биридан фарқ қилувчи маълумотларни батафсил ёритишга ҳаракат қилишган. Чунки Европа учун ҳамиша сирли бўлиб келган Осиё қитъаси ва унинг бир бўлаги ҳисобланмиш Ўрта Осиё хонликлари ҳақидаги ҳар қандай маълумот бошқа халқларда катта қизиқиш уйғотган.

«Сафарнома»ларнинг «дипломатик этикет» масалаларини ўрганишдаги ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Зеро, элчиларни кутиб олиш, қабул маросими ҳамда музокара жараёнлари хонларнинг ҳукмронлик йилларини хронологик тарзда баён этувчи «Солномалар»да нисбатан қисқа ва умумий тарзда бериб кетилган. «Сафарнома» муаллифлари эса, «қабул маросими» ва у билан боғлиқ жараёнларни қадам-бақадам қоғозга туширишга ҳаракат қилганлар.

Архив ҳужжатлари.

Ўрта Осиё хонликларининг ташқи алоқалари тарихини тадқиқ қилишда фойдаланилган архив ҳужжатларининг асосини бевосита давлат ҳукмдорлари ёки амалдорлари ўртасидаги дипломатик ёзишмалар, яъни расмий мактублар ташкил этади.

Мактублар ёзма манбаларнинг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Жанр ва функционал жиҳатдан тарихий солнома ва бошқа йўналишдаги асарлардан жиддий фарқ қилувчи бу манба тури айрим устунликлар билан бирга маълум бир камчиликларга ҳам эга²⁹. Расмий ҳужжат сифатида содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларнинг қайд этилиши, айниқса, ёзма асарларда ёритилмаган кичик, лекин муҳим деталларнинг акс этирилиши жиҳатидан мактублар алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳужжат сифатида мактублар тарихий воқеаларнинг расмий баёни ва бу борада ҳукуматнинг позициясини билишга имкон беради.

Бу борада Эрон, Туркия, Россия, Ўзбекистон архив фондларида сақланиб қолган тарихий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга³⁰.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

4.1. Ўрта Осиё хонликлари ташқи алоқаларининг институционал жиҳати: дипломатик протокол ва унинг асосий кўринишлари

Ўрта Осиё хонликларида халқаро муносабатлар механизмининг асосини ташкил этган «дипломатик протокол» ва «элчилик институти»нинг шаклланиши ҳамда ривожланиб бориши дунё тажрибаси билан боғлиқ равишда кечган.

XVI аср Европанинг йирик давлатларида давлатнинг ташқи сиёсатини юритувчи элчилик хизмати ва унинг *марказий* ҳамда *маҳаллий* идоралари шаклланган давр ҳисобланади. XVI аср охирига келиб, дипломатик институтнинг ташкилий тузилмалари анча барқарорлашиб борган ва маълум бир дипломатик иерархия (*силсила*) вужудга келган. Хусусан, элчи билан бирга элчилик хизматининг турли даражадаги ходимлари тайинланиб, аксарият ҳолларда элчи билан оддий вакил ёки чопар бир-биридан жиддий фарқланар эди.

Ўрта Осиёда эса, элчи шахсига ҳамиша катта масъулият билан қаралган. Сўнги ўрта асрларда ҳам элчилар ва уларнинг маънавий қиёфасига алоҳида эътибор берилган. Уларга қўйилган муҳим талаблардан бири – огоҳлик ва ҳушёрлик эди. XVII аср муаллифи Хожа Самандар Термизий ўзининг «Дастур ул-мулук» асарида қайд этишича, элчи икки масалада ниҳоятда ҳушёр бўлиши, яъни «ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатнинг ор-номуси, шон-шухратини, салтанатнинг улўворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб туриши лозим» эди. Ҳукмдорларга насиҳат сифатида у тўрт тоифа одамни элчиликка тайинламасликни маслаҳат берган. Унинг ёзишича, биринчи тоифа вакиллари «подшоҳдан жафо кўрган», иккинчиси, «мол-мулки, ҳурмат-иззати подшоҳ ғазаби шамоли билан совурилган», учинчиси, «ўз амалидан ҳайдалган», тўртинчиси эса, «подшоҳнинг зарари ҳисобидан ўз манфаатини кўзлаган, яъни давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган» кишиларни давлат элчиси қилиб юбориш ақдан узоқ иш ҳисобланган³¹.

XIX асрдаги тарихий асарларда ҳам элчининг шахсий хислатларига алоҳида урғу берилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Риёз уд-давла» асарида Хива хони Оллоқулихон томонидан атрофдаги мамлакат ҳукмдорларига юборилган элчилар ҳақида сўз юритилганда, «элчийи кордон ва суфаройи бисёрдон», яъни ишбилармон элчи ва кўпни кўрган дипломат деган сифатлар келтирилади³². «Шоҳид ул-иқбол» асарида Бухорога юборилган Хоразм элчиси Муҳаммад Ниёз девонбегининг шахсий хислатлари ва элчи сифатидаги маҳорати борасида «фаҳму фаросатда замон халқининг



мушорун илайҳи (*юқоридагиси*), ақлу каёсат (*заковат*)да жаҳон аҳлининг мўътамини алайҳи (*ишончлиси*)дур», деб таъриф берилган³³.

«Гулшани давлат» асарида эса, «бағоят донишманд ва басуханвар (*сўзга чечан*) ва хушмуҳовара (*хушмуомала*) кишидур», дея таърифланган Шукрулло оға ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир³⁴. У билан шахсан кўришиб, мулоқот қилган А. Вамбери бу шахснинг мулоим феъли ва хушмуомалалигини алоҳида таъкидлар экан, буни бевосита унинг кўп маротаба хорижда бўлганлиги билан боғлайди. Хусусан, «Бу олийжаноб қария ёшлик йилларида Ҳиротда майор Тодд (1839) билан учрашган, бир неча бор Петербургга элчи сифатида юборилган, шунингдек, Туркия (Константинополь)да тез-тез фарангилар (*французлар*) билан мулоқот қилган», дея таъриф беради А. Вамбери³⁵.

Кўп ҳолларда элчилик вазифасига диний уламолар тайинланган. Хусусан, Қўқон хони Муҳаммад Алихон томонидан 1841 йилда Петербургга элчи қилиб юборилган Миён Халил Соҳибзода тасаввуфнинг нақшбандия-мужаддия тариқати пешвоси бўлиб, юкланган вазифани муваффақият билан адо этганлиги манбада таъкидлаб ўтилган³⁶.

Ана шундай маҳоратли элчиларнинг фаолияти ва узоқ ўтмишга эга бўлган элчилик амалиётининг тараққиёти жараёнида махсус дипломатик институтлар шаклланган эди. Хусусан, қатъий қоидаларга бўйсунувчи «дипломатик этикет» ва «элчилик хизмати» юзага келган.

Дипломатик этикет, хусусан, расмий ва шахслараро муносабатларда риоя қилинадиган ўзига хос ҳурмат-эҳтиром қоидалари Шарқда чуқур тарихий илдизларига эга бўлиб, сўнгги ўрта асрлардаги тарихий жараёнларга мос равишда махсус маросимлар мажмуаси шаклланди. Элчиларнинг нутқи ва дипломатик ҳужжатларнинг тайёрланишига бўлган талаблар ҳам ортиб борган. Шу муносабат билан дипломатияда ўзига хос нозик нутқ ва ёзув санъати юзага келган.

Ўрта Осиё хонликлари ташкил топган даврдан бошлаб Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида қўшни давлатлар билан қизғин алоқалар олиб борган.

Дипломатик алоқаларнинг умумқабул қилинган шартлари бўлганки, уларнинг айримлари ўзининг шаклланиш даврида расман ёзиб қўйилмаган бўлса-да, қатъий амал қилиниши лозим эди. Жумладан, дипломатик алоқаларнинг муҳим қоидаларидан бири «ҳокимият ала-машинуви» масаласининг зудлик билан атрофдаги вилоят ҳокимлари ва қўшни давлат ҳукмдорларига хабар қилиниши эди. Қоидага кўра, бундай элчилик зиммасига бир вақтда икки ходиса, яъни марҳум хоннинг вафоти ёки турли сабабларга кўра ҳокимиятдан кетиши ҳамда янги ҳукмдорнинг тахтга ўтириши тўғрисидаги хабарни етказиш вазифаси юклатилган. Умуман олганда, Ўрта Осиё хонликларида мамлакат ичида



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

юз берган ўзгаришлар ҳақида бир-бирларини хабардор қилиш анъанаси жуда яхши йўлга қўйилган эди. Албатта, бу қоида мамлакатнинг расмий мақоми, яъни халқаро алоқаларнинг тенг ҳуқуқли ва мустақил субъекти сифатида бошқа давлатлар билан расмий алоқалар олиб бориш ҳуқуқини асослаш учун ҳам лозим эди. Шу билан бирга, бундай расмийлик мамлакат ичида ҳам «дипломатик легитимация» нуқтаи назаридан, яъни тахтга янги ўтирган ҳукмдор ҳокимиятининг легитимлиги (қонунийлиги)ни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эди.

Манғитлар сулоласидан бўлган амир Шоҳмурод 1790 йилда Россия императорига юборган ёрлиғида ўзининг ҳокимият тепасига келиш жараёни ҳақида берган батафсил баёноти бу жараёнга мисол бўлади. Хусусан, ёрлиқда Абулфайзхон даврида Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Бухорога юриш қилиб, унинг барча авлодларини қатл этганлиги, бошқа эркак киши қолмаганлиги, ундан сўнг тахтни Муҳаммад Раҳимбий эгаллаганлиги қайд этилган. Амир «Бизда, ўзбекларда шундай одат борки, бирор уруғ ўзининг яқин одамларидан бирини хон қилиб тайинлайди. Шу тарзда мен Абулфайзхонга қариндош бўлганлигим юзасидан тахтга ўтирдим», дея тушунтириш берган³⁷.

Хива хони Муҳаммад Аминхон томонидан 1854 йилда Рум (*Усмонлилар*) подшоси Султон Абдулмажидхон ҳузурига юборилган Ҳожи Шукрулло оға бошчилигидаги элчилик билан боғлиқ маълумот ҳам ана шундай расмийликлар ҳақида тасаввур беради. Хоразм вакиллари Арзирум шаҳрига етганларида Хива хонининг Сарахс жангида ҳалок бўлганлиги тўғрисида хабар етиб келган эди. Бу хабарни Эронда бўлиб қайтган Турк султонининг элчиси келтирган бўлиб, у Хоразм элчисини бир мажлисда кўриб, «...сенинг подшоҳинг мақтул бўлбдур, бизнинг дастуримизда эмди сенинг элчилигинг ботил ва келтурган номанг мазмуни номасмудур (*эшитилмасдур*), агар сен элчи бўлсанг, ўз юртинга қайтиб борғил, ҳоло, юртингда ҳар ким подшо бўлса, андин нома келтурғил. То сенинг элчилигинг мақбул ва муддаонг маҳсул бўлғай, йўқ эрса, Румга борганинг бекордур. Нединким, сабаби элчи қаторида билмағайлар ва номангни олиб мутолаа қилмағайлар», деб маслаҳат берган³⁸.

1790 йилда Россия империясига юборилган Бухоро элчиси Нурмуҳаммад Тўқсобанинг элчилик мақоми тан олинмаганлиги боис қиролича Екатерина II ҳузурига киритилмаган. Чунки у келтирган ёрлиқ оддий қоғозга ёзилган бўлиб, хоннинг имзоси ва муҳри ҳам қўйилмаган эди³⁹.

Келган томоннинг элчисига қабул қилган томон ўз вакилини қўшиб юбориш анъанаси сўнги ўрта асрлар дипломатиясида, айниқса, Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро алоқларида кенг қўлланилган расм-русумлардан эди.



Икки давлат ўртасида юзага келган зиддиятли ҳолатларда юборган томон элчисига элчи қўшмай қайтариш ҳолатлари ҳам бўлган.

XIX асрга келиб, халқаро муносабатлар янги босқичга ўтган эдики, бу ҳолат дипломатик тартиб-қоидалардан тортиб, музокара мавзусигача бўлган жараёнларда ўз аксини топган.

Элчиларни чегара ҳудудда кутиб олишдан тортиб, уларни қайта кузатиб қўйгунгача бўлган жараённи ўз ичига олган «Қабул маросими»ни шартли равишда учта асосий босқичга, хусусан, «ташкилий жараён», «саройдаги асосий қабул маросими» ҳамда «маданий-ҳордиқ тадбирлари»га бўлиш мумкин.

Саройдаги «Қабул маросими»нинг ташкилий жиҳатлари.

Элчиларни кутиб олиш ва жойлаштириш. Элчилик хизматининг дастлабки вазифаси элчиларни кутиб олиш бўлган. Хон саройидан анча узоқ масофада, аниқроғи, чегара ҳудудда бошланган ушбу маросимнинг муҳимлиги шунда эдики, айнан шу босқичда ҳар икки томоннинг бир-бири ҳақидаги дастлабки таассуротлари шаклланган. Албатта, бу таассуротлар кўп ҳолларда элчиликнинг кейинги босқичларига, жумладан, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатган. Ўз даврида ҳукмдорлар учун дастур ул-амал ҳисобланган «Сиёсатнома» асарида бежизга «ташқаридан келган элчиларнинг саройга келиб-кетишлари номаълум қолиши, уларнинг аҳволдан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради»⁴⁰, дея таъкидламаган.

Хорижий меҳмонларни имкон қадар дабдаба билан кутиб олишга ҳаракат қилишган. «Сиёсатнома» асарида бу борада алоҳида кўрсатмалар берилган бўлиб, «...агарда келаётган киши элчи бўлса, бирор обрўли кишини унга йўлдош қилиб, шаҳарга юборишсин», деб тавсия берилган⁴¹. 1820 йилнинг октябрида Россиядан Бухорога юборилган Негри эчилиги хонлик пойтахтидан 50 км масофада тўхтаган. Уларни бош вазир – *қушбеги* бир неча юз отлиқлар билан кутиб олган. 1842 йилда Хива хонлигига юборилган Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафурни чегарага яқинлашганда кутиб олиш учун саройнинг олий амалдорларидан бўлган Бекниёз маҳрам қирқта отлиқ билан пешвоз чиққан.

Элчиларга турли «сафоли ҳовлилар ва боғлар»дан жой тайёрлаб қўйилган. Хонликларда махсус «элчихоналар» барпо этилган бўлиб, манбаларда хорижий элчиларни «элчихонаи хумоюн» ёки «элчихонаи олий»га жойлаштирилгани ҳақида маълумотлар келтирилган. 1813 йилда Қўқон хонлигига келган рус элчиси Филипп Назаровнинг қайд этишича, бу даврда Қўқон хонлиги пойтахтида хорижий элчилар учун махсус қароргоҳ барпо қилинган. Элчилар учун қурилган қароргоҳ шаҳарнинг четида бўлиб, атрофи боғлар билан ўралган. Рус



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

элчисининг қайд этишича, қароргоҳ хавфсизлиги учун 15 та қоровул ва битга қоровулбоши масъул этиб тайинланган⁴².

Элчилар муносиб жойга туширилиши биланоқ, уларнинг харажатларига *маблағ ажратиш* ҳамда *хизмат кўрсатадиган ходимларни тайинлаш* қабул маросимининг муҳим ташкилий масаласи ҳисобланган. Қоидага кўра, элчилар харажати учун ҳар икки давлат, яъни ҳам жўнатувчи, ҳам кутиб олувчи томон хазинасидан маблағ ажратилган. Ажратилган маблағлар элчиликнинг аҳамияти ва унинг муҳимлик даражасига боғлиқ бўлган.

1750 йилда Хива хони Ғойибхон томонидан юборилган элчиларни кутиб олган Оренбург генерал-губернатори И. Неплюев тегишли кўрсатма берилишини сўраб ташқи ишлар Коллегиясига мурожаат этган. Бунга жавобан Коллегия Хива элчисига махсус тураржой ажратиш ва озиқ-овқатлари учун унга ҳар куни 40 тийин (копеек), ҳамроҳларига 5 тийиндан сарфлаш буюрилган. Лекин, И. Неплюевнинг илтимосига мувофиқ, элчи ва унинг ҳамроҳлари юқори табақадан бўлганликлари учун элчига 50 тийин, ҳамроҳларига 10 тийин, хизматчиларига 5 тийин маблағ ажратилишига рухсат берилган⁴³.

1786 йилда Россия қироличаси ҳузурда бўлган Бухоро элчилари Муҳаммадхўжа Шариф ва Эшдавлат Баҳодирнинг ҳар бирига 500 рублдан, Авазхўжага 250 рубль, уларнинг қолган 5 нафар ҳамроҳларига ҳам 250 рублдан, шунингдек, бутун элчиликнинг қарийб бир йил мобайнида Санкт-Петербургда истиқомат қилиши, жумладан, озиқ-овқат учун 3 000 рубль, йўлга чиққанларида 5 000 рубль, жами 8 000 рубль маблағ берилган⁴⁴.

Рус ҳукумати томонидан Хива хонлигига юборилган П. Никифоров ҳамда Г. Данилевский бошчилигидаги элчиликка ажратилган маблағлар ҳақида анча батафсил маълумотлар мавжуд. Хусусан, рус ҳукумати П. Никифоров элчилигининг олти ойлик сафари учун 2 650 червон маблағ ажратган. Г. Данилевский бошчилигидаги элчиликнинг тайёргарлиги ва етти ойлик харажати учун эса, давлат хазинасидан 5 000 червон, шундан элчининг таъминоти учун ойига 50 червондан, шунингдек, 700 червон совға-саломга ва турли кутилмаган чиқимлар учун 989 червон миқдорда маблағ ажратилган⁴⁵.

Қабул қилувчи томон сифатида Ўрта Осиё хонликларида ҳам келган элчилар таъминоти учун хазинадан тегишли миқдорда маблағ ажратилган.

Мавжуд маълумотларга кўра, Хивада бўлган Н. Муравьев (1819) бошчилигидаги рус элчилиги таъминоти учун хон хазинасидан бир кечакундузга 2 тилла ёки 32 рублдан пул ажратилган⁴⁶.

Г. Данилевский бошчилигидаги элчиликка (1842) Хива хони томонидан ажратилган умумий маблағ рус пули билан 12 300 рублни таш-



кил этган бўлиб, хайрлашув чоғида миссия аъзоларига тарқатилган пуллар ҳам шу ҳисобга кирган⁴⁷.

Эрон элчиси Муҳаммад Алихоннинг хабар беришича, уларга кундалик харажатлари учун Хива хони томонидан ўзларининг (*Эроннинг*) икки *тумонига* тенг келувчи қирқ танга пул берилган.

Қўқон хонлигида бўлган рус элчиси Филипп Назаров бошчилигидаги элчилик миссиясига хон томонидан кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда от ва туялар учун ем-хашак ажратилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Жами 30 кишидан иборат бўлган ушбу элчилик учун ажратилган бир кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари – 1 та қўй, 50 та (ҳар бири 1 фунт оғирлигидаги) нон, чорак фунтдан гуруч, ярим фунтдан чой ҳамда бир донадан қовун элчининг ҳисоботларида қайд этилган. Хонликнинг юқори мартабали амалдори ҳисобланган *шиговул* томонидан олинган маълумот асосида бир кунлик сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилинган, шундан сўнг ҳукмдор қарор қабул қилган ва ажратилган маҳсулотлар кун-бақун етказиб бериб турилган. От ва туялар учун ҳам ажратилган ем-хашакларнинг миқдори аниқ белгилаб берилган бўлиб, ҳар бир от ҳамда туя учун кундалик 2 боғламдан беда, 10 фунтдан буғдой ажратилган⁴⁸.

Эрон элчиси Ризоқулихоннинг маълумотларидан кўриш мумкинки, уларга кетиш чоғида йўл харажатлари учун ҳам пул берилган. «Хондан келтирилганлари бизнинг 500 тумонимиз миқдоридagi пул эди, ...унга туя, от ва мулозимлар учун керак нарсалар ва йўл озукаси сотиб олдик», деб кўрсатиб ўтади Ризоқулихон⁴⁹.

«Шоҳид ул-иқбол» асарида қайд этилишича, Хива хони элчиси Муҳаммад Ниёз девонбеги 1867–1868 йилда Бухорога етиб борганда, уни «макони олий»га жойлаштиришиб, «қўнуқиға (*харажатиға*) маблағи касира (*катта маблағ*)» тайин этишган. Бу вақтда Карминада бўлган амир билан бевосита кўришиш учун борган элчига у ерда ҳам «нуқуди вофир (*катта нақд пул ёки маблағ*)» ажратилган⁵⁰.

1817 йилда Усмонлилар давлатига ташриф буюрган бухоролик элчиларнинг кундалик харажатлари учун 6 000 қуруш (*турк пули*), ватанларига қайтишлари учун эса, 15 000 қуруш маблағ ажратилган⁵¹.

1837 йилда Усмонли турк султони Маҳмуд II (1808–1839) ҳузурига юборилган Қўқон элчиси Муҳаммад Зоҳид хожа бошчилигидаги элчилик вакиллариға 25 000 қуруш, орадан маълум бир вақт ўтгандан сўнг, байрам муносабати билан яна 25 000 қуруш миқдорида маблағ берилганлиги расмий ҳужжатларда қайд этилган.

Элчиларнинг харажатидан ташқари уларға *хизмат кўрсатувчи ходимларни тайинлаш* ҳам мезбон давлат зиммасида бўлган.

Турли манбаларда элчиларға *хизмат қилган нозир, қопучи, меҳмондор, чокар фаррош, меҳмонхоначи* каби ходимлар кўрсатиб ўтилган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Н. Муравьев ўз эсдаликларида Хивага келишлари билан уларга хизмат кўрсатиш учун *фаррошбоши* ва *ошпаз* тайинланганлигини қайд этади. Ҳатто, элчиларни зериктирмаслик мақсадида турли кўнгилочар тадбирлар уюштириш учун ҳам махсус киши белгиланган. Жумладан, Н. Муравьев мулла Саййид исми 40 ёшлардаги киши ҳақида маълумот берар экан, уни «араб, форс ва турк тилларини ҳамда Қадимги Шарқ тарихини яхши билувчи ниҳоятда ақлли одам бўлиб, европаликларга хос хушчақчақлик ва уддабуронлик хислатларига эга», деб таърифлайди. Элчи унинг шахматдаги маҳоратини мақтар экан, у каби моҳир ўйинчини кўрмаганлигини ёзади⁵².

Хива хонлигида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тепасида *меҳтар* лавозимидаги шахс турган бўлиб, у нафақат элчилик хизматининг марказий фигураси сифатида, балки давлатнинг бош вазири сифатида ҳам катта мавқега эга бўлган. Хон ҳукумати номидан элчилар билан мулоқот олиб бориш ваколати, асосан, *меҳтарга* берилган. Элчиларни кутиб олиб, уларнинг мақсадларини аниқлаш ҳамда хон ҳузурига кириш ва музокара олиб бориш тартибларини келишиб олиш ҳам *меҳтар* зиммасида бўлган. Шу жиҳатдан у қабул маросими ва музокара жараёнини ташкил этувчи нозир вазифасини ҳам бажарган.

Бухоро ва Қўқон хонликларида ташқи ишлар масаласи билан шуғулланувчи масъул *шиговул* мансабидаги шахс бўлиб, ушбу мансаб эгаси Қўқон хонлигидаги вазирлардан бири саналган.

Ҳар бир давлатда ўзининг белгиланган ёки умумқабул қилинган дипломатик қоидалари бўлишига қарамай, «Қабул маросими» жараёнида келган томоннинг талаб ва истаклари ҳам ҳисобга олинган.

Эрон қўмондони Исмоил Мирпанжа ўзининг «Хотиралар»ида уни Хива хони ҳузурига олиб боришар экан, меҳтар томонидан йўл давомида «ўзбек таомили ва урф-одати бўйича хон ҳузурига салом бериш, фотиҳа ўқиш, соғ-омонлик тилаб дуо қилиш» қоидаларини ўргатиб боририлганлигини ёдга олади⁵³.

Элчилик хизматида маданий-ташкилий тадбирлар.

Томонлар ўртасидаги музокаралар расмий учрашувдан кейин ҳам давом эттирилган. Баҳс-мунозара ёки дўстона суҳбат кўринишида олиб борилган бундай мулоқотлар элчи шарафига уюштирилган турли зиёфат ва базмларда давом этган. Шу жиҳатдан хоннинг рухсати ва элчининг розилиги билан ташкил этилган меҳмондорчиликларни «элчилик хизмати»нинг маданий-маиший тадбирлари сифатида қайд этиш мумкин.

Манбаларда расмий музокарадан ташқари меҳмонлар шарафига уюштирилган зиёфат ёки овқатланиш борасида *акл-укл* ва *шурб* (*еб-ичиш*) расми тилга олинган.



«Риёз уд-давла» асарида Хива хонининг сафари чоғида ташриф буюрган Эрон элчиси Ялангўшхонни қабул қилиш маросими баён қилинар экан, пойтахтдан ташқарида бўлишларига қарамай, дипломатик этикетнинг деярли барча тартиб-қоидаларига риоя қилинганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Асарда келтирилишича, қабул жараёнида амалдорлар мартабаларига кўра жойлашиб, шоҳона зиёфатлар берилиб, кетма-кет турли-туман таомлар тортилган ҳамда *уклу шурб русуми (егулик ва ичкилик, овқатланиш)*дан сўнг подшоҳона саруполар инъом этилган⁵⁴.

Хоннинг расмий қабулидан сўнг турли даражадаги давлат арбобларининг уйларида ташкил этилган зиёфатлар бевосита сиёсий масалаларни ҳал қилишга ёрдам бермаса-да, томонларнинг ўзаро маълумотлар алмашинувини таъминлаган. Хон амалдорлари хорижий элчиларнинг ҳикоялари орқали уларнинг мамлакати ҳақида турли-туман қизиқарли маълумотлар олишган, шунингдек, халқаро майдондаги сиёсий вазиятдан хабардор бўлган бўлсалар, ташриф буюрган томон маҳаллий аҳолининг урф-одати, анъаналари ва қадриятлари ҳамда хонликнинг умумий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишган. Эрон элчиси Муҳаммад Алихон музокарадан сўнг меҳтарнинг уйида ўнга яқин давлатнинг улуғлари даврасида бир муддат суҳбат қуриб ўтиришгани ҳақида ёзар экан, Русия, Рум ва Франция мамлакатлари ҳақидаги гаплар бошланиб кетганлигини қайд этади.

Ризоқулихон ҳам музокаралардан сўнг меҳтар уйида ташкил этилган зиёфатларни тасвирлар экан, таомлар ва уларнинг таркиби, нима билан ва қай тартибда дастурхонга тортилиши ҳамда меҳмондорчилик одатлари ва тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот берган.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, «Қабул маросими»нинг ташкилий жиҳатлари жуда оддий жараёнлардан иборат бўлса-да, уларнинг ҳар бир элементида ўта жиддий ва масъулият билан ёндашилган.

Зеро, яхлит механизмнинг таркибий қисмлари сингари, дипломатик этикетнинг ҳар бир масаласи ўз ўрнида ва жойида қўлланилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатига жиддий таъсир кўрсатган.

«Қабул маросими»: дипломатик этикет ва музокаралар олиб бориш тартиби.

«Қабул маросими»нинг асосий қисми олий ҳукмдорнинг бевосита элчи билан юзма-юз кўришиш жараёни бўлиб, бунда дипломатик этикетнинг бир қатор расмий ва норасмий жиҳатларини кузатиш мумкин.

Ҳукмдор элчиларни йил фасли ва об-ҳавога қараб, саройда ёки ўзининг сўлим боғларидан бирида қабул қилган. Хива хонининг «Ичон қалъа» аркидаги зинали супа ва унинг ёнидаги қабул зали



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Кўринишхона деб аталган. «Фирдавс ул-иқбол» асарида Эренгхон (1680–1690) «Хивак аркида *кўрунушхона* иморат қилган ҳукмдор» сифатида келтирилган. Жумладан, «Мавлоно Вафо ул иморатнинг банно ва наққоши эрди. Кўп дилкаш ва бағоят мунаққаш бино бўлди», деб маълумот берилган асарда⁵⁵.

Кўринишхона ибораси, аввало, бу сўзнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ бўлганки, манбаларда хон қабулида бўлиш *кўриниш бериш* шаклида ифодаланган. Элчини бевосита «кўринишхона»га олиб бориш ва хон ҳузурига киритиш ҳам маълум бир тартиб-қоида асосида амалга оширилган.

Рус элчиси Н. Муравьевнинг қайд этишича, *юзбоши* ва *мулозим* (пристав) олдинда юриб, элчини саройга бошлаб борган.

«Сиёсатнома» асарида элчилар кутиб олингач, «янги, обод шаҳар ва ноҳияларни томоша қилдириб, охири саройга олиб келсинлар» деган тавсиялар ҳам берилган⁵⁶. Ўрта Осиё хонлиқларида ҳам элчиларни саройга кузатиб бориш давомида ўз давлатининг қудрати ва ютуқларини намоиш қилишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Н. Муравьев хон ҳузурига боришда бир неча саройлар орқали ўтганликлари ва бу ерда эътиборга лойиқ нарсаларни кўрганлигини қайд этади. Жумладан, унча катта бўлмаган биринчи саройга кирган элчи, у ерда 63 нафар қозоқ элчилари ўтирганини кўрган. Иккинчи сарой ундан бироз кичикроқ бўлиб, у ерда хоннинг аслаҳахонаси⁵⁷ жойлашган эди. Элчи бу ердаги қуроллар олдидан ўтар экан, «Уларга эътибор беришимга атайлаб имкон яратишган эди», деб қайд этади. Учинчи сарой орқали ўтганда хон кенгаши йиғиладиган «кўринишхона» деб номланадиган бино олдида уларни хон хизматкорлари кутиб туришган эди. Тўртинчи сарой ўртасида хоннинг ўрдаси (кибиткаси) жойлашган. Қўқон хонлигидаги қабул маросимлари ўтадиган жой *саломхона* бўлиб, Филипп Назаров ҳам икки томондан вазирлар кузатувида саломхонага яқинлашганликлари, учинчи вазир эса, саломхона эшигини очиб берганлигини қайд этган. А. Вамбери ҳам ўз «Эсдалиқлар»ида Хива хони ҳузурига таклиф этилгач, икки ясовул келиб, ҳурмат билан унинг биллагидан тутган ҳолда ичкарига бошлаб боришганлигини баён қилган.

Саройдаги қабул ва унинг муҳим шартлари.

Хон ҳузурига қуролсиз ҳолатда кириш қабул маросимининг энг муҳим шартларидан бири эди. Н. Муравьев бу борада *юзбоши* томонидан алоҳида оғоҳланрилиб, «уларнинг одатига кўра, хон ҳузурига қилич таққан ҳолда кириш мумкин эмаслиги» тушунтирилган эди. Элчи «уларнинг одатини бузмаслик ва ўзига юклатилган вазифани муваффақият билан адо этиш мақсадида» хоннинг буйруғига амал қилганлигини таъкидлаб ўтади. 1841 йилда ташриф буюрган П. Ни-



кифоровдан ҳам саройга киришдан аввал қуролиларини топшириш сўралган эди.

Саломлашиш ва расмий мактубларни қабул қилиш.

Манбаларда «мусофаҳа» (*қўл бериб кўришиши*) ва «муонақа» (*қучоқлашиб кўришиши*) қондаси қайд этилган. *Мусофаҳа* одати борасида тўхталиб ўтган А. Вамбери: «...Мен ҳукмдорга яқинлашдим ва у [саломлашиш учун] қўлини узатди. *Мусофаҳа*, яъни Қуръонда белгиланган қўл сиқиб кўришишдан сўнг, мен ортга бир неча қадам ташладим. Шу билан маросим якунланди», дея қайд этган⁵⁸.

Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур ҳам кутиб олувчилар билан саломлашиш жараёнини тасвирлар экан, «Масофаҳа ва таориф (*қучоқлашиб кўришиши* ва *совға-салом алмашиши*)дан» сўнг, Хива шаҳрига йўл олишганлигини қайд этган⁵⁹.

«Фирдавс ул-иқбол» асарида ҳол-аҳвол сўрашиш, саломлашиб кўришиш русумига доир яна бир қанча иборалар, хусусан, *тамҳид*, *пурсиш* ва *тафаққуд* қондалари тилга олинган.

Кейинги жараён ҳукмдорнинг расмий мактубини топшириш ва қабул қилиб олиш бўлган. Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафур: «Хон ҳазратларининг ҳузурига киргач, хумоюнномани қўлимда ушлаб, хонга салом бердим. Номани хоннинг мирзаси қўлимдан олмоқчи бўлганида, бермадим. Хон ҳазратларига ўзим олиб бориб бердим. Хон хатни икки қўли билан олиб, юзи баробар ушлади ва шоҳимиз ҳол-аҳволини сўради», деб қайд этади ўз ҳисоботида.

Совға-саломлар алмашиши.

Манбаларда элчилар келтирган тухфа ва пешкаш (*совға*)лар ҳақида сўз юритилганда, аксарият ҳолларда «ўткарди» ибораси қўлланган. Жумладан, «Зубдат ут-таворих» асарида Раҳимқулихоннинг Хуросонга юришларидан бири давомида ташриф буюрган маҳаллий ҳокимларнинг ҳар бири «ўз ҳоллариға лойиқ тухфа ва пешкашларини ўткардилар», деб қайд этилади. Бу ибора совға-саломларни қабул қилиб олиш жараёни ҳақидаги тасаввуримизни тўлдириб, келтирилган совғаларнинг мутасадди киши томонидан текширилиб, ҳукмдор назаридан ўтказилганлигини билдиради.

Зеро, совғаларни кўздан кечирган ҳолда текшириб, қабул қилиб олиш ва тақдим этиш жараёни ҳам махсус тартиб-қоидалардан иборат бўлган. Бу эса, уларни хонга етказган амалдордан алоҳида зийракликни талаб этган. Жумладан, Н. Муравьев келтирган совғалар орасида пиша чилим (қалён) бўлиб, хон унинг нима эканлигини сўраганда, *юзбоши* совғанинг номини айтишга журъат эта олмаган. Чунки, Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) даврида чилим чекиш тақиқланган бўлиб, *юзбоши* уни сирка солишга мўлжалланган идиш деб тушунтирган⁶⁰.

Совға-саломларнинг миқдори ҳам аҳамиятли масала бўлиб, Рус



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

подшосининг ҳадялари, асосан, «қирқ бўлак»дан юборилган бўлса, Ўрта Осиёда *тўққиз рақами* мукаммаллик тимсоли сифатида маълум бир рамзий маънога эга эди.

Н. Муравьев Хива хонига атаб келтирган ўн дона шиша идиш – стаканларни *юзбошига* кўрсатганда, у Хивада шишанинг ноёблиги ва улар хонга жуда ёқишини билдириб, лекин уларда тўққиз рақами ҳосиятли ҳисобланганлиги учун ўн дона эмас, идишларнинг тўққизтасини ҳадя қилишни маслаҳат берган.

1679 йилда Анушахон томонидан рус подшоси Фёдор Алексеевичга юборилган совғалар рўйхатида «9 та пўлат пичоқ билан бирга 9 та камон» қайд этилган⁶¹.

Хива хонларига қорақалпоқ, қозоқ ва туркман сардорлари, шунингдек, кўшни Бухоро ва Қўқон хонликларининг элчилари келтирган «тўққуз-тўққуз пешкашлар» ҳам ана шу анъана ҳақида маълумот беради.

Ҳадялар ҳукмрон сулолалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрнатилган никоҳ муносабатларида ҳам муҳим ўрин тутган. Эрон шоҳи Таҳмосиб I (1524–1676)нинг Хива хонига куёв бўлиши муносабати билан келин томондан Эронга *тўққиз* кишининг юборилиши ҳамда келинга тақдим этилган совғалар сонининг *тўққиз*тадан бўлиши ҳам юқоридаги фикрга мисол бўлади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, икки давлатнинг ҳукмрон доиралари ўртасидаги бундай никоҳ муносабатлари дипломатиянинг ўзига хос ва кенг қўлланилган кўриниши эди.

Кўрсатиб ўтиш лозимки, *Қуръони карим* ҳадялар ичида энг бебаҳоси ҳисобланган. Бу борада Қўқон хони Муҳаммад Алихон томонидан Усмонлилар ҳукмдори Султон Маҳмуд II (1808–1839)га юборилган совғалар рўйхатида бир дона Мусҳафи шариф (*муқаддас Қуръон*)нинг қайд этилиши эътиборга лойиқ.

Истанбул университети кутубхонасида Қўқон хони Умархон (1810–1822) ҳамда Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдар (1800–1826)га тегишли Қуръони каримнинг нодир қўлёзма нусхалари сақланиб қолган бўлиб, улар айнан дипломатик алоқалар учун қимматли тухфа сифатида тайёрланган деб хулоса қилиш мумкин. Мусҳафнинг иккинчи ва сўнги саҳифаларида Қўқон хони Умархоннинг бодомсимон муҳри қўйилган бўлиб, унда «Амир ал-муслимин Саййид Муҳаммад Умар бин Норбўтахон 1229» сўзлари ёзилган. Қуръони каримнинг ушбу нусхаси Қўқон хонлигида тайёрланган бошқа нусхалардан фарқли равишда, чиройли безаклар ва олтин суви билан нақшланганлиги унинг махсус совға учун тайёрланганлигидан далолат беради⁶².

Бундан ташқари, дипломатик алоқаларда ҳукмдорлар буюк шоирларнинг девонидан нусхалар кўчиртириб, ўзаро бир-бирларига ҳадя этишган. Қўқон хони Умархоннинг Усмонлилар султони Маҳмуд II га юборган ҳадялари ичида нафис нақшлар ва хаттотлик намуналари билан безалган



Алишер Навоий, Лутфий, Амирий ҳамда Фузулий девонларидан тузилган «Муҳаббатнома» мажмуаси диққатга сазовордир.

Ҳиндистон ҳукмдори Жаҳонгиршоҳ хазинасида Низомий Ганжавийнинг «Хамса»си бўлиб, аслида у темурий султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Эрон шоҳи Исмоил I Сафавийнинг тахтга ўтириши муносабати билан совға қилинган. «Хамса» кейинчалик, Эрон шоҳи томонидан турли қимматбаҳо совға-саломлар қаторида Ҳиндистонга юборилган.

Қабул маросимининг муҳим атрибутларидан саналган ҳадялар маълум бир мазмун-моҳиятга эга рамзлар сифатида муносабатлар характерига катта таъсир кўрсатган. Жумладан, Н. Муравьев томонидан хонга келтирилган совғалар орасидаги 10 фунт⁶³ қўрғошин, яна шунча кремнийли порох ва икки каллак қанд Хива хони саройида рус ҳукумати «ширин – дўстликни таклиф этмоқда ва акс ҳолда, уруш очилишига ишора қилмоқда», деб талқин этилган эди⁶⁴. Албатта, маҳаллий халқнинг анъана ва урф-одатларига доир бундай маълумотлар элчиларнинг ҳисобот ва кундаликларида алоҳида қайд этилган бўлиб, келгусидаги ташрифлар ва ўзаро дипломатик алмашинувларда эътиборга олинган.

Рус ҳужжатларида Россия императори томонидан Г. Данилевский орқали Хива хонига атаб бериб юборилган совғаларнинг энг каттаси – бу «Оллоқулихоннинг (1825–1842) кўп йиллик орзуси бўлган» *карета-ландо* (усти ёпиқ соябонли арава) ва унга қўшилган бир жуфт зотдор инглиз отлари қайд этилган бўлиб, улар олтин ва кумуш юганлар билан жиҳозланган эди. Маҳаллий манбаларда элчи «келтиргон тухфоти беҳтажасар ва тансуқоти ғайри муқаррарин» сифатида мақталган бу совға «ул жумладин, бир тахтиравон отлиғ ароба эрдиким, борча ери мусайқал ва мурассаъ бўлуб, ҳаддан афзун олтун, кумуш онинг асбобу тузуклариға харж бўлмиш эрди», дея тасвирланган⁶⁵.

Совға-саломлар анча нозик масала бўлиб, бу борада чиққан можароли ҳолатлар тарихда кам эмас. Келтирилган ҳадяларга жавобан қайтарилган совғаларнинг бир-бирига ҳажми, қиймати ва ноёблиги жиҳатидан мувофиқ бўлиши катта аҳамиятга эга эди. Айниқса, алмашилган ҳадяларнинг «дарё ортидаги» (*заморские*) ёки «хайратомуз ва ғайриоддий» (*диговинка*) ҳисобланган ноёб ва тансиқ моллар сирасидан бўлишига алоҳида эътибор берилган.

Хоразмда бўлган Бухоро элчиси Мирзо Қоровулбегига кетиш олдидан «таажжубнома тухфалар»нинг тақдим этилганлиги айнан ана шундай ноёб ва нодир нарсаларнинг совға қилинганлигини кўрсатади.

Бухоро ҳукмдори Амир Насруллонинг Хива хонига юборган «тухфаи ғаройиб»лари қаторида бир ов қуши – *боз*, яъни қирғий ёки лочиннинг мақтови манбада алоҳида келтирилган. Хусусан, «...пар-пари ғайри муқаррар шахбози баландпарвоз эрдиким, жуссаси ўзга бозлардин андак улўғроқ эрди ва бошида мунаққаш тожи бор эрди. Ва жаҳон шикоргоҳида



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ҳеч бир миришкор анинг мислин мушоҳада қилмамиш эрди», деб кўрсатилган «Гулшани давлат»да.

1685 йилда бобурий ҳукмдор Аврангзеб томонидан Бухоро хони Субхонқулихон ҳузурига элчи қилиб юборилган Забардастхон орқали бериб юборилган совға-саломлар ичида «тоғ каби улкан филлар» ҳам бўлган.

1795 йилда Бухоро ҳукмдори амир Шоҳмурод ўзининг элчиси Эшмуҳаммад Бойкишиев орқали Россия қироличаси Екатерина II га Афғонистондан келтирилган бир филни совға сифатида юборган⁶⁶. Бу филнинг озукасига элчи томонидан сарфланган 6 655 сўм пул унга хазина ҳисобидан қайтарилган⁶⁷.

Ўрта Осиё хонликларидан Россияга юборилган совғалар сифатида қимматбаҳо ҳинд чодирлари, тилла билан нақшланган дубулға ва ханжар, «садоқ» деб аталувчи тилла билан нақшланган ўқдон ва ўқ-ёйлар, машҳад камони, тилла суви юритилган нақшинкор идишлар, уруб чалинадиган мусиқа асбоблар туридан бўлган кумуш тулунбаслар, гулдор кимхоб ва нафис матолар шулар қаторига киради.

Манбаларда келтирилишича, *арғумоқлар* – зотдор отлар, шунингдек, туялар Ўрта Осиёдан турли мамлакат ҳукмдорларига юборилган совғалар ичида алоҳида қимматга эга бўлган. Шуниси қизиқки, рус хужжатларида, Ўрта Осиёдан рус подшосига юборилган отларнинг алоҳида белгиси, ранги ва зоти, шунингдек, гилам ва матоларнинг ўлчами ҳамда қиймати жуда батафсил тавсифланган. Бундай аниқлик «шоҳона ҳадялар»ни алмаштириб қўйилишига қарши эҳтиёт чоралари бўлганлигини тушуниш қийин эмас. Шу туфайли, ҳадяларнинг номи, сони ва тури расмий мактубларга бириктирилган махсус рўйхатда аниқ қилиб санаб ўтилар эди.

Ўрта Осиё хонлари томонидан Россияга юборилган совғалар орасида маймунлар ва йўлбарслар ҳам бўлган. Лекин, кўп ҳолларда бундай экзотик ҳайвонлар йўлда ҳалок бўлар, шунда уларнинг терилари етказиб бо-рилар эди.

Ўз навбатида рус давлатидан ҳам Хива хонлигига юборилган ноёб ва қимматбаҳо совғалар, жумладан, сувсар, «балиқ тишлари» деб аталган морж тишлари, рангли чит ва сатин матолар, юфть (*қизил чарм*), «угор пичоқлари», чинни идишлар, шунингдек, тулкилар, кумуш соатлар, чойнак, янтар ҳошияли ойна, оқ янтардан тайёрланган қадах (рюмка), биллур қадах (рюмка), янтардан ясалган ғилоф (футляр), немис тўшпончалари, ҳар хил қайчилар ва ҳоказоларни кўрсатиб ўтиш лозим.

Ўз ўрнида қайд этиш лозимки, қимматбаҳо совға-саломлар ва ноёб ҳадялар халқлар ўртасида турли янгиликлар ҳамда инновацион ихтиролар алмашинувини таъминлар эди. Зеро, юқорида кўрсатиб ўтилган рус подшосининг совғалари, шунингдек, 1842 йилда Хива хони ҳузурига бўлган Эрон элчиси Муҳаммад Али Ғафур томонидан келтирилган қимматбаҳо портсигар, тилла сиёҳдон ҳамда у билан бирга ташриф



буюрган инглиз элчиси тақдим этган «бир кўзли дурбин», пистолет, соатлар, шунингдек, Ризоқулихон олиб келган қаҳва ва уни тайёрлайдиган асбоблар ана шундай ўзаро маданий алмашинув жараёнларига мисол бўлади.

Дипломатик этикет ва музокаралар олиб боришнинг асосий тартиб-қоидалари.

Музокараларнинг асосий кўриниши оғзаки мулоқот бўлиб, элчи бош масалани бевосита хон ёки унинг номидан иш олиб борган меҳтар билан кўришиб, муҳокама қилган. Баҳс-мунозаралар чўзилиб кетган ёки қарор қабул қилишда бир тўхтама келиш қийин бўлган ҳолларда музокаралар хатлар орқали ҳам олиб борилган. Мактублар орқали мурожаат этишда ҳам субординация қоидаларига қатъий риоя қилинган. Расмий мактубда битилган фикрлардан ташқари элчилар музокара жараёнида ўз ҳукмдорининг мақсадларини оғзаки хабарлар орқали етказишган.

Музокараларда элчининг шахсияти, унинг феъл-атвори ҳамда ўзини тутиши катта аҳамиятга эга бўлган. Шу жиҳатдан, Хива амалдорларига такаббурлик билан муомала қилган Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Хива хони саройида анчагина ёмон таассурот қолдирган бўлса, ундан фарқли ўлароқ, мулоқот жараёнида ўзининг билимдонлиги ва зукколигини намойиш эта олган Ризоқулихон Хива хони ва унинг амалдорлари орасида жуда катта ҳурматга сазовор бўлган.

Ўзининг маданияти ҳамда тарихий ва адабий билимларию шеърят борасидаги истеъдоди билан ҳаммани лол қила олган элчига Хива хони шундай баҳо берган: «Бу одам ажаб бир билимли одам ва кўп доно киши экан. Агар бизнинг вилоятда қолса, бизга кўп фойдаси тегарди. Бизнинг дин ва давлат бобидаги билимларимизга билим қўшиб, илмларимизни оширарди. Шу пайтгача Эрондан Хоразмга бундай элчи келмаган эди»⁶⁸.

Қабул маросими чоғида ҳеч бир нарса элчилар эътиборидан четда қолмаган. Айниқса, ҳукмдор саройи ва хон шахси элчиларнинг асосий диққат марказида бўлган. Бундай таъриф таснифлар орқали тахтда ўтирган ҳукмдорнинг шахсияти, унинг бошқарув сиёсати, шунингдек, нафақат мамлакат, балки минтақадаги вазият ҳақида маълум даражада маълумотга эга бўлиш мумкин.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I нинг ташқи кўриниши ҳақида маълумот берган Н. Муравьев, уни «50 ёшларда бўлиб, балаңд бўйли (1 сажен), соғлом ва бақувват, чавандоз оти уни 2 соатдан ортиқ кўтариб юра олмас эди», дея қайд этган. «Маҳорат билан виқорли ва тиниқ гапиради», деб кўрсатар экан, элчи хоннинг ўз она тилидан ташқари, араб ва форс тилларини билиши, астрология ва табобатдан ҳам хабари борлигини, шунингдек, шахмат ўйинини ёқтириши ва мукамал билиши борасида ижобий фикрларни билдирган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Рус элчиси ўз кузатувлари асосида хонга умумий баҳо берар экан, Муҳаммад Раҳимхон I нинг салоҳияти борасида у «Ўз подшолигини ҳар томонлама кучайтириш, жумладан, аҳолисини кўпайтириш учун ҳам, сиёсий мавқеини ошириш учун ҳам қулай вазиятни қўлдан бой бермайди. Шу жиҳатдан вақт ўтиши билан Хива хонлигига Шарқнинг бошқа биринчи даражали давлатларига тенглашадиган мамлакат сифатида қараш лозим бўлади», деб хулоса берган эди⁶⁹.

Оллоқулихон қабулида бўлган Г.И. Данилевский ҳам Хива хонига жуда юқори баҳо берган эди. У хоннинг қоматини тутиши, овози, гапирини оҳанги ва музокараларни совуққонлик билан олиб бориши алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини қайд этган.

Рус қўмондони В. Перовскийнинг Хива хони Оллоқулихон билан дипломатик алоқаларига тўхталиб ўтган рус тадқиқотчиларидан Р. Почекаев «Фаол, кучли, жанговор Оренбург губернаторига бу борада ундан қолишмайдиган Хива хукмдори, яъни фаол ва қатъиятли Оллоқулихон қарши турар эди», деб баҳо беради. Олим Оллоқулихоннинг 1839 йилда Хивага юриш қилган рус қўшинлари яқинлашаётганда ҳам, дастлабки мағлубият жараёнида ҳам ўзини йўқотиб қўймасдан тезкор ва аниқ қарорлар қабул қила олган қатъиятли хукмдор сифатида таърифлайди⁷⁰.

Хон олдида сайёҳ дарвеш қиёфасида намоён бўлган А. Вамбери қабул жараёнини тасвирлар экан, Саййид Муҳаммадхон зинали супада, ипак ва бахмал мато билан қопланган юмалоқ ёстиққа чап қўли билан суянган ҳолда, ўнг қўлида калта олтин *скипетр*, яъни ҳокимият рамзи ҳисобланган таёқчани тутганича ўтирганлигига эътибор берган. Хоннинг скипетр тутган ҳолда ўтириши ўрганилган бошқа манбаларда учрамаганлигини ҳисобга олсак, бу даврга, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда Хива хони саройидаги қабул маросимларда юз берган айрим ўзгаришлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Яқуний аудиенция: жавоб мактублари, хилъат кийдириш, совғалар бериш ва кузатувчиларни тайинлаш.

Хон томонидан элчиларни охириги марта қабул қилиш ва керакли расм-русумларнинг адо этилиши дипломатик муносабатлар жараёнига мантиқий яқун ясаган дейиш мумкин. Бу жараёнда остига муҳр босилган мактубларни тайёрлаб, элчиларга топшириш, ҳадя ва инъомлар бериш ҳамда хилъатлар кийдириш, кузатувчиларни тайинлаш каби бир қанча амаллар бажарилган.

«Хилъат кийдириш» маросими ҳақида ҳикоя қиларкан, Ризоқулихон, Хива хонлигида *Малик ут-тужжор* ўрнида кўрилувчи ва давлат девони ишларига ҳам жалб этиб туриладиган *карвонбоши* олиб келган бўҳча (*тугун*)нинг оғзини очиб, ичидан дарахт шоҳлари расми туширилган мушажжар (*ранг-баранг*) атлас чопон ва зардўзи ипак билан



нақшланган тўн чиқариб, элчининг эгнига ташлаганлиги, йиғилганлар табриклар, муборакбод этганликларини қайд этган.

Н. Муравьев хоннинг қабулидан чиққач, «Кўринишхона»да унинг шарафига уюштирилган меҳмондорчилик чоғида *юзбоши* хон номидан келтирган зар тўнни кийдириб, ҳинд парчасидан тикилган қимматбаҳо белбоғни боғлаган ва унга қўшиб кумуш қинли ханжарни тақдим этган.

Муҳаммад Раҳимхон I Бухородан келган элчиларни ҳурмат билан кутиб олганлиги таъкидланар экан, уларнинг «ҳар қайсиға хилои гарон-моя (*қимматбаҳо тўн*) ва камари тиллопироя марҳамат» қилиб ортига кузатилганлиги қайд этилади «Фирдавс ул-иқбол»да.

Хива хони Оллоқулихон ҳузурида бўлган Эрон элчиси Ялангтўшхон бошчилигидаги элчиликка ҳам кетишларидан олдин «хилъои хуршид шиоъ», яъни қуёш шуълаларидек товланувчи хилъат – фахрли тўн кийдириб, мақсадларига мувофиқ жавоб билан кузатиб қўйилган.

Ўрта Осиё хонлари саройида амал қилган «Қабул маросими» ёки «Дипломатик протокол», унинг ташкилий ва асосий қисмлари ҳамда дипломатик этикетнинг кўриб чиқилган қоидалари бу давлатларнинг сўнгги ўрта асрлар халқаро алоқалар тизимида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганлигидан далолат беради.

4.2. Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро муносабатлари

Мовароуннаҳрда Бухоро хонлигига асос солган Муҳаммад Шайбонийхон ва Хива хонлигининг дастлабки ҳукмдори Элбарсхон келиб чиқиши жиҳатидан бир шажарадан эди. Лекин улар, ўзаро оилавий душманлик туфайли бир-бирига нисбатан рақиб сифатида сиёсат юритганлар. 1505 йилда Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Хоразмдаги бош шаҳарлардан Урганчнинг эгалланиши, кейинги даврда унинг ворислари Убайдуллахоннинг 1537–1539 йилларда Хоразмга бир неча бор уюштирилган юришлари, шунингдек, Абдуллахон II (1557–1598) нинг ўз давлатини марказлаштириш мақсадида XVI аср иккинчи ярмида Хива хонлигига кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатлар уюштириши мавжуд қарама-қаршиликлар ҳақида тасаввур беради.

Шунга қарамай, Бухоро ва Хива хонлари аксарият ҳолларда юзага келган зиддиятли ҳолатларни ўзаро музокаралар ҳамда элчиликлар орқали ҳал этишга ҳаракат қилганлар.

«Шажарайи турк» асарида олийжаноб ва бағрикенг инсон, ақлли, тажрибали ва адолатпарвар ҳукмдор кўринишида гавдалантирилган Хива хони Ҳожи Муҳаммадхон (Ҳожимхон) (1558–1602) ҳокимият тепасига келмасидан илгари ўсмирлик чоғидаёқ қариндошлари орасида тадбирли ва мулоҳазали йигит сифатида ҳурмат қозонган эди. Шу боис



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Бухоро ҳукмдори Убайдуллахоннинг Хоразмга қилган охириги юришларидан бирида асир олиб кетилган хон хонадони вакилларини озод этиш юзасидан музокара олиб боришдек масъулиятли вазифа 18 ёшли Ҳожимхонга юклатилган.

Манбада таъкидланганидек, Ҳожимхон жангда асир тушган Бухоро бекларини қатл эттирмай, уларни Убайдуллахон хузурига олиб борган ҳамда эвазига амакиси Қолхон ва отаси Ақатойхон ҳамда Урганч бекларидан барчаларини кўчириб келтируб, «бузулғон Урганчни тузатиб, юрт қилғон» эди⁷¹.

Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, кенг миқёсли ҳарбий юришлар олиб борган Абдуллахон II нинг ташқи сиёсати унинг Хоразм билан муносабатларига жиддий таъсир кўрсатган. Шунга қарамай, Бухоро тарихига оид асарларда Абдуллахон II фаолиятининг бошларида Хоразм султонлари билан олиб борилган иттифоқчилик ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хукмрон сулолалар ўртасидаги никоҳ муносабатлари ўзаро сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашнинг бир кўриниши бўлиб, Бухоро ва Хива хонлари хонадони ўртасида ҳам бундай ришталар боғланган эди. «Абдулланом»да келтирилган маълумотлар Нисо ва Обивардда хукмронлик қилган Хоразм султонларидан Абул Муҳаммад билан Абдуллахон II ўртасидаги қариндошлик алоқалари ҳақида маълумотга эга бўламиз. Хусусан, асарда кўрсатилишича, 1577 йил кузида ўғли Абдулмўмин султоннинг хатна тўйини қилишга фармон берган Абдуллахон II «улуғ мартабали султонлар, юқори даражали амирлар ва қудратли нўёнлар қаторида бахтиёр хонзоданинг тоғаси Абул Муҳаммадхонга киши юборган». Абул Муҳаммадхоннинг ташрифидан хабар топгач, Бухоро хони уни катта тантана ва эъвоз билан кутиб олишга буюрган. Улуғ амиру вазирлар томонидан қарши олинган Абул Муҳаммадхонга қимматбаҳо ҳадялар, жумладан, «афсонавий учар отни ҳам ортда қолдирадиган тўпчоқлар, зар тикилган гажм ва зар қопланган барғуствон билан, тез юрар хачирлар, қатор туялар ва бошқа хаёлга сиққанча совғалар» тортиқ қилинган. Абул Муҳаммадхонга кетиш чоғида ҳам «жавоҳир ва лаъл шодалари, нафис қимматбаҳо тошлар, жуда кўп зарбоф либослар, кўплаб нафис нарсалар, қимматбаҳо кийимликлар ҳамда латиф нарсалар иноят қилиб, ўз вилоятига қайтишга ижозат берганлар»⁷².

Лекин Мовароуннаҳрда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиб, кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатларни олиб борган Абдуллахон II нинг Хоразмга уюштирган бир қатор юришлари туфайли икки ўртадаги муносабатларга путур етган.

Шу билан бирга, мамлакат ичидаги ўзаро сулолавий курашлар кўп ҳолларда Бухоро ва Хива хонлари вакиллариининг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишларини тақозо этган. Жумладан, XVII асрнинг 20-йил-



ларида Хива хонлигидаги ички зиддиятлар жараёнида хоннинг кичик ўғиллари Абулғози ва Шариф султонлар Бухоро хонлари саройидан паноҳ топишган.

1645 йилда хонлик тахтини эгаллаган Абулғозихон даврида эса, мамлакат бирлигини таъминлаш мақсадида Бухоро хонлигига бир қанча юришлар уюштирилган. Унутмаслик керакки, ўрта асрларнинг тарихий-сиёсий шароитида ўз мавқеини сақлаб туриш ва мустақамлаш эҳтиёжи деярли ҳамиша уларнинг ҳарбий қудратини ошириб боришларини тақозо этган. Шу жиҳатдан Хива хонининг бу ҳужумлари, аввало, ўзининг жиддий рақиби бўлган Бухоро хонлигини заифлаштиришга қаратилганини эътиборга олиш зарур.

Қолаверса, Абулғозихоннинг изоҳ беришича, бу юришларга Балх ҳокими Субхонқулихоннинг Бухоро тахтида ўтирган ўз акаси Абдулазизхонга қарши ёрдам сўраб мурожаат этганлиги ҳам сабаб бўлган. «Шажарайи турк»да келтирилишича, Субхонқулихон Хива ҳукмдори Абулғозихонга куёв бўлиб, укаси Шариф Муҳаммаднинг қизига уйлانган эди. Шу боис, Бухоро хонлигида юзага келган ўзаро курашда Хоразм подшоҳининг мададига умид қилган Субхонқулихон унга элчи юбориб, ёрдам сўраган.

Абулғозихон умрининг охирида ҳарбий юришлардан воз кечиб, айниқса, қўшни Бухоро хонлиги билан ўзаро муносабатларини мустақамлашга ҳаракат қилган. Ўзининг таъбири билан айтганда, «Ёшимиз етмишга етди. Эмдидин сўнг мусулмон халқга ёмонлик қилмоқнинг маъноси йўқ», деб «подшоҳликни ўғулларига бериб, тавба ва ибодат қилиб, Мовароуннаҳрга элчи юбориб, Абдулазизхон билан ярашган»лиги қайд этилади «Шажарайи турк»да⁷³.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро зиддиятли ҳолатлар аксарият ҳолларда марказий ҳокимиятга қарши ички кучларнинг қўшни давлатлардан қўмак олиш ҳолатлари билан боғлиқ бўлган.

Хива хонлари Анушахон (1663–1687), Эренгхон (1690–1694) даврларидаги Бухоро хонлиги билан олиб борган курашлари айнан турли исёнкор кучларнинг саъй-ҳаракатлари билан юзага келган эди.

Лекин, Анушахоннинг бугунги кунда Россия архивларида сақланиб қолган Россия императори билан ёзишмалари (1675 й., 1679 й.) унинг Бухоро хони билан дўстона алоқаларига доир ҳолат ҳақида гувоҳлик беради.

1675 йил февраль ойида Хивага юборилган мактубда «Рус ерларининг подшоси буюк князь Алексей Михайлович» ўзининг элчилари Василий Александрович Даудов ва Муҳаммад Юсуф Қосимовларга аввал Хива хони ҳузурида бўлиб, сўнг Бухоро хони Абдулазизхон юртига бориш буюрилганлигини хабар қилган. «Урганч ва Хива ерларининг бошлиғи Ануша Муҳаммадхон (Навшам Бет)»дан уларни Бухоро ерларига куза-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тиб қўйишни сўраган рус подшоси қайтишда ҳам элчиларни соғ-саломат рус ерларигача ўтказиб қўйиш, қолаверса, бошқа давлатларга йўл олган рус элчиларига ҳам худди шундай хизмат кўрсатишни сўраган⁷⁴.

Кўриниб турибдики, Россия императорининг Шарқ мамлакатлари билан алоқаларида Хива хонлиги муҳим боғловчи бўғим ва восита сифатида аҳамиятга эга бўлган.

1679 йил январь санаси билан қайд этилган мактуб мазмунидан унинг Анушахон томонидан рус подшосига қайтарилган жавоб хати эканлиги маълум бўлади. «Буюк Оқ подшога табрикларимиздир» деб бошланган мактубда Хива хони, аввало, рус подшоси юборган ёрлик (любительная Грамота)ни қабул қилиб олганлиги ҳамда унга жўнатилган ҳадяларнинг тўлиқ етиб келганлигини қайд этган. Шунингдек, Хива хони рус элчиларининг Бухоро хони ҳузурига соғ-саломат кузатиб қўйилгани ва қайтишда ҳам уларни худди шундай тарзда ўтказиб қўйишга буйруқ берганлигини хабар қилган.

Юқоридаги мактубга илова қилинган хатда Хива хони, рус подшоси томонидан бериб юборган туҳфаларнинг тури ва сони юзасидан тушунтириш берган. Хусусан, Бухоро хони Абдулазизхонга бериб юборилган тўққизта ов қуши ва қушчи қайд этилар экан, Анушахон қушлардан иккитасини ўзига олиб қолганлигини маълум қилган. Хива хони бунга изоҳ бериб, «Бухоро хони менга ўз отамдек бўлади ва мен бу ҳақда Бухоро хонига ёзиб юбордим. Мен билан унинг ўртамизда келишмовчилик йўқ ва шунга умид қилиб иш тутдим, қолган қушлар эса, Бухоро хонига етказилди... ва бу қушлар борасида муаммо бўлмайди», дея таъкидлаган⁷⁵.

XVIII асрда деярли бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб олган сиёсий воқеа, бу Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг кенг миқёсли ҳарбий юришлари бўлиб, унинг 1739–1740 йилларда Ўрта Осиёга уюштирган ҳужумлари жараёнида ҳам хонликларнинг ўзаро элчилик муносабатларини кузатиш мумкин. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Нодиршоҳнинг Бухоро хонлиги ҳудудларига юриши маълум бўлгач, Бухоро хони Хоразмга элчи юбориб, Эрон қўшинларига қарши ёрдам сўраган ва иттифоқчилик қилиш таклифини билдирган. Лекин, вазият тақозоси билан, яъни тайёргарликнинг кеч бошланиши ҳамда Бухородаги ички кучларнинг Эрон шоҳи билан келишувга интилишлари туфайли, Хива хони Элбарсхон йўлга чиққан Хоразм қўшинларини ортга қайтарган эди. «Тарихи Туркистон»да таъкидланишича, «Нодиршоҳ Ҳиндистон сафаридин қайтганда, [Бухоро хони] Абулфайзхон ва Ҳаким оталиқ сарҳадни сақламоқ учун Урганч хони Йўлбарсхон ила иттифоқ қилган» ва Хива хони ёрдам учун катта қўшин (60 минг аскар)ни Қарши тарафига юборган.



«Фирдавс ул-иқбол»да ҳам Нодиршоҳнинг ўғли шаҳзода Ризоқули Мирзо 1737–1738 йилда Балхни эгаллаб, Мовароуннаҳрга юриш қилган вақтда Бухоро хонига Хоразм томонидан кўрсатилган ёрдам тўғрисида маълумот берилади.

Қўқон манбалари Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги иттифоқчилик ҳаракатларини тасдиқлаши билан бирга, бу давр сиёсат майдонида вужудга келган учинчи давлат – Қўқон хонлигининг бетаъриф позицияни эгаллаб турганлигини кўрсатади. Хусусан, «Анжум ат-таворих»да қайд этилишича, Қўқон хони Абдулкаримхон (1733–1750) мамлакат мудофааси учун беш минг жангчини тўплаб қўйган бўлса-да, лекин, воқеаларга аралашмай, уларнинг кейинги ривожини кузатиб туришга қарор қилган эди. Асарда «Нодиршоҳ ўз лашкари билан Хоразм сари йўлга чиққан хабарини Абдулкаримхон эшитиб, давлат пойтахти Хўқандга қайта туриб ...ғайб пардасидан яна нималар содир бўлишини кутди», дея қайд этилади⁷⁶.

XVIII асрнинг 70-йилларида Хива хонлигида янги Қўнғиротлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ жараёнлар бевоқифа уларнинг Бухоро тахтида ўтирган Манғитлар сулоласи вакиллари билан олиб борган муносабатларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Қўнғирот ер эгаларининг раҳнамоси Муҳаммад Амин иноқ 1768–1769 йилларда Хоразмдаги туркман ёвмутларининг сиёсий чиқишларини енга олмай, Бухорога Амир Дониёлбий хузурига ёрдам сўраб борган эди. Гарчи бу жараёнда амалий ёрдам кўрсатмаган бўлса-да, Бухоро ҳукмдорлари қўнғиротларнинг мавқеи мустаҳкамланиб боргани сари, Хива хонлиги билан яхши қўшничилик алоқаларини йўлга қўйишга интилганлар.

XIX асрда Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар характери турли сиёсий ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ эди.

Марв ва Шимолий Хуросондаги айрим вилоятларнинг қўлдан-қўлга ўтиб туриши, бир-бирига муҳолиф бўлган турли туркман уруғларининг ўзаро зиддиятлари, шунингдек, карвон йўлларида Бухоро ва Хива савдогарларининг таланган молларини қайтариш юзасидан келиб чиққан можаролар икки хонлик ўртасидаги муносабатларга кўп ҳолларда путур етказган.

Хива хонига муҳолиф бўлган кучларнинг Бухоро амирлари томонидан қўллаб-қувватланиши ёки Бухородаги исёнкор кучларга Хоразм томонидан кўрсатилган ёрдам ҳам улар ўртасидаги алоқаларга зарар етказувчи омиллардан бўлган.

Лекин ўртадаги сиёсий зиддиятлар ва ҳарбий тўқнашувлар узоққа чўзилмаган. Турли йўналишдаги ёзма манбаларда Ўрта Осиё



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

хонликлари ўртасидаги элчилик алоқалари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Хусусан, ўз мавқеини мустақамлаб олган Муҳаммад Раҳимхон I нинг сиёсий-ҳарбий қудрати ортиб боргани сари, Бухоро амири ҳам у билан яқинлашишга интиланлиги тарихий асарларда таъкидланади. Хусусан, «Фирдавс ул- иқбол»да «...кўп муддатдан бери Бухоро волийси Мир Ҳайдар подшоҳ била ҳазрат хилофат [Муҳаммад Раҳимхон]нинг орасидин русул ва расоил рафт-омади (*элчилар борди-келдиси*) билкул мунқате бўлуб (*узилган*) эрди. Чун ҳазрат аълохоқонийнинг офтоби иқболи ... кун-кундин иртифо топти (*юксалиб*), Мир Ҳайдар подшоҳ ... хижил ва пушаймон бўлуб, баҳона тилар эрдиким, ул баҳона василаси била мобайни давлатайиндин (*икки давлат ўртасида*) кудурат муртафе бўлғай (*гиналар ўртадан кўтарилғай*)» деб қайд этилган⁷⁷.

Тез орада Бухоро амири ўғлининг тўйига тараддуд кўра бошлаган ва бу тўй амир Ҳайдар учун Хива хони билан муносабатларини тиклаш, дўстона алоқаларни йўлга қўйишида ана шундай баҳона бўлиб хизмат қилган эди. Хусусан, тўйга таклиф қилиш баҳонасида Ўроқбой *чураоқоси* ва Авазмухаммад *ясовулбоши* Хоразмга элчи қилиб юборилган.

Муҳаммад Раҳимхон I келган элчиларни хурмат билан кутиб олиб, ҳар қайсига хилои гаронмоя (*қимматбаҳо тўн*) ва камари тиллопироя тақдим этган. Хон уларга қўшиб, ўзининг мулозимларидан Ҳасанмурод оталиқни подшоҳ ўғлининг хатна тўйи билан муборакбод этиш учун «таҳниятнома» ҳамда Қандим сардорни Орол вилоятининг фатҳ этилганлигини етказиш учун «фатҳнома» бериб, Бухорога юборган.

Бу даврда Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида элчилик алоқалари шу даражада йўлга қўйиладики, Муҳаммад Раҳимхон I мамлакатнинг баъзи ички ва ташқи ишларида ҳам амир Ҳайдар билан маслаҳатлашар ёки унинг ёрдамига таянар эди.

«Фирдавс ул-иқбол» асаридаги маълумотлар шу даврдан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхон I ва амир Ҳайдар ўртасидаги элчилик алоқалари ўн йиллар мобайнида келган томон элчисига ўз элчисини қўшиб жўнатиб, деярли мунтазам равишда икки ўртадаги борди-келдилар давом этган. Бу алоқаларда *Бухоро элчилари* Боймуҳаммад жарчибоши, Алимухаммад чигатойбеги, Подшоҳхўжа садр, Орифхўжа ва Нурмуҳаммадбек тўқсовулбоши ҳамда *Хоразм элчилари* Ҳасанмурод оталиқ, Берди иноқ, Қандим Сардор ва Норбеклар катта хизмат қилганлар.

XIX асрга келганда, қўшни Қўқон хонлигида муҳим ўзгаришлар юз берган бўлиб, Бухоро ва Хива ўртасидаги муносабатларда «Қўқон масаласи» ҳам юзага келган эди. Хусусан, Умархон (1810–1822) Қўқон хонлигида ички барқарорликни таъминлаб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётни тараққий эттириш ҳамда мустақил ташқи сиёсат юритишга интилан. Натижада, ўз мавқеини мустақамлаб олган хон нафақат Бухоро амирли-



гининг таъсиридан бутунлай қутулиш, балки ўртадаги ҳудудларни ўз тасарруфига киритиш масаласида у билан рақобат қила бошлаган эди.

«Фирдавс ул-иқбол»да 1814–1815 йилда Муҳаммад Раҳимхон I ҳузурига Қўқон хони Умархондан элчи бўлиб келган Саййид Муҳаммад ҳожи ҳақида маълумот берилса, кейинги йилларда ҳам икки ўртада элчиликлар тез-тез алмашилиб турилганлиги манбаларда ўз аксини топган.

Мавжуд маълумотлардан кўриш мумкинки, ҳар икки томон бир-бирини енгиш, ўзининг устунлигини таъминлаш учун кўп ҳолларда мухолифига иқтисодий зарар етказиш ҳамда катта ўлжалар келтирувчи ҳужумлар, яъни *чаповул ёки оломонлар*⁷⁸ уюштириш йўлини тутган. Манбаларда эса, ҳукмдорларнинг ўз хазиначаларини тўлдириш учун қўшни ҳудудларга қилган юришлари «интиқом олиш» ёки «танбех бериш» ва «тартибга чақириш» мақсадида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида изоҳланган.

Қийин вазиятда қолган томон бундай ҳолларда ўз элчиларини ишга солиб, келишув йўлига ўтган. «Фирдавс ул-иқбол»да кўрсатилишича, амир Ҳайдар Хива хони томонидан уюштирилган *чаповуллар* оқибатини мулоҳаза қилиб кўргач, хусумат ва мухолафатга чек қўйиб, Хива хонига «Маъзиратнома» (*узрнома*) юборган. Амир юборган мактубида барча қилган нолойиқ ишларидан пушаймон бўлиб, узр сўраган ҳамда барча гиналарни унутиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини тиклаш, бу билан аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш истагини билдирган. «Агар мақсадлари Бухоро шаҳрини қўлга киритиш бўлса, унинг бошқарувини ҳам ул ҳазратга топширдик. Ва агар шаҳардин чиқсун деб амр қилсалар, фармонларига амал қиламиз», деб кўрсатилган мактубда.

Қайд этиш лозимки, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ўз навбатида, Хива–Қўқон алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келган.

«Зубдат ут-таворих» асарида Хива–Қўқон ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда хизмат қилган *Хива элчилари* Бобобек, Яхшимуродбек, Юсуфбек, Абдулҳалим ва Раҳматуллоҳ Қорақўзлар ҳамда *Қўқон элчилари* Қорабош додхоҳ, Муҳаммад Каримбийларнинг исмлари келтирилган.

Тарихий манбаларда Амир Насрулло даврида Хива хонлиги билан юзага келган зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилган Хоразм элчилари Раҳмонберди охунд ва Раҳматуллоҳ Қорақўз ҳамда Бухоро элчилари Олимхўжа, Ҳусайнхонбий ва Мирзо Жонхожаларнинг фаолиятлари ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Хива хони Муҳаммад Аминхон (1846–1854) ҳукмронлигининг охириги йиллари, шунингдек, ундан кейин жияни Абдуллахоннинг қисқа муддат ҳукмронлик қилган даври (1855–1856)да Бухоро амири билан деярли мунтазам равишда элчилик алоқалари олиб борилган. Бу даврда олиб



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

борилган элчилик алоқаларида *Хива хони элчилари* Муҳаммад Амин юзбоши, Яхши Муҳаммад доруға, Набибой ва Иброҳим девонбеги, Тўра Мурод оталиқ, Искандар иноқ, Раҳматуллоҳ Қоракўз, Мададуллоҳхўжабий, Бобо иноқ ва Отаниёзбек ҳамда *Бухоро элчилари* Ниёз тўқсоба, Ҳабибуллахожа ўроқ, Тўхтамиш тўқсоба, Мирзо қоровулбеги, Порсоҳўжа садр, Абдулазиз тўқсоба, Абдулвоҳид мирохур, Довудхўжа мирохурбоши, Нажмиддинхўжа ва Мирза Убайд мирохурларнинг хизматлари катта бўлган.

Воқеалар тафсилоти шуни кўрсатадики, Амир Насрулло ўзининг катта-кичик ғалабалари ҳақида *Хива хонига* хабар бериш учун ҳам элчилар юбориб турган. Хусусан, амирнинг Ўратепа кўрғонини қўлга киритганлиги тўғрисидаги хабарни «суюнчилатиш» учун юборилган Саййидмурод тўқсоба бошчилигидаги элчилик манбада атрофлича баён қилинган.

Хива хони эса, ушбу фатҳнинг муборакбодлиги учун Раҳматуллоҳ Қоракўзни амир Насрулло ҳузурига элчи қилиб юборган.

Эътибор бериш лозимки, Ўратепа вилояти Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасидаги баҳсли ҳудуд бўлиб, унинг Бухоро амири томонидан фатҳ этилиши, амалда Қўқон хонининг мағлубиятини англатади. Шуниси қизиқки, Бухоро амирини бу ғалаба билан муборакбод этиб элчи юборган *Хива хони* бу пайтда бевосита Қўқон хони билан ҳам дўстона алоқаларда бўлган.

«Гулшани давлат» асарида Саййид Муҳаммадхоннинг *Хива* тахтига ўтиришидан бошлаб, кейинги бутун даврда *Хива–Қўқон ўртасида* ҳам деярли мунтазам равишда элчилик алмашилиб турилгани кўрсатиб ўтилган.

1858–1862 йиллар оралиғида бир томон элчисига иккинчи томон элчисининг қўшиб жўнатилганлиги тўғрисида кетма-кет келтирилган маълумотларда *Хива элчилари* Оймуҳаммадбий, Ражаббий, Қуббодхонхўжа, Бобо дастурхончи ҳамда *Қўқон элчилари* Муллабек додхоҳ, Тошмуҳаммадбий, Фармон доруға, Додахўжа, Муҳаммад Аминларнинг фаолиятлари кўрсатиб ўтилган.

Шу ўринда кўрсатиб ўтиш лозимки, XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари фаоллашиши билан учта хонлик ўртасидаги алоқалар характерида ўзаро ёрдам, рус қўшинларига қарши курашда ҳамкорлик қилиш масаласи олдинги ўринга чиққан эди.

Қўқон хони Олимхон (1798–1810)нинг минтақада юзага келган вазият борасидаги фикрлари, унинг айнан шундай иттифоқчиликка бўлган интилишини ифодалайди: «...баъзан [хоннинг] гавҳар сочувчи тилидан шундай сўзлар томардики, «бу кичик мамлакат, яъни Фарғона, Бухоро ва Хоразм бир нечта хонни сиғдира олмайди. Бу вилоятларнинг хонлари



ва амирлари ораларидан бир нафарни улуғлик ва раҳбарликка танлаб, иттифоқ билан ҳукумат тузишлари лозим». Бу фикр ва мулоҳазалар билан тўла мактубларни ёзиб, у қўшни хонлар ва умароларга юбориб, уларни иттифоқ ва бирлашишга даъват қилар эди. Хоразм хони бу таклифларни қабул қилиб, Бухоро амиридан ҳали жавоб келмасдан, умри бу мақсадларини рўёбга чиқариш учун унга вафо қилмади», дея қайд этилган манбада⁷⁹.

Бугунги кунда Россия архивида сақланиб қолган 1853 йил 30 апрелда рус ҳукуматига берилган агентура хабарлари орқали Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги расмий баёнот билан танишиш мумкин. У ерда келтирилишича, қўқонликлар руслар томонидан қурилайётган кемалар ҳақида хабар топгач, баҳорда ўзларининг қалъаларига русларнинг ҳужум уюштириши мумкинлигидан хавотирга тушиб қолишган. Шу боис Хива ва Қўқон хонлари тинимсиз равишда бир-бирларига элчи юбориб, рус қўшинларига қарши иттифоқ бўлиб курашиш мақсадида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга интилайётганликлари қайд этилган ҳужжатда⁸⁰.

Рус қўшинларининг 1853 йилдаги ҳарбий ҳаракатлари Хива хонини ҳам янада хушёр торттирган эди. Россия архив ҳужжатларида келтирилишича, бу ҳолатда Хива хони ўзининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Бухоро амирига элчи юбориб, қариндошлик ришталарини боғлашга ҳаракат қилган. Хусусан, Хива хони амирнинг қизини ўғлига сўраган, агар у розилик билдирмаса, ўзининг қизини амирнинг ўғлига узатишга тайёр эканлигини билдирган.

Урал қалъасининг бошлиғи капитан Михайловнинг 1853 йил 4 майда Оренбург корпуси штабининг бошлиғига берган ҳисоботида ҳам Қўқон ва Хива хонлари Бухоро амири билан яқин алоқа ўрнатиш ҳаракатини олиб бораётганликларига урғу берилган.

Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги бундай ҳамкорлик алоқалари «Шоҳид ул-иқбол» асарида атрофлича баён этилган. Хусусан, асарда 1864 йил кузида Хоразмга юборилган Қўқон элчиси «Ўрус лашкари Туркистон қалъасин ғалаба била олғонин хабарин келтуруб кўмак тилади», деб маълумот берилади. Туркистон вилоятини қўлдан бой берган Қўқон хони Султон Саййидхон (*манбада янглиш тарзда Султон Муродхон деб келтирилган*) бир кишини элчи қилиб юбориб, «Хоразм подшоҳи ва Рум (*Усмоний турк*) халифасидин мадад ва кўмак тилаш»га қарор қилган. Шу тариқа Хива хони Саййид Муҳаммад Баҳодирхон номига бир нома битиб, «тазарруъ (*зорланиш, ёлвориш*) ва тахашшуъ (*тавалло*) изҳор қилган» ҳолда кўмак сўраган. Қўқон элчиси ўзига берилган вазифага кўра, Турк султони ҳузурига ҳам бориши лозим эди. Шу боис, Хивада ҳордиқ чиқариб, муносиб навозишлардан баҳраманд бўлган Қўқон элчисига сафар учун лозим бўлган барча нарсаларни бериб, Хуросон тоғигача

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

кузатиб қўйишган⁸¹.

Ушбу воқеалар ҳақида бевосита, ЎзР МДА «Хива хонлиги девонхонаси» фондида сақланувчи 1864 йил санаси билан қайд этилган Қўқон хони Султон Саййидхоннинг Хива хонига йўллаган мактуби орқали ҳам маълумотга эга бўлиш мумкин. Унда Қўқон хони рус аскарларининг «(куфрайи урусия) Уч Олмати тарафидин хуруж қилиб, Авлиёота қўрғонин олиб ва яна Оқмасжид тарафидаги Туркистон қўрғонин олди деб, дорулсалтана Хўқандда эшитиб ...шарият ҳукми била ғазот қилмоқни фарзи аъйн билиб», Чимкентга қўшин тортганлигини маълум қилган. Мактубда бўлган ҳодисаларни Турк султониغا етказиш ва у билан иттифоқчилик қилиш мақсадида элчи юборилаётганлиги хабар берилиб, Хива хонидан элчини ўз ҳудудларидан ўтказиб қўйиш сўралган. Хусусан, «...бул ҳодисотларни Сиз биродаримизга эълум (*маълум*) қилиб, содатпаноҳ эшон Саййид Яъқуб хожа нақиб қози калонни ирсол этиб (*юбориб*), бу маҳораба ва мақотилаларни бир-бир баён этиб, жаноб халифа ал-раҳмон Султони Румға арзадошт айлаб, элчи қилиб юбордук ...меҳрибон бўлуб, жаноби мазкурни ...эсон-омон халифа хизматлариға ўтқариб юборсалар хурсандлик ҳосил бўлур» деб қайд этилган мактубда⁸².

Бухоро амири Музаффар рус қўшинларидан енгилиб, Россия империяси билан тинчлик сулҳини тузгандан кейин, унинг катта ўғли Абдулмалик Катта тўра бошлиқ мўътабар амирлар ва дин пешволари амир Музаффардан норози бўлиб, унга қарши бош кўтаришган эди. Амир эса, исёнчиларни бўйсундириш учун рус ҳукуматидан ёрдам сўраган. Шу боис, Бухорода қола олмаган Абдулмалик Катта Тўра Шаҳрисабз ҳокимига «ўрусға бораман» деб хийла ишлатган ҳолда 400 дан кўпроқ отлиқ билан Шаҳрисабздан чиқиб, Хива хонидан ҳимоя истаб келган эди.

ЎзРМДА «Хива хонлиги девонхонаси» фондида сақланувчи ҳужжат 1868–1869 йилда Абдулмалик Катта Тўранинг Хива хонига йўллаган мактуби бўлиб, унда отаси билан муносабатларининг бузилиши ҳақида атрофлича баён этилган. Хусусан, унда Бухоро шаҳодаси отаси «кўффор ашрор Самарқанд вилоятини масхар этгандин сўнгра ...ғанимпеша шайтанат андишаларни сўзиға кириб, ...бадғумон бўлуб, ота-болалиғ ришта-син бемўрдатлиғ олмоси (амоси) ила узиб ...русияга инқиёд (*итоат*) этиб, жаҳолат ва қабоҳат шароити»ни ҳосил қилганлиги боис, Бухородан чиқиб кетганлигини маълум қилган⁸³.

Огаҳий Бухоро шаҳодасининг ташрифини «воқеаи таажубафзо» дея таърифлар экан, бу хабар келиши билан Хива хони бениҳоя шафқату муруват юзасидан «султон сўнгакин хор қилмас» деган мақолга кўра, унинг «подшоҳодалигини эътиборга олиб, иззату хурмат шароитин бажо келтуруб», кутиб олиш учун юқори мартабали амирлардан Муҳаммад Ризо



оталик ва Муҳаммад Ниёз девонбегиларни пешвоз чиқишга буюрганлигини маълум қилади.

Абдумалик Тўра Хива шаҳрига кириб келиши билан, унинг учун махсус тайёрлаб қўйилган Ҳасанмурод қушбегининг Ангорик мавзеидаги ҳовлисига жойлаштирилган. Бироз дам олгач, Бухоро шаҳзодаси Муҳаммад Раҳимхон II нинг *кўринуши*, яъни қабулига кириб, барча воқеани «одоби тамом ва забони малолатанжом (*гам-гусса*) била» баён қилиб берган.

«Шоҳид ул-иқбол»да Хива хони Бухоро шаҳзодасига шу қадар «дилдорлиғлар ва дилжўйлиғлар қилди, ҳеч ато (*ота*) ўз ўғли ҳақида анинг мингдин бирин қилмамиш эрди», деб таъкидланади. Жумладан, унинг эҳтиёжлари учун етарли даражада ҳар кунлик маблағ ажратилган эдики, ҳар ойда ўзига бериладиган 1500 тилло ва турли ҳашаматли хилъатлар (*тўн, камзул*)дан ташқари, хизматидаги амирлар, сарҳанг ва мулозимларига ҳам умумий қиймати 500 тиллодан зиёд бўлган заррин либослар тайин этилган эди. Шунингдек, Тўра ҳар қачон кўнгли тиласа «кўрунуши хумоюн»га келар, хоннинг эъзозу эҳтиромларига, алоҳида сийловларига сазовор бўлар эди. Асарда кўрсатилишича, Хива хони Тўранинг *подшоҳзодалик* ва *меҳмонлик* мартабасини инобатга олиб, «ҳар сўз деса, эшитиб, ҳар на муддаоси бўлса, раво қилур» эди⁸⁴.

Аммо, асардан маълум бўладики, Абдумалик Катта Тўра Хоразмда уч ой тургандан сўнг, Марвдаги туркманлар орасига кетган. Шаҳзоданинг яратилган барча шароит ва кўрсатилган ҳурмату эътиборига қарамай, Хоразмда қолишни истамасдан чиқиб кетганлиги «Шоҳид ул-иқбол»да анча батафсил баён этилган. Хусусан, у ерда изоҳ берилишича, шаҳзода ёшлик ва ҳавасмандлик юзасидан беандишалик қилиб, Хива хонини ўзининг отаси амир Музаффар билан ёвлашишга тарғиб этгани ҳолда, отаси билан жанг қилиш учун қўшин сўраган. Муҳаммад Раҳимхон II ёш шаҳзодани бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилган.

Абдумалик Тўра Хива хонининг панд-насиҳатларини эътиборга олишни истамай, Марвга кетган эди. Бухоро амири билан муносабатларини бузишни истамаган маҳаллий ҳокимлар Абдумалик Тўрани кўллаб-қувватлашмаган. Бухоро шаҳзодаси ҳеч кимдан ёрдам ололмагач, қочиб Балхга, ундан Афғонистонга ўтган ва охир-оқибатда Пешовардаги инглиз ҳукумати қарамогидан жой олиб, умрининг охирига қадар у ерда яшаб қолган.

Унинг хизматидаги аксарият амирлар ва мулозимлар Катта Тўранинг хизматидан бош тортиб, Хоразмда қолган ҳамда Муҳаммад Раҳимхон II улар учун керакли шароитларни яратиб, ҳар бирига муносиб маблағлар тайинлаган.

Қайд этиш лозимки, сарой солномалари тарзида битилган ёзма манбаларда Ўрта Осиёдаги учта хонлик ўртасидаги муносабатларнинг умумий



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ва хусусий жиҳатлари ҳамда минтақадаги сиёсий вазият, шунингдек, ички ва ташқи таъсирлар масаласи атрофлича баён этилган. Шу билан бирга, бу манбаларнинг ҳар қайси воқеа-ҳодисаларни маълум бир томоннинг, яъни Хоразм, Бухоро ёки Қўқон хонликларининг манфаатидан келиб чиқиб ифодалайди. Шунга қарамай, уларни қиёслаш ва қўшимча манбалар, жумладан, расмий ҳужжатлар билан солиштириш орқали маълум даражада холис хулосалар чиқариш мумкин.

Манбаларда томонлар ўртасида деярли мунтазам тарзда элчилик алмашинуви амалга оширилганлиги, муносабатлар зиддиятлашган айрим ҳолларда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасида узилишлар бўлиб турганлигини кузатиш мумкин.

Хонликлар ўртасидаги элчи алмашинувига доир маълумотлар ўз навбатида, дипломатик этикет ва элчилик хизматининг ўзига хос тартиб-қоидалари борасида ҳам тасаввур беради. Ҳар икки тараф элчиларни кутиб олар экан, дилкушо жойга ёки мусаффо саройга жойлаштириб, иззату эҳтиромларини бажо келтирганиклари ҳамда бир неча муддат «элчихонаи олий»да «таъзиму икром била меҳмондорлиғ» қилгандан сўнг кетишга рухсат берилган. Элчиларни қабул қилиш борасида эса, «кўрунуши олий»га чорлаб, кўпдан-кўп «навозишлар кўрсатилган»лиги, ҳар икки ҳукмдор бир-бирларига подшоҳона ҳадялар билан бирга мактуб бериб, ўз тарафидан элчи қўшиб юборганликларини кўриш мумкин. Элчилар аксарият ҳолларда бирор хушxabарни «суюнчилатиш» учун юборилган бўлиб, кўп ҳолларда юборилган элчиликнинг мақсад ва вазифалари манбада аниқ кўрсатилмаган. «Муҳаббатнома» ёки «муволафатнома» бериб юборилгани ҳақидаги маълумотлардан кўриш мумкин бўладики, бу элчиликлар ўртадаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ва икки томоннинг бир-бирига нисбатан яхши қўшничилик муносабатларида эканлигини билдириб туриш учун деярли мунтазам равишда алмашиниб турилган.

Афсуски, айти ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати авж олган ва уларнинг бу ҳудудларга нисбатан мустамлакачилик ҳаракатлари кучайган пайтда Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва иттифоқчилик қилиш учун элчилар алмашинуви йўлга қўйилган бўлсада, вазият қўлдан бой берилган, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигининг катта ҳудудлари Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олинган эди.

4.3. Ўрта Осиё хонликларининг Дашти Қипчоқ билан тарихий муносабатлари

Худудий жиҳатдан чегарадош бўлган мамлакатлар тарихи бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан Сирдарё ва Амударё бўйлаб



жойлашган Ўрта Осиё хонликлари ҳамда уларга туташ қўшни Дашт аҳолиси тарихини бир-биридан алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Улар доимо бир-бири билан яқин ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келишган. Айтиш мумкинки, айнан мана шу ўзаро муносабатлар минтақадаги умумий вазиятни белгилаган. Шу билан бирга, бир ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар иккинчи ҳудудга жиддий таъсир кўрсатган.

1511–1512 йилда Хива хонлигининг ташкил топиш жараёнида ҳам Дашти Қипчоқдаги ўзбек уруғларининг вакиллари бевосита иштирок этишган. Гарчи адабиётларда бу жараён борасида қисқа қилиб Дашти Қипчоқдан Хоразмга кириб келган Арабшоҳийлар сулоласи вакиллари Элбарс ва Билбарс (Бийбарс) султонларнинг Хива хонлигига асос солганликлари таъкидланса-да, тарихий манбаларда ушбу масала юзасидан атрофлича маълумотлар келтирилган.

«Шажарайи турк» ва «Фирдавс ул-иқбол» сингари Хоразм ёзма манбаларининг гувоҳлик беришича, Вазир шаҳрининг қозиси «Умар отлик ақлли ва олим қори киши» 1510 йилда Хоразм ерларини ўз ҳукмронлигига киритган Эрон Сафавийларига қарши курашни ташкил этиб, мустақил давлат тузиш ҳаракатига бош бўлган. Бу ҳаракатда ўз ўрнига эга бўлган яна бир шахс Боқирғондаги машҳур хонадон вакили Саййид Ота наслидан Саййид Ҳисомиддин қаттол бўлиб, унинг тавсиясига кўра, Элбарс султон Дашти Қипчоқдан Хоразмга таклиф этилган ва тахтга ўтказилган. «Шажарайи турк»да маълумот берилишича, Элбарс султонни хонликка тавсия қилган хожа бир неча йилда бир марта «ўзбек ичига (*Дашти Қипчоққа*) бориб, халқнинг ниёзини олиб қайтар», шу боис Элбарсхоннинг аслини яхши билар эди⁸⁵. Бу маълумотдан шуни ҳам кўриш мумкинки, Хоразм уламолари билан Дашти Қипчоқ аҳолиси ўртасидаги яқин маънавий-маданий алоқалар яхши йўлга қўйилган.

Элбарсхон (1511–1516) вақт ўтиши билан Дашти Қипчоқда қолган ўз қариндошларини Хоразмга таклиф этиш учун бекларга маслаҳат солганлиги унинг кейинги жараёнларда ҳам маҳаллий амалдорлар билан келишган ҳолда иш тутганлигини кўрсатади. «Шажарайи турк»да қайд этилишича, «бир кун Элбарсхон бекларин чақириб айтибдур: бироз эл бирлан мунда келдук. Элимизнинг кўпи қариндошларимиз қатида қолди. Эмди сизларга ўхшаса (*маъқул келса*), қариндошларимизни чақирсак деймиз», дея маслаҳат солган⁸⁶.

XVI асрнинг иккинчи ярмида ўзбек хонликларининг марказлаштириш йўлида олиб борган ҳаракатлари натижасида қарвон йўлларининг тикланиши, ўз ўрнида Дашти Қипчоқ билан савдо алоқаларининг деярли мунтазам равишда йўлга қўйилишига олиб келган эди. Шу даврда давлат сифатида мустақамланиб борган Қозоқ хонлиги Ўрта Осиё хонликлари билан дўстона алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилган. Қозоқ хони Ҳақназархон



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

(1551–1580) Бухоро хони Абдуллахон II билан яқин дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш орқали маълум маънода ўзининг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини барқарорлаштиришга эришган эди. Улар ўртасида 1575 йилда тузилган «қасамий иттифоқ» ўзаро ёрдам ва дўстлик алоқаларини таъминлашга қаратилган эди. 1579 йилда Қозоқ хони номидан иккита элчилик Бухоро хони хузурига ташриф буюрган ва Абдуллахон II ҳам бунга жавобан ўз элчиси Сархунн оталиқни дўстона муносабатлар рамзи сифатида юборган. Қозоқ хони Шиғайхон (1580–1583) ҳам Бухоро хони билан яхши қўшничилик алоқаларини давом эттирган. У, ҳатто, Абдуллахон II нинг рақибларига қарши курашда иттифоқчилик қилиб, Бухоро қўшини таркибида жанг қилган. Умуман, Қозоқ хонларининг Бухоро қўшинларида туриб жанг қилганлиги ҳақидаги маълумотлар манбаларда кўплаб келтирилган. Абдуллахон II уларни қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаб, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаб борган.

Икки ҳудуд тарихининг туташ нуқталаридан яна бири бу – турли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ва, ҳатто, табиий офатлар даврида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш бўлган.

«Шажарайи турк»да қайд этилган ана шундай вазиятардан бирини XVII асрнинг 20-йилларида Хива хонлигида юз берган ўзаро сулолавий кураш жараёнида кузатиш мумкин. Хусусан, ҳокимият учун ўзаро кураш олиб борган Исфандиёрхон (1623–1643) ўз укалари билан ҳам жиддий зиддиятларга борган. Тарихчи Муниснинг кўрсатишича, Исфандиёрхоннинг юритган сиёсати туфайли унга мухолиф бўлиб қолган ўзбек уруғларининг турли ҳудудларга, шу жумладан қозоқлар олдига кетиб қолиш ҳоллари авж олган. Хоннинг укаси Абулғози султоннинг ўзи ҳам унинг тазйиқи остида мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Бу жараёнда у вақтинча Қозоқ хонлари, жумладан, Эшимхон хузурида бўлган. Унинг ўзи бу ҳақда «Шариф Муҳаммад Бухорога кетди. Мен қозоқга кетдим, Туркистонда Эшимхон қатинда уч ой турдим», деб маълум қилган.

Қўриниб турибдики, Қозоқ жузларидан Хоразмга келиб-кетувчилар кўп бўлган. Зеро, Қозоқ султонлари ҳам Даштдаги ўзаро ички курашларда Хива хонларининг қўллаб-қувватлашидан манфаатдор бўлишган.

Хива тахтида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Шерғозихон (1714–1728)нинг «ҳарбий ютуқлари овозаси атрофга тарқалганда» қўшни ҳудуд ҳукмдорлари ва қабила бошлиқлари қаторида қозоқ сардорлари ўз элчиларини Хивага юборишган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол» асарида «ул жумладин Қазоқия тавоифидин Фўлод тўра ва Қабон бий ва Бароқ бий подшоҳлиқга лойиқ пешкашлар била остонбўслиқга келдилар», деб таъкидланади.

1723 йил Қозоғистон тарихига *Ақтабан шубрынды*, яъни *Катта ҳалокат* сифатида кирган. Бу ҳолат маълум даражада шарқдан кўчманчи жунғорларнинг Қозоқ даштига кириб келиши билан боғлиқ эди. Ана



шундай вазиятда қозоқлар Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларига, хусусан, Ўрта жуз Самарқандга, Кичик жуз аҳолиси эса Хива ва Бухорога бориб жойлашишган.

XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларида ҳам турли ички қарама-қаршиликлар ва ҳокимият учун курашлар авж ола бошлаган. Бухоро хонлигида Аштархонийлар сулоласи вакиллари ўртасидаги сиёсий рақобат мамлакат барқарорлигига путур етказа бошлаган бўлса, Хива хонлигида Арабшоҳийлар сулоласининг ҳукмронлиги яқунланиб, «хонбози» деб аталган «тахт ўйини», яъни «қўғирчоқ хонлар»ни тахтга ўтказиш орқали ҳокимиятни бошқарган маҳаллий амалдорлар ўртасидаги сиёсий рақобат кучайган эди.

Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Хива ва Бухоро ҳудудларига уюштирган истилочилик юриши (1739–1740) Ўрта Осиё хонликларининг Қозоқ жузлари билан ҳамкорликларини кучайтиришига тўртки бўлган эди.

XIX асрда Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятга, жумладан, Ўрта Осиё хонликлари ташқи алоқаларининг характерига Россия империясининг «Шарқ сиёсати» жиддий таъсир кўрсатган. Хусусан, бу вақтда рус фуқаролигида бўлган Қозоқ жузларининг Сирдарё бўйларидаги овуллар Россия империясидан кўра кўпроқ Ўрта Осиё хонликларига ён босар эди, ҳатто уларнинг кўпларидан Хива хонлиги хазинасига солиқ (закот) олинар эди.

Қозоқ уруғлари орасида Россия империяси ҳукуматига нисбатан Ўрта Осиё хонликларининг таъсири анча кучли бўлганлигининг муҳим сабабларидан бири давлат бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий тизимдаги умумий жиҳатлар билан боғлиқ эди. XIX аср ўрталарида, ҳатто ундан кейин ҳам Ўрта Осиё хонликларидаги давлат бошқаруви, солиқ тизими анъанавий шаклда бўлиб, бу қозоқ уруғларига таниш ва шу жиҳатдан мақбул эди. Бу эса уларни хонликлар, жумладан, Хива хонлиги билан яқин бўлишга ундар эди.

Айниқса, Хивада сиёсий барқарорликни таъминлаб, хон ҳокимиятини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган Қўнғиротлар сулоласи ҳукмдорлари даврида уларнинг Қозоқ жузларига таъсири катта бўлган. Хусусан, рус ҳужжатларида «Устюрт атрофлари ва Улу(ғ) дарёси бўйлаб кўчиб юрувчи қирғиз-қайсоқлар (қозоқлар)⁸⁷ орасига Хива хонининг ёрлиғи билан алимулу, бойулу ва тобин уруғлари ўртасидаги турли можаро ва келишмовчиликларни муҳокама қилиш учун етиб келган амалдор Қарли маҳрам» тўғрисидаги маълумот қайд этилган. Бундай маълумотлар маҳаллий манбаларда ҳам келтирилган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол»да қайд этилишича, 1813–1814 йилда «шикор иродаси била Арнак қирининг шарқий ҳудудларида» бир неча кун ов қилган Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) у ердаги қозоқ кадхудоларини яраштириб, лозим топганларига сарупо кийдирган. «Ва ёмонлиғ қилғон қозоқким, Назар халқи эрди,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

аларга ...сиёсатнома юборди. Ва қозоқнинг элчилари Муҳаммаджон қози ибн Қазоқай охунд ва Ямонча бий эрдилар», деб маълумот берилди асарда.

1797 йилдан буён Кичик қозоқ жузи хони унвонини олиш учун кураш олиб борган Қаратай Султон 1806 йилда ўз мақсадига эришган бўлса-да, тез орада қаршиликка учраб, мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. У 1810–1812 йилларда Хива хонлигида яшаб қолган эди.

1812–1813 йилларда Қўнғиротдаги муҳолиф кучлар ҳокимиятини тугатгач, Муҳаммад Раҳимхон I томонидан Сирдарёнинг қуйилиш жойида, яъни Кичик Қозоқ жузининг маркази билан чегарадош ҳудудда Хива хони томонидан мустаҳкам қалъанинг қурдирилиши Хива хони таъсири-ни кучайтирган эди.

1816–1817 йилда навбатдаги шикор сафарига чиққан Муҳаммад Раҳимхон I Тошҳовузга етганда, Оллоҳўнғози бошчилигидаги қозоқ элчилари унинг ҳузурига ташриф буюришган. Шунингдек, «Фирдавс ул-иқбол» асарида «Ўртаюз қозоқининг ҳокими Омонбой бийнинг иниси Қабонбой» ҳам элчи юборганлиги ва уларга Хива хони вакили сифатида Оллоҳбердихўжа ҳамда закот йиғувчи махсус киши қўшиб жўнатилганлиги қайд этилган.

Қозоқ хони Шерғозихон ўз қизини Муҳаммад Раҳимхон I га узатиш орқали Хива хони билан муносабатларини янада мустаҳкамлаб олган эди. Хива хони шу муносабат билан ташриф буюрган қозоқ элчиларини жуда яхши кутиб олиб, Шерғозихонни қўллаб-қувватлаган. Хусусан, «Фирдавс ул-иқбол» асарида «ул аснода қозоқ хони Шерғозихон мулозиматга келди. Шерғозихон ул ҳазратнинг ярлиғи жаҳонматои (*ёрлиғи*) била хон бўлуб, Сир дарёсининг савоҳилига борғонда Сир бўйиндаги қозоқлар муте ва фармонбардор бўлди. Ва ул жамоаким, аксари тўртқаро эрди, Шерғозихонга инқиёд қилдилар (*бўйсундилар*)», деб кўрсатилади.

Шерғозихон билан дўстона муносабатларини давом эттирган Хива хони кейинчалик унинг ўрнига ўғли Жонғозини тайинлаган эди. Жумладан, манбада «...ҳазрат соҳибқирон шикор иродаси била чиққанда Жонғози тўра ибн Шерғозихон қозоқ ақобири (*улуглари*) била даргоҳи олампаҳо утбабўслиқига мушарраф бўлди. Ҳазрат соҳибқирон [Муҳаммад Раҳимхон I] (1819–1820) Жонғози тўрани отаси ўрнига хонлиқ тожи била сарафроз қилиб, қозоқ аёлотига номзат қилди», деб кўрсатилган. Рус манбаларида ҳам Жонғози отасининг вафотидан сўнг, Хива хони хизматида бўлиб, Сирдарё бўйларидаги қозоқлардан хон хазинасига закот йиғиш билан шуғулланганлиги қайд этилган.

Қозоқ султонларидан бири Қосим Султон Бўлакай ўғли (Булекей улы) ҳам Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I ёрдамида ўзининг уруғларига бош этиб тайинланган бўлиб, хонга тобе бўлган қозоқлардан Хива хонлиги хазинасига закот йиққан.



Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Қосим Султон Бўлакай ўғлининг мурожаатномаси сақланиб қолган бўлиб, у Хива хонига ғойибона ихлосмандлиги ва унга садоқат билан хизмат қилишлигини маълум қилган.

XIX асрнинг 20-йилларида Дашти Қипчоқда ўзаро ҳокимият учун курашлар авж олган. Бир-бирига мухолиф бўлган қозоқ султонлари ва сардорлари аксарият ҳолларда Хива хонидан мадад олишга интилишган.

1820 йил Хива хони қабулида бўлган рус элчиси Н. Муравьев хон ҳузурига боришда бир неча саройлар орқали ўтар экан, унча катта бўлмаган биринчи саройга кирганда, 63 нафар қозоқ элчиси ўтирганлигини қайд этиб ўтади.

Оллоқулихон даврида (1825–1842) Хива хонининг қозоқ сардорларига таъсири кучайиб борган. 1824 йилда рус ҳукумати томонидан қозоқ жузларидаги хон бошқарувининг тугатилиши бу ерда катта норозиликларни келтириб чиқарган эди. Аксарият ҳолларда, бу чиқишларнинг бошида хон ҳокимиятининг тикланишидан манфаатдор бўлган сиёсий кучлар турар эди. Улар, кўпинча, Ўрта Осиё хонликларидан ёрдам олишар эди. Кичик қозоқ жузининг хони Шерғозихон Ғоиб ўғли 1824 йилда хон унвонидан маҳрум этилган бўлса-да, Хива хони томонидан 1845 йилда вафот этгунига қадар унинг хонлик мақоми тан олиниб келинган эди.

XIX асрнинг 40-йилларида Жонғози ва кўпроқ Илекей номи билан машҳур бўлган Эрмурад Қосимов сингари қозоқ сардорлари ҳам Хива хони билан яқин алоқада бўлган.

Шу билан бирга, Қозоқ уруғларининг бир қисми Хива хонлигига ён босган ва бевосита Хоразм ҳудудларига яқин бўлишга интилишган бўлса, рус ҳукуматининг марҳаматидан манфаатдор бўлган бошқа қисми Россия империяси кўшинларини қўллаб-қувватлар эди.

Кўрсатиб ўтиш лозимки, XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қозоқ Даштида Россия империяси ҳарбий ҳаракатларининг фаоллашуви миллий-озодлик курашларининг авж олишига сабаб бўлган эди. Бу курашларда қозоқ султонлари ва қабила бошлиқлари Хива хонларини ўзларига ишончли иттифоқчи деб билганлар. Шу жиҳатдан Хива–Қозоқ алоқаларининг яна бир шакли бу – Россия империяси ҳукуматига қарши қаратилган миллий-озодлик курашишда ўзаро иттифоқчилик ҳаракати эди.

XIX асрнинг 40–50-йилларида рус ҳукумати сиёсатига қарши кураш олиб борган шекти уруғининг ботири Исет Котибаров ҳам Хива хони билан дўстона алоқаларда бўлган. Ҳатто, Исет ботир ҳаракати тўхтатилгач, унга қарашли айрим сардорлар, жумладан, Азберген ботир шекти уруғи вакиллариининг бир қисми билан Хива хонлиги ҳудудларига кўчиб ўтиб, хонга закот тўлай бошлаган эди. Натижада, у Хивага тобе бўлган барча қозоқларнинг бийи этиб тайинланган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

1853 йил 30 апрелда рус ҳукуматига қозоқ овулларида етказилган агентура хабарида келтирилишича, рус қўшинларининг Ўрта Осиё чегараларида фаоллашганлигидан хавотирга тушган Хива хони ўзининг айғоқчиларини ҳар томонга юборган. «Юрган миш-мишларга кўра, айни вақтда бир қанча хиваликлар қозоқ ботирлари Жонхўжа Нурмухаммедов ва Исет Котибаровларнинг ҳузуридадирлар» деб маълум қилинган ҳужжатда.

Урал қалъасининг бошлиғи капитан Михайловнинг 1853 йил 4 майда Оренбург корпуси штабининг бошлиғига берган ҳисоботида эса, «Қозоқ ботири Жонхўжа Нурмухаммедовнинг овулидан олинган хабарга кўра, Исет Котибаров Хива хони билан яширин алоқа ўрнатган», дея хабар берилган.

1868 йилнинг 21 октябрида Қозоғистон ҳудудида Россия империяси ҳукумати томонидан ўтказилган маъмурий-бошқарув ислоҳоти уларнинг рус ҳукуматига қарши норозилик чиқишларини янада кучайтирган ва натижада бир қанча қозоқ султонлари Хива хони билан яқинлаша бошлаган эдилар.

1869 йилнинг январида Хивага қозоқ ботири Кенесарининг ўғли Сиддик тўра келган. У отасининг ўлимидан сўнг Бухоро амири Музаффар хизматига кириб, рус қўшинларига қарши кураш олиб борган. Бухоро амирлиги Россия империясидан енгилгач, бир муддат мустақил равишда рус армиясига қарши кураш олиб борган. Ёлғиз ўзи бу курашда муваффақиятга эриша олмаслигини билган қозоқ тўраси Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ҳузурига келиб, паноҳ топган. Уни ҳурмат билан кутиб олган Хива хони у билан келган 60 нафар аскарга ҳам бағрикенглик билан муносабатда бўлган ва уларга Амударёнинг шимолидаги Уйғур деган мавзедан жой берган.

Кўриниб турибдики, сўнгги ўрта асрларда Хива – Қозоқ муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, ички ва ташқи омиллар уларнинг бирлашишига туртки бўлган.

4.4. Ўрта Осиё хонликларининг Эрон давлати билан ўзаро муносабатлари

Эрондаги Сафавийлар давлатининг асосчиси шоҳ Исмоил I (1501–1524) сиёсат майдонида пайдо бўлган даврда Хоразм расман Хуронсон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) давлати таркибида бўлган.

Шоҳ Исмоил I нинг Эрон тахтига ўтириши муносабати билан Султон Ҳусайн Бойқаро муносиб ҳадялар билан унга ўз элчиларини юборган⁸⁸. Шоҳ Исмоил ҳам ўз фаолиятининг дастлабки давриданок узоқни кўра билган сиёсатчи сифатида темурийларнинг охириги вакили Султон Ҳусайн



Бойқаро билан мустаҳкам дўстона муносабатлар ўрнатган⁸⁹.

Хусайн Бойқаро вафотидан кейин вазият ўзгарган. Худудий яқинлик ва давлатларнинг ўз худудларини кенгайтириб олиш учун олиб борган ҳаракати, ўз навбатида, минтақани ўзаро урушлар майдонига айлантирган.

Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, аксарият адабиётларда Ўрта Осиё хонликларининг Эрон билан ўзаро алоқаларига диний душманлик, яъни шийа-сунний зиддияти жиддий таъсир кўрсатганлиги таъкидланади. Лекин, XVI–XVIII асрлардаги воқеа-ҳодисаларни ўрганиш орқали худоса қилиш мумкинки, диний қарама-қаршилик аслида икки худуд ўртасидаги чегарадош ерлар, хусусан, Хуросон учун олиб борилган сиёсий рақобат ва ҳукмрон доираларнинг иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ бўлган. Манбаларда Ўрта Осиё хонликлари, айниқса Хива хонлиги билан Эрон Сафавийлари ўртасидаги яқин дўстона алоқаларга доир жуда кўп қимматли маълумотлар мавжуд.

Шоҳ Исмоил I вафотидан кейин (1524) Эронда юзага келган сиёсий вазият, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқликлари ҳамда чегара худудларга тез-тез уюштириб туриладиган ўзаро ҳужумлар Таҳмосиб I (1524–1576)нинг кучсизланиб қолган марказий ҳокимиятни мустаҳкам-лаш ва ўз худудлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Хива хонлиги билан мақбул алоқалар ўрнатишдан манфаатдор бўлган. Минтақада вужудга келган сиёсий вазият кейинги даврда ҳам Эрон ва Хива хонлиги ўртасида яқин муносабатларнинг ўрнатилишини тақозо қилган эди. Элбарсхон вафотидан кейин (1516) Хива тахтида хонларнинг мунтазам алмашиб туриш ҳолати ва Эронда кучли ҳокимиятнинг йўқлиги Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиб бораётган Шайбоний ҳукмдорларининг кенг қўламда юришлар олиб бориши учун қулай шароит туғдирган. Уларнинг Хоразм ва Хуросонни ўз тасарруфига киритиш учун олиб борган ҳаракатлари мустақилликларини мустаҳкамлашга интилаётган Хива хонлиги ва ҳеч қачон Хуросон масаласига бефарқ бўлмаган Эрон давлати манфаатларига зид келар эди. Шунинг учун ҳам иккала давлат Шайбонийларнинг заифлашуvidан манфаатдор бўлган. Манфаатлардаги муштараклик эса, бу давлатларни яқинлаштирган.

Эрон тарихчиси Искандарбек мунший шоҳ саройига ташриф буюрган биринчи Хоразм султонларидан Динмуҳаммад* ва биродари Али султонлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг Хоразмга юриш қилган Бухоро ҳукмдори Убайдуллахон Шайбоний (1533–1539)га қарши курашда ёрдам сўраб келганликлари ва икки ўртада яқин алоқалар йўлга қўйилганлигини қайд этган⁹⁰.

Албатта, ўрта асрларда тез-тез ўзгариб турган сиёсий вазият Хива – Эрон алоқаларининг мунтазам, бир текис олиб борилишига йўл қўймас эди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Хива хони Ҳожи Муҳаммадхон (1558 – 1602) даврида Эрон саройи билан ўзаро алоқалар, борди-келди ва ёзишмалар кучайиб, нисбатан мунтазам алоқалар тусини олган.

«Тарихи оламоройи Аббосий» асарида ҳамиша Сафавийлар сулоласи билан дўстлик ва мустаҳкам иттифоқда бўлган Хоразм подшоси Ҳожи Муҳаммадхон ўғли Муҳаммадқули султонни шоҳ Таҳмосиб I даргоҳига юборганлиги ва икки ўртада ёзишмаю борди-келди алоқалари мавжуд бўлганлиги қайд этилган⁹¹.

Таҳмосиб I вафотидан кейин ҳам Исмоил II (1576–1577) саройига ташриф буюрган Хоразм султонлари катта эҳтиром билан кутиб олинган⁹¹. Ҳожимхон ўғли Муҳаммадқули султонни шоҳ Аббос I нинг тахтга ўтириши муносабати билан катта миқдордаги совға-саломлар ва нодир тухфалар билан Эронга элчи қилиб юборган⁹³.

Бу даврда Хиванинг Бухоро хонлиги билан кескинлашган муносабатлари Хива – Эрон сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилган. Чунки, Абдуллахон II (1557–1598) сингари кучли рақибга қарши курашда бир томондан ишончли иттифоқчи ва таянчга эга бўлиш, бошқа томондан эса, икки давлат ўзаро урушаётган вақтда учинчи давлатнинг бетарафлигини таъминлаш муҳим вазифа эди.

Искандарбек муншийнинг маълумот беришича, Мовароуннаҳр ҳукмдорлари Хуросон вилоятининг Машҳад ва Нишопургача бўлган ҳудудларини ўз тасарруфига киритган қийин вазиятда (1589–1590) Ҳожимхон Эрон шоҳига ўз ёрдамини таклиф қилиш орқали Аббос I билан дипломатик муносабатларини янада мустаҳкамлаган. Бу маълумотларга кўра, Ҳожимхон қадимий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида хайрихоҳлигини билдириб, шоҳ даргоҳига бир неча бор ўз элчиларини юборган. Эрон шоҳи ҳам ўзининг элчиси Муҳаммадқули Арабкарлуни юбориб, бу таклифни қўллаб-қувватлаган⁹⁴.

Хуросон ерларига даъво қилиб чиққан Абдуллахон II унинг асосий ҳудудларини ўз таъсирига олишга муваффақ бўлган. Бухоро хони Хоразмга ҳам муваффақиятли юришлар уюштирган. Абдуллахоннинг Хоразмга қилган ҳужуми бу давлат билан дўстона алоқаларда бўлган Эроннинг Бухорога нисбатан муносабатларини янада чигаллаштирган эди.

Абдуллахондан мағлубиятга учраган Ҳожи Муҳаммадхон фарзандлари ва 40–50 нафар содиқ мулозимлари билан Эрон шоҳи Аббос I ҳузурига борган. Эрон шоҳи Ҳожи Муҳаммадхонни катта илтифот билан кутиб олиб, Хоразмни қайтариб олишда ёрдам қилишга ваъда берган⁹⁵.

Хива хони ва султонларига Эрон саройида юксак эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилганлиги нафақат Эрон манбаларида, балки у ерга ташриф буюрган рус элчисининг эсдаликларида қайд этилган⁹⁶.



Хива – Эрон ўртасидаги дўстона алоқалар, ўзаро борди-келди ва ёзиш-малар Хожимхоннинг ўз қўли остидаги ҳудудларни қайтариб олгандан кейинги даврда ҳам давом этган.

Сўнгги Шайбонийлар вакилининг вафот этиши билан Бухоро хонлигида авж олиб кетган сулолавий курашда Бухоро ер эгаларининг бир гуруҳи Эрон шоҳига мурожаат этган эди. Бухороликларнинг илтимоси билан шоҳга элчи юборган Хоразм султони Нурмуҳаммад Бухоро–Эрон ўртасида воситачилик қилган⁹⁷.

Хива хонлигининг Россия – Эрон алоқаларида ҳам ўз ўрни бўлганки, буни М. Тихонов ва А. Бухаров ҳамроҳлигида Россиядан ўз юртига қайтаётган Эрон элчиси Амир Алибекнинг Хива хонлиги ҳудудлари орқали кузатиб қўйилганлиги ва, ҳатто, Хива хони уларга ўз элчисини қўшиб Эрон шоҳи ҳузурига юборганлиги мисолида кўриш мумкин.

1620 йил февралда Хива элчиси Раҳимқулининг Рус подшоши «Элчилик маҳкамаси» хизматчилари саволига берган жавобида ҳам Араб Муҳаммадхоннинг Эрон шоҳи билан дўстона алоқада эканлиги қайд этилган⁹⁸.

XVII аср бошларида ўзаро сулолавий курашлар Бухорода бўлгани сингари Хива хонлигида ҳам авж олган бўлиб, бу жараёнда Хоразм султонлари яна Эрон шоҳига мурожаат этганлар. Хусусан, Араб Муҳаммадхон (1602–1621)нинг ўғилларидан Исфандиёр султон Эрон шоҳи Аббос I ва туркманларнинг така, соруқ, ёвмут қабилаларидан ёрдам олган ҳолда ҳокимият учун бўлган курашда ғолиб чиқиб, Хива тахтини эгаллаган⁹⁹.

Исфандиёрхон кейинчалик ҳам Эрон билан дўстона муносабатларини сақлаб турган, айрим зиддиятли ҳолатларда ҳам дарҳол бу алоқаларни тиклашга киришган. Ундан кейин тахтга келган укаси Абулғози Баҳодирхон (1645–1663) ҳам қизгин ташқи алоқаларни олиб боришга, издан чиққан савдо-сотик ишларини, қўшни давлатлар билан маданий, иқтисодий алоқани йўлга қўйишга катта эътибор берган. Мамлакат тинчлиги йўлида туркманларнинг муҳолиф гуруҳларига қарши бир қанча юришлар уюштиришга мажбур бўлган Абулғозихон узоқни кўра биладиган сиёсатчи сифатида учинчи томоннинг аралашувини бартараф қилиш мақсадида 1648 йилда Эрон шоҳи Аббос II (1642–1667) га элчи юборган¹⁰⁰. Бу элчилик орқали тадбиркор хон Эрон бетарафлигини таъминлаш билан бирга, икки давлат ўртасида савдо ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга эришган.

XVII асрнинг ўрталарида юзага келган Бухоро хонлигидаги ички сулолавий курашлар Бухоро ҳукмдорларидан Вали Муҳаммадхон ва Надр Муҳаммадхонларни ҳам Эрон шоҳига мурожаат этишга ундаган эди.

«Фирдавс ул-иқбол» асарида Хива хони Эренгхон (1690–1694) даври-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

да Эрон билан олиб борилган дипломатик алоқалар ҳақида Исфажонга Хусайншоҳ (1694–1722) ҳузурига элчи қилиб юборилган юз қабила-сининг нуфузли амалдорларидан бўлган Жиянбий элчилиги тилга олинган¹⁰¹.

Россия империяси ҳукумати томонидан Хива хонлигига уюштирилган А. Бекович-Черкасский бошчилигидаги 6000 кишилик экспедиция (1714 – 1717) муносабати билан ҳам Хива-Эрон ўртасида элчилик алмашинуви амалга оширилган эди. Зеро, бу экспедиция нафақат Хива хони Шерғозихон ва унинг атрофидагиларда, балки Эрон шоҳи саройининг ҳам диққат марказида турган воқеалардан эди. Ушбу экспедициянинг барбод бўлганлиги тўғрисидаги хабарни етказиш учун Исфажонга юборилган махсус Хива чопарини шоҳ Султон Хусайн миннатдорчилик сифатида 72 червон билан тақдирлаб, Хива хонига ҳам муносиб совғалар қаторида 2000 туман пул тақдим қилиб юборган¹⁰². Бу хабарни етказиш учун Хивадан Эронга махсус чопарнинг юборилганлигидан англаш мумкинки, Эрон томони ҳам бундан аввал вазиятни билиш учун ўзининг элчиларини Хива хонлигига юборган бўлиши керак.

Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши туфайли икки ўртадаги муносабатларга жиддий путур етказган эди. Шунга қарамай форс манбалари Нодиршоҳнинг Хоразм фатҳидан сўнг, маҳаллий амалдорлар билан келишган ҳолда ҳаракат қилганлигини, унинг маҳаллий урф-одат ва бошқарув анъаналарини ҳисобга олиб иш юритганлигини кўрсатади.

Форс манбаларининг гувоҳлик беришича, Дўстимбек мироб ва Абураҳмонбек қушбеги бошчилигидаги Хоразм акобирлари, лашкарбоши ва қабила бошлиқлари («саркардагон ва сархайлон») таслим бўлгандан сўнг, Нодиршоҳ уларга қарата «Сизларнинг орангизда шу подшоҳликни бошқаришга қодир бўлган кимдир бор бўлса менга билдиринг, токи мен ушбу вилоятнинг инон-ихтиёрини топшириб, уни соҳиби ихтиёр этиб тайинлай», дея мурожаат этган ҳамда уларнинг розилиги билан лашкарбоши ва қабила сардорларини нуфузли лавозимларга тайинлаб, «Хоразм ишлари»ни тартибга солишни чингизийларга мансуб бўлган Тоҳирхонга топшириб, ортга қайтган¹⁰³. Кейинги даврда ҳам маҳаллий ер эгалари, Хоразмнинг юқори табақа вакиллари Нодиршоҳ билан муносабатларини барқарор ушлаб туришга ҳаракат қилишган. Манғит ер эгаларидан бўлган Ортуқ иноқ укаси Хўрозбекни унча катта бўлмаган қўшин билан Эрон шоҳи хизматига юборган ва улар ўртасида иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилган¹⁰⁴.

XVIII асрнинг 70-йилларида ҳокимият тепасига келиб, XIX асрда ўзларининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб ички ва ташқи таъсирларни енгилш учун ҳаракат олиб борган Хива Қўнғиротлари (1770–1920) ва Эрондаги Қожорлар сулоласи (1796–1925) тарихида ўхшаш ёки



бир-бирига параллел равишда кечган сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни кузатиш мумкин. Турли уруғлар ва этник гуруҳларнинг марказий ҳокимиятга қарши ҳаракатлари, саройдаги фитналар ҳамда муҳолиф гуруҳларнинг қўшни давлатлар билан ҳамкорликлари ҳукмрон сулола вакиллари доимий равишда ўзларининг ҳарбий қудратларини мустаҳкамлаш ва мамлакат ичида ҳамда чегарадош ҳудудларга ҳарбий юришлар уюштириб туришига туртки бўлган.

Бухоро ҳукмдорлари масалани Россия империясидан ёрдам олиш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилган. Амир Шоҳмурод 1790 йилда Россия империясига юборган элчиси Нурмуҳаммад Тўқсоба орқали Бухоро амирлигининг Эрон билан уруш ҳолатида эканлигини маълум қилиб, унга қарши иттифоқчилик қилиш таклифини билдирган. Албатта, Эрон билан муносабатларининг чигаллашишини истамаган Россия ҳукмдори бу масалани очиқ қолдирган¹⁰⁸.

Ўзаро сиёсий зиддиятларга қарамай, манбаларда Хива ҳамда Бухоро ҳукмдорларининг Хуросонга ёки қўшни Дашт ва бошқа чегарадош ҳудудларга юришлари чоғида у ердаги қалъа, вилоят ҳокимлари билан олиб борилган элчилик алоқалари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Эрон шаҳзодаси Аббос Мирзо Сарахсни ўз тасарруфига киритиб, у ердаги 5 000 нафар туркманларни асир олиши муносабати билан Хива хони Оллоқулихон (1825–1842) томонидан юборилган элчилик бевосита асирларни озод қилиш юзасидан олиб борилган ҳаракатларга мисол бўлади. Эрон олими Ҳ. Муъиззийнинг қайд этишича, «Хоразм подшоси Оллоқули тур» (*маккор ёки жаҳлдор*) 1832–1833 йилда ўз элчисини 5 000 туман пул ва ариза бериб, Аббос Мирзо ҳузурига юборган¹⁰⁹. Оллоқулихон аризада келтирилган бир қатор шартлар, жумладан, солур қабиласининг бундан кейин Хуросон ҳудудига ҳужум қилмаслиги ва одамларни асир олмаслиги, йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаш сингари мажбуриятлар эвазига туркман асирларини озод қилган эди¹¹⁰.

Хоразм манбаларидан «Риёз уд-давла» асарида Аббос Мирзо томонидан Хива хони Оллоқулихон ҳузурига элчи қилиб жўнатишган Ёлонгтўш (Ялангтўш) келиб, «остонбўслиғ шарафиға» муяссар бўлганлиги ҳамда келтирган «муросила» – *келишув хати* қайд этилган¹¹¹. Ушбу муросилага жавобан Хива элчиси Холмуҳаммадбой Эрон шаҳзодаси ҳузурига юборилган. Ўз навбатида, Аббос Мирзо Хоразм элчисига қўшиб жўнатган Иброҳимхон Тифлисий орқали «хитобнома» юбориб, Хива хонини ўзаро якжиҳатлик ва дўстликка даъват этган ҳамда ўртадаги гина-кудуратни унутиб, оқкўнгиллик билан келишув йўлига кириш ва айнан шу орқали аҳолининг тинчлигини таъминлаш мумкинлигини уқтирган. Оллоқулихон ушбу сўзларнинг самимийлигига шубҳа қилган бўлса-да, келган элчини муносиб тарзда кутиб олиб, элчилик қондасининг барча



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

жиҳатларига амал қилган ҳолда, саруполар кийдириб, ўрдутоҳда ушлаб турилган Ялангтўшхонни ҳам унга қўшиб, кетишга ижозат берган.

1839 йилда Хоразмга Эрон шоҳи томонидан Мирзо Ризо муҳандисбоши элчилиги юборилган ва у В. Перовский бошчилигидаги 12 минг кишилиқ рус қўшинига қарши курашган Хўжаниёз бошчилигидаги 10 минг кишилиқ Хоразм қўшинининг ғалабасига гувоҳ бўлган эди. Мирзо Ризо муҳандисбоши бир йилга яқин Хива хони саройида яшаб қолган ва қайтиш чоғида унга қўшиб, Хоразм элчиси Отаниёз маҳрам Эрон шоҳи ҳузурига юборилган. Оллоқулихон ўз элчиси орқали Эрон шоҳига 40 бош сара от ва бошқа қимматбаҳо ҳадялар бериб юборган¹¹¹.

Бу элчиликка жавобан Эрон шоҳи ўзининг ишончли вакили Шаҳсуворбекни Хива хони Оллоқулихон ҳузурига юборган¹¹².

Хива «Ичон қалъа кўриқхона-музеи» архивида Эрон шоҳи томонидан Оллоқулихонга йўлланган мактубнинг асл нусхаси сақланган бўлиб, унда илгари Хива хони ҳузурига юборилган Эрон элчиси Мирзо Ризо ҳақида эслатилиб, унга қўшиб юборилган Хоразм элчиси Отаниёз маҳрамнинг муносиб тарзда кутиб олинганлиги қайд этилган. Мазкур элчига ҳамроҳ қилиб жўнатилган Шаҳсуворбек орқали садоқат ва иттифоқ таъкиди учун ушбу «Хумоюнномаи дўстона»ни юбораётганлигини маълум қилган шоҳ, «...маълумки, [у тарафдан] ҳар қанча бирдамлик, дўстлик ва муҳаббат кўрсатилса, бизлар ҳам бундан-да зиёда дўстлик русумини намоён эта-миз» деган фикрни билдирган¹¹³.

1841 йилда Хоразмга юборилган Муҳаммад Алихон Ғафур бошчилигидаги элчилик зиммасига ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, эронлик тутқунларни озод этиш ва қул савдосига чек қўйиш вазифаси юклатилган. Унга Англия ва Россия империясининг Эрондаги доимий элчиларидан вакиллар Вильям Томсон ва Муҳаммад Ҳасанбек ҳам ҳамроҳ бўлишган эди. Лекин, Эрон элчисининг ўзи қайд этганидек, уларнинг ҳамроҳликлари элчиликка анча салбий таъсир кўрсатган эди.

Элчининг ахборотномасида қайд этилишича, хон охириги учрашувда Эрон элчисига танбех бераркан, хафа бўлиб «жамшид мартабали подшоҳ ҳамиша ўз одамини юборардилар, бу гал нима сабаб бўлиб, рус ва инглиздан одам қўшиб юборибдилар? Сен ўзинг келаверганингда мақсадга мувофиқ бўларди. Мана энди асир берсам, дўсту душман «хон ҳазрат рус ва инглиздан кўрққанидан асир берди» дея устимдан куладилар», деган фикрни билдирган¹¹⁴. Шу жиҳатдан икки ой давом этган музокаралар деярли натижасиз тутаган эди. Лекин Хива хони икки давлат дўстлиги сақланиб қолиши, Хоразмнинг ҳамиша музокаралар учун очиқ эканлиги ҳамда тез орада Эрон шоҳининг яна элчи юборишини кутиб қолишлигини билдирган¹¹⁵.

Шундан кўп ўтмай, аниқроғи, Оллоқулихон вафотидан (1842 йилнинг



декабрида) сўнг Муҳаммад Амин тўра ташаббуси билан дўстона муносабатлар далили сифатида озод қилинган Хуросон волийсининг жияни Муҳаммад Валихон Хоразм элчилари билан бирга Эронга қайтарилган эди¹¹⁶.

XIX аср ўрталарида Хива – Эрон ўзаро дўстона алоқаларини йўлга қўйишда Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоят (Лолабоши)нинг¹¹⁷ ўзига хос ўрни бор. Катта тажрибага эга бўлган давлат арбоби сифатида у 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги дипломатик музокараларни олиб бориш учун Хоразмга элчи қилиб юборилган. Ризоқулихон бошчилигидаги элчилик Хива хони томонидан Эронга юборилган элчи Отаниёз Маҳрам билан бирга 1851 йил 5 апрелда Техрондан Хоразмга қараб йўл олган. Элчининг зиммасига хонликда асирликда бўлган барча Эрон фуқароларини озод қилишга эришиш ва уларни Эронга олиб келиш, Хива хонини чегарадош ҳудудларга уюштирилаётган оломон чопқинларини ман этишга қаратилган фармон чиқаришга ҳамда мусулмонларни олиб-сотишни, яъни қулчиликни бекор қилишга мажбур этиш сингари вазифалар юклатилган эди¹¹⁸. Албатта ниҳоятда жиддий, яъни, нафақат Хива хонлиги, балки бутун минтақа сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузуми билан боғлиқ «қул савдоси»га барҳам беришдек мушкул масалани бир элчилик доирасида ҳал этиш мумкин ҳам эмас эди.

Шу билан бирга, маҳоратли элчи ва дунёқараши кенг зиёли бир инсон сифатида унинг Хива хонида жуда катта таассурот ҳосил қилганлиги ҳамда икки ўртадаги муносабатларнинг мавжуд ҳолатини сақлаб қолиниши, шубҳасиз, Ризоқулихоннинг хизмати эди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1812–1852 йиллар оралиғида Хива хонлигидан Эронга Бекиш халифа, Нодир сардор, Умаршайх, Амирхон, Бадирхонбек, Муҳаммад Ҳусайнбек, Бекниёз маҳрам, Дурдибек (Бекдурди), Муҳаммад Шарифбек каби элчилар боришган¹¹⁹.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, зиддият ва қийинчиликларга қарамай, ҳар қандай беқарор зиддиятли даврда ҳам Ўрта Осиё–Эрон савдо-дипломатик алоқалари олиб борилган.

Эронлик олим Абдулҳусайн Навоий қайд этганидек, табиийки, қадимдан давом этиб келган бу алоқалар ҳамиша ҳам дўстона бўлмай, ҳатто ака-укалар ўртасида бўлгани сингари гоҳ бузилиб, гоҳ яхшилашиб турган. Лекин ҳар қандай ҳолатга қарамай икки халқ дўстлик ва қўшничилик алоқаларини олиб борганлар, улар ўртасидаги борди-келди, тижорат ва саёҳат ҳамиша давом этган¹²⁰.

4.5. Ўрта Осиё хонликлари ва Усманий турклар давлатининг ўзаро алоқалари

Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ташкил топган даврлардаёқ Усмо-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

нийлар давлати билан яқин дўстона алоқаларни йўлга қўйишган. Бу алоқалар турли мураккаб вазиятларда ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб туриш кўринишида намоён бўлган. Зеро, Ўрта Осиёдан олис Ўрта Ер денгизи ҳудудларига йўл олган савдо карвонлари ҳам, ҳаж зиёратига чиққан зиёратчилар ҳам Усманийлар давлатининг ҳудудларидан ўтган йўллардан кенг фойдаланишган.

Ўз ўрнида Усманий султонлари ҳам Бухоро ва Хива хонлари билан ҳамкорлик қилишга интилганлар. «Шажарайи турк» асарида Бухоро хони Абдуллахон II (1557–1598) ҳузурига келган Рум (*Усмонли турк*) подшошининг элчиси Паёло ҳақида маълумот келтириб ўтилган.

XVI асрнинг 90-йилларида Абдуллахоннинг Хоразмга ҳарбий юриши оқибатида мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлган Хива хони Ҳожимхон (1558–1602) фарзандлари билан Эрон шоҳи Аббос I саройига мурожаат этган бўлса, унинг катта ўғли Севинч Муҳаммад ўзининг ўғиллари билан Усманий турк султони ҳузурига кетганлиги¹²¹ ушбу давлатлар ўртасида дўстона алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Турк султони ҳузурига бир неча йил яшаб қолган Хоразм султонлари Абдуллахон вафотидан сўнггина (1598) ўз юртига қайтишган. Хусусан, «Ул Румда эшитдик ким, Абдуллахон ўлган эрмиш теб. Андин ширвон келди. Тақи кемага миниб Манғишлоқдин чиқди», деб кўрсатилган манбада¹²².

1691 йилда Бухорога ташриф буюрган Усманийлар ҳукмдори Султон Аҳмаднинг элчиси Мустафо Чоуш Бухоро хонига «араб отлари, турли қимматбаҳо тошлар, турли газламалар, ва (умуман) буюк ҳукмдорларга ярашадиган нарсаларнинг барчасидан» ҳадялар келтирган¹²³.

1851 йилда Хивада бўлган Эрон элчиси Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Сафарнома»сида Арзанат-ур Рум (*ҳозирги Туркиянинг Арзирум шаҳри*) томонлардан Хивага келган бир киши ҳақида сўз юритилган¹²⁴.

Икки давлат ўртасидаги расмий элчилик алмашинувлари ўзаро муносабатларни мустақамлаш ва маълум бир масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, ҳаж зиёратига йўл олган Ўрта осийликлар бевосита Усманийлар султонига мурожаат этишган ҳамда Хива, Бухоро ва Қўқондан ташриф буюрган гуруҳ-гуруҳ зиёратчилар Истанбул ва бошқа турк шаҳарларида ташкил этилган йирик «ҳаж карвон»ларига қўшилиб Маккаи мукаррамага етишган. Турк архив ҳужжатларидан бирида 1855–1856 (1272 х.) йилда Турк султони ҳузурига юборилган Хива хони элчиси ҳақида маълумот келтирилган¹²⁵. Хива элчиси Султондан ҳаж зиёрати мавсуми муносабати билан уни қўллаб-қувватлашини сўраб мурожаат этган. Гарчи, элчининг асосий мақсад ва вазифалари ҳужжатда аниқ акс этмаган бўлса-да, белгиланган қоида асосида унга из-



зат-икром кўрсатилганлиги таъкидлаб ўтилган. Хива элчиси тақдим этган зотдор отлар *Хорижия назорати* (Ташқи ишлар идораси)га топширилганлиги тўғрисидаги маълумот эса, икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларда ўзаро алмашилинадиган ва Туркияда қадрланадиган Хоразм маҳсулотлари ҳақида қисман тасаввур беради.

Шунингдек, ўрта аср манбаларида Рум деб аталган Усманий турклар давлатини Ўрта Осиё билан боғлашда Хива хонлиги транзит ҳудуд сифатида муҳим ўрин тутган. Тарихий манбаларда Шарқнинг турли мамлакатлари, хусусан, Ҳиндистон, Хитой ёки қўшни Бухоро хонлигига келиб, Хоразм ҳудуди орқали ўз юртига қайтган турк сайёҳлари, элчилари ҳақида маълумотлар мавжуд. Улар, асосан, йўлни қисқартириш ёки қулай йўл орқали ўз юртига қайтиш мақсадида «Хоразм йўли»дан фойдаланишга қарор қилганлар. Шу билан бирга, нафақат қулай маршрут, балки унинг транзит савдо амалга ошириладиган марказлардан бири сифатидаги аҳамияти, қолаверса, хонликдаги сиёсий вазият ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга бўлган қизиқиш, айниқса, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш истаги ҳам турли сайёҳ ва элчиларни Хоразм ҳудудини четлаб ўтмаганлигига сабаб бўлган. Хусусан, Хивада бўлган хорижий меҳмонларнинг аксарияти Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд Пириёр Вали, Жоруллоҳ аллома, яъни Маҳмуд аз-Замахшарий, Саййид ота ва Ҳаким ота сингари ислом оламида катта нуфузга эга бўлган шахсларнинг қабрларини, яна қўшлаб муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганликларини таъкидлаб ўтишган¹²⁶.

1554–1556 йилда табиий шароит ва сиёсий вазият туфайли Гужарот ва Шимолий Ҳиндистонга бориб қолиб, у ердан Ўрта Осиё орқали ўз юртига қайтган турк адмирали Сейди Али Раиснинг ташрифи ва унинг «Миръотула мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») асари бу борада анча кенг тасаввур беради.

Сейди Али Раиснинг шахсан Хива хони Дўстмуҳаммадхон ва унинг биродари Эш султон билан мулоқотда бўлганлиги унинг ташрифи расмий элчилик даражасида қабул қилинганлигидан далолатдир. Зеро, тарихдан маълумки, лозим топилган ҳоллардагина чет давлат элчилари шахсан давлат бошлиғи томонидан қабул қилинган. Баъзи ҳолатларда, ҳатто расмий топшириқ билан ташриф буюрган элчилар давлатнинг юқори даражадаги масъул вакили билангина мулоқотда бўлиб, ҳукмдор қабулига кира олмай қайтган.

Юқорида қайд этилган Бухоро хони Абдуллахон II ҳузурига келган Рум (*Усманийлар*) подшосининг элчиси Паёло ҳам йўлни қисқартириш мақсадида Хоразм ҳудуди орқали ўз юртига қайтган¹²⁷. «Шажарайи турк» асарида Хива хони Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли Иброҳим султон унинг барча молини олиб, «Румга етгудек харж берган»лиги қайд этилган. Ҳатто, элчи Манғишлоққача кузатиб қўйилган ва Ширвон кемасига солиб юбо-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

рилган.

Ширвон Каспий денгизининг ғарбидаги вилоят бўлиб, Хоразм йўлининг сув орқали ўтган йўналишида муҳим ўрин тутган. Айниқса, диний мазҳаблардаги, яъни шийа-сунний зиддияти Эрон билан муносабатларга путур етказган вақтларда зиёратчилар айнан шу йўлдан фойдаланишган. «Шажарайи турк» асарида «ул вақтда Ширвон Румли (*Усмонийлар*) қўлинда эди. Мовароуннахрнинг ҳожилари ва савдогарлари *қизилбош* (Эрон) юзини кўрмали теб Урганч усти бирлан Манғишлоқ бориб кемага ўлтуруб Ширвон боратурғон эди», деб кўрсатилган¹²⁸.

Ҳожи Қўтас бошчилигида Бухородан Румга Хива орқали йўл олган катта карвон тўғрисидаги маълумот (XVI аср) ҳам Хоразм худудининг географик, стратегик ҳамда халқаро муносабатлардаги ўрнини кўрсатади.

Турк адмирали Сейди Али Раиснинг босиб ўтган маршрути орқали Хоразмни Усмонийлар давлати билан боғлаган ўрта аср карвон йўли ҳақида янада аниқроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Жумладан, сайёҳ Обиомудан (*Амударё*) – Дурун – Богвой (*Богвод*) – Нисо – Бовард (*Обивард*) – Тус – Машҳадий Хуросон – Нишопур – Сабзор – Кўҳи Дамованд (*Мозандарон*) – Бистом – Дамғон – Қазвин – Бағдод йўлини босиб ўтган¹²⁹.

XVIII асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё сиёсат майдонида пайдо бўлган янги Қўқон хонлиги ҳам Усмонийлар салтанати билан дўстона алоқаларни мунтазам равишда олиб боришга интилган. Улар ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш борасида, асосан, диний уламоларнинг ўрни катта бўлган.

Икки давлат ўртасидаги дастлабки элчилик алоқалари 1820 йилда йўлга қўйилган. «Усмонли архиви» маълумотларига кўра, Қўқон хонлигидан Истанбулга 12 марта элчилик юборилган бўлиб, шундан 5 таси махсус дипломатик миссия билан ташриф буюрган. Шу билан бирга, ҳаж зиёратига йўл олган зиёратчилар ҳам икки давлат ўртасида воситачилик қилиб, элчилик вазифасини ҳам ўташган. Архив ҳужжатларида Қўқон хонлигидан Истанбулга юборилган элчиларнинг исмлари келтирилган бўлиб, уларнинг 6 нафари диний уламолар ва тасаввуф тариқатининг пешволари эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, *Саййид ҳожи Мирқурбон* бошчилигидаги элчилик Қўқон хони Умархон (1810–1822) томонидан 1820 йилда Усмонийлар давлати ҳукмдори Султон Маҳмуд II (1808–1839) хузурига юборилган. Қўқон хони томонидан бериб юборилган мактубнинг Усмонли ҳукумати қошидаги таржимонлик бўлими томонидан усмонличага таржима қилинган нусхасининг мазмунига кўра, Қўқон хони Россия империясининг хонлик чегарасига ҳарбий истеҳкомлар қуришидан ташвишга тушаётганлигини ҳамда Бухоро амирининг Кошғар масаласида Қўқонга нисбатан олиб бораётган сиёсий ҳаракатлари ҳақида билдирган. Мактуб мазмунидан кўринадики, Россия



империяси тажовузидан ҳимояланиш мақсадида Усмонли султондан маънавий кўмак олиш учун дипломатик миссия юборилган.

Қўқондан элчи сифатида юборилган Саййид хожи Мирқурбон шахсига доир муҳим маълумотларни ҳам «Усмонли архиви» ҳужжатларидан аниқлаш мумкин. «Хатти Ҳумоюн» фондида сақланаётган 36547 рақамли ҳужжатда ушбу элчи Қўқон хонлигида юқори мавқега эга бўлган давлат арбобларидан эканлигига урғу берилган. Шунингдек, Саййид Мирқурбон асли Ҳамадонлик саййидлардан бўлганлиги алоҳида қайд этилган. Бу даврда Қўқонда саййидларнинг бошқа вакиллари, яъни Маҳдуми Аъзам авлодлари ҳам яшаб, хонликнинг юқори диний лавозимларини эгаллаганлар. Бироқ, Умархон томонидан бу масъулиятли вазифа дипломатик қобилияти юқори даражада бўлган Саййид Мирқурбон зиммасига юклатилган.

Қайд этиш лозимки, Саййид Мирқурбон бошчилигидаги эчиликнинг асосий мақсади ҳарбий ёрдамдан кўра, кўпроқ маънавий кўмак олиш бўлган. Шу нуқтаи назардан Қўқон хони Умархон Усмонли султони Маҳмуд II дан ёрлик, шамшир ва туғ юборишликни сўраган. Усмонли давлати *садри аъзами* (бош вазири) томонидан Умархонга юбориш учун тайёрланган жавоб мактубида Амир Умархоннинг сўровига кўра, ёрлик, туғ ва шамшир йўлагани қайд этилган. «Мунтахаб ут-таворих» асарида кўрсатилишича, Султон Маҳмуд II Қўқон элчисига ўз элчисини ҳам қўшиб юборган.

1837 йилда Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа бошчилигида Қўқон хонлигидан Усмонийлар давлатига юборилган эчилик иккинчи дипломатик миссия бўлиб, бу борада «Усмонли архиви» фондида 20 га яқин ҳужжатлар мавжуд.

Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа Қўқон хонлигида *хожа-калон* унвонига эга бўлиб, Жўйбор шайхлари сулоласидан эди.

Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг дипломатик муносабатларини олиб боришдан асосий мақсади Россия ҳамда Хитой империяси тажовузидан сақланиш учун Усмонли турк давлатининг ҳимояси ва ёрдамидан умиди бўлган. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, Қўқон хони Усмонийлар ҳукуматидан ҳарбий тўпчи усталардан ҳамда маънавий бирлигининг ифодаси сифатида бир қилич ва нишон ҳам берилишини сўраган.

Қўқон хони Муҳаммад Алихон элчи юборар экан, албатта, Усмонийлар ҳукмдори Султон Маҳмуд II га махсус совғалар ҳам юборган. Ўз ўрнида Усмонийлар султони ҳам элчи орқали Қўқон хонига қимматли ҳадялар бериб юборган.

Саййид Ёқубхон тўра бошчилигидаги эчилик 1865 йилда Дашти Қипчоқ ва Тошкент ҳудудларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши арафасида юборилган. Ушбу эчилик Хива хонлиги ва Эрон



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

орқали жуда машаққатли йўл билан 1865 йил апрель ойининг бошларида Истанбулга етиб келган. Оренбург давлат архиви ҳужжатларида Саййид Ёқубхон тўраининг 1867 йилда Истанбулдан Қўқонга қайтганлиги қайд этилган.

Саййид Ёқубхон тўра ўзининг элчилик маҳорати ва етук шахсияти туфайли турк олими Мехмет Сарай томонидан «Туркистон етиштирган энг кучли дипломат» сифатида тилга олиниши диққатга лойиқ.

Қайд этиш лозимки, дипломатик алоқаларда диний уламоларнинг муваффақият билан иштирок этганлиги уларнинг тасаввуф пешвоси ёки фикҳ уламоси сифатида чуқур билим ва юқори савияга эга бўлганлигидан далолат беради. Истанбулга борган Ўрта осиеликлар кўп ҳолларда ҳаж ибодатини бажариш мақсадида Истанбул орқали Макка ва Мадинага бориш асносида Ўрта Осие ҳукмдорларининг Усмонли империяси билан алоқаларида элчилик вазифаларини ҳам бажарганлар.

Марказий осиелик зиёратчилар ва тижоратчилар ҳамда ўзаро элчилик алмашинувлари туфайли минтақаниннг этник ва маданий чегаралари доимо ўзгариб турган. Натижада, турли халқ ва давлатлар бир-бирларига шунчалик таъсир этганки, ўтмишнинг маданий меросини у ёки бу халққа тегишлилигини аниқлаш бутунги кунда ҳам мушкул масала ҳисобланади.

XIX асрнинг 60-йилларида кўплаб мамлакатларга саёҳат қилиб, Ўрта Осие, жумладан, Хоразмда бўлган Арминий Вамбери аҳоли турмуш тарзи, ижтимоий-маънавий муҳитини кузатиш асосида хулоса чиқарар экан, Европадаги янгиликлар, асосан, Туркия ва Эрондан ўтиб бу ерга келиши мумкинлигини қайд этган. Унинг таъкидлашича, эронликлар европаликларнинг ускуналарини туркияликлардан олсалар, Ўрта осиелик халқлар эса, Эрон орқали етиб келганлари билан кифояланганлар.

Ҳатто, анъанавий миллий таомлардаги ўхшашлик диққатни тортади. «Барча ҳамма жойда севиб истеъмол қиладиган таом палов – ош бўлиб, Ўрта Осие палови Эрон ва Туркияникига ўхшаса-да, мазаси билан улардан анча устундир», деб таърифлайди А. Вамбери. «Адашмасам, – дейди сайёҳ, паловнинг ватани Ўрта Осие бўлиб, бу ердан Осиенинг ғарбига тарқалган».

Эрон элчиси Ризоқулихоннинг Хоразмга олиб келган қаҳва тайёрлайдиган асбоблари билан қаҳва қайнатиб келишганда, Отаниёз маҳрам хоразмлик мулозимларга таништириб, «Бу қаҳва дегани бўлади, уни Рум ва Эронда ичиш расм, овқатни ҳазм қилдиради», дея тушунтирганлиги ҳам юқоридаги фикрга мисол бўла олади.

4.6. Ўрта Осие ва Ҳиндистон



Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги савдо-дипломатик алоқалар ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Сўнги ўрта асрларда Ҳиндистон билан Бухоро хонлиги ўртасидаги савдо-дипломатик алоқалар анча яхши йўлга қўйилган бўлиб, XVI асрнинг 70-йилларидан бошлаб, деярли мунтазам равишда олиб борилган.

1572 йилда Ҳиндистонга Бухоро хони Абдуллахон II нинг биринчи элчиси Хўжа Олтамиш юборилган. Бу элчиликнинг мақсади икки давлат ўртасида дўстона муносабатларни йўлга қўйиш бўлиб, Ўрта Осиёда бу вақтда юзага келган сиёсий вазият бунга туртки бўлган эди. Хусусан, Бадахшон ҳокими Мирза Сулаймон Бухорога ярим қарам бўлган Балх вилоятига ҳужум қилиб, бу курашда муваффақиятсизликка учрагач, Ҳиндистон ҳукмдори Акбаршоҳга ёрдам сўраб мурожаат этган эди. Ушбу ҳолатда Абдуллахон бу масала юзасидан Акбаршоҳнинг фикрини аниқроқ билиш ва имкони борича Ҳиндистон билан яхши муносабатлар ўрнатиш мақсадида ўз элчисини юборган. Хўжа Олтамиш орқали Бухоро хони қимматбаҳо совға-саломлар билан бирга Акбаршоҳ номига ёзилган мактуб бериб юборган. Унда Ҳиндистон ва Бухоро ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихий илдизлари ҳақида эслатиб, яхши кўшничилик алоқаларини давом эттириш таклифи билдирилган.

Бу даврда икки давлат ўртасида «Эрон сафавийларига нисабатан муносабат» масаласи ҳам турган. Бухоро хони ўзининг асосий рақибларидан бири бўлган Эрон шоҳларига қарши курашда ҳам Ҳиндистон ҳукмдорининг хайрихоҳлиги ва иттифоқчилигига умид қилиши табиий эди. Лекин, Ҳумоюн шоҳ даврида унинг Эрон билан алоқалари жуда яхши бўлган. Чунки, ички курашларда етилган шоҳ Ҳумоюн Эрондан кўмак олган эди. Акбаршоҳ эса, бу даврда мамлакат ичидаги тартибни сақлаш мақсадида ташқи сиёсатда «бетарафлик» сиёсатини тутган эди.

Абдуллахон томонидан Абдурахим бошчилигида Ҳиндистонга юборилган навбатдаги элчилик 1577 йилда «Эронни бўлиб олиш» таклифи билан борган. Бу элчилик катта ҳурмат билан қабул қилинган ва унга кўшиб, Мирза Пўлат исмли киши элчи сифатида юборилган. Бу вақтда Самарқанддаги исёнкор кучларга қарши кураш билан банд бўлган Абдуллахон ҳинд элчисини жуда катта илтифот билан кутиб олиб, юришларда ўзи билан бирга олиб юрган. Шу боис, 1579 йилда ташриф буюрган элчи анча вақт Бухоро хонлигида қолиб кетган эди. Ҳинд элчиси Акбаршоҳнинг бирлик ва ҳамжиҳатлик изҳори битилган мактубини муносиб совғалар билан бирга келтирган эди. Ҳинд манбаларида кўрсатилишича Акбаршоҳ «Эрон масаласи»да Бухоро хонининг таклифини рад этиб, бу борада бетараф туришлигини маълум қилган.

Ўртадаги баҳсли ҳудуд сифатида Бадахшон вилояти учта давлат, яъни Ҳиндистон – Бухоро – Эрон ўртасидаги сиёсий алоқаларнинг маркази-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

да турган масалалардан бири эди. Бу борада Абдуллахон бир неча бор Ҳиндистонга элчи юборишига тўғри келган. Мир Қурайш бошчилигидаги элчилик Эронга қарши Бухоро – Ҳиндистон ҳамкорлигини вужудга келтиришга қаратилган эди. Акбаршоҳ бу элчиларни 1586 йил ўз салтанатининг 32 йиллик тантанаси кунида қабул қилган. Назарбий додхоҳ бошчилигидаги элчилик ҳам Абдуллахоннинг дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги истакларини етказган эди. Бу элчиликларга жавобан Ҳаким Ҳумом бошчилигидаги ҳинд элчилиги Бухоро саройига юборилган.

1587 йилда Бухорога юборилган ушбу ҳинд элчилиги Ҳиротга яқинлашганда, Абдуллахоннинг буйруғига кўра, тантана билан кутиб олиш учун қози Ҳожи Муҳаммад, Мирза Ҳайдар Муҳаммад мунший ва кўп аъёнлар ҳамда *шиговул* лавозимидаги вазир уларга пешвоз чиқишган. Эртаси куни «Султон Ҳусайн Мирзо» мадрасасида катта базм уюштирилган. «Абдуллонома» асарида тасвирланишича, «Абдуллахон учун тахт ўрнатилиб, унинг атрофига амалларига қараб ноиблар, амир ва лашкар-бошилар жойлашганлар. Зардўзи тўнлар кийган ва марваридлар қадалиб зийнатланган ханжарлар таққан махсус кишилар хизматда эдилар. Сарой хожибларининг кулоқлари хон фармойишига қаратилган эди». Ҳинд эчиларига уларнинг шоҳлари элчиларни қай тартибда қабул қилса, шу қонун-қоидага асосан мурожаат этишларига рухсат берилган. «Ҳаким Ҳумом ҳаяжонга тўлган ҳолда 27 маротаба салом берди. Салом шундан иборат эдики, қўл кафтларини ерга теккизиб, сўнг баладга кўтарган ва олдинга қадам ташлаб, бошини қуйи солган. Тахтга яқинлашганда эса, тиз чўккан ҳолда хон қўлини ўпган ва ўзи билан келтирган мактубни узатган», деб тасвирланади манбада. Шундан сўнг, элчилар Қулбобо (Кўкалтош) воситачилигида Ҳиндистондан келтирган совға ва ҳадяларни бирма-бир намойиш этганлар. Абдуллахон бу совғаларни шу ернинг ўзидаёқ ўз аъёнлари ва амалдорларига улашиб берган. Элчилар бир муддат бу ерда тургач, Бухорога юборилган.

Аштархонийлар ҳукмронлик қилган даврда ҳам Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида қизгин элчилик алоқалари давом эттирилган.

1613 йилда Имомқулихон ўз эчиларини муносиб ҳадялар билан Жаҳонгиршоҳ (1605–1627) ҳузурига юборган. «Тарихи Муқимхоний»да кўрсатилишича, орадан бир неча вақт ўтгач, Ҳиндистон шоҳи ўзининг элчиси Ҳаким Ҳозикни Бухорога юборган.

Хива хони Араб Муҳаммадхон (1603–1621) ҳам Ҳиндистон подшоси билан ҳамиша дўстона муносабатларда бўлган.

Хивада бўлиб қайтаётган рус элчиси Василий Даудовнинг 1677 йилда Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги сиёсий воқеалар ва охири янгиликлар ҳақида берган маълумотида Ҳиндистон шоҳи Бухоро, Хива ва Балх ҳукмдорлари дўстона алоқада бўлиб, ўзаро элчилар алмашилиб турганликлари қайд этилган.



Хива хони Абулғозихон (1645–1663) марказий ҳокимиятни мустақкамлашга интилиб, қизғин ташқи алоқаларни олиб боришга интилар экан, дипломатик ва савдо муносабатларини мустақкамлаш учун Шайхбобо ва Шоҳжаҳонларни элчи қилиб Ҳиндистонга юборган¹³⁰.

1837 йилда Усманий турк султони Маҳмуд II (1808–1839) ҳузурига юборилган Қўқон элчиси Муҳаммад Зоҳид хожанинг ахбороти орқали Қўқон–Ҳиндистон муносабатларига доир маълумотга эга бўлиш мумкин. Жумладан, Муҳаммад Зоҳид хожа бир йил аввал Қўқонга Ҳиндистондан ҳарбий мутахассислар келиб, европача услубда Қўқон аскарлари билан ҳарбий машғулотлар олиб бораётганлигини маълум қилади. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Усмонли султони Муҳаммад Зоҳид хожага Қўқон ҳукуматини Ҳиндистон ва у орқали Британия ҳукумати билан муносабатларни мустақкамлашни таклиф этган. Гарчи Муҳаммад Зоҳид хожа бошчилигидаги дипломатик миссия Қўқон хонлиги билан Усмонли империяси ўртасида бўлса-да, бу, ўз навбатида, Қўқон–Ҳиндистон муносабатларининг янги босқичга чиқишига сабабчи бўлган дейиш мумкин ва, албатта, бунда жуйбар шайхлари сулоласидан бўлган Саййид Муҳаммад Зоҳид хожанинг ўзига яраша ўрни бўлган.

Шунингдек, Қўқон хонлиги учун Ҳиндистоннинг ҳудудий жиҳатдан ҳам аҳамияти бор эди. Маълумки, ҳаж зиёратига элтувчи йўлнинг учта тармоғи бўлиб, биринчиси Ҳиндистон, иккинчиси Эрон ва учинчиси Усманийлар империяси ҳудудлари орқали ўтган. XVIII–XIX асрларда Қўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилиги Макка зиёратига боришда Усманийлар ҳудуди орқали ўтган йўлдан фойдаланган бўлсалар, уларнинг бир қисми айнан Ҳиндистон ҳудуди орқали ўтган йўналишдан юрганлар.

Ҳаж йўли ўз ўрнида ўзаро маънавий-маданий интеграция жараёнларига ҳам хизмат қилган. Қўқон хонлиги ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дастлабки маданий алоқалар Фарғона водийсида тарқалган сўфийлик тариқати вакиллари орқали йўлга қўйилган. Марғилонлик Саййид Абдуллахон тўра Ҳиндистонга Кашмирдаги машҳур сўфийлар етакчиси Аҳмад Серхиндийнинг авлоди Мийён Обиддан таълим олиш учун борганлиги ва у ердан Қуръоннинг ноёб нусхасини келтирганлиги юқоридаги фикрга мисол бўлади. Нақшбандия тариқатининг вакили Мийён Халил Соҳибзода эшоннинг Қўқон–Ҳиндистон алоқаларини мустақкамлашда ўз ўрни бўлган. Қўқон хони Муҳаммад Алихон 1825 йилда Ҳиндистонга элчи юбориб, Мийён Халил Соҳибзодани хонликда истиқомат қилишга таклиф этган ва у 1826 йилда бу ерга ташриф буюрган¹³¹.

Кўриниб турибдики, Ҳиндистон билан Ўрта Осиёнинг элчилик муносабатлари икки ҳудуд халқлари ўртасидаги маънавий-маданий



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

алоқаларнинг йўлга қўйилишида ҳам муҳим ўрин тутган.

Шу билан бирга, элчилар турли мамлакатларга ташриф буюришар экан, улар учун муҳим бўлган хислатлардан бири *тадбиркорлик* маҳоратини ишга солишга катта эътибор беришган. Шу жиҳатдан узоқ юртларга юборилган элчилар айна вақтда савдо ишлари билан шуғулланганлар ва савдо-тижорат ишларининг ривожига катта ҳисса қўшганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги Кобул ва Қандаҳор карвон йўлларининг аҳамияти янада ортган. Чунки, Хўрмуз шаҳри ва ундан сўнг ҳинд портлари Гоа, Диу, Даман ва Чауларнинг португалияликлар томонидан босиб олинishi натижасида Ҳиндистон давлатларининг денгиз орқали савдо қилиш имконияти чеклаб қўйилган эди. Шу жиҳатдан XVI асрга келиб, Кобул ва Қандаҳор орқали ўтган карвон йўли орқали илгариги 3 минг туя мол ўрнига 14 минг туя мол жўнатиб турилган. Қозон ва Астраханнинг Россия таркибига киритилиши билан (1553) Ўрта осиелик савдогарлар ҳинд молларини Россия бозорларига етказиб беришда ҳамда Ўрта Осиёга келган ҳинд ва афғон савдогарларини рус моллари билан таъминлаш ишида воситачилик ролини ҳам бажара бошлаган эди. Натижада, Ўрта Осиё хонликлари билан Россия ўртасидаги савдо алоқалар тез суръатлар билан ривожланган ва бу, ўз навбатида, Бухоро – Ҳиндистон савдосига ҳам ижобий таъсир кўрсатган эди.

Бухоро ва Хива хонларининг сотиш ёки алмашиш учун рус бозорларига чиқарадиган ҳамда дипломатик алоқаларда рус подшоларига юборган ҳадя ва тортиқлари орасида Ҳиндистондан келтирилган моллар салмоқли ўрин тутган. Хусусан, 1585 йилда Астраханга сотиш учун юборилган моллар орасида 40 пуддан ортиқ бўёқ бўлган. Бўёқ Ўрта Осиёга, асосан, Ҳиндистондан келтирилар эди. Шу йилда рус подшоси Иван Федорович (1584–1598) ҳузурига юборилган Бухоро хони Абдуллахоннинг элчиси Муҳаммад Али олиб борган тортиқларнинг орасида қимматбаҳо ҳинд чодирлари ҳам бор эди.

XVI–XVII асрларда Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида кўплаб ҳинд савдогарлари турғун бўлиб қолганлар. Бухорода махсус ҳинд маҳаллари пайдо бўлиб, уларни ҳиндларнинг ўзлари бошқарганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган инглиз савдо компанияси вакили Антоний Дженкинсон «Бухоро, Балх шаҳарларида ҳар йили Ҳиндистон, Эрон, Россия ва бошқа давлатлардан катта карвонлар билан келувчи савдогарларнинг қурултойи бўлиб туради», деб ёзади. У Бухорони дунёдаги йирик савдо марказларидан эканлигини тан олган.

Хужжатлар XVII аср охири – XVIII аср бошларида хусусий савдогарлар орасида ҳам бож тўламай савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлганлари ҳақида



маълумот беради. Баъзи савдогарларга махсус фармон билан муайян ўлкалар ўртасидаги мавжуд савдода айрим молларни харид қилиш ва сотиш юзасидан кенг ҳуқуқ берилган. Балхлик Охуннхўжа Аваз ва унинг шериклари Ҳиндистон подшолари Аврангзеб томонидан берилган «тархон» ёрлиғига асосан, Ҳиндистонга сарой эҳтиёжлари учун турли ҳўл ва қуруқ мевалар, отлар, туялар ва бошқа молларни олиб бориш ҳамда Балхга Ҳиндистон матолари ва буюмларидан келтириб сотиш ҳуқуқига эга бўлган. Император ўз фармонида Кобулдан то Шоҳжаҳонобод (Деҳли) га қадар ўлка ва вилоятлардаги ҳокимлар, амалдорлар ва шоҳликнинг бошқа мутасаддиларига Охуннхўжа Аваз ва унинг шерикларига чиҳияк (*қирқдан бир*), закот ва роҳдори (*йўл учун олинадиган маблағ*), тамға ва бошқа тўловлардан заҳмат етмаслигини ва унинг ҳеч қаерда ушланиб қолмаслигини таъкидлайди.

Бухоро хонлигида бож тўламасдан савдо қилиш ҳуқуқига, асосан, хон, шайхлар ва Балх ҳокими, яъни валиаҳд эга эди.

Хонлар, жуйбарий шайхлар ва бобурий ҳукмдорлар мамлакатлараро божсиз савдо қилишнинг ўзаро «туҳфа ва ҳадялар» алмашинуви шаклини кенг йўлга қўйганлар. Савдонинг бундай тури иқтисодий имтиёздан ташқари, «туҳфа ва ҳадялар» шаклидаги молларнинг хавфсизлигини таъминлашда ҳам қўл келар эди. Хусусан, бундай карвонлар чегарадан ўтиши билан маҳаллий ҳокимларнинг буйруғига қўра, дарҳол қуролли гуруҳлар ҳимоясига олинар, қароқчи ва ўлка ҳокимлари томонидан талон-торож қилиниш хавфидан холи бўлар эди. Шу жиҳатдан, элчилар аксарият ҳолларда зиммаларига юклатилган сиёсий вазифадан ташқари, давлатлар ўртасидаги савдо-тижорат муносабатларини ривожлантиришда ҳам муҳим восита эди. Хусусан, «Матлаб ут-толибин» асарида келтирилишича, Ҳиндистонга келган Бухоро хони Имомқулихон элчиси Абдураҳимхўжа турли совғасаломлар билан бирга, шоҳ Жаҳонгирга бир йирик лаъл туҳфа қилган. Бунга жавобан эса, Бухоро хонига 40 минг рупий пул ва ҳар бири 1500, 1000 ва 500 мисқол оғирлиқдаги учта олтин ёмби («кавкабаи толе») юборилган.

«Тарихи Муқимхоний» асарида Шоҳжаҳон элчиси Ҳаким Ҳозиқ ўзи билан Имомқулихонга тортиқ сифатида турли қимматбаҳо тошлар билан зийнатланиб, олтин суви югуртирилган идишлар, қимматбаҳо чодир, балиқ тиши ва нуқралар қадалган қўйлақлар олиб келганлиги қайд этилган.

Ҳинд манбаларида қўрсатилишича, Ҳаким Ҳозиқ келтирган «ҳадя ва туҳфалар»нинг умумий қиймати бир ярим лак рупий ёки 3700 Эрон туманига тенг бўлган¹³².

Балх ҳокими Надр Муҳаммадхон элчилиги орқали Жаҳонгир шоҳга 50 минг рупийлик от, турк қуллари ва бошқа нарсалар юборган. Бу-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ларнинг эвазига ҳинд шоҳи мазкур элчи орқали Надр Муҳаммадхонга 40 минг рупий пул ва ҳинд нафис молларидан ҳадя қайтарган.

Балхда ҳокимлик қилган Субхонқулихон ҳам ҳинд шоҳи билан ана шундай олди-бердиларни амалга оширганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Хусусан, Субхонқулихоннинг элчиси Шодмонхўжа орқали Ҳиндистондан 25 минг рупий пул ва бир фил (нуқрадан ясалган эгари билан), 150 тўп шол, «жомавар», «чире», гужарот «фўтаси» сингари матолардан бериб юборган.

Бухоро хони Абдулазизхон томонидан туҳфа қилиб юборилган қиймати 40 минг рупийлик лаъл эвазига Аврангзеб ҳар бирининг баҳоси 20 минг рупийлик иккита ханжар тортиқ қилган.

Савдонинг бу шакли, асосан, қимматбаҳо тошлар (лаъл, олмос) ва ноёб моллар (қурол, фил) билан «савдо қилиш»дан иборат бўлган.

4.7. Ўрта Осиёнинг Шарқий Туркистон ва Хитой билан дипломатик алоқалари

Ўрта Осиё хонликларининг Шарқий Туркистон ва Хитой билан бево-сита чегаралари Қўқон хонлиги ҳудудига тўғри келган. Шу жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бу давлатлар билан дипломатик алоқаларини, асосан, Қўқон хонлиги мисолида кўриш мумкин. Қайд этиш лозимки, бу муносабатлар анча зиддиятли бўлган. Бунга, биринчидан, Қўқонга қўшни бўлган Шарқий Туркистонда 1755–1759 йилда манжурлар ҳукмронлиги ўрнатилиши, иккинчидан, Шарқий Туркистон масаласида Хитой ҳукуматининг Қўқон хонлигини кучсизлантиришга уриниши, учинчидан, Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатишга интилиши сабаб бўлган. Шу мақсадда Қўқон ҳукмдорлари хўжалар ёрдамида Шарқий Туркистонда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун икки давлатнинг ўзаро сиёсий-дипломатик музока-ралардаги асосий объект Шарқий Туркистон ҳисобланган.

Қўқон хонлиги билан Хитой давлати ўртасидаги дастлабки сиёсий-дипломатик алоқалар 1759 йилнинг ўрталаридан бошланган. Аниқроғи, бу алоқалар манжур қўшинлари томонидан Ёркенд хонлигининг охириги ҳукмдорлари Бурҳониддинхўжа ва Хўжа Жаҳонни қўлга олиш жараёнидан бошланган. Хўжалар Қўқон ҳукмдори Эрдона ҳузурига ўз одамларини юбориб, ундан ҳарбий кўмак олмақчи бўлганлар¹³³. Буни билиб қолган манжур генерали Чжао Хуяй Шарқий Туркистондан Қўқонга олиб борадиган барча йўлларга ўз аскарларини юборган ва чегарада назорат ўрнатиш учун хитой пикет (*бекат*)ларини барпо этишга буйруқ берган. Манжурлар сулоласига мансуб бўлган Хитой императори Цяньлун (1736–1796) ушбу генералга Шарқий Туркистоннинг қўшни давлатлари билан император номидан сиёсий-дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқини бер-



ган эди. Бу имтиёздан фойдаланиб, генерал чегара яқинидаги кўчманчи қирғиз ва қозоқ аҳолиси билан хўжаларнинг ўзаро тил бириктиришидан хавфсираб, уларнинг бийларига мактуб йўллаган. Ушбу мактубда: «Агар сизларнинг (бизга) бўйсунуш ниятингиз йўқ бўлса, бу (хуқуқ) ҳозирча ўзингизда. Ўз ерингизни ушлаб турунг, аммо сизлар у ерда бизга қарши ишларни амалга оширсангиз, бизнинг қўшин сизларни жазолайди», деб ёзилган¹³⁴. Худди шу мазмундаги мактуб билан генерал 1759 йилнинг августда Қўқон ҳукмдори Эрдонахон¹³⁵ (1753–1763) ва Фарғона шаҳарлари ҳокимлари ҳузурига «шивея» (элчи) Дакэтана исмли зобитни юборган¹³⁶.

Манжурлар элчиси Дакэтанининг асосий вазифаси Қўқондаги сиёсий вазиятни билиш билан бирга, хўжалар масаласи ҳал этилмагунча Қўқонда Эрдонахон ҳузурига бўлиши зарур бўлган. Хитой адабиётларида бу элчини Қўқон ҳукмдори томонидан яхши кутиб олингани алоҳида таъкидланган¹³⁷.

1759 йилнинг 30 ноябрида Эрдонахон томонидан Тўхта Муҳаммад ва Боймуҳаммадлар манжур генерали ҳузурига элчи қилиб юборилган. Улар орқали юборилган мактубда: «Буюк император қўшинига амр-фармон берувчи, қудратли ва довюрак генералга Эрдонабек салом йўллайди. Ёркенд ва Қашқарни босиб олганингиздан сўнг қирғиз ва қозоқларга тинчлик ўрнатиш [ҳақидаги] фармон берганингизни эшитдик. Биз бахтлимизки, [бундай] хатингизни «шивея» бизга [ҳам] етказди. Биз буюк императорга хизмат қилишимиз керак», дея қайд этилган¹³⁸. Элчилар 1760 йилнинг 26 февралда генерал Чжоу Хуэй рухсати билан император [Цяньлун] ҳузурига – Пекинга юборилган. Икки ўртадаги дипломатик алоқалар бевосита элчилар алмашинуви ва мактублар орқали амалга оширилган ҳамда элчиларнинг аксарияти савдогарлардан иборат бўлиб, дипломатик ёзишмалар савдо қарвонлари орқали кўзланган манзилга етказиб берилган.

Қўқон элчилари Қашқарда қабул қилиниб, элчи шахсини аниқлаб унга таржимон ва ҳарбий кўриқчилар, от-аравалар, йўлдаги таъминот учун эса озиқ-овқат ва маълум миқдорда пул берилган. Қашқардан Ёркендгача келган элчилар Тарим водийси орқали Қумулга етиб олган. У ерда ҳам улар яхши кутиб олинган ва от-улов, озиқ-овқат билан таъминланиб, Пекинга – император ҳузурига юборилган. Хитой амалдори На Янчэннинг маълумот беришича, Қўқон элчилари ҳар уч ва беш йилда бир марта келиши керак эди¹³⁹. Аммо улар йилда икки-уч марта, деярли мунтазам равишда келиб турган. Пекинда Қўқон билан манжурлар ҳукумати ўртасида расмий учрашувлар ўтказилиб, элчи шарафига зиёфатлар уюштирилган. Хитой ҳужжатларидан бирида «Император Цяньлун зиёфат вақтида «андижонлик» элчи [Тўхта Муҳаммад]га ўз ёнидан жой бериб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Эрдонанинг соғлиги ва Қўқон ҳақида бир неча саволлар берди», деб келтирилган¹⁴⁰. Эрдонахон элчила-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ри орқали Хитой императоридан ҳеч нарса сўрамаганлиги боис, император 1760 йилнинг 18 мартада Эрдонага ёзган мактубида «Сенинг элчиларинг биздан ҳеч нима сўрамади. Биз уларнинг мақсадини билмадик», деб таъкидлаган¹⁴¹. Аслида бу элчиликнинг асосий мақсади, ўзаро дўстлик муносабатини ўрнатиш бўлган.

Эрдонахон ўзининг ҳукмронлиги даврида Пекинга жами саккиз мартадан ортиқ элчи юборган. Иккинчи элчилиги 1760 йилнинг сентябрида Пекинда бўлиб, улар Эрдонанинг императорга совғаси сифатида чопқир от олиб борганлар¹⁴². Шу йили Хитой императорининг Ёркенддаги иш бошқарувчиси Шангуй Эрдонахонга элчи қилиб Синисумини юборган¹⁴³.

Ўш-Қашқар йўлида ҳаракатланаётган савдо карвонларининг хавфсизлигига манжурларнинг «вассали» сифатида фаолият юритган Ўш ҳокими Хожибек бошчилигидаги қароқчилар гуруҳи катта зарар етказар эди¹⁴⁴. Шу мақсадда Эрдонахон кўшини 1762–1763 йилларда Ўш ва Ўзганни босиб олган. Эрдонахон Хожибекни тутиб олиб, асирликда сақлаган. Манжурлар ҳукумати Эрдонага мактуб йўллаб, Хожибекни асирликдан озод этишни талаб қилган. Қўқон ҳукмдори бу талабни нафақат рад этган, балки кейинги йил унинг аскарлари Шарқий Туркистонда манжурлар ҳукуматига қарши курашган¹⁴⁵.

Эрдонахон вафотидан сўнг, унинг вориси Норбўтахон 1770 йили Қўқон тахтига ўтиргач, шу йилнинг ўзидаёқ, император Цяньлун ҳузурига Боймат исмли киши бошчилигидаги элчилар гуруҳини жўнатган. Улар орқали императорга юборилган мактубда, Қўқон тахтига янги ҳукмдорнинг ўтирганлиги, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар бундан кейин тинчлик ва дўстлик асосида бўлиши таъкидланган¹⁴⁰. Норбўтахон манжурлар ҳукумати билан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. Айниқса, у «хўжалар масаласи»дан узоқлашган ҳолда, ўзаро савдо-сотик ишларига кўпроқ эътибор берган. Бундай сиёсат манжурлар учун ҳам маъқул эди. Чунки «хўжалар масаласи» Қўқон ва манжурлар ҳукумати ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушишига олиб келган эди. Шу боис, Норбўтахон манжурлар ҳукумати билан хўжалар масаласида махфий равишда музокаралар олиб борган¹⁴¹. Ушбу махфий келишувни Олимхон ва Умархон давом эттирган. Бу ҳукмдорлар манжурлар императорига ва ноибларига юборган мактубларида хўжалар Қўқонда яшамаётганлигини қайта-қайта таъкидлаганлар¹⁴⁶.

Норбўтахон Пекинга уч марта элчи юборган. Унинг фаол ташқи сиёсати туфайли манжурлар ҳукумати Қўқонни мустақил давлат сифатида тан олишга мажбур бўлган¹⁴⁷.

Норбўтахон Шарқий Туркистонда Қўқон савдоси ва қўқонлик савдогарларнинг ўлка бозорларидаги фаолиятини эркинлаштириш учун 1782–1783 йилда Абдулқосим бошчилигидаги элчилар гуруҳини Пекинга



жўнатган¹⁴⁸. Ўзаро музокаралардан сўнг манжурлар томонидан қўлга олинган қўқонлик савдогар Абдулла Ёркенд қамоқхонасидан озод этилган¹⁴⁹. Норбўтахон томонидан 1792–1793 йилларда юборилган элчилар орқали Шарқий Туркистондаги қўқонлик савдогарларни назорат қиладиган ва Қўқоннинг расмий вакили сифатида иш юритадиган *худойдо* мансабини жорий этиш масаласини ҳал этган¹⁵⁰. Бу мансаб эгаси нафақат Қўқон савдогарлари фаолияти ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, балки Шарқий Туркистонда муомалада бўлган Қўқон танга-пулларини ҳам назорат қилган.

Қўқон ҳукмдори Олимхон мамлакат ҳудудларини Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларигача кенгайтириб, ўзининг сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида «хон» унвонини таъсис этган¹⁵¹. Шу боис, манжурлар императори Цяньлун 1809 йили Қўқон элчиси Охунжон бошчилигидаги элчилар гуруҳи билан учрашувида «Қашқарга келган Қўқон молларини солиқ ва бождан бутунлай озод қилиш»га ваъда берган. Олимхон 1810 йилда ушбу масалани узил-кесил ҳал этиш учун Пекинга яна элчи жўнатган. Музокаралар натижасида император томонидан ваъда қилинганидек, Қўқон савдогарлари бутунлай солиқдан озод этилмасада, унинг ҳажми икки фоизга пасайтирилган. Манжурларнинг Қўқонга бундай ён беришдан мақсади Шарқий Туркистонда тинчлик ўрнатилиши эди.

Олимхондан сўнг тахтга чиққан укаси Умархон (1810 – 1822) ўздан аввалги ҳукмдорлар каби Қўқон хонлиги мустақил давлат эканлигини манжурлар ҳукуматига билдирган. У Хитой императорига юборган олтин суви юритилган ҳарфлар билан ўзини «хон» деб ёзилган мактубда императорга «дўст» деб мурожаат қилган¹⁵². Ўз навбатида, у Шарқий Туркистонга 1814 йилда Мирза Аббос исмли оқсоқол ва қозисини юборган. Ушбу қозининг зиммасига Шарқий Туркистондаги шаҳар ҳокимлари маҳаллий мусулмон аҳоли билан Қўқон савдогарлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, Шарқий Туркистондаги мусулмон аҳолидан бож йиғиб олишни Умархон фойдасига ҳал қилиш ҳамда божхона тизимидаги муаммоларни ҳал этиш каби вазифалар юклатилган эди¹⁵³. Аммо, элчилар бу борада Шарқий Туркистон ноибини билан бир тўхтама кела олмаганлар. Чунки у Қўқоннинг Шарқий Туркистон масаласидаги талаблари кенгайиб, охир-оқибат ўлкани ўз таъсирига олиши мумкинлигидан чўчиган.

Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида (1822–1842) ҳам Шарқий Туркистондаги Қўқон савдогарларининг фаолияти юзасидан бир неча бор Қўқон элчилари Қашқарга юборилган. Хусусан, 1825 йилда Абдуҳолиқ ва Жавҳар, улардан сўнг Имомқули исмли элчилар Қашқарга элчи этиб юборилган¹⁵⁴.

1826 йилда Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистондаги Жаҳонгирхўжа бошчилигидаги кўзғолонга аралашуви ҳамда манжурлар



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

талабига биноан Жаҳонгирхўжа авлодларини уларга тутиб топширмаганлиги туфайли икки давлат муносабатлари совуқлашган эди¹⁵⁵.

Манжурлар ҳукумати Жаҳонгирхўжа қўзғолонида фаол иштирок этган ва махфий маълумотларни хонликка етказиб турган қўқонлик савдогарларни айбдор сифатида таъқибга олган ва уларнинг мол-мулкани мушодара қилиб, ўзларини Қўқонга қувиб солган¹⁵⁶. Хитой ҳукумати Қўқон савдогарларини Шарқий Туркистонга кириб келиб савдо қилишини тақиқлаган ва чегара пикетларида аскарларни қўпайтирган. Қўқон хонлигига чой, ипак, кумуш ёмби, нефрит, чинни идишлар каби хитой молларини олиб ўтиш тақиқланган. Муҳаммад Алихон хонлик аҳолисининг чойга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун уни Россия орқали Хитойдан олиб келишни қўлаб, Россия императоридан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Шу билан бирга, бу элчилар императордан манжурлар ҳукуматига қарши уруш олиб бориш учун бир неча тўплар ва ҳарбий маслаҳатчилар юборишини ҳам сўраган¹⁵⁹. Аммо бу элчилик натижасиз тутаган. Қалтис вазиятда қолган Муҳаммад Алихон 1830 йилда Жаҳонгирхўжанинг акаси Муҳаммад Юсуфхўжани Бухородан олдириб келиб, 40 минг тошкентлик, қўқонлик, қашқар муҳожирларидан иборат қўшин билан Шарқий Туркистонга юборган. Айни вақтда, манжурлар ҳукумати молиявий қийинчиликлар туфайли очикдан-очик Қўқон хонлигига қарши уруш ҳаракатларини олиб боришга қодир эмас эди. Манжурлар ҳукумати бу қўзғолон туфайли катта зарар кўрган¹⁵⁷. Оқибатда, манжурлар ҳукумати Муҳаммад Алихон юборган элчилар билан музокара олиб боришга мажбур бўлган ва икки давлат ўртасида шартнома имзоланган. Манжурлар ҳукумати Шарқий Туркистонда осойишталикни таъминлаш мақсадида бу битимга рози бўлган. Ушбу битимда қуйидаги масалалар қайд этилган эди:

– Шарқий Туркистоннинг олти шаҳарига, яъни Оқсув, Учтурфон, Қашқар, Янги Ҳисор, Ёркенд, Хўтанга мол олиб келган барча чет эллик савдогарлардан бож олиш ҳуқуқини Қўқон томонига топшириш;

– Шарқий Туркистондан Қўқон савдогарлари ва фуқаролари чиқариб юборилганда, уларнинг тортиб олинган мол-мулклари эвазига Қўқон хонига товон тўлаш;

– ушбу божни йиғиб олиш Қўқон хони томонидан тайинланган оқсоқол зиммасига юклатилган. Унинг расмий идораси Қашқар ҳисобланган;

– Шарқий Туркистонга келган барча чет эллик савдогарларнинг идоравий-назорат ишлари юқорида келтирилган Қўқон оқсоқоли идораси билан бирга бажарилиши лозим;

– Қўқон томони ўз ҳудудидаги Шарқий Туркистон хўжаларини Қашқарга ўтиб кетмаслиги кафолатини олган¹⁵⁸.

Бу битимга мувофиқ, Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон чегарала-



ри қайта очилган, ўзаро савдо алоқалари тикланган, тортиб олинган мол-мулклар эгаларига қайтарилган. Жумладан, манжурлар ҳукумати томонидан тортиб олинган Қўқон савдогарларининг зарари учун Қўқонга 10 минг кумуш лян тўланган¹⁵⁹. Натижада, хонлик иқтисодиёти тикланиб, давлат хазинасига катта тушум туша бошлаган¹⁶⁰.

Кўриниб турибдики, Қўқон ҳукмдорлари сиёсий вазият, иқтисодий жараёнлардан келиб чиқиб, Хитой империяси билан Шарқий Туркистон масаласида тўқнашган ва кўп ҳолларда масалани ўз фойдасига ҳал қилишга ҳаракат қилган. Бироқ бу музокараларда Қўқон хонларини жипслаштирадиган бир ҳолат мавжуд бўлиб, бу икки ҳудуд ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларни бир маромда ушлаб туриш истаги эди. Шарқий Туркистонга кириб келган ҳар бир Қўқон савдогарига хитой ноибни ёки маҳаллий шаҳар ҳокимлари рухсатнома ёзиб берган ва улар Шарқий Туркистон ҳамда Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Сучжой ва Ганьжоу (Камжу) вилоятларигача бориш ҳуқуқига эга бўлган.

Хитой моллари Қўқон – Хитой битимларига мувофиқ фақат қўқонлик савдогарларга сотилган. Улар эса Хитойнинг Ғарбдаги давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларда транслятор вазифасини бажарганлар. Қўқон савдогарлари томонидан Хитой, хусусан, Шарқий Туркистон молларини Ўрта Осиёга, жумладан, Қўқон хонлигига кўплаб келтириши оқибатида хонлик иқтисодиётининг муайян ривожига ва хонлик аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида баъзи ўзгаришларга олиб келган.

Шарқий туркистонликларнинг Қўқон хонлиги ҳудудларига кўчиб келиши хонлик иқтисодиётига, хусусан, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ижобий таъсир қилган. Улар томонидан бўш ётган ерларнинг ўзлаштирилиши кўчманчи чорвадор қирғизларнинг ўтроқлашув жараёнини тезлаштирган. Хонлик ирригация тизимидаги Андижонсой, Янгиариқ, Хўтанариқ, Улуғнахр, Чинобод каби ариқларнинг қазииш ишларида ҳам шарқий туркистонликлар фаол қатнашганлар.

Икки ҳудуд аҳолиси ўртасидаги ўзаро маданий-маънавий алмашинув ҳам бир-бирларининг маданиятини бойитишга хизмат қилган. Хусусан, Қўқон хонлиги меъморчилигида, «қашқарча мўри-ўчоқ», «қашқарча равон ёки айвон», заргарлик санъатида, «қашқарча балдоқ», «қашқарча зирак» Риштон кулолчилигида «чинни», қандакорлигида «қашқарча қумғон» каби янги маҳсулотларни яратишнинг услублари ўзлаштирилган.

Ўзбек шашмақомлари таркибига «Мушвирак», «қашқарча роҳ» каби уйғур мақом куйларининг киритилиши икки халқнинг мусиқа соҳасида яқиндан алоқада бўлганлигини кўрсатади. Ўзаро маданий таъсир ўзбек ва уйғур халқларининг анъаналарини умумлаштириб ривожлантирган, бойитган.

Шарқий туркистонлик файласуф Муҳаммад Сиддиқ Рушдий,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

адиблардан Хислат Қашқарий, Хушҳол Ғарибийлар Қўқон хонлигига келиб ижод қилган бўлса, қўқонлик Имом Али Қундузий, Зариф, Акмал Тошкандий, Ғиёсиддин Умар Марғилоний, Писандий, Тоиб, табиблардан Ҳасанхўжа Шарқий Туркистонга бориб ўз ижодий фаолиятларини давом эттирганлар. Бу алоқалар икки ўлкада ўзига хос адабий муҳитнинг шаклланишига олиб келган. Жумладан, Қўқон адабий муҳити ижодкорлари орасида Ёркенд хони Хўжа Охунн Арший бошчилигидаги Ёркенд адабий муҳити ижодкорлари Шайх Залилий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, Муҳаммад Содик Қашқарий, Назорийнинг ижоди юқори қадрланган.

4.8. Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги савдо-дипломатик алоқалар

Ўрта Осиё хонликларининг Россия давлати билан савдо-дипломатик алоқалари XVI асрнинг 50-йилларидаёқ йўлга қўйилган эди. Россия бу даврда Рус давлати ёки подшолиги деб аталган. Унинг қўшни Астрахан хонлигини ўз тасарруфига киритиши Бухоро ва Хива хонликлари билан алоқаларининг кенгайишига сабаб бўлган эди. 1558 йилнинг кузида Бухоро ва Самарқанддан Азим Азиз ва Шайх исмли элчилар Москвага келганлар. Улар савдо ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш юзасидан рус подшоси билан суҳбатлашганлар. 1561 йилда тошкентлик элчи Москвада бўлган.

Хива хонлигидан 1558, 1560 ва 1566 йилларда 4 мартаба элчилар Астраханга, сўнг Москвага борганлар. 1590 йилда Алим Баҳодир, 1598 йилда Муҳаммадхўжа, 1613 йилда Дарвиш Бобо ва 1614 йилда Дўст Аваз Шукур сингари Хива элчилари Астрахан ва Москвада бўлиб қайтишган.

Кенг миқёсли ташқи алоқаларни йўлга қўйган Бухоро хукмдори Абдуллахон II даврида Рус давлати билан савдо-дипломатик муносабатлар анча яхши йўлга қўйилган. Айниқса, 1685 йилнинг ноябрида Рус подшоси ҳузурига юборилган Муҳаммад Али бошчилигидаги 18 кишидан иборат элчилик икки ўртадаги савдони ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутган. Астраханга етиб борган бу элчилик катта тантана билан кутиб олиниб, 50 нафар ҳарбийлар кузатувида Москвага етказилган. Катта миқдордаги хазина молларини олиб борган элчи молларини Астрахан, Қозон ва Москва шаҳарларида сотиб, эвазига рус молларини Бухорога олиб қайтган эди. 1689 йилда Астраханга яна бир бор ташриф буюрган Муҳаммад Али бошчилигидаги Бухоро элчилари шаҳар ёнида – денгиз бўйида савдогарларга нисбатан адолатсизлик ва зўравонлик қилинаётганлигини, яъни кема ҳайдовчилари ва бошқа маҳаллий кишилар савдогарларни ўз молларини арзон нархларда беришга мажбур қилиб, тортиб олаётганликларини хабар қилган. Подшо



Фёдор Иванович элчиларнинг шикоятини инобатга олиб, тегишли чора кўрган, хусусан, «хазина моллари»дан бож олмаслик ҳақида фармон чиқарган¹⁶¹.

1613 йилда Имомқулихон номидан Михаил Фёдорович номига ёрлик келтирган Бухоро элчилиги 300 кишидан иборат эди. Бу эса, уларнинг катта миқдордаги «хазина моллари»ни олиб келганлигидан далолат беради.

1635 йилда юборилган Имомқулихоннинг чопари Бехбуд Россия шаҳарларида 3788 сўмлик молларни сотиб қайтган.

Каспий-Волгайўли орқали савдони кучайтириш заруратини яхши тушунган Хива хони Араб Муҳаммад (1602–1621) ҳам Рус давлати билан алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. У 1616 йилда Юсуп Ҳожини элчи сифатида Рус подшоси хузурига юборган. Элчи рус ҳукуматининг вакиллари билан ҳар икки томонни қизиқтирадиган масалалар устида музокаралар олиб борган. Хусусан, элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш, Ёйиқ дарёси бўйида савдогарларнинг таланаётганлиги, Хива хонлигининг Эрон билан муносабатлари ҳақида фикр алмашилган. Музокараларда Юсуп Ҳожи Россиянинг чекка ўлкаларидаги, жумладан, Самарадаги маҳаллий ҳокимиятнинг собиқ бошлиғи воевода Михаил Белосельскийнинг савдогарларга нисбатан қилган зўравонликлари ва нотўғри хатти-ҳаракатларига рус ҳукуматининг диққатини жалб қилган.

Ўрта Осиё элчилари рус подшоси ва амалдорларига салмоқли ҳадялар ҳам олиб боришар эди. Хусусан, Балх ҳокими Надр Муҳаммадхоннинг элчиси Иброҳимхўжа Астрахан шаҳрига келгач, подшоҳ Михаил Фёдоровичга 4 та зотдор от, 41 та катта-кичик ва қизил рангли ёқут, 9 та катта-кичик сариқ рангли ёқут, 27 та катта-кичик қизғиш ёқут, 9 та лаъл, 2 та рангдор ипак гилам, 27 та энли дока, 9 тўп шойи ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни совға сифатида олиб борган. Лекин йўлда қароқчилар томонидан таланган элчи ортига қайтиб кетишга мажбур бўлган ва 1642 йилда Надр Муҳаммадхоннинг ёрлиғи ва совғалари билан Астраханга ташриф буюрган. Элчи келтирган совғалар ичида бири олтин ва иккинчиси қумуш билан зийнатланган 2 та қилич, 81 та ёқут, 3 та қўнғир рангли жавоҳир, 9 та сариқ ёқут, 9 тўп рангли духоба, 18 тўп дока, 18 тўп гулли мато, 18 тўп шойи, 2 та рангли гилам, 2 та зотдор от, 9 та қоқлон, 3 тўп ҳинд шойиси, 17 жамлама ўқ-ёйлар ва бошқа ноёб совғалар бўлиб, уларнинг барчаси етказилиб рус подшосига тақдим этилган¹⁶². Элчи ва унинг ҳамроҳлари маҳаллий ҳокимлар томонидан озик-овқат ва нақд пул билан таъминлаб турилган¹⁶³.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш жоизки, Балх вилояти Бухоро хонлигида валиаҳд, яъни тахт ворисининг мулки бўлиб, рус подшосига тез-тез ўз элчилари ва савдогарларини юбориб туришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, ўзининг мавқеини кучайтириб кўрсатиш мақсадида ҳукмдорнинг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ёрлиғида Балх вилоятига кирувчи ҳудудлар санаб ўтилган. Хусусан, Субҳонқулихон Балх ҳокими бўлгач, 1678 йилда Али Мурод чехра оғасини 30 киши ҳамроҳлигида элчи қилиб Рус давлатига юборар экан, у орқали берилган ёрлиқда Балх кўкларга кўтарилиб, «жаҳондаги барча шаҳарларнинг онаси» сифатида мақталган ва Балх вилояти таркибига кирувчи ерлар сифатида Шибирғон, Сарикўл, Андхўй, Маймана, Чечакту, Гаржистон, Варзоб, Ҳайдаробод, Гурий, Хост, Кўлоб, Термиз ва бошқа жойлар кўрсатиб ўтилган.

Россия императори Пётр I даврида Ўрта Осиё билан савдо-дипломатик алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Лекин, 1717 йилда Александр Бекович-Черкасский экспедициясининг Хива хонлигида ҳалок этилиши икки ўртадаги муносабатларга путур етказган. Рус подшоси Бухоро хонлиги билан муносабатларини узмаган бўлса-да, икки ўртадаги савдо алоқалари анча пасайган эди.

1727 йилда Пётр I вафотидан сўнг император Пётр II Хива ва Бухоро хонликлари билан савдо алоқаларини тиклаш ҳақида фармон берган эди.

1757 йилда императрица Екатерина хузурида бўлган Бухоро элчиси Эрназар Мақсудовнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга эди. У императрица саройига 6 300 сўмлик 70 пуд қимматбаҳо тошлар, 1367 сўмлик ҳинд газламаси, 9 пуд ва 108 сўмлик дарман гиёҳи, жами 7775 сўмлик молларни олиб борган. Эрназар Мақсудов элчилиги 52 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибида турли хизматчилар, жумладан, тикувчи, ошпаз, новвой, от боқувчи билан бирга, ҳатто қарнайчи ва созандалар (9 киши) бор эди. 1804 йилда Санкт-Петербург ва Астраҳанда бўлган Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар элчиси Мулла мир Алоуддин элчилиги таркибида ҳам шу тарзда турли хизматчилар бўлган.

1795 йилда Россия империясига юборилган Бухоро элчиси Эшмуҳаммад Бойкишиев бошчилигидаги элчилик икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Элчи амир Шоҳмуроднинг ҳар икки давлатда савдогарлардан баробар миқдорда бож олиш таклифини етказган. Музокара жараёнида Бухоро элчиси савдогарларнинг молларидан 40 дан бир бўлак ҳажмида бож олишни жорий этиш савдони ривожлантиришда муҳим эканлигини уқтириб ўтган¹⁶⁴. Мазкур элчи граф И.А. Остерманга ёзган хатида акаси Ражаб Бойкишиевни феруза, лаъл ва бошқа қимматбаҳо тошларни император саройи эҳтиёжи учун келтиришни буюриб, Бухорога жўнатганлигини маълум қилган. Ражаб Бойкишиевнинг рус ҳукуматига ёзган мактубида келтирилишича, у 1796 йилнинг 20 августидан 200 туяга ортилган моллар билан Оренбургга келган. У ердан эса, 500 туялик қарвон Бухорога кетган. Кўриниб турибдики, ўртадаги элчилик келишувлари орқали Ўрта Осиё-Россия савдо алоқалари анча жонланган.

Эшмуҳаммад Бойкишиев элчилигининг хизматларидан яна бири, бу



катта ҳажмдаги карвонлар сафида Оренбургга келувчи от ва туяларнинг таъминоти масаласида Ўрта Осиё савдогарларига енгиллик яратилиши эди. Хусусан, у юзлаб, ҳатто минглаб туя ва отларни боқиш савдогарларга катта қийинчилик туғдираётганлиги боис рус ҳукуматидан ёрдам сўраб мурожаат этган. Бунга жавобан шахсан император Александр I Оренбург губернатори Бехметов номига фармон юбориб, шундай эълон қилган: «Бизга хат билан мурожаат этган элчи Бойкишиев Бухородан карвон билан келган туя ва отларни боқиш учун жой ажратилишини сўраган. Буни инобатга олган ҳолда, Бухородан келадиган туя ва отлар учун Урал дарёсининг қирғоқларидаги яйловларга қўйилишига рухсат берилсин»¹⁶⁵.

Мавжуд маълумотларни умумлаштирган ҳолда кўрсатиш мумкинки, сўнгги ўрта асрларда Россияга 47 та Бухоро элчилиги ва 50 та Хива элчилиги юборилган бўлса, Россиядан Ўрта Осиё хонликларига 17 та элчилик келган.

Бу элчиликлар томонидан муҳокама қилинган масалаларнинг мазмунига кўра, қуйидаги йўналишларни кузатиш мумкин.

Ўзаро савдо-тижорат муносабатларининг асосини ташкил этган масалалар:

- ўзаро «божсиз савдо»ни йўлга қўйиш, жумладан, «хазина моллари»дан бож олмаслик;
- қимматбаҳо тошлар, рангли ва қимматли металллар билан эркин савдо қилиш;
- амалдорлар томонидан тортиб олинган ёки қароқчилар томонидан ўғирланган молларни савдогар ва элчиларга қайтариш ҳамда насиёга олинган молларнинг пулини тўлатишда давлатларнинг аралашуви (хукмдорга ёзилган расмий шикоятномалар ва йўқотилган молларнинг рўйхати);
- ўрта Осиё элчиларининг Россия империясида асирларни сотиб олиш юзасидан сўровномалари (швед, немис, черкас асирлари);
- Россия ва Ўрта Осиё хонликлари орасидаги ҳудудлардаги қароқчиликни тугатиш, ўзаро савдони ривожлантириш.

XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Бухоро амирлиги элчилари Россия империясига тез-тез юборилган ва улар икки ўртадаги савдо алоқаларини кенгайтириш, савдогарларга тўсиқсиз ички ҳудудларда ҳам савдо қилиш, уларга турли имтиёзлар бериш, йўлларда таланган молларни эгаларига қайтариш, божхонадаги тартибсизликларни бартараф этиш сингари ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинган.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Хива хонлигидан юборилган элчиликлар ҳам Россия империяси билан савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган эди. Натижада, Хива хонларининг юборган ёрликларига жавобан рус ҳукумати томонидан махсус фармон қабул қилинган. Унда нафақат Хива, балки Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарлар



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

билан ҳам савдонинг самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Бу даврда рус ҳукумати Ўрта Осиё хонликларига қул қилиб сотилган рус асирларини озод қилиш борасидаги талабларини кучайтирган эди.

1826 йилда Оренбургга ташриф буюрган Хива элчиси Вайис Бердиниёзовнинг император ҳузурига рухсат берилиши учун унинг олдида бир қатор талабларни қўйган. Хусусан, Хива хонидан 1824 йилда хонликка қарашли ерда таланган 548 600 рубллик рус молларини қоплаш, хонликдаги барча рус асирларини озод қилиш ва кўчманчилар томонидан қарвонларнинг таланишига чек қўйиш сингари масалалар талаб этилган. Бу чора бир неча йилдан сўнг ўз самарасини берган эди. 1841 йилда Эшбой Бобоев бошчилигидаги Хива элчилиги Оренбургга катта қарвон билан ташриф буюрар экан, 416 нафар озод этилган рус асирларини ҳам олиб келган.

Бу даврларда Ўрта Осиё хонликларига ташриф буюрган рус элчилари ҳам икки ҳудуд ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш манфаатларини ифода этган. Афсуски, Россия империясининг кучайиб борган иқтисодий манфаатлари унинг Ўрта Осиёга нисбатан ҳарбий ҳаракатларни бошлашига олиб келган.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Abu'l-Ghazi Bahadur Khan. Histoire des Mongols et des Tatares par Aboul-Ghazi Bahadour Khan / 2 vols., ed. and trans. Petr I. Desmaisons, Turk-oriental (Chaghatay) text with French transl., reprint of St. Petersburg Edition from 1871–1874.* – Amsterdam, 1970. – 386 p.; Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк / Масъул муҳаррир Б. Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Тошкент: «Ўзлпон», 1992. – 189-б.

2. *Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Reza Mirab Agahi. Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm / English translation from Chaghatay and ed. by Yuri Bregel.* – Leiden: «Brill», 1999. – 718 p.; *Мунис ва Огаҳий.* Фирдавс ул-иқбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2010. – 517-б.

3. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* «Риёз уд-давла»дан / Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар: V жилд. Нашрга тайёрловчи Ф.Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1978. – Б. 17–170.

4. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* Зубдат ут-таворих (Тарихлар сараси) / Нашрга тайёрловчи Н. Жабборов. – Тошкент: «O'zbekiston», 2009. – 240 б.; *Муҳаммад Риза Мираб Агахи.* Зубдат ал-таварих. Научно-критический текст / Составитель Х. Назирова. – Ташкент. – Самарканд, 2016. – 304 с.

5. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* «Жоме ал-воқеоти султоний»дан / Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилд. Нашрга тайёрловчи Ф. Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1980. – 208 б.; *Jami' al-vaqi'-at-I sultani / Edited in the original Central Asian turki with an Introduction and Notes by N. Tashev.* – Samarkand–Tashkent, 2012. – 269 p.

6. *Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли.* Гулшани давлат (Хива



хонлиги 1856–1864 йилларда) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2012. – 246-б.

7. *Муҳаммад Ризо Эрнийзбек ўгли Огаҳий*. Шоҳид ул-иқбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. – Тошкент: «Муҳаррир», 2009. – 335 б.

8. *Сайид Ҳомид Тўра Комёб*. Таворих ул-ҳавонин / Нашрга тайёрловчилар Норқулов К., Жўраев Ж., Тоғаев Т., Жўраев Ж. – Тошкент: «Академия», 2002. – 116-б.

9. *Муҳаммад Юсуф Баёний*. Шажараи Хоразмшоҳий / Тарихий эссе. «Мерос туркуми». Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ. – Тошкент: «Камалак», 1991. – 175–265-б.

10. *Сафаров Б.* Хоразм хонликларидаги урфу одатлар / ЎзР ФА ШИ, инв. № 11117. – 16 варак.

11. *Камал ад-Дин Али Бинаи*. Шайбани-наме // Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII вв. (Извлечения из персидских и тюркских соч.). Сост.: С.К. Ибрагимов, Н.Н. Мингулов, К.А. Пищулина, В.П. Юдин. – Алмата, 1969.

12. *Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий*. Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий) / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. Масъул муҳаррир Я. Ғуломов. – Тошкент: «Фан», 1969. II жилд. – 393 б.

13. *Мир Муҳаммад Амин-и Бухари*. Убайдулла-наме / Перевод с таджикского с примечаниями А.А. Семенова. – Ташкент, 1957. – 326 с.

14. *Мирза Абдалазим Сами*. Тарих-и салатин-и мангитийа (история мангитских государей) / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. – М., 1962.

15. *Муҳаммад Юсуф Муниш*. Муқим-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие и указатели А.А. Семенова. – Ташкент, 1956. – 303 с.

16. *Абдурахман-и Тали*. История Абулфейз-хана / Перевод с таджикского А.А. Семенова. Отв. ред. Р.Н. Набиев. – Ташкент, 1959. – 175 с.

17. *Ходжа Самандар Термези*. Дастур ал-мудук (назидание государям) / Перевод с персидского М.А. Салахетдиновой. Отв. ред. Н.Д. Миклухо-Маклай. – М: Наука, 1971. – 394 с.

18. *Муҳаммадёр ибн Араб Қатаган*. Мусаххар ал-билод (мамлакатларнинг эгалланиши) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2009. – 429-б.

19. *Муҳаммад Ҳакимхон тўра*. Мунтахаб ут-таворих / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2010. – 720-б.

20. *Худоёрхонзода*. Анжум ат-таворих (тарихлар юлдузлари) / Форс-тожик тилидан таржимон Ш. Воҳидов. Масъул муҳаррир. Ҳ. Бобобеков. – Тошкент, 2010. – 220-б.

21. *Мирзо Олим Махдум ҳожи*. Тарихи Туркистон / Араб тилидан таъдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова. – Тошкент, 2008. – 241-б.

22. *Оламорийи Сафавий* / Нашрга тайёрловчи Ёдуллоҳ Шукрий. Иккинчи нашр. – Техрон, 1363. – 688 с.

23. *Ҳуришоҳ ибн Кубод ал-Ҳусайний*. Тарихи элчийи Низомшоҳ / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ризо Носирӣ. – Техрон, 1379. – 437-б.

24. *Искандарбек туркман (мунишӣ)*. Тарихи оламорийи Аббосий. – Техрон, 1350. 1-жилд. – 607 с.; 2-жилд. – 728-б.

25. *Маҳмуд ибн Ҳидояталлоҳ Натанзий*. Нақоват ал-осор фи зикр ал-ахёр. – Техрон, 1994. – 649-б.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

26. *Муҳаммад Маъсум ибн Хожаги Исфажоний*. Хулосат ас-сийар. Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий. Ганжинаи Ирон ва ирониён / Нашрга тайёрловчи Ироҷ Афшор. – Техрон, 1368. – 384-б.

27. *Муҳаммад Козим*. Торихи оламорои Нодирий / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Амин Риёҳи. – Техрон: Илм. 1369. 2-жилд. – 881-б.; *Муҳаммад-Казим*. Наме-йи аламара-йи Надири (Мироукрашающая надирова книга) / Факсимиле, изд. текста и предисл. Н.Д. Миклухо-Маклай. – Москва: Восточная литература, 1960. Т. I. – 717 с.; 1965. Т. II. – 697 с.; 1966. Т. III. – 540 с.; *Муҳаммад-Казим*. Поход Надир-шаха в Индию (извлечение из Тарихи аламараи Надири) / Перевод, предисл. и прим. П.И. Петрова. – М.: Восточная литература, 1961. – 206 с.

28. Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. // Журнал министерства народного просвещения, 1891, январь. – С. 48–72; Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. – Спб. – 1851. Кн. V. – С. 62–153; Корженевский Н.Д. Посольство Михаила Тихонова в Персию и путь его через Хиву и Кара-Кумы в Хоросан (1613–1615) // Известия АН УзССР. 1951. № 6. – С. 69–72; Посольство В.А. Даудова и Мухаммеда-Юсуфа Касимова в Хиву и Бухару (1675–1676) / История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в. Отв. ред. Б.А. Ахмедов. Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: Фан, 1988. – С. 72–75; Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718–1725 гг. / Посланник Петра I на Востоке в 1718–1725 гг. – М.: Восточная литература, 1986. – 159 с.; Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740–1741 годах поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным / Издана Я.В. Ханьковым – Спб., 1851. – 85 с.; Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг., гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М., 1822. Часть I. – 179 с. Часть II. – 144 с.; Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году (по рассказам и запискам очевидца) // Исторический вестник, № 11, 1894; *Муҳаммад Алихон Фафур*. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммадшоҳ Қожор ва Оллоқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1842 йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009. – 13–52-б.; *Ризоқулихон Ҳидоят*. Сафоратномаи Хоразм (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1851 йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009. – 53–231-б.; *Исмоил Мирпанжий*. Асирликдаги хотиралар (Эрон генерали Исмоил Мирпанжийнинг Хуросон, Марв ва Хивада бошидан кечирган воқеалар баёни) / Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. – Урганч-Хоразм, 1997. – 62-б.; Хотероти Асерот. Рузномаи сафари Хоразм ва Хива. Сарҳанг Исмоил Мирпанжэ / Сафоиддин Табарриён. – Техрон, 1375. – 177 с.; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – 193 с.

29. Мактубот ёки «иншо» тўпламлари ва улар таркибидаги дипломатик ёзишмалар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уларни ўрганиш жараёнида учрайдиган муаммолар ҳақида янги тадқиқотлар сифатида қаранг: Sultonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis



(in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asia: A Maturing Field / Editors: A. Morrison and S. Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P. 205–217; *Ғуломов С.* «Иншо» мажмуалари маълумотининг аутентлиги хусусида (Амир Темур номи билан боғлиқ хатлар мисолида) // Марказий Осиё тарихи замонавий медиаистика талқинида (профессор Розия Мукминова хотирасига бағишланган монография). – Тошкент, 2013. – 257–269-б.

30. Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир ҳужжатлар). – Техрон, 1372. – 504-б.; Казахско-русские отношения в XVI –XIII вв. Сборник документов и материалов. – Алма-Ата, 1961. Т. I. – 741 с.; Казахско-русские отношения в XIX в. Сборник документов и материалов. – Алма-Ата, 1964. Т. II. – 573 с.; Сношение России с Хивой (XVI–XVII вв.) / Российский государственный архив древних актов (РГАДА). Ф. 134, оп., 1-3; Сношение России с Хивой / Архив внешней политики Российской империи (АВПРИ). Ф. 125, оп. 1-2; Фонд востоковедов: Ф.П. Аделунга, В.А. Жуковского, В. Григорьева, М.С. Андреева, М. Березовского, А. Давлетшина / Архив востоковедов Института восточных рукописей РАН (Спб.); Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари / Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. И-125 фонд, 2-рўйхат; Эрон шоҳининг Оллоқулихонга мактуби / Хива «Ичон қалъа» қўриқхона-музеи архиви. ГХМЗ КП 3283.

31. *Хожа Самандар Термизий.* Дастур ул-мудук. – 80-б.

32. *Огаҳий Мухаммад Ризо.* «Риёз уд-давла»дан... – 34-б.

33. *Мухаммад Ризо Эрнийэзбек ўғли Огаҳий.* Шоҳид ул-иқбол... – 204-б.

34. *Огаҳий Мухаммад Ризо Эрнийэзбек ўғли.* Гулшани давлат... – 207-б.

35. *Вамбери А.* Путешествие по Средней Азии... – С. 58.

36. *Мухаммад Юнусжон шиговул.* Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 12136. 16-варақ.

37. Архив внешней политики Российской империи. Ф. 124. Сношение России с Бухарой. д. 3, л. 20 / Зиёев Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I Жилд. – Тошкент, 2014. – 125-б.

38. *Огаҳий Мухаммад Ризо Эрнийэзбек ўғли.* Гулшани давлат... – 130-б.

39. *Зиёев Х.* Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. – Тошкент, 2014. – Б. 127.

40. *Низомулмулк.* Сиёсатнома ёки сияк ул-мулк. (Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, А.Эркинов) – Тошкент: Адолат. 1997. 100-б.

41. *Низомулмулк.* Сиёсатнома 100-б.

42. *Назаров Ф.* Записки о некоторых народах и землях средней части Азии... – С. 38.

43. *Зиёев Х.* Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми –



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

XIX аср). I Жилд. – Тошкент, 2014. – 148-б.

44. Архив внешней политики Российской империи. Ф. 124. Сношение России с Бухарой. д. 4, л. 21 / *Зиёев Х.* Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. – Тошкент, 2014. – 122–123-б.

45. *Залесов Н.Г.* Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С. 44.

46. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С. 138.

47. *Залесов Н.Г.* Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С. 52.

48. *Назаров Ф.* Записки о некоторых народах и землях средней части Азии ... – С.39.

49. *Ризоқулихон Ҳидоят.* Сафоратномаи Хоразм ... – Б. 151.

50. *Муҳаммад Ризо Эрнийзбек ўгли Огаҳий.* Шоҳид ул-иқбол ... – Б. 204.

51. История Центральной Азии в Османских документах. Том I. Политические и дипломатические отношения. – Самарканд, 2011. – С. 55.

52. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С. 129.

53. *Исмоил Мирпанжий.* Асирликдаги хотиралар ... – 34–35-б.

54. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* «Риёз уд-давла»дан ... – 131-б.

55. *Мунис ва Огаҳий.* Фирдавс ул-иқбол ... – 95-б.

56. *Низомулмулк.* Сиёсатнома. – 100-б.

57. *аслаҳахона* – қуроллар сақланадиган омборхона

58. *Вамбери А.* Путешествие по Средней Азии ... – С. 60.

59. *Муҳаммад Алихон Фафур.* Хоразм сафари кундалиги ... – 21-б.

60. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С. 127–128.

61. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР ... – С. 99, 244.

62. *Маҳмудов Ш.* Қуръони карим – элларни боғлаб турувчи мустақкам қудратли восита // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2010. № 2. 85–87-бетлар.; Ўша муаллиф. Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларида ҳадяларнинг тугган ўрни // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. 2011. № 1. 4–6-бетлар.

63. *фунт* – 409,5 г. га тенг бўлган эски рус оғирлик ўлчов бирлиги.

64. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С. 127–128.

65. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* «Риёз уд-давла»дан ... – 168–169-б.

66. *Зиёев Х.* Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I Жилд. – Тошкент, 2014. – 131–133-б.

67. *Зиёев Х.* Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. – Тошкент, 2014. – 138-б.

68. Жаноб Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий шеърларидан бир нечтасини ёддан айтдим. Улардан нусха кўчиртириб, атрофга олиб кетдилар. – 142-б.

69. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... Ч. I. – С. 52–53.

70. *Почекаев Р.Ю.* Губернаторы и ханы ... – С. 207.



71. Абулғозий. Шажарайи турк ... – Б. 149-150.
72. *Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий*. Абдуллонома ... – 185–186-б.
73. Абулғозий. Шажарайи турк ... – 188-б.
74. Копия с грамоты Царя Алексея Михайловича к Юргенскому Царю Анавша Мамет Багадыря, отправленной с Российскими посланниками Васильем Даудовым и Мамет Исупом Касымовым / РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 31.
75. Перевод с другой грамоты к Государю от Юргенского хана (Анавша Мамет Багадыря) / РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 39.
76. *Худоёрхонзода*. Анжум ат-таворих ... – 79-б.
77. *Мунис ва Огаҳий*. Фирдавс ул-иқбол ... – 363-б.
78. *оломон* – ўлжа ва асирларни қўлга тушириш мақсадида уюштирилган диган ҳужум, қаранг: Маннонов Б. Отношения Ирана со среднеазиатскими ханствами ... – С. 56–71.
79. *Худоёрхонзода*. Анжум ут-таворих ... – 204-б.
80. Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях. 30 апреля 1853 г. // Материалы, относящиеся к Хиве и Коканду / Архив Востоковедов института восточных рукописей РАН (Санкт-Петербург). Фонд В.В. Григорьева: ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57–58.
81. *Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўгли Огаҳий*. Шоҳид ул-иқбол ... – 48, 52-б.
82. Қўқон хони Султон Саййидхоннинг Хива хониға мактуби (1281/1864) / ЎзМДА, ф. И-125, 2-р., 240-й.ж.
83. Бухоро амирининг тўнғич ўғли Саййид Абдулмалик (катта тўра)нинг Хива хониға ўз отаси амир Музаффарға қарши исён кўтаришининг сабаблари ва кўмак сўраш борасидаги мактуби / ЎзМДА, ф. И-125, 2-р., 229-й.ж., 1-варақ.
84. *Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўгли Огаҳий*. Шоҳид ул-иқбол ... – 221-б.
85. Абулғозий. Шажарайи турк ... – 121-б.
86. Абулғозий. Шажарайи турк ... – 123-б.
87. Рус манбаларида қозоқлар, асосан, қирғиз қайсоқлар деб келтирилган.
88. *Низамутдинов И.Г.* Очерки истории культурных связей Средней Азии и Индии (XVI – XX вв.). – Т., 1981. – С. 27.
89. *Искандарбек туркман*. Тарихи оламорои Аббосий ... 1-жилд. – 36-б.; Али Акбар Виляти. Тарих-и равобат-и хорижи-йи Ирон дар аҳди шоҳ Исмоил Сафавий ... – 29-б.
90. Хива хонлиги асосчиси Хива Шайбонийларидан бўлган Элбарсхоннинг амакиваччаси. Дурун, Нисо, Обиварда ҳукмронлик қилган.
91. *Искандарбек туркман*. Тарихи оламорои Аббосий. ... 1-жилд. – С. 104-105; Извлечения из «Тарих-и алям-ара-и Аббаси» Искандера Мунши. Перевод под ред. А.А. Ромаскевича // МИИТ ... – С. 65-66.
92. *Искандарбек мунший*. Тарихи оламорои Аббосий ... 1-жилд. – 443–444-б.
93. *Ғаффори Фард*. Равобат-и Сафавия ва Узбагон ... – 199-б.
94. *Маҳмуд ибн Ҳидоятлоҳ Натанзий*. Нақоват ал-осор ... – 32-б.
95. *Искандарбек мунший*. Тарихи оламорои Аббосий ... 1-жилд. – 443–444-б.
96. *Искандарбек туркман*. Тарих-и оламоро-йи Аббосий ... 1-жилд. – С. 467.
97. *Искандарбек туркман*. Тарих-и оламоро-йи Аббосий ... 1-жилд. – С. 473; Бушев Г.П. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1586–1612 гг. ... – С. 257.

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

98. Миклухо-Маклай Н.Д. Балхский поход шаха Аббаса I // Страны и народы Востока. – М., 1980. – С. 148.
99. Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию ... – С. 70.
100. Распросные речи хивинского посла Рахимкули в Посольском приказе на разговоре с думными дьяками Иваном Грамотиным и Саввой Романчуковым // МИУТТ ... – С. 299.
101. Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al-iqbal ... – P. 135. Чулошникова А. Торговля Московского государства со Средней Азией в XVI – XVII вв. // МИУТ ... – С. 302. Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в.) // Журнал министерства народного просвещения. – Спб., январь 1891. – С. 61, 65. *Искандарбек туркман*. Тарихи оламорои Аббосий ... 2-жилд. – 977-б.
102. Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа ... – С. 59.
103. Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al-iqbal. ... – P. 147; Хивинские источники по истории туркмен XVI–XVIII вв. ... – С. 330–331. (Асар муаллифи Жиянбийни ўз аждодларидан бири эканлигини қайд этиб ўтан).
104. Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений ... – С. 37.
105. *Муҳаммад Козим*. Тарихи оламорои Нодирий ... 2-жилд. – 817-б.
106. Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al-iqbal. ... – P. 168; Извлечения из «История Надир-шаха» мирза Мехди-хана Астрабадского Перевод под ред. А.А. Ромаскевича // МИТТ ... – С. 147–148.
107. *Зийев Х.* Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I Жилд. – Тошкент, 2014. – 126-б.
108. *Mu'izzi, Husam.* Tarikh-i rawabit-i siyasi-i Iran ba dunya ... – S. 622.
109. Ўша жойда.
110. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* «Риёз уд-давла»дан ... – 131–133-б.
111. Ўша жойда. – 7-б.
112. *Огаҳий Муҳаммад Ризо.* «Риёз уд-давла»дан ... – 152-б.
113. Эрон шоҳининг Оллоқулихонга мактуби / Хива «Ичон қалъа» кўриқхона-музейи архиви. ГХМЗ КП 3283.
114. *Муҳаммад Алихон Фафур.* Хоразм сафари кундалиги ... – 36-б.
115. *Бекжонов И., Полвонов Н.* Муқаддима / Хоразм сафари кундаликлари ... – 9-б.
116. *Исмоил Мирпанжий.* Асирликдаги хотиралар ... – 36-б.
117. Шоҳ хонадонининг алоҳида ишончига сазовор бўлган Ризоқулихон шахзодалар тарбияси билан шуғулланишга муносиб деб топилган шахс эди. Ризоқулихон аввал валиаҳд Аббос Мирзога, сўнгра валиаҳд Музаффариддин Мирзога «Лолабоши», яъни оталиқ этиб тайинланган.
118. *Маннонов Б.* Лолабошининг Хоразм сафари ... – 73–87-б.
119. *Бекжонов И., Полвонов Н.* Муқаддима / Хоразм сафари кундаликлари ... – 7-б.
120. *Фафори Ф.А.* Равобат-и Сафавия ва узбагон. Пишгўфтор ...
121. *Абулғозий Баҳодирхон.* Шажараи турк ... – 154-б.

122. *Абулғозий Баҳодирхон*. Шажараи турк ... – 158-б.

123. *Мухаммад Юсуф Мунши*. Муқимханская история. 154-б.

124. Эрон элчиси Хивада ёлгон миш-миш тарқалганлигини таъкидлаб, унга кўра, юқорида кўрсатилган киши Эрон ва Усмонли турк давлатлари ўртасида низо чиқиб, 160 минг румлик аскар билан Султон Эронга хужум қилиш арафасида эканлиги тўғрисида хабар берган. Шу ўринда «ёлгон миш-миш» деганда, бир кишининг Туркия тарафларидан келганлиги борасида эмас, балки унинг Эрон давлатининг минтақадаги мавқеига путур етказувчи хабарларига нисбатан фикр билдирилганлигини англаш мумкин. Қаранг: *Ризоқулихон Ҳидоят*. Сафоротномаи Хоразм ... – 129-б.

125. *Osmanli devleti ila Kafkasya, Turkistan ve Kirim hanliklari arasindaki munasebetlere dair arkhiv belgeleri (1687–1908 yillari arasi)*. – Ankara. – S. 124, № 67.

126. *Сейди Али Раис*. Миръотул ал-мамолик / Таржима ва изоҳлар Ш. Зунуновники. – Т., 1963. – 104-б.; *Ризоқулихон Ҳидоят*. Сафоротномаи Хоразм. (Носириддиншоҳ ва Мухаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик тарихидан 1851 йил). – Т., 2009. – 150, 163, 169-б.

127. *Абулғозий Баҳодирхон*. Шажараи турк / Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Т., 1992. – 150–151-б.

128. *Абулғозий Баҳодирхон*. Шажараи турк ... – 151-б.

129. *Сейди Али Раис*. Миръотул ал-мамолик ... – 53–57-б.

130. *Юсуфов К.* Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII века ... С. 11.

131. *Mahmudov Sh.* The Role of Sufis in Diplomatic Relations between the Khoqand Khanate and India // *Sufizm in India and central Asia*. 2017. P. 39–52.

132. *Абдулқодир бин Мулуқшоҳ Бадавий*. Мунтахаб ут-тавориҳ. ЎзРШИ қ. № 25, в. 308.

133. *Кузнецов В.С.* Цинская империя на рубежах Центральной Азии. – Новосибирск, 1983, – С. 53.

134. *Ходжаев А.* Захват цинским Китаем Джунгарии и Восточного Туркестана // *Китай и соседи*. – М., 1982. – С. 169.

135. Эрдона – Қўқон ҳукмдори бўлиб, унинг ҳукмронлик йиллари ҳақида бир тўхтама келинмаган. Тарихчи олимлар Т. Бейсимбиев ва Х. Бобобековлар Эрдонанинг биринчи даври 1751–1752 йиллар деб белгиласа, Эрдонанинг иккинчи ҳукмронлик йиллари қилиб, 1753–1763, Т. Бейсембиевда эса, 1753–1762, Х. Бобобековда 1753–1766 йиллар (Бобобеков Х. Тарихчилар тадқиқотида Қўқон хонларининг ҳукмдорлик даврларига оид айрим тафовутлар жадвали // «Қўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси (14 май 2004 йил). – Қўқон, 2004. – 19-б). Уйғур ва хитой ҳужжатлари ва тарихий адабиётларида 1753–1770 йиллар деб берилган (Қутлуков М. Взаимоотношения цинского Китая с Кокандским ханством // *Китай и соседи*. – М., 1982. – С. 203; Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... – С. 51–57).

136. *Saguchi T.* The Eastern trade of the Khokand khanate Charter VI. Memories of the Research department of the Toyo Bunko (The oriental library) – Tokyo, 1965.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

№ 24.– Р. 66 А.З. Валидов фикрича, бу вақтда Андижонда Ирисқулибий, Наманганда Абдурахимбийнинг ўғли Ҳақимбий, Марғилонда Сулаймон ибн Шодибийлар ҳокимлик қилганлар (Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // ПТКЛА. Год двадцатый. 1916. Вып. 2. – С. 12).

137. Лю Чжисяо. Уйғур тарихи. – Бейжинг, 1987. – 1131-б.

138. Пан Чжипин. 1759–1820 Нянь Цин юй Хаохань ды гуаньси // Синьцзян шэхой кэсюэй. – 1985. – № 2. – С. 88.

139. Хафизова К. Китайская дипломатия в Центральной Азии – Алматы, 1990. – С. 117.

140. Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Ғарбий юрт сиёсати. – Пекин, 2006. – 026–027-б. (хитой тилида).

141. Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии – С. 51–52.

142. Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Ғарбий юрт сиёсати... – 26-б.

143. Лю Чжисяо. Уйғур тарихи...– 1131-б.

144. Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... – С. 52.

145. Гуревич В. П. Международные отношения в Центральной Азии в XVIII – первой половине XIX в. – М., 1983. – С. 179.

146. Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... – С. 57.

147. Муҳаммад Содиқ Қашқарий. Асар ул-футух.– ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 753. – 9-варақ.

148. Муҳаммад Ҳақимхонтўра. Мунтахаб ут-таворих. –ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 594. – 294 б-варақ.

149. Ефремов Ф.С. Десятилетнее странствование... – С. 40.

150. Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Ғарбий юрт сиёсати... – 28-б.

151. Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии ... – С. 53.

152. Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Ғарбий юрт сиёсати... – Б. 28; Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии ... – С. 59.

153. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казан, 1887, – С. 51.

154. Пан Чжипин. 1759 – 1820 Нянь Цин юй Хаохань ды гуаньси ... – С. 93.

155. Қутлуков М. Взаимоотношения Китайского...– С. 204.

156. Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства... – С. 90.

157. Лю Чжисяо. Уйғур тарихи... – 1184-б.

158. Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства...– С. 129–131; Лю Чжисяо. Уйғур тарихи... – 1188–1189-б.

159. Материалы для истории завоевания Туркестанского края. – Ташкент, 1847. – С. 87.

160. Муҳаммад Ҳақимхонтўра. Мунтахаб ут-таворих – ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. № 592. – 630 б-варақ; Курбан Али Айагузий таварихи Ҳамса-и Шарки. – Казань, 1910. – С. 95; Григорьев В. А. Восточный или Китайский Туркестан. Вып. II. ... – С. 451; Валиханов Ч.Ч. собр. соч. в 5 томах.... Т. 2. – С. 323–324.

161. Куропаткин А.Н. Кашгария... – С. 119.

162. Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства... – С. 135.
163. Бобобеков Х.Б. Народные движения... – С. 35.
164. Зийёв Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи. – Тошкент: «Таълим», 2014. – 14–15-б.
165. Зийёв Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ... – 17-б.
166. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. С. 172.
167. Зийёв Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. – Тошкент, 2014. – 133-б.
168. Зийёв Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. – Тошкент, 2014. – 138-б.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abu'l-Ghazi Bahadur Khan. Histoire des Mongols et des Tatares par Aboul-Ghazi Bahadour Khan / 2 vols., ed. and trans. Petr I. Desmaisons, Turk-oriental (Chaghatay) text with French transl., reprint of St. Petersburg Edition from 1871-1874. – Amsterdam, 1970. – 386 p.
2. Jami' al-vaqi'-at-I sultani / Edited in the original Central Asian turki with an Introduction and Notes by N. Tashev. – Samarkand-Tashkent, 2012. – 269 p.
3. Osmanli devleti ila Kafkasya, Turkistan ve Kirim hanliklari arasindaki munasebetlere dair arkhiv belgeleri (1687-1908 yillari arasi). – Ankara. – S. 124, № 67.
4. Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate Charter VI. Memories of the Research department of the Toyo Bunko (The oriental library) – Tokyo, 1965. № 24.– P. 66
5. Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Reza Mirab Agahi. Firdaws al-iqbal: History of Khwarazm / English translation from Chaghatay and ed. by Yuri Bregel. – Leiden: Brill, 1999. – 718 p. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 517 б.
6. Sulstonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis (in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asia: A Maturing Field / Editors: A. Morrison and S. Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P. 205-217.
7. Абдурахман-и Тали. История Абулфейз-хана / Перевод с таджикского А.А. Семенова. Отв. ред. Р.Н. Набиев. – Ташкент, 1959. – 175 с.
8. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк / Масъул муҳаррир Б. Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Тошкент:



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

«Чўлпон», 1992. – 189-б.

9. Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэқ-и аз Осиё-йи Марказий (Эроннинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро алоқаларига доир хужжатлар). – Техрон, 1372. – 504-б.

10. Бобобеков Х. Тарихчилар тадқиқотида Қўқон хонларининг хукмдорлик даврларига оид айрим тафовутлар жадвали // «Қўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Қўқон, 2004. – 19-б.

11. Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // ПТКЛА. Год двадцатый. 1916. Вып. 2. – С. 12.

12. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – 193 с.

13. Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в. // Журнал министерства народного просвещения, 1891, январь. – С. 48–72.

14. Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов – русский посланник в Персии и Бухаре в XVII в.) // Журнал министерства народного просвещения. – Спб., январь 1891.

15. Гладышев Д., Муравин И. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740 – 1741 годах поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным / Издана Я.В. Ханьковым. – Спб., 1851. – 85 с.

16. Фуломов С. «Иншо» мажмуалари маълумотининг аутентлиги хусусида (Амир Темур номи билан боғлиқ хатлар мисолида) // Марказий Осиё тарихи замонавий медиаистика талқинида (профессор Розия Мукминова хотирасига бағишланган монография). – Тошкент, 2013. – 257–269-б.

17. Гуревич В. П. Международные отношения в Центральной Азии в XVIII – первой половине XIX в. – М., 1983. – С. 179.

18. Записка о происшестввах в степи, о среднеазиатских владениях. 30 апреля 1853 г. // Материалы, относящиеся к Хиве и Коканду / Архив Востоковедов института восточных рукописей РАН (Санкт Петербург). Фонд В.В. Григорьева: ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57–58.

19. Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году (по рассказам и запискам очевидца) // Исторический вестник. № 11, 1894.

20. Зиёев Х. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи. – Тошкент: «Таълим», 2014. – 14–15-б.

21. Искандарбек туркман (Мунший). Тарихи оламорои Аббосий. – Техрон, 1350. 1-жилд. – 607-б.; 2-жилд. – 728-б.

22. Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар (Эрон генерали Исмоил Мирпанжийнинг Хуросон, Марв ва Хивада бошидан кечирган воқеалар баёни) / Форс тилидан Набибулло Ҳасан таржимаси. – Урганч-Хоразм, 1997. – 62-б.



23. История Центральной Азии в Османских документах. Том I. Политические и дипломатические отношения. – Самарканд, 2011. – С. 55.
24. Казахско-русские отношения в XIX в. Сборник документов и материалов). – Алма-Ата, 1964. Т. II. – 573 с. Сношение России с Хивой (XVI–XVII вв.) / Российский государственный архив древних актов (РГАДА). Ф. 134, оп., 1–3.
25. Казахско-русские отношения в XVI–XIII вв. Сборник документов и материалов. – Алма-Ата, 1961. Т. I. – 741-с.
26. *Камал ад-Дин Али Бинаи. Шайбани-наме* // Материалы по истории казахских ханств XV – XVIII вв. (Извлечения из персидских и тюркских соч.). Сост.: С.К. Ибрагимов, Н.Н. Мингулов, К.А. Пищулина, В.П. Юдин. – Алма-Ата, 1969.
27. Копия с грамоты Царя Алексея Михайловича к Юргенскому Царю Анавша Мамет Багадыря, отправленной с Российскими посланниками Васильем Даудовым и Мамет Исупом Касымовым / РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 31.
28. *Корженевский Н.Л. Посольство Михаила Тихонова в Персию и путь его через Хиву и Кара-Кумы в Хоросан (1613-1615)* // Известия АН УзССР. 1951. – № 6. – С. 69–72.
29. *Кутлуков М. Взаимоотношения цинского Китая с Кокандским ханством* // Китай и соседи. – М., 1982. – С. 203.
30. *Лю Чжисяо. Уйғур тарихи.* – Бейжинг, 1987. – 1131-б.
31. Материалы для истории завоевания Туркестанского края. – Ташкент, 1847. – С. 87.
32. *Маҳмуд ибн Хидояталлоҳ Натанзий. Нақоват ал-осор фи зикр алахёр.* – Техрон, 1994. – С. 649.
33. *Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулла-наме* / Перевод с таджикского с примечаниями А.А. Семенова. – Ташкент, 1957. – С. 326.
34. *Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (история мангитских государей)* / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. – М., 1962.
35. *Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан таъдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова.* – Тошкент, 2008. – 241-б.
36. *Мухаммад-Казим. Наме-йи аламара-йи Надири (Мироукрашающая надирова книга)* / Факсимиле, изд. текста и предисл. Н.Д. Миклухо-Маклай. – Москва: Восточная литература, 1960. Т. I. – С. 717; – 1965. Т. II. – С. 697; – 1966. Т. III. – С. 540.
37. *Мухаммад-Казим. Поход Надир-шаха в Индию (извлечение из Тарихи аламараи Надири)* / Перевод, предисл. и прим. П.И. Петрова. – М: Восточная литература, 1961. – С. 206.
38. *Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история* / Перевод с таджикского, предисловие и указатели А.А. Семенова. – Ташкент, 1956. – С. 303.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

39. *Муҳаммад Алихон Ғафур*. Хоразм сафари кундалиги (Муҳаммад-шоҳ Қожор ва Оллоқулихон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1842 йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009. – 13–52-б.

40. *Муҳаммад Козим*. Тарихи оламорои Нодирий / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Амин Риёҳи. – Техрон: «Илм». 1369. 2-жилд. – 881-б.

41. *Муҳаммад Масъум ибн Хожаги Исфаҳоний*. Хулосат ас-сийар. Тарихи рузигори Шоҳ Сафи Сафавий. Ганжинаи Ирон ва ирониён / Нашрга тайёрловчи Ироҷ Афшор. – Техрон, 1368. – 384-б.

42. *Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий*. Шоҳид ул-иқбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. – Тошкент: «Муҳаррир», 2009. – 335 б.

43. *Муҳаммад Ҳакимхон тўра*. Мунтахаб ут-таворих / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2010. – 720-б.

44. *Муҳаммад Юсуф Баёний*. Шажараи Хоразмшоҳий / Тарихий эссе. «Мерос туркуми». Таҳрир ҳайъати: Б. Аҳмедов ва бошқ. – Тошкент: «Камалак», 1991. – 175–265-б.

45. *Муҳаммадёр ибн Араб Катаган*. Мусаххир ал-билод (мамлакатларнинг эгалланиши) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2009. – 429-б.

46. *Наливкин В.* Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1887, – С. 51.

47. *Низомулмулк*. Сиёсатнома ёки сияк ул-мулк. (Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, А.Эркинов). – Тошкент: «Адолат». 1997. 100-б.

48. *Огаҳий Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли*. Гулшани давлат (Хива хонлиги 1856–1864 йилларда) / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. – Тошкент, 2012. – 246-б.

49. *Огаҳий Муҳаммад Ризо*. «Жоме ал-воқеоти султоний»дан / Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилд. Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1980. – 208-б.

50. *Огаҳий Муҳаммад Ризо*. «Риёз уд-давлат»дан / Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар: V жилд. Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов. Масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1978. – 17–170-б.

51. *Огаҳий Муҳаммад Ризо*. Зубдат ут-таворих (Тарихлар сараси) / Нашрга тайёрловчи Н. Жабборов. – Тошкент: O'zbekiston, 2009. – 240-б.; Муҳаммад Риза Мираб Агахи. Зубдат ал-таварих. Научно-критический текст / Составитель Х. Назирова. – Ташкент–Самарканд, 2016. – С. 304.

52. Оламорои Сафавий / Нашрга тайёрловчи Ёдуллоҳ Шукрий. Иккинчи нашр. – Техрон, 1363. – 688-б.

53. Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковни-



ком Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. – Спб., 1851. Кн. V. – С. 62–153.

54. *Пан Чжин*. 1759–1820 нянь Цин юй Хаохань ды гуаньси // Синь-цзян шэхой кэсюэй, 1985. № 2. – С. 88.

55. Перевод с другой грамоты к Государю от Юргенского хана (Анавша Мамет Багадыря) / РГАДА. Ф. 134, оп. 2, д. 39.

56. Посольство В.А. Даудова и Мухаммеда-Юсуфа Касимова в Хиву и Бухару (1675–1676) / История Узбекистана в источниках. Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в. Отв. ред. Б.А. Ахмедов. Составитель Б.В. Лунин. – Ташкент: «Фан», 1988. – С. 72–75.

57. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718 – 1725 гг. / Посланник Петра I на Востоке в 1718 – 1725 гг. – М.: Восточная литература, 1986. – С. 159.

58. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М., 1822. Часть I. – С. 179. Часть II. – С. 144.

59. *Ризоқулихон Ҳидоят*. Сафоратномаи Хоразм (Носириддиншоҳ ва Муҳаммад Аминхон ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан 1851 йил) / Хоразм сафари кундаликлари. Масъуд муҳаррир Ш. Воҳидов, форс тилидан таржимон И. Бекжонов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2009. – 53–231-б.

60. *Сайид Ҳомид Тўра Комёб*. Таворих ул-хавонин / Нашрга тайёрловчилар Норқулов К., Жўраев Ж., Тоғаев Т., Жўраев Ж. – Тошкент: «Академия», 2002. – 116-б.

61. *Сафаров Б.* Хоразм хонликларидаги урфу одатлар / ЎЗР ФА ШИ, инв. № 11117. – 16 varaқ.

62. *Сейди Али Раис*. Миръотуд ал-мамолик / Таржима ва изоҳлар Ш. Зуннуновники. – Т., 1963. – 104-б.

63. Сношение России с Хивой / Архив внешней политики Российской империи (АВПРИ). Ф. 125, оп. 1-2; Фонд востоковедов: Ф.П. Аделунга, В.А. Жуковского, В. Григорьева, М.С. Андреева, М. Березовского, А. Давлетшина / Архив востоковедов Института восточных рукописей РАН (Спб.).

64. *Хафизова К.* Китайская дипломатия в Центральной Азии – Алматы, 1990. – С. 117.

65. Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари / Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. И-125 фонд, 2-рўйхат.

66. *Ходжа Самандар Термези*. Дастур ал-мулук (назидание государям) / Перевод с персидского М.А. Салахетдиновой. Отв. ред. Н.Д. Миклухо-Маклай. – М.: Наука, 1971. – С. 394.

67. *Ходжаев А.* Захват цинским Китаем Джунгарии и Восточного Туркестана // Китай и соседи. – М., 1982. – С. 169.

68. *Хотероти Асерот*. Рузномаи сафари Хоразм ва Хива. Сарханг Ис-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

моил Мирпанжэ / Сафоиддин Табарриён. – Техрон, 1375. – С. 177.

69. *Худоёрхонзода*. Анжум ат-таворих (тарихлар юлдузлари) / Форс-тожик тилидан таржимон Ш. Воҳидов. Масъул муҳаррир. Ҳ. Бобобеков. – Тошкент, 2010. – 220-б.

70. *Хуришоҳ ибн Қубод ал-Хусайний*. Тарихи элчийи Низомшоҳ / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Ризо Носирӣ. – Техрон, 1379. – 437-б.

71. *Ҳасанхожа Нисорӣ*. Музакири аҳбоб (дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Тошкент: «Мерос», 1993. – 274-б.

72. *Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорӣ*. Абдуллонома (Шарафномаи шоҳӣ) / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. Масъул муҳаррир Я. Ғуломов. – Тошкент: «Фан», 1969. II жилд. – 393-б.

73. Эрон шоҳининг Оллоқулихонга мактуби / Хива «Ичон қалъа» кўриқхона-музейи архиви. ГХМЗ КП 3283.

ГЛОССАРИЙ

Аслаҳахона – қуроллар сақланадиган омборхона.

Ведро – ўша даврнинг рус ўлчов бирлиги бўлиб, унга 20 чарка (қадах) вино ёки пиво сиққан (12,3 л).

Деньга – ярим копейка тенг бўлган эски рус тангаси.

Ёмбу – Хитойдаги қуйма қумуш пул бўлиб, оғирлиги 50 лян (1,8 кг) қумуш бўлган.

Кежим – уруш вақтида от устига ташланадиган махсус ёпинчиқ.

Қопу – эшик, қопучи эшик оғаси, маҳрам.

Қуруш – усмонийлар даврида муомалада бўлган турк пули.

Ландо – тепа қисми олинадиган тўрт ғилдиракли экипаж-арава. XVIII аср ўртасида пайдо бўлган бу транспорт воситаси биринчи бор тайёрланган жой номи Германиядаги Карлсру (Karlsruhe) шаҳри яқинидаги Ландау (landau) номи билан аталган.

Лолабоши – Эрон саройида шаҳзодалар тарбиясига масъул бўлган оталиқ лавозими.

Меҳмондор – элчиларни чегарагача кузатиб борувчи шахс.

Меҳтар – Хива хонлигида бош вазир лавозимидаги шахс.

Мусофаҳа – Қуръонда белгиланган қўл сиқиб кўришиш одати.

Муонақа – қучоқлашиб кўришиш қоидаси.

Нозир – элчиларнинг ҳол-аҳволи ва овқатидан хабар олиб туриш учун қўйилган мутасадди.

Оломон – ўлжа ва асирларни қўлга тушириш мақсадида уюштирилладиган ҳужум.

Пикет – чегара қоровулхонаси.

Пурсиш ва тафаққуд – ҳол-аҳвол сўраш.

Сажень – 2,134 м. тенг бўлган эски рус узунлик ўлчов бирлиги.



Скипетр – ҳокимият рамзи ҳисобланган олтин таёқча.

Тамҳид – ҳамду сано, улуғлаш.

Тўпчоқлар – зотдор отлар.

Уклу шурб – қабул маросимларидан кейинги зиёфатда еб-ичиш, овқатланиш расми.

Фунт – 409,5 г. га тенг бўлган эски рус оғирлик ўлчов бирлиги.

Чарка – ичимлик ичиладиган идиш (қадах) ҳажмига тўғри келган эски рус ўлчов бирлиги (0,123 л.).

Червон ёки червонец – поляк тилидан олинган *czerwony* – қизил, тилла маъноларини англатган. 1917 йилга қадар Россияда муомалада бўлган олтин танга пул бирлиги, даврига қараб 3, 5, 10 рублга тенг бўлган. 1701 йилда зарб этилган 3 рублга тенг келувчи олтин танга 3,4 гр. тилла оғирлигида бўлган.

Чокар – элчиларнинг хавфсизлигига жавобгар шахс бўлиб, меҳмондор сифатида ҳам хизмат кўрсатган.

Шиговул – Қўқон хонлигида бош вазир лавозимидаги шахс.



V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СССР ТАРКИБИДА

5.1. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг Россия империяси билан дипломатик муносабатлари (XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср боши)

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб бораётган сиёсати бир қатор вазиятлар туфайли тобора аниқ бир йўналиш касб эта бошлади. Бунда, жумладан, тобора кучли иқтисодий қудрат касб этаётган Россия давлатига ўз ҳаракатлари учун танлаш имкониятини қолдирмаётган инглиз-рус рақобати ҳам таъсир кўрсатди. Ўрта Осиёга уюштирилган бир қанча экспедициялар, жумладан, улардан сўнгиси Н.П.Игнатъевнинг 1558 йилда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига экспедицияси жамлаган кўпгина материалларни жамлаш имкониятини берди. Уларда Ўрта Осиё хонликларидаги ўша вақтдаги аҳвол баён этилган бўлиб, Россия империясининг ҳукмрон доираларига баъзи бир тавсиялар берилган эди.

1859 йилнинг январь ойида Н.П.Игнатъевнинг ҳисоботи ва А.А.Катениннинг¹ ёзишмалари ҳулосаси бўйича Санкт-Петербургда махсус бошқармалараро йиғилиш бўлиб ўтади. Унда Ташқи ишлар вазири А.М.Горчаков, Осиё департаменти директори Е.П.Ковалевский, Ҳарбий вабир Н.О.Сухозанет, Молия вазири А.М.Княжич, Н.П.Игнатъев, шунингдек, Оренбург генерал-губернатори А.А.Катенин ва Ғарбий Сибирь генерал-губернатори Г.Х. Госфорлар иштирок этадилар. «Йиғилишнинг асосий мавзуси Россиянинг Ўрта Осиёдаги янги сиёсатини ишлаб чиқишга бағишланган эди, чунки иштирокчилар ўша вақтларда ушбу ҳудудда империянинг мавқеи анчагина кучсиз эканини бир овоздан тан олдилар. Катенин ўз ёзишмаларида билдирганидек, Жулук, Туркистон, Янги Қўрғон ва Тошкентни (бу билан Қўқон хонлигининг ҳарбий қудратини йўқ қилиш) босиб олиш, туркманларни Россия фуқаролигига қабул қилиш, кейинчалик секин-аста Бухоро ва Хивани Россия таъсирига бўйсундириш тарафдори эди» [1].

Кейинги воқеалардан маълумки, ушбу режа тўлиқ амалга ошди. 1865 йилда Тошкент босиб олиниб, икки йилдан сўнг, яъни 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги пойтахтига айлантирилди. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфман (1867–1882) га Россия императори томонидан чексиз ваколатлар берилган эди.



«Император хазрати олийлари Туркистон генерал-губернатори (К.П. фон Кауфман Ш.М.)га Ўрта Осиёдаги барча хонлар ва мустақил мулкдорлар билан музокаралар олиб бориш ва шартномалар² тузиш учун сиёсий ваколат беришни лозим деб топди» [2].

Махсус йўриқномада император «Туркистон генерал-губернаторига барча сиёсий, чегаравий масалалар ва савдо ишларини ҳал қилиш, музокаралар олиб бориш ва икки томон манфаатларига тегишли бўлган шартнома, қарорлар имзолаш мақсадида чегарадош ерларга вакил шахсларни юбориш ваколатини бериши билдирилди» [3].

К.П. фон Кауфманга берилган фавқулодда ваколатлар, табиийки, Россия империяси имкониятларидан келиб чиқиб, ҳаётга фаол татбиқ этиларди. Туркистон генерал-губернаторлигида катта кўламда ахборот тўплаш ва давлат машинаси фаолиятини изга солишда ўлка маъмурияти ва унинг девонхонаси муҳим аҳамият касб этди. Девонхонанинг биринчи бошқарувчиси генерал-майор А.К.Гейнснинг 1868 йил 9 январдаги «Иш юритиш бўйича девонхона вазифаларини тақсимлаш ҳақида»ги маърузасига кўра [4] девонхона таркибида тўрт бўлим тузилган эди. Қўшни давлатлар билан муносабатлар масаласи 3-махсус бўлим зиммасига юклатилган бўлиб, унинг ваколатига қуйидаги йўналишлар киритилган:

«1) халқ таълими: умумий масалалар; 2) чегаравий масалалар бўйича турли сиёсий маълумотлар ва гап-сўзларни йиғиш, ўлка чегарасидаги ҳодисалар ҳамда қўшни хонликлар билан муносабатлар; 3) диний идора; 4) генерал-губернаторга тақдим этиладиган барча илтимос ва шикоятлар бўйича фармойишлар; 5) генерал-губернаторнинг хусусий шахслар билан ёзишмалари [5]. Шундай қилиб, бу даврда Россия империяси номидан Туркистон генерал-губернатори ва Ўрта осиёлик ҳукмдорлар томонидан имзоланган асосий дипломатик ҳужжатлар ва битимлар матни Туркистон генерал-губернаторининг белгиланган девонхонаси бўлимида тайёрланар эди. Табиийки, кейинчалик ушбу ҳужжатлар, мажбурий тартибда Россия империясининг олий ҳокимияти, Россия давлатининг Ҳарбий идораси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан мувофиқлаштирилар эди. Ҳарбий ҳаракатлар ҳолатида эса Туркистон ўлкаси раҳбарлиги буйруғи билан Туркистон генерал-губернаторига ҳамроҳлик қилган, зарур бўлган барча ҳужжатлар, жумладан, у ёки бу дипломатик ҳужжат ва битимларни тайёрлайдиган кўчма девонхона тузилган.

Генерал фон Кауфман Ўрта Осиё истилосини Бухоро амирлигини босиб олиш билан давом эттиришга қарор қилган. Амирликнинг ҳарбий кучлари Қўқон хонлиги билан ўзаро низоларида ҳолдан тойган, шу билан бирга, ҳарбий техник таъминланганлиги жиҳатидан нисбатан қолоқ бўлгани туфайли анча заиф эди, 1868 йилда Самарқанднинг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

истило қилиниши билан Бухоро амирлиги деярли Россия империясининг вассалига айланди³.

Қайта босиб олинган ҳудудларда подшоҳлик ҳукумати генерал Абрамов раҳбарлигида Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларидан таркиб топган Зарафшон округини тузди. Зирабулоқ жангидан сўнг амир Музаффар ўз мағлубиятини тан олишга ва Кауфманнинг Туркистон генерал-губернаторлигининг янги чегараларига доир шартларини қабул қилишга мажбур бўлди.

1868 йилнинг 28 июнида Самарқандда Кауфман ва амир Музаффар ўртасида Бухорони Россия империясининг протекторатига айлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унда амир ўзини уруш бошланишига айбдорлигини тан олиб, абадий дўстлик тимсоли сифатида Россия қўшинларининг ҳарбий харажатларини қоплаш учун 500 минг рубль товон тўлаш мажбуриятини олади. Ўз таркибига Хўжакент, Ўратепа, Панжикент, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғонни олган Тошкентдан то Самарқандга қадар барча истило этилган ерлар Россия империясига ўтди. Бироқ, қолган ерларида ҳукмронлик қилишида амир генерал-губернаторнинг фармонларига бўйсунishi амр қилинганди. Сиёсий қарамлик нуқтаи назаридан тарихчилар Бухоро ҳукмдорларини Россия империясининг вассали деб атаганлар. Шунингдек, амирга рус савдогарлари манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг эркин савдо қилишлари учун имтиёзли шароитлар яратиб бериш мажбурияти юкланган эди. Уларга жуда кам миқдордаги бож тўловлари билан савдо агентлиги таъсис этишларига, шунингдек, амирлик ва бошқа давлатлар ҳудудида эркин ҳаракатланиши рухсат берилган эди. Ушбу асоратга солувчи шартнома^{*} амирликни мустақилликни йўқотишга ҳамда ҳуқуқсизлик ва қашшоқликка маҳкум қиларди. Амирнинг бундай сиёсати оммавий норозиликларнинг келиб чиқишига олиб келди. Амир Музаффарнинг катта ўғли Абдумалик тўра, Жўрабек, Бобобеклар бошчилигида халқ лашкарлари Самарқанднинг озодлиги учун курашни давом эттиравердилар. Улар амир Музаффарни тахтдан ағдарилганини ва Абдумалик тўра амир этиб тайинланганини эълон қилдилар. Халқ лашкарлари аввал Шаҳрисабзни, кейинчалик эса Қарши ва Кармонни олдилар. Уларни огоҳлантириш ва қаршилиқ ҳаракатлари ўчоғини бартараф этиш мақсадида фон Кауфман у ерга генерал Абрамов қўмондонлигида қўшин юборади. Замонавий қуролланган қўшинлар халқ лашкарларини улар эгаллаган ҳудудлардан секин-аста сиқиб чиқарадилар. Натижада Абдумалик тўра Хива хонлигига чекинади ва кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетади. Афғонистон амири Англияга қарши курашда Россиянинг кўмагига умид боғлагани боис, унга

^{*}Оренбург генерал-губернатори.



ёрдам беришдан воз кечади. Абдумалик тўра Пешоварга жўнаб кетиб, 1909 йилда вафот этади. Шундай қилиб, истилонинг иккинчи босқичи Самарқанднинг забт этилиши ҳамда Бухоро амирлигининг Россия империясининг протекторатига айлантирилиши билан якун топади.

1973 йилда Бухоро амирлиги билан янги шартнома имзоланди (Шахрисабз шартномаси)⁴, унга кўра подшоҳ ҳукуматига Бухоро протекторатида ўз вакилини тайинлаш ҳуқуқи берилган эди. Янги шартларга мувофиқ⁵, мазкур вакилнинг розилигисиз амир ҳеч қандай ички ва ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Шартноманинг 14-бандида шундай дейилган эди: «Бухоро ҳукмдори Россия ҳукумати розилигисиз бирор кимсани қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас». Шартномада ҳар куни эрталаб қушбеги вакилдан зарур фармонларни амирга етказиши қайд этилган эди. Ҳужжатларнинг амир томонидан имзоланиши қуруқ расмиятчилик эди холос. Чор Россиясининг биринчи вакили этиб П.Лессар тайинланган. Аслида вакилни Бухоронинг норасмий губернатори деб аташга тўлиқ асос бор эди. Ўз қароргоҳи сифатида у Бухородан 12 кмда жойлашган Когонни танлаган эди. Бу билан подшоҳ ҳукумати Бухорони империя таркибига тўлиқ киритмай, уни амир ва унинг мулозимлари орқали бошқаришни лозим топди⁶.

1869–1870 йилларда Россия империясининг Ташқи ишлар вазирлиги Англия билан Афғонистон ва подшоҳ ҳукуматининг янги ерлари ўртасида чегара тортиш тўғрисидаги музокараларни бошлайди. Музокара натижасида чегара Амударё бўйлаб Панж ҳудудидан ўтиши тўғрисидаги келишувга эришилди. Бухоро амирлиги билан Эрон ўртасидаги чегара эса Россиянинг Техрондаги элчиси ва Эрон шоҳи томонидан 1881 йил 10 декабрда имзоланган махфий шартномада белгиланди. 1885–1887 йилларда бўлиб ўтган музокаралар натижасида инглиз-рус комиссияси Афғонистон ва энди Россия империяси таркибида бўлган Ўрта Осиёдаги Бухоро амирлиги ерлари ўртасидаги чегарани белгилашга муваффақ бўлди. 1873 йилда Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида иккитомонлама шартноманинг имзоланиши амирлик ҳудудида Россия сиёсий агентлигини таъсис этилишига асос бўлди. 1885 йил 12 ноябрдаги Россия империясининг Давлат кенгаши томонидан «Бухорода Россия империясининг сиёсий агентлиги»ни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу агентлик амирлик ҳудудида 1886 йил 1 январдан 1917 йил 17 мартга қадар фаолиятини юритди. Агентликнинг асосий вазифаларидан бири ушбу давлатда – «унинг ичкараси ва атрофи»да юз бераётган асосий жараёнларни ўрганишдан иборат эди. Агентлик Бухоро амири қушбеги билан яқин алоқада эди. Ушбу ўзаро алоқалар дипломатик ёзишмалар орқали амалга оширилар эди. Бу ёзишмалар ҳужжатлари



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

амирликнинг сиёсий, иқтисодий ҳаёти, шунингдек, Россия империяси ва вассал давлат ўртасидаги муносабатлар тўғрисида бизга кенг маълумот беради.

Россия сиёсий агентлиги бевосита империянинг Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунар эди, бироқ зарурият туғилган ҳолда шахсан Туркистон генерал-губернаторига маълумот тақдим қилинар эди. Масалан, 1884 йил 18 июнда Россия империяси Ташқи ишлар вазирлиги номидан юборилган хатда Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбахга Бухоро амирлигида сиёсий агентлик таъсис этилиши ва унинг биринчи раҳбари этиб Н.В.Чариков тайинлангани маълум қилинади (1886–1890)[6]. Хатда Бухоро амирига ҳам ушбу маълумотни етказиш сўралган эди. Туркистон генерал-губернатори ушбу воқеадан мамнун эди, негаки Бухоро бўйича катта ҳажмдаги дипломатик ёзишмалар ўлка ташкилоти раҳбари девонхонаси ихтиёридан бошқа идорага ўтаётган эди. Жавоб хатда Н.О.Розенбах ўз мамнуниятини изҳор этиб, агентлик амирликда рус аҳолиси ва Россиянинг савдо манфаатлари посбони бўлишига умид билдирди[7]. Бухородаги сиёсий агентлик раҳбари лавозимида қуйидаги дипломатлар ўз фаолиятларини амалга оширганлар: Н.В.Чариков (1886–1890), П.М.Лессар (1890–1895), В.И.Игнатъев (1895–1902), Я.Я.Лютш (1902–1910), А.С.Сомов (1911–1913), Л.К. Беляев (1914–1916), А.Я.Миллер (1916–1917).

Н.В.Чариков томонидан Бухоро амири қушбеги⁷сига биринчи мактуб 1884 йил 9 августда юборилган эди. Россиялик дипломат қушбегига империя ҳукумати томонидан унга шундай шарафли вазифа юклатилгани ва у муҳим иккитомонлама муносабатларни олиб боришда барча имкониятларни амалга оширишини маълум қилган эди. Ўз навбатида, Бухоро амири Музаффархон ҳам 1884 йилнинг 30 августидан Н.В.Чариковга мактуб йўллаб, унда унинг бундай ўта масъулиятли лавозимга тайинланганидан хабардорлигини маълум қилиб, махсус совғалар юборади.

1886 йил 1 январдан, ташкилий ва тайёргарлик тадбирлари якунланганидан сўнг, рус сиёсий агентлиги амирликда ўз фаолиятини бошлайди.

Дипломатик муносабатлар соҳасида сиёсий агентликнинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат эди:

1. Консуллик хизмати: фуқароларга паспорт бериш ва чет эллик фуқароларга ёрдам кўрсатиш.

2. Хизматнинг дипломатияга оид қисми: Бухоро амирлигидаги аҳвол ва Афғонистондаги вазият бўйича маълумот тўплаш.

3. Россия империясининг вакили сифатида Бухоро амири билан учрашувлар ўтказиш, маълумот йиғиш, юқори мартабали амалдорларга телеграмма ёзишда амирига ёрдам кўрсатиш.



4. Амирга мукофотга тақдим этилаётганлар рўйхати, орден ва уларга гувоҳномани тайёрлашда кўмаклашиш.

5. Россиялик амалдорларини Бухоро амирининг ордени билан мукофотлаш учун рўйхат тайёрлаш.

6. Россиялик ва чет эл фуқароларини Бухоро амири билан учрашишига ёрдам кўрсатиш.

7. Турли фуқаролар, жамият ва ташкилот вакилларининг Бухоро ҳукумати билан боғланишларига кўмаклашиш.

Бундан ташқари, сиёсий агентлик суд-ҳуқуқ фаолиятини ҳам олиб борар эди.

Ижтимоий-иқтисодий йўналиш соҳасида куйидаги ҳаракатлар белгиланган эди: 1. Бухоро амирлиги ҳудудидаги аҳолиси рус бўлган қишлоқларни бошқариш. 2. Янги Бухоро (Когон)да ҳаётнинг ҳар жабҳасини тўлиқ назорат қилиб бориш. 3. Эски Бухорода таълим мактаблари ва рус-тузем шифохоналарини бошқариш. 4. Амирликдаги газета ва театр томошалари цензураси. 5. Эски Бухорода олти банкнинг фаолиятини назорат қилиш. 6. Амирликда рус савдосини қўллаб-қувватлаш. 7. Амирлик ҳудудида россия қўшинлари қисмини кўчиришда ҳарбий вазирликка ёрдам кўрсатиш ва бошқалар [8].

Бухорода сиёсий агентни тайинлаш ва уни истеъфога чиқариш фақатгина Россия империяси Ташқи ишлар вазирлиги ваколатида эди.

Россия империясидаги идоралараро алоқаларнинг мувофиқлашмагани боис, Бухородаги сиёсий агент амирликда бўлиб ўтаётган воқеалар тўғрисида, асосан, ўз вазирлигига ахборот берар эди. Бинобарин, Туркистон генерал-губернаторлик раҳбарияти эса қарам ҳудудларда юз бераётган воқеалар бўйича аксарият ҳолларда маълумотга эга бўлмас эди.

Биз кўриб чиқаётган даврда вассал давлат мақоми Бухоро амирлари томонидан дипломатик хизматларни ривожлантирилишига тўсиқ бўлмаган.

Мирзо Салимбек*нинг Бухоро амирининг дипломатик вакили сифатидаги фаолияти, назаримизда, Россия империяси ва Бухоро амирлиги муносабатларидаги ҳали етарлича ёритилмаган саҳифаларидан биридир.

1882 йилда Мирзо Салимбек Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбах ҳузурига Бухоро амирининг расмий вакили сифатида юборилади. Бироқ бир йилдан сўнг у Бухорога қайтарилган ва Хуфтор ва Самжонга амирнинг ноиби этиб тайинланган⁸.

*Рус-Бухоро шартномаси 1868 йил – Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дастлабки суҳ. 1866–1868 йилдаги Россия қўшинларига қарши Бухоро юришлари натижасида Бухоро қўшинларининг мағлубиятидан сўнг 1868 йил 23 июнда тузилган. Туркистон генерал-губернатори генерал-лейтенант К.П. фон Кауфман ва Бухоро элчиси Мусабек томонидан имзоланган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

1885 йили амир Абдулаҳадхон амирлик тахтини эгаллайди ва муносабатларни ривожлантириш ҳамда амирликни тараққий эттириш мақсадида Россияга элчилар юборади. Элчилик таркибида қушбеги Остонқулбий, Мирзо Жалил девонбеги⁹, Мирзо Худоётилло мироҳўр*, Ражаб Али Мирзо Шарафлар бўлган. Унинг таркибида Мирзо Салимбек ҳам бўлиб, унга сафар давомидаги барча воқеалар тафсилотини ёзиб бориш вазифаси юклатилади. Делегация Петербургда келгач, «Гранд Отел»га жойлаштирилади. Икки кундан сўнг элчилар делегацияси подшоҳга Бухоро амирининг мактуби ва қимматбаҳо совғаларини топширишга муваффақ бўладилар. Рус подшоҳи ва унинг мулозимлари бир соат чамаси амирнинг совғаларини томоша қилиб, ҳайратланадилар. Элчиликнинг барча вакиллари қабул сўнгида Станислав[9] ордени ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар. Шу кунлар давомида элчилар вакиллари қурол ишлаб чиқариш заводи, зарбхона, тўқувчилик фабрикалари, заргарлик устахоналари ва соат ишлаб чиқариш цехларига ташриф буюрадилар[10].

Мирзо Салимбек ўз даврининг кўзга кўринган кишиларидан бири эди. Амирлик ривожини йўлида олиб борган дипломатик ва маъмурий фаолияти уни ўз даврининг етук инсонларидан бири сифатида шакллантирди. У, авваламбор, қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, биринчи навбатда, савдо ва тадбиркорлик соҳасида алоқалар ўрнатиш тарафдори эди.

Россияга элчилик таркибида бир неча маротаба ўз даврининг энг доно кишиларидан бири бухоролик маърифатпарвар Аҳмад Дониш ҳам бор эди. Россияга бўлиб, ўз кўзлари билан у ердаги тараққиётни кўриб, ўз асарларида Бухоронинг амирлик тузумини ҳар томонлама қолоқлигини танқид остига олади ва Бухоронинг иқтисодий қудратга эга империяга қарамлигини шунда кўради.

Туркистон генерал-губернаторлиги ва Бухоро амирлиги XX аср бошларида. Россиянинг Бухоро амирлиги билан ўзаро муносабатларини XIX асрнинг бутун иккинчи ярми давомида ва XX аср бошларида мураккаб, маълум даврларда эса ўта мураккаб бўлган деб баҳолаш мумкин. Христиан давлати бўлган Россия бутун дунё мусулмонлари газабини уйғотмаслик учун «Бухорои шариф»ни, яъни муқаддас Бухорони тўлиқ ўзига бўйсундиришга жазм қилмасди.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги аҳвол ташқи омилар таъсири остида ўзгара бошлади. Биринчи навбатда, маҳаллий аҳоли

* 1873 йилдаги Шаҳрисабз шартномаси – Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги дўстлик суҳби. 28 сентябрь (10 октябрь) куни Шаҳрисабзда (Шаар ёки Шаарсабз)да Бухоро амири Музаффар томонидан ва 1873 йилнинг 17 (29) октябрида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан Тошкентда имзоланган. Ушбу шартноманинг имзоланиши билан Бухоро амирлиги аслида Россия империясининг протекторати бўлиб қолди, деб саналади.



кайфиятига Россиянинг рус-япон урушидаги мағлубияти таъсир қилди. Бутун Россия империясини қамраб олган 1905 йилдаги инқилобий воқеалар йирик мамлакат, авваламбор, иқтисодий ўзгаришларга муҳтожлигини кўрсатди. Инқилобий вазият Шарқ мамлакатларини ларзага келтирди. Туркия ва Эрон каби йирик ислом мамлакатлари энди эскича яшай олмасдилар, улар ўз давлатларини тубдан ислох этиш йўлида кетдилар. Баъзи давлатларда қутилмаган оқибатларга олиб келган «панисломизм», «пантуркизм» тушунчалари оммавийлашди.

Ислом дунёсининг уйғониши муносабати билан Туркистон генерал-губернаторлиги раҳбарлари Бухоро хонлигининг муслмон аҳолиси ва, авваламбор, ислом руҳонийларидан хавфсирай бошладилар.

1909 йилнинг 2–3 феврида Туркистон ўлкаси маъмуриятининг «Бухоро иши»га бағишланган махфий йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилиш иштирокчилари таркиби жуда қизиқ. Генерал-губернатор, генерал-адъютант Мищенко раислик қилади. Генерал-губернатор ёрдамчиси генерал-лейтенант Кондратович; округ штаби бошлиғи генерал-лейтенант Рихтер; Бухородаги сиёсий агент амалдаги ҳарбий бўлмаган маслаҳатчи Лютш; Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бошқарувчиси полковник Мустафин ва дипломатик амалдор, коллеж маслаҳатчиси Калмиков[11]лар иштирок этадилар.

Йиғилиш учун расмий баҳона Д.Логофетнинг Бухоро амирлигидаги аҳвол аянчли кўринишда тасвирланган «Қонунсизлик мамлакати» («Страна бесправия») китоби бўлди. Шу муносабат билан Туркистон генерал-губернатори кун тартибига «Бухорога ҳаддан ортиқ солиқ солинганлиги» масаласини кўяди[12]. Йиғилишда Логофет ўз китобида «Бухоро ҳукумати томонидан олинаётган солиқлар ҳаддан зиёд юқори ва солиқ ундиришда суистеъмолликка йўл қўйилаётгани, бу эса қашшоқлик ва ўлимга маҳкум бўлаётган Бухоро халқи елкасига оғир юк бўлаётгани»ни таъкидлагани айтилади[13]. 2–3 февралда бўлиб ўтган йиғилишда Бухоро амирлигининг ҳақиқий иқтисодий ва сиёсий аҳволи, шунингдек, армиянинг ҳолати кўриб чиқилади.

Йиғилиш баённомаларидан ҳақиқий вазиятни билиш мумкин. Йиғилиш иштирокчилари Бухоро амирлиги тўғрисида ишончли маълумотларга эга эмасликларини тан оладилар (ва бу Бухоро амирлигининг 35 йилдан ортиқ амалда Россия империясининг таркибида бўлган ҳолатида эди). Йиғилишда яна шу қайд этилдики, идоравий бўйсунуш сабабли Бухоро амирлиги бўйича маълумотлар, ҳатто 1886 йилдан кейин («Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» Ш.М.) ҳам ягона марказда тўпланмаган.

Гап шундаки, Бухорода Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайинланган сиёсий агент доимий тарзда фаолият юритиб, у амирликдаги ҳолат тўғрисида фақат ўз раҳбариятига ахборот бериб турган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Туркистон ўлкаси Ҳарбий вазирликка буйсунгани учун, табиийки, ТИВ фақат фавқулодда ҳолатлардагина Ҳарбий вазирликка маълумотларни тақдим этган. Туркистон ўлкасининг ўзида фуқаролик бошқарувига генерал-губернатор девонхонаси раҳбарлик қилар эди, лекин ундан ташқари Туркистон ҳарбий округи Бош штаби ҳам бўлиб, унинг ҳарбий разведкаси барча маълумотлар, жумладан, Бухоро амирлиги бўйича ҳам маълумотларни тўплаш эди. Бироқ ушбу маълумотлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, фуқаролик бошқарувига тақдим этилмас эди. Бундан ташқари, Тошкентда Туркистон генерал-губернатори ҳузурида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган дипломатик амалдор ҳам бўлиб, бу девонхона лавозими ҳисобланарди. Бу амалдор махфий маълумотларга эга эмас эди, асосан, хорижий мамлакатлар – Туркистон билан чегарадош ва Шарқ мамлакатлари билан ёзишмалар олиб борарди. Шу боис Логофетнинг китоби нима учун бунчалик шов-шувга сабаб бўлгани маълум.

Бу йиғилишда энг кўп маълумотга эга киши Бухородаги сиёсий агент Лютш эди. У амирнинг даромади сир тутилиши ва расмий маълумотлар йўқлигини айтади. Лекин «шахсий имкониятлар орқали олинган ишончли» маълумотларга кўра, «бутун хонликдан олинадиган турли солиқлар Логофет ўйлашича, 18 миллион эмас, 7 394 950 рублни; жумладан, ер солиғи 9 миллион эмас, 4 909 500 рублни ташкил этади»[14]. «Агарда Амир йилига ер солиғидан ўртача 5 000 000 рубль олади деб фараз қилсак, у ҳолда бу Туркистон ўлкасининг уч маҳаллий вилоятининг тўб аҳолиси тўлайдиган миқдордан тўрт баравар зиёд, унинг устига, Бухоро аҳолиси икки марта кўпроқ»[15].

Йиғилиш баённомасидан шуни хулоса қилиш мумкинки, Бухоро амирлиги аҳолисига ғамхўрлик кўрсатиш ниқоби остида Туркистон маъмурияти Россия империясининг раҳбариятига Бухорони расмий равишда босиб олиш ва у ерда рус ҳокимиятини ўрнатишни таклиф қилар эди. Ушбу мақсадда Бухоро амирлиги армиясини кучсиз аҳволда қолдириш таклифи билдирилди. Бу армияни замонавий қурооллар билан мустаҳкамлаш, Мищенко фикрига кўра, мақсадга мувофиқ эмас эди, чунки бу армия бир кун Россия ҳукумати душманлари томонига ўтиб кетиш хавфи мавжуд эди. Шу муносабат билан йиғилишнинг кўпчилики аъзолари бу армияни «ҳеч нимага яроқсиз» деб, секин-асталик билан «йўқотиш маъқул»лигини қайд этдилар[16]. Генерал-лейтенант Кондратовичнинг фикрича, «бизга бегона ва маълум даражада душман бўлган аҳолидан таркиб топган армияга бизнинг алоқа йўлларимиз ҳимоясини топшириш ҳам нотўғри тадбир бўлади»[17].

«Бухоро иши» бўйича йиғилиш баённомаси Ҳарбий вазирлик ва Ташқи ишлар вазирлигига юборилди. Бироқ Бухоро амирлигининг Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олиниши таклифи юқори



даражада қўллаб-қувватланмади. Бундай қадам жаҳон тарихида Бухоронинг аҳамияти ва кўп асрлар давомида унинг ислом дини таянчи бўлгани боис, шарқ мамлакатлари томонидан мусулмон динига нисбатан ҳақорат деб қабул қилинишини Санкт-Петербургда яхши тушунишар эди.

Хива хонлиги ва Россия империясининг муносабатлари. Бухоро амирлигининг истилосидан сўнг Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Хива хонлигига қарши юриш бошлади. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида хоннинг қўшинлари мағлубиятга учрайди. Натижада, икки мамлакат ўртасида 1873 йилда «Гандимиён сулҳ шартномаси»¹⁰ имзоланади. Шартноманинг асоратини тушуниш учун ушбу шартноманинг баъзи бир шартларини келтириш мақсадга мувофиқ, чунки айнан шу шартнома икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини узоқ йилларга белгилаб берди.

Подшоҳ ҳазратлари амрига биноан 1873 йил 12 августда генерал адъютант фон Кауфман Хива хони билан сулҳ шартномасини имзолади, унинг мазмуни қуйидагича:

«Саид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ўзини Умумроссия императорининг итоатгўй хизматкори деб тан олади. У қўшни ҳоким ва хонлар билан ҳар қандай бевосита дўстона муносабатлар ва улар билан савдо ҳамда бошқа битимлар тузишдан воз кечади, Ўрта Осиёдаги олий рус ҳукуматининг рухсатисиз уларга қарши ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатни амалга оширмайди. Рус ерлари билан Хива ерлари чегараси бўлиб Амударё хизмат қилади. Амударёнинг ўнг соҳили ва унга чегарадош, шу пайтга қадар Хивага қарашли бўлган ерлар ва ўша ерда яшовчи ҳамда қўчманчилик қилувчи халқлар билан бирга хондан Россия ихтиёрига ўтади. Энди хон мулки ҳисобланган ўнг соҳилдаги ер ҳудудлари ва хон амалдорлари фойдаланишлари учун тўланадиган маошлар, улар билан бирга олдинги эгаларининг ҳеч бир даъволарисиз рус ҳукумати тасарруфига ўтади. Хонга улар кўрган зарарни чап соҳилдаги ерлар билан қоплаш ҳуқуқи берилади.

Агар Подшоҳнинг хоҳиши билан бу соҳилнинг бир қисми Бухоро амири ихтиёрига берилса, Хива хони уни ўзининг олдинги мулкларининг қонуний эгаси деб тан олади ва у ерда ўзининг ҳар қандай ҳокимиятини тиклаш ниятидан воз кечади.

Рус кемалари ва бошқа ҳам ҳукумат, ҳам хусусий рус кемаларига Амударё бўйлаб эркин ва истаганча сузиш ҳуқуқи берилади. Бу ҳуқуқдан Хива ва Бухоро кемалари фақат Ўрта Осиёдаги олий рус ҳокимияти рухсатига кўра фойдаланишлари мумкин.

Чап соҳилдаги зарур ва қулай деб ҳисобланган ерларда руслар ўз бандаргоҳларини қуриш ҳуқуқига эга. Хон ҳукумати ушбу



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бандаргоҳларнинг хавфсизлиги ва муҳофазаланганлиги учун жавоб беради. Банадаргоҳ учун танланган жойларнинг тасдиқланиши Ўрта Осиёдаги олий рус ҳокимиятига боғлиқ.

Ушбу бандаргоҳлардан ташқари, русларга Амударё чап соҳилида молларини қўйиш ва сақлашлари учун ўз факториялари (хорижий савдогарлар учун савдо контораси ва тураржой)га эга бўлишлари ҳуқуқи берилади. Бундай айнан Ўрта Осиёдаги рус олий ҳокимияти томонидан кўрсатилган ерларда қуриладиган факториялар учун хон ҳукумати бандаргоҳ ва дўконлар, факторияда ишловчи ва факторияга алоқадор хизматчилар учун бинолар, савдогарлик конторалари учун бинолар ва хўжалик шакллари жойлаштириш учун етарли миқдорда аҳолидан холи ер ажратиш мажбуриятини олади.

Хива хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқлари энди рус савдоси учун очик. Рус савдогарлари ва рус карвонлари бутун хонлик бўйлаб эркин юришлари мумкин ва маҳаллий ҳокимиятларининг алоҳида ҳомийлиги остидадир. Карвонлар ва омборларнинг хавфсизлиги учун хон ҳукумати жавоб беради. Хонликда савдо қилувчи рус савдогарлари закот¹¹ тўлаш ва ҳар қандай турдаги савдо мажбуриятлардан озод қилинади...

Рус савдогарларига ўз молларини Хива тасарруфидан бож тўламасдан (божсиз транзит савдоси) олиб ўтиш ҳуқуқи берилади. Рус савдогарларига, агар улар истасалар, Хивада ва хонликнинг бошқа шаҳарларида маҳаллий ҳокимиятлар билан алоқа қилишлари ва савдо ишларининг қандай бораётганлигини кузатишлари учун ўз вакилларига (карвонбошиларга) эга бўлиш ҳуқуқи тақдим қилинади.

Рус фуқароларига хонликда кўчмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқи берилади. Унга Ўрта Осиёдаги олий рус ҳокимияти билан келишувга кўра ер солиғи солинади.

Хон ҳукумати рус фуқароларининг хиваликлар устидан шикоят ва даъволарини кечиктирмасдан кўриб чиқиш мажбуриятини олади ва зудлик билан қондиради. Рус фуқаролари ва хивалик фуқаролар томонидан даъволар ажрим қилинганда, қарзларини тўлашда русларга хиваликлардан устунлик берилади. Хон ҳукумати ҳеч қачон ҳар хил россияликларни, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, бунга рус ҳукумати рухсатсиз қабул қилмайди...

Саид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг хонликдаги барча қуллар озод қилинганлиги ва одамларни умрбод қулликда сақлаш ва савдоси бекор қилиниши ҳақидаги ўтган июннинг 12 санасидаги эълон тўла ўз кучида қолади ва хон ҳукумати ўзига боғлиқ барча чоралар билан ушбу ишнинг қатъий ва сидқидилдан адо этилишини кузатиш мажбуриятини олади.



Хива хонлигига хон ҳукуматининг ўзи ва Хива халқи чиқарган охирги урушни олиб бориш учун кетган рус ғазнасининг харажатларини қоплаши учун 2 200 000 рубль миқдориди товон солинади [18].

Ушбу шартлар ҳар икки томон: бир томондан Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант фон Кауфман I, бошқа томондан Хива ҳукмдори Саид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон тарафидан белгиланди ва аниқ бажаришга ҳамда доимий равишда амал қилишга 1873 йили (ражаб оий, 1290 йилнинг 1-куни) Гандимиён боғида (Хива ёнидаги рус кўшинлари лагери) келишилди [19].

Шартномадан кўриниб турганидек, Россия империяси Хива хонлигини бутунлай итоат эттириш ва ушбу давлатнинг иқтисодий салоҳиятидан метрополия манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадини кўйган.

1873 йил 15 августда ўнг соҳилга Туркистон кўшинлари йўлга чиққанидан бошлаб бошчилик қилаётган кўшин кўмондони князь Евгений Максимилианович Романовский энди Амунинг ўнг қирғоғидан танлаган ерида истехком ўрнатиб қайта юриш бошлади. Истехкомнинг Петро-Александровский деган номини айнан у таклиф қилган эди. Юриш қатнашчиларидан бири Ф.И. Лобисевичнинг ёзишича, «хўжалик жиҳатидан Амударё отрядини жойлаштириш учун танланган ер ҳақида, бундан ортиғи бўлмайди, деса бўлади. Бу ер анча балеңликда... ва замини соғлом. Кўшин жойлашган ер дарахтлар билан қуршалган. Истехком теварак-атрофининг Шурухан шаҳридан Амударёгача деярли ҳамма ерида аҳоли истиқомат қилади. Кўшин учун керакли истеъмол молларининг катта қисми уларда бор, истехкомдан 4 чақирим нарида эса катта шурухан бозори. Шурухан яқинида жойлашишнинг яна бошқа жиҳатдан фойдали томони бор эди. Биз қайта эгаллаб олган ўлканинг бутун аҳолиси икки гуруҳга: ўтроқ ва кўчманчиларга бўлинади. Уларнинг биринчиси ва кўчманчиларнинг бир қисми, шу жумладан ата туркман уруғи Оққамиш чегарасидан Раҳаматбий бозори орқасидаги Зенгийб қишлоғигача Шурухан вилоятида тўпланган. Отряднинг, шунингдек, Амударё аҳолиси бошқарув бўлимининг Шуруханга яқин жойлашганлиги, бошида маъмурий марказнинг ўтроқ аҳолига яқинлиги шартига жавоб берар эди, Амударё ва Даукарда жамлаган кўчманчи аҳоли – қорақалпоқ ва қирғизлардан эса анча узоқда эди. Гарчи иккинчи вазият жиддий ноқулайлик туғдирса ҳам, бирини танлашга – ёки ўтроқ, ёки кўчманчи аҳолига яқин ерда бўлишга тўғри келарди.

Шурухан жойлашган ернинг афзаллиги шунда эдики, биз илк бор Амударёга ўрнашган пайтимизда Хивада нима бўлаётганини доимо кузатиш ва ўз вақтида билиш жуда муҳим эди. Шуруханнинг ўрни бу жиҳатдан энг қулай, негаки у Хивага кетаверишдаги яқин ўнг соҳилда. Танланган жойнинг муҳим аҳамияти яна шундаки, у жуда қулай ва бошқа пунктлардан кўра ҳам Сирдарё йўналишидан Амударё



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бўлимига келадиган барча хабарлар билан яхшироқ таъминлайди, ҳам Казалинскдан Аристанбелқудуқ орқали Бухорога борадиган бош карвон йўлининг хавфсизлигини қўриқлайди. Ниҳоят, иқтисодий жиҳатдан Хива хонлигининг Амунинг чап қирғоғида жойлашган Хонқа ва Янги Урганч каби савдо марказларига яқинлиги аҳамиятга эгадир. Айтиб ўтилган ҳар икки пункт ва Шурухан Шабаз-вали ҳудудлари ўртасида доимий савдо алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, Урганч ва Хонқа савдогарларининг Шурухан бозорида ўз дўкон ва омборлари бор; ўз навбатида, ўнг соҳилда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигининг чап соҳилда уйлари бор, шундай қилиб, бу ер чап соҳил билан доимий ва узилмас алоқададир» [20].

Ушбу ноёб ҳужжатдан кўриниб турганидек, махсус топшириқ олган чор офицери ўз кундаликларида Хивага юришнинг барча энг муҳим жиҳатларини қайд этган, Россиянинг бу минтақадаги асосий вазифа ва мақсадларини ҳарбийчасига анча аниқ қилиб баён қилган. Аслида ҳам шартнома қоидалари икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг моҳиятини белгилар эди. Бухоро амирлигида ҳам, Хива хонлигида ҳам ҳеч қандай дипломатик ваколатхона бўлиши кўзда тутилмаган эди. Барча Хива хонлиги билан дипломатик алоқаларга оид масалалар Амударё бўлими раҳбари зиммасига юкланган эди. Юриш гувоҳи Ф.И. Лобисевич шундай давом этади: «Ҳар икки хонлик ярим мустақилдир. Бухоро амирига ҳозирча, гарчи кўпроқ полициялик хусусиятида бўлса ҳам, 20 мингта қуроли 20 минг кишидан иборат доимий армияга эга бўлишга рухсат берилган. Хива хони эса бу ҳуқуқдан маҳрум» [21].

Қайтадан таъсис этилган Амударё бўлимининг бошлиғи қилиб полковник Иванов тайинланди. Ушбу бўлимнинг икки – Чимбой ва Шурухан қисми аҳолиси 109 585га яқин жондан иборат» [22].

Бироқ Кауфманнинг «нафси ҳакалак отиб», қўлга киритганига қаноат қилмасдан тўхтамасликка қарор қилди. «Кауфманнинг Хивани бутунлай эгаллаб олиш таклифи ташқи ишлар вазирлигида қаттиқ қаршиликка учради, вазирлик, энг аввало, хонликда вазият «у даражада кескин эмаслиги»ни эътироф этди, иккинчидан, Хиванинг ўз мустақиллигини «ҳеч бўлмаганда бизнинг ҳарбий кучимиз ёрдамида туркманларни жиловлаш учун, шаксиз, сақлаб қолиш нияти»ни асос қилиб кўрсатди. Бу ҳақида ҳарбий генерал-адъютант Милютин ўзининг 1874 йил 12-сонли хатида хабар бериб, Кауфманга қуйидагиларни ёзади: «Мен ҳам т.иш. ваз. (ГИВ – Ш.М.) фикрига қўшиламан, бизнинг Амударё бўлими доирасида тартибсизликнинг ўзи деярли умуман рўй бермаганлиги фактини беътибор қолдира олмайман. Хива хонлиги ичида юзага келувчи нотинчликлар эса ҳозирга қадар хонга қарши умумий исён ёки хиваликлар ўртасида бевосита бизнинг манфаатларимизга



дахл қиладиган ўзаро низолар тусини олмаган. Шу боис, кўп ҳолларда биз Хивага нисбатан бирмунча холис нуқтаи назардан ёндашишимиз мумкин». Сўнг Милютин, ҳатто «бизнинг чап қирғоққа вақтинчалик юришларимиз ҳам барибир биз учун Хиванинг империя тасарруфига қўшиб олиншига қараганда енгилроқ бўлади, бу эса, Сиз жаноби о-га (олийларига – Ш.М.) маълум бўлганидек, ҳукумат шакллариға зид бўлар эди» [23]. Шундай қилиб, Хива сиёсий мулоҳазаларға кўра, аниқроғи, инглиз-рус рақобати туфайли тўла забт этилмади, зеро, жаҳоннинг етакчи давлатлари Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳаракатларини диққат билан кузатиб борар эдилар. Бироқ Амударё бўлими томонидан хонликнинг ички ишларига аралашуви 1917 йилға қадар давом этди. Бунинг сабабларидан бири Хива хони ва туркман уруғ-қабила сардорларининг ўзаро муносабатлари масаласи эди. «Шундай қилиб, Хива хонини икки вазир: Горчаков ва Милютин ҳимоя қилди, Ивановға фақат туркманларни жазолашни қолдирдилар... Биз Иванов бу рухсатдан фойдаланмасдан қўймаганини ва ҳеч қандай асосли сабабсиз 1875 йил январида «нариги томонга»^{*} ҳеч бир қаршилиққа учрамасдан босқин уюштирганини кўрдик. Туркманлар, афтидан, руслар билан жанг қилишға кучлари етмаслигини тушуниб етдилар. Ва тинчиб қолдилар... Ҳарбий вазир Кауфман келтирган Ивановнинг текинликларнинг ички ишларига аралашуш зарурати ҳақидаги мулоҳазаларига жавобан, майда ўғрилиқларнинг фавқулодда ҳолат эмаслиги ва «бизға қўшни бўлган кўчманчи аҳоли орасида полицмейстерлик вазифасини зимма-мизға олишға ҳеч бир зарурат йўқ»лигини, «ҳозирда ҳукумат бундан қочиш истагида» эканлигини қайд этди (Кауфманнинг 1876 йил 23 январь Петербургдан мактублари. 47-сон иш, 12-сон ҳарбий бўлим) [24].

Хивадаги хизматлари учун Иванов 1876 йил 4 апрелда генерал лавозимига кўтарилди, лекин май ойида унга, ҳатто Хива хони орқали ҳам текинликлар билан алоқаға киришиш ман қилинди[25].

Лекин Иванов ҳеч тинчимади ва фон Кауфманға Хива хонлиги ҳудудини босиб олиш таклифи билан бир неча марта мурожаат қилди. Бу, ўз навбатида, унинг қисматини белгилади.

Кауфманнинг Хивани тўла босиб олиш таклифига ҳарбий вазир шундай жавоб берди: «Сиз жаноби олийларининг 23 март 469-сонли Амударё бўлимида, ўлкада ва Хива хонлиги ичида тинчликни сақлаш борасида қабул қилган чора-тадбирлар тўғрисидаги билдиришномангиз император ҳазрати олийларига етказилди. Бундан ташқари, бўлимнинг собиқ бошлиғи генерал-майор Ивановнинг биз бутун Хивани эгаллаб

^{*} 1873 йилда Хива юриши ва 1873 йил июнида рус қўшинларининг Хивани босиб олишидан сўнг Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман ва Хива хони Саид Муҳаммад Раҳим II томонидан имзоланган сулҳ шартномаси. Шартнома имзоланган жой — Хива хонининг ёзги қароргоҳи — Гандимийён боғи номини олди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

олишимиз ҳақидаги мулоҳазалари борасида ҳазрати олийлари бўлим бошлиғи сифатида унинг ўрнини эгаллайдиган шахсга олдинги олий буйруғини тасдиқлашини, Хивани олиш учун ҳеч қандай ҳаракатларга ва фармойишларга йўл қўйилмаслиги лозимлигини, негаки бунга ўхшаш ҳаракатлар ҳозирги вақтда император ҳазратларининг истагига бутунлай қарши бўлишини айтиб қўйишни сўрайди[26]. Замондошларининг фикрларидан кўриниб турганидек, Иванов «қуюшқондан чиқиб кетган», шу сабабли чақириб олинган. Ўрта Осиёни босиб олиниши тўғрисидаги кўп жилдли ишнинг муаллифи М.А. Терентьев рўй берган ҳодисаларга бироз истехзо билан шундай баҳо беради: «Кўлингни торт» деган бундай пўписадан сўнг, энг асосийси, Иванов алмаштирилганидан сўнг, иштаҳалар дарҳол йўқолди ва Хивадаги гўёки чидаб бўлмайдиган ҳаёт, мана ўттиз йил бўлибдики, ҳатто, муз орқали нариги томонга юришларсиз осойишта давом этяпти!

Иванов чақириб олинганидан кейин хонликдаги ишлар ҳам юришиб кетди, негаки, Сари соқолнинг (ёки Сариқ соқол – Ивановни ерлик аҳоли шундай атар эди) Кауфманнинг кенг ваколатлари ва ишончига таянган такаббурилиги эзиб ташлаган хон ҳукумати дарҳол қаддини ростлаб олди. Ивановнинг ўрнига келганлар Подшоҳнинг итоат этилиши шарт бўлган хоҳиши боис, энди хонга илгаригидек буйруқ оҳангида муомалада бўла олмас эдилар, бу эса ўша заҳотиёқ амалдорлар томонидан пайқалди ва халқ орасига ҳам чиқиб кетди» [27].

Россия империяси томонидан Хива устидан протекторат ўрнатилганидан сўнг хонлик ҳаёти ўзининг ички қонунилари билан давом этди. Ички ихтилофлар ва турли гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш янги босқичга ўтди ва Амударё бўлими раҳбарияти томонидан тартибга солинишига сабаб бўлди. Бироқ бу алоҳида тадқиқот мавзуси.

Россия воқелиги билан солиштириш имкониятидан фойдаланиб, баъзи ҳукмрон гуруҳларининг Хива хонлигида ижобий ислоҳотлар қилишга интилишларини кўрсатиб ўтиш лозим. Бунинг учун Петербург ва пойтахт Тошкентга ва Туркистон генерал-губернаторлигига бир неча делегациялар юборилди.

1900 йили Петербургга Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг ўғли (1864–1910) Саид Исфандиёр тўра делегацияси ташриф буюрди. Делегация таркибида қуйидаги амалдорлар: Хусаинбек, Муҳаммад Вафо, Ислон Хўжа ва Омонкелди бор эди[28]. Саид Исфандиёр император Николай II билан учрашиш «шарафига нойил бўлган» эди, у орқали Хива хонининг шахсий мактуби йўлланган эди. Саид Исфандиёр тўра¹² биринчи даражали Авлиё Анна ордени билан тақдирланган.

Элчилар делегацияси Петербургнинг турли диққатга сазовор жойларига, ишлаб чиқариш ва ҳарбий объектларига: мануфактуралар,



театрлар ва ҳарбий дарсларга ташриф буюриш имкониятига эга бўлди[29]. Барча объектлар делегация аъзоларида чуқур таассурот қолдирди.

1901 йили Хива хонлигининг Исфандиёр тўра бошчилигидаги элчилар делегацияси Туркистон генерал-губернатори лавозимига тайинланган Ивановни табриклаш мақсадида Тошкентга келди. Тўра Хива хонлиги ва Россия империяси ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш истагини билдиради[30].

Қизиғи шундаки, Россия империяси раҳбарияти, икки хонликнинг протекторатлар сифатидаги мақомига қарамасдан, дипломатик протоколга риоя қилди ҳамда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги элчиларини ушбу халқаро талабларга мувофиқ кутиб олди.

Шу тариқа 1910 йил 24 июнда Хива хонлигининг бош вазири Ислонхўжа раҳбарлигида элчилар делегацияси Тошкентга Туркистон генерал-губернатори Самсонов билан учрашгани келди.

Элчилар делегацияси Тошкентга алоҳида вагонда келди ва телеграмма орқали бу делегациянинг келишидан огоҳлантирилганлиги сабабли унга вокзалда Туркистон ўлкаси раҳбарияти вакиллари: Михайлов ҳарбий округи штаби бошлиғи вакили, дипломатик маъмур Калмиков, Тошкент шаҳар бошлиғи, шаҳар бош полицмейстери ва бошқалар пешвоз чиқдилар. Делегацияни кутиб олиш маросими ҳарбий оркестр садолари остида ўтди. Элчилар «Гранд отел»га жойлаштирилди. 28 июнь куни Туркистон генерал-губернатори Самсонов делегация аъзоларини ўз қароргоҳига тантанали нонуштага таклиф қилди. Нонуштага 1-Туркистон корпуси кўмондони, Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бошлиғи, дипломатик ваколатхоналар вакиллари ва бошқа юксак мартабали амалдорлар ташриф буюрди[31]. Делегация аъзоларига қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

Хива делегацияси ташрифининг асосий мақсади Туркистон генерал-губернаторлигини Хивада ижобий ислохотлар режалаштирилаётгани, улар сирасида саноат корхоналари қуриш, савдо алоқаларини мустаҳкамлаш нияти бор эканлигидан хабардор қилиш эди. Делегация ташрифининг асосий мақсадларидан бири маҳаллий раҳбар Саид Исфандиёрни тахтга тайинлаш масаласини ҳал қилиш эди. Маҳаллий раҳбар номзоди Россия империяси юқори раҳбарияти томонидан маъқулланди ва бу ҳақида делегация аъзоларига маълум қилинди.

Юқорида барча айтилганларга қарамасдан, шуни қайд этиш лозимки, Хива Хонлигининг Россия империясига тўла қўшиб олиниши ғояси XX аср бошларида, «Шарқ Уйғониши» сабабли ва Ҳиндистон, Миср, Эрон ва бошқа мамлакатларда мустамлакачиликка қарши ҳаракатларнинг кучайиши билан боғлиқ равишда юксак даражада қайтадан муҳокама қилина бошлади. Чор ҳукуматининг ушбу ҳаракат олдидаги



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қўрқуви Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мақомини турли даражада, шу жумладан Ташқи ишлар вазирлигида, ҳарбий идорада ва Туркистон ўлка бошқармасида кўп марта муҳокама қилинишига олиб келди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, XIX асрнинг 70-йилларидаёқ Амударё бўлимининг бошлиғи Иванов бир неча марта Туркистон генерал-губернатори олдига Хива хонлиги мустақиллигини бекор қилиш масаласини кўйган. Бироқ Хивада юзага келган аҳволни сақлаб қолишни афзал деб ҳисоблаган Россия ТИВ мазкур таклифни рад этади. Бироқ Туркистон ҳарбий маъмурияти сира Хиванинг вассал ҳолатига кўниккиси келмас, уни нима қилиб бўлмасин Россияга кўшиб олинишига эришмоқчи эди. Бир далил. 1892 йили полковник Стеткевич ўзининг «Хива хонлигининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳозирги ҳолати» номли Туркистон генерал-губернаторига йўллаган мактубида очиқчасига Хиванинг Россия таркибига кўшиб олиш масаласини кўяди. У шундай ёзади: «Агар Хива Россияга кўшиб олинса, алоҳида русларга қарши норозилик ҳаракати бўлмайди, зеро, Хива аҳолисининг барча табақалари орасида мусулмон мутаассиблиги нисбатан кучсиздир ва русларга нисбатан душманлик мутлақо сезилмайди». Бироқ генерал-губернатор Вревский бу ва шунга ўхшаш таклифларни қатъий рад этди.

Гап шунда эдики, Петербургдаги чор ҳукумати вакиллари, шу жумладан ҳарбий вазир ҳам Хива хонлигига Россия империяси губернияси, хонга эса губернатор сифатида қарар эдилар. Бироқ Туркистон ҳарбий маъмуралини Хивани кўшиб олиш фикри тинч қўймас эди. Шу тариқа 1904 йил 2 декабрда Туркистон генерал-губернаторининг кенгаши бўлиб ўтди, унда марказий ҳукумат олдига Хива ва Бухорони Россияга кўшиб олиш ҳақидаги масалани кўйишга қарор қилинди[32]. Бироқ ТИВ бошқа сабаблар билан бир қаторда, афтидан, Узоқ Шарқдаги муваффақиятсизликлар боис бу сафар ҳам қаршилик билдирди.

Мазкур масала 1909 йилда икки кенгашда – 2 ва 3 февралда генерал-губернатор Мищенко томонидан ва 10–11 августда янги генерал-губернатор Самсонов томонидан муҳокама қилинди. Август кенгашида Хива хонлигида «Амударё бўлими бошлиғи ёрдамчиси ҳуқуқига эга бўлган» рус вакили лавозимини таъсис этишга қарор қилинди.

1909 йил 14 сентябрда ушбу қарор тўғрисида Ҳарбий вазирлик бош штабига маълум қилиб Самсонов шундай ёзади: «бу каби чора (айтиб ўтилган лавозимнинг таъсис қилиниши)» орқали вакилимизнинг ҳеч ҳам мустақил ҳукмдор қўл остида дипломатик вакил вазифасини бажариш мақсади кўзда тутилмаётгани, унинг замирида фақатгина ўлкани умумий бошқарувига кўмаклашиш мақсади ётгани аниқ эди... Менинг назаримда, бундай режа эътироз уйғотмайди, негаки мазкур ҳолатда хоннинг мавқеи анча тўғри белгиланади, унга ўлкада мавжуд ҳокимиятга бўйсунувчи раҳбар тайинланади. Бизнинг вакил, – давом



этади Самсонов, – хонлик ҳудудига келаётган рус фуқаролари устидан назорат қилар экан, албатта, умумий вазият тўғрисида ҳам анча аниқ маълумотлар бера олган ва шу тариқа ҳозирги пайтда хабарлар олинаётган унча ишончли бўлмаган манбаларнинг ўрнини босган бўлар эди»[33].

Август кенгашининг кўрсатиб ўтилган қарорига жавобан Тошкентда ТИВ томонидан 1910 йил 19 январда махсус ҳужжат тайёрлашиб, унда шундай дейилади: «Ҳолати... Бухоро ҳолатидан сезиларли даражада фарқ қиладиган Хива хонлиги тўғрисидаги масалада ТИВ Тошкентда қабул қилинган қарорга (яъни, Хива хонлигида рус вакили таъсис қилинишга) тўла қўшилади ва фақат шуни айтишни лозим кўрадики, ўзига келадиган бўлса, мазкур Ўрта Осиё хонлигига нисбатан статус – қвони имкон қадар узоқроқ сақлаш керак деган фикрда[34]», яъни муайян вақт оралиғида уни эгаллаб олишдан тийилиб туриш лозим деб ҳисоблайди. Тошкент кенгашларининг қарори ва ТИВнинг уларга расмий муносабати Хива масаласига катта сиёсий мазмун бахш этди ва унинг зудлик билан ҳал қилиниши заруратини кўндаланг қўйди. Шу боис, 1910 йил 28 январда Вазирлар Кенгашида П.П.Столипин раислигида Махсус маслаҳат мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу кенгашда Тошкент кенгашлари ва ТИВ ҳужжати муҳокама қилинди. Қизгин баҳс натижасида Самсоновни ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Кенгашда Вазирлар Кенгаши раиси Столипин катта нутқ сўзлаб, умуман олганда, Хиванинг Россияга қўшиб олиниши тўғрисидаги таклифга қўшилди. Бироқ, айтилган пайтда, бу масалани кўзгашга ҳали эрта эканлиги, қўшиб олишдан аввал ҳар икки хонликда ислохотлар ўтказилиши лозимлиги ва шу орқали уларни империя таркибига киритишга тайёрлаш кераклигини уқтирди. «Акс ҳолда, – деди Столипин, – улардаги ислохотларни чор ҳукумати ўтказиши керак бўлади, бу эса анча катта харажатларни талаб қилади». Умуман олганда, Столипин кенгаш иштирокчиларини Россияни «таърифлаб бўлмайдиган катта қурбон»лардан халос қилишга чақирди ва хонликни Россияга қўшиб олишни муайян муддатга орқага суришни таклиф қилди[35]. Махсус кенгаш материаллари шундан далолат берадики, аслида, генерал-губернатор ҳам, Столипин бошчилигидаги вазирлар ҳам Хива хонлигининг номигагина мустақиллигини бекор қилиш тарафдори эдилар, уларнинг фикрларидаги келишмовчилик фақат вақтга тегишли эди. Туркистон генерал-губернатори ҳозирнинг ўзидаёқ зудлик билан босиб олишни талаб қилар, чор вазирлари, шу жумладан Столипин ҳам кутиш тактикасини қўллаб-қувватлар эди. Мамлакат олий раҳбарияти даражасида мазкур қарорлар Николай II томонидан маъқулланиши мўлжал Хива ва Бухорога нисбатан уларнинг сохта мустақиллигини вақтинча сақлаб туришга қаратилганини аниқлар эди.

1909 йилги Тошкент кенгашларига қайтиб, уларда ҳадялар тўғрисидаги



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

масала ҳам кўриб чиқилганлигини қайд этиш лозим. Гап шундаки, XIX асрнинг 70-йилларидаёқ «Бухоро ва Хива ҳукмдорлари томонидан рус маъмуриятига ҳадялар бериш» одат тусини олган эди. Кенгаш бир овоздан рус офицерлари ва амалдорларининг Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ҳамда амалдорларидан ҳадялар олишини ман қилиш тўғрисидаги қарорни маъқуллади, негаки, мазкур удум у ёки бу чор амалдорини сотиб олишни англатар, мулоҳаза ва ҳаракатларининг мустақиллигига таъсир кўрсатар ҳамда жамоатчилик назарида унинг номини қора қилиб кўяр эди.

Россия империяси бош вазирларининг Ўрта Осиё истилоси қай тарзда кечгани ва қайта босиб олинган мамлакатлар билан муносабатлар қандай ўрнатилганлиги ҳақида батафсил маълумот берувчи қундаликлари ва бошқа оригинал манба ҳамда эсдаликлари нашр қилинган. Мана, бўлиб ўтган ҳодисаларнинг юқоридаги жараёнларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган тадқиқотда келтирилган бир намунаси.

«Кауфманнинг Амударё бўлими раҳбари Ивановга жавоб хатида унинг Хивани Россия империясига тўла қўшиб олиш тақлифи муносабати билан куйидаги эътирофи бор. «Эслатиб ўтамиз, 1875–1876 йиллар (хато кетган, 1865–1866 йиллар назарда тутилмоқда – Ш.М.) князь Горчаков томонидан эълон қилинган «ҳаракатлар эркинлиги» ёки «жиловини эркин қўйиш» сиёсати даври эди. Черняев Тошкентни, Абрамов Янгикўрғонни, машҳур Невелский Аму ёқасини (1850 йил июнь – Ш.М.) ҳеч қандай рухсатсиз ва бутунлай ўзибилармонларча босиб олди ва хўш, нима бўлди? Бири бриллиант ишпага билан тақдирланди, бошқасининг лавозими кўтарилди, Невелскийга эса ҳайкал ўрнатилди! Буюк Суворовни ҳам судга топширмоқчи бўлган эдилар, бироқ буюк Екатерина «ғолибларни суд қилмайдилар» деб ўзининг содиқ қулини мукофотлади. Инглизлар ҳам кўп нарсаларга шахсий тадбиркорликлари орқасидан эришганлар, бизнинг бундай ҳуқуқимизни эса тан олишни истамайдилар»[36].

Инглизлар Хиванинг босиб олинишини қандай баҳолаганликлари муносабати билан қизиқарли фикрлар келтирилади: «Туркия билан урушга отланган ва ҳали Англия ўзини қандай тутишини билмай туриб, ҳукуматимиз, албатта, ўзининг ишини мураккаблаштирмоқчи ва Англиянинг норозилигига баҳона чиқармоқчи эмаслиги табиий. Шунингдек, Милютиннинг ҳозирги вақтда подшоҳнинг турлари ҳақидаги фикрлари ҳам тушунарли...»[37].

«Инглиз газеталарида биз томонимиздан Амударёнинг ўнг соҳили босиб олиниши борасидаги барча бўлмағур гапларни келтириб ўтишга ҳожат борми? Инглиз дипломатларининг ўша кезлардаги рус элчиси граф Шуваловнинг қандайдир ваъдаларига таянган кинояли саволлари, кескин танқидий ноталари бизнинг ташқи ишлар вазиримизнинг ҳиқилдоғига келди. Ниҳоят шу нарса маълум бўлдики, Шувалов, хавотирга тушган дўкондорларни тинчйтиш учун, уларга биз Хивада



қолмаймиз: жазолаймиз ва кетамиз, деган экан. Лекин биз шундай қилдик ҳам: Хиванинг ўзида қолмадик, итоатсиз хонни тахтига қайта тикладик, ундан контрибуция ундирдик, унга Петро-Александровскийда Амударё отряди кўринишида қоровул қўйдик ва уни тарбиялаш учун Иванов киёфасида амаки тайинладик. Зафарли урушнинг оддий натижаларини инглизлар Россияга муносиб кўра олмайдилар!» [38]

Ўрта Осиё масаласида Россия империяси ҳарбий вазири Д.А. Милютиннинг ҳам ўрни катта бўлган. Унинг ташаббуси билан, ташқи ишлар вазири А.М. Горчаковнинг қаршилигига қарамасдан, 1864 йили Ўрта Осиёда бошида Оренбург ва Сибирь йўналишларининг қўшиб олинмишида намоён бўлган фаол ҳарбий ҳаракатлар бошланади.

Бутун Ўрта Осиёнинг қўшиб олинмиши даври мобайнида Д.А. Милютин Англия билан муносабатларнинг ёмонлашувидан қўрққан, шунингдек, ушбу ҳудудда мустамлака экспансиясига интилган князь А.М. Горчаковнинг кучли қаршилигини енгишига тўғри келди. Лондондаги рус элчиси барон Бруновнинг Ўрта Осиёдаги ҳаракатлар борасидаги ташвишини билдирган депешаси (хабари) муносабати билан ўзининг Ташқи ишлар вазирлигига мактубида Д.А.Милютин шундай ёзади: «...бизнинг ҳар қандай олға ҳаракатимиз борасида инглиз вазирларидан узр сўрашга ҳожат йўқ. Улар бизнинг олдимизда бутун подшоҳликларни забт этишдан, бегона шаҳар ва ороларни босиб олишдан сира хижолат чекмайдилар ва биз улардан нимага бундай қилаётганларини сўрамаймиз...»[39].

Шу тарзда, Ўрта Осиё эгалланганидан ва 1876 йилда Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинганидан сўнг, бутун дипломатик фаолият алоҳида ваколатлар, жумладан, қўшни давлатларга уруш эълон қилиш ёки улар билан сулҳ тузиш ҳуқуқлари берилганлиги сабабли, биринчи Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман қўлига ўтди(1867–1882).

1875 йилдан Бухорода дипломатик амалдор лавозими таъсис қилиниб, у ушбу вазифани, асосан, Россия империяси Ташқи ишлар вазирлигига ахборот етаказиб 1917 йилга қадар адо этди. Хива хонлигида шунга ўхшаш лавозим таъсис қилинмаган эди. Хонлик билан алоқа, асосан, Амударё бўлими бошлиғи орқали бўлар эди, у ўз лавозимининг хусусиятидан келиб чиқиб, асосан, ТИВга хабар берар эди. Туркистон генерал-губернаторлари, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, умуман олганда, хонликдаги вазият ҳақида маълумотга эга эмас эдилар. 1882 йилдан сўнг, яъни фон Кауфман вафот этгач, идоралараро тарқоқлик ва Россиянинг мураккаб бюрократия машинаси асосий муаммога айланади. Туркистон генерал-губернаторлиги 1867 йил ташкил қилинган вақтдан бошлаб Ҳарбий идорага бўйсунар эди, Россия давлатининг бошқа ҳудудлари эса ТИВ ихтиёрида эди. 1917 йилга қадар ҳукумат даражасида Ҳарбий идоралар,



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ИИВ ва ТИВ ўртасида Ўрта Осиёда ўз манфаатларини лоббилаш (ўз манфаатлари йўлида ҳукумат қарорларига таъсир ўтказиш) борасида мунтазам идоралараро кураш кетар ва чалкашлик ҳукмрон эди, бу эса, умуман олганда, минтақанинг ривожланиши учун ижобий натижаларга олиб келмас эди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан протекторатнинг сақлаб қолиниши ва Россия империяси томонидан ушбу ҳудудларнинг тўла босиб олинишидан воз кечилиши минтақада инглиз-рус рақобати жараёнидаги мажбурий сиёсат эди. Ушбу хонликлардан Тошкент ва Санкт-Петербургга элчилик делегациялари 1917 йилга қадар «дипломатик муносабатларни йўлга қўйиш»нинг индикатори эди ва жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг «юзини сақлаб қолиш» имконини берар эди. Табиийки, ҳаммаси анча мураккаброқ эди. Бироқ, биринчи навбатда, Россия империяси учун «тараққий этган» давлат имижини муҳим аҳамиятга эга эди.

Хулоса қилиб айтганда, Россиянинг Ўрта Осиёга фаол босқини чор ҳукуматининг экспансионистик интилишлари натижаси эди. Ўрта Осиёнинг босиб олиниши Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топишига, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан протекторат ўрнатилишига олиб келди. Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива бирор-бир ташқи сиёсий алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. Улар амалда Россия империясининг Буюк Британияга қарши курашида геоиқтисодий ва геосиёсий манфаатларига хизмат қилувчи плацдарм эдилар.

* * *

Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг катта қисми босиб олиниши ва Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигининг Россияга тўла вассал қарам бўлиши натижасида нафақат ушбу давлат тузилмаларининг ташқи дунё билан сиёсий-дипломатик алоқаларига чек қўйилди, балки қўшни давлатлар билан ҳам мавжуд бўлган хўжалик алоқалари кескин издан чиқарилди ва мустамлака ҳокимиятининг бевосита назорати остига олинди.

Ўрта Осиёнинг Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Усманийлар Туркияси билан бўлган анъанавий ва барқарор савдо-иқтисодий алоқалари эндиликда фақат Россия империяси доирасида ёки назорати остида, Россия тадбиркор доиралари ва ўсиб бораётган саноат манфаатлари йўлида амалга оширилар эди. Айнан шу мақсадда минтақанинг транспорт-коммуникацион инфраструктурасини ривожлантириш, авваламбор, темир йўлларнинг қурилиши, анъанавий карвон йўллари устидан назоратни кучайтириш, банк тизимини яратиш, пахтачилик ва пахта тозалаш заводларини ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Россия



Шарқнинг қўшни давлатларига катта миқдорда мануфактура, фарфор идишлар, қурилиш материаллари, саноат моллари ва бошқаларни олиб кирар эди. Туркистон ўлкаси, кейинчалик эса Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги (1895 йил)нинг Россиянинг ягона божхона тизимига киритилиши Ўрта Осиёнинг метрополиядан савдо-иқтисодий қарамлигини кескин кучайтирди, чунки минтақа Россиядан келтириладиган маҳсулотлар учун ички бозорга айланди.

Бухоро ва Хива хонликлари Эрон билан бевосита чегарага эга бўлмагани туфайли барча савдо алоқалари Россия империяси Каспий-орти вилояти орқали олиб борилган: 1) бир томонлама Эрон, бошқа томонлама Хива ва Россия Красноводск уездининг Қорақалъа приставлиги; 2) Россия ва Хуросон ўртасида бир томондан, иккинчи томондан Хива билан Ашхобод орқали; 3) Хуросон билан Бухоро, Хива ва Туркистон ўртасида Атек приставлиги орқали; 4) Эрон билан Хива ва Бухоро ўртасида Тежен уезди Сарах приставлиги ва Марв уезди орқали[51]. Ўрта Осиё ерларининг Россия империяси ягона божхона тизимига киритилганидан сўнг савдо алоқалари янада кучли назорат остига олинади, ягона божхона тизимининг ўрнатилишидан мақсад минтақа ички бозорларига хорижий маҳсулотларнинг киришининг олдини олишдан иборат эди. Шундай қилиб, рус колониал ҳокимиятининг протекционистик сиёсати натижасида Ўрта Осиёга Эрон ва Афғонистон орқали хориж маҳсулотлари кириб келиши қисқариб кетди. Шунга қармасдан, Бухоро бозорларида маҳаллий ипак матолар билан бирга Хитой матолари, Европа товарларини кам миқдорда бўлса ҳам кўриш мумкин эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон савдо муносабатлари рус-ҳинд алоқаларига бўйсундирилди. XIX аср охирида ҳам Ўрта Осиёнинг савдо марказлари – Бухоро, Қўқон ва Тошкент савдо аҳамиятини сақлаб қолган. Айниқса, Ўрта Осиё савдо ҳаётида Бухоро муҳим роль ўйнаган, бунга унинг қулай географик жойлашуви сабаб бўлган. Бу ҳақда 1870 йилда Л.Костенко ёзишича, Бухоро савдо йўллари марказида жойлашган ва бу йўлдан Осиёнинг шарқий ва жанубий қисмлари билан алоқа ўрнатган [67]. Бухоро турли мамлакатлардан олиб келинган товарлар тўпланадиган жой бўлган. Бухорода йирик карвонсаройлар мавжуд эди, жумладан, фақат ҳинд чойи олиб келинадиган 6 та карвонсарой бўлган.

1888 йилдан Ўрта Осиёга Ҳиндистон товарлари Бендер-Аббос ва Машҳад орқали ёки Батуми ва Красноводск орқали олиб келинган. Аммо, бу даврда Закаспий темир йўлининг солиқлари кўп бўлгани туфайли Ўрта Осиёга Ҳиндистондан маҳсулотлар олиб кириш кескин камайган [69]. Бухоро амирлигининг умумий божхона тизимига киритилиши билан аҳвол бутунлай ўзгарди. Аввал Бухоро Туркистон учун инглиз-ҳинд маҳсулотларининг марказий бозори бўлиб хизмат



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қилган бўлса, 1894 йилда Туркистонга Шанхайдан чой олиб келина бошлади ва чой савдосини рус фирмалари ўз қўлига олди. Бухоронинг савдо-иқтисодий аҳамияти рус савдоси учун камайиб кетди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Россияга Хитой экспортининг асосий маҳсулоти чой бўлиб қолаверди. Бунда Хитойга рус экспортининг 75%и Шиньжонга тўғри келар ва у Ўрта Осиё орқали амалга оширилар эди. Шарқий Сибирдаги Кяхта орқали маҳсулотларни етказиб бериш жуда қимматга тушар эди, шундай бўлса-да, Россия стратегик сабабларга кўра бу савдони сақлаб қолганди, чунки у Шарқий Сибирни ривожлантиришнинг муҳим шарти эди. XIX асрнинг охирида Россия Фарғона водийси орқали Хитойга керосин ва бошқа ёқилги материалларини олиб кирган бўлиб, улар тезда Хитой бозорини эгаллаб олган эди. Россиянинг Ўрта Осиё орқали Хитойнинг ғарбий ҳудудлари билан фаол савдоси ҳажми ва даромади жиҳатидан жуда катта эди ва Сибирь тракти бўйлаб қуруқликда олиб борилган савдодан анча илгарилаб кетган эди.

Шу тариқа Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг сиёсий жиҳатдан Россия империясига қарам этилиши тез орада иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз мавқеини йўқотишига олиб келди. Бухоро, Хива пул ва бож тизими Россияга бўйсундирилгач, метрополия Бухоро ва Хива бозорларида яккахукмрон бўлиб қолди. Бу эса, ўз навбатида, қадимги савдо марказларидан бири бўлган Бухоро ва Хиванинг ички алоқаларига путур етказиш билан бир қаторда, уни ташқи савдода Шарқ ва Ғарб давлатларидан яққалатиб қўйди. Ўрта Осиё Россия иқтисодиёти тизими доирасида чекланиб қолди, ваҳоланки, минтақанинг транспорт инфратузилмаси ва унинг транзит салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари жуда катта эди.

5.2. Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР РСФСР ва Совет Иттифоқи халқаро алоқаларида

Октябрь тўнтариши амалга оширилганлиги натижасида Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил қилиниши большевикларнинг «жаҳон инқилоби экспорти» бўйича стратегиясида муҳим аҳамиятга эга эди. Совет ҳукуматининг бундай ҳужумкорлик сиёсати Афғонистон ва Британия мустамлакаси Ҳиндистон, Эрон ва Қашқарга нисбатан намоён бўлди.

1918–1920 йилларда Ғарбга жаҳон инқилобини ёйиш имкониятини туғдирган радикал-коммунистик сурур хисси пасая бошлаган шароитда Л.Д. Троцкий¹³ томонидан илгари сурилган «Шарққа томон юз буриш» ғояси режалаштирилди. У жаҳон инқилобининг шарқий фронтини



очишга ва, биринчи навбатда, Афғонистон орқали Ҳиндистонда Британияга қарши қудратли норозилик ҳаракатлари уюштиришга чақирди. «Энг яхшиси, жаҳон капитализми биноси остига минани Шарқда, Европа давлатларининг мустамлакалари ёки ярим мустамлакаларида қўйиш керак», дея таъкидлайди Л. Троцкий. Ушбу ғоя бутун большевиклар раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди ва Москвада: «Париж ва Лондонга йўл Афғонистоннинг шаҳарлари ҳамда Панжоб ва Бенгалия орқали ётади», деган фикрга келинди. 1920 йилда Лениннинг илтимосига кўра, ҳинд-афғон чегарасида яшовчи пуштун қабилалари тўғрисида кенг қамровли маълумотнома ҳамда Афғонистон ва шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг махсус харитаси тайёрланди.

Айнан шу мақсадда бу даврда Бухоро ва Хива хонликлари Ташқи ишлари ва сиёсий ишлари бўйича Комиссариат тузилиб, унга сўл социал-инқилобчилардан* бошида Х.Э. Кримов, кейин П.А. Домогатский бошчилик қилдилар. 1918 йил май ойидан Туркистон Республикаси ТИХК ўзининг қизғин фаолиятини бошлади. «Россия Федерацияси Туркистон Республикаси ташқи ишлари бўйича Комиссариати тўғрисида низом» ишлаб чиқилиши шу даврга тўғри келади. Туркистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти РСФСР ҳукумати томонидан қонунийлаштирилган ва у томонидан тартибга солинар эди. Халқ Комиссарлари Кенгаши (ХХК), Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ) ва ТАССР ТИХКнинг Туркистон билан чегарадош давлатлар ҳукуматлари, хорижий вакиллар ва фуқаролар билан ўзаро муносабатлар амалда Депутатлар кенгаши (Совдеплар), Инқилобий қўмиталар (Ревкомлар) ва бошқа совет ташкилотлари шуғулланар эдилар.

Чегарадош Шарқ мамлакатларига нисбатан Москванинг «жаҳон инқилоби экспорти» сиёсати доирасида Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси (ВЦИК), Туркистон ишлари бўйича РСФСР Халқ комиссарлари кенгаши ва Россия Коммунистик партиясининг (большевиклар) Марказий қўмитасининг Махсус комиссияси (Турккомиссия) тузилди. 1919 йилда Турккомиссия Тошкентга келади ва Туркистон Республикаси ташқи ишлар Комиссариати тарқатиб юборилади, унинг шахсий таркиби ва мулк янги келган Комиссия ихтиёрига ўтади. Турккомиссия қошида РСФСР ТИХК вакиллиги бўлган ташқи алоқалар бўлими ташкил қилинади. Туркистон Республикаси ташқи ишлар Комиссариати тарқатилганидан сўнг, Туркистоннинг барча шахс ҳамда муассасалари Туркистонга чегарадош барча ҳокимият ва муассасалар билан фақат

* Сўл социалист инқилобчи байналмилалчилар партияси (ёки сўл эсерлар) – 1917–1923 йиллардаги Россия сиёсий партияси. Биринчи жаҳон уруши йилларида Социалист инқилобчилар сиёсий партиясининг сўл қаноти (эсерлар) сифатида туғилган (1917 йил ноябрь–декабрь ойларида партия таркибидан чиққан).



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

БМИҚ бўлими ва Туркистон ишлари бўйича РСФСР ХКК орқали алоқа қилишлари мумкин эди. 1919 йил ноябрь оyi бошларида РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссариати ўринбосари Тошкентга юборган телеграммасида «ТуркМИҚга *фақат Марказ билан келишган ҳолда* вакиллар жўнатиш ҳуқуқи берилиши»ни таъкидлади.

Большевикларнинг Шарққа «жаҳон инқилоби экспорти» бўйича стратегиясида Турккомиссияишига жиддий таъсир кўрсатган «Коминтерн» фаолияти катта ўрин тутди. III Интернационал ташкил қилинган вақтдан бошлаб то тарқатилгунига қадар Тошкент ва Кобул орқали Москва билан Ҳиндистон миллатчилиги ва коммунистик ташкилотлари ўртасида алоқа амалга оширилди. Мазкур фаолият Ҳиндистонга нисбатан «Катта ўйин»нинг ажралмас қисми эди ва бунга тўғридан-тўғри 1920 йилда Коминтерн вакили М. Бородин ва «Ҳиндистон чегараларида ҳарбий операциялар режаси»ни ишлаб чиққан ҳинд инқилобчиси М.Н. Рой бошчилигида Тошкентга ҳарбий-сиёсий миссия юборилиши воқеасини киритиш мумкин. Ушбу режага мувофиқ «темир йўллари, телеграф ва телефон тармоқларини йўқ қилиш, кўприкларни портлатиш ва ҳ.к. ҳамда шу йўл билан ҳарбий кучларни зудлик билан сафарбар этилишини тўхтатиш» мақсадида пуштун қабилалари ҳудудидаги маҳаллий инқилобчи гуруҳларга кўп сонли қурол ва портлаткичлар етказиш зарур эди. Ҳиндистондаги Британия қўшинларининг орта турган қўшимча қисмларини тарқатиб юбориш учун, шунингдек, мустамлака армия ҳинд қўшинларининг умумий иш ташлаши ва исёнини уюштириш кўзда тутилган эди. Кўрсатилган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг, Афғонистондан Панжобга, энг аввало, пуштунлардан сараланган замонавий қуроллар (артиллерия, пулемётлар) билан таъминланган 25 минг кишилик армия бостириб кириши керак эди. Шу тариқа большевиклар раҳбарияти «афғон йўлагига» Британияга қарши фаолиятни йўлга қўйишга биринчи даражали эътибор қаратар эди. М. Бородин, афғидан, «Афғонистонда ҳинд инқилобий асосини яратиш» бўйича барча режаларнинг барбод бўлиши муқаррарлигини кўра билган шекилли, Кобулдаги совет ваколатли вакили лавозимидан воз кечади.

Коминтерн мавжудлиги вақтида афғон пойтахтидаги барча совет элчилари махфий равишда ушбу халқаро ташкилотнинг вакиллари эдилар. Ҳатто РСФСРнинг Кобулдаги биринчи ваколатли вакили партиясиз бўлган Н.З. Бравин Афғонистонда Коминтерн топшириқларини бажарар эди. Бу собиқ чор дипломати инқилобни Афғонистон орқали Ҳиндистонга экспорт қилиш ғоясини Марказий Осиёдаги «катта ўйин»нинг навбатдаги қисми сифатида қабул қилди. Ўзининг ТИХКга хатларида у шундай ёзди: «Россия тарихи унинг Шарққа, жумладан, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга нисбатан тийиқсиз интилишини кўрсатади.



Чор Россиясини Ҳиндистонга азалий қисмати жалб қилган, у Совет Россиясини ҳам жалб қилмоқда. Айнан Ҳиндистонда дунё масалалари ҳал қилиниши лозим, улар эса Россия ва Англиянинг ўзаро тўқнашуви билан яқунланади»[8, л. 53]. Бравин Ҳинд-афғон чегарасида пуштун қабилаларининг умумий қуроли исёнини уюштиришнинг ашаддий тарафдори эди. Унинг фикрига кўра, «...Шарққа ёки аниқроғи, Ҳиндистонга Афғонистонда эмас [...], фақат инглиз-афғон чегарасида, ўша ердаги ҳарбий қабилалари ёрдамида дов тикиш лозим» эди¹⁴ [8, б. 57]. Бир сўз билан айтганда, Н.З. Бравиннинг тактика масалаларидаги қарашлари Коминтерннинг большевиклар раҳбарияти нуқтаи назарига мос келар эди. Мазкур вазият, афтидан, у «пролетариатдан чиқмаган бўлса ҳам» Совет Россиясининг Кобулдаги биринчи вакили бўлишига имкон берган.

1919 йилда Афғонистонда ҳокимиятга амир Омонуллахоннинг келиши Афғонистоннинг Совет Россияси билан алоқалари ривожда янги босқични бошлаб берди. Афғонистон мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги хабар ва РСФСР билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш таклифи билан Москвага фавқулудда элчилик йўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1919 йил 7 апрелда Омонуллахон Россия раҳбарларига мурожаатини имзолади. Ушбу мурожаат ва Ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзининг РСФСР халқ комиссари Г.В. Чичеринга йўлланган мактубини афғон чегара ҳукумати Термиз Депутатлар кенгашига (Совдепига) етказди, сўнг у Тошкентга жўнатилди. Орадан кўп ўтмасдан РСФСР ҳукумати Афғонистон мустақиллигини тан олганлиги ва кечиктирмасдан у билан дипломатик ваколатхоналар алмашинувига тайёрлигини билдирди. Шу боис 1919 йил декабрда Афғонистон пойтахтига етиб келган РСФСРнинг Афғонистон ва унга чегарадош мамалакатлардаги расмий вакили Я.З. Суриц энг муҳим масалалардан бири – Ҳиндистон шимоли-ғарбида Британияга қаршилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масаласини ҳал қилишга киришишга муваффақ бўлди.

Я.З. Сурицнинг Москвага етказган хабарларига кўра, у Ҳиндистонда инқилоб уюштиришни ўзининг Кобулдаги биринчи мақсади деб билар эди. 1921 йилда Совет–Британия савдо келишуви имзоланганидан кейин, унинг ваколатли вакил лавозимидан истеъфоси олдиндан ҳал қилинганида, у ТИХКга ўзининг Афғонистондаги келгуси ишлари юзасидан тавсияларини батафсил баён қилди. Амалда бу ҳозирги тушунчадаги дипломатик ҳужжат эмас, «инқилобчининг васияти» эди. Масалан, Суриц Москвага ёзади: «Ҳиндистон биз учун восита эмас, мақсаддир. Унинг миллионлаб меҳнаткашларини қуликдан озод қилиш жаҳон инқилоб ҳаракатининг навбатдаги вазифаси бўлиб қолди. Осиёга коммунизм йўли Ҳинд инқилоби орқали ётади. Руҳи ва шакллари



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қўра бизга яқин бўлган бу инқилоб, шаксиз, бутун Шарқ озодлиги йўлидаги курашнинг асосий омили бўлади. Унинг муваффақияти РСФСР ташқи сиёсати учун ҳам олға ташланган улкан қадамдир. Ҳиндистонда Британия империализмининг қулаши Европа мустамлакачилигининг бошқа мустаҳкам қалъаларининг куни битганлигига, жаҳон капитализм хўжалиги инқирозига ҳукм ўқийди» [9, б. 15]. У Кобулдаги ваколатли вакил лавозимида ана шундай қарашлар асосида ҳаракат қилган.

Афғонистоннинг ҳукмрон доиралари Ўрта Осиёда рўй бераётган ўзгаришларни хавотир билан кузатиб борар эди. Айниқса, большевиклар Россиясининг Бухоро ва Хиванинг босиб олиши ҳисобига кенгайиши, 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ҳалокати катта хавф туғдирарди. Вазиятни Москванинг шимоли-ғарбий Ҳиндистонга ва инглиз-ҳинд ҳукуматларига нисбатан қўпоровчилик ҳаракатларини янада кескинлаштирар эди. 1920 йил бошида Кобулда афғон ҳукумати ва Я.З Суриц ўртасида, шунингдек, Тошкентда афғон делегацияси ва Туркомиссия Ташқи алоқалар бўлими, РСФСР ХКК ва РКП (б) Марказий Қўмитаси ўртасида бошланган музокаралар мураккаб шароитда ўтди.

Захираларнинг ўта тақчиллиги, халқаро вазиятнинг жиддий ўзгариши қизишиб кетган Кремлдагиларнинг ҳовурини пасайтириб қўйди. Улар истар-истамас «империалистлар» билан мулоқотга киришиш ва Шарқ билан чегарадош мамлакатларда сиёсий-дипломатик механизмлар орқали ўзларининг таъсирларини мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида ўйлай бошладилар. 1920 йилнинг сентябрида Кобулда совет-афғон шартномасининг олдиндан тузилган матни келишилди. 1921 йил 28 февралда Москвада совет-афғон дўстлиги тўғрисидаги шартнома имзоланди ва Афғонистонда шу йилнинг 13 августида ратификация қилинди.

Ўрта Осиё халқларининг миллий-ҳудудий чегараланиши ва 1924 йилда Ўзбекистон ССРнинг ташкил қилиниши большевиклар томонидан «ленинча миллий сиёсат»нинг тантанаси сифатида талқин қилинди. Ўзбекистон ССР ташкил топган вақтдан бошлаб унинг СССР таркибидаги давлат мақоми хомхаёл эканлиги Совет Иттифоқининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятда рад қилиб бўлмас даражада аниқ кўзга ташланди. Республиканинг 1920–1930 йиллар иккинчи ярмидаги барча ташқи алоқалари умумиттифоқ каналлари орқали ўтар ва эпизодик хусусиятда эди. Ўзбекистоннинг бутун халқаро фаолияти, асосан, мақсади «Социализмнинг Шарқдаги машъали»нинг ютуқларини кўз-кўз қилишдан иборат бўлган бирор савдо-иқтисодий кўрғазма ҳамда ярмаркада қатнашишдан иборат бўлган иштироки билан чекланар эди. Бироқ, шу билан бир вақтда, республиканинг ресурслари ва табиий бойликларидан Иттифоқнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадида фойдаланиш кескин



кучайиб кетди. Пахта, ипак, қоракўл, олтин, ҳунармандчилик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар Ўзбекистондан олиб чиқиб кетиларди. Ҳолбуки, 30-йилларнинг бошларидаёқ унинг 80% экспорти пахта толасига тўғри келар эди. Буларнинг ҳаммаси соф валютада ўн миллионлаб рубллар турар, бироқ республика экспортдан тушган даромадни халқ фаровонлигини ошириши, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, уни ўз манфаатларига мос равишда ривожлантириш йўлида сарфлай олмас эди. Бу эса ҳокимият марказий органлари нафақат сиёсий, балки иқтисодий соҳада ҳам маҳаллий бошқарувни тўла назорат қилишини яна бир карра тасдиқлар эди.

Ўзбекистондаги мазкур аҳвол бошқа иттифоқдош республикаларда бўлгани каби 1936 йилги СССР Конституциясида ўз ифодасини топган эди, яъни: «Совет Социалистик Республикалар иттифоқи номидан унинг юқори ҳокимият ва давлат бошқаруви органларига қуйидаги ҳуқуқлар тақдим қилинади: а) халқаро алоқаларда Иттифоққа вакиллик қилиш, бошқа давлатлар билан шартнома тузиш ва ратификация қилиш...». Ўша жойда 15-бандда «Иттифоқдош республикаларнинг суверенитети фақат СССР Конституциясининг 14-бандида белгиланган доирада чекланган». Шу тариқа, ҳатто ўта идеаллаштирилган ва ташвиқот руҳидаги ҳужжат бўлмиш 1936 йилги «сталинча» Конституцияда ҳам ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча ваколатлари Москванинг жиловида эди.

40-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда республика ташқи сиёсий идораси ташкил қилинди. Бошида 1944 йилдан Халқ Комиссариати номидан, кейинроқ 1946 йилдан Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги сифатида иш олиб борди. Унинг асосий вазифалари хорижий мамлакатлар вакиллариини республиканинг тарихий-маданий диққатга сазовор жойлари билан таништириш учун қабул ва кузатувчилик билан боғлиқ расмий-протокол характерида эди. ТИВ қуруқ тарғибот ва техник-ёрдамчи сифатида фаолият олиб борарди. Хусусан, 1947 йилда Тошкентда бўлиб ўтаётган совет-афғон чегараси демаркацияси бўйича қўшма комиссия иши пайтида Ўзбекистон ССР ТИВ ўз биносини фойдаланиш учун тақдим қилди, лекин ўзи бевосита иштирок этмади. Унинг бутун штат таркиби сони, вазирдан бошлаб техник ходимларгача 10 кишидан ортмас эди.

Умуман, бирорта иттифоқ қонунчилиқ ҳужжатида Иттифоқдош республикаларнинг хорижий давлатлар билан СССР ТИВни четлаб ўтиб муносабатлар ўрнатиш тартибини белгиловчи нормалар мавжуд эмас эди. Республикалардан бирортасига ҳам хорижий давлатлар билан дипломатик, консуллик муносабатлари ўрнатиш ёки шундай вакиллар билан алмашишга рухсат берилмаган. Аслини олганда ССР Иттифоқи томонидан бутун ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

яккахоким тарзда амалга оширилганлиги ҳам бунга изн бермаган. СССР ТИВда республика ташқи ишлар вазирликлари фаолияти ёки уни мувофиқлаштириш бўйича тузилмавий бўлинма умуман мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон 1950–1980 йилларда гипермарказлашган давлат – СССРнинг суверенликдан маҳрум, ўзининг унитар табиятини «тенг ҳуқуқли давлатларнинг федератив тузуми» ибораси билан ниқоблаган қисми сифатида яшашда давом этди. Марказ кадрлар масаласида ҳам шу ёндашувга таяниб, дипломатик хизматга миллий республикаларнинг алоҳида вакиллари СССР халқаро нуфузини ошириш мақсадида жалб қилар эди. Ўзбекистондан чиққан бир қатор иттифоқ ва республика миқёсида танилган партия ва давлат арбоблари сиёсий жиҳатдан йирик дипломатик лавозимларга тайинландилар. Улар сирасида: Н.А. Муҳитдинов – Совет Иттифоқининг Суриядаги фавқулодда ва мухтор элчиси, С.А. Азимов – Совет Иттифоқининг Ливан ва Покистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси, Р.Н. Нишонов – Совет Иттифоқининг Иорданиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси, Б.А. Абдураззоқов – Совет Иттифоқининг Сомалидаги фавқулодда ва мухтор элчиси ва бошқалар бор. Улар Совет давлатининг ташқи сиёсий манфаатлари ҳимоясида турган, шубҳасиз, истеъдодли ва ёрқин шахслардир.

Буюк давлат арбоби ва сиёсатчи Ш.Р. Рашидов ўз фаолиятида Москванинг Ўзбекистонни «Совет Шарқи пештахтаси» сифатида тақдим қилишга интилишидан моҳирлик билан фойдаланди. Ш. Рашидов Тошкентда кўп сонли халқаро форумлар, ижодий учрашувлар, илмий конференциялар, шу жумладан Осиё ва Африка ёзувчилари конференциялари ўтказилишининг ташаббускори эди. Масалан, 1958 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Биринчи Тошкент конференциясида Осиё ва Африканинг 37 мамлакатидан ва Европа ҳамда Американинг 13 мамлакатидан икки юздан ортиқроқ ёзувчилар иштирок этди. Айни шу йиллари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали сайёранинг энг обрўли кинофорумларидан бири сифатида ном қозонди.

Тошкентга совет Ўрта Осиёсининг ўзига хос пойтахти сифатида қараш сира ҳам бежиз эмас эди ва Москва бундан сиёсий мақсадларда фойдаланар эди. Кремль учун Тошкент жанубга – Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонга алоҳида дарвоза эди. Кашмир минтақасида юз берган Ҳинд–Покистон қуролли ихтилофларни бартараф этиш мақсадида СССР Вазирлар кенгаши раиси А.Косигин иштирокида 1966 йилнинг январида Тошкентда бўлиб ўтган Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон ва Ҳиндистон ҳукумати раҳбари Лал Баҳодир Шастри билан учрашув катта халқаро шов-шувга сабаб бўлди. Тошкент учрашуви чоғида имзоланган Декларация Ҳиндистон ва Покистон муносабатларидаги зиддиятли



масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш учун чинакам асос бўлди.

Ташқи сиёсат соҳасида бўлгани каби Ўзбекистоннинг СССР ташқи иқтисодий алоқаларига жалб этилиши Марказ Иттифоқининг умумий назорати остида ва ташқи савдо соҳасида қатъий давлат монополияси шароитида амалга оширилди. Республикада СССР Ташқи савдо вазирлиги (ТСВ) томонидан ваколатланган махсус Бошқарма фаолият юритар эди. Ушбу орган ташқи савдо ташкилотлари – экспорт маҳсулотлари буюртмачилари, экспорт учун молларни етказиб берувчилар, шунингдек, бошқа корхона ва идоралар саъй-ҳаракатларини бирлаштирган эди. Айни пайтда ЎзССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги СССР ТСВ томонидан ваколатланган Бошқарма ўз фаолиятида экспорт маҳсулотларини етказиб бериш бўйича буюртмаларни бажаришда республиканинг салоҳияти имкониятлари ҳисобга олинган реал вазиятдан келиб чиқмас эди.

Экспорт тўғрисида сўз юритганда, шуни таъкидлаш жоизки, СССР халқ хўжалигида хориж маҳсулотлари – турли технологиялар, кенг истеъмол молларига доимий «муҳтожлик» кучли эди. Шу боис Совет даврида экспорт оқимиға қарши кучли импорт оқими ҳам мавжуд эди. Ўзбекистон бошқа миллий республикалар билан бир қаторда импорт маҳсулотлар истеъмолчиси эди. Бирок, импорт оқимини тартибга солишда марказлашган тизим иттифоқ сиёсий элитасининг субъектив тақсимловчи кўрсатмаларига амал қилар эди. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг импортига бўлган эҳтиёжи инобатга олинмас, республиканинг импорт маҳсулотларга буюртмаси эса минимал даражада қондирилди. Иттифоқ раҳбарияти Ўзбекистоннинг табиий хомашёси ҳамда инсон ресурсларини шафқатсиз эксплуатацияси орқали емириб, экология ва барқарор ривожланиш масалаларини умуман эътиборсиз қолдирди. Ўзбекистоннинг СССР ташқи иқтисодий алоқаларидаги иштирокига баҳо берганда, унинг иқтисодийнинг кенг қўламли ривожланиши асносида кечганини таъкидлаш жоиз. Авваламбор, хомашё маҳсулотларидан ташкил топган экспорт тизими илмий-техникавий тараққиётни белгилаб берувчи саноат ривожини рағбатлантира олмас, импорт маҳсулотлари эса саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини етарли даражада замонавий ускуналар ва юқори технологиялар билан таъминлай олмасди.

XX асрнинг 70–80 йиллари охирида совет Иттифоқининг ҳам ички, ҳам ташқи ривожланишини емирувчи жараёнлар кучая бошлади. Москва халқаро сиёсатда жиддий геосиёсий ва геоиқтисодий оқибатларга олиб келган қатор катта хатоларга йўл қўйди. 1979 йилнинг 29 декабрида СССР Афғонистонга «чекланган таркибдаги қўшин» киритди. Бу ҳақидаги қарор Сиёсий бюро томонидан тор доирада қабул қилиниб, унда СССР ва Афғонистон ўртасидаги «Дўстлик ва ҳамкорлик



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тўғрисидаги шартнома»¹⁵ (1978)ни бажаришга тайёрлик расмий равишда эълон қилинди. СССРнинг ҳужуми муслмон дунёсида кескин қаршилик уйғотди. Мазкур вазиятда Москва совет муслмонларининг хориж билан диний алоқаларидан фойдаланишга уринди.

1980 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ислом дунёси билан алоқаларни кучайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳижрий XV асрнинг бошланишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Техрон билан Исломобод совет ташаббусини рад этишга чақирди. Таклиф қилинган 70 делегациядан совет тузуми тарафдорлари ҳисобланган 11 таси – Афғонистон, Жанубий Яман, Сурия, Эфиопия ва бошқа муслмон мамлакатлари ташриф буюрдилар. Анжуманнинг охириги уни «Дунёнинг барча муслмонларига мурожаат» қабул қилинди, бироқ декларация матни иштирокчилар томонидан салбий баҳоланди. Анжумандан сўнг тўрт совет муфтисидан уч нафари, Ўрта Осиё диний бошқармаси муфтиси бундан мустасно, анжуман ишини СССР фойдасига бура олмаганликлари учун давримларидан четлатилдилар. Расмий матбуотда конференция натижалари бўйича изоҳ берилмади. Афғонистонга қўшин олиб кириш ва кейин олиб чиқиб кетиш (1988 йил май – 1989 йил февраль) совет Иттифоқининг ички сиёсий барқарорлигига жуда катта таъсир кўрсатди. Гарчи акция СССРнинг ушбу ҳудудда иштирокини кучайтиришга қаратилган бўлса-да, аслида эса унинг заифлашувига сабаб бўлди. Совет Иттифоқи Афғонистонда мағлубиятга учради, бу эса унинг жаҳондаги нуфузини тушишига, шунингдек, иқтисодий, ҳарбий, инсоний, молиявий ресурсларнинг оқлаб бўлмас даражада совурилишига олиб келди.

Шундай қилиб, ташқи сиёсат ва халқаро фаолиятнинг совет модели Иттифоқ давлатининг тоталитар табиатига мувофиқ, барча ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият вазифалари фақат Марказ ваколатига кириши аввалбошдан белгиланган эди. СССР дипломатияси тарихида «инқилоб экспорти» ва «пролетариат интернационализи»нинг манфаатлари, мафкуравий зўравонликнинг устунлиги сабабли миллий республикалар, хусусан, Ўзбекистон дипломатияси анъаналари ўз аксини топа олмади. Ўзбекистон ва СССРнинг бошқа республикалари учун ушбу давр дипломатияси тараққиётида номигагина протокол вазифаларини бажариш кўринишидаги турғунлик даври бўлди. Москва томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССР ташқи сиёсий фаолиятининг конституциявий ҳуқуқлари ва кафолати фақатгина қуруқ расмиятчилик характерида эди. Шу сабабли ҳам ушбу даврадаги Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари аслида мавжуд эмаслиги боис тизим сифатида кўриб чиқишнинг имконияти йўқ.



Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Почекаев. Р.Ю. Губернаторы и Хань. – Москва, 2017. – С. 264–265.
2. Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – СП(б), 1875. –С. 20.
3. Пален.К.К. Краевое правление. – СП.(б), 1910. – С. 12.
4. Эргашев.Б. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернатора. – Ташкент, 2015. – С. 93.
5. Эргашев.Б. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал-губернатора. – Ташкент, 2015. – С. 94.
6. ЦГА РУз.Ф.И-1.оп.34.Д.603.Л.1–4.
7. ЦГА РУз.Ф.И-1.оп.34.Д.603.Л.9–13.
8. ЦГА РУз. Ф.И-2.оп.2.Д.515. Л.11–12.
9. Жамолова. Д.Ж. Мирза Салимбекнинг дипломатик маҳорати.// Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. – Тошкент, 2016. – 275-б.
10. Там же.
11. ЦГА РУз,Ф-2, ОП.1,Д.251,Л.29.
12. ЦГА РУз, Ф.И-2,Оп.1,Д 251,Л.29.
13. Там же.
14. Там же. Л.29.об.
15. ЦГА РУз,Ф.И-2,Оп.1,Д.251,Л.66.об.
16. Там же. Л.73.об
17. Там же. Л 74.об
18. Лобысевич.Ф.И. «Описание Хивинского похода 1873 г.» // По материалам особой комиссии, учрежденной тотчас после похода, учрежденного под председательством Начальника Полевого Штаба. – СП(б), 1898. –С. 268–270.
19. Там же. – С. 270–271.
20. Лобысевич.Ф.И. «Описание Хивинского похода 1873 г.» ... – С. 271–272.
21. Лобысевич.Ф.И. «Описание Хивинского похода 1873 г.» ... – С. 277.
22. Терентьев.М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б), 1906. – С. 289.
23. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б), 1906. – С. 307.
24. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б), 1906. – С. 307–308.
25. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б), 1906. – С. 308.
26. Терентьев.М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б), 1906. – С. 315.
27. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б), 1906. – С. 315.
28. Гулбоев Н.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида элчилик муносабатлари. // Илмий тўплам «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил». – Тошкент, 2016. – 213-б.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

29. Гулбоев Н.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида элчилик муносабатлари. 213-б.
30. Гулбоев Н.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида элчилик муносабатлари. 214-б.
31. Гулбоев Н.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида элчилик муносабатлари. 214–215-бетлар.
32. ЦГА РУз.ФИ-.3,оп.,д.256,л49..
33. ЦГА РУз.ФИ-.3,оп.,д.256,л49.
34. ЦГИА, Ф.1276, опб, 1910г,д, 136, л.60.
35. Там же .л.71.
35. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б)., 1906. – С. 313.
36. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б)., 1906. – С. 316.
37. Терентьев. М.А. История завоевания Средней Азии. Т.2. – СП(б)., 1906. – С. 316.
38. Архив внешней политики России... . ф Азиатского департамента, опись 1-9. д. № 15, ч. II, 1862–1868гг., л.38. (Цитируется по книге «Дневник Д.А.Милютина 1873–1875. Т.1. – М., 1947» – С. 35.)
39. ЦГВИА, ф.ВУА № 6862, ч. II, л3. Всеподданнейший доклад военного министра от 29 февраля 1880 г. (Цитируется по книге «Дневник Д.А.Милютина 1873–1875. Т.1. – М., 1947» – С. 54.)
40. ЎЗР МДА, И.2-жамғарма, 1-рўйхат, 210-иш, 1-1 варақ орқаси.
41. ЎЗР МДА, И.2-жамғарма, 1-рўйхат, 210-иш, 2-варақ.
42. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX-начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 88.
43. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX-начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 89.
44. Обзор Закаспийской области с 1882 по 1890 г. – Асхабад, 1892. –С. 200–202.
45. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге. – СПб., 1903. – С. 212, 225.
46. Обзор Закаспийской области за 1890–1896 гг. – Асхабад, 1897. – С.465–466.
47. Обзор Закаспийской области за 1890–1896 гг. – Асхабад, 1897. – С.465–466.
48. Губаревич-Радобильский А.Ф. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами Азии. – СПб, 1912. – С. 146.
49. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 97.
50. Обзор Закаспийской области за 1890–1896 гг. – Асхабад, 1897. – С. 251.
51. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 100.
52. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 101.
53. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 24.



54. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 102.
55. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 24.
56. Обзор Закаспийской области за 1890–1896 гг. – Асхабад, 1897. – С. 462.
57. Губаревич-Радобильский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб, 1905. – С. 28.
58. Обзор Закаспийской области за 1898 г. – Асхабад, 1900. – С. 181.
59. Обзор Закаспийской области за 1893 г. – Асхабад, 1900. – С. 190.
60. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 108.
61. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района. Часть 1. – С. 98.
62. Маннонов Б. Из истории русско-иранских отношений в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: «Наука», 1964. – С. 118.
63. Статистический Ежегодник ЦСУ Туркеспублики. Т.1, 1917–1924 гг. – Ташкент. Издание «ТЭС», – С. 54.
64. Субботин А. П. Чай и чайная торговля в России и других странах, СПб., 1892. – С. 24.
65. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге (под ред. Д.И.Дмитриева – Мамонова). – СПб., 1903. – С. 393.
66. Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб., 1871. – С. 253.
67. Туркестанские ведомости. – 1877. – №16.
68. Расуль-заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: «Фан», 1968. – С.101.
69. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 16.
70. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 15.
71. Губаревич-Радобильский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб, 1905. – С. 105.
72. Путеводитель по Туркестану. – С. 379.
73. Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). – М.: «Наука», 1966. – С. 61.
74. Масальский В.И. Туркестанский край, в книге «Россия» (полное географическое описание нашего отечества). – СПб., 1913. Т. 19 – С. 413.
75. Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). – М.: «Наука», 1966. – С. 60–61.
76. Губаревич-Радобильский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб., 1905. – С. 109.
77. Губаревич-Радобильский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб., 1905. – С. 113.

78. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 24.

79. Торговля с Кашгаром // Туркестанские ведомости. 1894. №72, 73, 74.

80. Торговля с Кашгаром // Туркестанские ведомости. 1894. № 74.

81. Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – начале XX веков // Востоковедение. История. Филология – Ташкент, 1987. – С. 24.

82. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 24.

83. ЎЗР МДА, Р.1-фонд, 1-руйхат, 277-иш, 204-варақ.

84. Статистический Ежегодник ЦСУ Туркеспублики. Т.1, 1917–1924 гг. – Ташкент. –Издание «ТЭС»а, – С. 54.

85. ЎЗР МДА, И.18-жамғарма, 2-руйхат, 144-иш, 151-варақ.

86. Васильев К.П. Торговля Средней Азии/Статистический ежегодник 1917–1923 гг. – Ташкент, 1924. – С..

87. ЎЗР МДА. И- 19-жамғарма, 1-руйхат. 1964-иш,- 38-в.

88. ЎЗР МДА. И- 19-жамғарма, 1-руйхат. 1964-иш,-71-в.

89. ЎЗР МДА. И- 19-жамғарма, 1-руйхат. 1964-иш,-88-в.

90. Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – начале XX веков // Востоковедение. История. Филология – Ташкент, 1987. – С. 24.

91. Туркестанские ведомости. 9 декабря. 1888 г.

92. Расуль-заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: «Фан», 1968. – С. 66.

93. Расуль-заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: «Фан», 1968. – С. 66.

94. Расуль-заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: «Фан», 1968. – С. 66.

95. Неболсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией. – СПб., 1865. – С. 186.

96. Бабахаджаев М.А. Русско-афганские торгово-экономические связи. – Т., 1965. – С. 49, 50.

97. Расуль-Заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: «Фан», 1968. – С. 70.

98. Ражабов К., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. – Тошкент: «Tafakkur», 2017. – 36–37-бетлар.

99. Насиров О.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар тарихи: тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2009. – 33-б.

100. Статистический обзор Ферганский области за 1904. – СПб., 1905. – С. 31.

101. Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. – Москва,

1914. – С. 46.

102. Шодмонова С.Б. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент: «Yangi nashr». – 2011. – 71-б.

103. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, 1922. – С. 21.

104. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края. – С. 177.

105. Тожимухаммад Исамуҳаммад ўғлининг Париж ва Лондон шаҳарларидаги бутун жаҳон кўрғазмасидаги иштироки // Туркистон вилоятининг газети, 1900. – № 45-46-47.

106. Нейматзода Т. Возех. – Душанбе: Ирфон, 1967. – С. 88.

107. Шадманов Т.Р., Шадманова С.Б. Из истории паломничества среднеазиатских мусульман (конец XIX – начало XX вв.) // Мир ислама. Материалы международной исламоведческой научной конференции. – Москва: РГГУ, 2009. – С. 106–113.

108. Тошева Ш. Марказий Осиё ҳожилари: йўллар ва таассуротлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. №14. – 93-б.

109. Жониев М. Мирзо Олим Махдум Хожининг «Дар баёни роҳи ҳаж» асари ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Имом Бухорий сабоқлари. – 2016. – №3. – 24–25-б.

110. TANMAN, M.Baha. (1994b), «Tekkeler» İstanbul Ans., İstanbul. – S.236–240.

111. ÖZCAN, Azmi (1997), Pan-İslamizim, Ankara. – S.205.

112. Қаранг: <https://islamansiklopedisi.org.tr/tekke>

113. SIMITH, Grace Martin (1980), «The Ozbek Tekkes of Istanbul», Der Islam, Berlin, s.130–139.

114. Ўша асар.

115. KONYALI, I. Hakkı. (1976), Abideleri ve Kitabeleriyle Üsküdar Tarihi, İstanbul. – S. 425

116. SIMITH, Grace Martin (1980), «The Ozbek Tekkes of Istanbul», Der Islam, Berlin. – P.131.

117. Ўша асар. – P. 132

118. Усмоний султонлари саройида хазина кирим-чиқимлари, сарой қоровуллари маоши ҳамда ҳукмдорнинг шахсий харажат ва даромадларини назорат қилиб борувчи амалдор. Қаранг: Öner, Erdoğan (2001), Mali Olaylar ve Düzenlemeler Işığında Osmanlı İmparatorluğu ve Cumhuriyet Döneminde Mali İdare, Maliye Bakanlığı Araştırma, Planlama ve Koordinasyon Kurulu Başkanlığı, Yayın No: 2001/359, Ankara. – S.20.

119. SIMITH, Grace Martin (1980), «The Ozbek Tekkes of Istanbul», Der Islam, Berlin. – P.138.

120. ISIN, Ekrem (1994), «Naksibendilik», İstanbul Ansiklopedisi, c. 6, İstanbul. – S. 35.

121. Ertuğrul Yaman. Türkiye'deki Türk Dünyası. – S.248

122. Қаранг: ÖZCAN, Azmi (1997), Pan-İslamizim, Ankara. – S.205.

123. GÜNDÜZ, İrfan (1984), Osmanlılarda devlet Tekke Münsabetleri, İstanbul. – S.225.

124. Türkiye Cumhuriyeti Bosh Vazirligi huzuridagi Usmoniyilar Davlat Arxivi. Y.PRK. AZJ 1, 72; HR.TO 517, 37



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

125. ŞAFAK Nurdan. Buhara Özbekler Tekkesi// Dem Dergi. No 2. 2002. – S.144.
126. Низомиддинов И. Сайёҳларнинг ёзганлари. –Т.: Ўздавнашр. 1960. – 35-б.
127. Низомиддинов И. Сайёҳларнинг ёзганлари. –Т.: Ўздавнашр. 1960. – 37-б.
128. Дониш Аҳмад. Наводиру-л-вақое. – Т.: Фан, 1964. – 12-б.
129. Ходизода Р. Чанд саҳифаи нав дар таржимаи холи Аҳмади Дониш // Садои Шарқ. – Душанбе: 1957. – № 2. – 85-с.
130. Ходизода Р. Чанд саҳифаи нав дар таржимаи холи Аҳмади Дониш// Садои Шарқ. – Душанбе, 1957. – № 2. – 85-с.
131. Низомиддинов И. Мирзо Сирожиддиннинг саёҳатлари. – Тошкент: «Фан», 1963. – 15–25-б.
132. Низомиддинов И. Мирзо Сирожиддиннинг саёҳатлари. – Тошкент: «Фан», 1963. – 15-б.
133. Низомиддинов И. Мирзо Сирожиддиннинг саёҳатлари. – Тошкент: «Фан», 1963. – 19-б.
134. Низомиддинов И. Мирзо Сирожиддиннинг саёҳатлари. – Тошкент: «Фан», 1963. – 21–26-б.
135. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – 54-б.
136. Ражабов Қ., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. – Тошкент: «Tafakkur», 2017. – 38-б.
137. Абдурашидхонов Мунавварқори. Хотираларимдан: (жадидчилик тарихидан лавҳа). – Тошкент: «Шарқ», 2001. – 128-б.
138. Ражабов Қ., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. – Тошкент: «Tafakkur», 2017. – 47–48-б.
139. Съезды Советов в документах. Сборник документов в трёх томах 1917 – 1936 гг. Том I.
140. Госиздат юридической литературы. – М., – С. 245–246.
141. Конституция (основной закон) Туркестанской республики. Ташкент, Изд. Наркомнаца, 1918. – С.5.
142. ЦГА Республики Узбекистан. Фонд Р-17, опись 1, дело 18, лист 121.
143. См.: «Трудовая мысль», 1 октября 1918 г., Мерв.
144. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-25, оп. 1, д. 118, л. 10.
145. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-25, оп. 1, д. 118, л. 110.
146. См. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-17, оп. 1, д. 1168, л. 11; Ф. Р-25, оп. 1, д. 18, л. 38-39 и др.
147. См. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-25, оп. 1, д. 17, л. 2; Ф. Р-36, оп. 1, д. 12, л.; д. 71, л. 2, 125.
148. См. Bailey F.M. Mission to Tashkent. London, Jonatan Cape, 1946. Периздавалась в 1992 и 2002 годах.
149. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-17, оп. 1, д. 94, л. 113.
150. «Известия» (Ташкент), 1919 г.: 11 июля; 16 ноября; 7 декабря.
151. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-25, оп.1, д. 118, л. 219.
152. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-17, оп.1, д. 217, л. 54.



153. ЦГА Республики Узбекистан. Ф. Р-17, оп. 1, д. 232, л.234.
154. Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь месяца 1921 года. – Ташкент, 1922. – С.135.
155. ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 155-иш, 363-варақ.
156. ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 155-иш, 363-варақ.
157. ЎзР МДА, Р.330-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 1-варақ.
158. ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 155-иш, 363-364-варақлар.
159. Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь месяца 1921 года. – Ташкент, 1922. – С.135–136.
160. ЎзР МДА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 155-иш, 363-364-варақлар.
161. Отчет о деятельности ТЭСа за февраль-октябрь месяца за 1921 года. – Ташкент, 1922. – С.138–139.
162. *Иранский С.* Пять лет взаимоотношений советской власти с Персией // *Новый Восток.* 1925. №3-4. – С. 23.
163. Народное Хозяйство Средней Азии. – Ташкент, 1924. №2-3. – С. 113.
164. *Иранский С.* К вопросу о русско-персидском торговом договоре // *Торговля России с Востоком.* – 1923. – №1. – С. 11.
165. Народное Хозяйство Средней Азии. – Ташкент, 1924. №2-3. – С. 113.
166. Народное Хозяйство Средней Азии – Ташкент, 1924. №2-3. – С. 214.
167. Лицензия – четдан товар олиб келиш ва товар чиқариш учун бериладиган рухсатнома. (Қ.:Русча-Ўзбекча луғат. – Тошкент, 1983. – 321-б.
168. ЎзР МДА 25-жамғарма, 1-рўйхат, 1437-ийғмажилд, 10 – варақ.
169. Народное Хозяйство Средней Азии. – Ташкент, 1924. №2-3. – С.120.
170. ЎзР МДА, Р.25-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 32-варақлар.
171. ЎзР МДА, Р.330-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 103-варақлар.
172. Статистический Ежегодник. Том 1. 1917–1924 гг. – Ташкент: Издание «ТЭС», 1924. – С. 321.
173. Отчет о деятельности ТЭСа за февраль-октябрь месяца 1921 года. – Ташкент, 1922. – С.144–145.
174. 1922 йилнинг 1 январиди «Хомашё тайёрлов бошқармаси» (Упсырзаг) ташкил этилади ва у барча эски фирмалардан қолган хомашёларга эгалик қилди, сотиш ва сотиб олишда яккахокимлик мавқеини қўлга киритди.
175. ЎзР МДА, Р.41-рўйхат, 963-иш, 8-9-варақлар.
176. ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 204-варақ.
177. ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 204-варақ.
178. СУ РСФСР. 1922. №19. ст. 213.
179. Н.М.Гуревич. Внешняя торговля Афганистана до Второй мировой войны. – М., 1959. – С. 45.
180. Отчет о деятельности СНК Экономического Совета Туркестанской Республики. – Ташкент, 1922 г. – С. 241.
181. ЎзР МДА, 20-жамғарма, 1-рўйхат, 243-ийғма жилд, 141-варақ.
182. ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 213 -варақ.
183. Отчет о деятельности ТЭСа за февраль-октябрь месяца 1921 года. – Ташкент, 1922. – С.143.

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

184. ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 204-варақ.
185. ЎзР МДА, Р.330-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 15-варақ орқаси.
188. ЎзР МДА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 22-варақ.
189. ЎзР МДА, Р.330-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 103-варақ.
190. Вельтман С. Деятельность Научной ассоциации востоковедения // Новый Восток. 1927, № 16/17. – С. 400.
191. Назир Тюрякулов – полпред СССР в Королевстве Саудовская Аравия: (Письма, дневники, отчеты. 1928–1935 гг.). – М., 2000. – С. 31.
192. Назир Тюрякулов – полпред СССР в Королевстве Саудовская Аравия: (Письма, дневники, отчеты. 1928–1935 гг.). – М., 2000. – С. 256.
193. Густерин П. Полпред Назир Тюрякулов // Азия и Африка сегодня. 2011. № 11.
194. Ат-Турки М. Саудовско-российские отношения в глобальных и региональных процессах (1926–2004 гг.). – М., 2005, – С. 52.
195. Люди и судьбы: Библиографический словарь востоковедов – жертв политического террора в советский период (1917–1991). – СПб., 2003, – С. 380.
196. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият». 1998, Ж.2. – 237-б.
197. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият». 1998, Ж.2. – 238-б.
198. Первый всесоюзный съезд МОПР 15–18 мая 1925 г. Стенографический отчет. Москва. Издание ЦК МОПР СССР. – 1925. Устав МОПР. – С. 213.
199. Аврус А.И. МОПР в борьбе против террора и фашизма. 1922–1939. Саратов, Изд-во Саратовского ун-та. 1976. – С. 41.
200. К первому всесоюзному съезду МОПР 15 мая 1925 года. Отчет исполнительного комитета МОПР. Москва. Издание ИК МОПР. 1925. – С. 43, 46.
201. Бухоро вилоят давлат архиви, 226-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 15–20-варақлар.
202. Алгиева С. Деятельность МОПРа Узбекистана в 1923-1929 годы. Научные труды Ташкентского ун-та. Вып.356. 1969. – С. 97.
203. ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 4 б -йиғма жилд, 9-варақ.
204. Третьему всесоюзному съезду МОПР. Материалы к отчету ЦК МОПР СССР. Москва. Издание ЦК МОПР СССР. 1931. С. 60-61.
205. ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 4 б-йиғма жилд, 21-варақ.
206. Первый всесоюзный съезд МОПР 15–18 мая 1925 г. Стенографический отчет. – Москва. Издание ЦК МОПР СССР. 1925. – С. 128–129.
207. Эшбекова Д. 1920 йилларда Ўзбекистонда халқаро ташкилотлар фаолияти (МОПР фаолияти мисолида) // ЎЗМУ хабарлари. 2018. №3. – 135–139-б.; Эшбекова Д. Пропагандистские кампании, собрания и митинги организации МОПР в Узбекистане (1920 гг.) // ФарДУ. Илмий хабарлар. – 2018. № 4. – 42–46-б.
208. ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 4 б -йиғма жилд, 10-варақ.
209. Файзиев Ш. Помощь трудящихся Узбекистана жертвам белого террора в Болгарии (1923–1929) // Общественные науки в Узбекистане. 1965. № 9. – С. 41–43.



210. *Ирзаев Б.* Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. – Тошкент: «Akademnashr», 2018. – 208 б.
211. *Турдиев Ш.* Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: «Фан», 1991. – 69-б.
212. *Ирзаев Б.* Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. Тошкент: «Akademnashr», 2018. – 208 б.
213. *Бакаева Ф.Х.* Внешнеэкономические связи Узбекской ССР. – Т.: «Фан», 1988. – С. 37–38.
214. *Агзамходжаев А.* Образование и развитие Узбекской ССР. – Ташкент. 1973. С. 280.
215. *Сарсембаев М.А.* Международное право в истории Казахстана и средней Азии. – 1991.
216. *Агзамходжаев А.* Образование и развитие Узбекской ССР. – Ташкент. 1973. – С. 280.
217. *Исаходжаев А.В.* Узбекистан – страны Арабского Востока и Африки. – Т.: «Узбекистан», 1980. – С. 30–32.
218. Центральный государственный архив Республики Узбекистан. – Ф. 837. Оп. 42, ед. хр. 1678. – С. 37.
219. Центральный государственный архив Республики Узбекистан. – Ф. 837. Оп. 42, ед. хр. 146. – С. 19.
220. *Зиядуллаев С.К.* Экономика Узбекской ССР в едином народно-хозяйственном комплексе страны. – Т.: «Фан». 1983. – С. 36–37.
221. Центральный государственный архив Республики Узбекистан. – Ф. 2384, оп. 1, ед. хр. 212, оп. 5, ед. хр. 89.
222. Текущий архив Академии наук Республики Узбекистан. – Годовые отчеты о деятельности АН Узбекистана за 1958–1980 гг.
223. Текущий архив Отдела внешних сношений Президиума Академии наук Узбекистана. – Отчет за 1981–1990 гг. – С. 13–15.
224. Текущий архив Узбекского Общества дружбы и культурных связей с зарубежными странами. – Отчет о деятельности УзОДКС. С. 3.
225. Советский Узбекистан сегодня. – 1975. №9. –С. 2.
226. Текущий архив Узбекского Общества дружбы и культурных связей с зарубежными странами. – Отчет о культурных мероприятиях. – С. 19.
227. Конституция (Основной закон) Союза Советских Социалистических Республик. Принята на внеочередной седьмой сессии Верховного Совета СССР девятого созыва 7 октября 1977 г.

ГЛОССАРИЙ

1. Икки қутбли (биполяр) тизим – Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган халқаро муносабатлар тизими. Дунёнинг икки рақобат марказлари – АҚШ ва СССРнинг ташкил топиши (вужудга келиши) билан характерланади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

2. Большевиклар – В.И.Ленин бошчилик қилган (1917 йилдан бошлаб мустақил партия) Россия социал–демократик партиясининг сиёсий оқими (фракция) вакиллари.

3. ВЦИК – Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси – 1917–1918 йилларда ва РСФСР 1918 йилдан 1937 йилга қадар Россия Совет Республикаси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи, идора ҳамда назорат қилувчи органи.

4. Девонбеги (форсий) – Бухоро амирлигида Молия вазири.

5. Декада – 10 кунлик палла.

6. Декларация – давлат ташқи ва ички сиёсатининг муҳим тамойиллари, халқаро ташкилотлар фаолиятининг асоси ёки уларнинг бирор-бир масала юзасидан қарашларини ифодаловчи расмий давлат ҳужжати.

7. Закот (араб.) – исломнинг беш асосий устунларидан бири, ислом ҳуқуқида турли хил даромад ва мол-мулки (кўчириб бўладиган ва кўчмас мулк)дан мустақил, эркин, лаёқатли ва катта ёшдаги мусулмонлар томонидан муҳтож диндошлар ҳожатини чиқариш учун бериладиган мажбурий йиллик солиқ, хайр-эҳсон.

8. Мафкура – муайян ижтимоий синф ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодаловчи тизимли тартибга солинган қарашлар мажмуи бўлиб, унинг асосида кишилар ва кишилик жамоаларининг ижтимоий воқелик ҳамда бир-бирига бўлган муносабатлари англаб етилади ва баҳоланади ёки уларни ўзгартириш ва йўқотиш зарурати исботланади.

9. Империя (*imperium* – ҳокимият) – император бошқарувидаги монархия давлати ёки мустамлакачи халқаро миқёсдаги йирик давлат бўлиб, у ўз ички ва ташқи сиёсатида ҳарбий табақа (ташқил этилган армия)га таянади ва шу ҳарбий табақа манфаатлари йўлида ҳаракат қилади. Одатда империя турли халқ ва ҳудудларни минтақа, ҳаттоки бутун дунё миқёсида муҳим роль ўйнайдиган ягона сиёсий марказга эга бўлган бир давлат остида бирлаштиради.

10. Импорт – мамлакатнинг ички бозорида сотиш ва таклиф этиш учун хориждан товар, технология ва капиталларни олиб кириш.

11. ДХХ (КГБ) – СССРнинг Давлат хавфсизлик хизмати. 1945 йилдан 1991 йилга қадар фаолият олиб борган давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи давлат бошқаруви марказий иттифоқ ва республика органи.

12. Конституция – давлатнинг асосий қонуни, юқори ҳуқуқий кучга эга махсус меъёрий ҳуқуқий акт. Конституция давлат тизимининг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини белгилаб беради. Конституция – давлат тузилишининг асосий мақсадлари баён этилган давлатнинг таъсис ҳужжати.

13. Консуллик – маълум вазифаларни адо этиш мақсадида бошқа давлат (унинг розилиги билан) ҳудудида таъсис этилган давлатнинг ташқи алоқалари органи.



14. Қушбеги (ўзб.) – Бухоро амирлигида бош вазир унвони.

15. «Совуқ уруш» сиёсати – 1946–1989 йилларда бир томондан, СССР ва унинг иттифоқдошлари, иккинчи томондан, АҚШ ва унинг иттифоқдошлари ўртасида дунё миқёсидаги геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва мафкуравий тўқнашувлар даври муносабатларида қўлланилган сиёсатшунослик термини.

16. Элчи – чет давлатда ўз давлатининг олий рангли, юқори унвонли ва хизмат вақти жиҳатидан илк бор мазкур мамлакатда дипломатик вакил мақомида ишлаётган дипломатик хизматчиси.

17. Тарғибот – замонавий сиёсий қарашларда жамоатчилик фикрини шакллантириш ёки тарғиботчилар кўзлаган бошқа мақсадлар учун ғоялар, фактлар, далиллар ва бошқа маълумотларни, шу жумладан қасддан бузуқ ҳамда чалғитувчи фикрларни очиқ тарқатиш маъносида тушунилади.

18. РСФСР ХКК (СНК РСФСР) – РСФСР халқ комиссарлари кенгаши — 1917–1946 йиллар даврида совет Россияси ҳукумати. 1917 йил 9 ноябрда Халқ комиссарлари кенгаши номи билан «ишчи ва деҳқонларнинг вақтинча ҳукумати сифатида» таъсис этилган бўлиб, 1918 йил РСФСР Конституцияси қабул қилингунга қадар қўлланган.

19. Суверенитет – ташқи ишларда давлат мустақиллиги ва ички ишларда давлат ҳокимиятининг устунлиги.

20. Тоталитаризм – умумдавлат қурилиш шакли бўлиб, жамиятнинг барча томонлари устидан давлат ва ҳукмрон партиянинг тўлиқ (тотал) назорати кўзда тутилади. «Тоталитар» сўзи Совет давлатининг коммунистик идора усулига нисбатан қўллана бошланган.

21. Тўра (ўзб.) – том маънода шахзода ёки тахт вориси.

22. РКП МҚ (ЦК РКП(б)) – Россия Коммунистик партияси Марказий қўмитаси – 1918 йилдан 1925 йиллар мобайнида партия съездлари оралигида партиянинг олий органи (ташкilotи).

23. Экспорт – тушунча сифатида, лотинча *exporto* сўзидан келиб чиқиб, том маънода товар ва хизматларни давлат ёки мамлакат порт (бандаргоҳ) ларидан олиб чиқиш мазмунини англатади.

24. ГПУ – РСФСР Ички Ишлар Халқ комиссарлиги қошидаги Давлат сиёсий бошқармаси, сиёсий махсус хизмат, 1922 йил 6 февралда ВЧК (Бутун Россия контрреволюция ва саботаж билан курашувчи фавқулodда комиссия, 1917–1922 й.) тутатилиб, унинг ўрнига ташкил этилган.

25. Дафтардор – Усманий султонлари саройида хазина кирим-чиқимлари, сарой қоровуллари маоши ва ҳукмдорнинг шахсий харажат ҳамда даромадларини назорат қилиб борувчи амалдор.

26. Лицензия – четдан товар олиб келиш ва товар чиқариш учун бериладиган рухсатнома.

27. МОПР – Инқилоб курашчиларига ёрдам халқаро ташкilotи (Международная организация помощи борьцам революции).



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

28. Садриаъзам – Усманийлар султонлигида бош вазир вазифасини бажарувчи амалдор.

29. Текке – «Даргоҳ», «Тақя» ёки «Текке» номлари билан машхур бўлган, кўпроқ ҳаж йўллари гузаргоҳларида жойлашган ва мусофирлар учун меҳмонхона, ибодатгоҳ, дарсхона вазифасини бажарган хонақоҳлар.





VI БОБ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИ

6.1. Ўзбекистонда истиқлол даврининг бошланиши ва мустақил давлат ташқи сиёсати ҳамда дипломатиясининг вужудга келиши. Дипломатия мамлакатнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимига кириш ҳамда минтақада ва дунёда Ўзбекистон манфаатларини илгари суриш воситаси сифатида

1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан тарихий ҳужжат – миллий мустақиллик ғоялари тажассуми бўлган ҳамда ўзида давлат қурилишининг бой тарихий тажрибасини ва ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарини акс эттирган Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Суверенитет эълон қилинганидан бошлаб республика миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқий нормалардан, умуминсоний қадриятлар ва тамойиллардан келиб чиқиб, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт масалаларини мустақил ҳал қилишга киришди, дунёда муносиб ўринга ва обрўга эга бўлиш томон жиддий қадам ташланди. Декларацияга кўра, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини юритиш ўз ичига мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг барча масалаларини қамраб ола бошлади[1].

1991 йил 31 августда ўзбек давлатчилиги тарихида туб бурилиш палласи бўлди – республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. «Тўлиқ давлат ҳокимиятига эга бўлган, халқаро муносабатларда мустақил Ўзбекистон Республикаси, – ўзини барча шериклар билан сўзсиз тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли келишув ва шартномалар тузиш учун очиқ – дея таъкидланган эди Олий Кенгаш Баёнотида[2]. Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ва халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўзини намоён қилган янги мустақил давлат – «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди[3].

Шу кундан бошлаб, мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг чорак асрдан ортиқроқ давр ўтиб, **2017 йилда мамлакат мустақиллигининг 26 йиллиги тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр – эркинлик ва озодлик, миллий**



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.» [4]. Мустақиллик шарофати билан ўз тақдирининг хўжайинига айланган Ўзбекистон халқи қисқа тарихий давр ичида «жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллий давлатчиликни ва маънавий кадриятларни, муқаддас динимизни, удумларимиз ва анъаналаримизни тиклаш борасида улкан ютуқларга эришди» [4].

Ўзбекистон тарихидаги анча мураккаб ва масъулиятли бўлган ўша даврда мамлакат раҳбарияти олдида собиқ Иттифоқ тарқалиши билан боғлиқ инқироздан кейин республика ривожининг мураккаб масалаларини ҳал қилиш учун мақбул шарт-шароитни вужудга келтириш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, жаҳон муносабатлари тизимига фаол ҳамда жадал интеграцияни таъминлайдиган чинакамига эркин ва мустақил ташқи сиёсат йўналишини белгилаш, биринчи навбатда, ҳал қилиниши лозим бўлган ўта муҳим вазифа эди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниб, унинг 17-моддасида мамлакат ташқи сиёсатининг асослари сифатида «давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик» ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши белгилаб қўйилди. Асосий қонун мамлакат ташқи сиёсатини миллий манфаатлар билан чамбарчас боғлади ва Ўзбекистон Республикасининг «давлат, халқ олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, турли ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан ажралиб чиқиши мумкин»лиги ҳуқуқини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси давлат мустақиллиги, энг аввало, ташқи сиёсат ва давлатлараро муносабатлар соҳасида амалга ошишини англатар эди. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни мамлакат Раҳбариятининг халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ва минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, миллатлар ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли шерик сифатида киришига қаратилган халқаро сиёсатини белгилаш учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон мустақиллиги дастлабки йилларининг биринчи даражадаги талаби давлат ташқи сиёсати соҳасини тизимли институциялаштириш – дипломатия ва халқаро муносабатлар тизимининг асосий органи сифатида Ташқи ишлар вазирлигини барпо этиш ва унинг марказий аппарати ва хорижий муассасаларини кадрлар билан таъминлаш эди.



Бу йўлдаги бош муаммо шунда эдики, совет даврида ташқи сиёсат масалалари, халқаро майдонга чиқиш, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкиллаштириш марказлаштирилган унитар тизим доирасида ҳал қилинар эди. Собиқ иттифоқдош республикалар, жумладан, Ўзбекистон ҳам мустақил равишда амалда ташқи дунё билан бирорта ҳам алоқа ўрнатиш имкониятига эга эмас эди. Республика ТИВ мамлакат ташқи алоқаларида фақат номигагина вазирлик ролини адо этарди. Шу боис собиқ Иттифоқ республикаларининг ҳеч бирида мустақил равишда ташқи сиёсат ёки дипломатик фаолият олиб бориш тажрибаси йўқ, етарли даражада халқаро соҳа мутахассислари ёки дипломатик кадрлар тайёрловчи миллий мактаби мавжуд эмас эди.

Мамлакат тарихининг совет даврида Ўзбекистондан халқаро муносабатлар соҳасида иттифоқ давлатлар дипломатияси ривожига катта ҳисса қўшган кўп сонли истеъдодли ва тажрибали дипломатлар ҳамда мутахассислар етишиб чиққан бўлса-да, мустақилликнинг илк даврларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий идораси ва дипломатик кадрлар корпусининг шаклланиши амалда жуда қийин ва жуда сиқик мuddатда кечди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»^{*}ги Фармониға мувофиқ ТИВнинг мамлакат ташқи сиёсатини амалга ошириш, халқаро муносабатларда давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, шунингдек, бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар ва моддий-техник база яратиш мақсадида янги ташқи сиёсий идора зиммасига жиддий ва масъулиятли вазифалар юкланди. Улар сирасида ташқи сиёсат стратегияси масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ташқи сиёсий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, шунингдек, давлат халқаро фаолиятининг умумий муаммолари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бор эди.

Республика ТИВнинг фаолияти тубдан ўзгарди, унинг тузилиши ва таркиби мустақил давлат ташқи сиёсатини юритиш талабларига мувофиқ ҳолга келтирилди.

Айни пайтда, мамлакатда хорижий мамлакатлар билан ягона ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш, хорижий мамлакатлар билан техник ва савдо ҳамкорлигининг натижадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди (1992), ихтисослаштирилган ташқи савдо бирлашмалари ва агентлик-

^{*} Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрель «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ва унинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5400-сон фармониға кўра ўз қучини йўқотди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

лари юзага кела бошлади.

Дипломатик хизмат учун мустақил давлатнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш ва унинг жаҳон саҳнасидаги мавқеини мустаҳкамлаш масалаларини самарали ҳал қилишга қодир ўз касбининг устаси бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари қабул қилинди.

1992 йил 23 сентябрда республика тарихида жаҳон иқтисодиёти, давлатлараро муносабатлар ва дипломатия соҳасига ихтисослашган мутахассисларни тайёрловчи биринчи олий ўқув юрти – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига асос солинди. 1995 йилнинг баҳорида эса юқори малакали бошқарув кадрларини тайёрлаш, кадрлар сиёсатининг, жумладан, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳадаги самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган Давлат ва жамият қурилиши академияси* ташкил қилинди.

Ўзбекистоннинг халқаро фаолияти билан мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг илмий ва ахборот-аналитик таъминоти долзарб вазифага айланди. Халқаро-сиёсий жараёнларни чуқур тадқиқ этиш, мамлакатнинг миллий манфаатларини минтақада ва жаҳонда илгари суришга таъсир кўрсатувчи омиларни таҳлил қилиш зарурати тобора ўткирлик касб этиб борар эди.

Шу боис, ТИВ ахборот-таҳлилий бошқаруви ишини тизимли ташкил қилиш билан бир қаторда Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатларини ривожлантириш, унинг дунё саҳнадаги манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсат ва хавфсизлик соҳасида ҳам, жаҳон иқтисодиёти соҳасида ҳам таҳдид ҳамда хавфларни ўз вақтида юзага чиқариш борасида келажакни баҳолаш, қолаверса, амалий тавсиялар беришга қодир бошқа илмий-таҳлилий тузилмаларга эътибор ортиб борди. Ана шундай тузилмалардан бири 1992 йилда мамлакат раҳбариятини ички ва ташқи сиёсат масалалари бўйича ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлди. Аналитик соҳанинг шаклланишига Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби ҳам катта ҳисса қўшди.

Халқаро фаолият соҳасида аста-секин қонунчилик асоси вужудга келди ва кенгайиб борди. Хусусан, 1991 йил 14 июнда «Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида», 1995 йил 22 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»** ва 1996 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий

* Ҳозирги Давлат бошқаруви академияси

** Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февраль ўРҚ-518-сон «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўз кучини йўқотган.



тамойиллари тўғрисида»^{*}ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар мамлакат ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятини амалга ошириш, хавфсизлик, суверенитет ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонидаги миллий манфаатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш борасида илк қадамлар бўлди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг юқоридаги қонунларда акс этган асосий тамойилларини белгилаш мамлакат тарихидаги мураккаб даврда кечар, у чуқур стратегик тасаввур ва прагматизмни, шунингдек, мамлакат ва минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда барқарорлик ва геосиёсий мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирлар қўллашни талаб қилар эди.

Орадан ўн йиллар ўтиб мамлакатнинг ҳар томонлама ўйланган, миллий манфаатларга асосланувчи, жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини мустаҳкамлаган ташқи сиёсий йўналиши таянган қўйидаги тамойиллар 2012 йилда қонун билан тасдиқланган биринчи Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият Концепциясига киритилди:

- ҳамкорлик учун очиқлик;
- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- суверенитетга ҳурмат, тинчлик ва хавфсизликни асраш;
- ички ишларга аралашмаслик;
- чегаралар дахлсизлигини тан олиш;
- куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид солишга йўл қўймаслик;
- низоларни тинч йўл билан бартараф этиш;
- иккитомонлама ва кўптомонлама асосларда ўзаро манфаатли ташқи алоқаларни ривожлантириш;
- давлат манфаатлари, халқ фаровонлиги ва хавфсизлиги йўлида иттифоқлар, ҳамдўстликлар ва уюшмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш;
- ҳарбий блок ва уюшмаларга қўшилмаслик;
- давлатлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари дипломатияси Ўзбекистонни конструктив, прагматик ва ҳар томонлама ўйланган ташқи сиёсат юритувчи давлат сифатида дунёга танилди, унинг жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли ва ишончли шерик сифатида киришини таъминлади. Мустақилликнинг биринчи ўн йиллигидаёқ республика дунёнинг 121дан ортиқ мамлакати томонидан сиёсий жиҳатдан тан олинди, 110 мамла-

^{*} Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь ЎРҚ-330-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўз кучини йўқотган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

кат билан дипломатик муносабатлар ўрнатди (1991 йилдан 1999 йилгача)[5]. Ўша йиллари Тошкентда 40 дан зиёд давлатнинг элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари очилди, турли халқаро ташкилотларнинг вакилликлари фаолият юрита бошлади*. 2000 йиллар бошларига келиб дунёнинг 35 дан ортиқ мамлакатларида Ўзбекистоннинг элчихона ва консулликлари хизмат кўрсатар эди.

1992 йил 2 март Ўзбекистон дипломатияси тарихида алоҳида босқич, дунё миқёсида тинчлик, хавфсизликни қўллаб-қувватловчи ва барқарор тараққиётни таъминловчи энг обрўли ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига республиканинг аъзо бўлиб кириши санаси сифатида муҳрланиб қолди.

БМТ доирасидаги фаолиятнинг бошланиши билан Ўзбекистон ўзини глобал жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида намоён қилди, у дунёда ва минтақада ҳамжиҳатлик ва хавфсизлик ғояси билан майдонга чиқди ва зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган ўткир масалаларга жаҳон ҳамжамиятининг диққатини жалб этди.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигидаёқ Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё тараққиётининг ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган қатор эътиборга молик ташқи сиёсий ташаббусларни, жумладан, маҳаллий ва минтақавий зиддиятларга барҳам бериш, оммавий қирғин қуролининг (ОҚҚ) тарқатилишига қарши туриш, халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши кураш, иқтисодий ва бошқа инқирозлар асоратларини бартараф этиш ғояларини илгари сурди ва амалга оширди.

Ўзбекистон халқаро фаолияти диққат марказида ушбу масалалар туришининг сабаби қўшни Афғонистондаги беқарорлик ҳамда чегарадош минтақаларда кескинликнинг янги ўчоқлари юзага келишининг юқори хавфи бўлган, шунингдек, бутун дунёда стратегик мавҳумликнинг кучайганлиги билан характерланувчи давр воқелигига боғлиқ эди. Бундай вазиятда Марказий Осиё давлатларининг тинчлиги, барқарорлиги ва ривожланиши учун таҳдид ва хавф-хатар ортиб борар эди.

Шу боис Ўзбекистон ташқи сиёсати кун тартибидан афғон халқига мислсиз кулфатлар келтирган ҳамда бутун минтақа ва дунё учун жиддий таҳдид манбаига айланган Афғонистондаги кўп йиллик қонли урушга барҳам беришга қаратилган ташаббуслар алоҳида ўрин эгаллаши мантиқий эди. Республиканинг Биринчи Президенти И. Каримов 1993 йил 27 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ўзининг

* 2019 йилнинг июлида Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 134 давлати билан алоқалар ўрнатди. Ўзбекистонда 44 давлат элчихоналари (), Термез шаҳрида 1 АИР Бош консулиги, 11 халқаро ташкилот, 5 халқаро молия институти, шунингдек, хорижий давлатларнинг қатор ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатар эди.



БМТ минбаридан сўзлаган илк нутқида дунёни Афғонистондан келиб чиқаётган кўп сонли хавфлардан огоҳ этди ва жаҳон ҳамжамиятини афғон муаммосини ҳал қилишга фаол кўмаклашишга чақирди. 1995 йилда БМТ БА 50-сессиясида Ўзбекистон Афғонистонга қурол етказиб берилишига қарши халқаро эмбарго жорий этиш ғояси билан чиқди ва ушбу мамлакатда умуммиллий келишувга эришиш учун коалицион ҳукумат яратиш моделини таклиф қилди. 1997 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелиги остида 6+2 форматида Алоқа гуруҳи фаолият юрита бошлади, унинг таркибига Афғонистонга қўшни давлатлар (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Покистон ва Хитой), шунингдек, кафолатловчи давлатлар сифатида АҚШ ва Россия вакиллари кирди*. Мазкур гуруҳнинг хизмати билан 1999 йил 21 июлда Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган учрашув якунлари бўйича Афғонистон зиддиятини тинч йўл билан ҳал қилишнинг асосий тамойиллари тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши 54-сессиясининг расмий ҳужжати бўлиб қолган Тошкент декларацияси имзоланди. 2001 йилда Ўзбекистон БМТ Бош қотибига Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини киритиш таклифи билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Ўзбекистоннинг афғон муаммосини ҳал қилишдаги фаол стратегиясининг аҳамияти тўғрисида гапириб: «Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир», – дея қайд этади. Тошкентдаги 6+2 гуруҳи ташаббусини назарда тутиб давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш бўйича тажрибага эга», шу сабабли «хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини «ўзимизники», бошқасини эса «бировники», деб қабул қилмаслигимиз керак, аниқроқ айтганда, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ»[6], дея таъкидлайди. Шу муносабат билан биз Афғонистон билан умумий келажагимиз, афғонистонлик биродарларимизни ҳам, бизни ҳам бирдек ташвишга солаётган масалалар ҳақида гапириш учун барча асосларга, сиёсий ва маънавий ҳуқуққа эгамиз.

Ўзбек дипломатияси кўп йиллик фаолиятининг яна бир муҳим

* «6+2» гуруҳи 1997–2001 йилларда анча самарали иш олиб борди, БМТ шафелигида афғонлараро зиддиятларни бартараф этиш бўйича қатор умумий тамойиллар ва ёндашувлар ишлаб чиқди. Воқеаларнинг ривожидан айнан шу давлатлар афғон инкирозини ҳал қилиш йўлини излаш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга энг кўп жалб қилинди. 2008 йил Бухарестдаги НАТО/ЕАҲК саммитида Ўзбекистон томонидан янги «6+3» форматида (НАТО вакиллари кўшган ҳолда) АИРдаги зиддиятни сиёсий бартараф этиш йўллари биргаликда излаш мақсадида Алоқа гуруҳи фаолиятини тиклаш таклиф қилинган эди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ва муваффақиятли йўналиши **Ўзбекистоннинг оммавий қирғин қуролини тарқатмаслик борасидаги халқаро ташаббуслари бўлди.** Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш (ЯҚХХ) ғояси бутун минтақа мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамиятининг ОҚҚни назоратсиз тарқатилиши хавфига қаршилиқ кўрсатиш борасидаги манфаатларига мос келар ва Марказий Осиёнинг бундай турдаги қуролга эга бўлмаган давлатлари хавфсизлигини кафолатли халқаро-ҳуқуқий таъминланиши заруратини назарда тутар эди. Ушбу ташаббус Ўзбекистон ва қўшни давлатлар томонидан 2006 йилда имзоланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартномада*, шунингдек, 2014 йил 6 майда БМТ ташкил қилингандан бери илк маротаба Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган беш давлат АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия вакиллари томонидан яқдиллик билан ва бир вақтда имзоланган Марказий Осиёда ядродан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги шартноманинг кафолатлари тўғрисида протоколда ўз ифодасини топди.

Шартномани тайёрлашдан аввал халқаро экспертлар 1997 йил сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд» конференцияси натижаларини чуқур ўрганиб чиқдилар. Тошкент конференциясининг амалий натижаларидан бири БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш» резолюциясининг қабул қилиниши бўлди. Мазкур резолюция Марказий Осиё давлатларининг қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги қатъиятини халқаро ҳамжамият томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланаётганлигини намоён қилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан хавфсизлик соҳасида тарихда биринчи марта қўптомонлама келишув – минтақанинг беш давлатини бирлаштирган МОЯҚХХ тўғрисида шартнома юзага келди. Бундан ташқари, ушбу келишув Марказий Осиё давлатлари учун охир-оқибат беш ядро давлати ва бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда эътироф этилган илк мустақил ишлаб чиқилган ҳужжат эди. Экспертларнинг баҳоларига кўра, МОЯҚХХ тўғрисидаги Шартнома устидаги иш халқаро форумларда ядровий хавфсизликни экологик мезонлар билан баҳолаш масаласи қизгин муҳокама қилина бошланишига, шунингдек, халқаро ядровий терроризмга қарши туриш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб

*Ўзбекистон ташаббусининг халқаро-ҳуқуқий расмийлаштирилиши 2006 йилда Семипалатинскда минтақанинг барча давлатлари билан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги Шартнома (МОЯҚХХ) имзоланиши билан амалга ошди. Ўзбекистон аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлиб 2007 йил 10 майда Шартномани ратификация қилди. Шартнома 2009 йил 21 мартда минтақанинг беш мамлакати томонидан имзоланганидан сўнг кучга кирди.



чиқилишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда МОЯҚХХ тўғрисидаги шартнома Марказий Осиё хавфсизлигининг минтақавий архитектурасининг ажралмас қисми[7] ҳамда жаҳоннинг бошқа минтақалари учун ядро куролини тарқатмаслик борасида муваффақиятли ҳамкорликнинг намунаси бўлиб қолди.

Ўзбек дипломатияси учун тарқатмаслик масалалари ҳозирги даврнинг энг ўтқир муаммоларидан бири сифатида ҳамон унинг диққат марказидадир. 2016 йилда Ўзбекистон давлат раҳбари Ш. Мирзиёев Ўзбекистоннинг Ислом Ҳамкорлик ташкилотига раислигидаги устувор вазифаларидан бири сифатида 2017 йилда Яқин Шарқда ядродан холи ҳудуд яратиш ғоясини илгари сурди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва интеграциянинг фаол ташаббускори бўлди, ўз ташқи сиёсатининг Марказий Осиё йўналиши устуворлигини таъкидлаб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан дўстлик ва тинч қўшничиликни мустаҳкамлаш тарафдори сифатида чиқди. Ўзбекистон томонидан 1994 йилда илгари сурилган «Туркистон – умумий уйимиз» ғояси минтақавий интеграциясини ривожлантириш ва ягона иқтисодий ва маънавий макон яратишни кўзда тутар эди. Ушбу ғоя минтақа халқларининг тарихи, тили, маънавий қадриятлари ва анъаналари умумийлигини Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун доимо мустаҳкам замин сифатида тушунишга таянар эди.

Ўзбекистон 1990 йиллардан бошлаб Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг минтақа халқлари тинчлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш учун ўта муҳим бўлган жиддий масалаларни ҳал қилишга асосий эътибор қаратилган учрашувларида* фаол иштирок этди. 1991 йил 13–15 августда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган юқори даражадаги учрашув давомида иқтисодий ҳамкорлик учун шароитлар яратиш, умумий иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қўмаклашишга қаратилган Республикалараро маслаҳат органи яратиш тўғрисида келишув имзоланди. Минтақа давлат бошлиқларининг 1993 йил 4 январда бўлиб ўтган яна бир Тошкент саммитининг натижаси Халқаро Оролни қутқариш фонди[8] яратиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилиниши бўлиб, унинг вазифаси Орол ҳавзасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилаш ва тегишли лойиҳаларга маблағ жалб этишдан иборат эди. ХОҚФ Марказий Осиёдаги биринчи минтақавий ҳамкорлик институти эди.

* Бундай учрашувлардан биринчиси 1990 йил июнда Олма-Ота шаҳрида ҳали иттифокдош республикалар мавжудлиги шароитда бўлиб ўтди. Унда эришилган асосий натижа беш республика раҳбарияти томонидан СССР тарқалиши билан боғлиқ иқтисодий инқироздан чиқиш учун захираларни бирлаштириш зарур деган қарорга келиниши бўлди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган учрашув кун тартибидаги муҳим мавзу Тожикистондаги фуқаролар уруши (1992–1997 йиллар) ва ушбу биродар республикага ёрдам беришда давом этиш масаласини келишишдан иборат эди. Умуман, Тожикистондаги зиддиятни бартараф этишга кўмаклашиш 1977 йил 27 июнда Москва шаҳрида имзоланган Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш тўғрисида Умумий келишувга[9] эришилгунга қадар ўзбек дипломатиясининг диққат марказида бўлиб келди. Ўзбекистон Тожикистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига катта молиявий ва техник ёрдам кўрсатди.

Айнан 1993 йил Тошкент саммити давомида шу пайтга қадар «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» деб аталиб келинган минтақага «Марказий Осиё» деган замонавий ном берилди. У ўзида минтақа борасидаги янги тасаввурини – тарихи ва маданияти бир бўлган, хўжалик ва гуманитар алоқалари сақланиб қолган, шунингдек, ривожланиш ва хавфсизлик борасида умумий манфаатларга эга бўлган давлатларни бирлаштирувчи, минтақавий ҳамкорлик ва кооперацияга кўмаклашувчи ягона ҳудудни мужассамлаштирди.

Ўзбекистон ва унинг минтақа бўйича қўшнилари Марказий Осиёда давлатлараро ўзаро алоқаларнинг асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича олға қадам ташладилар. Бунга мисол сифатида терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши ва 2000 йил 20–21 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг саммити давомида бошқа минтақавий таҳдидлардан огоҳ этилишини кўрсатиш мумкин. Ушбу учрашув умумий таҳдид ва хавфлар билан тўқнашган Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаб берган муҳим босқич бўлди.

Бироқ вазият минтақалар бирдамлигига эришилишидан ҳали анча йироқ эди, Марказий Осиё мустақил давлатлари интеграция лойиҳаларидаги натижаларнинг турлича эканлиги ҳам шундан далолат берарди. 1994 йил 30 апрелда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон томонидан ягона иқтисодий макон тузиш ҳақидаги Шартнома* имзоланиши билан вужудга келган минтақавий ҳамкорликнинг биринчи уюшмаси – Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлик ташкилоти (МОМҲТ) 2002 йили Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотига (МОҲТ) айлантирилди. Аммо бу кутилган муваффақиятга олиб келмади ва 2005 йилда МОҲТ Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлаштирилди (ЕврОсИХ).

Ўз вақтида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг биринчи президентлари кўтариб чиққан минтақавий интеграция ғояларининг амалга оши-

* 1998 йилда Шартномага Тожикистон ҳам қўшилди.



рилишига бошқа омиллар қаторида минтақа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш суръатларидаги ва ташқи сиёсий устувор вазифаларидаги фарқлар, шунингдек, давлатлараро муносабатларда сиёсий ишончнинг йўқлиги тўсқинлик қилар эди. Ўзаро ишончнинг мавжуд эмаслиги Марказий Осиё давлатларининг минтақа ичидаги кўп сонли масалаларини ҳал қилиш жараёнида жиддий муаммолар келтириб чиқарар эди. Бунинг сабаби муаммоли масалалар кўриб чиқиладиганда бир-бирининг нуқтаи назарлари ва манфаатларини ҳисобга олиш истаги йўқлигида эди.

Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш масаласида қатор қарама-қаршиликлар ўткир тус олди*. Минтақанинг асосий дарёлари сув ресурслари атрофида вужудга келган вазият Марказий Осиё сув ҳўжалиги сиёсатини мувофиқлаштирилмаган миллий стратегиялар ҳаракатлантиришини ва улар мустақилликни қўлга киритганларидан бошлаб минтақавий сув-энергетика ҳамкорлигининг барқарор ва самарали механизмни яратишга эриша олмаганини кўрсатди. Вазиятни Орол денгизининг экологик ҳалокати ва минтақада хавфсизликка бошқа трансчегаравий таҳдидлар – терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликнинг кучайиши янада кескинлаштирар эди.

Минтақадаги кескинликнинг ортишига Марказий Осиё давлатлари ўртасида чегаралар делимитацияси ҳамда демаркацияси жараёнининг яқунланмаганлиги ҳам сабаб бўлди. Бу минтақанинг марказида жойлашган ва барча Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий чегарага эга бўлган Ўзбекистон учун анча муаммолар туғдирар эди[10]. Чегаралар устида 2000 йилдан олиб борилган музокара-лар нафақат делимитация жараёнларини тўхтаб қолишига, балки Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасида тинч қўшничилик муносабатларининг ривожланиши йўлида сунъий тўсиқлар яратилишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг қўшни республикалар билан давлат чегаралари делимитацияси ва демаркацияси туфайли юзага келган муаммолар амалда фақат 2016 йилга келиб ўз ечимини топа бошлади. Мазкур йўналишдаги муваффақиятларга Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти то-

* Минтақада сув муаммосининг долзарблигини географик омил келтириб чиқаради – Марказий Осиёнинг барча йирик дарёлари трансчегаравийдир, фақат Қирғизистонда сув ресурслари ўз худудида шаклланади, минтақанинг барча қолган мамлакатлари муайян даражада чегарадош давлатлар худудидан сув келишига боғлиқдир. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг деярли 90% янгиланган сув ресурслари қўшни республикалардан келади, бу эса сув омилнинг республика иқтисодий ривожиди ва миллий хавфсизлигини таъминлашда устуворлигини белгилайди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

монидан Марказий Осиёнинг барча ўта муҳим масалалари – чегаралар хавфсизлигидан тортиб сув ресурсларини оқилона тақсимлашгача бевосита минтақа мамлакатлари ўртасидаги тинч қўшничилик муносабатларига боғлиқ эканлигини тушунилиши сабаб бўлди. Қўшни мамлакатларнинг фаол биргаликдаги саъй-ҳаракатларисиз, уларнинг яқин интеграциялашувини таъминламай туриб йирик минтақавий лойиҳаларни амалга оширишнинг иложи йўқ[11].

Минтақанинг яна бир жиддий муаммоси Марказий Осиё мамлакатларини муҳим денгиз портларига барқарор чиқишини таъминловчи ишончли ва кенг турдаги транспорт-алоқа йўлаклари тизимининг мавжуд эмаслиги эди. Бу минтақа давлатларининг тараққиёти истиқболларини жиддий равишда чеклар, уларнинг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига тўлақонли киришини орқага сурар, ташқи омиллар босими олдида ожизлигини кучайтирар эди ва шу тариқа Марказий Осиё савдо ҳамда иқтисодий кооперациясига қўшимча тўсиқлар яратар эди. Умуман, Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги даражаси томонларнинг имкониётларига жавоб бермас эди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро савдо улуши 15–20%га яқинни ташкил қилар эди[12].

Бунинг устига, 1990-йилларда бўлгани каби, жорий юз йиллик бошида Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни амалда ривожлантириш бўйича кўп ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини геосиёсий ва геоиқтисодий хусусиятдаги омиллар, ички сиёсий тартибот билан боғлиқ сабаблар тўхтатиб турар эди.

Марказий Осиё йўналишида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш билан бир қаторда Ўзбекистон 2012 йилда Ташқи сиёсий фаолият концепциясида (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрь ўРҚ-330-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун) Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳамкорликни «тенглик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирларининг фойдасини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш асосида» ривожлантириш устувор вазифа эканлигини билдирди. МДХга аъзо мамлакатларга алоҳида муносабатни нафақат тарихан шакланган сиёсий, иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа алоқалар, балки 1990-йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатлари билан бирга умумий манфаатлар асосида ўзаро дўстона ва фойдали муносабатларни ривожлантиришга интилаётган мустақил, тенг ҳуқуқли давлатлар бирлашмасининг вужуд-



га келишида муҳим ўрин тутганлигини ҳам белгилади*. Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятини такомиллаштиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда унинг аҳамиятини оширишга, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга, глобаллашув шароитидаги умумий таҳдид ва хавфларга қарши курашда унинг аъзолари ўртасида бирдамликни мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари орасида Россия Федерацияси** билан дўстона алоқаларни изчил ривожлантириш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутди. Ушбу алоқаларга 1992 йил 30 май Давлатлараро алоқаларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 1994 йил 2 мартдаги Ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация, 2004 йил 16 июнь Стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома, 2005 йил 14 ноябрдаги Иттифоқ муносабатлар тўғрисидаги Шартнома, шунингдек, 2012 йил 14 июнь Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилди. XXI асрда иккитомонлама муносабатларни йўлга қўйилишининг бошиданок Тошкент ва Москва ўзларининг ҳар икки давлат ўртасида барча соҳаларда тенглик, ўзаро ёрдам, бир-бирларининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини мамлакатлар ўртасидаги оға-инилик руҳида ҳурмат қилиш асосида ривожлантиришга бирдек истак билдирдилар. Ўзбек-Россия муносабатларининг муҳим жабҳаси савдо-иқтисодий, инвестиция алоқаларини кучайтириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўлиб қолди.

Ҳамдўстликнинг ва, умуман, постсовет маконининг бошқа давлатлари – **Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Молдова ва Украина, шунингдек, Болтиқбўйимамлакатлари– Латвия, Литва, Эстония билан алоқаларни сақлаш ва ҳамкорликни кучайтиришга муҳим аҳамият берилди.** Шунга қарамасдан, Ўзбекистоннинг мазкур давлатларнинг кўпчилиги билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги 1990 йилдан 2016 йилга қадар етарли даражада суръат касб этмади ва натижалари томонларнинг амалдаги мавжуд салоҳиятларига жавоб бермади[14, 15].

* 1991 йил 13 декабрда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон президентлари Ашхободда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги яратиш тўғрисидаги Келишувни имзолаш билан боғлиқ вазиятни муҳокама қилиш учун учрашдилар (Минск шаҳри, 1991 йил 8 декабрь). Учрашувда қўшма баёнот имзоланиб, унда МДҲ собиқ Иттифоқнинг барча республикалари томонидан ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли асосда тузилиши кераклиги таъкидланган эди. Беш давлат бошлиқлари МДҲга таъсисчи ролида киришларини билдирдилар.

** Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасини 1992 йил 20 мартда тан олди. Ўша кунлик ҳар икки мамлакат ўртасида расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ғарб йўналишида Америка Қўшма Штатлари билан алоқаларни ривожлантиришга стратегик аҳамият берилди. 1990 йиллардан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-инсонпарварлик, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларни, шунингдек, хавфсизлик масалаларини ўз ичига олган қамровли кун тартиби шакллана бошлади. Ҳар икки мамлакат ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнашда давом этаётган Америка–Ўзбекистон савдо палатаси тузилди. 2000-йилларга келиб республикада Америка инвесторлари иштирокида саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, газ-кимё ва нефть тармоқларида, олтин қазиб олиш, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларида 300 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатар эди.

2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатидан сўнг Ўзбекистон томонидан АҚШ халқаро терроризмга қарши кураш кампаниясини қўллаб-қувватланиши Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни фаоллашувига сабаб бўлди. Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 11–14 мартда АҚШга биринчи расмий сафари давомида имзоланган Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги Декларация томонларнинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, трансмилий хавфлар ва таҳдидлар – гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, ОҚҚ тарқатиш, терроризм ва экстремизмга қарши туришдан умумий манфаатдор эканликларини таъкидлади.

Ўзбекистон, шунингдек, **Европа Иттифоқи*** билан ҳам иккитомонлама диалогнинг барқарор тизимини йўлга қўйди. Унга 1996 йилги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув (ШХК)** асос бўлиб, ўз ичига савдо, инвестициялар, интеллектуал мулк, қонунчилик, инсон ҳуқуқлари, маданият, тараққиёт ва ноқонуний миграцияга қарши кураш соҳасида мунтазам сиёсий учрашувлар ўтказиш ва ҳамкорликни қамраб олди. Ўзбекистон ривожланаётган мамлакатларга европа бозорига бир-томонлама кириш имконини берувчи ЕИ (GSP) Ягона тариф преференциялари тизими имтиёзларини олди. 2015 йилда Европа Иттифоқи

* Ўзбекистоннинг Европа Ҳамжамияти билан муносабатларининг бошланишига 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ Комиссияси ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида Меморандум имзоланиши билан тамал топи қўйилди. 1995 йил январь ойида Брюсселда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилиб, у Ўзбекистоннинг ЕИ қошидаги ваколатхонаси бажарадиган вазифаларни адо этади. 2011 йил июнидан бошлаб Тошкентда ЕИ Делегацияси фаолият юритади.

** Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишув (ШХК) 1996 йил 21 июнда Флоренцияда имзоланиб, 1999 йил 1 июлда кучга кирди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва ЕИ ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги жиддий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги асос ҳужжат – шериклик ва ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида лойиҳа устида музокаралар олиб борилмоқда.



Ўзбекистоннинг йирик савдо бешлигига ХХР, РФ ва Қозоғистондан кейин кирди. ЕИнинг ташқи савдо балансидаги улуши 12%ни ташкил қилди, 2015 йилда савдо ҳажми 1,8 миллиард еврога етди[17]. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи учун Ўзбекистон янги хавфларга қарши туриш ва Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларининг ечимини топишда ишончли шерикка айланди.

Айни пайтда Брюссель ва Тошкент ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан Ўзбекистондаги ва минтақадаги инсон ҳуқуқлари борасидаги вазиятга, шунингдек, Европа ҳукумати томонидан Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий соҳада ва хавфсизлик жабҳасидаги сиёсатини тушунилишига боғлиқ эди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси муаммолари 2005 йилдаги Андижон воқеалари туфайли иккитомонлама муносабатларнинг кескин пасайишига сабаб бўлди. Бунинг оқибати Ўзбекистонга нисбатан қурол етказиб берилишига эмбарго шаклида санкциялар киритилиши бўлди. Демократик ислохотлар йўлидан бораётган мустақил Марказий Осиё давлатига нисбатан қўлланган санкциялар Европа Иттифоқининг аъзо-давлатларининг ўзининг ичида баҳсларга сабаб бўлиб[18], 2008 йилда бекор қилинди.

ЕИ билан диалогда ўзаро бир-бирини тўлиқ тушунишнинг мавжуд эмаслиги иқтисодий асоратлар келтириб чиқарди. Иккитомонлама муносабатларда муҳим муаммолардан бири қатор ғарб компаниялари «ўзбек пахтаси»га нисбатан бойкот эълон қилинишига сабаб бўлган пахта теримида болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш бўлди.

Фақат 2016 йилдан кейин мамлакатда Президент Ш. Мирзиёев даврида бошланган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги мисли кўрилмаган ислохотлар ҳамда АҚШ, ЕИ ҳукуматлари, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва халқаро молия институтлари билан қизғин сиёсий-дипломатик фаолият олиб борилиши туфайли, Ўзбекистон болалар ва мажбурий меҳнат муаммосини тубдан ҳал қилишга ва, умуман, барча шериклари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги диалоглари ижобий хусусият касб этишига муваффақ бўлди. 2017 йил 1 февралда ХМТ Ўзбекистонда 2016 йилда пахта йиғим-терими компаниясининг эркин мониторинги бўйича ҳисоботида болалар меҳнатидан фойдаланиш амалиёти тўхтатилганлиги ва ҳукуматнинг пахта секторида мажбурий меҳнат хавфини бартараф этишга қаратилган ислохотлари кучайганлиги қайд этилди[19].

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий устувор йўналишларидан бири **Осиё Тинч океани минтақасининг (ОТМ) глобал иқтисодиёт ва сиёсатнинг энг йирик марказларидан бири сифатидаги мақомини ҳисобга**



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

олган ҳолда, унинг давлатлари билан ҳар томонлама муносабатларни изчил йўлга қўйганлиги бўлди. ОТМ мамлакатлари республиканинг етакчи сиёсий ва иқтисодий шериклари бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг **Хитой Халқ Республикаси** билан муносабатлари барқарор ва ўзаро манфаатли хусусият касб этди. Иккитомонлама ҳамкорликнинг чуқурлашувига 2012 йил 6 июндаги Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация ва 2013 йил 9 сентябрдаги Иккитомонлама стратегик шерикликни янада ривожлантиришни чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма декларация мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. ХХР ҳамкорлигининг асосий йўналишлари сиёсий диалогни мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини, айниқса, хомашё ва технология секторларида кенгайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор ишлаб чиқариш соҳаларига Хитой инвестицияларини жалб қилиш деб белгиланди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига уларнинг терроризм, экстремизм, сепаратизм, наркотрафик, ноқонуний қурол савдоси ва бошқа хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш масалаларга қарашларнинг муштарақлиги ва яқинлиги кўмаклашади. Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг фаол инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида 700дан ортиқ компаниялар фаолият юритмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, жорий йилларда хитойлик инвесторлар Ўзбекистон иқтисодиётига деярли 8 миллиард доллар тикдилар.

Ўзбекистон мустақил тараққиётининг биринчи ўн йилликларидаёқ Осиёнинг барча етакчи давлатлари билан иқтисодиёт, инвестиция, фан ва технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасида шериклик муносабатларини йўлга қўйди ва мустаҳкамлади. Япония республиканинг муҳим шериги бўлиб, ушбу мамлакат билан ҳамкорлик 1994 йил «Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги алоқаларнинг асосий тамойиллари тўғрисида» қўшма ҳужжатга асосланади. Айниқса 1990–2000 йилларда иқтисодий, савдо, илмий-технологик ҳамкорлик, миллий банклар ўртасидаги алоқалар ривожланди. Кўкдумалак ва Шўртан нефть конларини ўзлаштиришга, Бухоро нефтни қайта ишловчи заводи қурилишига, Фарғона нефтни қайта ишловчи заводини қайта тиклашга, шунингдек, телевизион алоқалар соҳалари реконструкциясига Япония ҳукумати, ўнлаб фирма ва компаниялар ўз инвестицияларини тикдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 17-20 декабрь кунлари **Японияга** расмий ташрифи мамлакатларимиз



ўртасида сўнги йилларда изчил ривож топаётган муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ташриф давомида давлат раҳбари Япония императори Нарухито, мамлакат бош вазири Синдзо Абэ, Парламентнинг Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто, Парламентнинг Вакиллар палатаси спикери Тадамори Осима, бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо билан музокаралар олиб борди.

Япония ҳукумати раҳбари С.Абэ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни юксак баҳолади ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни жонлантиришга фаол ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Икки мамлакат етакчилари ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташриф доирасида бўлиб ўтган ишбилармонлик тадбирларининг натижалари катта мамнуният билан тилга олинди. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Японияга давлат ташрифи давомида 48 та келишув ва шартномалар имзоланади.

Расмий ташриф доирасида Япониянинг Нагоя университети илмий кенгаши таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда илм-фан ва академик алмашинувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун, шунингдек, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган иқтисодийни либераллаштириш ва барқарор тараққиётга эришиш борасидаги ислохотлар эътирофи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга университет фахрий доктори унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кунчиқар мамлакатга расмий ташрифини ҳар икки томон ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-технологик соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим қадам дея баҳоланди.

1990 йиллардан Ўзбекистон билан **Корея Республикаси** ўртасида муносабатлар мустақамланди ва жадал ривожлана бошланди. Ҳар икки мамлакат ўртасида Ўзбекистонда тинч ва иноқлик муҳитида яшаб, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшиб келаётган кўп сонли корейс диаспораси ўзига хос кўприк бўлди. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий шерикларидан бири, мамлакатда иқтисодийни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг йирик инвестори ва асосий иштирокчилардан бўлди. Икки



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

давлат орасида имкон қадар бир-бирини қўллаб-қувватлаш муҳити ҳукмрон. Жанубий Корея томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг ҳажми 7 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилади. 2015 йилда ўзаро товар алмашинуви ҳажми 1,7 миллиарддан ортди. Ўзбекистонда машинасозлик, енгил, кимё ва озиқ-овқат саноати, савдо, металлургия, соғлиқни сақлаш, транспорт хизматлари, туризм соҳаларида жанубий корейлик инвесторлар иштирокида ташкил қилинган 430дан ортиқ корхоналар муваффақиятли иш олиб бормоқда; Жанубий Кореянинг 70 дан ортиқ компаниялари ваколатхоналари очилган.

2006 йилда Стратегик шериклик тўғрисида Қўшма декларация имзоланган. Умуман олганда, ўзбек-жанубий корей алоқалари шартномавий-ҳуқуқий асосини 150 дан ортиқ турли хусусиятдаги ҳужжатлар ташкил қилди.

1990–2000-йилларда мустақил Ўзбекистон Республикаси **Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари** ҳамда Ўзбекистонга маънавий, дин, урф-одатлар ва анъаналари жиҳатидан яқин бўлган араб давлатлари билан давлатлараро алоқаларни ўрната бошлади. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентни Ислом маданияти маркази деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг маданий, илмий ва тарихий меросини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга эканлиги ва араб дунёси томонидан юксак қадрланишининг тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан бошлаб Форс кўрфази араб давлатлари билан ишончли ва дўстона муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлди, мазкур давлатларда республика истиқболли инвестиция бозори сифатида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликда эришган ютуқларидан бири 2011 йил 25 апрелда Ашхободда Туркманистон, Ўзбекистон, Эрон ва Уммон томонидан Форс кўрфази мамлакатлари ва Марказий Осиё ўртасида транспорт йўлаги қуриш бўйича тўрттомонлама келишув имзоланиши бўлди.

Марказий Осиё ва Афғонистон минтақасига яқинлик, Ўзбекистон билан тарихан яқин ва дўстона алоқалар Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзбек дипломатияси учун аҳамиятини белгилаб берди. Ўзбекистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларидан ўзларини Осиёда тез ривожланаётган муҳим бозорлар сифатида намоён қилган Ҳиндистон ва Покистон ҳам ўрин олди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг салмоқли ҳуқуқий асоси, энг аввало, 2011 йилда имзоланган Стратегик шериклик ҳақидаги қўшма баёнот хилма-хил йўналишларда ҳамкорликнинг



қизғинлашуви учун имкониятларни кенгайтирди. Ҳинд бизнеси вакиллари Навоий шаҳрида трансминтақавий интермодал хаб имкониятларига*, «Жиззах» ва «Ангрен» ЭИЗларига алоҳида қизиқишларини намоён қилдилар. Ҳамкорликнинг устувор йўналиши етакчи ҳинд компаниялари билан юқори технологик ишлаб чиқариш яратиш мақсадида инвестиция алоқаларини ривожлантириш бўлди. Айни пайтда, ўзаро савдо кўрсаткичлари ортганига қарамадан, гарчи иқтисодий муносабатлар Тошкент ва Нью-Делининг стратегик шериклиги асоси деб эътироф этилган бўлса-да, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги товар алмашинуви даражаси 2014 йилда 315,9 миллион долларни ташкил қилиб, ҳар икки давлат иқтисодий салоҳиятига мос келмади.

Покистон билан савдо-иқтисодий, инвестиция соҳаларида ва хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги беқарор вазият билан боғлиқ таҳдидларни бартараф этиш борасида барқарор ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш ҳам стратегик йўналиши бўлди. Бироқ иқтисодий ҳамкорлик икки давлат салоҳияти ва имкониятлари даражасида эмас эди.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва обрўли халқаро ташкилотлардан бири бўлмиш **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)** фаолиятига қизғин жалб этилиши муҳим аҳамият касб этди. Республика 2001 йил 15 июнь куни Хитойдаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги Декларацияни имзоланиб, унга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон ўзининг ташкилотга биринчи раислигидаёқ ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитди. 2004 йил 17 июнда Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган саммит доирасида ташкилотнинг мунтазам фаолият кўрсатувчи органи – Минтақавий аксилтеррор тузилма ижроия қўмитаси очилди. Турли хавф ва таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Хавфсизлик Кенгашлари котибларининг учрашувлари йўлга қўйилди. Тошкент ташаббуси билан саммитга биринчи мартаба меҳмон сифатида Афғонистон президенти таклиф қилинди. Кейинроқ Афғонистон ШХТ қошида қузатувчи давлат мақомини олди.

Ўзбекистоннинг иккинчи раислиги даврида амалга оширилган ишлар ҳам ШХТ фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. 2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи давомида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Шунингдек, 2010 йил 11 июнда бўлиб ўтган Тошкент саммитида ШХТ Тамойиллари қоидалари ва ШХТга янги аъзолар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом имзоланди.

Ташкилотнинг 2016 йил июнь ойидаги Саммитида давлат бош-

* Ҳозирги вақтда ушбу халқаро хабдан дунёнинг етакчи транзит нукталарига, жумладан, Ҳиндистоннинг Дехли ва Мумбай каби sanoat марказларига мунтазам рейслар амалга оширилади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

лиқлари ШХТнинг 15 йиллик фаолиятининг асосий натижаларини кўриб чиқдилар. ШХТнинг халқаро майдондаги эътиборга сазовор ва обрўли «ўйинчи» сифатидаги мавқеи мустаҳкамланганлиги алоҳида таъкидланди. Тошкент саммитида ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ушбу икки мамлакатни ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши ҳамда ШХТнинг кенгайиши томон ташланган биринчи қадам бўлди; шунингдек, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непалга диалог бўйича шерик мақомининг тақдим қилиниши тўғрисидаги меморандумларнинг имзоланиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Ўтган йиллар давомида Тошкент ШХТнинг «шанхай саккизлиги» мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун қулай шарт-шароит юзага келтириш йўлида келишилган сиёсат юритиш тарафдори бўлган энг фаол аъзо-давлатларидан бири бўлди. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, «ШХТнинг обрўси ва нуфузининг янада мустаҳкамланиши бизнинг «шанхай руҳига», ташкилотнинг тамойиллари ва қадриятларига садоқатимизга боғлиқ», унинг устувор йўналиши эса Марказий Осиё бўлиб қолиши керак[20].

Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг сифат жиҳатдан янгиланганлиги яна бир тарихий воқеа билан намоён бўлди – 2019 йилнинг 15 октябрь куни Боку шаҳрида **Туркий тилли давлатлар кенгашининг** еттинчи саммитида Ўзбекистон Кенгашининг тўлақонли аъзосига айланди. Ўз тарихи, тили, тамаддуни нуқтаи назаридан Ўзбекистон туркий дунёнинг ажралмас қисмидир. Туркий келиб чиқишини англаб етган ҳолда, Ўзбекистон, учунчи давлатлар манфаатларига зарар етказмаган ҳолда, туркий дунё билан яқиндан геоиқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик қилишдан чуқур манфаатдордир.

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилишини барча аъзо мамлакатлар мамнуният билан қабул қилди. Президент Ш.М.Мирзиёев саммитда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари саммит кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз фикр ва таклифларини билдирди. Ўзбекистон Президенти тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри ва ишончли алоқаларни ўрнатиш учун энг қулай шароитлар яратишни устувор вазифа деб қайд этди. Шу борада кўшма технопарклар, стартап инновация компаниялари ва венчур жамғармалари ташкил этиш, кўшма инвестиция фонди ва туркий давлатлар савдо уйлари биргаликда барпо этиш ташаббусини илгари сурди. Ш.М.Мирзиёев Кенгашга аъзо мамла-

катлар аҳолисининг 40 фоизидан ортиғи ёшлар эканидан келиб чиқиб, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Туркий Кенгаш доирасида Ёш тадбиркорлар форумини таъсис қилиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йил Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди. Давлатимиз раҳбари йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш орқали Европа, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш, “Боку-Тбилиси-Карс” янги темир йўлининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам амалий таклифлар айтилди.

Халқаро майдонда сезиларли фаоллашган ва минтақавий интеграциялашуви жараёнларида ўз ролини кучайтириб бораётган Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилиши мазкур ташкилот ишини янада фаоллаштиради, унинг кун тартибини янги ғоялар ҳамда аниқ таклифлар билан бойитади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг Кенгашдаги фаолияти мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва ўрнини янада ортиб боришига хизмат қилади.

Умуман, суверен Ўзбекистон дипломатияси шаклланишининг биринчи ўн йиллиги жаҳондаги анча мураккаб ва ўта зиддиятли сиёсий жараёнлар асносида кечди. Аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизими тараққиётнинг муқобил моделини илгари сурмасдан туриб ўз умрини яшаб бўлган эди. Ана шундай шароитда мамлакат давлат тузилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, маънавий уйғонишнинг ўта мушкул масалалари ечимини топиши дозим эди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг мустаҳкамланишида мамлакатнинг ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишга миллий манфаатлардан келиб чиқиб ҳар томонлама ўйланган, прагматик ва конструктив ёндашувлардан фойдаланишга таянувчи суверен ташқи сиёсати муҳим омил бўлди.

Қисқа муддат ичида республика бутун дунё томонидан тан олинди, минтақавий ва халқаро тараққиётнинг қатор долзарб масалалари бўйича унинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Республиканинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Оролни қутқариш, чегарадош давлатлар, жаҳон ва минтақанинг етакчи йирик давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари шулар сирасидандир.

**6.2. Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигидаги
кенг кўламли ислохотларнинг янги даври ҳамда
Ўзбекистон дипломатиясининг тубдан янгиланиши.**



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ўзбекистон Республикасининг янги ташқи сиёсий курсини амалга оширишнинг бугунги босқичида эришилган асосий натижалар ва ютуқлар

Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши мустақил Ўзбекистон давлатчилиги, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг ривожланишида принципиал жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Моҳиятан, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва дипломатик фаолиятидаги фундаментал ўзгаришлар, унинг халқаро майдондаги ўрни ва ролини кучайтириш, мамлакат ён-атрофида хавфсизлик ва барқарорлик муҳитини яратиш, давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг мутлақо янги парадигмасини шакллантириш билан боғлиқ ғоят мураккаб масалалар кун тартибидан ўрин олди.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти очиқ ва конструктив сиёсат юритмасдан халқаро хўжалик алоқаларида ўз ўрнини эгаллаш, жаҳон бозорларига чиқиш, шериклик муносабатларини ривожлантириш ва кенгайтириш, халқаро ҳаётнинг тўлақонли актори бўлишнинг иложи йўқлигини тўлиқ англаган эди. **Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси концептуал жиҳатдан чуқур қайта идрок этилди ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама янгиланди.**

Ўзбекистон ҳукуматида бўлган ўзгариш халқаро ҳамжамият диққат марказида бўлди. Республиканинг тараққиёти қайси йўлдан боради ва унинг ташқи сиёсий курси қандай бўлади, деган савол асосий масалалардан бирига айланди. Бош вазир Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 8 сентябрь кuni бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи барча саволларга ойдинлик киритиб, туб ислохотлар сари йўл аниқ-равшан кўрсатилган ва Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик устувор йўналишлари белгилаб берилган Президент дастурига айланди[21]. Шу вақтдан бошлаб мамлакатда очиқ бозор иқтисодиётини шакллантириш ва инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлган демократик давлатни барпо этишга қаратилган туб ва жадал ислохотлар бошланди.

Ш. Мирзиёев Президент этиб сайлангач, ушбу дастур Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг таркибий қисмига айланди.** Стратегияда «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» мамлакат тараққиётининг бош йўналишларидан бири сифатида белгиланди[22].



Республиканинг ташқи сиёсат идораси олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

– мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни ҳамда жамият ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни шакллантириш, Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторига киришини таъминлаш;

– мамлакатнинг халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ижобий имижини кучайтириш;

– Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ҳудудига айлантириш;

– жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик шерикликнинг мутаносиб, қўп қиррали тизимини шакллантириш;

– Ўзбекистоннинг минтақа ва жаҳон сиёсатидаги муҳим йўналишлар бўйича халқаро ташаббусларини илгари суриш;

– маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт ҳажминини ошириш ва географиясини кенгайтириш борасида кўмаклашиш;

– миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этишда фаол кўмаклашиш;

– мамлакатимизга туристларни жалб қилиш ҳамда туристик инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш;

– транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ҳамда халқаро транспорт коммуникациялари ва логистик инфратузилманинг ривожланишига кўмаклашиш;

– хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

Мамлакатимиз, минтақамиз ва жаҳонда бугунги тарихий даврда рўй бераётган чуқур ва туб янгиланишлар жараёнида **Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концептуал асосларини янгилаш ва такомиллаштириш, унинг устувор йўналишларини аниқлаштириш зарурати алоҳида долзарб аҳамият касб этди.** Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат ва жаҳондаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар даврида Тошкент оқилона мақсадга мувофиқлик, прагматизм ҳамда ташқи сиёсат мақсад ва вазифаларининг давлатнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ресурслари ва салоҳиятига мослиги принципларига содиқ қолаётганини аниқ-равшан билдирди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати қуйидаги асосий принципларга таянади:

– давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

– халқаро мажбуриятларни виждон билан бажариш, инсон ҳуқуқларини ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш;

– хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги;

– ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлар аро тузилмадан, агар у ҳарбий-сиёсий блок этиб ўзгартирилса, чиқиб кетиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш;

– ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базалари ва объектларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик;

– Куролли Кучларнинг хориждаги тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ операцияларда ва ҳарбий можароларда иштирок этмаслиги;

– бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, бундан ҳарбий тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш ҳоллари мустасно;

– ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, тарқатиш ва ўз ҳудудида жойлаштиришдан воз кечиш;

– очиқлик ва прагматизм, ташқи сиёсатни мафқуралаштиришдан тўлиқ воз кечиш;

– қўшни мамлакатлар билан ҳар томонлама яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда баҳсли масалаларни тизимли мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва оқилона мурса асосида ҳал этиш.

Мамлакатнинг халқаро соҳадаги принцип ва мақсадлари аниқ белгилаб олингани натижасида Ўзбекистон ташқи сиёсати салмоқли даражада фаоллашди, унинг аниқ вазибаларни ҳал қилишга йўналтирилиши кучайди, бунинг учун зарур бўлган самарали тизимли ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Президент Ш. Мирзиёевнинг ислохотлар дастури амалга оширилиши бошланганидан буён нисбатан қисқа вақт ичида **хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб муаммоларни ҳал қилишда улкан натижаларга эришилди.** Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги, стратегик даражага кўтарилди. Жаҳон ва минтақадаги етакчи дав-



латлар, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонга эътибори орта бошлади, уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қизиқиши кучайди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим натижаси, шубҳасиз, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг қўшни давлатлар билан сифат жиҳатидан янги, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш, Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашдек бош устувор йўналишининг муваффақиятли амалга оширилгани бўлди. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев минтақавий йўналишда қилган мисли кўрилмаган қадамлар Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий ишонч муҳитини шакллантирди ҳамда Ўзбекистоннинг яқин қўшнилар билан муносабатларининг тубдан ўзгариши учун шароитлар яратди. Ўтмишда ўткир минтақавий зиддиятлар келтириб чиқарган, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг ривожига тўсқинлик қилган, минтақадаги кескинликка шарт-шароит яратган кўплаб масалаларни ҳал қилишда сифатли силжишга эришилди. Савдо, инвестициявий, транспорт-коммуникацион, кооперация ва ишлаб чиқариш, маданий-гуманитар алоқалар, чегараолди ва ҳудудлараро ҳамкорлик, хавфсизликни таъминлаш ҳамда замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш соҳасидаги шериклик салмоқли даражада фаоллашди ва кенгаймоқда. Ўзбекистон билан минтақа давлатлари ўртасида ўзаро англашув ва сиёсий ишонч мустаҳкамлангани, минтақада кузатилган кескинлик сезиларли камайтгани асосий натижа бўлди.

Бундай улкан ютуқларга бутун Марказий Осиёда ҳамкорликни принципаал жиҳатдан янгилаш, мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш, минтақа мамлакатларининг бирдамлигини таъминлашга бор саъй-ҳаракатини қаратган ҳамда оқилона муромага тайёрлигини намойиш этган шахсан Президент Ш. Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва сиёсий жасорати туфайли эришилди. Унинг минтақавий сиёсат бўйича янги фалсафаси «ноль суммали ўйин», яъни «кимдир ютади – кимдир ютқазади» қабилдаги тамойилни мутлақо инкор этишдан иборат. Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон умумий натижаларга эришишга, жараённинг барча томонлари ютишига интилмоқда. Тошкент ёнқўшниларга нисбатан очиқ ва конструктив сиёсатни олиб бориш, Марказий Осиё муаммоларини тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида ҳал этиш мамлакат ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши эканини аниқравшан белгилаб олади. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Марказий Осиёни барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт ҳудудига айлантиришга



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қаратилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон раҳбари бу борадаги стратегик қарашларини 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён этди. БМТ минбаридан туриб илк бор нутқ сўзлар экан, мамлакатимиз Президенти тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – Ўзбекистон интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифа экани ҳамда Тошкент бу мақсадга эришиш учун Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроаса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрлигини қайд этди[23]. Бу борада Президент Ш.М. Мирзиёев минтақадаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаб олиш учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш тўғрисида муҳим минтақавий ташаббусни илгари сурди.

Ўша йилнинг ноябрь ойида, Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда, жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро даражадаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар бўйича кенг кўламли дастурни таклиф этди.

Ш.М. Мирзиёев томонидан минтақани халқаро алоқалардаги роли ва ўрнига доир комплекс қараш тақдим этилди: «Евроосиёнинг «юраги»да жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир». Минтақа табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд. «Айни пайтда Марказий Осиёда қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда» [24].

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти томонидан ҳақли равишда минтақада вазият қандай ривожланади, бу ерда қандай куч устун келади — низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми деган савол қўйилди. Бу саволнинг жавоби равшан – буларнинг барчаси, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигига боғлиқ. Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош Ўзбекистон минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва ҳамкорлик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. Ўзбекистон раҳбари бир неча бор такрорлаганидек: «Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган



Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифа».

Бутун минтақанинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлаш кўп жиҳатдан Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги қай даражада ҳамжиҳат ва уйғун йўлга қўйилишига боғлиқ, деган фикр Ўзбекистон раҳбарининг нутқида «қизил ип» бўлиб ўтади. Бу нафақат сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликка, балки Марказий Осиёда трансчегаравий таҳдидлар – терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафикка қарши биргаликда курашга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти умумий аҳолиси 70 миллиондан ортиқ бўлган минтақанинг келажаги бугунги кунда Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати томонидан барпо этилаётганига эътибор қаратди. Бу минтақа мамлакатларига катта масъулият юклайди, чунки «биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур» [25]. Тошкент минтақа мамлакатларига савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда товар айирбошлашни ошириш ва кооперацияни мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш; минтақанинг транзит-логистика салоҳиятини самарали рўёбга чиқариш; хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш; давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини якунлаш; халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ва минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланиш муаммоларини тартибга солиш; Марказий Осиё мамлакатлари ва халқлари ўртасида маданий-гуманитар ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат минтақанинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалаларини биргаликда ҳал этишни таклиф этди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан таклиф этилган минтақавий ҳамкорликни барпо этиш формуласи Марказий Осиёнинг асрлар давомида ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қozoқлар ва туркманлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаган ва яшаётган, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётган минтақа сифатидаги тарихий воқелигини тўлиқ ҳисобга олади. Бугунги кунда Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ушбу кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик солномаси янгиланмоқда. Вақт синовидан ўтган қардошлик муносабатлари ва стратегик шерикликнинг юксак даражаси янги мазмун билан бойимоқда.

«Марказий Осиё ўзлиги», унинг умумий ва ўзига хос жиҳатларининг шаклланиш жараёни кечмоқда, деб таъкидлашга барча асослар бор. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлагани-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

дек, «**Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради**». Марказий Осиё ўзлиги тўғрисида қайси мезонлар асосида сўз юритиш мумкин?

Биринчидан, бу тарих, тил, география, антропология ва этногенетик келиб чиқишнинг умумийлигидир. Халқларимизнинг маънавий ва тараққиёт асослари бир, космоси бир ва дунёқараши бирдир. Миф, афсона ва ривоятларимиз, байрам, маросим ва урф-одатларимиз ўхшашдир.

Иккинчидан, Марказий Осиё минтақасида мавжуд бўлган давлатлар хилма-хил бўлган бўлса-да, уларнинг давлатчилик принципи секулярлик ва маънавийлик мутаносиблигига асосланган. Шақлига кўра дунёвий давлат мазмунига кўра бағрикенг бўлган маънавий негиз билан мувозанатга келтирилган. Бунда бутунги давримизда, **давлат, дунёвийлик ва анъанавий қадриятлар ўртасида конструктив мувозанатни** сақлаш ҳаётий муҳим бўлган минтақада давлат қурилиши принципларида аллақандай изчиллик, бардавомлик кузатилади.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатларини сиёсий ва иқтисодий тузилмаларни модернизация қилишдан иборат ўтиш даврига оид умумий вазифалар боғлаб туради. Марказий Осиё шуниси билан ажралиб турадими, дунёнинг бошқа қисмларида миллий давлатлар таназзулга юз тутаетган шароитда минтақада давлатчиликни барпо этиш ва суверенитетни мустаҳкамлаш давом этмоқда.

Тўртинчидан, Марказий Осиёда хавфсизликнинг янги тузилмаси – **минтақа давлатларининг умумий манфаатлари тизими** шаклланмоқда. Икки ёки ундан ортиқ давлат ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали жамоавий ҳаракат қилишсагина, ушбу манфаатларни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу модель Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари туфайли шаклланмоқда. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон билан икки томонлама муносабатларининг янги сифати вужудга келди, яқин минтақавий ҳамкорлик шакллана бошлади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар бутунги халқаро муносабатларда танқис бўлаётган ўзаро ҳурмат ва ўзаро фойда, миллий манфаатларга қатъий содиқлик принциплари асосида қурилаётгани ҳам умумминтақавий муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилмоқда. Минтақадаги ҳурматга асосланган муносабатларнинг маънавий-этик даражаси Ғарбда кенг тарқалган «ишонч ўрнатиш» (trust-building) юридик атамасидан анча юқори ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ва халқлари ўртасида тарихан ташкил топган ўзаро муносабатларни чуқурроқ акс эт-



тиради.

Бешинчидан, афғон омилини ҳисобга олмасдан Марказий Осиёнинг умумий ўзлиги мавжуд бўлмайди. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги тарихий алоқалар бу давлатлар ташкил топганидан кўп асрлар аввал, улар сиёсий чегаралар билан ажратилмаган ва ягона ҳудуднинг бир қисми бўлган даврдаёқ мавжуд эди. Бугун ҳам Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор келажаги ва изчил тараққиёти кўп жиҳатдан тарихи, географияси, дини, тиллари ва анъаналари ўхшаш бўлган қўшни Афғонистонда тинчликка эришилишига боғлиқ.

Президент Ш.М. Мирзиёев Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас қисми, деган принципиал жиҳатдан янги қарашни илгари сурди ҳамда ушбу мамлакатнинг Марказий Осиё давлатлари учун бош «таҳдидлар манбаи» сифатидаги эски тасаввурларни тубдан ўзгартирди. «Биз энди Афғонистонга унинг ҳудудидан тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмайдиган давлат сифатида қарай бошлашимиз керак», – дея даъват этди Ўзбекистон раҳбари. – Афғонистон – бизнинг дўстона ҳамкоримиз ва қўшнимиздир»[26].

Ўзбекистон ташаббуси билан 2018 йил 26–27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциянинг очилишида Президент Ш.М. Мирзиёев афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб, афғонларнинг раҳбарлигида амалга оширилаётган ушбу жараёнга қўмаклашишга реал ҳисса қўшиш борасидаги интилиши қатъий эканини билдирди. Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига қараганда, АИРда тинчлик ўрнатилиши кенг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва бутун минтақанинг изчил иқтисодий ўсишини, тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш учун ноёб стратегик имконият яратади.

Тошкент Кобулга савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва маданий-гуманитар соҳаларда яқиндан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни тақлиф этди. Ўзбекистон Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашувига ҳар томонлама қўмаклашишни ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси сифатида белгилади. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бу дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига ғоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилади... Ўзбекистон бундан кейин ҳам бу қўшни мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, унинг транспорт ва энергетик инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадрлар тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этишини таъкидламоқчиман»[27]. Ўзбекистоннинг позициясига



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

кўра, афғон заминида тинчлик ўрнатилиши Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар очади ва реал наф келтиради, умумий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, автомобиль ва темир йўллари қуриш, табиий ресурсларни ташийдиган қувурлар ўтказиш, минтақавий ва трансминтақавий савдо-сотиқнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратади[28].

Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси афғон муаммосини ҳал қилиш ва Афғонистон Ислом Республикасида барқарорликни таъминлаш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун йўл очди, ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасидаги мулоқот орқали тинчликка эришишда муҳим қадам бўлди. Конференция яқунлари халқаро ҳамжамиятда кенг эътироф этилди ҳамда афғон муаммосини ҳал қилишда иштирок этаётган халқаро ташкилотларнинг муҳим расмий ҳужжатларига кирди.

Умуман, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Афғонистон билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлигининг жадал ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратилгани 2017 йилдан буён Ўзбекистон ташқи сиёсатида эришилган салмоқли ютуқ бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар раҳбарлари билан икки томонлама ва кўп томонлама шаклдаги мулоқот ва учрашувлари салмоқли даражада фаоллашди. 2017 йил март ойидан бошлаб 2019 йилнинг ўрталарига қадар Марказий Осиё мамлакатларига олий даражадаги 16 та давлат, расмий ва амалий ташрифлар амалга оширилди. Саммитлар доирасида томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда, дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ келишувларга эришилмоқда.

Принципиал жиҳатдан муҳим ва салмоқли, жумладан, Ўзбекистон билан Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтарган давлатлараро ҳужжатлар имзоланди – кейинги икки йилда Туркманистон (Ашхобод шаҳри, 2017 йил 6 март) ва Тожикистон (Тошкент шаҳри, 2018 йил 17 август) билан стратегик шериклик тўғрисида шартномалар, шунингдек, Қозоғистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида (Остона шаҳри, 2017 йил 23 март) ҳамда Қирғизистон билан стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида (Тошкент шаҳри, 2017 йил 5 октябрь) декларациялар имзоланди[29].

2017 йил 5 декабрь ва 2018 йил 26 март кунлари олий даражадаги учрашувлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция-



вий, транспорт-коммуникация, фан-таълим ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, шунингдек, тижорат шартномалари имзоланди.

2018 йилда Ўзбекистон раҳбариятининг муҳим ташқи сиёсий ташаббуслари муваффақиятли рўёбга чиқарилди. 2018 йил март ойида Остонада бўлиб ўтган **Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви** Марказий Осиё халқларининг кўп асрлик яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги саҳифа очди. Унда минтақа етакчилари савдо, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан очиқлик ва ишонч муҳитида фикр алмашдилар. Тадбир якунида Марказий Осиё саммитларини мунтазам ўтказиш, хусусан, навбатдаги олий даражадаги маслаҳатлашувларни Тошкентда ташкил этишга келишиб олинди.

2019 йилнинг 29 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари тарихий саммитда учрашди. Бу 2018 йил март ойида Қозоғистонда бўлиб ўтган илк учрашувдан кейинги **давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учашуви** бўлди. Мазкур форматдаги мулоқотни ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган.

Тошкент саммити Ўзбекистонда ўтказилган бу каби тадбирлардан биринчиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Кўп қиррали музокараларда минтақа давлатларининг умуммаданий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш кун тартибидаги масалалардан бири сифатида қайд этилди. Президент Ш.М.Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари фуқароларига илм-фан, маданият ва санъат соҳаларидаги улкан ютуқлари учун топшириладиган “Марказий Осиё мукофоти”ни таъсис этишни таклиф этди. Кучли минтақавий ўхшашликни фуқароларнинг миллий ўзига хослиги билан уйғунлаштириш минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни мустаҳкамлаш жараёнида муҳим қадамлардан ҳисобланади. Мазкур ташаббуслар ҳамда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг университетлар форуми, минтақавий спорт тадбирларини ўтказишга доир таклифлари Марказий Осиёда муштарак тарих, тил, диний меросга асосланган ягона ривожланишни шакллантиришнинг самарали усуллари дандир.

Маслаҳат учрашувида иқлим ўзгариши масалаларининг муҳим аҳамият касб этиши барча давлатлар раҳбарлари томонидан алоҳида эъ-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

тироф этилди. Тадбирда қайта тикланувчи энергия манбаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликнинг улкан салоҳияти ва уни ривожлантириш иқтисодиёт ва энергетика соҳасини диверсификация қилишга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувида Афғонистон масаласи ҳам эътибор марказида бўлди. Афғон миллати Марказий Осиёнинг уч давлати билан бевосита чегарадош. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистоннинг аҳамиятини қисқа ва ўринли тарзда қайд этди: “Афғонистон бизнинг минтақамизнинг узвий бир қисмидир. Ушбу мамлакатга тинчлик ва тараққиёт йўлига қатъий қадам қўйиши учун ёрдам бериш барчамизнинг умумий манфаатларимизга тўлиқ мос келади”.

Юксак даражадаги мустақкам мулоқот Марказий Осиёда истиқболдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Минтақа дуч келадиган жиддий хавфлар ҳам шу тариқа, яъни ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар ёрдамида ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **2018 йил 22 июндаги 72/283-сонли Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақкамлаш тўғрисидаги резолюция** қабул қилингани Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиёда бошланган ижобий интеграция жараёнлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганининг далили бўлди. Ҳужжатда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги янада яқин ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликнинг муҳим аҳамияти тасдиқланган бўлиб, БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, фондлар ва дастурларни минтақа давлатлари томонидан белгиланадиган Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз дастур ва тадбирларини мувофиқлаштиришга даъват қилинган[30]. Резолюцияга БМТга аъзо 55 давлат ҳаммуаллифлик қилди.

2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг ялпи сессиясида яна битта махсус «**Маърифат ва диний бағрикенглик**» **номли 73/128-сон резолюцияни** қабул қилди[31]. Бу воқеа ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусларнинг амалий рўёби бўлди. Ушбу ҳужжат бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни тарғиб этиш, диний эркинликларни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмақлашишга қаратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу икки резолюция нафақат БМТга аъзо давлатларнинг барчаси томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки 50 дан зиёд мамлакатнинг ҳаммуаллиф-



лигида қабул қилинди, бу эса Ўзбекистон ташаббусларининг долзарб экани ва ўз вақтида илгари сурилгани халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётганидан далолат беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ёшларга қўшма мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистон раҳбариятининг таклифлари ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватлангани Президент Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 9 июнь куни **Циндао шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги** иштирокининг муҳим натижаси бўлди.

2018 йил 24 август куни **Туркманбоши шаҳрида ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг таъсисчи давлатлари раҳбарлари саммитида** Ўзбекистон Президенти Орол минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилаш борасида муҳим ташаббусларни илгари сурди, жумладан, Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилишни таклиф этди. Натижада, 2019 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан **БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди** ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари ва донор ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали Оролбўйини ривожлантириш жараёнига интеграциялашган ёрдамни таъминлаш, минтақани ривожлантириш учун техник ва молиявий ресурсларни сафарбар этиш ҳамда минтақага унинг барқарор тараққиёти мақсадларида янги билим, инновацион технология ва ёндашувларни жалб қилишдан иборат бўлди.

Президент Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми** ташкил этилди. Ушбу форум халқаро ҳамжамият томонидан инсон эркинлиги ва кадр-қимматини улуғлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга эга глобал тадбир сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан БМТ ҳамда бошқа ташкилот ва форумлар доирасида илгари сурилган ушбу йирик ташаббусларнинг барчаси тинчлик, хавфсизлик ва изчил тараққиёт борасидаги глобал ташаббусларнинг бир қисмига айланиб, жаҳон ҳамжамиятида улкан халқаро аҳамият касб этди ва қўллаб-қувватланди. Республика раҳбариятининг ташқи сиёсий ташаббуслари рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон тараққиётидаги стратегик вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қулай халқаро муҳит яратилишига хиз-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

мат қилмоқда.

Йирик икки томонлама ва минтақавий муаммоларни, жумладан, узоқ йиллар ҳал этилмайдиган чегараларни делимитация қилиш вазифасидан фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш бўйича сиёсий-дипломатик ишларнинг фаоллашгани Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича 2000 йилда бошланган жараён, асосан, томонларнинг ўзаро мақбул мурося йўллариини излашга ўзаро қадамлар ташланмагани сабабли 15 йилга чўзилиб кетди. Бу вазиятни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмаслиги муносабати билан чегарани ҳуқуқий расмийлаштириш масалаларини тезкор ҳал қилиш Президент Ш. Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига киритилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари юзасидан музокаралар жараёни узлуксиз характер касб этди.

Президент Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 5 сентябрь куни Қирғизистон Республикасига ва 2018 йил 9 март куни Тожикистон Республикасига давлат таширифлари давомида Келишилган қисм бўйича Ўзбекистон–Қирғизистон Давлат чегараси тўғрисида шартнома ва Ўзбекистон–Тожикистон Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартноманинг имзолангани чегараолди муаммоларни ҳал қилиш соҳасидаги ишларнинг асосий натижалари бўлди. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида чегара ҳудудида ишонч чоралари бўйича битим (Тошкент шаҳри, 2017 йил 6 октябрь) имзоланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ўртасида давлат чегаралари туташган нуқта ҳудуди тўғрисидаги масала юзасидан англашувга эришилди – тегишли шартнома 2017 йил 10 ноябрь куни Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги халқаро конференция доирасида Самарқанд шаҳрида имзоланди [32]. Ушбу ҳужжат учта чегарадош давлат ўртасидаги ўзаро ҳурмат, уларнинг суверен тенглиги ва ҳудудий яхлитлиги учун мустаҳкам асос яратди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз чегарасининг 85 фоизи юзасидан келишиб олдилар. Қозоғистон билан давлат чегарасини делимитация қилиш якунига етказилди. 2017 йилнинг март ойида кўп йиллик та-наффусдан сўнг Туркменистон билан чегара масалалари бўйича ишчи гуруҳлар музокаралари давом эттирилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан Давлат



чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларида ижобий натижалар **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ёнқўшниларга нисбатан очик ва конструктив сиёсат юритилгани туфайли эришилди.** Аксарият хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг янгидан идрок этилган сиёсати собиқ СССРдан мерос бўлиб қолган Давлат чегарасига доир мураккаб масалаларни ҳал этишга янги ёндашувни топишга имкон берди. Ушбу ёндашувни амалда қўллашнинг биринчи натижалари **ушбу жараённинг тарихий аҳамиятини ҳамда Ўзбекистоннинг «Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроа асосида ҳамкорлик қилишга» қатъий сиёсий иродасини кўрсатди.**

Минтақадаги қўшни давлатлар билан имзоланган чегара тўғрисидаги шартномалар маданиятли иқтисодий ҳамкорлик, чегараолди савдони ривожлантириш, товар айирбошлашни ошириш учун катта имкониятлар очди ҳамда, энг муҳими, чегарадош ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг борди-келдиси учун қулай шароитлар яратди. Хусусан, Қирғизистон билан чегарадаги пунктларда чекловларни бекор қилиш ҳамда Тожикистон билан чегара постларининг тўлиқ форматда фаолият юритиши тўғрисида келишуларга эришилгани туфайли Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасини ҳар куни кесиб ўтувчи фуқаролар сони 30 минг нафарга, Ўзбекистон-Тожикистон чегарасини кесиб ўтувчилар сони эса 20 минг нафарга етди[33].

Минтақада сувдан фойдаланиш муаммолари ҳам тизимли асосда ҳал этила бошланди. Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистондаги гидроэнергетика лойиҳалар бўйича қатъий позициясидан воз кечди ҳамда минтақада сув хўжалиги масалаларини ҳал этишга янада кооператив ёндашувни қабул қилди.

2016 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сув соҳасидаги муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузилди. Тошкент Қирғизистон Республикаси билан муносабатларни янги даражага кўтариш чораларини кўрди, сув-энергетика соҳасидаги масалалар бўйича конструктив ечимга эришиш учун икки томонлама сув хўжалиги комиссиясини тузиш тўғрисидаги идоралараро битим доирасида ишлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида сув ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Томонлар трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларини бошқариш ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш асосида ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар[34].

Кейинги йилларда Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

саъй-ҳаракатлар трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш атрофидаги минтақавий кескинликни салмоқли даражада юмшатишга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳолат халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланиб, келажакда самарали минтақавий ҳамкорлик ва интеграциянинг ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин бўлган ижобий тенденция сифатида қабул қилинмоқда.

Бугун Марказий Осиё жаҳон сиёсатидан четда қолмагани аниқ. Минтақа йил сайин жаҳон жамоатчилиги ва халқаро муносабатлардаги асосий акторларнинг тобора кўпроқ эътиборини тортмоқда. Минтақа мамлакатларининг фаолиги ортаётгани, улар минтақавий ва глобал сиёсатнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этаётгани ҳам бунга хизмат қилмоқда. Айни пайтда, Марказий Осиёдаги янги минтақавий жўшқинлик кимнингдир манфаатларига қарши қаратилмаган. Аксинча, минтақавий ҳамкорлик ҳақида қайғуриш Марказий Осиёнинг барқарор ва тараққий этган минтақа сифатида, демак, ишончли ва олдиндан тахмин қилиб бўладиган халқаро шерик сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Хорижий кузатувчиларнинг таъкидлашича, ушбу жараёнларнинг локомотиви ва ташаббускори бўлган Ўзбекистон очик ва жадал ривожланаётган, қайтариб бўлмас демократик ислохотларни ҳамда миқёсига кўра мисли кўрилмаган, давлат ҳокимиятининг деярли бутун тизимини қамраб олган янгиланишларни амалга ошираётган мамлакат сифатида «**янги қиёфа**» билан дунёга очилмоқда. Экспертларнинг фикрича, «**бугун жаҳондаги ҳеч бир давлат бу йўналишдаги янгиланишларнинг шиддатли суръатларига кўра Ўзбекистонга тенглаша олмайди**»[35].

Ғарбнинг етакчи таҳлилий марказларидан бири – Лондон Стратегик тадқиқотлар халқаро институти 2018 йилнинг сентябрида Ўзбекистондаги кенг қўламли иқтисодий ислохотлар ва таркибий янгиланишларнинг батафсил таҳлилин тақдим этди. Муаллифларнинг фикрича, **Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган узоқни кўзловчи сиёсий ва иқтисодий ислохотлар бутун Марказий Осиёга улкан таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон минтақанинг аҳолиси энг зич бўлган мамлакати ва географик марказидир. Бу жиҳатлар туфайли республика дунёнинг ушбу қисмини ривожлантиришдаги трендларнинг тарихий, сиёсий ва иқтисодий манбаига айланмоқда.**

Халқаро кузатувчилар таъкидлашича, бугун Ўзбекистон мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ва жадал янгиланишларнинг янги муҳим босқичида турибди. Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистоннинг янги ҳукумати ташаббуси билан бошланган кенг қўламли



либераллаштириш мамлакат иқтисодиётини очмоқда. Ислохотлар дастури, шунингдек, БМТнинг 2030 йилга қадар бўлган даврга мўлжалланган барқарор тараққиёт соҳасидаги кун тартиби билан тўлиқ ҳамоҳангдир. Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантириш ва фуқаролар учун қўшимча имкониятлар яратишга қаратилган мураккаб ислохотларни амалга оширишда барқарор тараққиётга эришди. Хорижий инвестициялар оқимини ошириш ва тегишли равишда иқтисодиётни мустаҳкамлаш, янада кўпроқ иш ўринларини яратиш, барқарор ва комплекс тараққиётга эришиш учун ҳаётий муҳим бўлган валютани тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Халқаро молиявий институтлар иқтисодий ўсишнинг янада юксак суръатларига эришиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича ислохотларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали рўёбга чиқарилишида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, давлатлараро дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, барча соҳаларда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган фаол ташқи сиёсат алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистондаги ислохотларнинг чуқурлашуви Марказий Осиё сиёсатининг характерига таъсир қилмоқда ҳамда янада кенгроқ миқёсда – Евроосиёдаги барқарорлик ва тинчликка хизмат қилмоқда. Ғарб таҳлилчилари **Ўзбекистон янги раҳбариятининг сиёсати умид бағишловчи йўналишдан бораётгани, ислохотларнинг кенг дастури олдинга ташланган жиддий қадам экани тўғрисида хулосага келмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг модернизация қилиниши Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш ва сиёсий барқарорликка хизмат қилади, бу эса бутун Евроосиё учун кенг қўламли оқибатларга олиб келиши мумкин.**

Ўзбекистон бошланган катта миқёсли ислохотлар, халқаро муносабатларнинг замонавий трендлари **ички сиёсий тузилмани такомиллаштириш, уни шаклланган шароитларга мослаштириш, ташқи сиёсат аппарати фаолиятига тизимли қайишқоқликни жорий этишни тақозо этди.** Айнан шу талабларни инобатга олиб, Президент Ш.М.Мирзиёев ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий стратегияни шакллантиришга янги ёндашув имкониятларини кўрди. Бу Ташқи ишлар вазирлиги тизимида туб ислохотларни амалга ошириш заруратини вужудга келтирди. Тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини такомиллаштириш бўйича Фармони қабул қилинди.

ТИВни ислоҳ қилишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланди:

– вазирлик ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

фаолияти ва ташкилий-штат тузилмасининг норматив-ҳуқуқий асосларини «иқтисодий дипломатия»ни ривожлантиришга урғу берган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

– республиканинг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда вазирликнинг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш;

– ТИВ фаолиятига мамлакатимиз маҳсулотлари, хизматлари экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, инвестициялар, илғор технологиялар ва туристлар оқимини мамлакатга жалб этишга йўналтирилган янгича ёндашув ва усулларни жорий этиш;

– миллий ва хорижий экспертлар жамоалари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва илмий доиралар билан мунтазам ҳамда мақсадли ахборот алмашиш ишларини кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг ижобий халқаро нуфузини шакллантиришда «оммавий дипломатия» воситаларини фаол қўллаш[36].

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари олдига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ривожлантириш, инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш, туристлар оқимини кенгайтириш бўйича фаол ва тизимли ишларни ҳамда ахборот-тушунтириш фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистоннинг сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги халқаро ташаббусларини, шунингдек, мамлакатимизнинг минтақавий ва глобал тараққиётнинг муҳим масалаларига доир позиция ва ёндашувларини самарали илгари суриш вазифаси энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди[37].

2019 йил 17 январь куни «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, унда хориждаги Ўзбекистон жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда давлат хизматларини кўрсатишнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни ижро этиш учун Ўзбекистоннинг турли мамлакатлардаги бош консулликлари сони кенгайтирилмоқда. Ўзбекистоннинг бош консулликлари Санкт-Петербург, Екатеринбург, Владивосток, Қозон, Новосибирск шаҳарларида очилди, Ростовда эса очилиши режалаштирилмоқда.

Хорижда яшаётган ватандошлар билан яқин ва амалий муносабатлар ўрнатиш ташқи сиёсат идораси фаолиятининг принципиал янги йўналиши бўлди. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини**



янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланганидек, сўнги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ва ҳар томонлама ҳимоя қилишга кўмак бериш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда кўплаб ватандошларимиз иқтисодиётимиз, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани — Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустаҳкамлашда муносиб ва сезиларли ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, Қарорда муаммонинг аҳамияти ва долзарблиги ошаётганини ҳисобга олиб, ватандошлар билан самарали алоқаларни тизимли асосда кучайтириш ва кенгайтириш, улар салоҳиятини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг сифат жиҳатидан яхшилашга тўлиқ жалб қилиш вазифаси қўйилган.

Мамлакат раҳбарияти томонидан Ташқи ишлар вазирлигига белгилаб берилган сиёсий мақсад-вазифаларнинг комплексли амалга оширилиши халқаро муносабатлар соҳасидаги юқори малакали мутахассис кадрларбилан таъминлашни тақозо этади. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида** илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, мамлакатнинг бутунги ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий устуворликларидан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини ошириш, мутахассисларни манзилга тайёрлаш, дипломатик кадрларнинг истиқболли захирасини шакллантириш, университетнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг тизимли таҳлил қилиш фаолиятидаги ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган [38].

Ўзбекистон дипломатиясининг асосий вазифаси барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик ва дўстона муносабатларнинг мустаҳкам тизимини йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ишончли ва масъулиятли шерик сифатидаги ижобий имижини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

Замонавий дунёда ҳеч бир мамлакат ижобий халқаро имижсиз ривожланган давлат номига даъвогарлик қила олмайди, қолаверса, ташқи иқтисодий ва сиёсий хатарлар олдида заиф бўлиб қолади. Мамлакатнинг ижобий ташқи имижини шакллантириш ва фаол илгари суриш нафақат сиёсий обрўни юксалтириш ва давлатнинг ташқи сиёсий та-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

шаббусларини илгари суришга хизмат қиладиган омил, балки унинг иқтисодий ривожланишини, маҳсулотларининг хорижий бозорларни эгаллашини ва хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминлайдиган омил сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда жаҳонда Ўзбекистонга, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бўлган қизиқиш кескин ўсиши кузатилмоқда. Ўзбекистон янги қиёфа ва имиж билан халқаро майдонга чиқмоқда. Тошкентнинг **Марказий Осиёда янги геосиёсий воқеаликни, ишонч ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган принципиал жиҳатдан янги сиёсий ишонч муҳитини яратишга** хизмат қилган очиқлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик сиёсати халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

6.3. Ўзбекистоннинг иқтисодий дипломатияси

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дастурининг энг муҳим йўналиши этиб иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш белгиланган.

Бой табиий ресурслар ва инсон капиталини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлиги Ўзбекистонда ривожланишнинг аввалги босқичида нисбий иқтисодий барқарорликнинг сақланиб қолишига кўмаклашди. Бироқ, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашуви, самарасиз давлат корхоналарининг кўплиги, протекционизм ва қаттиқ валюта назорати, кўплаб экспертларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг «шак-шубҳасиз заиф манбалари» эди[38].

Давлат раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда хорижий инвесторларни жалб қиладиган очиқ иқтисодиётни яратишга асосий эътибор қаратилди. Энг муҳим устувор вазифалар этиб «миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодий муносабатларига интеграциялашувини кучайтириш» ва экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш белгиланди.

Инвестицион муҳитнинг яхшиланишига иқтисодиётни, биринчи навбатда, валюта бозорини очиш ва либераллаштириш, бизнесга солиқ юкини камайтириш, виза тартибини ва божхона тарифларни тартибга солишни соддалаштириш бўйича тизимли чоралар қабул қилиниши ёрдам беради.

Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятида иқтисодий функцияларни кучайтириш. Давлат раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифа-



ларни ҳал этиш иқтисодий ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар, шу жумладан мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Шу муносабат билан, давлатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суришнинг янги моделини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди.

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йил 12 январда ўтказилган Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилиш хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатишга қаратилган янгича ёндашувни намоиш этди.

Мамлакат раҳбарининг маърузасида Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига мамлакатнинг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини олиб боришдаги мувофиқлаштирувчи роль юклатилди. Ўзбекистонлик дипломатлар олдига экспортни тарғиб этиш, инвестициялар ва инновацияларни жалб қилиш ҳамда туризмни ривожлантириш каби муҳим вазифалар қўйилди[39].

2018 йил 5 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида[40] ислохотларни самарали амалга ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш ва аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим омили сифатида мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг аҳамияти таъкидланган.

Давлатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор вазифалар қўйилди, жумладан: ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолият соҳаларидаги стратегик устуворликларни янада самарали илгари суриш мақсадида Ташқи ишлар вазирлигининг ташкилий ва штатлар тузулмасини ўзгартириш; ташқи ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш учун давлат органларининг Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш; ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриш масалаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; чет элик ватандошлар билан тизимли мулоқот ўрнатиш, шу жумладан устувор ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш; ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳада тезкор муносабат билдиришнинг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

технологик салоҳиятини ошириш, «рақамли дипломатия» воситаларини ишлаб чиқиш.

ТИВ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қаторига қуйидагилар киритилган: **иқтисодий дипломатияни** илгари суришга эътибор қаратган ҳолда ТИВ ва унинг хориждаги муассасаларининг фаолияти ва ташкилий-штат тузилмасининг меъёрий-ҳуқуқий базасини қайта яратиш; ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ТИВнинг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш; ТИВ ва унинг хориждаги муассасаларининг фаолиятида товарлар ва хизматлар экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, инвестициялар, илғор технологиялар ва туристик оқимларни жалб қилиш мақсадида янги ёндашувлар ва усулларни жорий этиш.

ТИВнинг энг муҳим вазифаси ташқи иқтисодий фаолиятда мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзбекистонлик иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ягона ташқи иқтисодий сиёсат юритиш бўйича тегишли вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат, этиб белгиланди. Тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига ТИВнинг ташқи иқтисодий соҳада унга юклатилган асосий вазифаларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш топширилди.

Белгиланган вазифаларни комплекс равишда бажариш учун ТИВ таркибида Ташқи иқтисодий ҳамкорлик бош бошқармаси ташкил этилди. Янги бўлинманинг асосий фаолият йўналишлари этиб мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, хорижий инвестициялар ва молиявий-техник кўмакни жалб қилиш, туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш белгиланди.

Яна бир муҳим чора – хорижий шериклар билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимият органларига ёрдам бериш учун ТИВнинг ҳудудий бўлимларини яратиш бўлди. Бу каби бўлинмалар Бухоро, Урганч, Самарқанд, Нукус ва Термиз шаҳарларида фаолиятини бошлаган[41]. Ушбу янгилик юзага келган муаммоларни тезкор ҳал этишда ТИВ, ҳокимликлар, шунингдек, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ўртасида тизимли мулоқот ўрнатиш имконини берди.

ТИВ ва дипломатик ваколатхоналарнинг иқтисодий функцияларини кучайтиришни, шунингдек, идоралар ва ҳудудларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришни жадаллаштирган муҳим инновацион ечим Давлат раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йил февраль ойида



жорий этилган муайян худудларни, иқтисодиёт тармоқларини ва йирик корхоналарни алоҳида хориждаги муассасаларга бириктириш амалиёти бўлди. Ушбу механизм инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, экспорт ва туризмни ривожлантириш ва бизнес ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига тезкор ечим топишга имкон берди[42].

Мамлакатнинг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий сиёсатига ўтиш қарорининг инновацион аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиздир. **Ташқи иқтисодий манфаатларнинг илгари сурилишига эътиборнинг кучайиши заифлашишни эмас, аксинча, ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор вазифаларини ҳал этиш учун энг қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни яратишга қаратилган мамлакатнинг сиёсий ва дипломатик фаолиятини янада кучайтирди.** 2017–2018 йилларда 41 та олий даражадаги ташрифлар бўлиб ўтди, давлат ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан 90 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди, 380 дан ортиқ халқаро шартнома ва битимлар имзоланди[43]. Мухим ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан олий ва бошқа даражадаги расмий учрашувлар доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлашда сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга қўшимча равишда экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш, молиявий ва техник кўмак, сайёҳлик оқимини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилишни Ўзбекистон ўз ташқи сиёсати ва иқтисодий дипломатиясининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этади, унга очиқлик ва прагматизм беради. Расмий Тошкент Россия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларни сезиларли даражада фаоллаштирди.

Россия билан ҳамкорлик стратегик муҳим йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 4–5 апрель кунлари Россияга қилинган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлардаги муҳим воқеа бўлди. **Россия Федерацияси Президенти В.Путиннинг 2018 йил 18–19 октябрь кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида нафақат стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, балки икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, технологик ва инвестицион ҳамкорликни тубдан янги босқичга кўтариш тўғрисида музокаралар олиб борилди.** Иккала томон ҳам савдо имтиёзларини таъминлаш, ўзаро савдони диверсификация қилиш, йирик лойиҳаларда биргаликда иштирок этиш, шу жумладан Ўзбекистонда 1200 мвт қувватга эга атом электр станциясини қуришни бошлаш борасида мисли кўрилмаган қадамларни қўйдилар. Ўзбекистонда



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Россия сармоясини иштирокидаги 960 та корхона ва Россияда Ўзбекистон сармоясини иштирокида 570 нафар корхона фаолият юритмоқда. 2017 ва 2018 йилларда Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарларининг иккита давлат ташрифи якунлари бўйича иқтисодий, инвестицион, энергетика, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли битимлар ва шартномалар имзоланди. Шу билан бирга, қўшма инвестиция лойиҳаларининг умумий ҳажми 27 млрд. доллардан ошди.

Ўзбекистон ва Россия минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенг миқёсда давом этмоқда. Ўзбекистон вилоятлари ва Санкт-Петербург, Москва, Челябинск, Свердловск, Новосибирск ва бошқа вилоятлар, Татаристон ва Бошқирдистон республикалари ўртасида шартномалар имзоланди.

АҚШ билан муносабатлар конструктив ва ижобий руҳда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти, Ғарбнинг иқтисодий ва технологик жиҳатдан юқори ривожланган давлатлари, шу жумладан АҚШ томонидан мамлакатдаги улкан ижобий ўзгаришларини қўллаб-қувватлаб турилишини олиб борилаётган ислохотлар мувафаққиятининг муҳим омилларидан бири сифатида баҳолайди. Ўзбекистон дипломатиясининг бугунги кундаги биринчи вазифаларидан бири мамлакат ижобий имижини шакллантириш ва жаҳон ҳамжамиятини амалга оширилаётган тўб ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилишдир.

Юқори даражадаги биринчи алоқалар 2017 йил 21 майда Саудия Арабистонида бўлиб ўтган араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиш чоғида бўлиб, унда Президент Ш. Мирзиёев АҚШ Президенти Д.Трамп билан учрашди. Ўшандаёқ Америка президенти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолаган эди. 2017 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ва АҚШ Президенти Д.Трамп ўртасидаги телефон орқали суҳбат чоғида улар стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеясидаги иштироки чоғида Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Американинг «General Electric», «Honeywell», «Caterpillar», «Boeing» ва бошқа компаниялар билан дастлабки музокараларни ўтказди ва умумий қиймати 2,6 млрд. долларга тенг ҳужжатлар тўплами имзоланди.

2018 йил 15–17 май кунлари Президент Д.Трампнинг таклифига биноан Президент Ш.М.Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи амалга оширилди. Ушбу ташрифнинг асосий мақсади ўзаро ишончсизлик ва даъволарни бартараф этиш, АҚШ компанияларини очилаётган Ўзбекистон бозорига жалб қилиш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриш ва мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-



қувватланишига эришиш эди. Ушбу ташриф иккала томон учун «тарихий воқеа» сифатида таърифланди ва мамлакатлар ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даври сифатида нишонланди. Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида умумий қиймати 4,8 млрд. доллардан ортиқ 20 дан зиёд шартномалар имзоланди. Президент Д.Трамп Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари учун муҳим стратегик шерик бўлиб қолаётганини, Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда эришган ютуқларини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистоннинг минтақада тобора кучайиб бораётган ролини тан олишини таъкидлади.

Учрашувда савдо-иқтисодий алоқалар, сармоялар ва хавфсизлик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди, «**Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шерикликнинг янги даврининг бошланиши**» Қўшма баёноти имзоланди ва ҳарбий ҳамкорликни ривожлантиришнинг беш йиллик режаси қабул қилинди. Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари қатор халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича ўхшаш нуқтаи назарга эга эканликларини таъкидлашди. Томонлар Марказий Осиё ва Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, оммавий қирғин қуроли тарқалишининг олдини олиш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар. Таъкидлаш лозимки, замонавий Ўзбекистон–Америка муносабатлари узоқ муддатли, кўп қиррали ва комплекс хусусиятга эгадир.

2017 йил 20 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида йиллар давомида нисбатан ёпиқ ҳисобланган Ўзбекистон иқтисодиётининг эндиликда хорижий инвестицияларга очилганлиги далили сифатида АҚШ–Ўзбекистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда «General Electric», «ExxonMobil», «Coca-Cola», «Visa» ва «Boeing» каби 100 дан ортиқ Америка компанияларининг вакиллари иштирок этди. АҚШга тегишли бўлган 164 корхона Ўзбекистон иқтисодиётига 1 млрд. доллар сармоя киритди. «Nukem Inc.» компанияси билан 300 миллион доллар миқдоридаги уранни экспорт қилиш бўйича 7 йилга шартнома имзоланди. «Boeing» самолётларни импорт қилиш, нефть-газ, нефть-кимё, электроника ва муҳандислик саноатида ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишувларга эришилди[24].

Ўзбекистон Республикаси **Хитой Халқ Республикаси** билан глобал муаммоларни ечишда муҳим роль ўйнайдиган яқин минтақавий қўшни ва давлат сифатида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. 2017 йилнинг 11–13 май кунлари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Хитойга давлат ташрифи билан борди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ташриф доирасида умумий қиймати 23 млрд. доллардан ошиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни кўзда тутувчи 100 дан ортиқ шартномалар имзоланди. Ташриф якунлари икки томонлама муносабатларнинг тизимли натижаси бўлди. **Хитой Ўзбекистоннинг иқтисодий дипломатиясида алоҳида ўрин тутади.** «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасидаги **Ўзбекистон–Хитой иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболлари кенг кўламдир.** Ўзбекистон ўз манфаатларини илгари суришда иқтисодий дипломатиянинг турли воситаларидан фойдаланмоқда. Масалан, инновацион ва саноат бизнес лойиҳаларини амалга оширишда Хитой компанияларини жалб қилмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкоридир. 2018 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо ҳажми 5 млрд. долларни ташкил этди, шундан 2 млрд. доллари Ўзбекистон экспортдан ва 2,8 млрд. доллар Хитой импортдан иборат.

Ўзбекистон **Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари** билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик, юқори технологиялар трансфери, фан, технология, таълим, экология, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ўрнатиш учун Ўзбекистон Европанинг етакчи кучлари (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания ва бошқалар), «Вишеград тўртлиги» (Польша, Венгрия, Чехия, Словакия) билан фаол сиёсий ва дипломатик мулоқот олиб бормоқда. **Ш. Мирзиёевнинг Франция (2018 йил 8–9 октябрь) ва Германияга (2019 йил 20–22 январь) расмий ташрифлари, шунингдек, Президент Ф.В.Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи (2019 йил 27–29 май) муваффақиятли ўтди.** Буларнинг барчаси дунёнинг ушбу қисми билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун ишончли замин яратади. 2018 йилда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларининг янги стратегияси тўғрисида мунозара бошланди. 2019 йилда унинг қабул қилиниши режалаштирилган.

Жаҳон иқтисодиётида тобора катта роль ўйнаётган **Жанубий Корея** билан муносабатлар жадал ривожланмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи (2017 йил 22–25 ноябрь) якунлари бўйича Стратегик шерикликни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилинди. Давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ шартномалар, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестиция, молиявий-техникавий ва бошқа соҳалардаги умумий



қиймати 10 млрд. доллардан ортиқ 64 та ҳужжатлар тўплами имзоланди. Улардан 4 млрд. доллари тўғридан-тўғри Жанубий Корея инвестицияларидир.

Ўзбекистон билан **Япония** ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи ҳам порлоқ. 2017 йил охирига қадар Япония томонидан Ўзбекистонга берилган молиявий ва техник ёрдамнинг умумий ҳажми 4,1 млрд. доллардан ошди. Япониянинг молиявий ва техник кўмаги туфайли соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда бир қатор ижтимоий аҳамиятга эга ва инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистон ва **Ҳиндистон** ўртасидаги ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилмоқда. Ҳиндистон аҳолиси катта ва улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Инновациялар, юқори технологиялар, дастурлаш, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида етакчи ўринларни эгаллайди. Юқорида қайд этилган соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. **Ҳиндистон учун ҳам изчил ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган мамлакатимиз истиқболли ҳамкордир.** Шу муносабат билан Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ойида амалга оширилган Ҳиндистонга ташрифи муҳим аҳамиятга эга. Ташриф давомида илмий-техникавий ҳамкорлик, қишлоқ хўжалиги, туризм, ҳарбий таълим, адлия, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳалари, фармацевтика, космосни тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва бошқа йўналишларга оид 20 та ҳужжат имзоланди. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўзбекистон Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларга катта аҳамият беради, конструктив руҳда ўтган музокаралар эса икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан томонлар ҳам манфаатдор эканлигини тасдиқлади».

Ўзбекистон **Туркия** каби минтақавий куч билан кенг кўламли савдо-иқтисодий, технологик ва сармоявий алоқаларни ривожлантиришни ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири деб билади. Ўзбекистон–Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатлидир. Мамлакатимиз бозори, иқтисодиётни эркинлаштирилиши, қулай инвестицион муҳит Туркияни ҳам ўзига жалб қилмоқда. Ривожланган саноат, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик салоҳияти ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистонда қизиқиш уйғотмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо ҳамкорларидан биридир. Туркия Президенти Р.Эрдоғоннинг 2016 йил ноябрь ва 2018 йил апрель-май ойларидаги мамлакатимизга ташрифлари Туркиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қизиқишини намоёиш этди. 2017 йил 25 октябрь куни Президент Ш. Мирзиёевнинг Туркия Республикасига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Жаҳон иқтисодий ишбилармон доиралари билан алоқаларни фаоллаштириш Ўзбекистон иқтисодий дипломатиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. **2017 йилдан то 2019 йил июнига қадар Ўзбекистон Президенти асосий ҳамкор мамлакатлар расмийлари, глобал молиявий-иқтисодий тузилмалар ва йирик бизнес раҳбарлари иштирокида 60 га яқин учрашув ва тадбирлар ўтказди.** Улар орасида Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ва Хитой ЭКсимбанки, шунингдек, «Женерал Электрик», «Сименс», «Тоталь», «MAN», «Deutsche Bahn», «Лукойл», Хитой миллий нефть-газ корпорацияси ва шу каби бошқа йирик компаниялар раҳбарлари бор.

Умуман олганда, ислохотлар дастурини амалга ошириш, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда дунёдаги ва минтақадаги асосий ҳамкорлар билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий сиёсатга ўтиш, Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини қайта тузиш, идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятга ҳудудларни жалб қилиш – буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодий дипломатиясининг устувор вазифаларини ҳал этишда сезиларли тараққиётни таъминлашга имкон берди.

Маҳаллий товарлар ва хизматлар экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш. Экспортни рағбатлантириш учун тизимли шароитларни таъминлаш ва, умуман, ташқи савдо самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди[44].

Ушбу ҳужжатда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, умуман, ташқи савдо тизимини ривожлантириш, хусусан, экспортни рағбатлантириш, кенг қамровли чора-тадбирлар ва механизмларнинг қабул қилиниши билан таъминланади. Улар орасида савдо соҳасида имтиёзли режимларни қабул қилиш, чет элларда кўргазмалар ўтказиш, эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш, чегаралараро савдони ривожлантириш, минтақада ҳамкорлик қилишдаги тўсиқларни бартараф этиш, бизнес доиралар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш учун бизнес-форумлар ташкил қилиш



тўғрисида икки томонлама шартномалар тузилиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон МДХнинг 11 мамлакати билан савдо шартномаларини имзолаган бўлиб, уларга мувофиқ мамлакатимиз маҳсулотлари уларнинг ҳудудларига импорт божхона тўловисиз олиб кирилиши мумкин. Энг қулай савдо режимини ўзаро таъминлаш тўғрисида 45 мамлакат билан келишувларга эришилди, бу бошқа мамлакатлардаги ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хизматларга нисбатан камситишни ҳам бартараф этади[45].

Кўрилатган чоралар савдо айланмасининг барқарор ўсишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилнинг биринчи ярмида ташқи савдо айланмаси 19,6 млрд. долларни ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 29,8% ўсди. Экспорт ҳажми 8,4 млрд. долларга (ўсиш суръати – 27%), импорт ҳажми 11,2 млрд. доллар (32%)га етди. 2018 йилда ташқи савдо айланмаси 33,8 млрд. долларни ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 27,3% ошди. Экспорт ҳажми 14,2 млрд. долларни (ўсиш суръати – 13,6%), импорт ҳажми – 19,5 млрд. долларни (ўсиш 39,6%) ташкил этди. Ўзбекистон маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари: Хитой (19,0%), Россия (16,9%), Қозоғистон (8,9%), Туркия (6,4%), Жанубий Корея (6,3%). 2018 йилда товарлар экспортининг асосий таркиби: олтин 2,9 млрд. доллар, энергетика ва нефть маҳсулотлари 2,6 млрд. доллар, тўқимачилик маҳсулотлари 1,6 млрд. доллар, қора рангли металллар 1,6 млрд. доллар, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,09 млрд. доллар[46].

Товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантириш, шунингдек, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлишига ҳаракатларининг қайта тикланиши бўлди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича музокаралар гуруҳига раҳбарлик қилувчи инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари лавозими жорий этилди[47]. Расмий Тошкентнинг ЖСТга аъзо бўлиш борасидаги саъй-ҳаракатлари мамлакатнинг кўплаб савдо-иқтисодий ҳамкорлари учун муҳим кўрсаткич бўлиб, Ўзбекистон раҳбарияти очиқ бозор иқтисодиётини ривожлантириш тарафдори эканлигининг яна бир далилидир. Шу муносабат билан бир қатор давлатлар, шу жумладан Европа Иттифоқи, АҚШ ва Корея Республикаси музокаралар ва қўшилишга тайёргарлик жараёнида Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдиришди.

2019 йил февраль ойида Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни (КШХБ) тузиш бўйича бошланган музокаралар жараёни Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

фаолияти имкониятларини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий алоқалар ва амалий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтаради. Расмий Тошкентнинг Брюссель билан муносабатларидаги муҳим вазифа Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо шароитларини яхшилашдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Европа Иттифоқига 3 минг турдаги маҳсулотни божхона тўловисиз ва 3,2 минг нафар товар маҳсулотларини пасайтирилган ставкаларда етказиб беришга имкон берадиган базавий GSP тизими қўлланилади. GSP+ тизими имтиёзлари Ўзбекистонга ЕИга 6,2 мингга яқин маҳсулотни божсиз олиб киришга имкон беради[48].

Ғарб ташкилотлари томонидан 2008 йилда ўзбек пахтасига нисбатан эълон қилинган бойкотнинг бекор қилишдаги муваффақият Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим ютуғи бўлди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш бўйича қатъий чоралар бойкотни жорий этиш учун асос бўлган муаммоларни ҳал қилди. 2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон пахта йиғим-теримида болалар меҳнатидан фойдаланишга барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши муносабати билан Европарламент ЕИда ўзбек тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан қўлланиладиган транзит, божхона ва солиқ тўловларига нисбатан энг мақбул режимларни ўрнатишни, шунингдек, ушбу турдаги маҳсулотни сотишда миқдорий чекловларни олиб ташлашни назарда тутувчи Шериклик ва ҳамкорлик битимига тегишли «Тўқимачилик протоколи» деб номланган ҳужжатни ратификация қилди. 2018 йилда АҚШ Меҳнат вазирлиги ўзбек пахтасини болалар меҳнати ёрдамида ишлаб чиқарилган товарларнинг «қора рўйхат»идан чиқариб ташлади. 2019 йил март ойида ўзбек пахтаси мажбурий болалар меҳнати муаммоси туфайли илгари АҚШ ҳукумати томонидан сотиб олинishi тақиқланган маҳсулотлар рўйхатидан чиқарилди[49].

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Хорижий инвестицияларни самарали жалб қилиш учун мамлакатда тизимли шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2018 йил август ойида «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди[50]. Асосий мақсад – бюрократик тўсиқлар ва сармоядорлар билан ишлашдаги муаммоларни бартараф этиш, давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратишда ва республиканинг инвестицион жозибадорлигини оширишдаги, айниқса, жойларда жавобгарлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвестициялар бўйича кенгаш ташкил этилди. Давлат раҳбари томонидан Кенгаш зиммасига сармоядорларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда



инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилди [51].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан жойлардаги инвестицион имкониятлар билан танишиш мақсадида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари учун республиканинг вилоятларига саёҳатлар уюштиришни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқилди. Биринчи тур 2019 йил 7–8 июнь кунлари Наманганда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форуми доирасида Наманган вилоятига муваффақиятли ташкил этилди.

Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида мамлакатнинг 13 минтақасида 21 та эркин иқтисодий зоналар очилди [52]. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида умумий қиймати 1045,9 миллион долларлик 159 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди [53]. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида Буюк Британия, Сингапур, Болгария, Туркия, Хитой, Польша, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг компаниялари ўз фаолиятини амалга оширмоқдалар.

Мамлакатнинг «Инвестицион имижини» яхшилаш мақсадида Ўзбекистон халқаро рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорликни фаоллаштирди. Бу эса иқтисодиётда таркибий ислоҳотлар илгари сурилаётган бир пайтда 2018 йилнинг декабрь ойида «Fitch Ratings» томонидан Ўзбекистонга биринчи марта хорижий ва миллий валютадаги узоқ муддатли дефолт рейтингини «BB-» даражасида барқарор прогнози беришига олиб келди [54]. Бундан ташқари, 2019 йил февраль ойида Ўзбекистон биринчи марта 1 млрд. долларлик еврооблигацияларни жойлаштирди. Шу билан бирга, инвесторларнинг талаби жойлаштирилган евробондлар ҳажмидан қарийб тўрт баравар ошди [55]. Ўзбекистоннинг суверен облигацияларининг чиқарилиши потенциал инвесторлар учун яхши янгилик бўлди, чунки облигациялар чиқарилиши ҳукуматнинг хорижий инвесторлар ва барча шериклар олдидаги жавобгарлигини оширади [56].

Расмий алоқалар кун тартибида хорижий сармояларни жалб қилиш ва чет эллик шерикларнинг молиявий ва техник ёрдами тобора муҳим ўрин тутмоқда. Бу масалалар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий ташрифларини тайёрлаш ва ўтказиш пайтида, ҳамда етакчи ташқи иқтисодий ҳамкор давлатлар раҳбарларининг мамлакатимизга ташрифи доирасида кўрилмақда. 2017 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига ташрифи давомида 15 млрд. доллар [57], 2017 йил май ойида Хитой Халқ Республикасига ташрифи давомида 23 млрд. доллардан



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ортиқ[58], 2018 йил май ойида АҚШга ташрифи давомида 4,8 млрд. доллар[59], 2018 йил октябрь ойида Францияга ташрифи давомида 5 млрд. евро[60], 2019 йил январь ойида Германияга ташрифи давомида 8 млрд. евро[61], 2019 йил март ойидаги Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи давомида 10 млрд. доллар[62] миқдорида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Хорижий давлат раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифлари ҳам самарали бўлди. Туркия раҳбари Р.Эрдоғоннинг 2018 йил апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи доирасида 3 млрд. доллар[63], Россия Федерацияси президенти В.Путиннинг 2018 йил октябрь ойида Тошкентга ташрифи давомида 25 млрд. доллар[64], Жанубий Корея президенти Мун Чжэ Иннинг 2019 йил апрель ойидаги ташрифи давомида 12 млрд. доллар[65] миқдорида шартнома ва битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг ваколатхонаси қайта очилди. Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки (ЖБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Осиё инфратузилма инвестициялари банки (ОИИБ) билан ишлаш янги услубда қурилмоқда[66].

Ушбу тузилмалар билан ҳамкорлик, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан пойтахт ва вилоятларда сув таъминоти ва туман иситиш тизимини яхшилашга, шунингдек, электр тармоғини модернизациялашга қаратилган 622,5 миллион долларлик кредит шартномалари имзоланди[67]. Ўзбекистон ҳукуматининг иш ўринлари сонини кўпайтириш ва фуқароларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган бозор ислохотлари Жаҳон банки томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2019 йил июнь ойида Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши Тараққиёт сиёсатини қўллаб-қувватлаш операцияси доирасида 500 миллион доллар миқдорида кредит беришни маъқуллади[68].

Халқаро жамғармалар ва ривожланиш агентликлари билан ҳамкорлик ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати ва Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жамғарма билан биргаликда мамлакатда аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш, транспорт инфратузилмаси ва тиббий хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Ҳар йили Франция Тараққиёт Агентлиги (ФТА) ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказилади. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2018 йилда Парижга ташрифи чоғида Франция Тараққиёт Агентлиги ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги



Битим имзоланди, унга кўра 2018–2021 йилларда 600 миллион евро миқдорида ФТА лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган[69].

Мамлакат раҳбариятининг инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва юқори баҳоланмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг «Doing Business 2018» рейтингда Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 74-ўринни эгаллади ҳамда «бизнес юритиш учун энг қулай шароитларни яратишда ислохотчи мамлакатлар ўнталигига кирди. Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик юритиш муҳитини соддалаштириш борасида Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчига айланди»[70].

Шарқий Европа иқтисодий алоқалар бўйича Германия қўмитаси экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев «мамлакатни янада рақобатбардош қилиш учун ислохотларни амалга оширмоқда», Ўзбекистон иқтисодиётини «модернизация ва диверсификация қилишга» интилмоқда. Бунинг натижасида «Ипак йўлидаги тоза шамол» Германия бизнеси билан ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очмоқда[71].

Илғор технологиялар ва инновацияларни жалб қилиш ташқи иқтисодий сиёсатнинг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги ваколатхоналар кўмагида технологик соҳада хорижий шериклар билан алоқаларни ўрнатиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

2018 йилда рақамли иқтисодиёт ва блокчейн соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун инвестицияларни тўплаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Қарори билан Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш фонди – «Рақамли ишонч» ташкил этилди [72]. Мазкур Фонд Россия, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатларнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик қилади.

«Ақлли ферма» («smart farm») тушунчасини жорий этишга ва қишлоқ хўжалигини тўлиқ автоматлаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги об-ҳаво станцияларини ўрнатиш ва ушбу ҳудудда жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги технологиялари бўйича бепул профессионал маслаҳатлар бериш лойиҳасини ишга туширди[73].

Дунёнинг технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президен-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йилда Францияга ташрифи давомида Миллий космик тадқиқотлар маркази (CNES) билан нотижорат ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди ва «Total» компанияси билан Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини қуриш тўғрисида келишувга эришилди[74]. Жанубий Корея президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида коинотни тинч мақсадларда биргаликда тадқиқ этиш, фан, техника ва инновациялар соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар имзоланди[75].

Технология ва инновациялар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашга хорижий ёрдамни жалб этишга эътибор кучаймоқда. Дунёнинг етакчи таълим ва илмий тадқиқот ташкилотлари билан алоқалар кенгаймоқда. 2018 йилда мамлакатимизда Россиянинг 2 та, Жанубий Кореянинг 2 та, шунингдек, Латвиянинг 1 та университетининг филиаллари очилди. 2019 йилдан бошлаб Ҳиндистоннинг 2та, Россиянинг 2 та ва АҚШнинг 1 та университетининг филиалларига талабалар қабул қилинади[76].

Шунингдек, Ўзбекистонда Страсбург университети ва Пантеон Сорбонна университетининг Париж академияси филиалларини очиш тўғрисида келишувларга эришилди. Мазкур филиалларда иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги ва туризм бўйича кадрлар тайёрланиши кўзда тутилган[77]. «Узатом» ва «Росатом» Техник академияси ўртасида Ўзбекистон ядро саноати учун кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди[78]. Шунингдек, ўзбекистонлик талабалар Россия Миллий илмий тадқиқот ядро университетиде таҳсил олмақдалар[79].

Транспорт соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириш. Етакчи давлатлар билан савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқаларини чуқурлаштириш мақсадларига эришиш учун транспорт ва логистика тармоқларини ривожлантириш жуда муҳимдир. Денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган Ўзбекистон катта транспорт ва транзит харажатларини ўз зиммасига олади, бу эса экспорт қилинадиган маҳсулотлар қийматининг 70–80 фоизини ташкил этади[80].

Ушбу соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди[81]. Унинг асосий вазифалари қаторига автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти, метро ва йўлларни ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Ўзбекистон транспорт ва логистика соҳасида халқаро ҳамкорликни фаоллаштиришни қўллаб-қувватлайди. Тошкент Евроосиёда ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича халқаро ташаббусларда («Бир макон, бир йўл», ХТК «Шимол–Жануб», Европа Иттифоқининг Европани Осие билан боғлайдиган стратегияси ва бошқалар) фаол иштирок этади,



чунки уларнинг ўзаро манфаатли асосда амалга оширилиши мамлакатнинг транспорт-логистика шароитини сезиларли даражада яхшилайдигани, Марказий Осиёни шарқдан ғарбга ва шимолдан жанубга юк ташиш йўналишларининг жонли трансконтинентал чорраҳасига айлантиришга ёрдам беради.

Тошкент минтақаларо аҳамиятга эга бўлган бир қатор йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият беради, шу жумладан «Ўзбекистон–Қирғизистон–Хитой», Эронга олиб чиқадиган «Мозори-Шариф–Ҳирот» ҳамда «Мозори-Шариф–Кобул–Пешовар» темир йўллариининг қурилиши мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасининг халқаро иқтисодий ҳамкорлиги шарт-шароитларини сезиларли даражада яхшилайдигани.

Халқаро ташкилотлар саммитларида ва турли халқаро форумларда иштирок этиш жараёнида Ўзбекистон транспорт соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини доимий равишда кўтариб туради. Юқоридаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017–2019 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, «Бир макон, бир йўл» ва бошқа саммитларда сўзлаган нутқлари ва ташаббусларида кенг ёритилган.

2018 йил сентябрь ойида Тошкентда «Халқаро транспорт йўлакларини тизимида Марказий Осиё: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар» мавзусида халқаро конференциянинг ўтказилиши транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича минтақавий ҳамкорликни фаоллаштиришдаги муҳим қадам бўлди. Ушбу тадбир давомида Ўзбекистон Жаҳон банки, Осиё ва Ислон тараққиёт банклари мутахассислари иштирокида Марказий Осиёнинг минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида Марказий Осиё транспорт тизимини барқарор ривожлантириш бўйича минтақавий дастурни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди[82].

Туризмни ривожлантириш. Мамлакатимизга кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш мақсадида 2019 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва «Туризм саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишни имзолади. Ўзбекистонда 2019–2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. 2019 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Туризм тўғрисида»ги Қонунни имзолади. Ушбу ҳужжатларнинг асосий мақсади хизмат турларини диверсификация қилиш ва яхшилаш, туризм ва транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш орқали туризмни



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантиришдан иборат.

2025 йилга келиб Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги туризм улушини 2017 йилдаги 2,3%дан 5%га, хорижий сайёҳлар сонини 9 миллионга, шу жумладан узоқ хорижий мамлакатлардан 2 миллионгача ошириш режалаштирилмоқда. 2018 йилда Ўзбекистонга 5,3 миллионга яқин чет эл фуқароси ташриф буюрди.

Ташқи ишлар вазирлиги жалб қилинган идоралар билан биргаликда чет эллик сайёҳларнинг мамлакатга киришлари учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича катта ишларни амалга оширди. 45 мамлакат фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим жорий этилди. Фуқаролари Ўзбекистонга электрон виза олишлари мумкин бўлган давлатлар рўйхати 76 тага кенгайтирилди. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида икки ва кўп марталик визалар жорий этилди.

Мазкур соҳада муҳим янгилик – зиёрат туризмини ривожлантириш ҳисобланади. Зиёрат туризми йўналишида Ўзбекистон катта имкониятларга эга. Мамлакат мусулмон дунёсида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган кўплаб тарихий ёдгорликларга эга. Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли идораларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 2019 йил февраль ойида Ўзбекистон халқаро зиёрат туризми марказларидан бири сифатида тан олинди.

Мамлакатга чет эллик сайёҳларни жалб қилиш учун катта имконият Марказий Осиёда минтақавий туризмни ривожлантириш билан боғлиқ. Ўзбекистон ва Қозоғистон «Ипак визаси»ни жорий этиш тўғрисида келишувга эришдилар, бу Ўзбекистонга келган чет эллик сайёҳларга Қозоғистонга ва, аксинча, эркин киришга имкон беради. Келажақда ушбу шартномага Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам қўшилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари халқаро ҳамжамиятнинг эътиборидан четда қолмайди. Американинг «The New York Times» газетаси 2019 йилда мамлакатимизни 2019 йилда ташриф буюриш учун тавсия этилган 52 йўналишлар рўйхатига киритди[83]. Ўзбекистонни худди шундай рўйхатга Британиянинг «The Guardian» газетаси ҳам киритди[84]. Ушбу нашрларда виза тартибининг либераллаштирилгани, суратга олишга қўйилган чекловларнинг олиб ташлангани, кўшни давлатлар билан чегара пунктларининг очилгани мақталган.

Минтақавий ҳамкорликнинг иқтисодий йўналиши. Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, очиқ иқтисодиётни ривожлантириш, савдо, инвестиция ва транспортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича стратегик режаларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутади[85].

Ўз навбатида, чегара муаммоларини изчил ҳал этиш, чегара ўтказиш



пунктларининг фаолиятини тиклаш ва кенгайтириш, чегарани кесиб ўтиш режимини ва минтақа давлатлари фуқароларининг Ўзбекистонда бўлишларини соддалаштириш – бу ва бошқа сиёсий, дипломатик тадбирлар қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришга ёрдам берди.

Ўзбекистон томони, шунингдек, чекловлардан тортиб минтақа давлатлари билан транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришгача бўлган минтақавий транспорт сиёсатига сезиларли ўзгаришлар киритди. Хусусан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги Ғалаба-Амузанг темир йўл линияси ҳамда Тошкент ва Душанбе ўртасидаги ҳаво алоқалари тикланди. Амударё орқали Туркменистон билан чегарадош кўприклар фойдаланишга топширилди. Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси билан автомобиль, темир йўл ва авиация алоқаларининг янги йўналишлари жорий этилмоқда. 2018 йилда минтақа мамлакатлари билан 40 миллиондан ортиқ одам ва 1,7 миллион автомобиль транспорт воситаларини кесиб ўтди, бу 2017 йилга нисбатан 2 баравар кўп [86].

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишига энг юқори ва бошқа даражадаги расмий алоқаларнинг фаоллашуви, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳукуматлараро комиссияларнинг фаоллиги, минтақа мамлакатларининг чегара ва бошқа ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар, савдо кўرғазмалари ва бизнес-форумлар ўтказиш амалиётининг кенгайтириши ёрдам берди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил ўрталаригача чет эл мамлакатларига 34 та давлат ва расмий ҳамда ишчи ташрифларни амалга оширган, энг юқори ва юқори даражадаги ўнлаб хорижий делегацияларни, шу жумладан МДХ, Европа, Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, бир қатор халқаро ташкилотлар раҳбарларини қабул қилган.

2017–2018 йилларда тахминан 8 та бизнес-форум (Қозоғистон – 3, Тожикистон – 2, Қирғизистон – 2, Туркменистон – 1) бўлиб, улар бўйича қарийб 2 миллиард долларлик шартномалар имзоланди. Кўрилаётган чоралар минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда аниқ натижалар бермоқда. 2018 йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо ҳажми 12,2 миллиард долларни ташкил этди, бу 2017 йилдаги кўрсаткичдан 35% кўпдир [87]. Инвестицион ҳамкорлик фаоллашганидан қатор қўшма инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши йўлга қўйилгани далолат беради. Маиший техника ишлаб чиқаришда «Artel» ва Тожикистондаги «Авесто» компаниялар гуруҳи, Қозоғистоннинг «СарыаркоАвтоПром» ва «GM Ўзбекистон» қўшма корхоналари томонидан янгиланган «Ravon Nexia» седанини ишлаб чиқариш бўйича келишувларга эришилди.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва янада фаол кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликка ўтиш учун 2019 йил март ойида Тошкентда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми бўлиб ўтди, унда инвестиция ва савдо ҳамкорлигини кенгайтириш, туризм соҳаси жозибадорлигини ошириш, Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Форум доирасида минтақа мамлакатлари товарлари кўргазмаси бўлиб ўтди [88].

Туризм сектори Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг муҳим йўналиши бўлди. Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувининг биринчи йиғилишида Ўзбекистон Президенти минтақалараро туризмни ривожлантириш ва қўшма туризм маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Иқтисодий дипломатиянинг ташаббускорлиги. Тошкентнинг халқаро ташкилотлар ва форумларда фаол иштирок этиши мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини илгари суриш ҳамда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси учун устувор йўналишларда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берди.

Президент Ш.Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби халқаро ташкилотлар платформаларидан фойдаланиб, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, логистика ва туризм соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига доимий равишда халқаро ҳамжамият эътиборини қаратмоқда.

2018 йилда МДҲ ва ШХТ саммитларида ўзаро савдони рағбатлантириш учун Ўзбекистон томони экспорт-импорт операцияларини соддалаштириш, техник тўсиқлар ва бошқа савдо чекловларни бартараф этиш, хизматлар савдосини ривожлантириш, шу жумладан хизматлар учун эркин савдо зонасини яратиш масалаларини кўтарган.

Ўзбекистоннинг бир қатор ташаббуслари ишбилармон доиралар ўртасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Шулар қаторида ШХТ иқтисодий форумларини мунтазам равишда ўтказиш, МДҲ молиявий ва банк форуми ҳамда МДҲ давлатлари минтақалари форумининг Ўзбекистонда ўтказилиши, ШХТ Халқаро транспорт ва логистика ассоциацияси, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш доирасида Кичик бизнеснинг минтақавий форуми ташкил этилиши ва бошқалар.

Транспорт ва логистика соҳасидаги халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2018 йилда МДҲ саммитида тариф имтиёзларини бериш, юк ташиш-



даги тўсиқларни олиб ташлаш ва логистика марказларини ривожлантириш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш таклиф қилинди. «Бир макон, бир йўл» иккинчи форумида (Пекин, 2019 йил апрель) Президент Ш.М.Мирзиёев Сарик денгиз портлари – Марказий Осиё – Европа йўналишида темир йўл транспорти орқали махсус тарифларни белгилаш зарурлигини таъкидлади. 2019 йил июнь ойида ШХТ саммитида Ўзбекистон томони ўзаро боғлиқликни, самарали иқтисодий ва транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ШХТ Ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон томони ҳар йили ШХТга раислик қилувчи мамлакат шаҳарларидан бирини ушбу ташкилотнинг туризм ва маданий пойтахти деб эълон қилишни таклиф қилди. «Бир макон, бир йўл» иккинчи форумида «Буюк ипак йўли» савдо маркаси остида туристик алмашинувни ривожлантириш, қўшма дастурлар ва маҳсулотларни илгари суриш бўйича ишларни фаоллаштириш таклиф қилинди.

Ўзбекистоннинг етакчилик ташаббуслари ҳамкор давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди, бу эса уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлади. 2018 йил сентябрь ойида Президентнинг ШХТнинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида (2017 йил) эълон қилинган ташаббуси билан ташкилотга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг биринчи учрашуви Тошкентда бўлиб ўтди. 2019 йил март ойида Тошкентда МДХ молиявий-банк форуми ва июль ойида Самарқанд шаҳрида МДХ Туризм кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Биринчи туризм ярмаркаси (Ўзбекистоннинг 2018 йилдаги МДХ саммитидаги таклифи) бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш, очиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг ягона ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий йўналишини амалга оширишнинг долзарб вазифаларини ҳал қилиш учун қулай шарт-шароитлар янги босқичда ўзбек дипломатиясининг ажралмас қисми ва устувор йўналишларига айланмоқда.

Шу билан бирга, ўзбекистонлик дипломатлар мамлакат раҳбарияти томонидан қўйилган ташқи иқтисодий мақсадларнинг амалга оширилиши узоқ муддатли ташқи сиёсий манфаатларнинг муваффақиятли илгари сурилиши, миллий хавфсизликни таъминлаш ва келажақда Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини тубдан яхшилаш, уни ривожланган демократик давлатга айлантириш учун мустақкам моддий замин яратиш муҳим аҳамиятга



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

эга эканлигини тўлиқ англашади.

6.4. Халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг замонавий архитектурасида Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамиятини ошиши

Ўзбекистон Республикасининг замонавий ташқи сиёсати ва дипломатик фаолияти дунёда ва минтақада кескин ўзгариб бораётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда. Жаҳон ривожланишининг кўплаб трендлари билвосита ёки бевосита республика манфаатларига таъсир қилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий қарорлар қабул қилишда, давлатнинг барқарор ривожланиши унинг замонавий геосиёсий воқеликларни ҳолисона таҳлилига ва миллий хавфсизликни таъминлаш масаласини самарали ҳал қила олиш қобилиятига асосланган бош тамойилга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида (Душанбе, 15 июнь 2019 й.) нутқ сўзлар экан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Замонавий халқаро муносабатлар тизими тобора ортиб бораётган беқарорлик ва қутилмаган ҳодисалар билан изоҳланмоқда. Аммо, энг асосийси, жаҳон ишонч инқирозига юз тутмоқда. Аслида, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир. Барчамиз жаҳон куч марказлари ўртасидаги рақобат кескинлашувига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундан ташқари, баъзи экспертлар, ҳатто, унинг очиқ қуроли қарама-қаршилиikka айланиб кетиши мумкинлигини инкор қилишгани йўқ. Энг қўрқинчлиси, жамият онгида ушбу глобал таҳдиднинг улкан хавфи ҳиси пасайиб бормоқда. Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантиришга қулай шароитлар яратиш зарур»[89].

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг асосий давлати сифатида минтақавий хавфсизлик архитектурасида ҳал қилувчи роль ўйнайди ва ушбу жуғрофий маконда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига улкан таъсир кўрсатади. Расмий Тошкент учун минтақавий хавфсизлик Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар тизимининг хавф-хатарлар, инқирозлар, низолар ва вазиятни беқарорлаштирадиган таҳдидлардан ҳимояланган ҳолатидир. Ўзбекистон амал қиладиган хавфсизликнинг бўлинмаслиги тамойили Марказий Осиё давлатлари олдида юзага келадиган муаммоларнинг бутун комплексини қамраб олишини таъминлайди. Президент Ш.Мирзиёев сўзларига кўра, ижтимоий низолар, экстремизм ва терроризм мафқураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳит, ёш-



лар ўртасидаги радикаллашув жараёнларининг асосий манбаи, аввало, таълим ва ҳаёт даражаси пастлигидир. Бундан ташқари экология, демография, миграция ва бошқа муаммолар билан боғлиқ таҳдидлар мавжуд. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...**барчамиз қатъий ишонамизки, хавфсизлик бўлинмас ва уни фақат бир-галикдаги саъй-ҳаракатлар орқали таъминлаш мумкин. Биз баъзи бир таҳдидларни «ўзимизники», бошқаларини эса «бировники» деб қабул қилмаслигимиз керак, аниқроғи, бунга ҳаққимиз йўқ.**»[90].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг ташқи сиёсати устувор йўналишларидан бири сифатида минтақавий ва глобал даражада барқарорлик ва тинчликни сақлаш учун халқаро ҳамкорликни белгилайди. Бўлинмас хавфсизлик тамойилига асосланган ҳолда, Ўзбекистон БМТ, ШХТ, МДХ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида, биринчи навбатда, превентив дипломатия воситаларидан фойдаланган ҳолда, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, халқаро ташкилотларнинг минбарларидан фойдаланган ҳолда, Тошкент халқаро хавфсизлик соҳасида муҳим ташаббуслар билан чиқмоқда.

Ўзбекистон анъанавий ва қатъий равишда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тарафдоридир. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганидек: «Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳамisha принципиал позицияга эга бўлиб келган. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки, биринчи навбатда, айниқса ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим»[91].

Сўнги йилларда Ўзбекистонда экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ёндашувларини концептуал қайта кўриб чиқиш бошланди. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ажралмас қисмидир. Бу соҳада асосий урғу «инсонлар онги учун курашиш»га, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва диний-маърифий саводхонлигини юксалтиришга қаратилган. Айниқса, ёшлар орасида исломнинг асл қадриятларини тарғиб қилиш, анъанавий ислом маданияти ва дунёқарашини уларнинг онгига синдириш борасида кенг қамровли чоралар кўрилмоқда. Давлат ва жамиятнинг тинчликпарвар ва анъанавий ислом қадриятларига бўлган улкан эътибори буюк динни ниқоб қилиб олган террористик ва экстремистик ташкилот-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ларнинг хавфли таъсирини енгишда ёрдам беради. Экстремистик ғоялар таъсирга тушиб қолган ва ўз хатоларини англаб етган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва кундалик ҳаётга қайтариш бўйича тизимли ишлар бошланди[92].

2019 йил 16–18 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Диний эркинликларни илгари суриш бўйича иккинчи вазирлар конференциясида иштирок этди. 115 дан ортиқ мамлакатнинг 1000 дан зиёд вакиллари дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, диний сабабларга кўра таъқиб ва камситишга қарши кураш, дин ва имон эркинлигини ҳурмат қилишни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишди. **Ўзбекистоннинг форумдаги иштироки Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида муваффақиятли амалга оширилаётган мисли кўрилмаган ислохотлар, хусусан, эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасидаги реал илгарилаш, дин тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва либераллаштириш жараёнларини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши деб қаралади**[92].

2018 йил июнь ойида Ўзбекистонда «**Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида**»ги қонун қабул қилинди. Қонунга кўра мамлакатда экстремистик фаолиятнинг барча кўринишлари тақиқланган бўлиб, маҳаллий ва хорижий ташкилотларнинг ушбу фаолият учун жавобгарлиги кўзда тутилган. Ушбу қонунда «экстремизм», «экстремистик фаолият» ва «экстремистик ташкилот» каби тушунчаларига ифода берилган. Экстремизмга қарши курашиш тамойиллари сифатида қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ошкоралик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги белгиланган. Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади: экстремизмнинг олдини олиш, экстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2018 йилнинг сентябрь ойида **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия** ташкил этилди. Комиссия олдидаги асосий вазифалардан бири «Катта еттилик» давлатлари (Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АҚШ, Франция ва Япония) томонидан таъсис этилган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (Financial Action Task Force, FATF), тавсияларидаги талабларни ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонун



ҳужжатларига имплементация қилишдан иборатдир.

2018 йилнинг 19 сентябрь куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ПФ-5542-сонли «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган ўзбекистон республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Фармонида асосан, **Республика идоралараро комиссияси тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича** кенг кўламли ишларини олиб бормоқда. 2019 йилнинг 30 май куни Яқин Шарқдаги турли можаролар пайтида асирга олинган 156 нафар Ўзбекистон фуқароларини Ватанга қайтариш мақсадида ташкиллаштирилган «Меҳр» гуманитар операцияси бўлиб ўтди. Эвакуация қилинганлар орасида 106 нафар болалар ва 48 нафар аёллар бор. **Уларнинг «махсус рейс» билан Тошкентга жўнатилишини шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ташкил этилди.** Ўзбекистон бундай операцияни такрорлашга ва Сурияда қолган бошқа фуқароларини қайтаришга тайёрланмоқда.

Президент Ш.М.Мирзиёев ўз чиқишларида **экстремизм ва терроризмнинг глобал миқёсда намоён бўлишига қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган.** Ўзбекистон, анъанавий равишда, терроризм ва экстремизмга қарши курашда халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон БМТнинг терроризмга қарши мавжуд барча конвенциялари ва протоколларининг аъзосидир. Мамлакатимиз ушбу соҳада халқаро ҳамкорликнинг асосий тамойиллари сифатида куйидагиларни кўради: замонавий хавф-хатарлар фақат халқаро ҳамкорликнинг коллектив механизмларини кучайтириш орқали ҳал этилиши; икки томонлама стандартларни қўллаш имкониятини истисно этадиган ва халқаро ҳуқуққа қатъий риоя этишга асосланган изчил чоралар кўриш; замонавий таҳдидларнинг натижалари билан эмас, балки сабаблари билан курашишга биринчи навбатда эътибор қаратиш керак. Нафрат ва бузғунчи мафқуралар тарқатувчи, бўлғуси террорчиларни шакллантирувчи кўплаб радикал ва экстремистик ташкилотларга қарши курашишда халқаро ҳамжамият ўз ҳиссасини янада ошириши зарур. Халқаро терроризмга қарши кураш доирасида Ўзбекистон БМТнинг Глобал терроризмга қарши кураш стратегиясини қўллаб-қувватлайди ва халқаро терроризм бўйича кенг қамровли конвенция тузиш зарур деб ҳисоблайди. Бу аниқ ва келишилган терроризм таърифига асосланган бўлиши керак. Ўзбекистон радикал ва экстремистик ташкилотларнинг таҳдидларига қарши чоралар кўриш зарурлиги ва уларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллаш тарафдори бўлиб қолади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Ўзбекистон раҳбари 2018 йил 28 сентябрда Душанбе шаҳрида ўтказилган МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида сўзлаган нутқида халқаро терроризмнинг тобора кучайиб бораётган хавфидан жиддий хавотир билдирди: **«Халқаро терроризм хавфининг тобора ортиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бугунги террорчилик тузилмалари катта молиявий ресурсларга, энг янги ахборот ва техника воситаларига эга, юқори даражада ҳаракатчан ва тезқордир. Ҳозирги пайтда уларнинг Яқин Шарқдан Афғонистонга, МДХ чегаралари яқинига кўчиб ўтиш тенденцияси кучаймоқда»**[93]. Шу нуқтаи назардан, Президент Ш.М.Мирзиёев МДХ давлатлари терроризм хавфини ўз вақтида ва самарали қайтариш учун ўзаро келишилган, аввало, олдиндан зарба беришга қаратилган ҳаракатларга тайёр туриши лозимлигини таъкидлади. **«МДХ маконида юзага келаётган хавфсизликка қарши таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш учун таҳлилий ва тезкор ахборот билан мунтазам алмашишнинг амалдаги механизмлари доирасида самарали ҳамкорликни таъминлаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтиришни муҳим деб ҳисоблаймиз»**[93], – деди Ўзбекистон етакчиси.

Терроризмга қарши биргаликда курашиш **Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг минтақа ва дунё давлатлари раҳбарлари билан олиб бораётган музокараларининг сиёсий кун тартибидаги муҳим мавзу бўлиб қолмоқда.** Ўзбекистон раҳбари ва унинг Марказий Осиёдаги ҳамкасблари билан имзоланган қўшма ҳужжатлар ва баёнотларда, халқаро терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва бошқа таҳдидлар ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдидларга қарши курашда икки томонлама ва халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланади. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи чоғида икки мамлакат раҳбарлари экстремизм ва халқаро терроризмни қоралашди ва ушбу умумий таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлашга ваъда беришди. Россия ва Хитой давлатларининг олий раҳбарияти билан ушбу глобал ва минтақавий хавфсизликнинг муҳим соҳаси бўйича мулоқот мустаҳкамланмоқда ва ШХТ Минтақавий аксил-террор тузилмаси фаолиятининг амалий қисми фаоллаштирилмоқда. 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга ташрифи чоғида миллий ва минтақавий хавфсизликка хавф ва таҳдидларга қарши курашишда, шу жумладан терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон–Ҳиндистон қўшма ишчи гуруҳи доирасида ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришилди. Иккала томон ҳам Халқаро терроризмга қарши кенг қамровли конвенцияни тезроқ яқунлаш тўғрисида чақирув



билан чиқдилар.

Умуман олганда, зўравон экстремизм ва терроризмнинг тарқалишига қарши курашиш Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлик стратегияси ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Тинчлик ва барқарорликнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва халқ фаровонлиги учун нақадар муҳимлигини эътироф этган ҳолда, мамлакатимиз экстремизм ва терроризмга қарши мос ва самарали ечимларни шакллантиришга қаратилган конструктив ташаббусларни изчил илгари сурмоқда.

Ўзбекистон наркотик моддалар ноқонуний айланишига қарши курашда халқаро мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат комиссияси қарори билан наркотик моддаларни истъеъмол қилиш ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу масалалар бўйича ҳамкорлик ШХТ, БМТ, ЕХХТ, ЕИ, Марказий Осиё минтақавий ахборотларни мувофиқлаштириш маркази каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ривожланмоқда. Ушбу масала бўйича АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Буюк Британия, Испания, Туркия, Таиланд ва бошқа мамлакатларнинг тегишли тузилмалари билан икки томонлама асосда фаол алоқалар олиб борилмоқда. Расмий Тошкент БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ ГЖБ) билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта аҳамият беради. Ушбу идора гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида иш олиб борадиган этакчи халқаро агентликдир ва ушбу йўналишлар бўйича миллий ва минтақавий лойиҳалар Тошкент шаҳрида жойлашган БМТ ГЖБнинг Марказий Осиёдаги минтақавий офиси техник кўмагида амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг 3 май кун Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми иштирокчи давлатларининг 11-мажлиси Марказий Осиё давлатларининг гиёҳванд моддалари тарқалишига қарши ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича БМТ ГЖБ билан ташкил қилинган муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг 2018–2023 йилларга мўлжалланган гиёҳвандликка қарши стратегияси, уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури ва ШХТнинг гиёҳвандлик профилактикаси концепцияси доирасида гиёҳвандлик иллатларига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларда иштирок этмоқда. Ўзбекистон, шунингдек, ЕХХТ, ЕИ, Жаҳон божхона ташкилоти, Интерпол, К. Аденауэр жамғармасининг



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ваколатхонаси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан республиканинг манфаатдор вазирлик ва идораларининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган минтақавий, субминтақавий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш шаклида ҳамкорлик қилмоқда. Шундай қилиб, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширган ҳолда, Ўзбекистон халқаро шериклари билан биргаликда минтақани гиёҳванд моддалар савдосидан ҳимоя қилмоқда.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир. Афғонистоннинг замонавий халқаро хавфсизлик тизими учун аҳамияти шундаки, ушбу мамлакатдаги беқарор вазият узоқ ўн йилликлар мобайнида минтақавий ва глобал миқёсда доимий хавф-хатар манбалари пайдо бўлишига олиб келди. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Афғонистоннинг келажаги халқаро ҳамжамиятнинг барчамиз учун умумий бўлган таҳдид ва хатарларга қарши курашишга ожиз эканини кўрсатадиган мисолга айланиб қолмаслиги лозим. Бугун барчамиз бирлашиб, жафокаш Афғонистон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир»**[94]. Марказий Осиё мамлакатлари учун таҳдид сифатида уч асосий ва ўзаро чамбарчас боғлиқ таҳдидлар, яъни терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмнинг кучайиши ҳамда Афғонистон ва Покистон ҳудудларида мавжуд экстремистик-террористик гуруҳлар фаолаштиши эҳтимолини таъкидлаш лозим.

Юқорида келтирилган таҳдидлар билан бир қаторда, Афғонистондаги миллатларо ва динларо қарама-қаршилиқларнинг ўсиши ҳамда ҳокимият учун кураш ички сиёсий вазиятни беқарорлаштиради ва бу, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатлари томонидан энергетик лойиҳаларни амалга оширишга, савдо-иқтисодий алоқаларни жануб йўналишида диверсификация қилишга салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, **Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларига Ҳинд океани ва Форс кўрфазининг портларига қисқа муддатда чиқиш ҳамда Ҳиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаш имконини беради.**

Афғонистон янги геосиёсий қарама-қаршиликка айланиб кетиши мумкин, аммо у турли кучлар ўртасида ўзаро келишув ва ўзаро ҳамкорлик макони бўлиш имкониятига ҳам эга. **Ўзбекистон хавфлардан холи бўлган Афғонистондан чуқур манфаатдордир ва Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал қилишни Марказий Осиёда стратегик барқарорлик, яхши қўшничилик ва барқарор ривожланишнинг таркибий қисми, Евроосиёда кенг трансминтақавий алоқаларни ривож-**



лангиришга тубдан янги туртки берадиган ноёб имконият деб биланди.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи чуқур тарихий илдизларга эга ва мустақкам маданий-цивилизацион пойдеворга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «**Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган**»[95]. Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда. Бугунги кундаги Амударё дарёси ва Ўзбекистоннинг кенг текисликлари ҳеч қачон одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга тўсқинлик қилмаган. Минг йиллар давомида ушбу ҳудудда этник оқимлар рўй берган, натижада бир-бирига ўхшаш этник гуруҳлар – ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва бошқалар пайдо бўлган.

Афғонистон муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг асрлар давомида яқин тарихий ва маданий алоқалар натижасида олинган Афғонистон маданияти, менталитети, халқининг урф-одатлари ва анъаналари тўғрисида чуқур билимга эга эканлиги муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Афғонистонда, асосан, мамлакат шимолида, 3 миллионга яқин ўзбеклар истиқомат қилади. Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ва иқтисодий ҳамкорлик улкан салоҳиятга эга ва умумий мерос ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол ва самарали ўзбек-афғон ҳамкорлигининг узоқ муддатли истиқболини яратиб, Афғонистонни минтақавий жараёнларга босқичма-босқич жалб қилишга ёрдам беради.

Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишнинг асосий масалалари бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсусни тасдиқлаш, мамлакатда миллий ярашув бўйича афғонистонликлар раҳбарлигида ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон доимо Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солишнинг қатъий тарафдори ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз қўшни давлатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Шу жиҳатдан Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон билан ҳамкорликда жорий йилнинг 26–27 март кунлари Тошкент шаҳрида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

халқаро конференциясини ўтказиш ташаббусининг илгари сурилиши Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича умумий стратегиясининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Мамлакатимиз афғон муаммосига бағишланган деярли барча халқаро форумларда фаол иштирок этмоқда. «Кобул жараёни», «Москва формати», «Осиё юраги – Истанбул жараёни» форуми, Афғонистон бўйича халқаро алоқа гуруҳи, «ШХТ – Афғонистон» алоқа гуруҳи, Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси шулар жумласидандир. Тошкентдаги конференция халқаро ҳамжамият томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган саяҳат-ҳаракатларнинг манتيқий давоми бўлади.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти А.Ғани сўзга чиқадилар. Европа Иттифоқи, Хитой, АҚШ ва Россия ташқи ишлар идоралари раҳбарларининг ташрифи Афғонистон инқирозини тартибга солишда ижобий тажрибага эга бўлган ўзбек дипломатиясининг ҳаракатларига жиддий қизиқиш билдираётганидан далолат берди. Ўзбекистон бир неча маротаба Афғонистонда узок муддатли истиқболда ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда барқарор ривожланиш асосларини яратишга ёрдам берадиган халқаро иштирокнинг турли кўринишларини таклиф қилган.

Шу билан бирга, Тошкент конференциясининг муҳим афзаллиги шундан иборат эдики, тадбирга нафақат йирик ва минтақавий кучлар, балки Афғонистоннинг қўшни давлатлари ҳам таклиф қилинди. Анжуманнинг долзарблиги Афғонистондаги можарони ҳал қилиш минтақавий характерга эга бўлиб бораётганлиги билан изоҳланади. Тадбир минтақадаги мамлакатларга тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлашни муҳокама қилиш учун самарали майдон яратди, чунки қўшни давлатлар терроризмга қарши курашда Афғонистондаги вазиятга таъсир қилиши ва иқтисодиётни модернизация қилиш, транспорт алоқаларини кенгайтириш ва гуманитар ёрдам кўрсатишда фаол ҳисса қўшиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу форум ишида кенг доирадаги вакиллар қатнашиши нафақат афғон муаммосига бўлган эътиборни, балки Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳам ички, ҳам Марказий Осиё минтақасида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватланаётганини билдиради.

Форум иштирокчилари минтақавий ва глобал даражада тез орада Афғонистон ҳукумати билан «Толибон» ҳаракати ўртасида ҳеч қандай дастлабки шартларни илгари сурмасдан тўғридан-тўғри му-



зокаралар ўтказиш зарурияти хусусида умумий нуқтаи назар баён этишди. Конференция якуни бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди. Унда қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топган:

биринчидан, тинчлик жараёни афғонистонликларнинг бевосита раҳбарлиги ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва қарорлари низомларига мувофиқ амалга ошиши керак;

иккинчидан, қуролли муҳолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилиниши ва қонуний сиёсий куч сифатида эътироф этилиши тинчлик жараёнининг муҳим омили ҳисобланади;

учинчидан, халқаро ҳамжамият терроризмнинг ҳар қандай шакл ва кўринишига қарши бўлиб, трансмиллий терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик таҳдидлари нафақат Афғонистон, балки умуман бутун минтақа ва жаҳоннинг барқарорлиги ва изчил тараққиётига умумий хавф саналишини эътироф этади.

Шунингдек, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Марказий Осиё мамлакатлари қўллаб-қувватлаши орқали минтақавий даражада мустақкам келишувга эришиш лозим. Таъкидлаш жоизки, халқаро конференцияда Афғонистон муаммосининг бошланишидан буён биринчи марта Араб давлатлари лигаси мамлакатлари вакиллари ва ШХТга аъзо барча давлатларнинг расмий вакиллари тўпланишди. Шу муносабат билан конференциянинг асосий мақсади Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни ўрнатишнинг муҳим масалалари бўйича Кобул бошчилигидаги миллий тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш орқали ушбу мамлакатлар ўртасида консенсусга эришиш бўлди.

Тошкент конференцияси арафасида, шунингдек, **ҳамкорликнинг янги шаклидаги «Марказий Осиё + Афғонистон» (С5+1) биринчи йиғилиши бўлиб ўтди**. Унда Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари муҳокама қилинди. Ушбу формат Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилма алоқалари тизимида муваффақиятли интеграцияси, умумминтақавий миқёсдаги аниқ лойиҳа ва дастурларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Шубиланбирга, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Тошкент конференциясида сўзлаган нутқида, Ўзбекистон бундай юқори даражадаги учрашувни бир марталик тадбир сифатида ўтказиш билан чекланиб қолмайди**. Март ойидаги Афғонистон бўйича форумда эришилган келишувларга мувофиқ Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш бўйича саъй-ҳаракатларини давом эттирмоқда. Нью-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Йоркда Тошкент халқаро конференцияси декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Яқуний ҳужжати БМТнинг расмий олти тилига (рус, инглиз, араб, испан, хитой ва француз тилларига) ўтирилди. **Ҳужжатда Афғонистон раҳбарияти ҳамда ушбу мамлакат халқининг тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш юзасидан халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларининг давоми сифатида Тошкент конференциясининг муҳим аҳамияти таъкидланган.**

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистон Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши учун имкон даражасида ҳисса қўшмоқда: электр энергиясини етказиб бermoқда, янги электр тармоқларини қурмоқда, темир йўл барпо этмоқда, Афғонистон иқтисодиётини тиклашга, мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширишга, янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган стратегик лойиҳаларни амалга оширмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегациясининг Афғонистон Ислom Республикасига ташрифи давомида (июль 2019 йил) афғон томони билан савдо-иқтисод, қишлоқ хўжалик, технологиялар ва инвестициялар соҳаларида муҳим келишувларга эришилди.** Енгил sanoat ва ёғ ишлаб чиқариш соҳалари бўйича қатор корхоналар фаолиятини тиклашга доир «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди, Кобулда енгил автомобилларни йиғиш бўйича қўшма лойиҳани амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Фармацевтика ва тиббиёт хизмати соҳаларида ҳам ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилди.

«Сурхон – Пули-Хумри» электр узатиш линиясининг қурилиши икки мамлакат ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очади. Мазкур лойиҳа доирасида ўзбекистонлик мутахассислар Балхда (85 км. ҳудудда) лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга оширди. Навбатдаги ўрганиш ишларини Саманган ва Баглан ҳудудларида (115 кмда) олиб бориш режалаштирилган. Лойиҳанинг техник иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. **Ўзбекистон – Афғонистон ўртасида энергетика соҳасида қўшма лойиҳалар кўп жиҳатдан мультипликатив таъсирга эга.** Электр узатиш линиясининг барпо этилиши Афғонистонда энергия етишмовчилиги муаммосини бартараф этиш баробарида ушбу мамлакатда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва иш ўрни яратиш, янги корхоналарни ишга тушириш бўйича қўшимча имкониятларни ҳам яратади. Айни дамда электр узатиш линияси Кобулнинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимига уланиш имконини бermoқда. Бу минтақа мамлакатлари – Тожикистон ва Қирғизистон учун CASA-1000 лойиҳаси доирасида Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга



электр энергиясини етказиб бериш имкониятини ҳам тақдим этади.

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятга нисбатан прагматик ёндашувни сақлаб қолмоқда. Расмий Тошкент қўшни мамлакатда вазиятнинг ривожланишига таъсир этувчи кўплаб омиллар мавжудлигини ва узоқ муддатли можарони фақат конференция билан тезда ҳал қилиб бўлмаслигини яхши англайди. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг Кобул ва «Толибон» ўртасида тўғридан-тўғри мулоқоти зарурлиги тўғрисидаги баёноти Ўзбекистон раҳбарияти расмий ҳокимият ва қуроли муҳолифат ўртасидаги тинчлик музокараларига асосланган реал ёндашувларни қўллаб-қувватлаётганини, бу ягона прагматик, инклюзив Афғонистон ичидаги ечим сифатида қабул қилинишини англатади.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев ўзининг Афғонистондаги узоқ муддатли қонли можарога барҳам бериш йўллари излаб топишга қаратилган ташаббуси билан жаҳон ҳамжамиятига улкан намуна кўрсатмоқда. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар афғон муаммосини бошқа манфаатдор томонлар билан тенг равишда ҳал қилиш, ушбу глобал жараёнга ҳисса қўшиш ниётида жасорат билан геосиёсат майдонига қадам қўйган Ўзбекистон раҳбарининг шахсий танлови, онгли сиёсий иродасининг намоёнидир. Давлат раҳбарининг Афғонистон бўйича махсус вакили институтини таъсис этиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги афғон йўналишининг устуворлигини яққол тасдиқлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг муаммоли вазиятларни ҳал қилишга оқилона ёндашуви ва музокаралар жараёнини тўғри йўналишда ташкил этиш усуллари ўзаро тушуниш ва биргаликда прагматик ҳамкорлик сари янги йўл очмоқда.

Умуман олганда, Тошкент конференцияси Марказий Осиё учун катта аҳамиятга эга, чунки минтақа давлатлари халқаро майдонларда бир овоз билан қатнашиш учун умумий кун тартибини ишлаб чиқишга интилган минтақа раҳбарларининг биринчи йирик саммити бўлди. Ўтган учрашув Афғонистон муаммосини ҳал этишда Марказий Осиё мамлакатларининг ролини ва муҳим салоҳиятини оширди. Бундан ташқари, ушбу кенг кўламли тадбир Марказий Осиёнинг халқаро муносабатларда субъект сифатида шаклланишида муҳим қадам бўлди. Конференция Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тарихий яқинлигини тушунишнинг янги босқичини белгилаб берди, бу Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистондаги тинчлик соҳасидаги ҳамкорликнинг янги даври бошланишини англатади. XXI асрда Марказий Осиё мамлакатлари муаммолари умумийдир ва агар кимда-ким минтақада терроризм ва экстремизм хавфидан алоҳида ҳимояланмоқчи бўлса, бундан ҳеч нарса келиб чиқмайди. Марказий Осиё давлатлари халқаро майдонда бир-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бирини қўллаб-қувватловчи минтақавий акторлар сифатида намоён бўлиш қобилиятини кўрсатишмоқда. Бу эса минтақада хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий интеграцияни ривожлантириш учун жиддий аҳамиятга эга.

6.5. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг маданий-цивилизация соҳасидаги ташаббуслари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий қадриятларни ҳамда цивилизациялар ва маданиятлар чорраҳаси каби ўзининг тарихий ролини тиклашда катта йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон ўз ривожининг сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйган бугунги кунда, миллий янгилашдан миллий фаровонликка ўтиш энг муҳим устувор вазифадир. Президент Ш. Мирзиёев айтганидек, ушбу юксак мақсадга эришиш фақатгина бошқа мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданий, гуманитар ва маънавий соҳаларда алоқаларни фаоллаштириш ва кучайтириш, кундалик ҳаётда миллий ва инсон қадриятларини янада кенгроқ тасдиқлаш орқалигина амалга оширилиши мумкин [96].

Ўзбекистон дипломатиясида маданий омилнинг роли сезиларли даражада ошди. Ўзбекистоннинг халқаро имижини, унинг дунё тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳаларда устувор мақсадларга эришиш йўлида мамлакатнинг маданий-цивилизация имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда, миллий маданият ва илм-фан ютуқларини чет элда оммалаштириш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон янги дипломатиясининг дастлабки қадамлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 18–19 октябрдаги Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 43-сессияси доирасида илгари сурган ташаббусларида ўз ифодасини топди [97]. ИХТ Тошкент Форумининг шиори сифатида «Таълим ва маърифат – тинчлик ва яратувчилик йўлидир» мавзуси танланди. Ўзбекистон нуқтаи назарига асосан, айнан таълим ва маърифат – миллатлар фаровонлиги калити, зўравонлик ва радикализм мафкурасига қарши самарали воқитадир. Ўзбекистоннинг ИХТдаги раислиги давридаги форум мавзуси руҳида қуйидаги ташаббуслар тақдим этилди.

ИХТ ҳомийлигида нафақат ислом маданияти, балки инсоният цивилизациясини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган **буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний ва маънавий меросини ўрганиш халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш**. Шу мақсадда Ўзбекистон



раҳбари Самарқандда Имом Бухорий Халқаро Тадқиқот Марказини ташкил қилишни таклиф этди. Ташкил этилаётган марказ жойлашуви учун Самарқанд шаҳрининг танланиши, биринчидан, Самарқанднинг жаҳон цивилизациясидаги мусулмон маданиятининг марваридларидан бири сифатидаги тарихий ўрни билан белгиланса, иккинчидан, ислом дунёсининг буюк олимларидан Имом Бухорийнинг муқаддас ҳоқи қўйилган бу заминда ҳукм сураётган ўзига хос маънавий ва ахлоқий муҳит билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари ушбу халқаро марказнинг моҳияти ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу муассасада ислом маданиятини тарғиб қилишга комплекс ёндашув ишлаб чиқиш, ҳамкорликда илмий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Ўз мактабларини яратган буюк муҳаддисларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, ҳуқуқшунослар Бурҳониддин Марғинович, Абу Лайс Самарқандий, Қуръон билимдонлари Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Муин Насафийларнинг ҳам бебаҳо меросини ўрганиш зарурлиги, шунингдек, ушбу соҳаларда чуқур билимга эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент ислом университети таркибида, илм-фан ва маданият бўйича Ислоташкилотининг (ISESCO) махсус кафедрасини ташкил этиш. Янги кафедранинг асосий фаолияти мусулмон дунёсининг таълим, фан ва маданияти тарихини ва бутунги ҳолатини ўрганишга, улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларда таҳсил берилишини ташкил этишга қаратилиши белгиланди.

Ушбу ташаббусларни амалга ошириш мақсадида ИХТнинг махсус муассасалари, жумладан, Ислоташкилот банкни билан фаол иш олиб борилади. 2017 йилнинг май ойида ҳукуратимиз ва Ислоташкилот банкни ўртасида Имом Бухорий Халқаро илмий тадқиқот Марказини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик англашув меморандуми имзоланди. Туркия, Кувайт, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Покистон каби давлатлар ҳамда ИХТнинг таркибий бўлинмалари ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Кейинчалик ушбу ташаббуслар инсониятга хавф солаётган таҳдидлар ва хатарларга қарши қўйилган ҳамда «**жаҳолатга қарши маърифат**» таъмоилига асосланган тизимнинг муҳим элементига айланди.

2017 йил 19 сентябрь куни Президент Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йиғилишидаги нутқида, жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш – энг муҳим вазифа эканини таъкидлади. У қайд этганидек: «**Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад**



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади»[98].

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президент «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилинишини таклиф қилди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган. 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини қабул қилди. Резолюция БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан нафақат бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки 50 дан ортиқ давлатларнинг ҳаммуаллифлигида қабул қилинди. Ҳаммуаллифлар орасида Озарбайжон, Жазоир, Баҳрайн, Беларус, Гана, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, Канада, Қатар, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатлар бор.

Резолюцияда сайёрамызда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлида маърифат, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дўстлик ғояларини илгари суриш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ҳужжатда дин ёки эътиқод асосида алоҳида шахсларни камситилишига қарши курашга ҳамда маданиятлараро ва динлараро



уйғунликни тарғиб қилишга қаратилган барча халқаро, минтақавий ва миллий ташаббуслар маъқулланди. ЮНЕСКОнинг таълим, илм-фан ва маданият воситасида халқлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдаги асосий роли эътироф этилди.

Ўзбекистоннинг янги дипломатиясининг маданий-гуманитар соҳадаги ажралмас қисми – ШХТ доирасида фаол амалга оширилаётган халқ дипломатиясидир. 2017 йил 8–9 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари Кенгашининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев **ШХТ марказларини – халқ дипломатиясининг мунтазам фаолият кўрсатувчи институтларини** ташкил этиш таклифини илгари сурди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида «... ШХТ давлатлари ва халқлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

ШХТ марказлари – халқ дипломатиясининг доимий фаолият юритадиган институтларини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф этамиз. Бу марказларда мавзуга оид кўргазмалар, конференция ва учрашувлар ҳамкорликда ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги алоқалар ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш имкониятини беради»[99].

Томонлар 2018 йил бошидан оқ ушбу ташаббусни амалга оширишга киришдилар ва биринчи Халқ Форуми «Минтақавий тинчлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, ягона тақдирга эга инсоний жамиятнинг биргаликда яратиш: нодавлат ташкилотлар миссияси ҳақида» шиори остида 2018 йилнинг 9–10 апрель кунлари Сиань шаҳрида бўлиб ўтди. Форумда иштирокчи мамлакатларнинг собиқ мулозимлари, кузатувчи давлатлар ва ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари, халқаро ташкилотлар, интеллектуал марказлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 80 дан зиёд киши қатнашди.

Учрашув якуналари бўйича ШХТ биринчи Халқ Форумининг Сиань декларацияси қабул қилинди ва унда «жамоатчилик ташкилотлари алоқа ўрнатиш, инсонларнинг кайфиятлари ва эҳтиёжларини акс эттиришда ва ижтимоий кучларни жипслаштиришда алоҳида ўринга эга бўлиб, ШХТнинг ишончли ҳамкорлари ва инсониятнинг умумий тақдири ҳамжамиятини яратишда муҳим иштирокчилар» экани белгиланди.

Жамият ташкилотларининг гуманитар алмашувлардаги фаол иштироки, турли мамлакатлар халқлари ўртасидаги ўзаро бир-бирларини тушунишлари ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда – «халқлар юракларини бирлаштиришда», шунингдек, амалий ҳамкорлик учун шарт-шароит ва имкониятларни яратишда, жумладан, ШХТ доирасида мавжуд ҳамкорлик механизмларига интеграциялашган (миллий) халқлар алмашинуви учун ишончли платформани яратишдаги алоҳида роли қайд этилди. Хужжатга кўра, ШХТнинг энг муҳим вазифаларидан



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

бири инсониятнинг ягона тақдирининг янги тури ва жамиятнинг халқаро алоқаларини шакллантириш учун зарур ижтимоий шароитларни яратишдир.

2018 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги халқ дипломатияси марказини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қабул қилинган ҳужжатга кўра, ШХТнинг жамоат дипломатияси маркази нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, фаолиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга кўмаклашиш;

– ШХТ мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда, делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштиришда иштирок этиш;

– ШХТ мамлакатларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида дўстона ҳамкорлик муҳитини қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– ШХТ мамлакатлари ўртасида ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ШХТнинг мақсадлари, вазифалари, фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий принципларини кенг тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, ШХТ мамлакатларининг маданий-гуманитар соҳада эришган ютуқлари тўғрисида ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш ва уларни мунтазам чоп этиб бориш;

– ШХТ мамлакатлари ва уларнинг халқларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамлаш мақсадида халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш[100].

2018 йил 10 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев сўзга чиқиб, қатнашчиларни аҳолида, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм ғояларига барқарор иммунитет шакллантиришга эътибор қаратишга чақирди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ишонамизки, ушбу Дастурни амалга оширишда ШХТ Ёшлар кен-



гаши ҳақиқий «локомотив» вазифасини ўтайди. Ўзбекистон ушбу тузилма фаолиятида фаол иштирок этади.

БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўлидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни таклиф этаман» [101].

Маданий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан оила ва ёшларга оид таълим муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қилган маърузасида Президент шундай деди: «Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омилар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда». Ўзбекистон Раҳбари эслатиб ўтганидек: «Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий усту-



ХУЛОСА

Ўзбекистон дипломатияси тарихи жаҳон дипломатияси тарихининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тарихий жараёнининг яхлитлигини, ўтмишда халқлар ва маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини, айти пайтда, дипломатиямиз тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини тасдиқлайди. Унда Ўрта Осиё худудидаги кўпгина халқларнинг улкан халқаро ҳуқуқий ва дипломатик тажрибаси мужассамлашган. Бу тажриба фақат ўтмишга тегишли эмас. Турли йўллар орқали у бугунги замонамизга ҳам кириб, халқаро жараёнларга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Қадим замонлардан ва антик даврда Ўрта Осиё халқларининг дипломатик муносабатлари турли давлатлар ва қабилалар уюшмаси ўртасида ўзаро муносабатлар олиб боришнинг махсус шакли сифатида барқарор характер касб этган, доимий равишда мактублар ва элчилар билан алмашилган. Дипломатия халқаро муносабатларнинг махсус шакли сифатида Ўрта Осиёда м.ав. I минг йилликнинг биринчи ярмида юзага келган. Ўз ривожининг илк босқичларида маълум сиёсий сабабларга кўра Эрон ва Ғарбнинг эллин давлатлари билан муносабатлар муҳим аҳамият касб этган, м.ав. I минг йиллик охиридан эса уларда асосий ўринни Хитой эгаллайди. Марказий Осиё халқларининг Корея ва Япония билан қадимдан дипломатик алоқаларини тасдиқловчи далиллар мавжуд.

Кушон империясининг юксалиш даври қадим ва антик даврда Марказий Осиё дипломатиясининг энг тараққий этган даври бўлди. Ғарб ва Шарқ тамаддуни ўртасида муҳим ўринга эга бўлган Кушон империяси Рим, Парфия ва Хан империялари билан бир қаторда, антик дунёнинг энг буюк империясининг ўзига хос «тўртлиги»ни ташкил этган, ушбу давлат дипломатиясининг тараққий этганлиги ҳамда Рим, Хан каби империяларга кўплаб элчиларнинг юборилганлиги бундан далолат беради.

Ўзбекистон худуди бир неча юз йилликлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи кўприк вазифасини ўтаган. Бунинг шарофати билан ушбу ўлка бу йўлда турли тамаддун ва маданиятларни мужассамлаштирган муҳим чорраҳа сифатида машҳур эди. Ипак йўлида савдо-сотикнинг ривожланиши дипломатик муносабатларнинг турли шакллариининг тобора тараққий этиб боришига имкон туғдирди.

IX-XII аср Марказий Осиё Ренессанси билан боғлиқ ҳолда Ўрта Осиёда дипломатик алоқаларнинг кучайиши, иқтисодий тараққиёт, технологик ва маданий юксалиш кузатилган, бу эса Марказий Осиёни жаҳон тамаддунининг олдинги сафларига олиб чиқди. Ушбу даврда кенг халқаро нуфузга эга бўлган Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг илмий-маданий марказлари ўзининг бевосита вазифасидан ташқари худудни дунёнинг бошқа ерлари билан турли хил алоқалар ўрнатишига кўмаклашувчи ўзига хос механизм ролини бажарар эди.



Ўрта асрларда маданий-сиёсий маркази ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бўлган ва қадимий Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросоннинг шимоли-шарқий қисмини ўз ичига олган Марказий Осиё минтақасининг халқаро мақомини шаклланишида ҳамда мустақамланишида диний омил муҳим аҳамият касб этарди. Мазкур омилнинг мунтазамлиги ва унинг перманент хусусияти минтақани ислом тамаддунининг муҳим марказларидан бири деб аталашига асос бўлди. Ўрта аср Ўрта Осиё давлатларининг (Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар давлатида) халқаро алоқалари ислом тамойиллари асосида ўрнатилиб, дипломатик протокол ва этикетда турк ва ислом анъаналари симбиози кузатилар эди. Шакланган ҳадисшунослик илми, илоҳиёт, ҳуқуқ ва сўфийлик мактаблари расмий институт мақомига эга бўлмаган ҳолда, улар «халқ дипломатияси»нинг амалий механизми сифатида муваффақиятли фаолият олиб борар эди. Бу минтақанинг Ўрта аср сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муносабатлари тизимида ўзига хос ўрнини таъминлашга хизмат қилган.

Ўзбек дипломатияси ҳеч муболағасиз Амир Темур империяси ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ўз тараққиёти чўққисига эришиб, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон тарихида ҳам муҳим ўринга эга бўлди. Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаган ҳолда Амир Темур дипломатияси бутун Евросиё минтақасида халқаро иқтисодий ва савдо муносабатларининг ривожланишига эришди. Бу даврда Буюк ипак йўлига катта эътибор қаратилган бўлиб, ундан самарали фойдаланиш орқали Евросиёда интеграцион жараёнларнинг илк асослари яратилди. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида Ғарб ва Шарқ халқлари ҳамда давлатлари билан ўзаро яқин муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, ҳамжиҳатликка эришиш имконини яратган маданий дипломатия ҳам кенг тараққий этди.

Сўнги ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) батафсил ишлаб чиқилган дипломатик протокол, хориж элчиларини қабул қилиш ва элчилик билан алмашиниш тартиб-қоидаларига эга эди. Шунга қарамай инглиз-рус рақобатининг кескинлашуви ва Марказий Осиёга ташқи босимнинг кучайиши шароитида ушбу хонликлар Эрон, Россия, Англияга нисбатан сиёсий-дипломатик қаршилиқ кўрсатишда бирлашиш ўрнига ўз манфаатларини «худбинларча» ҳимоя қилиш йўлини танладилар. Натижада тарқоқ ва кучсиз ҳолда ташқи душман ҳужумига қаршилиқ кўрсата олмай, қарамликка тушиб қолдилар.

Марказий Осиёнинг каттагина қисми Туркистон ўлкаси номи билан маъмурий бирлик сифатида Россия империяси таркибига кирди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги XIX аср сўнги чораги - XX аср бошларида ташқи алоқаларни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, Россия империясининг протекторатига айлантирилди. 1917 йилга қадар ушбу хонликларнинг Тошкент ва Санкт-Петербургда элчилик делегациялари то ушбу томонлар билан «дипломатик муносабатлар яхши йўлга



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

қўйилган» лигининг кўрсаткичи сифатида Петербургга жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида «ўз нуфузини сақлаб туриш» имкониятини берар эди. Табиийки, аслида вазият анча мураккаб эди. Бироқ, биринчи навбатда, Россия империяси учун «тараққий этган» буюк давлат нуфузини сақлаш устувор аҳамиятга эга эди.

Совет даврида Ўзбекистон Иттифоқ маркази томонидан барча халқаро ишларда тенг ҳуқуқли иштирок этувчи «суверен республика» сифатида кўрсатилган эди. Бироқ Ўзбекистон тоталитар совет давлатининг қатъий белгиланган чегараси доирасида сақланиб, аслида тўғридан тўғри халқаро майдонга чиқиш имкониятидан маҳрум эди. Номигагина мавжуд бўлган ташқи сиёсий идоралар ташқи алоқаларни мустақил равишда олиб бориш ва ўрнатиш ҳамда дипломатик корпус вакиллари шакллантириш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Халқаро алоқалар Иттифоқ маркази рухсати билангина ҳамда унинг қатъий назорати остида амалга оширилар эди. Натижада республиканинг ташқи алоқалари агар намоён бўлса ҳам, чекланган доирада бўлиб, синфий-мафкуравий йўналтирилганлиги ва асл шаклига мос келмаслиги билан ажралиб турар эди. Моҳиятан, тараққий этган идрок нуқтаи назаридан суверенлик ва тенг ҳуқуқлилик мезонларидан келиб чиқиб, уларни Ўзбекистоннинг ҳақиқий халқаро фаолияти сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Фақат 70 йил ўтгач, 1991 йилда мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ҳақиқий суверен давлат сифатида мустақил ташқи сиёсий фаолият юргиза бошлайди. Мустақил Ўзбекистон дипломатияси шаклланишининг илк ўн йиллиги жаҳонда анча мураккаб ва ўта қарама-қарши сиёсий жараёнлар билан ажралиб туради. Ахир олдинги маъмурий буйруқбозлик тизими ривожланишнинг муқобил моделини яратмай туриб емирилган эди. Шундай шароитларда мамлакат олдида давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маънавий уйғониш каби вазифаларни масалаларни ҳал қилиш турар эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида мамлакат дипломатияси воситалари ва ташқи сиёсий фаолияти асослари муҳим омил сифатида хизмат қилди. Республика қисқа муддатда дунё эътирофига сазовор бўлди, унинг минтақавий ва халқаро ривожланишнинг қатор долзарб масалалари бўйича қараш ҳамда ташаббуслари дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан маъқулланган ва қўллаб-қувватланган ҳолда, фаол давом эттирилмоқда. Республиканинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш, қўшни давлатлар, етакчи жаҳон ва минтақавий буюк давлатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ташаббуси шулар жумласидандир.

2016-2017 йиллар оралиғида. Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги - ташқи сиёсатда халқаро фаолиятга ўзгача ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда янгиланган дипломатияни амалга ошириш босқичига қадам қўйди.



Бугунги кунда Ўзбекистон Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида халқаро майдонга янги қиёфа ва обрў билан чиқмоқда. Унинг ташаббуслари халқаро микёсда қўллаб-қувватланмоқда, мамлакатда бошланган ислохотлар жаҳоннинг аксарият мамлакатлари томонидан маъқулланиб, конструктив қарши олинмоқда. Марказий Осиёда олиб борилаётган очиқ сиёсат ва ҳар томонлама ҳамкорлик ўз натижасини бермоқда: минтақада ишонч ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш янги сиёсий муҳити яратилди.

Иқтисодий дипломатияни фаол амалга оширилиши Ўзбекистонга хорижий инвестициялар, илғор технологияларни жалб этиш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича стратегик масалаларни ҳал қилиш имкониятини беради. Кейинги қадам аста секин жаҳон бозорида нуфузли ўринни эгаллашдан иборат. Ўзбекистон жаҳоннинг иқтисодий ва инновацион марказларининг улкан имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва алоқаларни янада яхшилаб, мустаҳкамлаган ҳолда уни истиқболли иқтисодий ва савдо бозори, халқаро боғловчи тугун, транспорт-алоқа йўлагининг чорраҳасига айлантириш мақсадида минтақанинг жозибадорлигини оширмоқда.

Ўзбекистон дипломатияси ва афғон йўналишида амалга оширилган савб-ҳаракатлар Марказий Осиё мамлакатларининг афғон муаммосини ҳал этишга қўмаклашиш масалаларида тобора ошиб бораётган нуфузи ва салоҳиятини намоён қилмоқда. Ўзбекистоннинг янги дипломатияси Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг тарихан яқинлигини англаб етиш, яхлитлик ҳамда хавфсизлик умумий бўлган Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорликка имкон яратмоқда.

Ўзбекистоннинг янги дипломатияси, шунингдек, маданий-маърифий ва гуманитар соҳалардаги барқарорлик, дўстона қўшничилик муносабатлари ҳамда ўзаро самарали алоқаларни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик салоҳиятидан фаол фойдаланмоқда. Маданий дипломатия доирасида ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини илгари суриш, халқ дипломатиясини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг бой маънавий-маданий меросини жаҳон ҳамжамиятига танитиш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мазкур монографияда келтирилган муҳим назарий ва тарихий материал ўзбек дипломатиясини феномен сифатида генезиси ва эволюциясини, ташкил топиши ва шаклланишининг асосий даврлари, яхлит ва анъанавий мактаб кўринишида ташкил топишини асосли ва тизимли равишда ёритиб беришга имкон беради. Бугунги кунда янгиланган Ўзбекистон дипломатияси олдида кенг истиқбол ва имкониятлар очилмоқда. Ушбу жараён марказида дипломат шахси, унинг юқори касбий малакаси ва



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ўз мамлакати манфаатларини ҳимоя қилиш ишида чуқур эътиқоди намоён бўлмоқда. Халқаро муносабатларнинг бутун тарихи давомида дипломатларга бўлган талаблар доимо ўзгариб турган, фақатгина ўз мамлакатига бўлган ишонч ва ҳар қандай шароитда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати ўзгармасдир. Ушбу хулосани Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг сўзлари тасдиқлайди: «Дипломатлик оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этадиган ноёб санъатдир. Ҳақиқий дипломат бўлиш учун фақат билим ва тажриба, чет тилларни билиш етарли эмас, бунинг учун аввало туғма талант керак. Энг муҳими, дипломат ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, ўз халқи, ўз юртининг чинакам фидойиси бўлиши зарур».

Шундай қилиб, ривожланишнинг барча тарихий босқичларида Ўзбекистон дипломатияси давлатчиликнинг мустақамланишига, мамлакат суверенитетини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш ва ўз миллий манфаатларини илгари суриш каби олий мақсадга хизмат қилди ва хизмат қилмоқда. Ўзбек дипломатияси, унинг келиб чиқиши ва эволюцияси феномени минг йиллар тубидан келиб, минтақадаги халқларнинг давлатчилиги тамойиллари ва анъаналари ўртасидаги табиий ўзаро боғлиқликни кўрсатади. Ушбу мақсадга эришиш учун асрлар оша ўзаро манфаатли савдо-тижорат, маданий ва гуманитар алоқаларини ривожлантириш, инновацион ғояларни доимий равишда қидириш, халққа хизмат кўрсатиш ва фаровонлик йўлида ташқи дунё билан иқтисодий ва технологик ҳамкорликнинг самарали шакллари яратиш энг муҳим ғоя бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон давлатчилик тарихининг барча даврларида ўзбек дипломатиясининг ушбу анъаналарининг давомийлиги кузатилмоқда. Ҳатто урушлар ва низолар даврида ҳам савдо-иқтисодий алоқалар тўхтаб қолмаган, иқтисодиёт, савдо ва коммуникация соҳасида тўғри йўналтирилган сиёсат эса давлатнинг юксалиши ва мустақамланишига ёрдам берган. Бу Марказий Осиё халқларининг тарихий генларида ривожланган анъанавий институтларнинг юксак мероси ҳамда давлат қурилишининг бой тажрибаси мавжуд деган асосий ғояни тасдиқлайди. Шу билан бирга, бундай тажрибага эга бўлмаган жамиятлар бугунги кунда давлатчиликнинг шаклланишидаги улкан қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

Келтириб ўтилган ҳужжатли ва назарий материалларни, чуқур тарихий таҳлилларни ҳисобга олган ҳолда, *бугунги кунда давлатнинг миллий манфаатларини ва устувор йўналишларини теран англаш асосида ўзбек дипломатиясининг фундаментал мактаби шаклланганлигини қатъий таъкитдлаш мумкин.*

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг янги дипломатияси, ушбу меросни ва тамойилларни ижодий ёндашув асосида қайта тиклаб, миллий ўзига хосликка таяниб, ташқи сиёсат ва дипломатия иқтисодиётга хизмат қилиши



ва барча манфаатдор давлатлар билан кенг қамровли муносабатларни ривожлантиришни илгари суради. Бу Ўзбекистон дипломатиясини прагматик ва реалистик деб таърифлашга имкон беради.

Ушбу тадқиқот ўзбек дипломатиясининг тарихини феномен сифатида тизимли англаш ва ёритишдаги биринчи уринишдир. Бу мураккаб ва долзарб муаммони батафсил ва ҳар томонлама ўрганиш энди бошланмоқда ва яқин келажакда ушбу муҳим соҳадаги фундаментал тадқиқотларнинг пайдо бўлиши ва тарихий-дипломатик фаннинг миллий мактабини шаклланишига умид қилиш мумкин.





6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу Қонунни қабул қилади.

1-модда.

Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир.

2-модда.

Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

3-модда.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

4-модда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

5-модда.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

6-модда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуроли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-модда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг



маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

8-модда.

Давлат мулки объектлари, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

9-модда.

Ўзбекистон Республикасининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

10-модда.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси СССРнинг олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга.

11-модда.

Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

12-модда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

13-модда.

Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

14-модда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларини, айирбошланидиган валютани сотади ва сотиб олади.

15-модда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

16-модда.

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йулини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

17-модда.

Ўзбекистон Республикаси ўз таркибдаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

1991 йил 31 август,

336-ХП-сон

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1991 й., 11-сон, 246-модда)

рўйхатига киритилган мусиқа санъати тури бўлмиш – **Мақом санъатининг халқаро форуми** (Шаҳрисабз ш.), шунингдек, инсонларни, айниқса ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний



қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган халқ оғзаки ижоди – Бахшилиқ санъатининг халқаро фестивали (Термиз ш.) алоҳида ўрин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ҲАМДА ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартибини «Дипломатик муносабатлар тўғрисида»ги 1961 йилдаги Вена Конвенциясига ҳамда бошқа умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга мувофиқ белгилайди.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан тайинланади ва чақириб олинади. Бу масалаларга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тегишли комитети (комиссияси) билан келишган ҳолда киритади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маъқуллаган дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг номзодини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ваколатхона жойлашган мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига (ёзма) тақдим этиб, унинг розилигини (агреман) сўрайди.

3-модда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғини тайинлаш ваколатхона жойлашган мамлакатнинг расмий розилиги олинганидан кейин амалга оширилади.

Ваколатхона жойлашган мамлакатдан жавоб олингунча дипломатия ваколатхонаси бошлиғи лавозимига номзод хусусидаги маълумотлар махфий ҳисобланади.

4-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи ёки Фавқулодда ва Мухтор Вакил тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унга борадиган давлатининг раҳбарига топшириши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири имзоси билан тасдиқлаган ишонч ёрлигини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Ишончли Вакилига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг мазкур дипломатия намояндасини қабул қилувчи мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги номига ёзилган мактуби берилади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

5-модда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан чақириб олинади:

- а) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи алмаштирилганда;
- б) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда;
- в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда;
- г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;
- д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганида.

6-модда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруқлари билан тайинланадилар ва чақириб олинадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1992 йил 3 июль,
649-ХП-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992 й.,9-сон, 349-модда)*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ДИПЛОМАТИЯ ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун «Дипломатия муносабатлари тўғрисида»ги 1961 йилги Вена Конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даражалари ва мартабаларини белгилаб беради.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг 3 даражаси белгиланади:

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

чет давлат ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган Ишончли Вакил.

Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналарининг бошлиқлари мансуб бўлиши лойиқ кўрилган даража дипломатия муносабатлари ўрнатаётган давлатлар ўртасидаги аҳдлашувдан белгилаб қўйилади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги дипломатия мартабалари — Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган алоҳида хизмат унвонлари белгиланади:

Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;

Биринчи даражали маслаҳатчи;

Иккинчи даражали маслаҳатчи;

Биринчи даражали биринчи котиб;

Иккинчи даражали биринчи котиб;

Биринчи даражали иккинчи котиб;

Иккинчи даражали иккинчи котиб;

Учинчи котиб;

Атташе.

3-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, биринчи ва иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан берилади.

Ана шу масалалар юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири киритади.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Бошқа дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруғи билан берилади.

Бу мартабаларни бериш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси киритади.

Малака комиссиясининг таркиби ва у ҳақидаги низомни Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги тасдиқлайди.

Дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг раҳбар ва масъул ходимларига ҳам берилиши мумкин.

4-модда.

Бирламчи дипломатия мартабаси — атташе дипломатия хизматида камида бир йил ишлаган кишига берилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг ходимларига навбатдаги учинчи котиб, иккинчи котиб мартабалари малакасига ҳамда хоҳ марказий девонда, хоҳ Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги муассасаларида камида 2-3 йил, биринчи котиб, маслаҳатчи мартабалари эса камида 3-4 йил хизматни муваффақиятли ўтаганлигига қараб берилади.

Ишдаги катта ютуқлари учун дипломатия ваколатхонасининг ходими белгиланган муддатдан олдин юқорироқ дипломатия мартабаси беришга тавсия этилиши мумкин.

5-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари бир умрга берилади.

Бошқа дипломатия мартабасига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидан пенсияга чиққанлари тақдирда уларнинг бу мартабалари сақланиб қолади.

6-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил, дипломатия мартабаларидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан маҳрум этилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари хусусида бу масала юзасидан қарорни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси тақдимига кўра Ташқи ишлар вазирлиги қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Ташкент ш.,
1992 йил 3 июль,
650-ХП-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992 й., 9-сон, 350-модда)*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

1992 йил 24 октябрь, Тошкент ш.
491-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетини тузиш тўғрисида» 1992 йил 23 сентябрдаги Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг розилигига кўра тугатилган Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг бинолари ва иншоотлари мол-мулки, кутубхонаси ва архиви билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармаси томонидан Университет учун сотиб олинади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Университет мустақил юридик шахс ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари билан боғлиқ ихтисослар бўйича мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бош ташкилот ҳисобланади, республика ва хорижий банк муассасаларида ўз ҳисобларига, шу жумладан, валюта ҳисобларига, муҳр ва тамғаларга эга бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) ўқув-методик қўлланмалар ва асарларни чиқариш, МДХ мамлакатларининг даврий матбуотига обунани расмийлаштириш, спутник алоқаси тизимлари воситаларини сотиб олиш, халқаро ахборот шохобчаларига қўшилиш, Университет ходимларини таъминлаш ва унинг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш учун, ташкилий даврда, 1994-1995 ўқув йили бошлангунга қадар, зарур маблағлар;

б) биноларни жиҳозлаш ва асосли тузатиш учун, шунингдек, ўқув ва илмий асбоб-анжомларни сотиб олиш учун 1992 йил ва кейинги йилларда зарур бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

(3-банднинг «б» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 122-сонли қарори тахририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 17-сон, 176-модда)

в) 1993 йилдан бошлаб ҳар йили вазирликлар ва идораларнинг буюртмаларига кўра Университет ҳузуридаги Бошқарув институти базасида мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, «Жаҳон иқтисодиёти ва ди-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

пломатия Университетида ўқиганлик учун талабаларнинг ҳақ тўлаш шартлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳақ тўлашдан озод қилинадиган талабаларни ўқитишга сарфланган харажатларни қоплаш учун зарур бюджетдан ажратиладиган маблағлар ажратсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини рўёбга чиқаришда, халқаро муносабатлар соҳасида, унинг давлат манфаатларини ҳимоя қилишда Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг муассасалари роли ҳамда масъулиятини ошириш, шунингдек бунинг учун зарур ҳуқуқий, ташкилий асосларни ва моддий-техникавий негизни вужудга келтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси, унинг ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш масалалари, шунингдек давлат халқаро фаолиятининг умумий муаммолари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида давлат органларининг ишини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;

республика органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг миллий давлат манфаатларини, шунингдек уни чет эллардаги фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

республика ҳудудида хорижий ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳамда консуллик дахлсизлигига риоя этиш учун шарт-шароит яратади ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ уларга ўз вазифаларини бажаришларида кўмаклашади.

Мана шу вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бошқа мамлакатларнинг тегишли давлат органлари ҳамда ташқи сиёсат муассасалари билан, шунингдек халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда музокаралар бошлашга ҳамда шартнома ва битимлар тузишга ҳақлидир.

2. Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига биноан ташқи сиёсий фаолиятга тааллуқли масалалар бўйича қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, республика қонунларига ўзгартиш ва қўшимча киритишга оид таклифларни тайёрлаш;



Ташқи ишлар вазирлиги муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни белгиланган тартибда киритиш.

3. Дипломатия ва консуллик муассасаларини ривожлантириш республика жамғармаси ташкил этилсин. У консуллик хизматлари учун белгиланган тартибда ундириб олинадиган йиғимлар, давлат бюджети маблағлари, шунингдек амалдаги қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига тузилади. Бунда қуйидагилар белгилансин:

хорижий валютада солиқ бўлмаган давлат тўловларини олиш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида 1993 йил 31 июлда чиқарилган 635-сон Фармоннинг амал қилиши мазкур Фармон чиққан кундан бошлаб уч йил мобайнида Ташқи ишлар вазирлигига дахл этмайди;

мазкур Фармон чиққан кундан бошлаб уч йил мобайнида консуллик йиғимларидан тушадиган валютанинг 100 фоизи Дипломатия ва консуллик муассасаларини ривожлантириш республика жамғармасининг валюта ҳисобварақасига ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари зиммасига ташқи алоқаларни ривожлантириш, шунингдек ўз валюталари доирасида тегишли норматив ҳужжатларни чиқариш борасидаги фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилиб, вазирликнинг норматив ва моддий-молиявий негизини янада ривожлантиришни, шунингдек:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида «Жаҳон» ихтисослаштирилган нашриётини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ТИВ нашриёти сифатида «Жаҳон ва сиёсат» журналин;

жаҳоннинг асосий минтақалари бўйича ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатшунослик соҳасидаги ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро ахборот марказини ташкил қилишни кўзда тутсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1994 йил 25 февраль,
769-сон



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ
ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ВЕНА КОНВЕНЦИЯ-
СИГА ҚЎШИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Хужжат матни рус тилида берилган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Раиси вазифасини в.б. Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,
1994 йил 6 май,
1078-ХП-сон

**СОГЛАШЕНИЕ
О ПАРТНЕРСТВЕ И СОТРУДНИЧЕСТВЕ,
УЧРЕЖДАЮЩЕЕ ПАРТНЕРСТВО МЕЖДУ РЕСПУБЛИКОЙ
УЗБЕКИСТАН, С ОДНОЙ СТОРОНЫ, И ЕВРОПЕЙСКИМИ
СООБЩЕСТВАМИ И ИХ ГОСУДАРСТВАМИ-ЧЛЕНАМИ,
С ДРУГОЙ СТОРОНЫ
(Флоренция, 21 июня 1996 года)**

Республика Узбекистан, с одной стороны, и Королевство Бельгия, Королевство Дании, Федеративная Республика Германия, Греческая Республика, Королевство Испания, Французская Республика, Ирландия, Итальянская Республика, Великое Герцогство Люксембург, Королевство Нидерландов, Республика Австрия, Португальская Республика, Республика Финляндия, Королевство Швеция, Соединенное Королевство Великобритании и Северной Ирландии, Договаривающиеся Стороны Договора, учреждающего Европейское сообщество, Договора, учреждающего Европейское объединение угля и стали, и Договора, учреждающего Европейское сообщество по атомной энергии, далее именуемые «государства – члены», и Европейское сообщество, Европейское объединение угля и стали и Европейское сообщество по атомной энергии, далее именуемые «Сообщество», с другой стороны,

признавая важность связей между Республикой Узбекистан, Сообществом и его государствами-членами и общие для них ценности, которые они разделяют;

признавая, что Республика Узбекистан и Сообщество желают укрепить эти связи и установить отношения партнерства и сотрудничества, которые углубят и расширят отношения, установленные между ними в прошлом,



в частности, Соглашением между Союзом Советских Социалистических Республик и Европейским экономическим сообществом и Европейским сообществом по атомной энергии о торговле и коммерческом и экономическом сотрудничестве, подписанным 18 декабря 1989 года;

принимая во внимание обязательство Республики Узбекистан и Сообщества и его государств-членов относительно укрепления политических и экономических свобод, которые составляют саму основу партнерства;

признавая в этой связи, что поддержка независимости, суверенитета и территориальной целостности Республики Узбекистан будет содействовать поддержанию мира и стабильности в Центральной Азии;

принимая во внимание обязательство Сторон содействовать международному миру и безопасности, а также мирному урегулированию споров и сотрудничать в этих целях в рамках Организации Объединенных Наций и Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ);

принимая во внимание твердое обязательство Республики Узбекистан и Сообщества и его государств-членов в полной мере применять все принципы и положения, содержащиеся в Заключительном акте Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе (СБСЕ), заключительных документах последующих Мадридской и Венской встреч, Документе Боннской конференции СБСЕ по экономическому сотрудничеству, Парижской хартии для новой Европы и Хельсинкском документе СБСЕ 1992 года «Вызов времени перемен», а также других фундаментальных документах ОБСЕ;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (НАТО)ГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ВА «ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ШЕРИКЛИК» ДАСТУРИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА УЛАРНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ ҲАМДА ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (НАТО)ГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ВА «ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ШЕРИКЛИК» ДАСТУРИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА УЛАРНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА БАЁНИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Шимолий Атлантика шартномаси Ташкилоти (НАТО)га аъзо мамлакатлар ва «Тинчлик йўлида шериклик» дастурига аъзо мамлакатлар ўртасида уларнинг қуролли кучлари мақоми тўғрисидаги шартнома ҳамда Шимолий Атлантика шартномаси Ташкилоти (НАТО)га аъзо мам-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

лакатлар ва «Тинчлик йўлида шериклик» дастурига аъзо мамлакатлар ўртасида уларнинг қуrolли кучлари мақоми тўғрисидаги шартномага Қўшимча баён ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,
1996 йил 30 август,
293-І-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й.,
9-сон, 156-модда)*



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О РАТИФИКАЦИИ ДОГОВОРА О ВСЕОБЪЕМЛЮЩЕМ
ЗАПРЕЩЕНИИ ЯДЕРНЫХ ИСПЫТАНИЙ**

Рассмотрев предложение Кабинета Министров Республики Узбекистан, Олий Мажлис Республики Узбекистан постановляет:

Договор о всеобъемлющем запрещении ядерных испытаний ратифицировать.

**Председатель Олий Мажлиса Республики Узбекистан
Э. ХАЛИЛОВ**

г. Ташкент,
25 апреля 1997 г.,
№ 432-I

*(Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997 г., № 4-5, ст.
136)*

**ДЕКЛАРАЦИЯ О СОЗДАНИИ
«ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА»**

Главы государств Республики Казахстан, Китайской Народной Республики, Кыргызской Республики, Российской Федерации, Республики Таджикистан и Республики Узбекистан,

высоко оценивая позитивную роль «Шанхайской пятерки» за пять лет ее существования в продвижении и углублении отношений добрососедства, взаимного доверия и дружбы между государствами-участниками, упрочении безопасности и стабильности в регионе, содействии совместному развитию,

единодушно считая, что создание и развитие «Шанхайской пятерки» отвечало нуждам человечества и исторической тенденции к миру и развитию в условиях, сложившихся после окончания «холодной войны», раскрыло огромный потенциал добрососедства, единения и сотрудничества через взаимоуважение и взаимное доверие между государствами, принадлежащими к разным цивилизациям и являющимися носителями разных культурных традиций,

особо отмечая, что подписанные в Шанхае и Москве соответственно в 1996 и 1997 годах главами Республики Казахстан, Китайской Народной Республики, Кыргызской Республики, Российской Федерации и Республики Таджикистан соглашения об укреплении доверия в военной области и о взаимном сокращении вооруженных сил в районе границы, а также итоговые документы, подписанные в ходе встреч в Алма-Ате (1998 г.), Биш-



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

кеке (1999 г.) и Душанбе (2000 г.), внесли важный вклад в дело поддержания мира, безопасности и стабильности в регионе и во всем мире значительно обогатили практику современной дипломатии и регионального сотрудничества, оказали широкое и позитивное влияние на международное сообщество,

будучи твердо убежденными в том, что в условиях динамичного развития процессов политической многополярности, экономической и информационной глобализации в XXI веке перевод механизма «Шанхайской пятёрки» на более высокий уровень сотрудничества будет способствовать более эффективному совместному использованию открывающихся возможностей и противостоянию новым вызовам и угрозам, торжественно объявляют о следующем:

1. Республика Казахстан, Китайская Народная Республика, Кыргызская Республика, Российская Федерация, Республика Таджикистан и Республика Узбекистан создают «Шанхайскую организацию сотрудничества».

2. Целями «Шанхайской организации сотрудничества» являются: укрепление между государствами-участниками взаимного доверия, дружбы и добрососедства; поощрение эффективного сотрудничества между ними в политической, торгово-экономической, научно-технической, культурной, образовательной, энергетической, транспортной, экологической и других областях; совместные усилия по поддержанию и обеспечению мира, безопасности и стабильности в регионе, построению нового демократического, справедливого и рационального политического и экономического международного порядка.

**Ўзбекистон Республикаси билан
Америка Қўшма Штатлари ўртасида
стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида
ДЕКЛАРАЦИЯ**

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда янги сифатли ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларнинг ўрнатилишига интилиб,

сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик, барқарор ривожланиш, гуллаб-яшнаш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур шарт-шароитлари сифатида Ўзбекистонда демократик ва бозор ислоҳотларини изчил ўтказилишининг муҳимлигини эътироф этиб,

глобал ва минтақавий хавфсизликнинг бўлинмаслик фундаментал принципларини эътироф этиб,

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва барқарор ривожланиши, шунингдек унинг чегараларининг бузилмаслиги Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни сақлашда муҳим омиллардан бири деган ишончга қўшилиб,

умумий мақсадларга асосланган, бунга халқаро террорчиликка қарши курашиш ва экстремистлик ҳамда террорчиликка иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан барҳам бериш ҳам киради, икки давлат ўртасида ўрнатилган муносабатларга чуқур ҳурмат ила муносабатда бўлиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг қонуний мақсад ва принциплари ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Хелсинки Яқуний актининг сиёсий мақсад ҳамда принциплари, янги Европа учун Париж хартияси, шунингдек БМТ ва ЕХХТ ҳужжатларида ифодаланган халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари принципларига ўз содиқликларини тасдиқлаб,

қуйидаги масалалар бўйича ўзаро тушунишга эришдилар:



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ДОГОВОР
о союзнических отношениях между
Республикой Узбекистан и Российской Федерацией

Республика Узбекистан и Российская Федерация,
далее именуемые Сторонами,

опираясь на исторические традиции дружбы и
добрососедства между Узбекистаном и Россией и
народами двух государств,

признавая важную роль, которую играют в
российско-узбекских отношениях Договор между
Республикой Узбекистан и Российской Федерацией о
дальнейшем углублении всестороннего сотрудничества в
военной и военно-технической областях от 11 декабря
1999 года и Договор о стратегическом партнерстве между
Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 16
июля 2004 года,

стремясь поднять отношения между Узбекистаном и
Россией на качественно новый, союзнический уровень,
что будет в наиболее полной мере отвечать коренным
интересам их народов, служить делу обеспечения и
укрепления национальной, региональной и
международной безопасности и стабильности,



ДОГОВОР О ЗОНЕ, СВОБОДНОЙ ОТ ЯДЕРНОГО ОРУЖИЯ, В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Семипалатинск, 8 сентября 2006 года

Настоящий Договор ратифицирован Законом Республики Узбекистан от 2 апреля 2007 года № ЗРУ-80 «О ратификации Договора о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии (Семипалатинск, 8 сентября 2006 года)» (Вступило в силу 21 марта 2009 года)

Стороны настоящего Договора,

руководствуясь Алматинской декларацией глав центральноазиатских государств, принятой 28 февраля 1997 года, Заявлением министров иностранных дел пяти государств региона, принятым в Ташкенте 15 сентября 1997 года, резолюциями и решениями Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций 52/38 S от 9 декабря 1997 года, 53/77 A от 4 декабря 1998 года, 55/33 W от 20 декабря 2000 года, 57/69 от 22 ноября 2002 года, 58/518 от 8 декабря 2003 года, 59/513 от 3 декабря 2004 года и 60/516 от 8 декабря 2005 года, озаглавленными «Создание зоны, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии», и Коммюнике Консультативной встречи экспертов центральноазиатских стран, государств, обладающих ядерным оружием, и Организации Объединенных Наций, принятым в Бишкеке 9 июля 1998 года,

подчеркивая необходимость продолжения систематических и последовательных усилий по сокращению ядерного оружия на глобальном уровне с конечной целью ликвидации этого оружия, а также всеобщего и полного разоружения под строгим и эффективным международным контролем и будучи убеждены в том, что все государства обязаны вносить вклад в достижение этой цели,

будучи убеждены в том, что зона, свободная от ядерного оружия, в Центральной Азии будет представлять собой важный шаг на пути к укреплению режима ядерного нераспространения, развитию сотрудничества в использовании ядерной энергии в мирных целях, развитию сотрудничества в экологической реабилитации территорий, пострадавших от радиоактивного заражения, и укреплению регионального и международного мира и безопасности,

считая, что зона, свободная от ядерного оружия, в Центральной Азии будет способствовать укреплению безопасности центральноазиатских государств, особенно если пять государств, обладающих ядерным оружием, которые признаны таковыми в Договоре о нераспространении ядерного



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

оружия 1968 года (далее именуемом ДНЯО), присоединятся к прилагаемому Протоколу о гарантиях безопасности,

признавая, что в ряде регионов, включая Латинскую Америку и Карибский бассейн, южную часть Тихого океана, Юго-Восточную Азию и Африку, созданы зоны, свободные от ядерного оружия, в которых обладание ядерным оружием, его разработка, производство, привнесение и развертывание, а также применение или угроза его применения запрещены, и стремясь распространить такой режим на всю планету на благо всего живого,

подтверждая обязательства, изложенные в ДНЯО, «Принципах и целях ядерного нераспространения и разоружения», принятых на Конференции 1995 года участников ДНЯО по рассмотрению и продлению действия Договора, и Заключительном документе Конференции 2000 года участников ДНЯО по рассмотрению действия Договора, а также принципы и цели, изложенные в Договоре о всеобъемлющем запрещении ядерных испытаний 1996 года (далее именуемом ДВЗЯИ),

постановили создать в Центральной Азии зону, свободную от ядерного оружия, и договорились о нижеследующем:



Генеральная Ассамблея

Distr.: General
18 December 2006Шестидесят первая сессия
Пункт 90 *bb* повестки дня

Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 6 декабря 2006 года

*[по докладу Первого комитета (A/61/394)]***61/88. Создание зоны, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии***Генеральная Ассамблея,*

ссылаясь на свои резолюции 52/38 S от 9 декабря 1997 года, 53/77 A от 4 декабря 1998 года, 55/33 W от 20 ноября 2000 года и 57/69 от 22 ноября 2002 года и свои решения 54/417 от 1 декабря 1999 года, 56/412 от 29 ноября 2001 года, 58/518 от 8 декабря 2003 года, 59/513 от 3 декабря 2004 года и 60/516 от 8 декабря 2005 года,

будучи убеждена в том, что создание зон, свободных от ядерного оружия, способствует достижению всеобщего и полного разоружения, и подчеркивая важную роль международно признанных договоров о создании таких зон в различных регионах мира в укреплении режима нераспространения,

считая, что создание зоны, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии на основе договоренностей, добровольно заключенных между государствами региона¹, представляет собой важный шаг в сторону укрепления режима ядерного нераспространения, поощрения сотрудничества в мирном использовании ядерной энергии и экологической реабилитации территорий, пострадавших от радиоактивного заражения, и укрепления регионального и международного мира и безопасности,

считая также, что создание зоны, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии является эффективным вкладом в борьбу с международным терроризмом и предотвращение попадания ядерных материалов и технологий в руки негосударственных субъектов, в первую очередь террористов,

подтверждая общепризнанную роль Организации Объединенных Наций в создании зон, свободных от ядерного оружия,

1. *приветствует* подписание 8 сентября 2006 года в Семипалатинске, Казахстан, Договора о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии;

¹ Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Туркменистан и Узбекистан.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

A/RES/61/88

2. *отмечает* готовность центральноазиатских стран продолжить с государствами, обладающими ядерным оружием, консультации относительно ряда положений Договора;

3. *постановляет* включить в предварительную повестку дня своей шестьдесят третьей сессии пункт, озаглавленный «Создание зоны, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии».

*67-е пленарное заседание,
6 декабря 2006 года*



**Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси
ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш
ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида
ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултан Назарбаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистон Республикасига амалга оширган Давлат ташрифи доирасидаги икки томонлама музокаралар натижаларига кўра,

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2013 йил 14 июнда имзоланган Шартнома қоидаларига амал қилган ҳолда,

ўзаро хурмат, ишонч ва ошкоралик принципларига асосланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар, икки мамлакат халқларининг кўп асрлик қардошлик ва ҳамкорлик ришталарига таяниб,

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги аҳил қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг стратегик шериклик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида жадал суръатда ва изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этиб,

икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш икки қардош халқларнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беришига ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва тургун ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган ҳолда,

халқаро майдонда янада узвий ҳамкорлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ўзаро интилишларини тасдиқлаб,



икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун олий ва юқори даражаларда мунтазам икки томонлама ташрифлар ва сиёсий маслаҳатлашувларни қўллаб-қувватлашга ҳамда ҳукуматлар, парламентлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ қолган ҳолда,

куйидагилар тўғрисида баёнот берадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти дипломатик муносабатлар ўрнатилган пайтдан бошлаб чорак аср мобайнида ҳамкорликнинг турли соҳаларида эришилган салмоқли натижаларни юқори баҳолайдилар ҳамда икки давлат стратегик шериклик муносабатларининг янги тарихий даврга кираётганини таъкидлайдилар.

2. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва турғун ривожланишни таъминлаш масалалари бўйича позицияларининг мос келишини тасдиқлаган ҳолда, минтақа ички муаммоларининг барча жабҳалари бўйича ўзаро мақбул қарорларни келишиш ва қабул қилиш, энг аввало, ушбу минтақа давлатлари томонидан тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайдилар.

3. Томонлар халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини қайд этдилар, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ўзаро интилишларини таъкидладилар ҳамда халқаро майдонда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ниятларини тасдиқладилар.

4. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига нодоимий аъзолиги доирасида Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий бўлган устувор масалаларни илгари суриш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини олқишлайди ҳамда минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва турғун ривожланишни таъминлаш масалалари, шу жумладан, халқаро сиёсатнинг ўзаро қизиқиш уйғотадиган долзарб масалалари

юзасидан Қозоғистон томони билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Томонлар Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона мақомини янада кўтариш тарафдоридирлар.

5. Томонлар МДХ аъзо-давлатлари учун ўзаро қизиқиш уйғотадиган барча масалалар бўйича ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ривожини таъминлаш мақсадида, МДХ доирасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва Ҳамдўстлик механизмларидан янада самарали фойдаланишдан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

6. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликка замонавий хуруж ва таҳдидларга қарши курашиш ҳамда иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида аъзо-давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган ташкилот сифатида ШХТ кун тартибидаги муҳим масалалар бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини таъкидладилар. Томонлар Ташкилот Хартиясига мувофиқ, ШХТ келгусида ҳам долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда блокли, мафқуравийлашган ва зиддиятли ёндашувларни истисно қиладиган йўлдан боришга содиқ қолишини тасдиқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасида ҳамда 2017 йил 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида Аъзо-давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишини муваффақиятли ўтказиш бўйича унинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси иштирокчилар ҳисобланган халқаро шартномалар асосида халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотик ва қуроолларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмилий уюшган жиноятчилик ҳамда бошқа хавфсизликка хуруж ва таҳдидлар билан курашишда маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва жадаллаштириш заруриятини қайд этдилар.

Ушбу мақсадларда Марказий Осиё минтақасида радикализм кўринишлари ва экстремизм тобора авж олишининг олдини олиш ва уларга қарши курашишда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли



идораларининг биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилади.

8. Президентлар афгон халқининг миллий келишувга эришиш, мамлакатни тинчлик йўли билан тиклаш ва қайта барпо этишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда сиёсий-дипломатик усуллардан кенг фойдаланиш орқали афгон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустаҳкамлаш тарафдоридирлар.

Томонлар Афғонистондаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тинчликка эришиш минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

9. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурслари халқларнинг умумий бойлиги ва мулки эканлигини ҳамда миллионлаб инсонлар тақдири, бутун минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги улардан оқилона ва адолатли фойдаланишга боғлиқ эканлигини қайд этдилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотлар барпо этишни бошқа манфаатдор давлатлар манфаатларига зиён етказмайдиган конструктив ёндашув ва муроаса асосида, шунингдек трансчегаравий таъсирга эга бўлган барча лойиҳаларни холис халқаро экспертизадан ўтказиш ва кўйи оқимда жойлашган мамлакатлар билан келишишни назарда тутувчи БМТ конвенцияларида белгиланган халқаро сув ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватладилар.

10. Томонлар экология ва сув хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш масалаларига устувор аҳамият берадилар, махсус кўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, ишчи гуруҳлар ташкил қилишга кўмаклашадилар, атроф-муҳит ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш учун зарур чоралар кўрадилар ҳамда ҳудудлар ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига таҳдид соладиган экологик ҳалокатлар ва фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатадилар.

Томонлар Оролни кутқариш Халқаро Фондига Орол ҳалокати таъсири остида қолган ҳудудларни экологик соғломлаштиришга, шунингдек минтақа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган экологик ва илмий-амалий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича минтақа мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатлари учун универсал платформа сифатида қарайдилар.

11. Томонлар Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ), биринчи навбатда, фан-таълим, маданий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мусулмон давлатларининг янада фаол биргаликдаги ҳаракатларига қўмаклашадиган ҳамда бу орқали халқаро ҳамкорлик ва хавфсизликни илгари суришга ҳисса қўшадиган нуфузли форуми сифатидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида, мазкур ташкилот доирасидаги шерикликнинг муҳимлигини қайд этдилар.

Қозоғистон Республикаси 2016 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзуси остида 43-сессияси муваффақиятли бўлиб ўтган ИХТ Ташки ишлар вазирлари кенгашига Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида унинг саъй-ҳаракатларини тўлақонли қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони 2017 йил 10-11 сентябрь кунлари Остона шаҳрида Фан ва технологиялар бўйича ИХТ биринчи саммити ўтказилишини олқишлайди ҳамда ушбу тадбирда иштирок этишга тайёрлигини билдиради.

12. Қозоғистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзбек томони ЭКСПО-2017 Халқаро ихтисослашган кўргазмасида иштирок этишга қизиқиш билдиргани учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадлари принциплари асосида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда юқори технологияли соҳалар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича икки мамлакат устувор қарашларининг мос келишини мамнуният билан қайд этадилар.

13. Томонлар парламентлараро алоқаларнинг фаоллашувини мамнуният билан қайд этадилар. Бу соҳада, хусусан, икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари палаталари



Ўртасида янада фаол ва кенг қамровли амалий ҳамкорликни йўлга қўйишда мавжуд заҳиралар аниқлаштирилди.

14. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожининг ижобий тенденцияларини мамнуният билан қайд этдилар ва икки томонлама савдо ҳажмларининг доимий ўсишини таъминлашга, икки мамлакат бозорларида талабгир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни товар айланмасига жалб қилиш орқали икки томонлама савдо тузилишини диверсификация қилишга ҳамда иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг узоқ муддатли шакллари ривожлантиришга ўзаро интилишларини билдирдилар.

Томонлар ташриф давомида имзоланган 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик Стратегиясини изчил амалга ошириш иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ва ўзаро товар айланмасини 2020 йилгача 5 млрд. АҚШ долларига кўтаришга тўртки берган ҳолда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этдилар.

15. Икки давлат раҳбарлари жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Қўшма комиссиясининг ўн олтинчи мажлиси якунларини ижобий баҳоладилар ҳамда савдо-иқтисодий соҳада, энг аввало, кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали аниқ натижаларга эришиш мақсадида унинг ролини янада кучайтириш заруриятини таъкидладилар.

Томонлар транспорт ва коммуникация, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатлари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, автомобиль, кимё ва енгил саноат, соғлиқни сақлаш ва туризм каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш ниятидалар.

16. Томонлар икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштиришга кўмаклашадиган Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланганини қайд этдилар.



Томонлар икки мамлакат минтақалари ҳамкорлигининг янги шаклини амалга ошириш механизмини яратиш имкониятини ўрганадилар.

17. Президентлар икки давлатнинг улкан транзит-транспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлаklarини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор хусусиятини қайд этдилар.

Бу борада Томонлар ўз ҳудудларидан ташқи савдо юklarини транзит ташишда икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари томонидан ўзаро преференциялар ва қўшимча чегирмаларнинг тақдим этилиши бу соҳадаги ҳамкорликни тубдан кенгайтиришга ҳамда транзит юklarнинг салмоқли ҳажмларини жалб қилишга имкон беришини таъкидладилар.

Томонлар «Бейнеу-Ажигит-Ўзбекистон чегараси» автомобиль йўли лойиҳаси, шунингдек минтақа мамлакатларининг халқаро денгиз коммуникациялари ва салоҳиятли бозорларга муқобил чиқишини таъминлайдиган бошқа қўшма лойиҳаларнинг тез орада амалга ошишидан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

18. Томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, қардошлиқ ва ҳамкорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ўзларининг тарихий масъулиятини англаган ҳолда, фан ва таълим, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга содиқ эканликларини тасдиқладилар.

Томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ диаспоралари учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида қулай шароитлар яратиб берадилар.

19. Президентлар ишонч ва ўзаро англашув муҳитида ўтган музокаралар яқунларини мамнуният билан қайд этадилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиладиган ҳамда икки мамлакат қардош халқлари ўртасида ўзаро англашувни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган икки томонлама

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

олий даражадаги учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултан Назарбаевга ва барча Қозоғистон халқига ўзбек делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик ва илиқ қабул учун миннатдорчилик билдирди ҳамда Қозоғистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай бўлган вақтда Ўзбекистон Республикасида ташриф билан бўлишни таклиф қилди. Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев



Қозоғистон Республикаси
Президенти
Нурсултан Назарбаев



Остона, 2017 йил 23 март



**Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида
стратегик шериклик тўғрисида
ШАРТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг тарихий ва маданий умумийликлари, дўстона ва аҳил кўшничилик муносабатларини инобатга олган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида 2004 йил 19 ноябрдаги Шартнома, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида 2007 йил 18 октябрдаги Шартномага асосланиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига содиқ эканликларини яна бир бор тасдиқлаб,

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда,

икки томонлама муносабатларни ўзбек-туркман ҳамкорлиги замонавий ривожининг салоҳияти ва ҳақиқий эҳтиёжларига муносиб бўлган сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга интилиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик асосида шартномавий-ҳуқуқий мустаҳкамланиши барча йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишига бўлган ишончдан келиб чиқиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Мазкур Шартномага мувофиқ Томонлар узоқ муддатли ва барқарор стратегик шериклик муносабатларини ўрнатдилар ҳамда уларни суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш ва ўзаро ишонч принципларига таянган ҳолда ҳар томонлама ривожлантиришга келишиб олдилар.



Томонлар, энг аввало, олий ва юқори даражада мунтазам учрашувлар механизмидан фойдаланиб ва уни такомиллаштириб, ўзаро аҳамиятга молик бўлган икки томонлама муносабатлар масалалари ва долзарб халқаро муаммолар бўйича мунтазам фикрлар алмашган ҳамда позицияларни келишган ҳолда стратегик шерикликни мустаҳкамлайдилар.

2-модда

Томонлар бошқа Томон суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан, шу жумладан учинчи давлатлар билан шартномалар тузишдан тийилиш мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар. Томонлардан ҳеч бири ўз ҳудудидан бошқа Томон давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирган ҳолда учинчи давлатларнинг фойдаланишига йўл қўймайди.

Томонлар ўзаро хавфсизлик манфаатларига ёки улардан бирининг хавфсизлик манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият юзага келган тақдирда, бундай вазиятни бартараф этиш бўйича позицияларни келишиб олиш ва амалий чоратадбирларни мувофиқлаштириш учун ўзаро келишув асосида тегишли маслаҳатлашувлар механизмни ишга соладилар.

3-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган чуқур ўйланган ташқи сиёсатни ҳамда Туркменистоннинг доимий нейтралитет мақомини ҳурмат қилган ва қўллаб-қувватлаган ҳолда, ташқи сиёсий соҳада ўзаро ишонч ва стратегик ҳамжиҳатликни ҳар томонлама мустаҳкамлайдилар.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, унинг ихтисослашган муассасаларида ва бошқа кўп томонлама давлатлараро тузилмаларда ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантирадилар. Томонлар ўз миллий манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни кўриб чиқишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда ўз позицияларини келишиб олиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар Ядро қуралини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома ва унинг барча кўринишларида тарқатмаслик режимини самарали амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар БМТнинг глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги халқаро савб-ҳаракатларига кўмаклашиш мақсадида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома доирасида ҳамкорлик бўйича биргаликдаги савб-ҳаракатларини давом эттирадидлар.

4-модда

Томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Кўшма комиссиясининг режалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ролидан тўлиқ ҳажмда фойдаланган ҳолда, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, инвестициявий, нефт ва газ, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама амалий ҳамжиҳатликни ҳар томонлама ва мувозанатлашган тарзда ривожлантирадидлар.

Томонлар ўз қонунчиликлари ва улар иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномаларга мувофиқ, шунингдек ўзаро манфаатдорлик асосида ўрта ва узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқадидлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва ишбилармон доиралар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни изчиллик билан ҳар томонлама ривожлантирадидлар.

5-модда

Томонлар ўз қонунчиликлари ва улар иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар қоидаларига мувофиқ ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, товар айланмаси барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг тузилмасини диверсификация қилиш, тизимли ва узоқ муддатли асосларда ўзаро маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга оширадидлар.

6-модда

Томонлар ҳар иккала Томон иқтисодий манфаатларига мос келадиган ҳамда халқаро бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминлайдиган ишончли ва хавфсиз транспорт йўлакларини яратишни кўллаб-қувватлайдидлар ва шу муносабат билан улар иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномаларни амалий татбиқ этиш бўйича биргаликдаги савб-ҳаракатларини давом эттирадидлар.



Томонлар миллий ва халқаро транспорт инфратузилмаларини биргаликда ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, уларнинг рақобатбардошлиги ва жозибadorлигини ошириш, шунингдек ўз худудларида юкларни транзит ташишни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштирадilar.

7-модда

Томонлар Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг адолатли тизимини ривожлантиришда сув-энергетика соҳасидаги барча масалаларни ҳал қилишни, шу жумладан трансчегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар барпо этишни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ ва мазкур минтақа барча давлатларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни назарда тутувчи ўзаро келишилган ягона позицияни эгаллайдилар.

Томонлар экологик вазиятни соғломлаштириш, Марказий Осиё сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида минтақа мамлакатларининг ҳамкорлиги учун универсал платформа ҳисобланган Оролни кутқариш Халқаро Фонди фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар атроф муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш учун зарурий чоралар кўрадilar. Томонлар экологик ҳалокатлар ва табиий муҳитга антропоген, шу жумладан трансчегаравий жиҳатдан таъсир оқибатларига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадilar.

8-модда

Томонлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида ҳамкорлик қиладilar ҳамда алоҳида халқаро шартномалар асосида иккала давлат тегишли идораларининг алоқаларига кўмаклашадilar.

9-модда

Томонлар трансмиллий уюшган жиноятчилик ва хавфсизликка янги таҳдид ва хуружларнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирадilar ва бирлаштирадilar.



10-модда

Томонлар фан ва техника, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни янада рағбатлантирадилар ва мустаҳкамлайдилар.

Томонлар ўз ваколатли органлари, илмий, маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари ўртасида алоқа ва алмашинувларни йўлга қўйиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кўрсатилган йўналишларда қўшма дастур ва чора-тадбирларни амалга ошириш орқали гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришни давом эттирадилар.

11-модда

Томонлар ўз кунун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар ҳамда икки давлат фуқаролари ўртасидаги алоқаларга ҳар томонлама кўмаклашадилар.

12-модда

Томонлар ўзлари иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар, шунингдек ўз қонунчиликларига мувофиқ бир Томон ҳудудида бошқа Томон юридик ва жисмоний шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун самарали чора-тадбирларни амалга оширадилар.

13-модда

Мазкур Шартнома учинчи давлатларга қарши қаратилмаган ва Томонларнинг улар иштирокчи ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

14-модда

Томонлар мазкур Шартнома қондаларини амалга оширишда вужудга келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликларни музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этадилар.

**15-модда**

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ мазкур Шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари мумкин бўлиб, улар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади ҳамда Шартноманинг 16-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

16-модда

Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ҳамда ратификация ёрликлари алмашинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома номуайян муддатга тузилади.

Мазкур Шартноманинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томоннинг Шартнома амал қилишини тугатиш нияти тўғрисидаги тегишли ёзма хабарномасини дипломатик каналлар орқали олган санадан бошлаб олти ойдан сўнг тугатилади.

Ашхобод шаҳрида 2017 йил 6 мартда ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилиш мақсадида Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
номидан

Туркменистон
номидан



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАСШИРЕНИЮ
ВСЕСТОРОННЕГО СТРАТЕГИЧЕСКОГО
ПАРТНЕРСТВА МЕЖДУ РЕСПУБЛИКОЙ
УЗБЕКИСТАН И КИТАЙСКОЙ
НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКОЙ**

19.05.2017 г.

№ ПП-2982

Государственный визит Президента Республики Узбекистан в Китайскую Народную Республику 11–13 мая 2017 года стал новым этапом в развитии всестороннего стратегического партнерства двух стран.

Результаты проведенных встреч и переговоров на высшем уровне обеспечили переход на качественно новый уровень взаимовыгодного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой, его наполнение конкретным практическим содержанием.

Обсуждены и приняты совместные решения по расширению взаимодействия в политической, торгово-экономической, инвестиционной, финансово-технической, банковско-финансовой, транспортно-коммуникационной, военно-технической, культурно-гуманитарной и других сферах. Подписаны Совместное заявление Республики Узбекистан и Китайской Народной Республики о дальнейшем углублении отношений всестороннего стратегического партнерства, 11 межправительственных и межведомственных документов, 1 документ между местными органами власти, а также пакет корпоративных соглашений в торгово-экономической сфере на общую сумму 22,8 млрд долл.

В целях обеспечения безусловной и полномасштабной реализации подписанных двусторонних соглашений и достигнутых договоренностей по дальнейшему расширению всестороннего стратегического партнерства между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой:

1. Установить действенный мониторинг и жесткий контроль за своевременной и безусловной реализацией подписанных двусторонних соглашений и достигнутых договоренностей по дальнейшему расширению сотрудничества в ходе Государственного визита Президента Республики Узбекистан в Китайскую Народную Республику 11–13 мая 2017 года.

2. Утвердить планы практических действий («Дорожные карты») по реализации:

документов, подписанных в ходе Государственного визита Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева в Китайскую Народную Республику 11–13 мая 2017 года, согласно приложению № 1;



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

договоренностей по дальнейшему расширению политического, торгово-экономического, инвестиционного, финансового, транспортно-коммуникационного и культурно-гуманитарного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой, согласно приложению № 2.

3. Кабинету Министров Республики Узбекистан в трехдневный срок утвердить сетевые графики реализации двусторонних документов между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой, включенных в приложение № 1 к настоящему постановлению.

4. Создать Рабочую комиссию по контролю за своевременной и безусловной реализацией подписанных двусторонних соглашений и достигнутых договоренностей по дальнейшему расширению сотрудничества в ходе Государственного визита Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева в Китайскую Народную Республику 11–13 мая 2017 года, согласно приложению № 4.

5. Рабочей комиссии (А. Арипов) обеспечить:

организацию постоянного и системного мониторинга за неукоснительным и качественным исполнением подписанных двусторонних соглашений, включая своевременное выполнение внутrigосударственных процедур по вступлению в силу отдельных документов, и достигнутых договоренностей в ходе визита на высшем уровне в Китайскую Народную Республику 11–13 мая 2017 года;

регулярное заслушивание отчетов руководителей министерств, ведомств и других организаций – ответственных исполнителей о принимаемых ими практических мерах по безусловной реализации утвержденных настоящим постановлением «Дорожных карт»;

осуществление координации вопросов, связанных с реализацией подписанных двусторонних соглашений и достигнутых договоренностей по дальнейшему расширению политического, торгово-экономического, инвестиционного, финансового, транспортно-коммуникационного и культурно-гуманитарного сотрудничества, а также организацию регулярного и эффективного взаимодействия по указанным вопросам с китайской стороной, включая в рамках деятельности Узбекско-Китайского межправительственного комитета по сотрудничеству;

контроль за строгим соблюдением организациями - ответственными исполнителями утвержденных сетевых графиков реализации двусторонних документов в сфере торгово-экономического сотрудничества.

6. Руководителям комплексов Кабинета Министров Республики Узбекистан, министерств, ведомств и других организаций – ответственными исполнителям обеспечить своевременное и качественное исполнение утвержденных настоящим постановлением мероприятий и проектов с представлением ежемесячно до 5 числа месяца, следующего за отчет-



ным, в Кабинет Министров и Министерство иностранных дел Республики Узбекистан информации о ходе их реализации.

Кабинету Министров ежемесячно до 10 числа месяца, следующего за отчетным, представлять в аппарат Совета безопасности при Президенте Республики Узбекистан и Исполнительный аппарат Президента Республики Узбекистан критический анализ хода исполнения настоящего постановления и утвержденных планов практических действий («Дорожных карт»).

7. Государственному комитету Республики Узбекистан по инвестициям, Министерству внешней торговли совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан в месячный срок обеспечить внедрение автоматизированной системы мониторинга хода исполнения мероприятий и проектов, включенных в планы практических действий, предусматривающей:

оперативное и системное внесение инициаторами информации о ходе исполнения мероприятий и утвержденных сетевых графиков реализации двусторонних документов;

формирование ежедневной сводной информации о ходе выполнения мероприятий и утвержденных сетевых графиков реализации двусторонних документов.

8. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н., секретаря Совета безопасности при Президенте Республики Узбекистан Махмудова В.В. и Советника – руководителя Исполнительного аппарата Президента Республики Узбекистан Низомиддинова З.Ш.

Президент Республики Узбекистан

Ш. Мирзиёев

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20

йил „ ____ “

№ ПП-3293

„ 27 “ сентября 2017 г.

**О мерах по дальнейшему укреплению и развитию
сотрудничества Республики Узбекистан с ООН и ее структурами,
международными финансовыми институтами и другими
внешнеполитическими партнерами**

Визит официальной делегации Республики Узбекистан в Соединенные Штаты Америки 18-20 сентября 2017 года стал не только важным событием в общественно-политической жизни страны, но и заложил прочную основу для развития взаимовыгодного сотрудничества с Организацией Объединенных Наций и ее специализированными учреждениями, международными финансовыми институтами и рядом зарубежных государств.

Участие в 72-ой сессии Генеральной ассамблеи ООН, а также проведенные встречи с Генеральным секретарем ООН и Верховным комиссаром ООН по правам человека позволили проинформировать международное сообщество о новой стратегии развития Узбекистана и масштабных преобразованиях, достигнутых за последнее время основных результатах реформирования общества, экономики и внешней политики, конкретных предложениях и инициативах страны по решению актуальных проблем региональной безопасности и устойчивого развития.

Состоявшиеся результативные переговоры и встречи с представителями правительства и деловых кругов США позволили не только закрепить, но и наметить новые конкретные перспективы дальнейшего укрепления и расширения взаимовыгодных узбекско-американских отношений в духе стратегического партнерства.

В ходе переговоров с руководством Международного валютного фонда и Всемирного банка состоялся обстоятельный обмен мнениями по перспективным направлениям сотрудничества Узбекистана с указанными международными финансовыми институтами, реализации приоритетных совместных проектов, направленных на обеспечение модернизации и либерализации экономики, дальнейшее улучшение деловой среды и инвестиционного климата.



Проведенные двусторонние встречи с Президентом Болгарии Р.Радевым и Премьер-министром Грузии Б.Квирикашвили на полях 72-й сессии Генеральной ассамблеи ООН определили новые возможности и перспективы для развития политических, торгово-экономических и культурно-гуманитарных отношений с данными странами.

Плодотворный и открытый диалог с группой наших соотечественников, проживающих в США, заложил прочную основу для привлечения их потенциала, знаний и опыта к осуществляемым широкомасштабным преобразованиям в стране.

В целом участие официальной делегации Республики Узбекистан в 72-й сессии Генеральной ассамблеи ООН и состоявшиеся продуктивные переговоры с зарубежными партнерами продемонстрировали коренные изменения, которые происходят в развитии современного Узбекистана, подтвердили приверженность нашей страны обеспечению защиты прав и интересов человека, особенно молодежи, укреплению атмосферы дружбы и добрососедства с государствами Центральной Азии, а также выстраиванию конструктивных взаимоотношений со всеми зарубежными партнерами.

В целях обеспечения своевременной и качественной реализации достигнутых в ходе визита в г. Нью-Йорк договоренностей по дальнейшему укреплению взаимоотношений Республики Узбекистан с ООН и ее структурами, расширению связей с международными финансовыми институтами, развитию многопланового сотрудничества с Соединенными Штатами Америки и другими странами, неукоснительного выполнения принятых международных обязательств:

1. Утвердить:

План практических мероприятий («Дорожная карта») по продвижению инициатив Республики Узбекистан, выдвинутых на 72-ой сессии Генеральной ассамблеи ООН, и реализации договоренностей, достигнутых по итогам переговоров с Верховным комиссаром ООН по правам человека З.Р. аль-Хусейном, и состав Координационной группы по его выполнению, согласно приложениям №№ 1, 1а;

План практических мероприятий («Дорожная карта») по обеспечению своевременной и полноценной реализации договоренностей, достигнутых по итогам переговоров с руководителями Всемирного банка и Международного валютного фонда, и состав Координационной группы по его выполнению, согласно приложениям №№ 2, 2а;

План практических мероприятий («Дорожная карта») по дальнейшему развитию межгосударственного сотрудничества Республики Узбекистан с США и реализации договоренностей, достигнутых по итогам узбекско-американского бизнес-форума в г. Нью-Йорке, и состав Координационной группы по его выполнению, согласно приложениям №№ 3, 3а.

2. Создать Специальную комиссию по контролю за своевременной и безусловной реализацией договоренностей, достигнутых в рамках участия официальной делегации Республики Узбекистан в 72-ой сессии Генеральной ассамблеи ООН в г.Нью-Йорке, и утвержденных планов практических мероприятий («Дорожных карт»), согласно приложению № 4.

3. Специальной комиссии (А.Арипов) обеспечить:

осуществление действенной координации вопросов, связанных с реализацией достигнутых договоренностей по дальнейшему укреплению и развитию сотрудничества с ООН и ее структурами, международными финансовыми институтами и другими зарубежными партнерами, а также организацию регулярного и эффективного взаимодействия с ними, в том числе в рамках межправительственных комиссий по сотрудничеству и других двусторонних консультативных механизмов;

организацию постоянного контроля и системного мониторинга за неукоснительным, своевременным и качественным исполнением мероприятий и проектов, предусмотренных приложениями №№ 1-3 к настоящему постановлению, согласно приложению № 5;

регулярное заслушивание отчетов руководителей министерств, ведомств и других организаций, заместителей Премьер-министра – ответственных исполнителей, а также координационных групп о принимаемых ими практических мерах по безусловной реализации утвержденных настоящим постановлением «Дорожных карт»;

организацию в период с 5 по 10 число каждого месяца заслушивания у Президента Республики Узбекистан персональных отчетов глав ответственных министерств, ведомств и хозяйственных объединений, заместителей Премьер-министра, а также руководителей координационных групп, Специальной комиссии для детального и предметного рассмотрения хода реализации утвержденных планов практических мероприятий («Дорожных карт»).

4. Руководителям Координационных групп (А.Камилову, А.Саидову; Г.Саидовой, Б.Ходжаеву, Т.Ишметову; Э.Ганиеву, А.Ахмедхаджаеву) совместно с министерствами и ведомствами:

в десятидневный срок – разработать сетевые графики реализации проектов и мероприятий, включенных в приложения №№ 1-3 к настоящему постановлению, и внести их на утверждение Специальной комиссии;

ежемесячно, до 3 числа – представлять в Специальную комиссию обобщенную информацию об эффективности и результативности реализации утвержденных планов практических мероприятий («Дорожных карт»).



4

5. Сенату Олий Мажлиса Республики Узбекистан, заместителям Премьер-министра Республики Узбекистан, ответственным министерствам, ведомствам и хозяйственным объединениям в недельный срок:

провести заседания профильных комитетов и коллегий для разработки и утверждения детальных планов-графиков по обеспечению безусловного и своевременного исполнения мероприятий, предусмотренных приложениями №№ 1-3 к настоящему постановлению;

образовать постоянно действующие оперативные рабочие группы для организации качественного и своевременного исполнения утвержденных планов-графиков.

6. В целях освещения и информирования граждан и мировой общественности, в том числе в зарубежных СМИ, о проводимой работе по реализации озвученных инициатив и достигнутых договоренностей в рамках участия официальной делегации Республики Узбекистан в 72-ой сессии Генеральной ассамблеи ООН в г.Нью-Йорке, а также утвержденных планов практических мероприятий («Дорожных карт»), создать Рабочую группу по подготовке специальных материалов, согласно приложению № 6.

7. Государственному советнику Президента Республики Узбекистан Х.Султанову совместно с Министерством иностранных дел (А.Камилов), Министерством высшего и среднего специального образования (И.Мажидов), Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций (Ш.Шерматов), Министерством здравоохранения (А.Шадманов), Союзом молодежи Узбекистана (К.Куранбаев) и другими причастными министерствами и ведомствами в месячный срок разработать и внести на утверждение План действий («Дорожную карту») по привлечению потенциала, опыта и знаний соотечественников, проживающих в США к реализации совместных перспективных проектов.

8. Кабинету Министров Республики Узбекистан (А.Арипову) в недельный срок доработать и утвердить протокольным решением Президиума Кабинета Министров планы практических мероприятий по обеспечению реализации договоренностей, достигнутых в ходе встречи с Президентом Болгарии Р.Радевым и Премьер-министром Грузии Б.Квирикашвили.

9. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н., секретаря Совета безопасности при Президенте Республики Узбекистан Махмудова В.В. и советника – руководителя Исполнительного аппарата Президента Республики Узбекистан Низомиддинова З.Ш.

Президент
Республики Узбекистан
город Ташкент



Ш. Мирзиёев



**Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси
ўртасида стратегик шериклик тўғрисида
ШАРТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси,
кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг тарихий ва маданий
умумийликлари, дўстона ва ахил кўшничлик муносабатларини
инобатга олган ҳолда,

2000 йил 15 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан
Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги
Шартномага асосланиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми мақсад
ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа умум эътироф
этилган нормаларига содиқ эканликларини яна бир бор тасдиқлаб,

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш
борасидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда,

икки томонлама муносабатларни ўзбек-тожик ҳамкорлигининг
замонавий ривожланиш салоҳияти ва ҳақиқий эҳтиёжларига муносиб
бўлган, сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга интилиб,

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси
ўртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида стратегик
шерикликнинг шартномавий-ҳуқуқий мустаҳкамланиши барча
йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш
ва чуқурлаштиришга кўмаклашишига бўлган ишончдан келиб чиқиб,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Мазкур Шартномага мувофиқ Томонлар узоқ муддатли
ва барқарор стратегик шериклик муносабатларини ўрнатдилар ҳамда
уларни суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ўзаро ҳурмат қилиш,
чегараларнинг дахлсизлиги, бир-бирларининг ички ишларига
аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш ва
ўзаро ишонч принципларига таянган ҳолда ҳар томонлама
ривожлантиришга келишиб олдилар.

Томонлар, энг аввало, олий ва юқори даражада мунтазам
учрашувлар механизмидан фойдаланиб ва уни такомиллаштириб,
ўзаро аҳамиятга молик бўлган икки томонлама муносабатлар
масалалари ва долзарб халқаро муаммолар бўйича мунтазам фикрлар
алмашган ҳамда позицияларни келишган ҳолда стратегик шерикликни
мустаҳкамлайдилар.

2-модда

Томонлар бошқа Томон суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирувчи ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлардан, шу жумладан, учинчи давлатлар билан шартномалар тузишдан тийилиш мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар. Томонлардан ҳеч бири ўз ҳудудидан бошқа Томон давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирган ҳолда учинчи давлатларнинг фойдаланишига йўл қўймайди.

Томонлардан ҳеч бири ўз ҳудудида бошқа Томон суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига зиён келтирувчи муассасалар (тузилмалар), ташкилот ва гуруҳларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига йўл қўймайди.

Томонлар ўзаро хавфсизлик манфаатларига ёки улардан бирининг хавфсизлик манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият юзага келган тақдирда, бундай вазиятни бартараф этиш бўйича позицияларни келишиб олиш ва амалий чоратадбирларни мувофиқлаштириш учун ўзаро келишув асосида тегишли маслаҳатлашувлар механизмини ишга соладилар.

3-модда

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа кўп томонлама форматларда ҳамкорлик ва алоқаларни мустаҳкамлайдилар. Томонлар миллий манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни кўриб чиқишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда ўз позицияларини келишиб олиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома ва унинг барча кўринишларида тарқатмаслик режимини самарали амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик киладилар.

Томонлар БМТнинг глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларига кўмаклашиш мақсадида Марказий Осиёда ядро қуролдан холи зона тўғрисидаги Шартнома доирасида ҳамкорлик бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларини давом эттирадилар.

Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, минтақани хавфсиз ва барқарор ривожлантаётган ҳудудга айлантириш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларини амалга оширадилар.



4-модда

Томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-тожик Қўшма комиссиясининг режалаштирувчи, мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи ролидан тўлиқ ҳажмда фойдаланган ҳолда, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама амалий ҳамкорликни ҳар томонлама ва мувозанатлашган тарзда ривожлантирадилар.

Томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадилар, хўжалик юритувчи субъектлар ва ишбилармон доиралар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ҳар томонлама ва изчиллик билан ривожлантирадилар.

5-модда

Томонлар ўз қонунчиликлари ва улар иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар шартларига мувофиқ ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, товар айланмаси барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг тузилмасини диверсификация қилиш, тизимли ва узоқ муддатли асосларда ўзаро маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ва рағбатлантириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, қўшма корхоналарни ташкил қилиш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга оширадилар.

6-модда

Томонлар ҳар иккала Томон иқтисодий манфаатларига мос келадиган ҳамда халқаро бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминлайдиган ишончли ва хавфсиз транспорт йўлаklarини яратишни қўллаб-қувватлайдилар ва шу муносабат билан улар эришилган келишувларни амалий татбиқ этиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларини давом эттирадилар.

Томонлар халқаро транспорт инфратузилмаларини биргаликда ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, уларнинг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштирадилар.



7-модда

Томонлар Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш соҳасида минтақавий шерикликни ривожлантиришга, сув-энергетика масалаларида минтақанинг барча давлатлари манфаатларини хурмат қилиш ва ҳисобга олиш асосида очик ва конструктив мулоқотни қўллаб-қувватлаш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, ўзаро мақбул ечимларни қидириш ва оқилона мурсосага эришишга кўмаклашадилар.

8-модда

Томонлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда, шунингдек фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида ҳамкорлик қиладилар ҳамда алоҳида халқаро шартномалар асосида иккала давлат тегишли идораларининг алоқаларига кўмаклашадилар.

9-модда

Томонлар халқаро терроризм ва экстремизм таҳдиди, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ва қуролларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, одам савдоси ва хавфсизликка оид янги таҳдид ва хуружларнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш ва уларни бартараф этиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирадилар ва бирлаштирадилар.

10-модда

Томонлар фан ва техника, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни янада рағбатлантирадилар ва мустаҳкамлайдилар.

Томонлар ўз давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий, маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари, уюшмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа ва алмашинувларни йўлга қўйиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳада кўшма дастур ва тадбирларни амалга ошириш орқали гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришни давом эттирадилар.

**11-модда**

Томонлар ўз қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар ҳамда икки давлат фуқаролари ўртасидаги алоқаларга ҳар томонлама кўмаклашадилар.

12-модда

Томонлар ўзлари иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар, шунингдек ўз қонунчиликларига мувофиқ бир Томон ҳудудида бошқа Томон юридик ва жисмоний шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун самарали чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Томонлар бундан буён ҳам ўз фуқароларининг ўзаро сафарларига, ўз ҳудудларида истикомат қилаётган ўзбек ва тожик жамоатчилиги учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга қулай шароитлар яратишга кўмаклашадилар.

13-модда

Мазкур Шартнома учинчи давлатларга қарши қаратилмаган ва Томонларнинг улар иштирокчи ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

14-модда

Томонлар мазкур Шартнома қоидаларини амалга оширишда вужудга келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликларни дўстона музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этадилар.

15-модда

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин бўлиб, улар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади ҳамда Шартноманинг 16-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

16-модда

Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ҳамда ратификация ёрлиқлари алмашинган санадан бошлаб кучга киради.


Мазкур Шартнома номуайян муддатга тузилади.

Мазкур Шартноманинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томоннинг Шартнома амал қилишини тугатиш нияти тўғрисидаги тегишли ёзма хабарномасини дипломатик каналлар орқали олган санадан бошлаб олти ойдан сўнг тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2018 йил 17 августда ҳар бири ўзбек, тожик ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилиш мақсадида Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
номидан



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев

Тожикистон Республикаси
номидан



Тожикистон Республикаси
Президенти
Имомали Раҳмон



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида
минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталувчилар,

1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида Шартномага амал қилиб,

икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенг қамровли ривожлантириш заруриятини тан олиб,

ҳамкорликнинг долзарб масалаларини маҳаллий даражада тезкор ҳал қилишда ҳамда тарихан шаклланган алоқаларни чуқурлаштиришда минтақалараро ҳамкорликнинг амалий аҳамияти ва салоҳиятини эътироф этган ҳолда,

икки мамлакат минтақалари ўртасида фаолиятнинг турли соҳаларида ҳамкорликни таъминлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланаётган алоқаларини фаоллаштиришга қодир бўлган минтақалараро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўз давлатларининг қонунчилигига ҳамда давлатлари иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда, кишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш, туризм ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларида, шунингдек ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа йўналишларда ўзаро манфаатли бўлган минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга қўмаклашадилар.



Томонлар ҳамкорликнинг долзарб масалаларини маҳаллий даражада ўз вақтида ҳал этиш учун Томонлар давлатларининг маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа ташкилотлари вакиллари иштирокида чегара олди минтақалари раҳбарларининг учрашувларини ҳар чоракда ва навбатма-навбат Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар.

2-модда

Мазкур Битим мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар куйидагиларни англатади:

“минтақалар” – Ўзбекистон томонидан: Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари; Қирғизистон томонидан: Қирғизистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари;

“ваколатли органлар” – Томонлар давлатларининг мазкур Битимни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш бўйича минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида ваколат берилган ҳокимият органлари.

3-модда

Ваколатли органлар минтақалараро ҳамкорликни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида:

- мазкур Битимни амалга татбиқ қилишга йўналтирилган қўшма тадбирлар режалари, ҳаракат дастурлари ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

- минтақалараро ҳамкорликнинг жорий ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш истиқболларини муҳокама қилиш бўйича зарурият бўлганда қўшма ишчи гуруҳлар тузадилар ва мунтазам маслаҳатлашувлар механизмини йўлга қўядилар.

4-модда

Ваколатли органлар минтақаларнинг корхона ва ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатли савдо ва ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашадилар. Мазкур мақсадларда улар:



- корхона ва ташкилотлар ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, товар ва хизматлар етказиб бериш бўйича ўзаро манфаатли контрактлар тузишда тадбиркорлик тузилмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқадилар;

- тадбиркор ва ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида учрашувлар, бизнес-семинарлар, конференциялар, симпозиумлар, кўргазма ва ярмаркалар ташкил этадилар;

- ўз минтақаларини иқтисодий ривожлантиришнинг устувор лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар;

- ўз давлатлари қонунчилигидаги ўзгаришлар ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида бир-бирларини мунтазам хабардор қиладилар;

- ўзаро савдони ташкил этишда вужудга келаётган қийинчиликларни ўз ваколатлари доирасида биргаликда таҳлил қиладилар ва тегишли таклифлар ишлаб чиқадилар;

- Томонлар давлатлари корхоналарининг савдо уйлари ташкил этишда қўмаклашадилар.

5-модда

Ваколатли органлар минтақалар ўртасида бевосита турист алмашинувини ташкил қилиш, минтақалар жозибadorлигини оширишга қаратилган туризм соҳасидаги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашадилар.

Ваколатли органлар ишбилармонлик фаоллигини ошириш ва минтақага туристик оқимни кўпайтириш мақсадида транспорт қатновини яхшилаш ҳамда инфратузилмени ривожлантиришга қўмаклашадилар.

6-модда

Ваколатли органлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида касб алоқаларининг ривожланишига ҳамда уларнинг олдларида турган вазифаларни ҳал қилиш учун минтақаларда тажриба алмашиш ва тарқатишга қўмаклашадилар.



Ваколатли органлар шаҳарсозлик ҳамда улкан шаҳарсозлик лойиҳаларини режалаштириш ва молиялаштириш амалиёти бўйича ахборот алмашиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантирадилар.

7-модда

Ваколатли органлар атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларида ҳамкорлик қиладилар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш соҳасида илғор тажрибани жорий этишга кўмаклашадилар.

Ваколатли органлар сув ва энергия таъминоти, оқинди сувларни тозалаш, ҳўжалик ва саноат чиқиндиларини утилизация қилиш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

8-модда

Ваколатли органлар яхшироқ тушуниш, ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашга эришиш учун тарих ва маданият билан ўзаро танишиш мақсадида турли даражаларда мунтазам алоқаларни таъминлайдилар.

Ваколатли органлар минтақаларнинг ижтимоий-маданий ва ҳўжалик-иқтисодий ҳаётини оммавий ахборот воситаларида холисона ёритишга кўмаклашадилар.

Ваколатли органлар миллатлараро муомала, динлараро ва маданиятлараро мулоқот, шунингдек этник-маданий ривожланиш маданиятини мустаҳкамлаш соҳасида минтақалар ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ва бошқа тадбирларни амалга оширишга кўмаклашадилар.

9-модда

Томонлар мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай низо ва келишмовчиликларни музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал этадилар.

10-модда

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ мазкур Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ҳамда мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва мазкур Битим 11-моддасида белгиланган тартибда кучга кирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

11-модда

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари ҳақида сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва Битимнинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томоннинг Битим амал қилишини тугатиш нияти тўғрисидаги тегишли ёзма хабарномасини дипломатик каналлар орқали олган санадан бошлаб олти ойдан сўнг тугатилади.

Мазкур Битим амал қилишининг тугатилиши у амал қилган пайтда бажарилиши бошланган ва унинг амал қилиши тугатилгунга қадар бажарилмаган лойиҳалар бўйича Томонларнинг мажбуриятларига дахл қилмайди.

Бишкек шаҳрида 2017 йил 5 сентябрда ҳар бири ўзбек, қирғиз ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан



Қирғизистон Республикаси
Ҳукумати номидан



**Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси
ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисида
ШАРТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси, кейинги ўринларда «Олий Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, худудий яхлитлик ва давлат чегараларининг дахлсизлиги халқаро принципларидан келиб чиққан ҳолда,

1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида Шартнома қондаларига амал қилиб,

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида Давлат чегара чизиғи ўтишини аниқлаш ва белгилаш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида Давлат чегара чизиғи мазкур Шартноманинг 1-иловасида келтирилган «Ўзбек-қирғиз Давлат чегара чизиғининг ўтиши тавсифи»га (кейинги ўринларда – Тавсиф) тўла мувофиқ равишда ўтиши тўғрисида келишдилар.

2-модда

Давлат чегара чизиғи ушбу Шартноманинг 2-иловасига мувофиқ 1:100 000 масштабда топографик хариталарда қизил рангда, зич қурилиш ва фаол хўжалик фаолияти мавжуд участкаларда Давлат чегара чизиғи 1:10 000 масштабда топографик хариталарда, 1:5 000 ва 1:2 000 масштабда топографик режаларда қизил рангда туширилган.

Географик объектлар атоқли номларининг Тавсиф матнида ёзилиши географик объектларнинг ушбу моддада кўрсатилган топографик хариталардаги атоқли номларига мувофиқдир.

Тавсифда қайд этилган координаталар, дала геодезик ўлчашлар натижаси бўйича, масофалар эса ушбу моддада кўрсатилган топографик хариталар ва режаларнинг электрон (растрли) кўринишлари бўйича 3-иловага мувофиқ белгиланган.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

3-модда

Мазкур Шартноманинг 1 – 3-иловалари унинг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

4-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар Давлат чегара чизиғи Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикасининг курукликдаги, сувдаги, ер остидаги ва ҳаво бўшлиғидаги ҳудуди чегараларини белгилашини келишдилар.

5-модда

Чегара чизиғида, шу жумладан чегарадаги дарё, сой ва сув ҳавзаларида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай табиий ўзгаришлар Давлат чегара чизиғи ўтишини ўзгаришига олиб келмайди.

6-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар қолган участкаларда Давлат чегара чизигини ўтиши масалаларини ҳал қилиш ва тегишли шартнома тайёрлаш учун музокараларни давом эттиришга келишдилар.

7-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар Қўшма ўзбек-қирғиз демаркация комиссиясини тузиш ва унга Давлат чегарасининг мазкур Шартноманинг 1- ва 2-моддаларига мувофиқ келишилган алоҳида участкаларида демаркация ишларини амалга оширишни топширишга келишдилар.

8-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар Давлат чегара режимини алоҳида шартнома билан белгилайдилар.

9-модда

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашга доир барча масалаларни Олий Аҳдлашувчи Томонлар маслаҳатлашув ҳамда музокаралар йўли билан ҳал қиладилар.


10-модда

Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан бошлаб кучга киради.
Мазкур Шартнома муддатсиз ҳисобланади.


Бишкек шаҳрида 2017 йил 5 сентябрда икки нусхада ўзбек, киргиз ва рус тилларида тузилди, бунда мазкур Шартноманинг 1, 2 ва 3-иловалари рус тилида келтирилган. Мазкур Шартноманинг барча матнлари бир хил юридик кучга эга.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилишда рус тилидаги матн асос қилиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси
номидан



Киргизiston Республикаси
номидан





**Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси
ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари
туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисида
ШАРТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон, кейинги ўринларда «Олий Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

ўзаро ҳурмат, суверен тенглик ва ҳудудий яхлитлик принципларига амал қилган ҳолда,

уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси жойлашган ўрнини аниқлаш ва туташган нуқта ҳудудида Давлат чегараларини делимитация қилиш мақсадида, куйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар кейинги ўринларда «туташган нуқта» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон Давлат чегараларининг туташган нуқтаси жойлашган ўрнини белгиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегараси чизигининг ўтишини туташган нуқтадан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Давлат чегараси чизигининг ўтиши Тавсифида кўрсатилган 125-сонли чегара нуқтасига қадар белгиладилар (2001 йил 16 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегараси тўғрисида Шартномага 1-илова).

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Ўзбекистон-Туркменистон Давлат чегараси чизигининг ўтишини туташган нуқтадан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасидан ўтувчи Давлат чегараси чизиги Тавсифида кўрсатилган 206-сонли чегара нуқтасига қадар белгиладилар (2000 йил 21 сентябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисида Шартномага 1-илова).

Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон Қозоғистон-Туркменистон Давлат чегараси чизигининг ўтишини туташган нуқтадан бошлаб, Қозоғистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида Давлат чегараси чизигининг ўтиши Тавсифида

кўрсатилган 1-сонли чегара нуқтасига қадар белгиладилар (2001 йил 5 июлда имзоланган Қозоғистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида Қозоғистон-Туркменистон давлат чегарасини делимитация қилиш ва демаркация жараёни тўғрисида Шартномага 1-илова).

Олий Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Шартномага илова қилинадиган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон Давлат чегараларининг туташган нуқтаси жойлашган ўрни ва Давлат чегаралари чизиқларининг туташган нуқта ҳудудидан ўтиши Тавсифини туздилар (1-илова).

2-модда

Туташган нуқта ҳамда унга бирикадиган Давлат чегаралари чизиқларининг жойлашган ўрни 1:100 000 масштабда биргалликда тузилган, ҳар бир Олий Аҳдлашувчи Томон учун рус тилида тайёрланган, мазкур Шартномага илова қилинадиган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган топографик харитага туширилган (2-илова).

3-модда

Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома мuddатсиз ҳисобланади ва денонсация қилинмайди.

Самарқанд шаҳрида 2017 йил 10 ноябрда уч нусхада, ҳар бири ўзбек, қозок, туркман ва рус тилларида тузилди.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Олий Аҳдлашувчи Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон
Республикаси
номидан

Қозоғистон
Республикаси
номидан

Туркменистон
номидан



**Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси
ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг
алоҳида участкалари тўғрисида
ШАРТНОМА**

Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси, кейинги ўринларда «Олий Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, дўстлик ва яхши кўшничилик, ўзаро ҳурмат ҳамда тенг ҳуқуқлилиқ руҳида,

мустақилликни, суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, иккала давлат чегараларининг мустақамлиги, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ўзаро тушунтиш ва ўзаро ишонч принциплари асосида,

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Давлат чегараси (бундан кейин - Давлат чегараси) чизигининг алоҳида участкаларда ўтишини аниқлаш ва белгилаш мақсадида,

2002 йил 5 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисида Шартномага мувофиқ,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар 73 рақамли чегара нуқтасидан 74 рақамли чегара нуқтасигача, 97 рақамли чегара нуқтасидан 116 рақамли чегара нуқтасигача, 117 рақамли чегара нуқтасидан 121 рақамли чегара нуқтасигача, 166 рақамли чегара нуқтасидан 169 рақамли чегара нуқтасигача, 190 рақамли чегара нуқтасидан 191 рақамли чегара нуқтасигача, 201-209-201 рақамли чегара нуқталари оралигининг («Сарваксай» анклави) Давлат чегараси чизиги ушбу Шартноманинг 1-иловаси ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган ўзбек-тожик Давлат чегараси чизигининг алоҳида участкалари бўйича ўтиши Тавсифига (кейинги ўринларда – алоҳида участкалар Тавсифи) тўла мувофиқ тарзда ўтишини белгиладилар.

2-модда

Давлат чегараси чизиги 73 рақамли чегара нуқтасидан 74 рақамли чегара нуқтасигача, 97 рақамли чегара нуқтасидан 116 рақамли чегара нуқтасигача, 117 рақамли чегара нуқтасидан 121 рақамли чегара нуқтасигача, 166 рақамли чегара нуқтасидан



169 рақамли чегара нуктасигача, 190 рақамли чегара нуктасидан 191 рақамли чегара нуктасигача, 201-209-201 рақамли чегара нукталари оралиғида («Сарваксай» анклави) бўлган участкаларда ушбу Шартноманинг 2-илоvasи ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган 1:100 000 ва 1:10 000 масштаблардаги топографик хариталарда қизил рангда чизиб кўрсатилган.

Алоҳида участкалар Тавсифи матнларидаги географик объектларнинг атоқли номлари мазкур моддада кўрсатилган топографик хариталарда фойдаланилган географик объектларнинг атоқли номларига мувофиқдир.

Алоҳида участкалар Тавсифида қайд этилган масофа ва координаталар, ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 3-иловага мувофиқ, мазкур моддада кўрсатилган топографик хариталарнинг электрон (растрли) вариантлари бўйича ўлчанган.

3-модда

Олий Аҳдлашувчи Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси Давлат чегара чизигининг қолган 116 рақамли чегара нуктасидан 117 рақамли чегара нуктасигача бўлган қисмини алоҳида шартнома билан белгилашга келишиб олдилар.

4-модда

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашга доир барча масалаларни Олий Аҳдлашувчи Томонлар маслаҳатлашув ҳамда музокаралар йўли орқали ҳал қиладилар.

5-модда

Мазкур Шартномага нисбатан 2002 йил 5 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисида Шартноманинг 3, 5, 6 ва 7-моддалари қоидалари тўла ҳажмда қўлланилади.

6-модда

Мазкур Шартнома муддатсиз ҳисобланади.

Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан бошлаб кучга киради.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Душанбе шаҳрида 2018 йил 9 мартда икки нусхада ўзбек, тожик ва рус тилларида тузилди, бунда мазкур Шартноманинг 1, 2 ва 3-иловалари рус тилида келтирилган. Мазкур Шартноманинг барча матнлари бир хил юридик кучга эга.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Олий Аҳдлашувчи Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
номидан

Тожикистон Республикаси
номидан



Wondershare
PDFelement



Декларация Ташкентской конференции по Афганистану «Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие»

Преамбула

Мы, участники Ташкентской конференции:

1) Подтверждаем, что мир и безопасность в Афганистане имеют существенное значение для обеспечения стабильности и процветания в регионе и прекращения многолетнего насилия и страданий афганского народа. Поэтому мы признаем, что политическое урегулирование, которое будет осуществляться под руководством и усилиями самих афганцев, поддерживаемое тесным региональным сотрудничеством в области борьбы с терроризмом и контрабандой наркотиков, а также региональное экономическое сотрудничество и взаимодействие являются ключевыми для мира и процветания Афганистана и всего региона.

2) Подтверждаем нашу поддержку резолюций и решений Генеральной Ассамблеи ООН и Совета Безопасности, в том числе о новом партнерстве, образованном между Афганистаном и Центральной Азией после заседания Совета Безопасности ООН по Центральной Азии и Афганистану, состоявшегося 19 января 2018 года в г. Нью-Йорке.

3) Уважаем суверенитет, независимость и территориальную целостность, а также национальное единство Афганистана и усилия его народа и правительства по обеспечению мира, стабильности и развития своей страны.

4) Признаем важность международных и региональных инициатив по поддержанию мира и стабильности в Афганистане, осуществляемых под руководством и усилиями самих афганцев, в частности Кабульского процесса в качестве главного форума и инструмента под руководством Правительства Афганистана для того, чтобы возглавить усилия по обеспечению мира и прекращения насилия в Афганистане.

5) Поддерживаем усилия центральноазиатских государств, направленные на продвижение мирного процесса и социально-экономического развития в Афганистане, их участие в региональных политических и экономических процессах.

6) Подчеркиваем важное значение Ташкентской конференции по Афганистану «Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие» как продолжение усилий международного сообщества в поддержку процесса мира и примирения, осуществляемого под руководством и усилиями самих афганцев.

Мир и примирение



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

7) Заявляем о нашей решительной поддержке предложения правительства национального единства начать прямые переговоры с «Талибан», без каких-либо предварительных условий, с конечной целью достижения всеобъемлющего мирного соглашения с талибами, которое поддерживается международным сообществом, и призываем «Талибан» принять это предложение в отношении мирного процесса, осуществляемого под руководством и усилиями самих афганцев, и согласно соответствующим резолюциям Генеральной Ассамблеи и Совета Безопасности Организации Объединенных Наций.

8) Подчеркиваем, что политическое урегулирование с талибами является наилучшим способом положить конец насилию в Афганистане, а также имеется необходимость проведения прямых мирных переговоров между правительством Афганистана и умеренными представителями «Талибан» без каких-либо предварительных условий.

9) Подтверждаем нашу поддержку усилий правительства Афганистана начать прямые переговоры с «Талибан» и признаем Кабульский процесс в качестве главного форума и инструмента наряду с другими региональными и международными мирными инициативами по Афганистану.

10) Призываем талибов признать свою долю ответственности за установление мира и безопасности в Афганистане, чтобы положить конец страданиям афганского народа и официально заявить о своей готовности вступить в прямые мирные переговоры с правительством Афганистана, задействовав при этом взаимосогласованный формат и при полной поддержке международного сообщества.

11) Призываем правительство Афганистана и «Талибан» приступить к политическому урегулированию. От всеобъемлющего мирного соглашения выиграют все стороны, и никто не останется в проигрыше. Оно должно гарантировать включение «Талибан» в политический процесс в качестве легитимного политического игрока, отказ «Талибан» от насилия и разрыв связей с террористическими группами и международным терроризмом, включая «Аль-Каиду», ИГИЛ и другие транснациональные террористические сети (ТТС), а также уважение Конституции Афганистана, в том числе равные права всех афганцев.

12) Подчеркиваем важность полного и значимого участия женщин в процессе афганского примирения, безопасности, обществе и экономике и заявляем о неизменной поддержке международных усилий, направленных на расширение прав и возможностей женщин и остаемся полностью приверженными поддержке реализации Национального плана действий Афганистана в отношении женщин, мира и безопасности.

13) Поддерживаем правительство Афганистана в создании благоприятных условий для начала и продвижения мирных переговоров путем



эффективного стимулирования и противодействия необходимыми мерами непримиримым элементом, отказывающимся примкнуть к мирному процессу и продолжающим насилие, кровопролитие и зверства, оказывающим содействие транснациональным террористическим сетям.

14) Призываем все страны уважать суверенитет и территориальную целостность Афганистана, не вмешиваться в его внутренние дела для обеспечения его безопасности, стабильности и процветания.

15) Заявляем о своей поддержке мирного Афганистана, откуда терроризм не будет представлять угрозы другим странам и который может полностью полагаться на свои собственные силы в создании безопасной обстановки на своей территории.

Борьба с терроризмом и незаконным оборотом наркотиков

16) Осуждаем недавние бесчеловечные нападения на народ Афганистана и выражаем нашу прочную солидарность с ним, осуждаем терроризм во всех его формах и проявлениях без какого-либо различия, признаем серьезные и общие угрозы безопасности и стабильности Афганистана, региона и международного сообщества в целом, исходящие от связи между транснациональным терроризмом, незаконным оборотом наркотиков и организованной преступностью.

17) Подчеркиваем важность практического регионального и международного сотрудничества по искоренению терроризма во всех его формах и проявлениях в соответствии с Глобальной контртеррористической стратегией ООН и соответствующими резолюциями Совета Безопасности ООН.

18) Подчеркиваем важность активных практических усилий правительства Афганистана в сотрудничестве с региональными и международными партнерами в целях борьбы против производства и незаконного оборота наркотиков, прекурсоров и контрабанды оружия в качестве основного источника финансирования терроризма.

19) Признаем, что терроризм, незаконный оборот наркотиков и организованная преступность являются взаимосвязанными глобальными угрозами и требуют выработки единой стратегии, основанной на Глобальной контртеррористической стратегии ООН.

20) Подтверждаем, что все содействие в области безопасности Афганистану должно предоставляться через правительство Афганистана и выступаем категорически против предоставления какой-либо финансовой поддержки, материального содействия либо оружия «Талибан» и ИГИЛ, что служит только целям дестабилизации Афганистана и продлевает конфликт.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Региональное экономическое сотрудничество

21) Поддерживаем последние успехи в региональном экономическом сотрудничестве и реализации транспортно-коммуникационных проектов, которые признают Афганистан естественным наземным мостом, соединяющим Центральную Азию с Южной Азией и другими регионами. Экономическая интеграция Афганистана в регион будет в дальнейшем способствовать укреплению мира и стабильности в этой стране и обширном регионе в целом.

22) Подчеркиваем, что своевременная реализация региональных торгово-транзитных, транспортных, энергетических, инфраструктурных и коммуникационных проектов, связывающих Афганистан с его ближайшими соседями и обширным регионом, будет обеспечивать ощутимую выгоду для населения региона в целом, улучшать средства к существованию, укреплять предпринимаемые усилия по содействию миру и борьбе с терроризмом и незаконной деятельностью.

23) Признаем, что Ташкентская конференция по Афганистану «Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие», организуемая в продолжение предыдущих инициатив, предоставила уникальную возможность для открытых и всесторонних обсуждений по широкому спектру вопросов, касающихся афганского мирного процесса, борьбы с терроризмом и незаконным оборотом наркотиков, регионального экономического сотрудничества, а также дала стимул для разработки взаимоприемлемых решений

24) Выражаем глубокую признательность правительству Узбекистана за традиционное гостеприимство и отличную организацию конференции высокого уровня в г. Ташкенте, а также решительные усилия по созданию широкого и прочного регионального и международного консенсуса по вопросам мира, безопасности и регионального взаимодействия.

Данная декларация была принята в г. Ташкенте (Республика Узбекистан) Афганистаном, Китаем, Францией, Германией, Индией, Ираном, Италией, Японией, Казахстаном, Кыргызстаном, Пакистаном, Катаром, Россией, Саудовской Аравией, Таджикистаном, Турцией, Туркменистаном, ОАЭ, Великобританией, США, Узбекистаном, ЕС и ООН.



ҚҲММБ: 06/18/5400/1023-сон
06.04.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
PREZIDENTINING
ФАРМОНИ



УКАЗ
PREZIDENTA
RESPUBLIKI UZBEKISTAN

2018 йил " 5 " апрель № ПФ-5400 " " 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан
такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг
устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини
кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлнинг самарали давом эттирилиши мамлакатда кенг кўламли ислохотларни ва демократик ўзгаришларни муваффақиятли рўёбга чиқаришда, халқаро майдонда мамлакат нуфузини мустаҳкамлашда ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади.

Очик ташқи сиёсатнинг фаоллашуви натижасида хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашда салмоқли натижаларга эришилди, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар сезиларли даражада кенгайди, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ва хориждаги ватандошларимиз билан мулоқот ўрнатилди, долзарб халқаро ва минтакавий муаммолар ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга, Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ишларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, биринчи навбатда, давлатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасида қўйилган вазифаларни самарали бажаришга тўсқинлик қилаётган бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, амалдаги норматив-ҳуқуқий база дипломатик хизматнинг барча масалаларини тўлиқ тартибга солмайди, тўпланган ҳуқуқий ва амалий тажрибани тўлиқ акс эттирмайди, шунингдек, замон талабларига мос келмайди;

иккинчидан, ташқи сиёсий идоранинг ташкилий-штат тузилмаси ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳалардаги стратегик вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд ресурсларни самарали сафарбар қилишга йўналтирилмаган;

учинчидан, давлат органларининг Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигининг, шунингдек, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик ҳамкорликни ривожлантириш масаларида самарали ва мувофиқлаштирилган ишларни олиб боришнинг аниқ белгиланган механизлари мавжуд эмас;



тўртинчидан, ташқи сиёсий идоранинг ишларини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш ва режалаштириш қисман амалга оширилмоқда, ташқи сиёсатнинг устуворлиги бўйича ишлаб чиқилаётган таклифлар мамлакат ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш масалаларини лозим даражада ҳисобга олмаяпти;

бешинчидан, мамлакатдаги кенг қўламли ўзгаришлар ва республиканинг халқаро ташаббуслари ҳақида жаҳон ҳамжамиятини хабардор қилиш ишлари суғуст ташкил этилган бўлиб, мамлакатнинг ижобий имиджини яратиш ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш вазифалари самарали бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

олтинчидан, консуллик муассасалари фаолиятида кўрсатилаётган давлат хизматларининг тезкорлик ва сифат даражаси, Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш даражаси қониқарсиз аҳволда қолмоқда;

еттинчидан, хориждаги ватандошларимиз билан тизимли мулоқот йўлга қўйилмаган, республикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар лойиҳа ҳамда дастурларни амалга оширишда уларнинг салоҳиятидан фойдаланилмапти;

саккизинчидан, кадрлар сиёсатининг самарасизлиги, шунингдек, ташқи сиёсий идора ходимларининг моддий рағбатлантирилиши ва ижтимоий ҳимояланишининг паст даражада эканлиги юқори малакали дипломатик таркибни шакллантириш имкониятларини сезиларли даражада чекламоқда, дипломатик хизматнинг обрўсини туширмоқда ва малакали мутахассисларнинг соҳани тарқатишига сабаб бўлмоқда;

тўққизинчидан, илғор ахборот-коммуникация технологияларининг етарли даражада жорий этилмаслиги устувор вазифаларни ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда, тезкор ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабат билдиришни, шунингдек, “рақамли дипломатия” воситаларини ривожлантириш имконини бермаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини ислох этишнинг энг муҳим йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолияти ва ташкилий-штат тузилмасининг норматив-ҳуқуқий асосларини “иқтисодий дипломатия”ни ривожлантиришга урғу берган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

иккинчидан, республиканинг ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда Ташқи ишлар вазирлигининг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш ва ажратиш;



учинчидан, Ташки ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолиятига мамлакатимиз махсулотлари, ишлари (хизматлари) экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, инвестициялар, илгор технологиялар ва туристлар оқимини мамлакатга жалб этишга йўналтирилган янгича ёндашув ва усулларни жорий этиш;

тўртинчидан, энг аввало, миллий ва хорижий экспертлар жамоалари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва илмий доиралар билан мунтазам ҳамда мақсадли ахборот алмашиш ишларини кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг ижобий халқаро нуфузини шакллантиришда “оммавий дипломатия” воситаларини фаол қўллаш;

бешинчидан, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалда ҳимоя қилинишини таъминлаш механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш, хориждаги ватандошларимиз билан ҳар томонлама мулоқотни қўллаб-қувватлаш, уларни савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва ижтимоий лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишга фаол жалб қилиш;

олтинчидан, ички идоравий режалаштириш ва назорат қилишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, ҳисобот бериш тартиби ва шаклларини соддалаштириш, Ташки ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини шакллантириш;

еттинчидан, дипломатик кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ротациясини таъминлаш ҳамда истиқболли захирасини шакллантиришнинг илгор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш орқали Ташки ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларида кадрлар сиёсатини тубдан қайта қўриб чиқиш;

саккизинчидан, дипломатик хизмат органлари ходимларининг моддий рағбатлантирилиши ва ижтимоий ҳимоя қилинишини яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитларни яратиш;

тўққизинчидан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, глобал ахборот майдонида мамлакатимиз манфаатларини илгари суриш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш орқали Ташки ишлар вазирлиги тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги тузилмасида:

а) **Ташки иқтисодий ҳамкорлик бош бошқармаси** ва унинг тузилмасига кирувчи:

Хорижий инвестициялар ва молиявий-техникавий кўмак воситаларини жалб қилиш бошқармаси;

Экспорт ва ташки савдо алоқаларини ривожлантириш бошқармаси;

Ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси;

Туризмни ривожлантириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бошқармаси;



- б) Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати негизда **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси**;
- в) Консуллик бошқармаси негизда **Консуллик-ҳуқуқ департаменти**;
- г) **Хориждаги ватандошлар билан алоқалар бўлими**;
- д) Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш бўлими ва унинг таркибида **Муурожаатларни қабул қилиш сектори (call-center)**;
- е) Дипломатик сервис хизмати негизда **Дипломатик корпусга хизмат кўрсатиш бюроси**;
- ж) “Жаҳон” ахборот агентлиги негизда **“Дунё” ахборот агентлиги ва Медиа-марказ**;
- з) **Таржимонлар бюроси**;
- и) Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази негизда **Таҳлил ва прогноллаштириш маркази**;
- к) Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги **ҳудудий бўлимлари** ташкил этилсин.

3. Хорижда стипендиантларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунадиган **Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази** сифатида қайта ташкил этилсин.

4. Ташқи ишлар вазирлигининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг дипломатик ва консуллик муассасаларини ривожлантириш Республика жамғармаси негизда **Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати органларини ривожлантириш жамғармаси** тузилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, **Ташқи ишлар вазирлиги** ягона ташқи иқтисодий йўлни амалга ошириш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида тегишли **вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини** 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа давлат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига унинг ташқи иқтисодий соҳадаги асосий вазифалари амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатилишини, шу жумладан сифатли ишланган маълумотномалар, ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида тақдим этган ҳолда таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

дипломатик ваколатхона раҳбари ўзи ишлаб турган давлатда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни самарали давом эттириш, мамлакат манфаатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суришни таъминлайдиган **Ўзбекистон Республикасининг олий расмий вакили** ҳисобланади;



06.04.2018 й.

5

олий маълумотга эга бўлган, давлат ва чет тилларини яхши биладиган, тегишли ишбилармонлик, маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган, шунингдек, тарих, маданият соҳаларини, миллий анъаналар ва урф-одатларни, Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур биладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси дипломатик ваколатхона раҳбари бўлиши мумкин;

Ўзлари ишлаб турган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ходимлари ва давлат органлари расмий вакиллари идоравий мансублиги ва ҳисобдорлигидан катъи назар дипломатик ваколатхонанинг раҳбарига сўзсиз бўйсунди ва зиммасидаги вазифаларни бажаришда ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштиради.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги амалиётига қуйидагилар киритилсин:

а) республикани ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ҳисобга олиб, хорижлик шерикларнинг савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва илмий-техник имкониятларидан, улар билан ҳамкорлик даражаси ва кўламидан, уларнинг халқаро муносабатлар тизимидаги роли ва ўрнидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган асосий хорижий шериклар билан **ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини** доимий асосда ишлаб чиқиш.

Белгилансинки, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари вазирлик ва идораларнинг амалий фаолиятида, шу жумладан, хорижий шериклар билан алоқаларда мезон бўлиб хизмат қилади;

б) ташқи иқтисодий фаолиятга (мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини ривожлантириш, инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш, туристлар оқимини кенгайтириш) ва ахборот-тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, хорижий мамлакатлар билан фаол ва тизимли ишлаш бўйича **Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари йиллик “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;**

в) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларига юбориладиган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда **“тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – Ташқи ишлар вазирлиги – хориждаги муассаса – Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари”** принципи асосида идоралараро кадрлар ротацияси;

г) эришилган натижалар ва мавжуд камчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига маълумот бериш учун **ҳар ойда ташқи ишлар вазири томонидан хорижий муассасалар раҳбарларининг ўзи ишлаб турган давлат ва халқаро ташкилот билан ҳамкорлик қилиш бўйича зиммасидаги вазифаларни ва тасдиқланган “йўл хариталари”ни амалга ошириш жараёни тўғрисидаги шахсий ҳисоботларини эшитиб бориш.**

8. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўрта муддатли истикболда асосий хорижий шериклар билан **Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 2-иловага мувофиқ;**



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида ва Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва вазифалар ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Ташқи ишлар вазирлигининг “Дунё” ахборот агентлиги ва Медиа-маркази, Таҳлил ва прогнозлаштириш маркази, Таржимонлар бюроси Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

а) тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан республиканинг ягона ташқи иқтисодий сиёсатини амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилсин ва таҳлил натижаларини ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

б) Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Дипломатик хизмат тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин;

в) Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ишлаб турилган мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятни, товарлар, ишлар (хизматлар) қиймати индексациясини, шунингдек, валюта курсининг ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларига узоқ муддатли хизмат сафарига юборилган ходимларнинг лавозим маошлари миқдорларини беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш бўйича таклифлар киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 октябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий шериклар ўртасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўрта ва узоқ муддатли манфаатларига асосланган икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий концепцияси** (янги таҳрири) лойиҳасини киритсин;



06.04.2018 й.

7

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан, жойларга чиқиш орқали уларни танкидий ўрганиш яқунлари бўйича таклифларни киритсин;

е) бир ой муддатда **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети** фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда киритсин;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда таълим сифатини ошириш, шунингдек, мамлакатнинг замонавий ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Университет фаолиятининг долзарб вазифалари ва йўналишларини қайта кўриб чиқиш;

манфаатдор идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалиётда талаб қилинадиган мутахассисларнинг аниқ мақсадни кўзлаб тайёрлашнинг таъминлаш, шунингдек улар орасидан дипломатик кадрларнинг истикболли захирасини шакллантириш мақсадида бакалавриятда ўқиш муддатини ва бакалавриятга қабул қилиш квоталарини камайтириш;

“Халқаро иқтисодиёт ва менежмент” ҳамда **“Халқаро журналистика”** мутахассисликлари бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг янги йўналишларини жорий қилиш;

Университетда хорижий мамлакатлар делегацияларига хизмат кўрсатиш ва расмий тадбирлар ўтказишни юқори ташкилий даражада таъминлайдиган **профессионал таржимон ва гидларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларини** ташкил этиш;

хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш истикболларини прогноз баҳолаш билан фундаментал илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини тизимли таҳлил қилишда Университетнинг ролини кучайтириш.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини ҳар чоракда Вазирликнинг марказий аппарати ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари раҳбарлари ва ходимлари, вазирлик ва идоралар, соҳа ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида видеоконференцалоқа режимида танкидий кўриб чиқсин;

пойтахт ҳудудида ер участкалари ажратилишини ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчилари учун уй-жойлар ва Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ходимлари учун тўртта кўп квартирали уй қурилишини ҳамда уларнинг 2019 йилнинг охирига қадар фойдаланишга топширилишини таъминласин;



маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари учун хорижий шериклар билан музокара жараёнини, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорлик тақдиротини ташкил этиш масалалари бўйича ҳамда ташки сиёсий ва ташки иқтисодий фаолиятнинг бошқа масалалари бўйича, шу жумладан, жойларга бориш орқали семинар ва тренинглар ўтказилишини ташкил қилсин.

12. “Ипотека-банк” АТИБ, “Асака-банк” АТБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ–2660-сонли ва “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ–3350-сонли қарорларида назарда тутилган шартлар асосида элчилар ва Ташки ишлар вазирлиги дипломатик ходимлари уй-жой ҳамда кўп квартираларни қуришда квартира сотиб олиши учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш тавсия этилсин.

13. Ташки ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ҳафталик муддатда Ташки ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармаси низомини тасдиқлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

б) икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1994 йил 25 февралдаги ПФ–769-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби В.В. Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазири А.Х. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри



Соединенные Штаты и Узбекистан: начало новой эры стратегического партнерства

Сегодня Президент Соединенных Штатов Дональд Трамп принял Президента Узбекистана Шавката Миромоновича Мирзиёева, ознаменовав первый исторический визит Президента Мирзиёева в Белый дом и открывая новую эру стратегического партнерства между США и Узбекистаном.

В ходе встречи Президент Д.Трамп вновь подтвердил непоколебимую приверженность США независимости, территориальной целостности и суверенитету Узбекистана. Президент Д.Трамп также признал колоссальный прогресс Узбекистана в реализации важных политических, экономических и социальных реформ под руководством Президента Ш.Мирзиёева. Президенты согласились укреплять двусторонние отношения с новым диалогом с целью обновления Декларации о стратегическом партнерстве от 2002 года, исходя из широкого спектра взаимно приоритетных направлений.

Президент Ш.Мирзиёев заявил, что прогресс в Узбекистане имеет необратимый характер. Подчеркнул, что государственные органы должны всегда ставить превыше всего интересы народа Узбекистана. Проводимые в стране реформы служат опорой для всеобъемлющей пятилетней Стратегии действий посредством совершенствования системы государственного управления, обеспечения верховенства закона и реформирования судебной системы, экономической либерализации, развития социальной сферы и проведения открытой и конструктивной внешней политики.

Президент Д.Трамп отметил давнее партнёрство с Узбекистаном в борьбе с терроризмом. После трагических событий 11 сентября 2001 года Узбекистан предоставил США чрезвычайно важный логистический доступ и содействовал вытеснению террористов Аль-Каиды из Афганистана. Во время своего визита Президент Ш.Мирзиёев вновь подтвердил свою полную поддержку стратегии Д.Трампа по Южной Азии и акцентировал внимание на инициативах Узбекистана по укреплению двустороннего сотрудничества, разделению бремени и решению проблем региональной безопасности, включая обеспечение стабильности в Афганистане.

Президент Д.Трамп подчеркнул важность сильного и независимого Центральноазиатского региона, а также приветствовал усилия Президента Ш.Мирзиёева по созыву лидеров стран Центральной Азии для совместного диалога, который обсуждался во время Самаркандской конференции в ноябре 2017 года. Президент Ш.Мирзиёев участвовал в первой подобной встрече в Астане в марте этого года, открыв новые возможности для развития межрегиональной торговли и выработки совместных подходов



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

к решению проблем, связанных с обеспечением безопасности. Президент Д.Трамп признал ключевую роль Узбекистана в этих важных процессах и заверил о поддержке США региональной кооперации и развития посредством регионального формата «С5+1». Оба президента высказались за включение Афганистана в форматы многостороннего сотрудничества в Центральной Азии.

Региональная безопасность

Президент Д.Трамп поздравил Президента Ш.Мирзиёева с успешным проведением 27 марта 2018 года Ташкентской международной конференции «Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие», которая продемонстрировала единство международного сообщества в его призыве к Талибану незамедлительно присоединиться к мирным переговорам с афганским правительством. Оба лидера осудили подлые террористические атаки, направленные против сил безопасности и мирных граждан Исламской Республики Афганистан, и выразили приверженность расширению диалога по преодолению вызовов, с которыми сталкивается Афганистан. Президент Ш.Мирзиёев заверил о твердой политической поддержке афганского руководства и подчеркнул важность визита президента Афганистана А.Гани в Ташкент в декабре 2017 года, по итогам которого был достигнут ряд знаменательных соглашений по увеличению товарооборота и реализации весьма важных инфраструктурных проектов. Президент Д.Трамп подчеркнул важную роль Узбекистана в региональных экономических процессах и высоко оценил усилия республики, направленные на расширение торгово-экономических связей с Афганистаном. Он выразил готовность оказать политическую и консультативную поддержку в реализации Узбекистаном железнодорожных и инфраструктурных проектов в Афганистане.

Президент Ш.Мирзиёев заверил, что окажет дальнейшую поддержку Северной распределительной сети, вносящей вклад в достижение мира и стабильности в Афганистане. США и Узбекистан тесно сотрудничают в обеспечении безопасности границ с Афганистаном и пресечении незаконного оборота наркотиков.

Оба лидера осудили экстремизм и международный терроризм и выразили стремление к наращиванию сотрудничества в борьбе против общих угроз. Они выразили приверженность реализации договоренностей, которые укрепят двустороннее взаимодействие и региональную безопасность, и отметили важность укрепления связей в оборонной сфере посредством реализации первого пятилетнего Плана военного сотрудничества.



Реформы и укрепление связей между народами

Президент Д.Трамп приветствовал амбициозную программу реформ Президента Ш.Мирзиёева, нацеленных на улучшение ситуации с правами человека в Узбекистане, отметив освобождение узников совести, искоренение систематического детского труда и существенный прогресс в снижении масштабов принудительного труда. Данные достижения создают условия для расширения экономического, политического сотрудничества и взаимодействия в сфере безопасности. Президент Д.Трамп поддержал инициативу Президента Узбекистана по увеличению прозрачности и подотчетности государства перед народом Узбекистана в качестве фундаментального аспекта совершенствования системы государственного управления и обеспечения внутренней стабильности. Оба лидера выступили за активизацию конструктивного сотрудничества по защите основных свобод человека, включая продвижение религиозной свободы. Президент Ш.Мирзиёев заявил о решимости воплотить в жизнь всестороннюю «дорожную карту» по обеспечению свободы вероисповедания.

Президенты поприветствовали аккредитацию в Узбекистане Американских советов по международному образованию, которые внесут свою лепту в сотрудничество в области образования между двумя странами. Президент Д.Трамп заверил, что Соединенные Штаты окажут содействие в реализации программ обучения английскому языку в Узбекистане, и высоко оценил аккредитацию в Узбекистане «Голоса Америки» и создаваемые в стране возможности для американских СМИ.

Экономическое сотрудничество

Президент Ш.Мирзиёев и Президент Д.Трамп выразили решимость изыскать возможности углубления экономического сотрудничества, способствующего росту торговли и созданию рабочих мест в обеих странах. Президент Ш.Мирзиёев выразил приверженность созданию в Узбекистане благоприятных условий для бизнеса и открытию рынка страны для американских компаний и инвесторов посредством внедрения международных стандартов прозрачности, отчетности и обеспечения верховенства закона в Узбекистане. Лидеры согласились изучить возможности для более тесного сотрудничества в том числе в области сельского хозяйства, энергетики, химии, финансов, туризма, текстильной промышленности, здравоохранения и цифровых технологий. Во время визита между компаниями Узбекистана и США было подписано более 20 наиболее крупных контрактов, которые при их полноценной реализации составят сумму более 4,8 млрд долл. и могут способствовать сохранению 10 тысяч



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

рабочих мест в США, а также открыть возможности для многомиллиардных контрактов с американскими компаниями в перспективе.

Д.Трамп поддержал программу реформ Президента Мирзиёева и признал возрастающую роль Узбекистана как экономического лидера, чему свидетельствует предложение принять у себя в текущем году Центральноазиатский торговый форум и заседание Совета по рамочному соглашению по торговле и инвестициям между странами Центральной Азии и США (ТИФА). Президент Ш.Мирзиёев заявил о стремлении Узбекистана к членству во Всемирной торговой организации (ВТО), и Президент Д.Трамп заверил, что Соединенные Штаты окажут поддержку и техническое содействие по мере продвижения Узбекистаном повестки реформ по либерализации своего торгового режима в соответствии с соглашениями ВТО. Узбекистан выразил приверженность защите прав интеллектуальной собственности путем присоединения к Женевской Конвенции об охране интересов производителей фонограмм от незаконного воспроизведения их фонограмм и Договорам Всемирной организации интеллектуальной собственности в области Интернета. Реализация данных инициатив позволила бы создать прочную основу для открытия новых возможностей по расширению двустороннего торгового, инвестиционного и экономического сотрудничества.



Семьдесят вторая сессия
Пункт 65 повестки дня

Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 22 июня 2018 года

[без передачи в главные комитеты (A/72/L.61 и A/72/L.61/Add.1)]

72/283. Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе

Генеральная Ассамблея,

руководствуясь положениями Устава Организации Объединенных Наций, в которых поощряется принятие мер по налаживанию регионального сотрудничества для продвижения целей и принципов Организации Объединенных Наций,

признавая важную роль стран Центральной Азии в обеспечении мира, стабильности и устойчивого развития в регионе, а также в поощрении регионального и международного сотрудничества,

принимая во внимание современные вызовы и угрозы, с которыми сталкиваются страны Центральной Азии,

отмечая крупные региональные и международные инициативы центральноазиатских государств в областях безопасности и развития, включая:

- a) создание зоны, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии в качестве эффективной меры, направленной на достижение мира, свободного от ядерного оружия и других видов оружия массового уничтожения¹,
- b) провозглашение Генеральной Ассамблеей 29 августа Международным днем действий против ядерных испытаний в качестве одного из ключевых средств достижения цели построения мира, свободного от ядерного оружия²,

¹ См. резолюции 65/49, 67/31, 69/36 и 71/65, озаглавленные «Договор о зоне, свободной от ядерного оружия, в Центральной Азии».

² См. резолюцию 64/35 о Международном дне действий против ядерных испытаний.

18-10332 (R) 220618 260618



Просьба отправить на вторичную переработку





6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Совместное коммюнике Совета Глав государств–учредителей МФСА

24 августа 2018 года в городе Туркменбаши состоялось заседание Совета Глав государств–учредителей Международного Фонда спасения Арала, в котором приняли участие Президент Республики Казахстан, Президент Республики Таджикистан, Президент Туркменистана, Президент Республики Узбекистан и Президент Кыргызской Республики как приглашенный Президентом Туркменистана.

Главы государств в атмосфере дружбы и взаимопонимания обсудили широкий круг вопросов сотрудничества по дальнейшему улучшению водохозяйственной, экологической и социально-экономической обстановки в бассейне Аральского моря, а также отметили весомый вклад Международного Фонда спасения Арала (МФСА) в этой области за 25 лет его существования.

Стороны подтвердили свою приверженность ранее принятым решениям по совместному и комплексному управлению и рациональному использованию водных ресурсов и охране окружающей среды в бассейне Аральского моря с учетом интересов всех стран региона на принципах добрососедства и взаимного уважения.

Президенты подчеркнули необходимость дальнейшего развития и укрепления отношений равноправного и взаимовыгодного сотрудничества в сфере использования и охраны межгосударственных водотоков в духе многовековой дружбы народов, имеющих глубокие исторические корни, общность культуры, обычаев и традиций.

Главы государств выразили удовлетворение принятием Резолюции Генеральной Ассамблеи ООН от 12 апреля 2018 года о сотрудничестве между Организацией Объединенных Наций и Международным Фондом спасения Арала, Резолюции Генеральной Ассамблеи ООН от 18 июня 2018 года «Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центральноазиатском регионе», а также Резолюции Генеральной Ассамблеи ООН от 21 декабря 2016 года «Международное десятилетие действий «Вода для устойчивого развития», 2018–2028 годы».

Президенты отметили значимость договорённостей, достигнутых в рамках состоявшегося 30 января 2018 года в городе Ашхабад заседания Правления МФСА.

Главы государств отметили важность разработки Программы действий по оказанию помощи странам бассейна Аральского моря (ПБАМ-4) для объединения усилий и потенциала государств региона и международного сообщества в целях решения общих приоритетных водохозяйственных, экологических и социально экономических вопросов бассейна Аральского моря.



26.10.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “ 25 ” октябрь № ПҚ-3982 “ ” 20 г.

**Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик
соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар (кейинги ўринларда ватандошлар деб юритилади) билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ва ҳар томонлама ҳимоя қилишга кўмак бериш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда кўплаб ватандошларимиз иқтисодий, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани – Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустаҳкамлашда муносиб ва сезиларли ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблиги ошаётган бир пайтда, улар билан самарали ҳамкорликни олиб бориш ва ислохотларни сифат жиҳатдан яхшилашда уларнинг салоҳиятини жалб қилиш борасида қуйидаги қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

давлат органлари ва ташкилотларнинг ватандошлар билан алоқаларни ўрнатишнинг самарадорлиги паст даражада ва қисман эканлиги;

иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий ва бошқа устувор лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ватандошларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланмаслик;

ватандошларнинг ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини оммалаштириш билан шуғулланадиган ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида комплекс ва узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги;

хорижда таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан ишлашга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги, мамлакатга қайтганларидан кейин уларни иш билан таъминлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги.

6-жилд. Ўзбекистон тарихи

**САМАРКАНДСКАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ
АЗИАТСКОГО ФОРУМА ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА
«ИТОГИ 70-ЛЕТИЯ ВСЕОБЩЕЙ ДЕКЛАРАЦИИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА:
ВЫЗОВЫ ВРЕМЕНИ И РЕАЛЬНОСТЬ»**

Мы, участники Азиатского форума по правам человека:

отмечаем, что 2018 год является годом празднования 70-летия Всеобщей декларации прав человека, а также двадцать пятой годовщины принятия Венской декларации и Программы действий в области прав человека, и что, все права человека и основные свободы являются универсальными, неделимыми, взаимозависимыми и взаимосвязанными,

подтверждая наши обязательства по поощрению всеобщего уважения, соблюдения и защиты всех прав человека и основных свобод для всех в соответствии с Уставом Организации Объединенных Наций, Всеобщей декларацией прав человека и международными договорами по правам человека,

вновь подтверждая, что государства несут главную ответственность за уважение, поощрение и защиту всех прав человека и основных свобод всех лиц и обязаны это делать,

напоминая, что Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года, основываясь на международных стандартах в области прав человека, стремится не оставить никого позади и ставит перед собой задачу обеспечить равенство и не дискриминацию, поставив человека в центр процесса развития, таким образом, стремится реализовать права человека для всех,

принимая во внимание, что Цели устойчивого развития (ЦУР) носят комплексный и неделимый характер, обеспечивают сбалансированность всех трех составляющих устойчивого развития – экономического, социального и экологического – и направлены на реализацию прав человека всех людей, достижение гендерного равенства,

учитывая, что Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года призывает парламенты, правительства и другие заинтересованные стороны разрабатывать и принимать законы и программы, которые обеспечивали бы удовлетворение потребностей человека, отменяли бы изоляционистские стратегии, защищали права человека и никого не оставляли без внимания,

приветствуя усилия правительств стран Азиатского региона, направленные на осуществление Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года и национальных ЦУР,

признавая важную роль стран Азиатского региона в обеспечении мира, стабильности и устойчивого развития в регионе, а также в поощрении регионального и международного сотрудничества.



В ООН состоялась презентация Многопартнерского трастового фонда по человеческой безопасности для региона Приаралья.

Высыхание Аральского моря – одна из крупнейших экологических катастроф нашего времени, которая существенно осложнила жизнь в этом регионе. Созданный под эгидой ООН Фонд призван помочь местным жителям справиться со многими трудностями. Сегодня в Нью-Йорке состоялась его презентация.

Многосторонний фонд по безопасности человека для региона Приаралья позволит существенно улучшить условия жизни местного населения и будет способствовать реализации Целей устойчивого развития. Об этом заявил Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриш, выступая на церемонии, посвященной презентации нового партнерства. «Программы, которые будет поддерживать Трастовый фонд, уже помогли создать в регионе новые рабочие места, 45 процентов которых заняли женщины, - сообщил глава всемирной организации. – [Трудоустройство] расширило их возможности, улучшило доступ к услугам здравоохранения и повысило их благосостояние».

Арал – некогда четвертое по размеру закрытое море, сейчас почти высох и превратился в небольшой водоем. Генеральный секретарь вспомнил о своем посещении этого региона в июне прошлого года. «Мне довелось услышать грустные истории, о том, как высыхание Аральского моря разрушило социальные и экономические системы региона, – сообщил он. – О том, как людям пришлось расстаться с привычным образом жизни и надеждами на будущее».

Трастовый фонд – это результат сотрудничества многих сторон, в том числе представителей правительств и частного сектора. Генсек высоко оценил политическое решение о создании такого фонда и призвал доноров оказать финансовую поддержку. По его словам, программы по продвижению Целей устойчивого развития в регионе Приаралья помогают местному населению «вернуть оптимизм и восстановить достойные условия жизни». «Фонд [...] не только расширит и укрепит эти достижения, этот опыт может быть применен в других регионах мира», – подчеркнул Гутерриш.



Семьдесят третья сессия
Пункт 15 повестки дня

Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 12 декабря 2018 года

[без передачи в главные комитеты (A/73/L.52 и A/73/L.52/Add.1)]

73/128. Просвещение и религиозная толерантность

Генеральная Ассамблея,

руководствуясь целями и принципами Устава Организации Объединенных Наций и ссылаясь на Всеобщую декларацию прав человека¹, Международный пакт о гражданских и политических правах² и Декларацию о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений³,

подтверждая, что Международный пакт о гражданских и политических правах предусматривает, в частности, что каждый человек имеет право на свободу мысли, совести и религии или убеждений, которое включает свободу иметь или принимать религию или убеждения по своему выбору и свободу исповедовать свою религию или убеждения как единолично, так и сообща с другими, публичным или частным порядком, в отправлении культа, выполнении религиозных и ритуальных обрядов и учении,

ссылаясь на свои соответствующие резолюции, в частности резолюции 67/104 от 17 декабря 2012 года, 72/136 от 11 декабря 2017 года и 72/176 и 72/177 от 19 декабря 2017 года, в том числе о свободе религии или убеждений и о поощрении межрелигиозного и межкультурного диалога, взаимопонимания и сотрудничества на благо мира, а также другие связанные с ними резолюции,

памятуя о том, что государства несут главную ответственность за поощрение прав человека, включая права человека лиц, принадлежащих к религиозным меньшинствам, в том числе их право свободно исповедовать свою религию или убеждения,

¹ Резолюция 217 А (III).

² См. резолюцию 2200 А (XXI), приложение.

³ Резолюция 36/55.

18-21726 (R) 241218

Просьба отправить на вторичную переработку





ҚХММБ: 03/19/517/2497-сон
18.01.2019 й.

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ



ЗАКОН
Республики
Узбекистан

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини
тасдиқлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 8 ноябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави тасдиқлансин
(илова қилинади).

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги 261–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 124-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини амалга киритиш ҳақида»ги 262–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 125-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 729–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда) XIV бўлими;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда) **5-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2016 йил, № 9, 276-модда) **8-моддаси**.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ЎМБ: 03/19/517/2497-сон
.01.2019 й.

2

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 январь
№ УРҚ-517



ҚҲММБ: 03/19/518/2589-сон

07.03.2019 й.

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ



ЗАКОН
Республики
Ўзбекистан

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 22 ноябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек ушбу Қонунга ҳамда халқаро шартномаларнинг ўз қондаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тугатилади ва уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қондалари қўлланилади.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисmidир.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2019 йил 5 январь, ПФ-5611-сон

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек, чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса, туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2018 йил 28 декабрда қилган Мурожаатномасида билдирилган таклифларни амалда татбиқ этиш мақсадида ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ.



Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси. 20 июнь 1990 й.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгашнинг Баёноти. 31 август 1991 й.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун. 31 август 1991 й., №336-ХII.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган нутқидан.
5. Согласно информации на сайте МИД Республики Узбекистан // <https://mfa.uz/ru/cooperation/country/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 март куни Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқидан.
7. См.: Кутнаева Н. Центральноазиатская зона, свободная от ядерного оружия: история становления и ее влияние на региональную архитектуру безопасности Центральной Азии // Ядерный мир: новые вызовы режиму ядерного нераспространения. – Екатеринбург, Издательство Уральского университета, 2017. – С. 203.
8. См.: информация на сайте Министерства иностранных дел Республики Узбекистан «Участие Узбекистана в деятельности Международного фонда спасения Арала». // <https://mfa.uz/ru/cooperation/international/85/>
9. См.: Соглашения и договоры, касающиеся положения в Таджикистане. // <https://www.un.org/ru/peacekeeping/missions/past/unmotagr.htm>
10. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси 7000 км дан ошади, шундан Қозоғистон билан 2,356,31 км, Қирғизистон билан 1476,12 км, Тожикистон билан 2996,9 км, Туркменистон билан 1831,49 км, Афғонистон билан 143,0 км. Асосий муаммолар – қонуний, яъни барча тасдиқлаш тартибидан ўтган, бутун Марказий Осиё давлатлари билан давлат чегараларини делимитация қилиш учун ҳуқуқий асосларнинг йўқлиги; 1924–1927 йилларда Ўрта Осиё республикаларини демаркация қилиш йилларида қабул қилинган ҳужжатлар ва 1930 ва ундан кейинги йилларда қабул қилинган ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар; шунингдек, харитада кўрсатилган чегара чизиқларининг ер, суғориш тармоқлари, кўплаб инфратузилма объектлари, уй ва қабристонларнинг асл жойлашуви билан мос келмаслиги. См.: Неъматов И. Ускорение завершения правового оформления Государственной границы со странами Центральной Азии как важный приоритет внешней политики Узбекистана / Центральная Азия. / Т., Xalqaro munosabatlar. N1. 2018, стр.56-59.
11. См.: информация на сайте МИД РУ «Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 15 марта 2018 года принял участие в первой консультативной встрече глав государств Центральной Азии в Астане» // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/03/14236/>
12. Торговля и человеческое развитие. Серия аналитических записок по человеческому развитию для стран Центральной Азии. Программа развития ООН, 2014 г. – С. 34.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

13. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати концепцияси тасдиқлаш тўғрисида» ги қонуни

14. См.: Сотрудничество Узбекистана со странами СНГ и Грузией. Сайт МИД Республики Узбекистан // <https://mfa.uz/ru/cooperation/countries/60/>

15. **Узбекистан-Украина. Приоритеты: качественный подход и доверие к партнерам // Новости Узбекистана** // <https://nuz.uz/intervyu/38475-uzbekistan-ukraina-prioritety-kachestvennyu-podhod-i-doverie-k-partneram.html>

16. **О событиях в Украине**. Сообщение **МИД Республики Узбекистан, ИА «Жахон»**, 4 марта 2014; **Позиция Республики Узбекистан по ситуации в Украине и крымскому вопросу от 24 марта 2014 года**. – Сайт МИД Республики Узбекистан. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2014/03/1525/>

17. Посол Стипрайс рассказал о торгово-экономическом сотрудничестве между ЕС и Узбекистаном // Официальный вебсайт делегации ЕС в Узбекистане. - https://eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan/19356/node/19356_es

18. European Union Extends Sanctions Against Uzbekistan // Deutsche Welle. - <https://www.dw.com/en/european-union-extends-sanctions-against-uzbekistan/a-2235204-0>

19. Узбекистан прекратил практику использования детского труда // Газета. Uz // <https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/03/ilo/>

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи, 2019 йил 14 июнь, Бишкек

21. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/5>

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Қарори, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

23. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/ru/lists/view/1063>

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан // <https://mfa.uz/ru/press/news/2017/10/13074/?CONTRAST=Y>

25. Ўша ерда.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг сайти. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/03/14321/j>

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан // <https://mfa.uz/ru/press/news/2017/10/13074/?CONTRAST=Y>

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни,



хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг сайти. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/03/14321/j>

29. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва яхши қўшничиликни мустақамлаш тўғрисида қўшма декларация (Остана, 23 март 2017 й.); Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги битим (Ашхобод, 6 март 2017 й.); Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги битим (Тошкент, 17 август 2018 й.); Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида битим (Бишкек, 5 сентябрь 2017 й.).

30. Резолюция ГА 72/283. Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центральноазиатском регионе // Резолюции и решения, принятые Генеральной Ассамблеей на семьдесят второй сессии. Том III. 25 декабря 2017 года – 17 сентября 2018 года. – Генеральная Ассамблея. Официальные отчеты. Семьдесят вторая сессия. Дополнение № 49. – Нью-Йорк, 2019. – С.43.

31. Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 12 декабря 2018 года [без передачи в главные комитеты (A/73/L.52 и A/73/L.52/Add.1)] 73/128. Просвещение и религиозная толерантность // <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/73/128>

32. О ратификации Договора между Республикой Узбекистан, Республикой Казахстан и Туркменистаном о районе точки стыка Государственных границ трех государств (Самарканд, 10 ноября 2017 года). // Национальное информационное агентство. // <http://uza.uz/ru/society/o-ratifikatsii-dogovora-mezhdu-respublikoy-uzbekistan-respub-02-04-2018>

33. Ускорение завершения правового оформления Государственной границы со странами Центральной Азии как важный приоритет внешней политики Узбекистана. // Сайт МИД Республики Узбекистан. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/08/15670/>.

34. Выступление Министра водного хозяйства Республики Узбекистан Хамраева Ш.Р. – 6-я Конференция высокого уровня Европейский Союз – Центральная Азия «Стратегия нового партнерства ЕС – Центральная Азия платформа сотрудничества в сфере окружающей среды и водных ресурсов». – Ташкент, 24 января 2019 г.

35. См. Ф.Старр и др. «Новое лицо Узбекистана» («Uzbekistan's new face») Roman&Littlefield, 2018, 246 p.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон Фармони. <http://lex.uz/docs/3611113>

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3654-сон Фармони.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3795-сонли Қарори.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи URL: <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/01/13631/?print=Y>

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон Фармони URL: <http://lex.uz/docs/3611113>

41. Министерство иностранных дел Узбекистана: Важнейшие события 2018 года URL: <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/01/17275/?print=Y>

42. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/01/13631/?print=Y>

43. Министерство иностранных дел Узбекистана: важнейшие события 2018 года; 4 января 2019 г. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/01/17275/?print=Y>; Отчет о деятельности Министерства иностранных дел Республики Узбекистан за 2017 год. // <https://mfa.uz/ru/about/activity/13444/>

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 24 мартдаги ПҚ-3624-сонли Фармони. // <http://lex.uz/docs/3595397>

45. Газета.uz: Внешнеторговая политика Узбекистана: настоящее и будущее, 2 апреля 2019 г. // <https://www.gazeta.uz/ru/2019/04/02/trade/>

46. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике; внешнеторговый оборот Республики Узбекистан. // <https://stat.uz/uploads/docs/ves-yan-dek18-ru.2.pdf>

47. UzDaily: Введена должность заместителя министра внешней торговли по вопросам вступления Узбекистана в ВТО; 30 ноября 2018 г. - URL: <https://www.uzdaily.uz/ru/post/40543>

48. РИА Новости: Узбекистан и ЕС начинают переговоры по соглашению о расширенном партнерстве; 4 февраля 2019 г. // <https://ria.ru/20190204/1550327657.html>

49. Министерство иностранных дел: США сняли запрет на приобретение узбекского хлопка; 27 марта 2019 г. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/03/18355/>

50. Национальное информационное агентство Узбекистана: Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан», 1 августа 2018 г.

51. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Шавкат Мирзиёев призвал французские компании активно участвовать в реализации инвестиционных проектов в Узбекистане; 8 октября 2018 г. // <https://president.uz/ru/lists/view/2077>

52. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси: Актуальная правовая информация о свободных экономических зонах Республики Узбекистан; 22 мая 2019 г. // <http://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=34001>

53. Ўша ерда.



54. Fitch Assigns Uzbekistan 'BB-' IDRs; Outlook Stable, 20 DEC 2018. //https://www.fitchratings.com/site/pr/10057197
55. Газета.uz: Узбекистан разместил первые евробонды на \$1 млрд, 14 февраля 2019 г. //https://www.gazeta.uz/ru/2019/02/14/eurobonds/
56. Газета.uz: «Думаю, мы создали хороший бенчмарк» — Джамшид Кучкаров, 14 февраля 2019 г. //https://www.gazeta.uz/ru/2019/02/14/kuchkarov/
57. РБК: Визит Президента Узбекистана привел к подписанию соглашений на \$15 млрд; 5 апреля 2017 г. //https://www.rbc.ru/politics/05/04/2017/58e503f19a794728cf445de4
58. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Высокие результаты сотрудничества, основанного на взаимном доверии и прочной дружбе; 15 мая 2017 г. //https://president.uz/ru/lists/view/502
59. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Соглашениям, достигнутому между Узбекистаном и США, дана высокая оценка, 17 мая 2018 г. //https://president.uz/ru/lists/view/1722
60. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Шавкат Мирзиёев призвал французские компании активно участвовать в реализации инвестиционных проектов в Узбекистане, 8 октября 2018 г. //https://president.uz/ru/lists/view/2077
61. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Сообщено о достижении договоренностей по проектам на сумму свыше 8 миллиардов евро, 21 января 2019 г. //https://president.uz/ru/lists/view/2261
62. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Визит в Объединенные Арабские Эмираты прошел плодотворно; 28 марта 2019 г. //https://president.uz/ru/lists/view/2460
63. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Визит Президента Турции завершился, 01 мая 2018 г. //https://president.uz/ru/lists/view/1687
64. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Узбекистан – Россия: объемы товарооборота будут доведены до 10 миллиардов долларов, 19 октября 2018 г. //https://president.uz/ru/lists/view/2096
65. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан: Двусторонние отношения между Республикой Узбекистан и Республикой Корея возведены в ранг особого стратегического партнерства; 19 апреля 2019 г. //https://president.uz/ru/lists/view/2510
66. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи. //https://mfa.uz/ru/press/news/2018/01/13631/?print=Y
67. Подробно.uz: ЕБРР в этом году расширит портфель своих проектов в Узбекистане, 7 февраля 2019 г. //https://podrobno.uz/cat/economic/ebrr-v-etom-godu-rasshirit-portfel-svoikh-proektov-v-uzbekistane-/
68. Всемирный банк: Экономические реформы в Узбекистане будут поддержаны займом Всемирного банка в размере 500 млн долларов США, 14 июня 2019 г. //https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2019/06/14/uzbekistans-economic-transformation-gets-further-boost
69. Национальное информационное агентство Узбекистана: О банках развития и надлежащем использовании выделяемых ими средств, 24 января 2019 г. //http://



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

www.uza.uz/ru/society/o-bankakh-razvitiya-i-nadlezhashchem-ispolzovanii-vydelyaemy-24-01-2019

70. The Permanent Mission of the Republic of Uzbekistan to the United Nations: Узбекистан вошел в число ТОП 10 стран-реформаторов условий для бизнеса, 3 ноября 2017 г. // www.un.int/uzbekistan/fr/news/узбекистан-вошел-в-число-топ-10-стран-реформаторов-условий-для-бизнеса

71. Uzbekistan Today: Прагматизм и результативность – основа внешней политики Узбекистана; 27 декабря 2017 г. // <http://www.ut.uz/ru/politika/pragmatizm-i-rezultativnost-osnova-novoy-vneshney-politiki-uzbekistana/>

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3927-сонли Фармони // <http://lex.uz/docs/3891627>

73. Infocom.uz: «Интернет вещей» и «умная ферма» в помощь фермерам Ташкентской области – 30 октября 2017 г. // <http://infocom.uz/2017/10/30/internet-veshhej-i-umnaya-ferma-v-pomoshh-fermeram-tashkentskoj-oblasti/>

74. Spot: О чем договорились Узбекистан и Франция; 10 октября 2018 г. - URL: <https://www.spot.uz/ru/2018/10/10/france/>

75. Национальное информационное агентство Узбекистана: Отношения между Республикой Узбекистан и Республикой Корея подняты на уровень особого стратегического партнерства, 20 апреля 2018 г. // <http://uza.uz/ru/politics/otnosheniya-mezhdu-respublikoy-uzbekistan-i-respublikoy-kore-20-04-2019>

76. Министерство иностранных дел Узбекистана: Широкое внедрение инновационных идей в науку и промышленность – главный критерий результативности реформ, 25 мая 2019 г. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/05/19259/?PIC=Y>

77. Spot: О чем договорились Узбекистан и Франция; 10 октября 2018 г. - URL: <https://www.spot.uz/ru/2018/10/10/france/>

78. Атомная энергия 2.0: «Росатом» подготовит кадры для атомной энергетики Узбекистана, 17 апреля 2019 г. // <http://www.atomic-energy.ru/news/2019/04/17/94101>

79. Podrobno.uz: Кадры решают все, или как Узбекистан намерен готовить специалистов для АЭС, 27 сентября 2018 г. // <https://podrobno.uz/cat/uzbekistan-i-rossiya-dialog-partnerov-/kadry-reshayut-vse-il/>

80. Приветствие Президента Узбекистана участникам международной конференции «Центральная Азия в системе международных транспортных коридоров: стратегические перспективы и нереализованные возможности», 21 сентября 2018 г. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/06/16115/?print=Y>

81. Национальное информационное агентство Узбекистана: «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере транспорта», 7 февраля 2019 г. // <http://uza.uz/ru/documents/o-merakh-po-korennomu-sovershenstvovaniyu-sistemy-gosudarstv-07-02-2019>

82. Приветствие Президента Узбекистана участникам международной конференции «Центральная Азия в системе международных транспортных коридоров: стратегические перспективы и нереализованные возможности», 21 сентября 2018 г. // <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/06/16115/?print=Y>

83. The New York Times: 52 places to go in 2019. // <https://www.nytimes.com/interactive/2019/travel/places-to-visit.html?rref=collection%2Fcolumn%2Fthe-52-places-tra>



veler&action=click&contentCollection=travel%C2%AEion=rank&module=package&version=highlights&contentPlacement=4&pgtype=collection&mtrref=www.gazeta.uz&gwh=C2F711FCDF6AFC29CEAA9A9ED5A0EBFB&gwt=pay

84. The Guardian: Where to go on holiday in 2019 – the hotlist. //https://www.theguardian.com/travel/ng-interactive/2019/jan/05/where-to-go-on-holiday-in-2019-the-hotlist?CMP=Share_iOSApp_Other#Asia

85. S. Frederick Starr, Svante E. Cornell (Eds) (2018) Uzbekistan's New Face (American Foreign Policy Council); Rowman & Littlefield. P. 103.

86. Газета.uz: Более 40 млн человек пересекли пункты пропуска границы за год, 29 декабря 2018 г. //https://www.gazeta.uz/ru/2018/12/29/border/

87. Газета.uz: «Товарооборот между странами региона остается скромным» – Эльёр Ганиев, 19 марта 2019 г. //https://www.gazeta.uz/ru/2019/03/19/turnover/

88. Eadaily: В Ташкенте провели первый Центральноазиатский экономический форум, 15 марта 2019 г. //https://eadaily.com/ru/news/2019/03/15/v-tashkente-prohodit-pervyy-centralnoaziatskiy-ekonomicheskii-forum

89. Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева на заседании Совета глав государств – членов СВМДА, 15 июня 2019 г. //http://uza.uz/ru/politics/vystuukghuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-14-06-2019

90. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи., – Халқ сўзи 27 март 2018 йил.

91. Ўша ерда.

92. Глава делегации Узбекистана выступил на Министерской конференции по продвижению религиозных свобод, 21 июля 2019г., //https://mfa.uz/ru/press/news/2019/07/20098/

93. Выступление Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева на заседании Совета глав государств-участников СНГ в г. Душанбе, 28 сентября 2018 г. //https://mfa.uz/ru/press/news/2018/09/16196/

94. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи., – Халқ сўзи 27 март 2018 йил.

95. Ўша ерда.

96. Приветствие Президента Шавката Мирзиёева участникам международной конференции «Актуальные вопросы изучения и популяризации за рубежом узбекской классической и современной литературы». – Ташкент, 8 августа 2018 г.

97. Выступление Исполняющего обязанности Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на церемонии открытия 43-й сессии Совета министров иностранных дел Организации исламского сотрудничества. 18 октября 2016 года, г. Ташкент. //http://uza.uz/ru/politics/vystuplenie-ispolnyayushchego-obyazannosti-prezidenta-respub-18-10-2016

98. Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев выступил на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. //https://president.uz/ru/lists/view/1063

99. Саммит ШОС: документы подписаны, заявления сделаны. https://ut.uz/ru/politika/sammit-shos-dokumenty-podpisany-zayavleniya-sdelany/



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

100. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишидаги нутқи. 2018 йил 10-июнь, Циндао шаҳри. //http://uza.uz/ru/politics/vystuplenie-11-06-2018

101. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси марказини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 26.06.2018 й. //http://uza.uz/ru/documents/o-merakh-po-gosudarstvennoy-podderzhke-sozdaniya-tsentranar-27-06-2018

102. Президент Ўзбекистана Шавкат Мирзиёев выступил на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. //https://president.uz/ru/lists/view/1063

ГЛОССАРИЙ

БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) – халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва мустақамлаш ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро ташкилотдир. Унинг фаолияти ва тузилмаси асослари Иккинчи жаҳон уруши даврида анти-гитлер коалициясининг етакчи иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилган. «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» номи биринчи марта 1942 йил 1 январда имзоланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Декларациясида ишлатилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави Сан-Францискода 1945 йил апрелдан июнгача бўлиб ўтган конференцияда тасдиқланган ва 1945 йил 26 июнь куни 50 та давлат вакиллари томонидан имзоланган.

«Бир макон, бир йўл» – Хитой билан Марказий Осиё, Европа ва Африканинг 60 дан ортиқ давлатларини боғлайдиган янги савдо йўллари. Хитой томонидан илгари сурилган халқаро ташаббус бўлиб, транспорт ва иқтисодий йўлақларни такомиллаштиришга ва ушбу давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган.

Европа Иттифоқи – Европанинг 28 давлатининг иқтисодий ва сиёсий бирлашмаси. Минтақавий интеграцияни кўзлаган ҳолда, бирлашма қонуний равишда 1992 йилда Маастрихт шартномасида тасдиқланган ва 1993 йил 1 ноябрда кучга кирган.

Жаҳон банки – ривожланаётган мамлакатларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатишни ташкил этиш мақсадида ташкил этилган халқаро молиявий ташкилотдир. Жаҳон банки 1944 йилда АҚШда бўлиб ўтган Бреттон-Вудс конференциясидан сўнг ташкил этилган (Халқаро валюта жамғармаси билан биргалиқда) йирик молиявий ташкилотлардан биридир. 1992 йил сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкининг тўлақонли аъзоси.

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) – 1995 йилдан бери амал қилган Тарифлар ва савдо тўғрисидаги умумий битимга (ГАТТ, 1947 йилда имзоланган) давомчисидир. ЖСТнинг муҳим вазифаси импорт божларини доимий равишда пасайтириш ва турли хил тарифсиз тўсиқларни бартараф этиш ҳисобига жаҳон савдосини эркинлаштиришдир.

Зиёрат туризми – муқаддас жойларда амалга ошириладиган диний туризмнинг бир тури.

Иқтисодий дипломатия – иқтисодий усуллар ва мамлакатнинг иқтисодий имкониятларидан фойдаланган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатларда миллий манфаатларнинг илгари сурилиши.

Импорт – ички бозорда сотиш учун чет эл товарлари, хизматлари, капиталлари ва технологиялари мамлакатга олиб кириш.



ИХТ (Ислом ҳамкорлик ташкилоти) – 1969 йил 25 сентябрда Рабатда ўтказилган мусулмон давлатлари раҳбарларининг конференциясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда исломий бирдамликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот. 2011 йилгача Ислом конференцияси ташкилоти деб номланган. Ҳозирда аҳолиси 1,5 миллиардга яқин бўлган 57 та давлатни бирлаштиради.

Мамлакат имижига – бу оммавий онгда ривожланган ва стереотип характериға эға бўлган ва одамларда ўз тажрибаси ва турли манбалардан олинган маълумот асосида шакллантирилган мамлакат ҳақидаги рационал ва ҳиссий ғояларнинг комбинацияси.

Минтақалараро муносабатлар – икки ёки ундан ортиқ давлатнинг минтақалари ўртасида сиёсий, иқтисодий, тижорат ва сайёҳлик алоқаларининг ўрнатилиши.

МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) – бу собиқ СССР таркибига кирган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини тартибга солишга қаратилган халқаро ташкилот. МДҲга аъзолик ихтиёрий равишда амалга оширилади.

МОИҲ (Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, 1998 йил июлгача – Марказий Осиё иттифоқи деб номланган) – Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий иттифоқ (1993) ва ягона иқтисодий макон (1994) тўғрисидаги битимлар асосида тузилган. 1998 йил март ойида Тожикистон ушбу ассоциацияга қўшилди.

НАТО (Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти, Шимолий Атлантика Иттифоқи) – бу Европа, АҚШ ва Канаданинг аксарият давлатларини бирлаштирган ҳарбий-сиёсий блок. У Европани Совет таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида 1949 йил 4 апрелда АҚШда ташкил этилган. Ташкилот «аъзо давлатлар»нинг ҳаётий манфаатларига, шу жумладан уларнинг хавфсизлигига хавф соладиган ҳар қандай масалалар бўйича маслаҳатлашувлари учун «трансатлантик форум» ҳисобланади. Ҳозирги кунда 29 мамлакат НАТО аъзосидир. Бугунги кунда НАТОга аъзо барча мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари дунё умумий харажатларининг 70 фоизини ташкил қилади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК)— минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун Осиё давлатларининг муносабатлари ва ҳамкорлигини кучайтириш вазифасини қўйган Осиё қитъаси давлатларини бирлаштирадиган халқаро форум. Бугунги кунда форумда 27 та давлат қатнашмоқда.

Ташқи савдо – товарлар ва хизматлар экспорти ва импортидан иборат бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдо.

Ташқи иқтисодий сиёсат – бу товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти, божхона божлари ҳамда тарифлари, чет эл сармоясини ва капитални жалб қилиш, ташқи кредитлар, қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш соҳасидаги давлат сиёсати.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) – бу саноат, тижорат ва бошқа корхоналарга узоқ муддатли чет эл инвестициялари бўлиб, инвесторнинг улар устидан тўлиқ назоратини таъминлайди.

ХВЖ (Халқаро валюта жамғармаси) – халқаро молиявий ҳамкорлик ва пул-молия соҳасидаги халқаро барқарорликни ривожлантириш учун ташкил қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ихтисослашган муассасаси. 189 та мамлакат ХВЖ аъзоси ҳисобланади. 1992 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта жамғармасига аъзо бўлди. 1993 йил сентябрдан Ўзбекистонда ХВЖ ваколатхонаси иш бошлади.

Халқаро ташкилот – шартномада кўрсатилган халқаро муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашиш мақсадида халқаро шартнома асосида тузилган ҳукуматлараро ёки ноҳукумат характеридаги доимий бирлашма.



6-жилд. Ўзбекистон тарихи

Халқ дипломатияси – давлатнинг халқаро жамоатчилик алоқаларини кенгайтиришга қаратилган давлат ва нодавлат ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти.

ШХТ (Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти) – 2001 йилда Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан ташкил этилган халқаро ташкилот. 2015 йил 10 июлда Ҳиндистон ва Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш жараёни бошланиши эълон қилинди. 2017 йил 9 июнда Ҳиндистон ва Покистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тўла аъзолигига қабул қилинди. Ташкилотнинг асосий вазифалари аъзо давлатларни бирлаштирган кенг мақонда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафикка қарши кураш, иқтисодий ҳамкорликни, энергетик шериклик, илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Чегарани демаркация қилиш – (инглиз тилида *demarcation* «чегаралаш») делимитация шартномаларига ва уларга бириктирилган хариталар ва тавсифларга мувофиқ жойларда давлат чегарасини белгилаш ва ўрнатиш.

Чегарани делимитация қилиш – (лотинча *delimitatio* «белги») давлат чегара чизигини келишилган ҳолда тасдиқлаш, одатда кенг миқёсли хариталарда амалга ошириладиган, рельеф, гидрография ва аҳоли турар-жой объектларининг батафсил тасвири билан амалга оширилади.

Экспорт – ташқи бозорларда сотиш учун товарлар, хизматлар ва капитални чет элга олиб чиқиш.

Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) – ташқи савдо, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун яратилган миллий ва хорижий тадбиркорлар учун имтиёзли иқтисодий шароитларга эга бўлган маълум бир ҳудуд. Бу ҳудуд қолган ҳудудларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий мақомга эга.





6-жилд. Ўзбекистон тарихи

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИ

(ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАР ДАН
ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)

6-жилд